

*Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти  
Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи*

**МУҲАММАД МУСТАЎИДХОН  
СОҚИЙ**

**БОБУРИЙ ПОДШОҲ  
АВРАНГЗЕБ**

***Маъосири Оламгирий***

*(Оламгирнинг хайрли ишлари)*

**(1658-1707 йиллар тарихи)**



Тошкент 2013

НАШРИЙ АТТИ

УДК: 94(575) (092) Аврангзеб

КБК: 63.3(5Ў)4

С-84

У.Б. Раҳимов

Азиз ватандошимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур тақдир тақозоси билан Ҳинд юртида улуг бир салтанат қурди. Бу салтанат тарихга унинг асосчиси номи билан “Бобурийлар давлати” бўлиб кирди. Бобурий ҳукмдорларнинг энг узоқ (тўқсон бир ёш) умр кўрган ва ҳаётининг охириги дақиқаларигача (ярим асрдан кўпроқ) подшоҳликни бошқарган вакили – сулоланинг бешинчи бўғини Аврангзеб Оламгир бўлган. Шунга қарамасдан, маълум сабабларга кўра, унинг бу баракали умри ва подшоҳлик даври, Ҳиндистон тарихининг шу боби фанимизда жуда кам ёритилган.

Мана, мухтарам ўқувчи, қўлингизда у зотнинг ҳаётини ёнгинасида юриб кузатган, ҳар қадами ва ҳар ишига шахсан гувоҳ бўлган бир инсоннинг хотира китоби. Ушбу китобда битилганлар Фарбда «Буюк Мўғуллар империяси» номини олган Бобурийлар давлати ва бу салтанат таркибига кирган мамлакатлар тарихини, уларнинг кейинги тараққиётига таъсир кўрсатган омилларни тўлиқ тушунишига ёрдам бериши шубҳасиз.

### Соқий, Муҳаммад Мустаъидхон

Бобурий подшоҳ Аврангзеб. Маъосири Оламгирий (Оламгирнинг хайрли ишлари) (1658–1707) Муҳаммад Мустаъидхон Соқий; форс тилидан таржима, лугат ва изоҳлар муаллифи Илёс Низомиддинов; махсус муҳаррир Фулом Каримий. – Тошкент: «Movarounnahr», 2012. – 448 б.

Форс тилидан таржима, лугат ва изоҳлар муаллифи:

тарих фанлари доктори, профессор


Илёс НИЗОМИДДИНОВ

(Аллоҳ таоло раҳматига олсин)

Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи:

филология фанлари доктори, профессор

Нажмиддин НИЗОМИДДИНОВ



УДК: 94(575) (092) Аврангзеб  
КБК: 63.3(5Ў)4

ISBN 978-9943-12-195-9

© “Movarounnahr” нашриёти, 2013  
© Нажмиддин Низомиддинов

## СЎЗБОШИ

Ўзбек – хинд алоқалари илгаридан давом этиб келаётган воқелик. Бу анъаналарни ривожлантиришда ўтмиш алломалар баракали фаолият кўрсатганлар. Кейинги замонларда ушбу алоқалар турли йўналишларда янаям кучайди. Масалан, «Бобурнома»нинг янги таҳрирда чоп этилиши, Муҳаммад Ҳайдар мирзонинг «Тарихи Рашидий» асари таржима қилиниши, «XV–XIX аср Ҳиндистон туркий тили ва адабиёти» рисоласининг яратилиши, хинд ва урду тиллари луғатларининг тузилиши диёримизда хиндшунослик бобида амалга оширилаётган илмий-ижодий изланишларнинг бир қисми, холос.

Муҳаммад Мустаъидхон Сокий каламига мансуб «Маъосири Оламгирий» – «Оламгирнинг хайрли ишлари» асари ҳам ўтмиш тарихимиз илдиэларига тааллуқли муҳим манбалар сирасидандир. Бу асар форсийдан она тилимизга илк бор таржима қилингани ҳам улуг бир иш бўлди. Буюк аجدодларимиз ва уларнинг зурриётлари тақдир такозоси билан турли чет юртларда, хусусан, Ҳиндистонда яшаб ижод қилганлари, давлатчилик ишларини юритганлари, табиий, халқимиз эътиборига лойиқ ходиса. Шундай экан, бобурийларнинг бешинчи авлоди бўлган Аврангзебнинг ҳукмронлик даврида кечган ижтимоий-сиёсий ҳаётни ҳам имкон қадар тўлиқ билиш ушбу сулола тарихини тўғри тасаввур этиш ва ўрганишда, шубҳасиз, катта илмий аҳамиятга эга.

Шаханшоҳ Аврангзеб Оламгирнинг шахсий ҳаёти ва давлатчилик фаолиятидаги аждодлар тутган йўлга нисбатан бирмунча ўзига хос жиҳатлар ҳақида жаҳон фанида хозиргача оз бўлса-да, турли фикр-мулоҳазалар билдириб келинади.

Албатта, бу нуктаи назарларни ҳар ким ўз билим даражаси, эътиқоди ва ҳеч шубҳасиз, мурод-мақсадидан келиб чиқиб ифодалайди.

Ғарб тарихчиларидан Персивал Спиарнинг «Ҳиндистоннинг қисқача тарихи» китобида Аврангзеб ҳукмронлиги диний, ижтимоий ва сиёсий масалаларда бобурийлар сулоласининг дастлабки вакилларида фарқланиши нисбатан ҳолис баҳоланиб, бу жиҳатлари Оламгирнинг давлатчилик соҳасидаги бой тажрибаси натижаси сифатида таърифланган:

“У ўздан кейин салтанат чегараларини тахтни эгаллаган вақтидагидан анча кенгайтириб қолдириб кетди. Унинг тахтни қўлга ки-

ритишдаги фожиалар бошқаларникидан кўп ҳам, кам ҳам эмасди. У ўз фаолиятида каттиққўллиги билан эмас, балки давлатни бошқариш ишларида тажрибалилиги ва самарадорлиги билан муваффақият қозонган. Ҳеч қачон кераксиз ерда қон тўкмаган, отасини ҳам аслида тутқунликда эмас, балки унинг тахтига кўз олайтирганлардан четда сақлаган. Тахт соҳиби забардаст подшоҳ эканини амалда исботлаб, то дунёдан кўз юмгунича қуч-қувватини йўқотмаган. Унда фақатгина ота-боболарида бўлган жозиба етишмас эди, холос. Қундалик шахсий ҳаётида у буюқ аждодларига нисбатан оддий ва дарвешона ҳаёт тарзи билан ажралиб турарди. Унинг ҳиндларга бўлган муомала-муносабати, албатта, Акбарнинг мурасасозлигидан фарқ қиларди...»<sup>1</sup>

Муаллиф ушбу воқеаномада келтиришича, бир нарса ҳақиқат: Аврангзеб сарой белгиланган фуқаролик масъулиятига парво қилмаган ёхуд норози бўлган ҳиндларга қарши чора-тадбир ва жазоларни белгиланган чек-чегаралар доирасида қўллаган. Бунинг ишончли исбот-далили: биринчидан, марказдан узоқ вилоятлардагина эмас, балки бевосита саройнинг ўзида ҳам кўплаб ҳинд мансабдорлари хизмат қилган, бу соҳада миллий-этник ёки этникодий масала умуман қун тартибига чиқмаган. Иккинчидан, амалдорлар орасида давлат сиёсати билан келишмаслик кайфиятида бирон исёнкор жамоа кўзғолонига бош қўшган кишилар ҳам чиқиб қолса, мағлубиятга учрагач, инсофга келиб айбини бўйнига олганларининг деярли барчаси кечирилган ва яна ўз мансаб-мартабаларига тикланган. Бундай мисоллар асарда жуда кўп. Ҳатто тавбасига таянмай, подшоҳлик аскарлари билан сўнгги нафасигача жанг қилиб ҳалок бўлган сарой ёки суба<sup>2</sup> (вилоят)нинг собиқ ҳинд мансабдорлари ёки мухолифларининг оила аъзолари асло жабр тортмаган. Аксинча, уларни давлат гамхўрлик қаноти остига олиб, тегишли маош ва бошқа турдаги моддий эҳтиёжлар билан таъминлаган ҳамда юксак унвону мартабаларга мушарраф этган.

Аврангзебнинг бу каби марҳаматларини унинг мураса билмас ашаддий душмани рожа Сабанҳонинг ўзи, зурриётлари, укалари тақдирида яққол кўриш мумкин:

Китобда, жумладан, бундай баён қилинади:

«Сабанҳо қўлга туширилмасидан олдин Эътикодохонга ёвузнинг ватани ва гўри (бўлмиш) Роҳири қалъасини босиб олишга руҳсат қилинган эди, ушбу зафармазмун йилнинг ўн бешинчи муҳаррам (ой) ида мазкур қалъа давлат волийлари тасарруфига киритилди. Ва у паст

<sup>1</sup> Percival Spear. A short history of India. Penguin books. 1990, p. 55.

<sup>2</sup> Ҳиндистоннинг ўша даврдаги ижтимоий-сиёсий тарихига доир айри сўзларнинг изоҳли лугати китоб охирида берилмоқда. Асарда учрайдиган потаниш сўзлар ўша замонларда мамлакат ҳаёти низоҳтда кўп тилли асосга ҳурлиганининг ифодаси бўлиб, бугун улардан баъзилари қандай маъно аниқлашнинг аниқлаш қатта қийинчилик туғдиради. Шу босқ умумий мазмунни аниқлашга ҳалал бермаслиги нуктаи назаридан уларни ўз қолича келтирдик. – Таржумон.

ҳамда номи ҳам чиқмаган хонадоннинг барча хотин-қизлари, ўғиллари ва ул лаънатининг қувилган укаси Роно асирга тушдилар...

Ғарибпарвар ва ожизнавоз хоқоннинг ҳукми чиқдики, Сабанхонинг онаси, Сивонинг хотинига ва ул жаҳаннаммаконга тегишли кишиларга хазинадан эҳтиёжларига яраша таъминот белгиланиб, ҳар бир киши йиллик маош (тайинланиши) билан эъозланди. Сабанхонинг тўққиз ёшли катта ўғли Соҳу етти мингчи, етти минг суворли мансаб, рожалик хитобига сарафроз этилиши ҳамда хилъат, олтин суви юритилган жамдхар, от, фил, ноғора ва байроқ (иноят қилиниши) билан барча рожалар орасида иззат байроғини баланд кўтарди. Унинг укалари Надр Сингх (Бади Сингх) ва Удху Сингх мансаб ва илтифотлар билан эъозланиб, (уларга) навозишлар кўрсатилди. “Улар ўз она ва бувилари ҳузурида бўлсинлар”, деган ҳукм чиқди».

Асар мазмунидан олинадиган таассуротларга олдиндан таъсир кўрсатиб қўймаслик мақсадида унинг батафсил таҳлилини мухтарам китобхонларимизнинг ўзларига қолдириб турамиз. Ҳали синчков тадқиқотчилар, миллатимизнинг бой тарихига кизикувчи кишилар унда баён этилган воқеа-ҳодисалар, исму номлар шодаларининг мағзини чақиб, атрофлича фикр-мулоҳаза юритиб, олам-олам маъно топишларига аминмиз.

Энди бевосита асарнинг ёзилиш тарихи, муаллифи ҳақида қисқача тўхталсак.

Шоҳ Аврангзеб вафотидан кейин унинг ҳукмдорлигининг ўн йиллиги Мирза Муҳаммад Козимнинг “Оламгирнома” рисоласида акс эттирилиб, қолган қирк йили бирон-бир шаклда мунтазам ифодасини топмаганлиги сезилиб қолади. Шунга кўра, Аврангзебнинг яқин муридларидан бўлган Иноятуллоҳхон Аврангзебнинг ўғли Баҳодиршоҳ тахтга ўтиргач, воқеанавис Муҳаммад Мустаъидхон Соқийга бу тарихга тугаллик бағишлашни таклиф қилади. Дастлаб камтарлик юзасидан бундай масъулиятли ишни уйдлашига шубҳа билдирган Муҳаммад Соқий, воқеа-ҳодисалар иштирокчиларининг ёрдами уюштирилган тақдирда бу ишга киришиши мумкинлигини билдиради. Воқеанавис ўрни-ўрнида “...ушбу сатрлар муаллифи...” жумласи билан ўзи ҳам ўша “қозонда қайнаган”ини билдириб туради. Шу жиҳатдан асар бевосита гувоҳлар ёрдамида ва уларнинг бири томонидан нуктадонлик билан ёзилган ишончли манба дейишга асос бўла олади.

Умуман, ҳамма одам, хоссатан ҳукмдорлар шахсиятида тўпланган сифатлар фаолиятларида ҳам бўртиб кўринади. Шу жиҳатдан қараганда, муаллиф асарининг охириги бобларидан бирини “Одилликда комил ҳоким, зўр олимнинг лутф-карамлилиқ хислатлари, ажойиб ва

мақтовга сазовор марҳаматли сифатлари баёни” деб номлаб, унда Аврангзеб Оламгир шахсиятига кенг ва атрофлича таъриф-тавсиф беради. Мана ундан кичик бир лавҳа:

“(Онҳазрат) саодаттаъблик тақозоси билан динни ривожлантиришда камоли қатъиятлик хислатига молик эдилар. Ислом (дини)-нинг беш биниси омилкори Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ҳаниф мазҳабини жорий этдилар ва мустаҳкамладилар. Таҳорат сувидан ажралмас, ширинсухан ҳамда бошқа вақтда иш ва саломлашиш борасида майинсўз эдилар. Фарз намозни масжидда, масжид бўлмаган жойда жамоа ва барча суннатлари билан ҳамда навофил, мустаҳабларни итоаткорлик ва бўйсунган ҳолда адо этардилар. Ой ва қуёш ҳисобидаги кўп кунларда ҳамда ҳафтанинг пайшанба, душанба ва жума кунларида рўза тутиб, жума намозини жоме масжидида барча мусулмонлар ва умуммўминлар билан биргаликда ўқирдилар. Муқаддас кечаларда тунни бедорликда ўтказиб, Аллоҳнинг дин ва давлат равнақини орттирувчи файз нуридан баҳраманд бўлардилар. Ниҳоятда ҳақиқатпарастлик юзасидан кечалари давлатхона масжидининг мақсурасида (энг муқаддас ерида) Аллоҳ аҳллари билан суҳбатда бўлардилар...”

Шоҳ Аврангзеб Оламгирнинг ҳукмдорлик фаолияти қандай баҳолашидани катъи назар, бунда ҳеч ким инкор қила олмайдиган, тан олмасликнинг ҳеч иложи бўлмаган улуғ ҳақиқатлар мужассамдир.

Биринчидан, ул зот айни ҳартомонлама куч-қувватга тўлган кирчиллама кирк ёшида ўша даврдаги Ҳиндистондек бепоён, ниҳоятда мураккаб мамлакатда салтанат тахтига ўтириб, тўксон ёшдан ошганича фаол, собитқадам, қатъий сиёсат олиб бора олди. Шунинг ўзиёқ дунё тарихидаги ноёб воқеалардандир.

Иккинчидан, у бобурийлар ҳукмронлиги тарихининг ўрта қисмида ҳокимиятга келиб, юкорида ғарблик мутахассис ва бошқа билимдонлар эътироф этганларидек, ота-боболари асос солган салтанат ҳудудларини анча кенгайтириб қолдирди. Шу улкан подшоҳликнинг халқаро алоқаларини, айниқса, Марказий Осиё мамлакатлари, бутун мусулмон дунёси билан ўзаро муносабатларини мустаҳкамлаш борасида қатта ишларни амалга оширди.

Учинчидан, Ислом дини ривожини, барча мусулмонлар бирдамлиги, яқдиллиги борасида жон куйдираркан, бунга бевосита хизмат қилувчи ягона қўлланма яратилишига бош бўлиб, бу хайрли ишга ҳисса қўшиши мумкин бўлган етук уламоларга барча зарур шарт-шароитларни муҳайё қилиб қўйди. Бунинг ажойиб самараси ўларок, «Фатовойи Оламгирия» (ёки «Фатовойи Ҳиндия») китоби ҳозиргача ҳанафий мазҳаби бўйича бутун дунё мусулмонлари учун энг обрўли фикхий асарлардан бири сифатида хизмат қилиб келмоқда.

Бундан ташқари, Оламгир мусулмонларнинг Маккаи муқаррама ва Мадинаи мунаввара каби муқаддас шаҳарлари, бошқа табаррук марказларини доимо қўллаб-қувватлаб турди. Ўша даврларда салтанат дунё мусулмонларининг ишончли таянчларидан бири бўлиб хизмат қилди. Аврангзеб ва авлодлари жонажон туркий тил ўзга мухитда ҳаётбахш манбаларидан маҳрум бўлмасдан, ривожланишда давом этиши тўғрисида қайғургани ҳам маълум.

Шу саъй-ҳаракатлари ва исён ўчоқларини бартараф қилиши тўғрисида мамлакат яхлитлиги ва осойишталигини таъминлашга эришди. Унга бобомерос салтанат ўзидан кейин яна юз эллик йил мобайнида, то чет кучлар ваҳшиёна зўравонлик билан барбод қилгунларича, эътиқоди ва миллий хусусиятларини сақлаган ҳолда иқтидорда бўлиб туришига муҳим замин яратиб кетди. Охир-оқибатда, буларнинг бари ўша пайтда салтанат таркибига кирган, ҳозир эса ҳар қайсиси мустакил йўлидан кетаётган бир неча мамлакатнинг кейинги тараққиётига сезиларли таъсир кўрсатгани ҳам аниқ ҳақиқат.

Энди форс тилида битилган асарнинг ўзбек тилига ушбу таржимаси ҳақида шукроналик нуқтаи назаридан бир-икки оғиз маълумот бериб ўтишни ўзимизга лозим деб билдик.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида чорак асрдан кўпроқ ишлаган ака-миз – тарих фанлари доктори, профессор Илёсиддин Низомиддинов 1987 йили тўсатдан вафот этганида ундан қолган охириги илмий ва таржима асарлар бизга маълум эмасди. Чамаси ўн йилча ўтгач, Академия президиумида бўладиган умумий мажлислардан бири олдидан тарих фанлари номзоди Турғун ака Азизов менга Шарқшунослик институтининг собиқ бўлим бошлиғи Илёс Ҳошимов кўлида акамининг қандайдир иши қолиб кетгани ҳақида гапириб қолди. Мен хонаси келганда суриштириб биларман, деган ниятда масалани ортиқча ойдинлаштириб ўтирмадим.

Кейин эшитсам, Илёс Ҳошимов домла касал эканлар. Шу аҳволда атайин уйларига бориб, ўша иш ҳақида суриштиришга истиҳола қилдим... Хуллас, шу тарзда яна йиллар ўтиб, домла вафотидан кейин акамининг ўша ишларини унутиб юборгандек ҳам бўлди. Бирок тақдир тақозосими ёки бахтли тавофикми, 2010 йили институтнинг “Ҳиндистон бўлими” мудири, тарих фанлари номзоди Бахтиёр Турсунов “Маъосири Оламгирий” асари таржимасининг олдин биринчи, сал кейинроқ, иккинчи жилдини қўлимга тутқазиб, ушбу иш нусхасининг қандай топилганини сўзлаб берди. Шу пайтдан эътиборан акамиздан ёдгорлик бўлиб қолган бу ажойиб ишни рўёбга чиқариш устида саъй-ҳаракат қилишни ўз бурчим деб билдим. Бу борада менга уни асарнинг

Шаркшунослик институти хазинасида сақланаётган қўлёзмаси билан солиштириб, таҳрир ишларини олиб бориш учун шароит яратиб, фойдали маслаҳатлар берган тарих фанлари доктори, институт директори Баҳром Абдуҳалимов, тарих фанлари номзоди Бобохон Қосимхонов, айниқса, махсус киёсий таҳрир ишида билимдон мутахассис, катта илмий ходим Ғулом Карим мислсиз амалий ёрдам кўрсатишди. Иш жараёнида улар тиллар хазинаси бўлган Ҳиндистоннинг ўн еттинчи асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаётини ёритувчи бу асар айниқса тил ва услуб жиҳатидан ниҳоятда мураккаблигига қарамадан, таржимон уни она тилимизга муваффақиятли ўгира олганини эътироф этишди. Бу эътироф бежиз эмасди. Чунки асарда қаламга олинган ижтимоий-сиёсий, маданий муҳит Илёс акамиз нисбатан қисқа, лекин сермазмун умрини бағишлаган мавзу бўлган. У киши ҳар доим Ўзбекистоннинг Ҳиндистон ва унга қўшни мамлакатлар билан қадимий ҳартарафлама алоқаларини, таниқли ватандошларимизнинг ўша юртларда амалга оширган фаолиятларини тадқиқ этиб келган эди. Илмга чанқоқ ёшлардан ҳисобланган акамиз ўтган асрнинг 50-йилларида Москвада аспирантурада ўша даврнинг энг долзарб “Сейстон масаласи” мавзуида номзодлик илмий ишини ёқлаб қайтгач, ўзбек хонликларининг Бобурийлар давлати билан ўзаро алоқалари тарихини ўрганишга шўнғиб кетдилар. Натижада бевосита ва билвосита шунга алоқадор мавзуларда китоблар, рисоалар нашр эттирдилар. Жумладан, ушбу таржима устида иш олиб бордилар. Ниҳоят, 1981 йили “XVI асрнинг иккинчи ярми – XVII асрнинг биринчи ярмида Бухоро хонлиги ва Бобурийлар давлатининг ўзаро савдо, иқтисодий, сиёсий-дипломатик муносабатлари” мавзуида докторлик диссертациясини ёқладилар. Дарвоқе, акамиз ўз интилишлари билан каминага ибрат кўрсатиб, изларидан боришимга сабабчи бўлдилар.

Миллатимиз тарихи учун ниҳоятда муҳим ва қизиқарли бўлган бу манба таржимасини нашрга тайёрлашда ёрдам берган барчага таржимоннинг оила аъзолари номидан чин юракдан миннатдорлик билдирамыз.

**Нажмиддин НИЗОМИДДИНОВ,**  
*филология фанлари доктори*





# Маъосири Оламгирий

Оламгирнинг хайрли ишлари



«...Моликул-мулк Онҳазрат бизнинг олий ҳикматимизни рубъи маскун (ер юзи) фармонфармолигининг фармони этди ва қаердаки золимдан мазлумларга зулм етса, у адолатсизлик борасида бизларга шикоят қилишдан умидвор ва (ул зот) албатта додига етади. Дунёнинг баъзи бахтсиз воқеалари баробарида бирон-бир шахсга бизнинг қўлимиздан зулм етганича йўқ ва ҳанузгача (шундай) вақт келмадики, биз (мазлумни учратиб, уни зулмдан) халос қилмайлик, Худо даргоҳига бу (каби) хабар (ҳали) бориб етмаган бўлса керак. Умидвор бўлмоқ лозимдирки, биз умид йўлини кесмаймиз, (ҳеч ким биздан) Худога нола қилмайди. Акс ҳолда, бизга қочгани жой топилмас».

## МУҚАДДИМА

*Тангри лутф қилсин. Раҳмли ва меҳрибон  
Тангри номи билан. Оқибати хайрли бўлсин.*

Инсу жиннинг ижоди саҳифаларининг қисқа баёни ва олам кашф этилишининг ажойиб мазмуни ёлғиз Яратгучига бўлган ҳамдан иборатки, У анбиёларнинг бошдан-оёқ мустаҳкам истикоматларини, ҳидоят хилъати ҳамда залолат водийида адашганларга ихтидо (тўғри йўлдан бориш) ва итоатнинг шоҳ йўлини кўрсатувчи хилъат (тўғри йўлдан бориш ҳашамати) билан ораста этди. Бу кароматшукух гуруҳ орасида хотами расул, (ҳақ) йўл бошчиси, сув ва тупроқ тириклиги, жон ва дил хулосаси, олам ва Одам кашф этилиши сабабчиси Ҳазрат Муҳаммад Мустафони (соллалоҳу алайҳи ва алиҳи ва асҳабиҳи ва саллам) (Тангри) абадий сарварлик ва ҳамма (пайғамбарлар) орасида пешволик билан азиз ва мумтоз этди. Фард:

*Қандай ажойиб номки, бу борлиқ девонда  
Ҳеч бир ном унга келолмайди тенг<sup>3</sup>.*

Ва (Тангри) иқтидорли султонларни ислом дини тараккий топган давлат саройини барпо қилиш ҳамда куфр ва зулмга асосланган бадбахтликни кўпориб ташлаш ишига номзод этди. Ва (Тангри) бу файз нуруни таратувчи жамоа орасида пешволик ва сарафрозликнинг чароғон қуёши, иш ва ҳаракатни танлаган Оламгир ғозий подшоҳни (19а) шон-шуҳрат ва улуғлик тахтининг равнақини кучайтирувчи қилди. Фард:

*Қандай ажойиб шоҳким, иқболи юксакдир,  
Бошига тож (аввалги) подшоҳлардан ўтган.*

Сўнги сўз шуки, Муҳаммад Соқий қоғозларда сочилиб ётган маълумотларни бир жилдга йиғиб, ўзининг «Маъосири Оламгирӣ» («Оламгирнинг хайрли ишлари») нигори (тасвири)ни тарҳ

<sup>3</sup>Шеърӣ парчалар мазмуни мутаржининг сўзма-сўз таржимасида берилмоқда. – Таҳририят.

этди, (бунда) қирк йиллик воқеаларни таҳрир тизмасига келтирди. Агар Мирза Муҳаммад Козимнинг ўн йиллик (воқеаларни) ўз ичига олган нафис маъни ва лафзлардан назм қилинган китоби ва мазмуни жиҳатидан ниҳоятда кадрли таснифи – «Оламгирнома»нинг интихоби ҳам ушбу саҳифаларда сўзбоши сифатида берилса, у ҳолда бу билан эллик йиллик воқеаларни кузатиш ишига ўнғайлик туғдирилган бўлади.

Улуғ ва қудратли Тангрига шукрлар бўлсин, умр вафо қилди ва вақт лутф кўрсатди: зарур муқаддиманинг ёзилиши кўнгил хоҳлаган тарзда амалга ошди. «Албатта, биз Аллоҳнинг ихтиёридамиз ва албатта, биз Унинг ҳузурига қайтувчилармиз» (Баҳара, 156).

*Олий жулус (тахтга ўтириш маросими)дан аввал абадий салтанат нурларининг балқилиши ҳамда иқболи жаҳонга шайқалликнинг ундан кейинги ўн йиллик маълумотларини ўз ичига олган ажойиб воқеалар зикри*

Абадий Ишбоши (Тангри) кўҳна жаҳонни қайтадан обод қилиш билан унга адолат, раванк бахш этишни хоҳлаган экан, давр келтириб чиқарган ҳар бир ходиса бул сулаймоншавкатлининг жаҳонни ораста этиш раъй-хоҳишига қаратилгандир. Бу воқеалар мазмуни шундан иборатки, бир минг олтмиш еттинчи хижрий йили ўн еттинчи зулҳижжада дорул-хилофат (196) Шоҳжаҳонободда соҳибкирони соний Шоҳ Жаҳон ғозий подшоҳ табиатида (бас, бундан сўнг «Олий ҳазрат» номи билан аталадилар), шундай касаллик вужудга келдики, (натижада ул зот) жаҳонбонлик – подшоҳлик ишларидан узоклашдилар. Ва Олий ҳазратнинг катта ўғли Доро Шуқуҳ фурсатни ғанимат билиб, атроф-чегараларга хабар бериш йўлини тўсиб қўйди ва шу сабабдан мамлакатга катта халалликлар етди.

Олий ҳазратнинг Гужарот субадори<sup>4</sup> бўлган тўртинчи ўғли Мурод Бахш (у ерда) тахтга чиқди. Олий ҳазратнинг иккинчи ўғли Шоҳ Шужо ҳам Банголада шундай йўлни тутишни ўзига эп қўриб, Патна устига лашкар тортиди.

Доро Шуқуҳ давр ҳоконининг иқболи қудратидан хавф-хатарда бўлганидан Олий ҳазратнинг таъби носоғлик вақтида бундан абадий саодатманд бўлиб қолишга уринди ва турли хил усталикларни ишга

<sup>4</sup> Гап Аврангзебнинг отаси – Бобурийлар салтанатини 1627–1658 йилларида бошқарган подшоҳ Шоҳ Жаҳон ҳақида кетапти.

солиб, мамлакат паноҳи (саналган) шаҳаншоҳ жилови хизмагидаги аскарларни хузурига чақирди. (Доро Шукух) Олий ҳазрат ҳаётлик давридаёқ (уларнинг) қўллаб-қувватлаши билан Шоҳ Шужо ва Мурод Бахшлар ишини тугатиш ва сўнг хотиржамлик билан Декан ҳамда Аллоҳ танлаган зотнинг<sup>5</sup> ишлари юзасидан (лозим бўлган) тадбирларни амалга ошириш андишасида Онҳазратни айни кассаллиги кучайганида Ахбарободга келтирди ҳамда Рожа Жай Сингхни подшоҳлик аскарларига, катта ўғли Сулаймон Шукухни ўз сипоҳларига сардор этиб, Шоҳ Шужо устига юриш қилишга тайинлади.

(Айни) шу кунлари Жусунат Сингхга «маҳарожа» хитоби (унвони) берилди. (Чунки) Жусунат Сингхнинг Олий ҳазрат шонли волидасига қон-қариндошлик томони бўлиб, у шу жиҳатдан хийла эътиборга эга эди. Ва Ҳиндистоннинг ул бош рожаси кўпдан-кўп (20а) лашкарлар билан Деканга борадиган бош йўл – Молва томонга юборилди; бундан мақсад унинг (йўлда) тўсик бўлиб туриши эди. Қосимхонни эса (Доро Шукух) Маҳарожа билан Учига бориб, агар аҳвол тақозо қилса, (биргаликда) Мурод Бахшни даф қилишга уриниб кўриши учун алоҳида бошқа лашкарга белгилади.

Доро Шукухнинг мамлакатни бўлиб юборишдан абадий бахтиёрликка интилиши Олий ҳазратнинг раъйида ўзгача тус олди. Сарой вакили Исобекнинг айбини аниқламаган ҳолда қамаб, барча мол-мулкни тортиб олишга фармон берилди. (Лекин) бир қанча вақт ўтгач, бу иш беҳуда эканини тушуниб, уни озод қилдилар. Доро Шукухнинг ноҳўя ишлари Ислоом ҳокони қаҳру ғазабининг кучайишига сабаб бўлди. Доро Шукухнинг таъби-ҳоҳиши ҳинд урф-одатларини ёйиш ва динсизлик ҳамда куфр йўлини ёритишдан иборат эди. Шу боис дин ва давлат номусини сақлаб қолишни ўзларига вожиб билган (Аврангзеб) Олий ҳазрат мулозаматига киришда Мурод Бахшни ҳам олиб боришга қарор қилдилар.

Гарчи (Мурод Бахшнинг) олдинги ҳаракатлари жоҳилона бўлган эса-да, шу аснода хисравона илтифот этагига (афв этишга) илтимосини йўллаган эди. Шундай эҳтимол этилдики, Жусунат Сингх ва Қосимхонлар келиб жанг қиладилар. (Аврангзеб) эҳтиёткорлик тақозоси билан жангу жадал қуроқларини тўплаб, бир минг олти миш саккизинчи ҳижрий йили жумодул аввалнинг бошларида Аврангбоддан Бурхонпур томон йўлга чиқдилар ва мазкур ойнанинг йигирма бешида ташриф сояларини Бурхонпур шаҳрига солдилар. Олий ҳазрат у ердан (ул жаноб-

<sup>5</sup> Аврангзеб назарда тутилган.

ни ўз) хизматида кўриш истаги мазмунидаги арзни юбордилар (206). Аммо бир ой давомида жавоб бўлмади ва (аксинча) ёмон хабар етиб келди. Доро Шукухнинг куткуси билан Жусунат Сингх жасорат касб этди.

Жумодул охирнинг йигирма беши, шанба куни байроқлар мустақирул-хилофат Акбаробод томон кўтарилди ва йигирма биринчи ражабда Диволпурдан ўтилди, йўлда Аҳмадободдан қаъбаи давлатга хиром этган Мурод Бахш мулозаматга кирди. Ва (Аврангзеб) Учидан етти курух<sup>6</sup> масофада жойлашган Дихриётпур мавзеига етиб келдилар. Бу мавзеда эса Жусунат Сингх ва Қосимхонлар қарама-қарши томондан келиб, бир курух узоқликда юзма-юз жойлашган эдилар. Ул қора ниятли ёвуз (Жусунат Сингх) хаддидан ошиб, уруш бошлади. Подшоҳона ғайрат вужуди ҳаракатга келиб, (Аврангзеб) муборак жума куни – бир минг олтмиш саккизинчи ҳижрий йили йигирма иккинчи ражабда жангу жадал сафларини тортишга амр этиб, уруш дўмбирасини чалишга буйрук бердилар.

**Жусунат Сингхнинг галабанишон кўшинга қарши  
кураши ва тор-мор этилиши**

*Таваккалшиор, адолатли шоҳ,  
Музаффар сипоҳни ўнгу сўлга сафга тизди.  
Сипоҳки, барчаси саботли ва чидамли,  
Бари бир тану бир дил ва таваккалчи мардлардир.*

Жусунат Сингх жаҳолат ва виждонсизлик туғини баланд кўтарди, сафлар тортилиб, уруш азмига отланилди. Шу даражада талафот юз берди, агар хинд кўшинлари адад борасида тўдалар туркумидан ташкил топган булутни эслатса ҳам, зафаршиор мужоҳидларнинг оташ сочувчи тиғи зарбидан Аллоҳ ғазабига дучор бўлганларнинг хирмон-хирмон хаёти куйиб кетди (21а) ва ботирларнинг ўлим ўки шаҳаншоҳликнинг қаҳр қуролидан кирилаётганларнинг бахтсиз хазинаси – сийнасига бориб қадалаверди. Ниҳоят, Жусунат Сингх қочишни ўзига ор билмай, бир қанча кишилари билан ўз ватани, яъни Марвар томон илон янглиғ судралиб кетди. Байт:

*Шу даражада қўрқинч ва ваҳима билан қочдики,  
Зуннори ҳам оғирлик қилиб, узиб ташлади.*

<sup>6</sup> Курух – масофа ўлчови, бир курух икки милга яқин масофага тенг.

Қосимхон ҳамда подшоҳликнинг бошқа лашкарлари бу таҳликадан жонларини сақлаб қолишни ғанимат билдилар. Фатҳ шоҳиди шонли қўшинни ташкил этган мужоҳидларнинг тиг ойиналарида ўз жамолини намоён қилди. Душманнинг барча молу мулк ва қурол-аслаҳалари қўлга киритилди. Олий жанобнинг кўрсатмаси билан душмандан қарийб олти минг киши қатл этилди. Байт:

*Фалакнинг расми – фатҳу шикастдир,  
Лек бундай фатҳ ҳали ҳеч кимга насиб бўлмаган.*

Муборак рамазоннинг бошларида (Аврангзеб) Чанбил дарёсидан ўтдилар, (ва шу ерда) Доро Шукухнинг Дхулпурдан йўлга чиққан хабари ҳумоюн (қутлуғ) кулоққа етиб келди.

***Иқбол аскарларининг Доро Шукуҳ билан қилган эсанги  
ва Доро Шукуҳнинг қочиши***

Муборак рамазон ойининг олтинчисида (Аврангзеб Доро Шукух) лашкарига яқинлашиб, бир ярим курух масофада тўхтадилар. Шу куни Доро Шукух (олдинига) отга миниб бир оз ўрдуси олдида турди. Лекин олам хоконининг салобатли ҳайбатидан турган жойидан кўзғалишга ҳам журъат қилолмади, ғоят иссиқ ҳаво тиш-тирноғи билан қуролланган лашкарларига кун бўйи катта азият етказди ва гарчи у ғалабага ташналиқдан оламни бузиб юборгудек бўлса-да, шу куннинг охирида ўз манзилига қайтиб кетди (216).

Эртаси куни шавкатли қахрамон ул жанобнинг байроқларни мустакирул-хилофат Акбаробод томон юришга баланд кўтарсинлар, деган буйруғи чиқди. Доро Шукух эса шу куннинг тонгида, яъни мазкур ойнинг ўн еттисиди олдинги кун турган ерида (яна) саф тортиб – урушга отланиб, шавкатли қўшин истикболига чиқди ва ҳар икки томондан тўпу тўфанг жанги қизиб, қатл этиш олови алангalandи. Рустамхон Декҳаний, Ровиштарсол ва рожа Рой Сингҳ Рошҳвар ҳамда Доро Шукух лашкарининг бошқа бошлиқлари ўлим ўки мўлжалига олиндилар. Барча хиндлар Доро Шукух билан бирга эканликларига қарамай, унинг (Доро Шукух) вужудида ваҳима устун келиб филдан тушиб отга мингач, бундай бевакт ҳаракатидан лашкарлари саросимада қоча бошладилар ва (оқибатда) ёрдам ва мадад шамоли зафарнишон байроқ устида эсди. Байт:

*Бу икки ажойиб фатҳ бир-бирига туташди,  
Аллоҳдан мадад бўлгач, зафар яқиндир, албат.*

Икболи баланд, лутфи зўр, шаъну шавкат соҳибининг ажаб-товур ишлари шу бўлдики, Доро Шукух сипоҳсолари ва сардорларидан шу даражада (кўп) ўлдирилдики, (шу вақтгача) бу сингари бирор жангда мағлублар бунчалик кўп қиличдан ўтказилмаган эди, пастки табақа ва бошқалар ҳақида-ку асло гапир-маса ҳам бўлади. Музаффар лашкар раҳбарларидан эса ниҳоятда каттик иссиқдан жон берган Мултафатхоннинг таниши Аъзамхондан бошқа бирор киши ўлмади. Доро Шукух тор-мор этилганидан сўнг у ўғли ва бир қанча навкарлари билан бирга шом вақтида (22а) ўзининг ғамхонаси – мустақирул-хилофат (Акбаробод)га қайтди, у ерда уч кеча туриб, кейин дорул-хилофат Шохжаҳонобод томон йўл олди. Байт:

*Вақтинчалик яшнаган давлат яна унинг қўлидан кетди,  
Фалак ато қилганларини ундан қайтариб олди.*

Ғолиб шаҳаншоҳ ҳақиқий нусратбахш шукр байроғини душман манзилгоҳига келтирди ва Доро Шукух учун қурилган унинг хиймаси (чодир)га муносиб ташриф буюриб кирди. Ва эртаси куни зафар байроғи Самукар томон кўтарилди ва шу куни (Аврангзеб) жангу жадал қилингани учун кечирим сўраш мазмунида Олий ҳазрат хузурига маъзиратнома жўнатдилар.

Муборак рамазоннинг ўнинчисида Акбарободдаги манзиллардан «Богинур» хумоюн ташриф билан фойзга тўлди. Олий ҳазрат маъзиратномага жавоб йўллаб, эртаси куни «Оламгирга» деб қилич бериб юбордилар. Ва улуғ амирлар ҳамда олий хилофат остонасининг бошқа мулозимлари тўда-тўда бўлиб умид юзларини Олампаҳо даргоҳига қаратдилар ва уларнинг ҳар бири муносиб равишда махсус илтифотларга сазовор бўлдилар.

Йигирманчида байроқлар шаҳар томон баланд кўтарилди ва фойз билан Доро Шукух манзилига ташриф этилди. Йигирма биринчида муқаддас арзга етдики, Доро Шукух ўн тўртинчи рамазонда Дехлига етиб келган. Олий жаноб (Аврангзеб)нинг иродахоҳишлари Олий ҳазрат мулозаматига кириш эди. Лекин Доро Шукух пинҳона ёзишмалар билан Олий ҳазратнинг хотирини (22б) васвасага солиб қўйганлиги сабабли дақоикшунос (зийрак, сергак) ҳокон (Аврангзеб – бас, бундан кейин “Онҳазрат” номи билан аталади) мулозаматга киришни тарк этиб, йигирма иккинчи рамазонда дорул-хилофат томон отландилар. Йигирма тўртинчида, Кехот Соми манзилида Доро Шукухнинг Дехлидан



кочгани хабари арзга етди ва мазкур ой охирида эса Баҳодирхон Доро Шукхуни таъкиб қилиш вазифасига тайинланди.

Мурод Бахш соғлом фикрли бўлмагани боис исён куролини ишга солган ҳолда ёвуз ният билан хилват жойда бекиниб, ўч олиш пайтини пойлаб турарди. Шунга кўра шаввол ойининг иккинчисида Мутҳара манзилида у қўлга туширилди ва (Аврангзеб) халойиқни ёвузлик ва исёндан кутқардилар. Ва Мурод Бахшни Шайх Мирга топшириб, Шоҳжаҳонобод қалъасига жўнатдилар.

Арзга етдики, Доро Шукх Лоҳурга йўл олган. Мамлакат ҳоқони Панжоб томон азимат қилишга қарор қилдилар. У ердан (қайтиб келгач) ақлу заковат юлдузи бахтиёрона тахтга ўтириш вазҳидан бир минг олтимиш саккизинчи хижрий йили мурод ойининг<sup>7</sup> ўн бешига мувофик бўлган зулқаъданинг боши – жума кунининг қувончли соатини танладилар. Дорул-хилофат қалъасига кириб, ушбу улўғ ишни итмомига (яқунига) етказиш учун бафуржа фурсат йўқ эди. (Шу сабаб) мулоҳаза қилиб кўриш учун бир қанча кун Боғи Аъизободда истикомат қилинди, (сўнг) айтилган соатда иқбол тахтига ўтирдилар. Ушбу бахтиёр кунда олийкадр подшоҳзодалар ва шаҳзодалар (23а) ва ҳурматли арбоблар ҳамда Аллохнинг бошқа бандалари иноятлар билан ул азиз зотнинг хос кишилари бўлишга муяссар этилдилар.


«Аллоҳга ва унинг расулига ҳамда ҳукмдорларингизга бўйсунингиз» деган муқаддас оятга биноан, Саййид Абдурашид Тунови ул (оят)дан илҳомланган ҳолда ва шунингдек, бошқалар ҳам (Аврангзебни) подшоҳлик тахтининг сарафроси деб билиб, ушбу улўғ тантана лавозимларини қисқагина қилиб ўтказиб, хутба ўқиш ва танга зарб қилиш маросимларини тахтга иккинчи (ҳақиқий) ўтириш вақтига ҳавола қилдилар.

Тахтга ўтиришдан аввал Халилуллоҳхон Баҳодирхонга кўшилиб, Сетлаж дарёси кирғоғига етиб бориб, мазкур дарёдан ўтиш тадбирларини кўриш гуруҳига раҳбар этиб тайинланди.

Арзга етиб келдики, Сулаймон Шукх Ганг дарёсининг ул тарафидан Хардвор томон ошиқиб, Сихранпур йўлида отаси билан бирлашиш мақсадини кўзлаган. Жаҳон ҳоқони амирул-умаро, Араф Шоистахон ва Шайх Мир ҳамда<sup>8</sup> бошқаларга барча керакли чораларни кўриш тайинланди.

<sup>7</sup> Ёз пайтига тўғри келадиган ой кунлари.

<sup>8</sup> Китобда “жаҳон ҳоқони”, “олам подшоҳи” каби кўтаринка иборалар ўрнига замонавий Ўзбекистон шайхонада ўлиги мамлакат бўлганлигига нисбат бериб ишлатилган.



Бир минг олти юз саккизинчи хижрий йилининг ўн биринчи имрдодига мувофик келган иккинчи зулкаъдада ихбол чодирини Панжоб томон равона этдилар. Ойнинг ўн бешида музаффар лашкар Сетлаж дарёсидан ўтгани ва Баҳодирхон мактубидан Доро Шукух кишиларининг қочгани хабари (236) арзга етди. Шу кунларда Сулаймон Шукух Кашмир тоғларига бош олиб кочди. (Шундан сўнг) унга қарши тайинланган қўшинга қайтиб келишга буйруқ берилди.

Доро Шукух дорус-салтанат Лохурга келгач, йигирма мингга яқин суворий тўплаган. У Баҳодирхон ҳамда Халилуллоҳхонларнинг Сетлаж дарёсидан ўтганларини эшитиши билан асосий кучларини Довудхон саркардалиги остида йўлда тўсик бўлиб туриш учун Биёх дарёси яқинига тайинлаган ва улар орқасидан Сипехр Шукухни ҳам жўнатган. Шунга асосан донишманд шаҳаншоҳ рожа Рай Сингх ва бошқаларга музаффар қўшинга бориб қўшилишни буюрди. Бу аҳволдан хабардор бўлган Доро Шукух, ўзида керакли даражада тобу токат тополмай, Лохурдан Мултонга равона бўлди.

Шу кунлари маҳарожа Жусунат Сингх ватанидан қайтиб, ожиз ва надоматли бошини давлат остонасига суртди. Ва муруватли хокон хисравона марҳамат бахш этиш билан уни шармандалик нуксонидан холи қилдилар ва дорул-хилофат Шохжаҳонободга келишга рухсат бердилар.

Йигирма тўртинчи зулҳижжада Хайитпур Патти манзилида Халилуллоҳхон ва бошқалар юборган арзлардан маълум бўлдики, Доро Шукух кераклича тайёргарлик кўриб, Лохурдан чиқиб, музаффар қўшинга қарши саф безашни мўлжаллаган (24а). Нусратчехра аскарларнинг бошликлари ҳам Доро Шукухнинг бундай калтабинлик мулоҳазасига қарши қаратилган чоралар кўришган эди. Ҳар эҳтимолга қарши шу ерда подшоҳзода Муҳаммад Аъзамга ҳам қўшимча лашкар ва қурол-аслаҳалар билан Лоҳур томон боришга рухсат берилиб, илғор (қўшин) тарзида жўнаш тайинланди. (Аммо) яна муқаддас арзга етдики, Доро Шукух Мултонда ҳам туриб қолмай, Биҳар томон юрган ва жуда кўп навқарлари ажраб кетганлар, унинг паришонхотирлиги ниҳоятда кучайган. (Шундан кейин) олам хокони илғор қисмлар юбориш фикридан қайтиб, охисталикда йўл босиб, Мултонга қадар ҳеч бир ерда тўхтамадилар.

Тўртинчи муҳаррамда Сафшиканхон Доро Шукухни таъқиб қилиш учун Мултондан чиккан эди, (яна) эҳтиёт юзасидан

Шайх Мир ҳам тўққиз минг суворий билан шу вазифага тайин қилинди.

Шу аснода олий қулоққа етиб келдики, то улуғ хокон бахтиёрлик билан жулусга (тахтга ўтириш маросими) кадар биродари Шох Шужо ўртадаги мавжуд тамоман яхши муносабат ва иттифокликни Банголадан чиқиб бузишга азм этган. Шунга асосан ўн иккинчи муҳаррамда Мултондан байроқлар баланд кўтарилди (ва) тўртинчи рабиул аввалда дорул-хилофатнинг муборак калъаси улуғ таширф билан мунаввар бўлди. (Бирок) Шох Шужо исён кўтаргани ҳақида кетма-кет хабарлар етиб келди. (Аслида) пурнур (он ҳазрат) кўнглида, агар мумкин бўлса, билмаган киши бўлиб қўяқолиш фикри бор эди (246). Бирок Шох Шужо жасорат билан то Банорас худудигача яқинлашиб келиб, жангу жадал қилиш касдида бўлди. Мажбурлик орқасида абалий мактовга сазовор ва хайрли (ишлар кишиси) подшоҳзода жаноб Муҳаммад Султон Баҳодирга ўн еттинчи рабиул аввалда юриш ва ғалаба байроғини Акбарободдан ул томонга караб кўтариш ҳукм қилинди. Кўп ўтмай Шох Шужонинг Банорас худудидан йўлга чиккани ҳақида устма-уст хабарлар келди. Маслаҳат билан (хоқон) Сурун шикоргоҳи томон таважжух этишга ва Шох Шужонинг яқинлашув хабарини кутиб туришга қарор қилинди.

Агар Шох Шужо Патнага қайтиб кетса, у ҳолда илғор (олдиндаги) аскарларни қайтариб оладилар, аксинча бўлса, унинг жазосини етарлича бериб қўядилар. Шу тарика ўн олтинчи рабиул аввалда байроқлар дорул-хилофатдан ул худуд томон кўтарилди ва ойнинг йигирманчисида илғор лашкарлар ойнинг ўн тўққизинчисида Атовага етиб борганлари ҳақида хабар келди. Жаҳон шаҳаншоҳи эса шикор қилиб, йўл босиб, учинчи рабиул охирда Сурун кишлоғига етдилар ва шу ердан бошлаб Шох Шужони мурсаи мадорага келтиришни поёнига етказишни хоҳладилар (ва) токи унинг қўнғил тўжималари, кайфияти равшан тортсин учун бир неча бор насиҳатомуз, мукқаддас асосли саҳифалар юбордилар. Лекин унинг мурсаи мадорадан ҳеч бир наф олмаслиги аниқ бўлиб қолди. Шунинг учун мазкур ойнинг бешида унга қаршилиқ кўрсатиш учун Сурундан туғларини баланд кўтардилар. Ва подшоҳзода Муҳаммад Султон ҳамда илғор қисмларга жанг қилишга шошилмай, қутлуғ қўшиннинг етиб боришини кутишга фармон бўлди (25а).

Ўн еттинчида подшоҳзода Муҳаммад Султон илғор қисмлар билан бирга Курах кишлоғига келиб тушдилар ва Шох Шужо

ундан тўрт курух масофа нарида тўхтаган эди. Нусрат чодирни ўрнатилди. Фармонга мувофиқ Ҳондисдан давлат остонаси томон йўл олган Муаззамхон шу куни иқбол кўшинига келиб қўшилди.

### *Иқбол аскарларининг Шох Шужога қарши саф тортиши*

Шох Шужо жанг килиш мақсадида бутун тўпларини жамлаб саф тортишга отланди. Рабиул охирнинг ўн тўққизи – якшанба, қудрат байроклари Кураҳ мавзеига келганининг учинчи куни барча тўплар олдинга чиқарилиб, Шох Шужо тўдасига тўғрилаб оташ ёғдирилсин, музаффар кўшинлар жангу жадал ва катлу қирғин билан ҳиммат байроғини юкори кўтарсинлар, деган олий фармон бўлди. Олий ҳукмга мувофиқ, лашкар дарёси кайнаб-тошиб, қарийб тўқсон минг суворий жангга шай бўлди. Ҳукм этилдиги, олий ўрда ва улуғ давлатхона қаерга ўрнатилмасин, шу ерга азиз ташриф буюрилаверади.

Шу куни Шох Шужо ҳам ўз кўшинларини тартибга солди. Ушбу кундан тўрт каҳри ўтгандан сўнг салтанат подшоҳи Шох Шужо лашкароҳигача бўлган масофани музаффарона босиб ўтдилар. Шу кундан уч пос<sup>9</sup> ўтганда ярим курух ораликда (кўшинни) саф тортирдилар. Шох Шужо бир қадам ҳам (олға) қўёлмай, баъзи бир тўпларини (256) олдинга юборди ва то кун қорайгунча ҳар икки томон ўртасида жангу жадал авж олди. Кеч кирганда эса, Шох Шужо тўпларини ортга қайтарди. Олам хокони хушёрлик ҳамда эҳтиёткорлик ишларидан фориғ бўлгач, қалъа ҳимоясини мустаҳкамлаб ва хабарчиларни тайинлаб, сўнг уруш майдонида бунёд этилган мўъжаз давлатхонага ташриф буюрдилар.

Шу кеча охирларида бир воқеа юз берди, уни кўрганларнинг кўзлари косасидан чиқаёзди: музаффар аскарлар орасида тарқалиб қочиш рўй берган эди. Воқеанинг шарҳи будир:

Ёвуз ниятли маҳарожа Жусунат Сингх итоатда бўлиб кўринса-да, кўнглидаги нифоқ касридан фисқу фасод килиш учун фурсат пойлаб, олам хони уни ўз кўшинига сардор этиб тайинлаган вақтларида қочиш касдида кўзғолон кўтариш нияти борлиги ҳақида Шох Шужога хабар беради ва шу кеча сўнгида барча лашкар ва сипоҳлари ҳамда ражпутанлик бошқа гуруҳлар билан хиёнатга юз буради. Шунда унинг одамлари йўл устида жойлашган подшоҳзода Муҳаммад Султон ўрдасини талашга киришадилар ва сўнг лашкароҳ талон-торож қилинади. Машъум хабар (жуда

<sup>9</sup> Пос – кечанинг саккиздан бир қисми.

тез) тарқалади ва фитначилар журъат қўлларини подшоҳликнинг тўплари, хазинаси, чорва моллари ҳамда сипоҳларнинг молу мулк ва матоларига чўзадилар. Бу хабар қудрат қулоғига бориб етганида (ул жаноб) жойларидан қимир этмадилар (26а) ва ҳатто лашкарлардан қарийб ярми тарқалиб кетган бўлса ҳам, сипоҳийликнинг илоҳий раҳнамоси подшоҳ лашкарининг камлигига қарамай, жанг майдони томон таважжух қилдилар. Шоҳ Шужо шунда илгариги кундаги тартибни ўзгартирган ҳолда саф тортди. Ҳар икки тарафдан тўп ва тўфанг жанги бошланиб кетиб, уруш олови юксак даражада алангалинди ва (тўплар оғзидан) чакмоқлар чақиб, душманларнинг куйиб (кул бўлиш) ҳангомаси авжига чиқди. Назм:

*Кину кудурат чақмоғидан жанг бозори қизиди,  
Хаданг (ўқлар)нинг санчилиш овози янглиг янгради.  
Кина ўти етарли даражада ёнди,  
(Натижада) бадандаги тер ранги ахгар (чўғ) бўлди.*

Шу кун и жанг ғолиби аскарларга дурустгина шикаст етганига (ва) музаффар узанги яқинида икки мингдан ортиқ суворий йўқлигига қарамай, таваккал подшоҳи ҳиммат юзини қай тарафга қаратмасинлар, (шу тарафдаги) ганимни янчиб ташладилар; исён ва нифоққа қарши чоралар кўрдилар. Онҳазратнинг «ботир», «каҳрамон» дея елкага қоқиб эркалашлари боис баҳромсавиат мужоҳидлар далирона ғазаб билан ҳаракат қилиб, ҳасратшиор душманларни ҳаётдан маҳрум этдилар. Шоҳ Шужо жамиятининг ипи узилди ва улар қочиш шармини ўзларига эп билдилар. (Душманларнинг) бу жангда «қочиш таъми»ни тотилиши тобора сони ортиб бораётган лашкар ва сипоҳлар учун (фақат) азалий ёрдам ҳамда самовий кучлар мадади бўлди. (Онҳазрат) ниёз қўлларини зафарбахш Тангри даргоҳига узатиб, сон-саноксиз ҳадялар бердилар. Ва бахтиёр қўшин билан биргаликда Каҳжух ҳовузи яқинида жойлашган Шоҳ Шужо лашкаргоҳидан ўтиб, иқбол (26б) манзилни оройиш этдилар. Ўша ердан подшоҳзода Муҳаммад Султонга Шоҳ Шужони таъқиб қилишни тайинладилар. (Онҳазрат) шу ойнинг йигирмасига қадар ўша манзилда истиқомат қилдилар ва йигирма еттисида Каҳжух ноҳияси (тумани)дан кўчиб, то ойнинг охириларигача Ганг дарёси қирғоғида яшадилар. Шу манзилда Муаззамхон ва бошқа улўғ шаҳзодалар Муҳаммад Султонга бориб қўшилиб, Шоҳ Шужони таъқиб қилишга масъул этилдилар.

Маълумки, ҳақиқат лашкарига Шайхмир ва Сафшиканлар саркардалиги остида Доро Шукухни таъкиб этиш топширилган эди. (Ҳақиқат лашкари) тўртинчи муҳаррамда Мултондан таъкиб қилишга отланиб, Биёҳ дарёсидан ўтганда, Доро Шукух (у ердан) кетиб қолганини эшитгани ҳақида хабар келди. Шу сабабдан саркардалар олдинга қараб юрган ва бир неча кун Шайхмир ва Далирхонларни кутиб туриб, (сўнг) ҳар икки лашкар бир-бири билан қўшилган. Шу тобда Доро Шукух Беҳакқиҳарда дарёдан ўтиб, Сикҳарга тушмоқчи, деган хабар олинди. Давлатхоҳлар ҳар икки томондан ғанимнинг аҳволини танг қилиш учун Шайхмир ва Далирхон жамоалари билан дарёдан ўтиб, Сикҳар томон юрдилар ва Сафшиканхон ўз кўмакдошлари билан тезда шу дарё бўйлаб Беҳакқиҳарга борди. Эртаси куни Сафшиканхон мақсадга мувофиқ Шайхмирдан ажралиб, Беҳакқиҳар томон равона бўлди ва Шайхмир икки кун ичида дарёдан ўтиб, бешинчи сафарда 12 курух йўл босиб Сикҳарга етиб келди, шу ойнаинг олтинчи куни бу ерга лашкар ҳам келиб тушди, дея маслаҳат қилишди. Сафшиканхон (белгиланган муддатдан) уч кун аввал Беҳакқиҳарга етиб келганида (Доро Шукух) бир кун илгари у ердан қочган экан (27а). Маълум бўлдики, Доро Шукух оғир юк ва буюмларини Беҳакқиҳар қалъасида колдириб, муҳаррамнинг охирларида олдинга қараб йўл олган. Қолган хазина ва молларини кемага ортиб, ўзи чангалзор оралаб кетган. Асосий навкарлари бўлмиш Довудхон ва сардорлар ундан ажралганлар. (Доро Шукух) Сикҳардан Қандаҳор томон юришни хаёл қилган. Аммо шерикларидан жудо бўлиши ва (хизматидаги) муқаддас аҳлнинг ризо бўлмаслиги сабабли у Тахтаҳа томон азимат қилган.

Сафшиканхон қалъа ичида ўрнашиб, олтинлар ҳолини танг қилсин учун Азиззонни барча кишилари билан Беҳакқиҳарда колдирди ва ўзи Сеистон томон юрди. Унга ўша ернинг қалъадори Муҳаммад Солиҳ тархоннинг «Доро Шукух қалъадан беш курух масофада турибди, тезда етиб келсангиз, хазинаси ортилган кемаларининг йўлини тўсишингиз мумкин», деган мактуби келди. Доро Шукух кемалари ўтиб кетмаслигини дарё бўйидан кузатиб туриш учун Сафшиканхоннинг қариндоши Муҳаммад Маъсум бошчилигида лашкар юборди ва ўзи кечалари йўл босиб, Доро Шукух лашкаридан уч курух нарида қарама-қарши томондан душман кемалари келишини пойлаб, (кемалари) дарёдан ўтиши биланок ўзини улар устига ташлашни ўйлаб қўйди. Лекин душман кемала-

ри олдинроқ етиб келганида, у кемаларига қаршилик кўрсатишга тайёр турарди. (Шунинг учун) Муҳаммад Солихга “нариги томондан (ҳам) кемалар юборилсин ва қаршилик кўрсатилсин”, деган хат йўллади. (Лекин Муҳаммад Солих) хизматни ижро қилмай, у томондан сувнинг пастлиги камарга қадардир, (шу боис) кемалар фақат ўша томондан суза оладилар, дея жавоб килди. Шунга биноан Сафшиканхон дарёдан ўтмади, душман кемалари бирма-бир ҳаракатга тушди ва уларнинг ғубори сув юзини коплади (ва) Доро Шукуҳ ўтиб кетди. Душманлар кемаларни (қарама-қарши) томондан олиб кетдилар (276). Ботил Муҳаммад Солихнинг найранги билан ғалабанинг бу туҳфаси бой берилди.

Умуман, Доро Шукуҳ Сеистоннинг паст-баланд ерларидан ҳам ўтиб кетди. Сафшиканхон уни дарё бўйлаб таъқиб этиб, икки марҳала (манзил) йўл босди. Нариги томондан Шайхмир ҳам етиб келиб, хат ёзиб юборди. У хатида «дарёдан ўтиб бу тарафга келсалар, биргаликда таъқиб этсак, ақли иш бўларди», деб уқтирган эди. Шунинг учун Сафшиканхон (ҳам) дарёдан ўтди. (Шу вақтда) хабар келдики, Доро Шукуҳ Тахтаҳага бориб, у ердан Гужаротга ўтмоқчи. Сафшиканхон Шайхмрдан ажралганича илғорлаб кетиш билан дарё бўйлаб бир қуруқ (масофа) босиб Тахтаҳага келди. Доро Шукуҳ эса, дарёнинг нариги томонидан йўлга тушиб, Гужарот субасига равона бўлди. Ва Сафшиканхон ҳам етти кун деганда кўприк қуриб дарёдан ўтди. Худди шу аснода Шайхмир, Далирхон ва Сафшиканхон номларига (Доро Шукуҳни) таъқиб қилишни тарк этиб саройга келсинлар, деган ҳукм бўлди. Доро Шукуҳнинг Гужаротга жўнаб кетгани ҳақидаги хабар олий қулоққа етгач, (ул жаноб) Оллоҳободдан қайтдилар. Жумодул аввалнинг бошларида Ганг қирғоғидаги манзилда подшоҳзода Муҳаммад Султон Оллоҳободни фатҳ қилгани ҳақидаги маълумот ҳумоюн қулоққа етди.

Онҳазрат Доро Шукуҳга қўшилиш азмини қилаётган Жусунат Сингҳнинг таъзирини бериб қўйиш лозим бўлиб қолгани учун мазкур ойнинг иккинчисида Қаҳотампур манзилдан Муҳаммад Аминхон Мир Бахшини тўққиз минг суворий билан (Жусунат Сингҳни) тор-мор қилишга тайин этдилар. Жусунат Сингҳнинг танобини тезда тортиб қўйиш ва Доро Шукуҳни даф қилиш учун байроқлар кўтарилишини истадилар. Акбарободга ташриф буюрмай, шу ойнинг йигирма бирида «Боғи нур» (28а) манзилидаги Ажмир томон юрдилар ва йигирма бешинчида Рупбоси шикоргоҳидан кўчилди.

Доро Шукухни таъкиб этишдан қайтган Шайхмир ва Далирхон музаффар кўшинга келиб қўшилдилар. (Таъкиб этаётган) лашкарнинг ортга қайтиши Доро Шукухнинг қутулиб кетишига сабабчи бўлди, у биёбондан ўтиб, Каччҳа вилоятига ва у ердан Гужаротга келди.

Мағфиратниқоб олийжоҳ наввоб Дилрасбону бегимнинг отаси Шоҳ Навозхон Сафавийни олий жаноб у ернинг субадори қилиб тайинлаган эди, у (ўзининг) камоли донолиги билан ҳиммат ипини қўлидан қўйиб юбориб, Доро Шукухга қўшилди.

Доро Шукух бир ою етти кун Гужаротда туриб, йигирма икки минг суворий тўллағач, жумодул охирнинг бошида у ердан чиқди. Йўлда Жусунат Сингхнинг гижгижловчи хати қўлига тегиши билан у Ажмирга бориш учун дадил қадам ташлашга жасорат топди.

Еттинчи жумодул охирда Ҳиндун ерларида шаъну шавкат чодирини ўрнатилди ва у ердан то Тудех қишлоғигача бўлган ҳудудда тўхталмай йўл босилди. Фармонга мувофиқ, Мурод Бахшни Шоҳ Жаҳон қалъасидан олиб чиқиб, Гвалиёрга етказиб келтирган Шайхмирнинг биродари Амирхон мазкур ойнинг ўн бешида музаффар аскарларга келиб қўшилди.

### ***Зафарасар лашкарнинг Доро Шукухга қарши иккинчи маротаба саф тортиши ва унинг тор-мор этилиши***

Доро Шукух Ажмирга келган (ва) жангга тайёр эди. Шу ойнинг тўртинчисида Ромсар ховузи атрофидаги олти курух ер зафар аскарларининг жойлашиши билан ораста бўлди ва шу ерда сафларни (286) тартибга келтириш буюрилди. Доро Шукух Жусунат Сингхнинг етиб келишини кутиб (жанг қилишга) журъат этолмади. Ана шундай аҳвол юз бериб турган бир пайтда Рожа Жай Сингх исёнкор Жусунат Сингх аҳволига раҳм қилиб, марҳаматли шаҳаншоҳдан унинг гуноҳини афв этишни илтимос қилган эди, илтимос қабул қилиниши билан у сарбаландлик топди. Сўнг (Жай Сингх Жусунат Сингхга) унинг кайтадан афв қилингани ва Доро Шукухга қўшилмаслиги кераклиги мазмунида мактуб ёзиб юборди.

Мужда Жусунат Сингхга бориб етгач, у Жудахпургача йигирма курух масофа қолганида орқасига қайтиб кетди. Доро Шукух унинг олдига Сипехр Шукухни юбориб, (ўз ҳузурига) келишини қанчалик илтимос қилмасин, (бундан) фойда чикмади. Мана шу



воқеалар содир бўлаётганида жаҳонни фатх этувчи байроқлар Ажмирга яқинлашиб қолган эди. Доро Шукуҳ мажбурият юзасидан жанг қилмоқчи бўлди. Лекин икбол аскарларига қарши саф тортишга журъат этолмай, Ажмир тоғларини гангиган бошига паноҳ деб билди. Ва фалакни ер билан яксон қила оладиган туғ Дивройи мавзеига ўрнатилди. Бу мавзе Ажмиргача уч кунлик йўл бўлиб, Доро Шукуҳ турган ерга яқин жойда эди. Эртаси кун музаффар лашкар (яна) ярим куруҳ йўл босиб тўхтади ва қудрат нурлари таралувчи саройдан мужоҳидлар тўпларни олдинга суриб, душманни оташ ўтида куйдириб ўлдирсинлар, деган кўрсатма бўлди. Бунда душман тарафидан ҳам (кўп) тўп ва тўфанглар отилди. Байт:

*Ҳар тарафдан тўпу тўфон ёғилди,*

*Жанг майдони оташлар остида кўмилиб кетди.*

Шу кун ва тунда ҳамда эртаси кун тонггача ҳар икки томон ўртасида (29а) жанг ўти алангалинди. Бу балою офатлар авжида Шох Навозхон Сафавий, Доро Шукуҳ лашкарининг мирбахши-си Муҳаммад шариф ва бошқа катталар тақдир ўки билан йўқ қилинди. Шавкатли кўшин мужоҳидларидан динпараст ва амалдорлар сараси бўлган Шайхмир сийнасига теккан ўқ зарбидан шаҳид бўлди. Шайхмир қавмидан Мир Ҳошим исмли шахс фил устида ўтирган эди, ажойиб бир тадбир билан у ушлаб қолинди ва бўлғуси шаҳидга (вафотига қадар) қараб турилди. Ғалаба насиб этган лашкар жангчиларининг қахрамонона ҳаракатига шохид бўлган Доро Шукуҳ мустаҳкам қалъаларга эга бўлса ҳам, уруш охирига етишига қадар қочишни ихтиёр этиб, Гужарот томон азм қилди.

Фатҳу ғалаба шу тарика намоён бўлди, мулк ва миллат оройиш топди ва Онҳазрат шаҳаншоҳ ушбу самовий фатҳ муждасини эшитиши билан ҳақиқий нусрат бахш этувчи Тангрига шукр ва ҳамду сано айтишни бажо келтирдилар. Махфий эмаски, бу қадар қиска муддат ичида бундай хисравона жанглар қилиш ва султонларга қарши курашиш дунё подшоҳларидан жуда кам кишига насиб этган. Рақиблари анча қудратли бўлишига қарамай, бу фирузбахт подшоҳга бир йил ичида илоҳий мадад кучи билан ҳар ерда зафар ва ғалаба насиб бўлди. Ҳар бир (кўшин) саф тортишда нусратнишонлик кучининг қудрати ва тигининг зарби билан сарварлик тўпини ушлаб олди ва қасабус-

сабақни (296) баланд кўтарди. Мана шундай саъй-ҳаракат ва уринишлар билан етишилган мартабаларни камтарлик юзасидан ўз қудрат кучларига нисбат бермай, балки Ҳақ тилида ифода қилдилар: «Бу фатҳларнинг зуҳури коинот сарварининг (Ҳазрати Муҳаммаднинг) – унга ва унинг муқаддас оиласига дуойи саломлар бўлсин – баракали мўъжизасидандир, деб биламиз». Ва Аллоҳга тоат-ибодат қилиш ва жаноби рисолатпаноҳ (Ҳазрати Муҳаммад) шариатига ривож бериш ҳамда бидъат ва гуноҳни тағ-томиригача қуритиш билан бу азиз (аржуманд) неъмат шукрини бажо келтирдилар. Беҳисоб шаъну шавкати ва қудратлилигига қарамай, ўзининг муқаддас таъблиги орқасида ғафлат ва роҳатга берилмай, огохлик, худопарастлик, адолатпарастлигу раъият ва сипоҳ аҳволига лутф билан боқишда давом этиб, хилофат юлдузига инсоф ва тенглик қонунини бахш этдилар. Умид шулки, бу динпарвар хоконнинг хокимият нуридан давлатнинг шаклан ва маънан бирлашиши равнақ топади.

Эртаси куни, жумодул охирининг сўнгида Рожа Жай Сингх ва Баҳодирхонларга Доро Шукуҳни (яна) таъкиб қилишга руҳсат берилди.

Доро Шукуҳ билан боғлиқ ишлардан хотиржам бўлингач, тўртинчи ражабда Ажмирдан қайтиш байроғини юқори кўтардилар. Шаҳзода Муҳаммад Султоннинг хабаридан маълум бўлдики, Шоҳ Шужо бир қанча кун Мунгирда бўлиб, (у ерда) яна бир қанча вақт туришни хоҳлаган. (Лекин) музаффар фавжларнинг яқинлашиб келишидан чўчиб, Жаҳонгирнагар томон жўнаган. (Шундан сўнг) Муаззамхон муборак Мунгир қалъасига кириб келди. Ойнинг йигирма тўртида куч-қудрат байроқлари Фатҳпурга етди ва Онҳазрат олтинчи шаъбонда (30а) дорул-хилофат томон азм этдилар.

Шаҳзода Муҳаммад Султон хабаридан маълум бўлганидек, бундан аввал Шоҳ Шужо Жаҳонгирнагар томон кетган, аммо қудратли қўшиннинг бу ерларга яқинлашиши биланок (ўз) мол-мулкни кемаларга юклаган ва Жаҳонгирнагар ҳиндлар тасарруфига ўтган.

Арзга етдики, Доро Шукуҳ Ажмирдан Гужаротга бориб, (кўзлаганини) тасарруф қилишни иккинчи маротаба қасд қилган. Сардорхон у ердаги ёрдамчилари билан биргаликда мудофаа учун тайёргарлик кўрган ва шундан кейин Доро Шукуҳ шаҳарни забт этишдан умидини узиб, Конжи Қулини қароргоҳ этишга юз-

ланган. Ойнинг ўн тўққизида Хизробод хоналари (Онҳазратнинг) муборак ташрифидан чароғон бўлди ва бу манзилда ўн беш кун турдилар. Сўнг шу ойнинг охирида дорул-хилофат қалъасига кирдилар. Панжоб томон юришга азм қилингани ва (шу асосда) фурсатнинг йўқлиги сабабли саодат билан тахтга ўтиришнинг биринчи тантанаси камтарингина нишонланиб, хутба ўқилиши, сикка (танга зарб) этилиши ҳамда ашрафли лақаб аниқланишини кечга қолдирган эдилар. Бинобарин, жаҳонгирликнинг асосий ишлари тартибга туширилган ушбу кунларда давлат нозимларига (катта) тантанага лозим тайёргарликни кўрсинлар, хизматчилар шодиёна манзилларни безатишга енг шимариб киришсинлар, деган ҳукм бўлди.

Бир минг олтмиш тўққизинчи ҳижрий йили, бахтиёр Аллоҳ ойи хурдоднинг йигирма бешига мувофиқ муборак рамазон ойининг йигирма тўртинчисида, якшанба куни абадий умр шамси ҳисоби билан қирқ йил етти ой ва ўн уч кунга, қамарий ҳисобда эса қирқ йил икки ой ва ўн икки кунга етган эди, осмондек тахт, қуёшдек тож хоқони бошида жаҳонбонлик (жаҳонни қўриқлаш) кароматига эга тожи ва эғнида (306) бахтиёрликнинг саодатнигор хилъати бўлган адолатпарвар шаҳаншоҳ Оламғир қудрат ва шавкат тахтига ўтирдилар. Назм:

*Шаҳаншоҳлик тахтининг порлашидан*

*Зуллилилоҳи нурлари жаҳонни ёритди.*

*Янги шаҳаншоҳ билан жаҳон тоза бўлди,*

*Мулк (давлат) танига қайтадан тоза жон кирди.*

*Ҳинд(истон) туни ичра тонг давлати яралди.*

*Ҳар бир зулмат кулбасига офтоб тушди.*

Шодлик дўмбирасининг овози қудрат оҳангини осмону фалакка таратди ва булбулнинг дуоғўй ғулғуласи ёки фаришта-лар сўзлашувининг шовқин-сурони (бу овозга) қўшилиб кетди. Балоғатнишон хатиб каромат тахтига чиқиб, (хутбани) чиройли қилиб ўқиди ва умид этагини ва чўнтагини нақд (пуллар) билан тўлатди. Бир канча табақа кишилар динпарвар улуғ хокон номига олтин ва кумушлар нисор қилдиларким, бу нисорларни йиғиш билан умид чўнтаги тамоман тўлди. Иззат бисотининг хизматкорлари одоб қўлларини бошларига қўйдилар ва замон халифасини дуо қилиш ва мақташга тилларини қайрадилар. Подшоҳона инъом хазинасининг дарвозалари олам халқлари олдида ланг

очилди ва нигорранг хилъатлар билан ёшу кексанинг таманно комати оройиш топди.

Аввалги замонларда ашрафий ва рупияга Тоййиба калимасини сикка (зарб) қилганлар. Бу амалда одамларнинг қўл ва оёғини боғлаб қўйган эди. Бу (калима) ўрнига бошқа сўзлар туширилса, яхши бўларди, дея буюрдилар. Шу аснодаёк Мир Абдулбоки холисона илоҳий (ирода) билан ўз таъбида туғилган ушбу байтни айтиб юборди. Байт:

*Тўлин ойдек чарогон жаҳонда сикка урди –  
Шоҳ Аврангзеб – Оламгир.*

(Бу байт) муқаддас таъбга жуда маъқул тушди ва ашрафий ҳамда рупиянинг бир юзини ушбу дилпазир байтнинг нақши (31а), иккинчи томонини шахар тасвири ва (тахтга чиқилган) сананинг зарби билан зебу зийнатлаб, Абул Зафар Мухйиддин Мухаммад Аврангзеб Баҳодир Оламгир подшоҳ ғозийнинг олий туғроси билан иқбол маншурига оро берсинлар, деб ҳукм қилинди.

Шухрати баланд мамлакатнинг ҳудуд ва атрофларига тахтга ўтирилгани ва амну омон башорат қилингани ҳақида улуғ шоҳона буйруқлар берилиши фармон этилди. Дарёилтифот хокон марҳаматли қўлларини узатиб, ҳар бир олийнасаб, мартабаси баланд ва шубҳасиз улуғ подшоҳзода ҳамда ҳар бир юлдузи равшан хос(киши)ни олий даражадаги иноятлар билан навозиш этдилар. Олийқадр шахзодалар ва бошқа ақидашиор (мухлис) бандалардан ҳар бирининг азиз бошини ўз ҳолати ва мартабасига яраша кўнгил кўтарувчи изофа (қўшимча) ҳамда эъзознишон хитоблар билан кўкка етказдилар. Солиҳ ва художўй гуруҳларга, шоирлар, хонанда ҳамда нағмачилар анжуманига муносиб ҳадя ва қимматбаҳо тухфалар марҳамат қилинди.

Бу саодат байрами шу (ойнинг) иккинчисидан то ўнинчи зулҳижжагача давом этсин ва ийдулсахий (Қурбон ҳайити)нинг тантанасига қўшилиб кетсин, токи шу вақт ичида халқларнинг дилдаги максадлари юзага чиқиб, уларнинг қадимий орзулари ушалсин, деган улуғ кўрсатма бўлди. Бахтиёрона жулус (тахтга ўтириш маросими) тарихини Мулло Шохбадахший «Зуллилҳақ» деб атади ва назм гавҳарининг тизмаси бундай:

*Дилим тонги мисли қуёш гулидек очилди –  
(Чунки) ҳақиқат келиб ботиллик гўбори кетди.  
Ҳақоғоҳ шоҳнинг тахтга ўтириш тарихини –  
«Зуллилҳақ» деб айтди, ҳақиқатда буни тўғри айтди.*

(Бу жулус тарихини) фузалолардан бири «Подшоҳи ҳафт иқлим» («Етти иқлим подшоҳи»), донишмандлардан бошка бири «Зеби авранг (31б) ва тожи подшоҳон» («Тахт зеби ва подшоҳлар тожи») деб топди. Мулла Тақи Исфохонийнинг вориси Мулла Азизуллоҳ эса (тарих учун) Аллоҳ каломидан қуйидаги оятни танлади:

**«Албатта, мулк Аллоҳникидир, уни хоҳлаган кишисига беради»<sup>10</sup>.**

Бахтиёрлик ёғдирувчи рамазон ойида зафар нурларининг шуълалари жаҳон бўйлаб таралар экан, (шундай) олий ҳукм ҳақиқатга пайваста бўлдики, шу ойнинг боши бу обод давлатнинг бирламчи йили деб дафтарлар ва тақвимларда қатъиян ёзиб қўйсинлар. Авваллари раият шавкатли шоҳлик ва жамшидликнинг биринчи кунини катта ийд (ҳайит)дан ажралган деб билиб, хурсандчилик маросимларини (алоҳида) ўтказарди. Динпарвар подшоҳ наврўз жашни (байрами) ўрнига ҳар йили севинчга тўла рамазон ойида подшоҳлик байрами ўтказишни расм қилсинлар, токим у фитр байрамига уланиб кетсин, (ҳамда) юксак даражада хурсандчилик қилсинлар, дея буюрдилар. Бу шодиёна «Жашни нишоти афруз» («Ёрқин шоду хуррамлик байрами») номи билан аталди, (шу билан) гуноҳкорлик ва мункирликка барҳам берилди.

Донишмандлар пешвоси ҳурматли Мулла Аваз ихтисоб (ҳисоб-китоб) хизматига сарафроз этилди. У йилига ўн беш минг रुपия (маош олиш), бир мингчи, юз суворли мансаби билан эъзозланди.

Аллоҳга шукрларким, бугунги кунда динпарварлик ва сарварликка зеб берувчи тахт куч-қудрати билан бутун Ҳиндистон бидъат ва куфрдан тозаланди ва пок этилди. Шу кунларда Банголадаги воқеалар ҳақида арзга етдики, Шоҳ Шужони емириб ташлаш учун Муаззамхон билан бирга юборилган подшоҳзода Муҳаммад Султон унинг фирибига алданиб, йигирма еттинчи рамазонда бир қанча ўзбошимча навкарлари билан биргаликда қайиқларга ўтириб, Шоҳ Шужо билан келишиш ниятида душман бўлиб чиққанлар (32а).

Йигирма биринчи шавволда Доро Шукуҳ ўгли Сипехр Шукуҳ билан бирга қўлга тушганлиги ҳақидаги қувончли хабарни Довард ва Бусул заминдори Додаст Жиюн Мулк йигирма тўққизинчи рамазонда ёзиб юбориб, мазкур Малик Баҳодир-

<sup>10</sup> Қуръони карим Оли-Имрон сурасининг 26-ояти мазмунига ишора.

хоннинг тезлик билан етиб келиб ҳар иккаласини асир олиб кетиши ҳақида давлат бисоти бўстониининг арз ерига етказди.

Ва амирул-умаро подшоҳзода Муҳаммад Муаззам ўрнига Декан субадорлиги билан сарафроз этилди. Ва фармон бўлдики, Оқилхон ўрнига Ақидатхон Давлатобод аркининг мудофаачиси бўлсин. Ва мазкур хон ҳамда Вазирхон подшоҳзода аъёнлар қаторида саройга келсин.

Йигирма биринчи шавволда подшоҳзода Муҳаммад Аъзам шамсия ҳисобида олти ёшга тўлган эди, у кимматбаҳо тошлар ила зийнатланган сарпеч ва марваридлар қадалиб безатилган ханжар ҳамда бешта от иноят этилиши билан (катта) илтифотларга сазовор бўлди.

Малик Жуюн хизмат жамолини ораста этгани учун хилъат, бир мингчи, икки юз суворли мансаб ва «Бахтиёрхон» лақаби билан бахтиёр бўлди. Қобилхон мунший гўшанишинликни (узлатга чекинишни) ирода қилган эди. У беш минг рупиялик йиллик (маош) билан сарафроз этилди. Рожа Рой Руп Сринагар тоғига кетишга руҳсат олди, чунки у ўша ернинг заминдори Пуртахипат билан бирга бўлишга ваъдалашган экан, Сулаймон Шукух унинг ҳимоясидан чиқарилди.

Бангола воқеаларидан арзга етдики, Шох Шужо Акбарнагардан Тонда томон кетаётганида, Аллоҳнинг (унинг) авзодан хабар олмаслик иродасига кўра Радихон таниб қолиб, уни ўғли Сайфуллоҳ билан биргаликда қатл қилади.

Ушбу онда Акбаробод калъаси теварагида Шер Ҳожи кўрғонини қуришга олий фармон бўлди (326) ва Эътиборхоннинг саъй-ҳаракати билан уч йил мобайнида қуриб битказилди.

Йигирма учинчи зулқайдада «вазни камарий» тантанаси тартиб топди. Тантана ваҳхидан хизмат кўрсатган арбоблар мақсад сармояларига эга бўлдилар. Узок-яқинлардаги паст-баланд табақалар хилъат ва муносиб қўшимчалар иноят этилиши ҳамда жавохирлар, от ва филлар инъом қилиниши билан дил мақсадларига етдилар.

Шу вақтда Баҳодирхон Доро Шукухни фалакнишон остонага келтирди, уни Хизрободда саклаб турдилар. Турли сабабларга кўра унинг вужудининг беҳосил ғубори (тупроғи) мамлакат майдони узра туришига зарурат қолмаганлигидан йигирма биринчи зулҳижжа, пайшанба куни кечаси унинг ҳаёт чироғи ўчди ва жаннатошиён Ҳумоюн подшоҳ қабри ёнига дафн этилди.

Сафинхон Сипехр Шукухни Гвалиёр қалъасига олиб боргач, сўнг мустакирул-хилофатга келиб, у ернинг субадори бўлиб қолишга маъмур этилди.

Баходирхондан анча орқада қолиб кетган Рожа Жай Сингх осмонўпар остонага етиб келгач, иноятлар билан мумтоз этилди. Кўплаб илғор қисмлар юборилгани сабабли Рожа ва Баходирхон (қисмларидан) кўп отлар нобуд бўлган эди. Шунинг учун (Онҳазрат) рожага икки юзта от иноят этиш билан подшоҳона лутф қилиб, уларни навозиш этдилар.

Шу тарика қарам қилиб, оммани ғалла ва бошқа жинс (дон-дун)дан олинадиган бож маҳсулидан озод қилдилар, бу жиҳатдан холисаи шарифадан йигирма беш лакх рупия бахшида қилинди ва бутун мамлакат (33а) (бож)дан озод бўлгани боис муставфий бож олишга журъат этилмади.

Шу кунлари Зулфиқорхон Қароманли жаҳон билан хайрлашди. Хисравона иноят Асадхон ва унинг ўғли ҳамда куёви Номдорхонларга хилъат ато қилиш билан уларни гинаю кудурат либосидан чиқарди. Карнотики вилояти Қутбулмулк қўлидалиги вақтида Муаззамхон уни тасарруф қилиб, одамлари ул хазина (вилоят)-нинг кўп маҳсулотини қўлга киритган эдилар. Қутбулмулкка хасислик тикани озор етказган эди.

Амир Аҳад Хофий «Мустафоҳон» деб хитоб қилиниб, ул ҳудудда тартиб-интизом ўрнатишга рухсат олди. Довар заминдори Бахтиёрхонга заминдорлик жойига (кетишга) ижозат берилди.

Кобул субасидаги воқеалардан арзга етдики, Шеруллох ибн Саодатхон – марҳум Тарбиятхоннинг набираси жамдҳар (хан-жарсимон қурол) уриб отасини ўлдирган. Маҳобатхон нозимга, уни қамаб қўйсин, деган фармон бўлди. Қатл этилганнинг ўрнига Кобул арки қалъасининг мудофаасига Шамширхон тайин этилди.

Турон мамлакатидаги воқеалардан олий қулоққа етиб келдики, Балх ҳокими Субҳонқули ва қўл остида Хисор вилояти бўлган укаси Қосим Султон ўртасидаги (муносабатда) ҳамжиҳатлик ўрнини нифоқ эгаллаган. Субҳонқулихон ажойиб тадбирлар билан укасини қувиб юборган.

Подшоҳзода Муҳаммад Султоннинг Шох Шужо (турган) томонга кетиши билан Бангола қўшинининг кўзида катта жароҳат пайдо бўлди. Муаззамхоннинг эркесвар раиятлар устидан (ўрнатилган) сардорлигидан кўнгли тўқ бўлишига қарамай, (Онҳазрат ёшининг) қирқ бир йиллиги бошланиши муносабати билан «вазни

шамсий» байрами ўтказилганидан ва халқларнинг умид этаклари эхсону қарамлардан (336) лиммо-лим тўлдирилганидан сўнг, олтинчи рабиул аввалда жаҳонни фатҳ этувчи байроқлар Ганг соҳиллари томон кўтарилди.

Рожа Жай Сингх бир лакх рупия инъом олиб, (катта) илтифотга сазовор бўлди. У «Панжобий маҳарожа» деб илтифот этилиши билан улуғланди ва гуноҳи кечирилди. Марҳум Мир Нўъмоннинг ўғли Мир Иброҳим Маккаи муаззама ва Мадинаи мунаввара шарафига – бу ҳар икки (шаҳар) шарофатини Аллоҳ абадий этсин – олти лакх ва ўттиз минг рупиялик моллар элтиб бериш ишига тайинланди.

Ўн тўққизинчида Када Мактасар мавзеи иқбол манзили бўлди.

Йигирма иккинчида қутлуғ табиатли подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Вазирхон билан биргаликда Декандан келиб мулозаматга кириш бахтига муяссар бўлдилар. Ўн бешинчи рабиул сонийда Онҳазрат Хуросон ашрафларининг солиҳа қизларидан бири билан ажойиб никоҳ билан боғландилар.

Тўртинчи жумодул аввалда Муктасир кишлогидан Оллоҳ-обод томон юришга отланилди. Шу вақтда Муаззамхоннинг маълумоти етиб келдики, у Ганг дарёсидан ўтиб, Шох Шужо ишини ниҳоясига етказишга бел боғлаган. Ва ўз чодирини тикилган жой – Тондадан Жаҳонгирнагар томон юрган. Бунда у Бангола аскарларига мадад бериш мақсадини кўзларди ва бу ишдан хотиржам бўлгани сабабли жиловни Шамсубод манзилидан до-рул-хилофат томон бурган.

Ўн бешинчи жумодул охирда улуғ ҳумоюн тарафидан до-рул-хилофатнинг муборак кальаси(дагилар)нинг боши осмонга етказилди. Ҳақиқатталаб ҳиммат шуни истадики, илоҳий қонунлар жамоа иштирокида масжидда адо этилсин, (шунга кўра) оромгоҳ яқинида тарошланган мармар тошлардан ва турли рангдаги (бошқа тошлардан) бир масжид қурилсин (34а). (Бу масжид) беш йил мобайнида бир лакху олтмиш минг рупия маблағ сарф этилиб, ажойиб қилиб тугатилди. Оқилхон илҳомланиб, (қуйидаги) ояти қаримани тарих қилди:

**«Албатта, барча масжидлар Аллоҳникидир, Аллоҳ билан бирга яна бирон кимсага дуо-илтижо қилманглар»<sup>11</sup>.**

Шу кунлари Банголадаги воқеалардан арзга етдики, подшоҳзода Муҳаммад Султон Шох Шужо Жаҳонгирнагарга келга-

<sup>11</sup> Куръини қарини Жин сурасининг 18-оят.



нида ўз қилмишларидан пушаймон бўлганлар ва Акбарнагарга келиб, Ислохон билан қўшилганлар. (Шунда) Муҳаммад Мирак гузарбардор уларга марҳамат саройидан нодир буюмлар билан бирга хилъат олиб борган.

Фидойихон ул олий насабни саройга олиб келишга тайин қилинди. Йигирма бешинчи шаъбонда сарой каъбасига яқинлашганларида Оллоёрхон истикболларига чиқиб, ул жанобни дарё йўли билан Салимқадага элтиб кўйди ва (ул жанобдан) хабардор бўлиб туриш иши Муътамадхонга топширилди.

### *Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмишинчи ҳижрий йилига тўғри келган учинчи йили бошланиши*

Ушбу муборакбод вақтда бахтиёрлик бахш этувчи кунлар – рўза ойи кирди. Севинч-қувончга тўла бу ойнинг тўртинчисида дилқушо мажлис ва улғу анжуман тартиб топди, шодлик дўмбираларининг садоси фалак (дунё) халқларининг қулоғига етиб борди, табрик байроқлари осмондан ерга тушди ва юксаклик инсонлар орасидан осмонга чиқиб қад кўтарди, мартаба ва мансаблар дарахти нашъу намо топди, умид ниҳоллари кўм-кўк бўлиб кўкарди (346). Олам чароғи бўлган бу кунлари Банголадан Шох Шужо Жаҳонгирнагарда мустаҳкам ўрнашиб олишга мажол тополмай, шу йили рамазон ойининг олтинчисида, яъни жулуснинг учинчи йили бошларида Захнак вилоятига ҳайдаб юборилди ва Муаззамхон Жаҳонгирнагар қалъасига дохил бўлди, деган хабар келди.

Иккинчи маротаба тахтга ўтириш воқе бўлган (кун) – мазкур ойнинг йигирма тўртдан бошлаб байрам қилиниб, бу (байрам) Қурбон ҳайитига қўшиб юборилсин, деб қарор қилинган эди. Шу орада саховатли, дарёилтифот ва салтанат меҳрибони подшоҳнинг инояти билан узоқ ва яқиндагилар ҳамда катта-кичиклар бахтиёр бўлдилар. Ийд(ҳайит)нинг тонготар шуъласи жаҳон чехрасини чароғон этди, (Ҳазрат) намоз ўқишга отландилар. Ҳайитдан сўнг икки кун давомида байрам ва тантана авж олди.

Ушбу сатрлар муаллифи энди саройдаги илоҳий қувонч воқеалари баёни билан машғул бўлади.

Шарқий мамлакатлардаги воқеалар ва подшоҳзода Муҳаммад Султон ҳамда Муаззамхонлар бошчилигидаги шавкатли фавжлар (қўшин)нинг тараддудлари (подшоҳзода Муҳаммад Султон ва Муаззамхонлар рабиус соний ойида, тахтга ўти-

ришнинг биринчи йили Оллоҳободдан Шох Шужони таъкиб этиш учун тайин қилинган эдилар), гарчи ул китобда интихоб қилинган (танлаб баён этилган) бўлса ҳам, лекин ушбу мухтасар (китоб) мазмунини (тўла) беролмайди. Шу боис таҳрирнинг инон-ихтиёри муфассал муқаддимадан воз кечиб, шу хилда (қисқача баён қилишни) маъқул топди.

Кўз олдида зафарасарлик лашкарлар янчиб ташланишидан Шох Шужонинг (35а) иши орқага кетди, ҳаёти хавф остида қолди ва мўътабар саййидлардан икки киши – Саййид Олам, Саййидқули Ўзбак (ва улар) билан биргаликда ўн икки нафар мўғул ҳамда бир қанча бошқа кишилардан ташқари ҳеч ким унинг ёнида қолмади. Бахтсизлик манзилларидан ва қонхўр тўдалар орасидан ўтиб, обод оламини дилидан чиқариб юбориб, Захнак оралиғига – қуфр ва залолат эғизак бўлган ерга бориб суқилди ва тўсикка учраб қолди. Унинг иши саранжом топиши ўз жойида зикр қилинади.

Ушбу саодатли онлар, ўн еттинчи зулкаъдада «вазни камарий» тантанаси тартиб топди, бахтиёрлик ибтидосининг гавҳарини тортишдан тарозининг очик палласи осмонга чиқиб кетди. Қирк тўртинчи йилга қадам қўйилди, оммага инъом улашиш расми амалга ошди. Подшоҳзодалар турли хил иноятлар билан навозиш қилиндилар. Бангола сипоҳларидан Муаззамхон «хони хонон» деган улуғ хитоб ва «сипоҳсолар» деган юксак номга эга бўлди, у асли ва қўшимчаси билан етти мингчи, етти минг суворли ва икки отлик, уч отлик мансаби берилиб ҳамда Шох Шужони даф этганлиги мукофотига хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган шамшир юборилиб эъзозланди.

Банголага қарашли аскарларнинг бошлиқлари ва барча су-бадорлар ҳамда нури мунаввар сарой бандалари тегишли иноят ҳамда инъомлар билан сарбаланд этилдилар. Нажобатхонга қилган гуноҳлари учун хайфсан берилган ва (сўнг) афв этилган эди, у (саройга) қуролсиз келди, шамшир ато қилиш билан навозиш этилди.

Қошғар волийи Абдуллоҳхоннинг биродари Мансур (35б) ва мазкур хоннинг биродарзодаси (амакиваччаси) Маҳдийлар ундан чўчиб Бадахшон йўли орқали жамиятобод Ҳиндистонга келдилар, (ва остона) ўпиш билан дил ғашликларидан қутулиб, банда бўлиш давлатига сарафроз этилдилар.

Маликаи Сурайёбегим соҳиба ва бошқа бегимлар ҳамда подшоҳзодаларнинг жавҳар ва тилла буюмлардан иборат пешкаш

(тухфа)лари муқаддас назардан ўтказилди ва мунаввар кабулга сазовор бўлди.

Шу кунларда севинчга тўла Қурбон ҳайитининг кириб келиши дилларга шодлик бахш этди. Шоҳона илтифот барча муҳтожларни эҳсон назарига муяссар қилди.

Доро Шукухнинг иғвосига учган кўзи кўр Равкирон рухсатсиз Декандан ўз ватанига кетиб қолган эди. Шу кунлари Амирхонга ул томонга бориш, агар (Равкирон) қилган ишига пушаймон еб, қўлини узр-маъзур этагига чўзса, уни ўзи билан олиб келиш, аксинча бўлса, уни тор-мор қилишга киришишга рухсат этилди. Мазкур хон Бигонирга бориб етганида, у (Равкирон) келиб хонни кўрди ва хоннинг шарофати билан гуноҳларини афв этувчи ҳокон даргоҳига келди (ва унинг) гуноҳидан ўтилди.

Ўн еттинчи муҳаррамда Ихлосхон Шужонинг шахсий хазинаси, уйининг жавоҳир жиҳозлари ва бошқа молу мулклари хотинлари билан бирга Банголадан олиб келиниб, у ер ўпиш давлати билан эъюзланди. Декан субадори амирул-умаронинг саъй-ҳаракати билан Кавкан вилоятининг Чўкна қалъаси фатҳ этилди. Амирул-умаро тасарруф қилган Бижопур ҳукуматида инқилоб бўлгани ва (36а) бижопурликлардан кўплаб кишилар ўлдирилгани сабабли кип-қизил ёлғончи Сивони даф этишга ва вилоятдаги кўп қалъаларни тортиб олишга буйруқ берилганди. Кўп жойларда у қувғин қилинган одамларига сазо бериб, (уларни) йўқ қилган эди.

Шу вақтда қувончли «шамсий жашн» (байрам тантанаси) жаҳонга бахтиёрлик бахш этди, қирқ учинчи йил бошланди ва дунё олам ҳоконининг эҳсон ва фойзалари равнақидан камёблик топди, шу тобда Пурянда қалъаси уруш заҳматисиз фатҳ қилинди.

Олий даргоҳга бандалик иродаси билан келган (ва ) Одилхон томонидан мудофаа ноиби этиб тайинланган Ғолиб исмли шахс, амирул-умарога қалъани топшириш (ҳақида) мактуб юборган. Ва у (амирул-умаро) шахзода Муаззам (ва) Мухторхонларни қалъадорликка юбориб, Ғолибни ўз ёнига чақиртирган ва хилофат ҳокимининг мададига асосланган (амирул-умаро) тўртинчи мансаб, хонлик хитоби ва (турли) инъомлар ҳамда бошқалар билан унинг учун навозиш мавқеини яратди.

Шу онларда Кўҳистон Саринагарининг заминдори Партаҳи Сингх Рожа Жай Сингхга гуноҳларини кечирिश илтимоси ва Сулаймон Шукух аҳди мазмунида мактуб ёзди. Рожаларнинг бу бошлиғи илтимосига кўра, унинг ўғли Канур Ром Сингх

Сулаймон Шукухни олиб келмоқ учун рухсат олди ва бешинчи жумодул аввалда (уни) дорул-хилофатга келтирди. (Сулаймон Шукух) Салимкада қалъасига жойлаштирилди. Ойнинг йигирма тўртинчисида Муртазохон у билан бирга подшоҳзода Муҳаммад Султонни ҳам Гвалиёрга келтирди. Ва Мўътамадхон қалъадор бўлиб қолди.

Сурат бандаридаги воқеалар ҳақида олий даргоҳга маълум бўлдики, Басра ҳокими Хусайн пошо (366) ўз одами Қосим око орқали осмонсоз остонага (кўп) араб отлари ва табрик мактубини юборган. Сурат бандари мутасаддиси Мустафоҳонга Қосим окога тўрт минг рупия харж ёрдами бериб, у саройга жўнатилсин, деган ёрлиқ юборилди.

Шу кунлари Балх волийи Субхонкулихоннинг элчиси Иброҳимбек дўстона саҳифа (мактуб) ва Турон диёрининг армуғонлари билан файзмакон остонага келди ва узоқ касал бўлгани сабабли бир қанча кундан сўнг оламдан ўтди. Унинг ҳамроҳларига хилъатлар ва йигирма минг рупия берилиб, қайтишларига рухсат этилди.

Осмондек кенг мамлакат ерларида ғалланинг (қиймати) кўтарилиши сабабли ҳар йилги (мавжуд) лангарлардан бошқа мискинлар учун дорул-хилофат шаҳрида ўнта лангар, атроф парганаларида ўн иккита лангарни муқаррар этиш ҳукми бўлди. Шу тартибда Лохурда (ҳам лангар) муқаррар қилинсин, муҳаррам, ражаб, шаъбон, рамазон, рабиул аввал ва зулҳижжа ойларида қатъий нарх-наво мавжуд эди, бу йил икки баробар қимматлашди, амирлар ўз ёнларидан хайр улушини ажратсинлар, (мамлакатда) раванқсизликка ўрин бўлмасин ва шу хилда хайр қилиш расми йўқ бўлиб кетишига йўл қўйилмасин, деган маънода мингга яқин фармон бўлди.

*Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг олтмиш биринчи ҳижрий йилига тўғри келган тўртинчи йили бошланиши*

Ушбу бахтиёр кунларда муборак рамазон (ойи)нинг ҳилоли қуёштолелилар пешонасида ярқираб жилваланди, хилофат оройиши (37а) бошланди. Гарчи тахторолик куни йигирма тўртинчи рамазонга тўғри келса-да, рўза ичида кўпчиликнинг хушчакчакликка рағбати бўлмаслиги важҳидан бу байрамни ҳайит кунидан бошлаб, ўн кун муддат давом эттиришга фармон бердилар.

Подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг давлат саройида роҳат келтирувчи ўғли туғилди, исми Султон Муъиззиддин бўлди.

Хумоюн арзга етдики, Эрон фармонравойи Аббос II нинг элчиси Будоғбек шаъбон (ойи) охирида Мултон шаҳрига етиб келган. (Мултон) субадори Тарбиятхон уни зиёфатлар қилган (ва унга) беш минг рупия нақд пул, тўққиз-тўққиз парча таклиф этган. Лоҳурда эса Ҳалилulloҳхон ажойиб зиёфатлар бериб, унга йигирма минг рупия, ханжар ва нақшли ишланган қилич ҳамда Ҳиндистоннинг нафис матоларидан етти-тўққиз парча берган. (У) чин кўнгил билан саройга етиб келганида унга «улуши хоса» иноят қилинди. Ва, шавволнинг учинчисида у ер ўпишга кирсин, деган буйруқ берилди.

Шаввол ойининг кўриниши кўнгилларга шодлик бахш этди. Қарор қилинган дастуриламалга кўра хисравона байрам тайёр-гарлигига юксак даражада ораста берилиб, ийдгоҳ (ҳайит қилинадиган жой)га ташриф буюриб, (у ерда) ҳозир бўлдилар, қайтгандан сўнг эса халқ талабига етиш иши билан шуғулландилар. Олийзот подшоҳзодалар, олий даражали шахзодалар, ақидат шоирлар, рожалар, номдор амирул-умаро (376) ҳаддан зиёда иноят ва инъомлар билан эъзозу икром қилиндилар. Қосим оқо Румий ўт қалби учун қабул шарафини топиб, Хусайн пошо совғаси бўлмиш беш отни назардан ўтказди ҳамда ўз томонидан ҳам бир қанча от ва гуржи ғуломлардан (иборат ҳадя) берди, у хилъат ва беш минг рупия иноят қилиниши билан навозиш этилди.

Эрон элчиси Будоғбек дорул-хилофатга яқинлашиб келгани сабабли ҳайитнинг учинчи куни Асадхон, Сафийхон ва Мултофатхонлар шаҳардан ташқарига (унинг истикболига) чиқдилар. (Эрон элчиси) девони хос ва олда остона ўпиш билан азиз этилди. Кўриниш ва табриклаш (маросими) адо қилинган, (элчи Эрон) шохининг (Оламгирни) тахтга ўтиргани билан табриклаган номасини топширди. (Элчи) хилъат, жиға, нақшланган ханжар, аргаҳа жашн, тилла пиёла, тилла ховонча ва пондони билан бирга пон ато қилиниши ила эъзозланди. Рустамхоннинг ҳовлиси унинг турар жойи, Мир Азиз Бадахшон меҳмондори этиб тайинланди. Олтинчи шавволда (Эрон) шохининг совғалари мукаддас назардан (бирма-бир) ўтказилди; улар орасида, жумладан, олмиш олти от ва оғирлиги 37 кирот келадиган дур марварид бор эди. Барча армуғон этилган буюмлар қиймати тўрт лакҳ ва йигирма икки минг рупияни ташкил қиларди.

Ўн тўққизинчи зулкаъдада қувончли «камарий тантана» бўлди ва у аҳд қилинганидек амалга ошди. (Онҳазрат умрининг) қирк бешинчи йили бошланди. Ва сарой ҳамда субалардаги ако-бир-асоғирлар (катта-кичик амалдорлар) зўр комронлик билан шоду хуррамлик топдилар (38а).

Ўнинчи зулҳижжада Курбон ҳайитининг қувончли наво таронаси ҳамманинг қулоғига етиб борди. Хисравона илтифот қилиниб, Эрон элчисининг кетишига муносиб рухсат берилди. У бир лакх рупия инъом этилиши ҳамда хилъат ва марваридлар қадалиб ўймакор қилиб ишланган ханжар, эгари ҳамда тизгини олтиндан бўлган бир от, олтин эгари ва кумуш асбоблари ҳамда зариф жули бўлган бир фил, (яна) дарёдек (бахайбат) фил ва асбоблари билан жиҳозланган тахтиравон иноят қилиш ила навозиш этилди. Навбатдаги улуғ жавоб номасини юборишга қарор қилинди. Бу элчига аввалдан охиригача беш лакх рупия ва хамроҳларига ўттиз беш минг рупия ато қилинди. Гўшанишинлик илтимосини қилган Оқилхонга йилига тўққиз минг рупия нафақа тайинланди. Шу вақтларда давр хоконининг «вазни шамсий» тантанаси етиб келди, қирк тўртинчи йил бошланди; олам қувончга тўлди, олам халқлари кўнгилдаги максадларига етдилар. Хусайн пошонинг одами Қосим оқо ўн бир минг рупия ва хилъат билан кетишга рухсат олди ва унинг хамроҳлари бир минг рупияга эга бўлдилар. Мазкур пошо учун кимматбаҳо тошлар билан зийнатланган шамшир бериб юборилди.

Тўртинчи рабиус сонийда Бухоро волийи Абдулазизхоннинг элчиси Хўжа Аҳмад ибн Хўжа Хованд Маҳмуд дорул-хилофатга кириб келди. Сафийхон ва Кубодхон уни кутиб олиб, иқбол саройига келтирдилар. Элчи нома, йўрға турк отлари, эркак ҳамда урғочи нор туя ва бошқалардан иборат тухфалар олиб келган эди. Улар орасида киймати йигирма тўрт минг рупийлик бир қитъа лаъл ҳам бор эди (38б). Шу куни элчига хилъат ва марваридлар қадалиб ишланган ханжар ва йигирма минг рупия нақд пул ва марҳамат кўрсатиш ҳамда турар манзил (белгилаш) билан шоҳона илтифот қилинди.

Шу кунлари (Онҳазрат) Рожа Сингҳнинг бахти ярқираган кизини исломга мушарраф қилдириб ва (керакли равишда) тарбияланган деб билиб, (уни) иқбол гулшанининг саодатманд ниҳоли (бўлмиш) подшоҳзода Муҳаммад Муаззамга никоҳлаш шарафини бахш этдилар. Жаҳонни мунаввар қилган ушбу тантана кайфиятининг тафсилоти ҳақидаги маълумот ажойиб бир

китобни мутолаа қилиш билан тенгдир. Ҳар ким бу анжуманни томоша қилган бўлса, унинг кўз ва дил чироғи чароғон торғди, у турли-туман шаклий ва маъний кайфу сафоларга шоҳид бўлди.

Шундай қилиб, Патна субадори Довудхон шиддатли жанглардан сўнг Бихар субасига тааллуқли вилоятлардан Палонунни фатҳ этгани сабабли хилъат юборилиш билан шуҳрат либосини кийди. Амирхон Маҳобатхон ўрнига Кобул субадори бўлиш билан сарбаланд этилди. Ражаб (ойи) бошларида Фозилхон Акбарободдан келиб, Онҳазрат жўнатиб юборган баъзи жавҳар ва олтин асбобларни назардан ўтказди. Иккинчи (ражаб)да арзга Лоҳур субадори Ҳалилуллоҳ касаллиги сабабли дорул-хилофатга келган эди, оламдан ўтди, деган хабар етди. Вафотининг иккинчи куни (Онҳазрат) ул мархумдан қолган (зурриётлар)нинг масканига порлоқ кадамларини кўйдилар ва ўғиллари Мирхон, Рухуллоҳ ва Азизуллоҳ ҳамда бошқа яқин қариндошларига хилъатлар марҳамат қилиб, уларни раҳм-шафқатларига сазовор этдилар. Унинг хотини Ҳамидабонуга, у олий даражали мақомнинг бешиги, замон мумтозининг синглиси Малика Бонунинг қизидир, (39а) йилига эллик минг рупия (нафақа) тайин этдилар.

Олтинчи (ражаб)да ҳашаматнинг тоза ниҳоли Муҳаммад Акбар хатнасининг улуғ суннати бўлиб ўтди.

Бухоро ҳожиби (элчиси) Хўжа Аҳмад хилъат ва марваридлар қадалиб зийнатланган ханжар иноят қилиш ва ўттиз минг рупия инъом этиш билан навозиш қилиниб, уйига қайтиб кетишига рухсат берилди. Мазкур элчига аввалдан охиргача бир лакх ва йигирма минг рупия ато этилди.

Шаъбон (ойининг) биринчисида хони хонон Шоҳ Шужо филларидан етмишта филни ва яна палонунлик ғанимларнинг икки филини ҳам юбориб мунаввар назарга етказди.

Шаҳаншоҳга доимо шоду хуррамлик бахш этувчи шикорнинг кайфиятига келганда, бу тўғрида то воқеаларни тасвир этувчи хома (қалам) уларни баён этганига қадар кўпдан намуна сифати оз (сўз шул)ким, бу йили баланд парвозли лочин (шоҳбоз) билан бир юз элликта тустовуқ ов қилинди. Шунингдек, камарга шикори ҳам қилиниб, бу ерда уч юз эллик бешта оҳу ўраб олинди. Саккизта оҳу хос томонидан ва қирқ еттита оҳу овда иштирок қилишга рухсат олган бошқа барча кишилар томонидан отиб олинди, қолганларини кўйиб юборишга ҳукм бўлди. Арзга етдики, биринчи галда камарга (шикоргоҳ)да кўп оҳулар

куршовга тушиб колган бўлиб, улар одамлардан кўриб кетиб шикоргоҳдагиларга ҳамла қилганлар, беш кишини сузиб уларга заҳмат етказганлар, икки киши ҳалок бўлган, мингта яқин оҳу кочиб кетган.

Ажойиб воқеалардан (бири) шу кунлари арзга етди: Сун Пат кишлоғининг барча болалари «подшо-вазир» ўйнаганлар, улардан иккиси «ўғри» бўлган. «Шихна» (миршаб) уларни «ҳукмдор» хузурига келтирган ва у («ҳукмдор») сиёсат қилиб кўйишга ишорат қилган. У («шихна») қўлидаги хушёр этувчи таёқ билан (39б) ҳар икки («ўғри»)нинг бошига шундай туширганки, уларнинг ҳаёт ипи узилиб, ўйин жиддий тус олган.

### *Биҳар вилояти ва Ошом мулкининг фатҳ этилиш қиссаси*

Олий ҳазрат (Шоҳ Жаҳон)нинг беморлиги боис олтмиш еттинчи ҳижрий йили охирларида барча чегара ўлкаларида исёнлар кўтарилди. Биҳар заминдори Пайм Нароин эса подшоҳликка тегишли Комруп вилоятини (ўз) тасарруфига киритиб олди. Шу вақтда Ошом рожаси Жаби Вабжи Сингх ўз вилояти музаффар аскарлар томонидан тор-мор қилинишидан хавфсирамай, мазкур вилоятни тасарруф этиш савдосини қилиб, қуруқлик орқали Комрупга катта қўшин белгилади. Хони хонон бу муҳим ишларни саранжом қилишга катта аҳамият бериб, зафарлар порлаган саройнинг кўрсатмаси билан тахтга ўтиришнинг тўртинчи йили, ўн саккизинчи рабиул аввалда Хизрпурдан равона бўлди. Ойнинг еттисида Биҳарга фатҳ байроғини қадади ва (бу ерга) Оламгирнагар деб ном қўйди. Мазкур ойнинг йигирма олтинчисида Ошомни босиб олиш учун Қахваругҳот йўли орқали азм байроғи баланд кўтарилди, беш ой тайёргарликдан сўнг шатбон (ойининг) олтинчисида (дорул-мулк Ошомнинг чегара вилояти) Каркону Ислом ойининг шуъласидан мунаввар бўлди. Дин лашкарларининг ниҳоятда сидқидиллик ва шоҳни севишда фидокорлик билан қилган буюк азамати ушбу зафарасар сафарда улар (душманлар)нинг (барча) мададлари, зарбалари ва иштиёқларини сусайтириб қўйди. Қўлга киритилган сон-саноксиз ғаниматлар: турлитуман буюмлар, нақд пуллар ва бошқа молу ашёлар ҳақида ҳамда Биҳар ва Ошомдаги ажойибот ва ғаройиботлар, бадий (40а) ва нодир нарсалар баёни, ўлган кишилар, турли дарахтлар ва мевалар, наботот, саҳролар, қўллар, таомлар, кийим-кечак, қалъалар, иморатлар ҳақида буткул бошдан-оёқ сўзлаш ва уларни шарҳлаш



мумкин эмас; булар (ҳаммаси) «Оламгирнома»да батафсил баён қилинган. Сўз тамом, вассалом.

Бу улуғ фатҳнинг воқеаси хони хонон – сипоҳсолар маълумоти орқали буюк зот қулоғига етиб келгач, унинг саройдаги ўринбосари Муҳаммад Аминхонга хилъат ва иродат нишони (номи)га таҳсинунвон фармонлар чиқариб, (унга) хос хилъат ва бир курур дом инъом этиш ва туман (ўн минглик) туғини бериш билан алоҳида шарафланишни илтифот қилдилар.

### *Улуғ Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган бешинчи йили бошланиши*

Барака ато этувчи рўза ойининг севинч қадами қўйилган саодатли кунларда аҳоли тоат ва ибодат вазифаларини бажаришга аҳд қилди. Хилофатнинг бешинчи йили бошланди. Давлат пешгоҳи(саройи)нинг хизматкорлари ҳар йилгидек байрам жиҳозларини тартибга солиш ва мушакбозликка тайёрланиш ишлари билан шуғулландилар. Онҳазрат шаҳаншоҳ ҳайит куни, ҳайит намозидан кайтгач, саройни мушарраф этганларга ва узок атрофдан келган сипоҳдорлар ҳамда субалардаги амирларга иноятлар қилиш ва инъомлар бериш билан (уларнинг) даражаларига яраша навозиш қилдилар: келтирилган пешкаш (ҳадялар) арз жойига етиб, қабул билан орасталик топди. Учинчи куни муқаддас зотнинг аҳволи соғ-саломатлик томон ўнгланди; кўп қон олинishi заифлик ва беҳушлик (ҳолати) ҳукм суришига сабабчи бўлган эди; касаллик то ўнинчи зулҳижжага қадар давом этди. Муолажа юзасидан Ҳаким Муҳаммад Амин (406) ва Ҳаким Маҳдий муносиб тадбирларни амалга оширдилар ва хайрли ҳамда саховатли ишлар – дардни даф этиш, унинг бедармонлик оқибатини қолдирмаслик ниҳоясига етди. Еттинчида (Онҳазрат) соғ-саломатлик ғуслини бажо қилдилар, ўнинчи зулҳижжада намозга таважжуҳ этдилар ва катта-кичик, бой ва фақир оламорога жамолини кўрсатиб, ҳар икки ҳайит файзидан баҳраманд бўлдилар. Ўн олтинчида «вазни камарий» тантанаси тартиб топди, қирқ олтинчи йил бошланиб кетди.

Маҳобатхон маҳарожа Жусунат Сингх ўрнига Гужарот субадорлигига тайинланди; унга асли ва қўшимчаси билан олти мингчи, беш минг суворли (мансаб) илтифот қилинди. Ризавийхон Бухорий гўшанишинликдан чиқиб, икки минг беш юзчи ва тўрт юз суворли мансаб билан сарафроз этилди.

Ҳадялар олиб келган Одилхон навкарларига хилъатлар берилиб, орқага қайтишларига рухсат этилди.

Тўкрабхон (Нусратхон) бу жаҳон ғам-ғуссасидан озод бўлди. Унинг ўғли Муҳаммад Алихон, отаси гуноҳкорлиги эвазига у ҳам мансабдан узоклаштирилган эди, (қайтадан) илтифотга сазовор бўлди ва унга мотам хилъати ато қилинди ҳамда бир минг беш юзчи, икки юз суворли мансаб марҳамат этилди. Сихринддан келган Сафийхон Мунзавид хилъат ва шамшир иноят қилиниши билан сарафроз топди.

Жумодул аввалнинг бошида «вазни шамсий» тантанаси ўтказилди. Қирк бешинчи йил бошланиб кетди. Олам дилдаги мақсадга етди, халқлар ўз толеларидан мамнун бўлдилар.

Аввалги йилда гуноҳи учун жазоланган Нажобатхон қайтадан (41а) беш мингчи, тўрт минг суворли мансаб билан бахтиёр бўлди.

Мазкур ойнинг еттинчисида байроқлар Панжоб томон юзланган ҳолда баланд кўтарилди. Карнол манзилида Фозилхон мирсомонга ўрду ва корхоналарнинг ортикча буюмлари билан тўғри дорус-салтанат (Лоҳур)га етиб боришга рухсат этилди (Жанобнинг) ўзлари Мухлиспур томонда шикор қилиб, (Лоҳурга) йўлга чиқдилар ва ўнинчи ражаб (ойи)да дорус-салтанат сарбаланд хумоюннинг қадами билан бахтиёрликка эришди. Хотирда Кашмирни сайр этиш иродаси (ҳам) бўлгани сабабли йўл ва масофаларни тўғрилаш важҳидан Хизматкорхонни жўнатдилар.

Ўн бешинчи ражаб (ойи)да Жуноқада фавждори Қутбиддин бахти қора Рой Сингҳни – у фасодлар ўчоғига айланган Жом вилоятининг заминдори Ситр Солнинг амакиваччаси бўлиб, отаси Роймал вафотидан сўнг биродарзодасини мулкдан маҳрум этган эди – бир ўғли, амакиваччаси ва ҳаммаси бўлиб уч юзга яқин қариндош-уруғи билан дорул-фанога (йўқлик хонасига) жўнади. Бу хоннинг ажойиб қахрамонлиги орқасида (Жомга) Исломнинг қириб келиши туфайли «Исломнагар» номи зухур топди.

**Ошом воқеаси зикрининг давоми.** Ёнгарчилик кунларини ўтказиш учун хони хонон – сипоҳсолар Мутҳарапурда истикомат маконини тутди. Бутун ер юзини сув коплади, ошомликлар қахрамонликни бошладилар ва сипоҳларнинг от минишига мажоли йўқлигидан уларнинг шўхликлари ҳаддан ошди. Ва рожа (Пайм Нароин) ҳам Кўхистондан Номруп (Комруп)га тушиб келди; муборақбод айтишлар бўлиб ўтди. Музаффар аскарлар (41б) тасарруфида Каркону (Кургону), Матҳарпурдан ўзга ер қолмаган

ва озуқа (хам) йўқ эди. Ҳавонинг айнашидан вабо келиб чикди, ҳаётдан кўз юмаётган кишилар кундан-кунга кўпайиб борарди, бу аҳвол Ошомнинг барча вилоятларига тарқалди. Душманлардан ҳам кўра кўпроқ халқ тоғу тошлар орасида жаҳаннам азобига гирифтор бўлди. Бунинг устига лашкар аҳлининг озуқа моллари – гуруч ҳамда душманлардан қўлга туширилган сигир гўшти (тугаб), сабрдан ўзга чора қолмади. (Лашкарлар) ёғингарчилик кунларнинг тугабини кутар эдилар.

Ойнинг ўрталарида ёмғир камроқ ёғди ва шу орада кемаларда озиқ-овқат ҳам етиб келди. Рабиул аввал ойи охирларида ора-сира ерлар кўрина бошлади, атроф ва ноҳиялардаги фавжлар шиддатли қирғин уюштирдилар. Рожа тоққа қочди ва сулҳ тузишни илтимос қилди. Хони сипоҳсолар (бу илтимосни) қабул қилмай, Номруп томон азм этди. Шундай аҳволда Хони сипоҳсоларга ёмон ва аримас дард илашди. Тўқнашувларда доим мақтаб келинган лашкарлар унинг бошига тушган хавфдан бир қанча ерларда қутқуга берилиб, ундан жудо бўлишни ва Бангола томон жўнаб қолишни хоҳлаб қолдилар. Бу воқеалардан вокиф бўлган хон қаттиқ хафа бўлиб, тўртинчи жумодул аввалда бир манзил олға силжиди, сулҳ тузиш иродасини зарур деб билди ва қайтиб кетишга азм қилиб, қўлга тушиши яқинлашаётганини сезган рожа Далирхонга ўртада туришни топширди ва номи зикр этилган хони хонони ҳам (келишга) рози қилди.

Бешинчи жумодул охирда рожанинг вакиллари келиб, сарой учун йигирма минг (42а) тула қумуш ва йигирмата фил ва хони хононга ўн бешта ҳамда Далирхон учун бешта фил тухфа (ваъда) қилдилар. Шу тухфаларнинг барчаси ва бошқа нарсалар олиб келингунича рожанинг кизи ва рожа билан яқин муносабатда бўлган Ошом сарзамини рожасининг қизи ҳамда рожа аёнларидан тўрт кишининг ўғиллари биргаликда Банголада туришлари шартлашилган бўлиб, улар музаффарасар лашкарларга келиб қўшилдилар.

Ойнинг ўнида хони хонон Номруп тоғлари дарасидан кўчди ва байроқлар Бангола томон қайтишга баланд кўтарилди. Йигирма иккинчида Лақхургарга етди ва ўн учинчи ражабда Қажлидан кўчиб, дарёнинг нариги томонидаги Қухтига қарама-қарши жойлашган Понду (Бонду) мавзеига келиб етди. (Хони хонон) Рашидхон Номруп фавждорлигига юборилди. Шу кунлари унинг касали даволашидан ўтиб кетди ва ўзи холини шу зайлда кўриб, (хони хонон)

Аскархонни Пайм Нароин қайтадан бўйсундирган Кучи Бихарни босиб олишга тайин этди, ўзи эса Хизрпур томон равона бўлди.

Тахтга ўтиришнинг олтинчи йили – муборак рамазон ойининг иккинчисида Хизрпурга икки курух (қолганда хони хонон) Ҳақ чакиригига «лаббайка» деб ижобат айтди.

*Улуғ Оламгир хилофатга ўтирганининг бир минг етмиш  
учинчи ҳижрий йилига тугри келган олтинчи  
йили боиланиши*

Муборак рамазон ойининг йигирма бешинчисида салтанат саройининг хизматкорлари Рови дарёсининг у томонида жойлашган дилкушо боғда байрам тадбирларига тайёргарлик кўрдилар. Онҳазрат шу куни байроқларни Кашмир томон юришга қаратган холда баланд кўтардилар. Мазкур боғни (гўзаллигига) баҳор ҳам рашк этадиган қилдилар. (426) Шу куни хони хононнинг вафоти ҳақида хабар келди. Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Муҳаммад Аминхон манзилига ташриф буюриб, уни ўзлари билан бирга саройга олиб келдилар ва (унга) мотам хилъати ато қилинди. Ийд намози хийма (чодир) ичидаги намозгоҳда адо этилди. Қудратли подшоҳзодалар ва саройдаги ҳамда субалардаги номдор амирлар муносиб навозишлар билан мумтоз этилдилар.

Учинчи шавволда музаффар байроқлар хилпираб ҳаракатга келди. Сивойи жаҳаннамийнинг кечаси амирул-умаро лашкаргоҳига қилган ҳужуми ва олишув пайтида унинг кўрсаткич бармоғи кесилгани ҳамда ўғли Абулфатх шаҳид этилгани кунларнинг воқеаларидан бўлди.

Бу воқеалар ул амирлар улуғининг ғафлатга берилишидан содир бўлгани сабабли унга хайфсан эълон қилинди (ва) Декан субадорлиги унинг ўрнига подшоҳзода Муҳаммад Муаззамга топширилди. Амирул-умаро Муаззамхон жойини ўзгартириши боис Бангола субасининг соҳиби этиб тайинланди.

Шу ойнинг ўн тўртинчисида (Онҳазрат) Кашмир тоғларига олиб борадиган Биҳаннаҳр (Ватаҳнир) кишлоғига файз таратувчи ташриф буюрдилар. Лоҳурда туриб қолинганида Пурпанҳол йўлида қор эриб кетган эди, зафарасар мавка<sup>12</sup> шу йўл томон юришига амр этилди. Рожа Рай Сингх ва Нажобатхон ўрданинг ортикча буюмларини Чиноб дарёсининг соҳилида тутиб турсинлар, деган ҳукм бўлди.

<sup>12</sup> Бирор улуғ киши кетида эргашиб юрувчилар.

Тоҳирхон баъзи амирлар билан бирга жогир (ери)га кетишга рухсат олди. Сафшиканхон (бошқа) барча кишилар билан бирга Биҳаннаҳр тепалигининг пойгоҳида тоғ этагидан хабардор бўлиб туришга, баъзи амирлар ва арбоблар эса жилов хизматида (43а) бўлишга тайинландилар. Муҳаммад Аминхон ва Фозилхонларга икбол мавкабидан уч манзилдан (ортиқ) қолмаслик буюрилди. Ўн олтинчида Биҳаннаҳрдан кўчиб, Парпанҳол тоғидан ўтилаётганда саккизта фил чўчиб орқасига қайтиб келди. Чунки бир зумда қаердандир бало кўтарилиб, гирдоб шамоли юклар (келаётган) томон эсишидан юзага келган кучли тўстўполон одамлар ва ҳайвонларни мушкул ахволга солиб қўйди. Подшоҳликка тегишли бир қанча урғочи фил ҳамда одамларнинг буюмлари у тоғда (юз берган) бахтсизлик оқибатида ҳалокат ғорига тушиб кетди. Шундай талафот майдони юзага келдики, ҳатто филлар устихонидан асар ҳам қолмади, одамлар тўғрисида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди. Бу мудҳиш воқеани эшитиб заррапарвар подшоҳнинг муқаддас хотири жуда ваҳшатга келди ва шу вақтдан эътиборан бошқа ҳеч қачон Кашмир сайрига чиқмасликка қарор қилинди. (Лекин Онҳазрат) жумладан, зульқада (ойи)нинг биринчисида улуғлик рамзи – Кашмир гулшани томон таважжух этдилар.

Девон ишлари бўйича мутасадди Рожа Ракҳнотҳа вафот этгани сабабли мазкур ойнинг ўн бирида вазирлик мансаби Фозилхонга топширилди ва Ифтихорхон «хони самоний» мансабига сарафроз этилди.

Олий ҳазрат салтанати даврида садрус-судур воситачилигида (амалдорларга) йилига беш ой мобайнида етмиш тўққиз минг рупиядан (маош) тўланар эди ва бошқа етти ой учун маблағ тайин этилмасди. Беш ой ичида (ҳақ тўлаш) аввалги қонунқоида бўйича амалга оширилсин, бошқа етти (43б) ойда арбоблар ҳакига аввалгига ўн минг (рупия) кўшимча қилиниб, йилига бир лакху қирқ тўққиз минг рупия тўлансин, дея эҳсонга эгизак бўлмиш ҳукм чиқарилди.

Ўн еттинчи зулқайдада «вазни камарий» тантанаси бўлиб, қирқ еттинчи йил бошланди; сарой ва субалардаги (ҳамда бошқа) амалдорлар турли инъомлар билан эъюзландилар. Фозилхон девонлик мартабасига эришгач, қаттиқ касалга мубтало бўлиб, ойнинг йигирма еттичисида ўткинчи оламни тарк этди. Унинг яқиндагина Эрондан қайтиб келган биродарзодаси Бурҳониддин

хилъат ато этилиши билан мотамдан чиқарилди ва илтифот назарига сазовор бўлди.

Кашмирнинг барча ерларини сайр этиб, хушчақчақлик қилинган, (Онҳазрат) йигирма иккинчи муҳаррамда ул нузхатободдан (ораста диёрдан) дорус-салтанат Лоҳур томон йўлга тушдилар. Молва субадори Жаъфархон вазирлик хизматини топшириш юзасидан саройга чақиртирилди ва унинг ўрни Нажобатхонга насиб бўлди.

Еттинчи рабиул аввалда музаффар байроқларнинг саодат нури дорус-салтанат Лоҳурга тушди.

Ўн биринчи рабиус сонийда «вазни шамсий» тантанаси бўлди, шаҳаншоҳ умрининг қирқ олтинчи йили бошланди.

Оқилхон Лоҳурда узлатга чекинган эди, у икки мингчи, етти юз суворли мансаб марҳамат этилиши билан қайтадан подшоҳлик хизматига кирди.

Тарбиятхонга Шох (44а) Аббоснинг Будоқбек олиб келган номасига ёзилган жавоб (мактуби) ва қиймати етти лакх рупиялик катта тухфалар ҳамда нодир буюмларни олиб, элчилик расми билан Эронга боришга рухсат берилди.

Еттинчи рабиус сонийда байроқлар дорул-хилофат томон кўтарилди. Жаъфархон Понипат манзилида заминбўсликка (ер ўпишга) муяссар бўлди (ва) улуг вазирлик хизматига сарафроз этилди. Ўша ой охирида дорул-хилофат ери бахтиёр ташриф билан кароматга тўлди.

***Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш тўртинчи ҳижрий йилига тўғри келган еттинчи йили бошланиши***

Ёмон ишлардан узоқ бўлган ушбу вақтда муборак рамазон ойининг хилол чеҳраси кўринди, байрам тадбирлари тартибга солинди. Намоздан қайтилгандан сўнг, салтанат тахти осмону фалакка кўтарилди, подшоҳзодалар, амирлар ҳамда бойлар ва фуқаролар хисравона навозишлар билан дил мақсадларига етидилар; совға-салом (пешкаш)лар қабул манзурига хос этилди.

Йигирма биринчи зулқаъда (ойида) «вазни қамарий» тантанаси ташкил этилди, қирқ саккизинчи йил бошланиб кетди. Подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг Муҳаммад Муизиддин кизидан кўрган ўғлига (исм қўйиш) мазмунидаги илтимоси мунаввар назардан ўтди, туғилган болага Аъзизиддин деб исм қўйилди. Мустафоҳон Ҳофийга Турон заминига элчиликка бориш рухсат этилди.

Бухоро волийи Абдулазизхонга Донишмандхон ёзган мактуб ила бирга бир лакҳ ҳамда қимматбаҳо тошлар ила зийнатланган эллик минг рупиялик олтин буюмлар ва Балх волийи Субхонкулихонга бир лакҳ рупиялик тухфалар ила нома юборилди (44б).

Маҳарожа Жусунаг Сингҳ гарчи Сивони йўқ қилиш ва ул исёнкорнинг вилоятини хароб этиш ҳамда қалъаларини босиб олиш ишида роса саъй-ҳаракат қилган бўлса ҳам, (бундан) давлат волийлари талаб қилган мақсад амалга ошмади. Шунга кўра, Рожа Жай Сингҳ бошқа номдор амирлар билан биргаликда уни (Сивони) даф этиш учун тайин қилинди.

Ўн иккинчи рабиул аввалда «вазни шамсий» тантанаси ташкил топди, (Онҳазрат ёшининг) қирқ еттинчи йили бошланди. Подшоҳзодалар ва хонлар шоҳона марҳаматлар билан эъзозландилар.

Хабар етдики, Молва субадори Нажобатхон (фоний) дунёни тарк этди. Шу суба ишларини тартибга солиш Хондис субадори Вазирхонга топширилди. Рожа Жай Сингҳнинг ёрдамчиларидан Довудхон Хондис субадорлигига тайин этилди. У яқин кишиларидан бирини Бурхонпурда қолдириб, ўзи мақсад томон йўлга чиқсин, деган фармон бўлди.

Йигирма олтинчи жумодул аввалда подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг Руп Сингҳ кизидан ўғил кўргани ҳақидаги хушхабар қувончларга қувонч кўшди, туғилган бола Султон Муҳаммад Азим исми билан аталди.

*Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган саккизинчи йили бошланиши*

Ушбу онларда рамазоннинг бахтиёрлик тарқатувчи қаромати етиб келди. Фармонраволикнинг саккизинчи йили равнақ билан бошланиб кетди, байрам жиҳозлари муҳайё қилинди. (Ҳайит) намозидан қайтгач, (Онҳазрат) турли-туман марҳамату эҳсонлар билан халойиқ дилини овладилар.

Ҳожа Аҳмад Саъид (45а) тахтга ўтиришнинг тўртинчи йили ҳарамайн-шарафайнга – Аллоҳ уларнинг қадр ва шуҳратини абадий қилсин – олти лакҳ ва олтмиш минг рупиялик маблағ назрини олиб бориб бериш учун кетган эди, хилофат остонасининг муштоқи бўлди ва ўн тўртта араб отини совға қилди. Маккаи муаззама шарифининг юборган кишиси Сайид Яҳё мулозаматга кириш бахтига эга бўлди. (Шарифнинг) мактуби ҳамда учта араб

оти ва табрик буюмлари мунаввар назардан ўтказилди; у хилъат иноят этилиши ҳамда олти минг рупия инъом қилиниши билан эъзозланди.

Ҳабаш ҳокимининг элчиси Сайид Комил ва Ҳазрамаут ҳокими юборган киши Сайид Абдуллоҳ мактублар ва ҳадялар билан олий жаноб (хузурига) келдилар. Улар хилъатлар ато этилиши ва нақд пуллар инъом қилиниши билан катта эътибор қозондилар.

Аман ҳокими Имом Исмоил юборган тўққизта араб оти файз таратувчи назарга етди. Жаҳонни мунаввар этган бу тантана беш кун давомида олам халқлари шоду хуррамлик тароналарининг орастаси бўлди.

Хилофат остонаси хизматида турувчиларга Акбаробод ҳимоячиси ҳаёт қуршовидан чиққани ҳақидаги хабар етиб келди. Ўрнига ноҳиялар фавждори Раъдандозхон тайин қилинди, унинг (Раъдандозхоннинг) хизмати эса, субадор Хушдорхонга топширилди. Саккизинчи зулқайдада маҳарожа Жусунат Сингх Декандан келиб, мулозаматга кириш билан эътибор чехрасини ораста этди. Ўн еттинчи шавволда «вазни қамарий» тантанаси ташкил топди, жаҳонни ораста этган қирк тўққизинчи йил бошланди. Подшоҳона илтифотлар ва навозишлар билан сарой ва субаларда бандаларга сарафрозлик бахш этилди (456). Макка, Ҳабаш ва Ҳазрамаут элчилари муносиб буюмлар ва нақд (пуллар) инъом этилиши билан дил мақсадларига етиб, кетишга рухсат олдилар.

Ўнинчи зулҳижжада Қурбон ҳайитининг қадам ранжида этишидан айш-ишрат овозаси баланд кўтарилди. Ўн тўққизинчида катта ҳайит байрамида бахтиёр подшоҳодалар ва номдор умаролар зарҳал ва нақшиндор суроҳийни (жомни) кўтариш расми билан хурсандчилик ва ҳушчақчақлик қилдилар.

Қудрат ва шон-шуҳрат саройининг бисоти бўстонида етиб келдики, Рожа Жай Сингх Далирхон ва бошқа қаҳрамонларнинг кўп саъй-ҳаракати ва жаҳду жадали билан ёвуз Сивонинг Пурнадхар Рудрамол ва бошқа қалъалари фатҳ қилинган. Молмулкидан бебаҳра этилган (Сиво) билдики, ишининг охири ўлим билан тугалланади. Буни сезган (Сиво) рожа (Жай Сингх) хузурига кишилар юбориб, омон қолдиришларини илтимос қилди ва рожа аҳду паймонлар билан (уни) хавф-хатардан қутқарди; йигирма учта қалъа давлат волийларига таслим бўлди. Саккизинчи зулҳижжада (Сиво) қуролсиз келиб, (рожа билан) учрашди. Рожа унинг билан алоқа боғлади ва ёнидан жой



кўрсатиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган шамшир ва жамдҳар бериб, курол боғлаб олишни таклиф қилгач, уни Далирхон хузурига юборди. Далирхон ҳам унга лутф-илтифотлар қилди. Рожалар каттасининг илтимосига кўра, хилофат томонидан унинг номига гуноҳларини афв этиш ва илтифот хилъати бериш мазмунида фармон чиқарилди. Унинг ўғли Сибанҳо беш мингчи, беш минг суворли мансабга сарафроз этилди.

Рожалар гуруҳининг бошлиғи (Жай Сингҳ) асли қўшимчаси билан етти мингчи, етти минг сувор, (46а) икки от, уч от билан ажойиб хизматга биркитилган ҳолда, имтиёз байроғини баланд кўтарди. Унинг саройида турувчи ўғли Ром Сингҳ Далирхон, Довудхон, Рой Сингҳ, Кирт Сингҳ ва бошқалар турли инъомларга сазовор бўлдилар. Одилхон Бижопурий совға-саломлар юбориш ишида менсимасликка йўл қўйган ва Сивога ёрдам қилиш хусусида кўп ҳаракатлар қилган эди. Рожа Жай Сингҳ (номи)га Сиводан тортиб олинган қалъалар ва вилоятларда тартиб ўрнатгач, Бижопур вилоятини бўйсундиришга шошилсин, деган ёрлик чиқарилди ва «у қалъани қамал қилиш билан боғланиб қолмай, душман кўшинларига кирғин келтирсин», дейилди.

Қози Исломнинг ўғли Муҳаммад Зоҳид подшоҳ хузурида ҳисоб юритиш (ихтисоб) хизматига тайин этилди.

(Вазир Аъзам Жаъфархон) Жун дарёси соҳилига бир кўнгилочар манзил бино қилган эди, хилофат хуршиди ул (манзил)га илтифот нурларини сочи ва ул нуйинлар бошлиғи поёндозлар солиш ва нисор сочиш маросимини амалга оширди, кўпдан-кўп олтин, нодир буюмлардан иборат қимматбаҳо совғаларни назардан ўтказди. Шу йили Кошғар волийи Абдуллоҳхонга Хўжа Исҳоқ орқали баъзи нафис буюмлар билан жавоб номаси юборилди.

Йигирма бешинчи рабиус сонийда «вазни шамсий» тантанаси ташкил топди, қирк саккизинчи йил бошланиб кетди; сарой ва субалардаги аъёнлар инъомлар билан бахтиёр бўлдилар.

Рожа Жай Сингҳ Мулла Аҳмадни рукни мустаҳкам остона (бўлмиш Макка)га бадарға қилиш ҳақида фармон (чиқариш)ни талаб қилди. Номи зикр этилган (Мулла Аҳмад)нинг кечирилиши ваҳхидан рожа хузурига келган Олдилхон хаёлида остонага хизмат қилиш фикри (ҳам) бор эди, фурсатни қулай билиб (бу ҳақда) арзга етказди ва ғойибона (46б) олти мингчи, олти минг суворли мансаб билан сарафроз қилинди. Кашмир субасининг

нозими Сафийхоннинг арзга етказишига кўра, ўн биринчи жумодул охирда (ижроси) вожибликка эгизак ҳукмга биноан, Катта Табатнинг заминдори Дилдир Намжал Исломга итоат қилиш билан бахт топганлиги маълум бўлди. Ва у диёрда улугнинг номи хутбада ўқитилган, ҳуמוюн сиккаси ривож топган ва олий масжид қуриб битказилган. Мазкур хон (Сафийхон) бу масалада мақбул тадбирларни амалга оширганлиги сабабли хисравона илтифотлар натижасида мансабининг кўтарилиши ва хилъат инъом олиши билан дил мақсадига етган. Табати Хурд (Кичик Табат) заминдори Муродхон бу муҳим ишда давлатхоҳликни асос қилиб олиб, хилъат марҳамат қилиниши билан мумтоз этилди.

Олийнасаб подшоҳзода Муҳаммад Муаззам еттинчи ражабда Декандан келиб, мулозаматга кириш билан саодат топди. Декандаги воқеалар ҳақида арзга етдики, Мулла Аҳмад Найта (Мулла Сойса) сарой томон равона бўлганида, ажал тақозоси уни бошқа оламга олиб кетди. Унинг ўғли Асад бошқа (фарзанд)лари билан бирга олий даргоҳга тез келтирилсин, деган фармон бўлди.

Ақбаробод мухбирларининг ёзишидан маълум бўлдики, ўн иккинчи ражабда Олий ҳазратда бирданига пешоб тўхтаб қолиш воқеа бўлиб, оғриғи жуда зўрайган. Ва табиблар муолажага қўл узатиб, кўрқинчни бартараф этганлар. Ҳиммат таклифи шу бўлдики, (Онҳазрат Аврангзеб) азм байроқларини ул томонга қараб кўтардилар; эҳтиёткорлик юзасидан мазкур ойнинг йигирма учда подшоҳзода Муҳаммад Муаззамни аввалроқ боришга буюрдилар. Йигирма олтинчи ражаб, душанба куни кечқурун Олий ҳазрат таъбида касаллик кучайиб кетди (47а) ва ул ҳоконнинг фатхларга кон руҳи жаннат боғларига парвоз этди. Бу кўнгилсиз воқеа содир бўлгач, Раъдандознинг рафикаси муқаддас наввоб Қаббоббегим, Хўжа Бехул, Саййид Муҳаммад Қунужи ва Қори Қурбон ғусулхона ичкарасида ҳозир бўлиб, жиҳозлар ҳамда кафанликларни тайёрлаганлар ва мурда солинган тобутни саккиз томонга қараган минора дарвозаси орқали қалъадан олиб чиққанлар. Ва Хушдорхон субадор ҳамроҳ бўлиб, тобутни Жамна дарёсидан ўтказиб, замоннинг Мумтози олияси ётган жой – нурга тўла равзага етказдиларким, бу (равзин)нинг устига ул Олий ҳазратнинг ҳиммати билан (ажойиб) бино қурдирилган эди<sup>13</sup> ва жаноза намозини ўқиб, гумбаз ичига Худо раҳматининг ҳимоясига топшир-

<sup>13</sup> Шох Жаҳон севимли рафикаси Аржуманд бону бегим (Мумтоз Маҳал)га ятаб Ағра шаҳри яқинида, Жамна дарёси бўйида бунёд эттирилган Тоҷмаҳал ёдгорлиги назарда тутиляпти.

дилар. Нотиклардан бири “Шоҳ Жаҳон вафот этди” («Шоҳ Жаҳон вафот кард») деб тарих топди, бошқаси эса (куйидаги тарихни ифода қилди):

*“Соли таърихи фавти Шоҳ Жаҳон,  
Розияллоҳ ғўфт Ашрафхон.  
(Шоҳ Жаҳон вафот этган йили тарихи:  
Ашрафхон айтди: “розияллоҳ”).*

(Олий ҳазратнинг) ҳаёт муддати етмиш олти йилу уч ой, ҳукмронлик қилган вақти ўттиз бир йилу икки ойдир. Вафот (этан) кечанинг охирида, бу (кўнгилсиз) хабардан етти соат ўтгач, шаҳзодага маълум қилиндики, у дафн этилган куни барвақт шаҳарга етиб бориб, таъзия маросимини бажо келтирсин. Кулфатасар хабар етиб келгач, Онҳазрат жаҳонбон ва подшоҳзодалар муносиб мотам либосини кийдилар. Ва рақами китоб ва маншурларда Олий ҳазрат (Шоҳжаҳон)нинг номи «Ҳазрати фирдавс ошиёни» номи билан ёзилсин, деган ҳукм бўлди.

(Онҳазрат) шаъбон ойининг тўққизинчисида муқаддас қабрни зиёрат қилиш нияти билан дарё орқали мустакирул-хилофат (476) томон йўлга чиқдилар, йигирманчида Доро Шукухнинг мукаррама наҳли Бегим соҳиба ва барча (бошқа) иззат пардали ифбат соҳибалари билан сўрашиш маросимини бажо келтириб, меҳрибонлик кўрсатдилар ва ҳаммаларини кудурат либосидан холи этдилар. Ва баъзи юмушлар хусусида бир қанча кун истикомат этишни маслаҳат билиб, улуғлик саропардасидаги (хотин)ни дорул-хилофатдан талаб қилдилар.

Шу кунлари амирул-умаронинг саъй-ҳаракати билан Чотком қалъаси фатҳ қилинди (унга) «Исломобод» деб ном берилди. Амирул-умаро ҳамда унинг ўғли Бузург Умидхон, бошқа сардорлар кўпдан-кўп иноятлар билан эъзозландилар ва хурсанд қилиндилар.

***Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш олтинчи ҳижрий йилига тўғри келган тўққизинчи йили бошланиши***

Ушбу қувончли онларда рўза ойининг саодати етиб келди ва у давр севинчига асос бўлди, улуғ жулус (тахтта ўтиришнинг) тўққизинчи йили шод-хуррамлик билан бошланиб кетди, то бахт ийди келишига қадар шону шавкат саройини безатдилар. Шаввол (ойи)нинг биринчи куни шодлик навоси осмону фалакка

кўтарилди. Онҳазрат намоздан қайтгач, бахт тахтининг орастаси бўлдилар. Иффатниқоб малика Бегим соҳибага бир лакх ашрафий инъом этиб илтифот кўрсатдилар. Ул жаноб (малика)нинг йиллик нафақаси 12 лакх рупий эди, (уни) яна беш лакх рупияга оширдилар. Иффат саропардасидаги муқаддас ҳижобларнинг ҳар бирига – Парҳизбону бегим ва Гавхараро бегимларга бир лакх рупийдан (48а) ато қилдилар. (Жулуснинг) бешинчи йили (давлат) хизматкорлари шоҳлик хазинасини Акбаробод калъасидан дорул-хилофат калъасига кўчириб келган эдилар, қайтадан ўша жойга олиб бордилар. Маълумки, Рожа Жай Сингх Сивони олий даргоҳга жўнатган эди ва у (Сиво) мустақирул-хилофатга яқинлашиб қолганида, фармон бўлдики, Кунур Ром Сингх ва Мухлисхонлар унинг истикболига чиқиб, шону шавкат остонасига олиб келсинлар.

Ўн саккизинчи зулкаъдада «вазни қамарий» тантанаси бўлди. Жаҳонпаноҳнинг эллик ёшлик йили бошланди.

Сивон ўғли Сибанҳо (Сингҳо) билан биргаликда ер ўпиш саодати билан ҳурмат-иззат чўққисига кўтарилдилар. Бир миң беш юз ашрафий назр ва олти миң рупий ниёз бердилар. Рожа Жай Сингх Сивони ўз хоҳишига кўра фалак остонаси томон равона қилгани сабабли Онҳазратнинг бандалари унинг собиқ нуксонлари (аввалги гуноҳлари)га назар қилмай, унга навозишлар кўрсатишларини ва бир қанча кундан сўнг рухсат бериб юборишларини истардилар. Лекин у жаҳолат саҳроси ваҳшийи фалактаъсис мажлис қоидаларини билмас эди, бир бурчакка ўтиб, Кунур Ром Сингх билан (қилган суҳбатида) ранжиш ва ноўрин шикоят изҳор этди ва ул жохилнинг ақлсиз бошига исён кўтариш (фикри) келди. Ўз манзилига олиб борилсин, деган фармон бўлди. Кунур Ром Сингх уни ўз уйига келтириб туширди. У (Сиво)нинг ўғли Сибанҳони ҳам ўзи билан бир қаторда ҳукмга бўйсунушга мажбур этсин (деган амр бўлди). Ул ҳийлакор ғаддор ва фирибчи қочкиннинг макр ва шайтонлигини (48б) назорат қилиб туриш юзасидан посдорликка Фулодхон тайинланди. Ва Рожа Жай Сингхга ушбу иш юзасидан у ниманики маъқул топса, арзга етказсин, аммо фақат (Сиво) билан келишиши керак, деган мазмунда шоҳона фармон бўлди. Икки-уч кундан сўнг ул айғокчи қаҳр хавфидан жигарини йўқотиб қўйиб, ўз ишларининг чорасини кўришга киришди. Ва олий мақомлиларга қўшилиш (йўлини) қидириб (аҳвол) ҳасрат ва надоматли (эканини) пеш қилди. Шу аснода Рожа Жай Сингхнинг «Мен у (Сиво) билан ўртада аҳду паймон қилдим» ва ул алданганнинг гуноҳидан

ўтиш бу ўлка ишларининг кўп масалаларига боғлиқдир», деган хабари етиб келди. Шунга асосан, Фулодхонга ҳукм қилиндики, у (Сиво турган) манзилдан назоратчиларни узоқлаштирсин. Кунур Ром Сингх ҳам постдорлик (соқчилик)да ғафлатда қолди. Қочишга махтал бўлган (Сиво) вазиятни ўзгартирган ҳолда йигирма еттинчи сафарда ўғли билан бирга қочишга йўл олди. (Шу аснода) Кунур Ром Сингх мансабидан узоқлаштирилди. Рожа Жай Сингхга ёввойилар маконига алоқадор ул фитна табиатлининг кўзини очиб қўйсин, деган фармон бўлди. Ва рожанинг илтимосига кўра, (Сивого) беш мингчи, беш минг суворли мансаб берилиб, унинг ҳузурда (қилинган) ажойиб тадбирлар орқасида (Сивони) қўлга туширди (ва) у саройга жўнатилди. (Айни вақтда) эъзозлаш билан биргаликда (уни) дорул-хилофат томон равона қилишнинг баъзи ишлари саранжомлаб қўйилган эди.

(Онҳазрат) олам маликаси Бегим соҳибага бошқа ифбат саропардасидаги иззат соҳибалари билан бирга тезликда бу ерга келишларига рухсат бердилар.

Шу вақтларда (49а) Эронга элчи бўлиб кетган Тарбиятхоннинг хабаридан молу мулкларни вайрон этувчи Шох Аббоснинг ниҳоятда қора ниятлиги, нодонлиги, жаҳолатда қолганлиги, ақли қисқалиги ҳамда қушлардан ҳам баландпарвозлиги (тўғрисидаги маълумот) шон-шухрат ва кудрат саройига маълум бўлди. (Шох Аббос) Хуросон томон сипоҳ тортиб келишни ва уруш қилишни хоҳлаган. (Тарбиятхон) саройга келганидан сўнг бу аҳвол унинг сўзи ва бошқалар хабаридан (ҳам) олий (даргоҳ) пешгоҳида нурли жилоланди. (Онҳазрат) бирон-бир сабабсиз дўстлик қоидаларини барбод қилишни хоҳлаган тентакнинг адабини бериб қўйишни (ўз) ҳиммат талаблари қилиб, (бу ишга) ўн тўртинчи рабиул аввалда тўнғич подшоҳзода Муҳаммад Муаззамни маҳарожа Жусунат Сингх билан биргаликда тайин қилдилар. Ва ўзлари ҳам зафар байроқларини Панжоб томон кўтардилар.

Тарбиятхон элчилик мартабасида баъзи бир нуқсонларга йўл қўйган эди, шу сабабли у саройга кириш давлатидан маҳрум этилди.

Ўн тўққизинчи рабиул охирда Жун дарёси ёқалаб юриш байроқларини Акбарободдан дорул-хилофат томон кўтардилар ва ўн тўрт манзил ўтиб, сўнг шаҳарга кирдилар.

Саққизинчи жумодул аввалда саодатли «вазни шамсий» мажлиси равақ топди, қирқ тўққиз ёшнинг бошланиш чегараси мунаввар бўлди.

Кобул нозими Амирхон бир қанча мўғулларни жосус деб шубҳаланиб саройга юборган эди, Ҳазрат Ётимодхон ва Мулла Абдулқавийларни уларни текшириш ишига маъмур этдилар. Мазкур хон улардан бирини банду занжирсиз ҳолда хилват ерга чақиртирди (496). У жоҳил эса ногоҳон жойидан қўзғалиб, ташқарида унинг (хоннинг) қурол-аслаҳаларини ушлаб турган ходимига ташланди ва ундан шамширни тортиб олиб, сўнг қайтиб келди ва хонга (қилич билан) шундай зарба етказдики, бундан унинг ҳаёт ипи узилиб кетди. Шундан сўнг (хон)нинг яқин кишилари у бахти қорани интиком тиғи билан қатл этдилар. Марҳаматпеша хокон бу каби собик ишончли хизматкор(лари) ўлимидан жуда афсусландилар. Унинг ўғиллари ва қариндошларига хилъатлар иноят қилиш ва мансабларини ошириш билан илтифотлар кўрсатдилар.

Улуғ амирлар сараси Жаъфархоннинг манзили мушарраф қадам ташрифи билан нурга тўлди. У жавоҳир ва олтин буюмлардан иборат совға-саломни муқаддас назарга олиб келди.

Ўтган йили Кошғарга хожиб (вазифаси билан) кетган Хўжа Исҳоқ ул вилоятда тартибсизлик мавжудлиги эшитилгандан сўнг қайтиб келган эди, тартиб-интизом ўрнатилгани хабари етиб келгач, унга яна рухсат берилди.

Эрон волиий молу мулкларни поймол этиш ва бахтсизлик уруғини сочиш ҳавоси билан Фарраҳободдан Исфаҳонга азимат қилган эди, (йўлда) майпарастлик иллати билан бўғма дардига дучор бўлди ва шу йилнинг рабиул аввал ойи охирига келиб унинг ҳаёти тугади. Хорсимнон (Фарисмон) мавзеига яқин ерда ажал соқийнинг қўлидан ўлим майини олди. Ул диёр аркони давлатининг катта ўғли Сафий Мирзони подшоҳлик тахтига ўтказдилар. Бу хабар мамлакат чегараларидаги мухбирларнинг берган маълумотларидан йигирма бешинчи жумодул охирда махсус шикор қилинаётган шикоргоҳда шавкатли кулоққа етиб келди (50а). (Шундан сўнг Онҳазратнинг) кўнгил хоҳишлари бошқача бўлди, чунки ҳақиқий интиком олувчи жазоланиши лозим бўлган ёвузлар жазосини берган эди. Эндиликда лашқарий гуруҳларни Эрон замани томон юборишга шафкат ва мурувват йўл қўймади.

Улуғ подшоҳзода Муҳаммад Муаззам номига Лоҳурдан узоқлашмай, бир қанча кун турган жойида истиқомат қилсин, деган ёрлик чиқарилди. Подшоҳзоданинг жилов (хизмати)га жалб этилганлардан Баҳодирхон йўлдан қайтиб, саройга келди ва Оллоҳобод субасида тартиб жорий қилишга рухсат олди.

Рожа Сингх Сивонинг қариндоши Натйу (Натху)ни қўлга тушириб, олий даргоҳ томон жўнатди, у Фидойихонга топширилди ва ҳидоятнинг далолати билан Ислоом (дини)ни қабул этиб, икки дунё мақсадининг бахтиёри бўлди. Рожа Сингх Сивога тегишли ишларни охирига етказгач, шавкатли лашкарлари билан Одилхоннинг адабини бериб қўйиш учун равона бўлди. Одилхон сардорларидан Абул Муҳаммад, Бехдулнинг набираси рожа билан учрашди ва рожанинг илтимосига кўра беш мингчи, тўрт минг суворли мансабга эга бўлиб, ёрдамчилар сафига ошиқди, рожанинг буйруғи билан Сиво ва Найту (Натху)ларга қарши ҳаракат ва тараддулар кўрди; унинг (Абул Муҳаммаднинг) илғор қўшинлари Палахтан (Пахлин), Тохнура (Нохтура), Кавоҳун ва Мангал Бийдҳа қалъаларини фатҳ этди.

Шу кунлар мобайнида жаҳонни фатҳ этувчи жангу жадал кишилари Бехдулнинг набираси Абдул Муҳаммад, Одилхоннинг набираси Хосхон ва сон-саноксиз қўшинларнинг жанг шамширлари устма-уст жанг қилдилар, киргин солиш, ғалаба қозониш мужоҳидларнинг зафар байроғига (мансуб) бўлди, Бижопурга қарашли барча жойлар қайтадан бўйсундирилди ва талон-торож этилди.

Шу тариқа музаффар аскарлар Бижопур ичкарасига (50б) беш курух кирдилар. Одилхон Бижопур қалъасини мустаҳкамлаб, ҳовузларни бузиб ташлаб, атроф ерларни заққумлар билан тўлдирди, қалъадан ташқаридаги обод ерларни яқсон қилгач, қалъа ичига кириб олиб, (ўзини) шавкатли қўшиндан ҳимоя қилиш учун гуруҳлар белгилади. Рожада қалъани босиб олиш мақсади йўқ эди ва шу жиҳатдан у қалъагирлик иши билан шуғулланмади; бир қанча кун истикомат этиб тургандан сўнг у ердан қайтиб кетди ва йигирма тўртинчи ражабда Бехсун дарёсидан ўтди. Одилхоннинг ишончли кишиси Диёнатрој бир қанча олтин буюмлар билан бирга тобелик ва ожизлик мазмунидаги мактублар келтирди. Ёғингарчилик мавсуми етиб келган ўша пайтда саройдан рожа номига, у жиловини Аврангобод томон йўлласин, деган ёрлик берилди. Шунга асосан душман билан кураш тарқ этилиб, қайтиб келинди.

Шу кунлари ижроси вожиб фармонга мувофиқ, Далирхон Чонда вилояти томон жўнаб кетди. У ернинг заминдори Нонжи Малаҳор (Нонжи Тило) мазкур хонни учратиб, беш лакх рупия берди (ва) олий саройга жарима тариқасида (юборилиши лозим бўлган) бир курур рупия жаримани ва ҳар ой икки лакх

миқдорида тайин қилинган совға-саломни (бериб туриш талабини) қабул этди.

Яна мазкур хон Дюкада вилояти томон равона бўлди ва у ернинг марзбони Кук Сингх (Кюл Сингх)дан аввалги йиллар қолдиғи, (яъни) ўн беш (ўн бир) минг лакх рупияни уч лакх рупия йиллик (солик) билан бирга қўшиб ундирди ва бу ердаги ишлардан хотиржам бўлиб, жаҳонмушток ҳукмга мувофиқ, музаффар аскарлар билан яна Деканга қайтиб кетди; беш мингчи, беш минг суворли, икки от, уч (от мансабига) (51а) кўтарилди.

*Оламгир хилофат даврининг бир минг етмиш еттинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўнинчи йилининг бошланиши*

Ушбу кунларда муборак рамазон ойи хайр ва эҳсонлар билан тўлди. Давлат саройининг хизматкорлари байрам тадбирларини тайёрлаш ишига киришдилар. Саодатли ойнинг ўнинчисида иф-фаттабиат Удийпурийдан бир олийгавҳар подшоҳзода бу оламда зуҳур этди. (Онҳазрат) салтанат шажарасининг бу янги гулига Муҳаммад Комбахш деб исм қўйдилар.

Ҳашамат тожининг гавҳари подшоҳзода Муҳаммад Муаззам дорус-салтанат Лоҳурдан мурожаат этиб, мулозаматга кириш иззатига мансуб бўлдилар. Шаввол ойининг қувончбахш хилоли саодат уфқидан юз кўрсатди, муборакбод ва табрику саломлар бажо келтирилди.

Намоздан қайтгач, (Онҳазрат) тахт орастаси, талаббахш бўлдилар. Олий даража подшоҳзодалар ва олий мартабали амирларга лутф ва марҳаматлар кўрсатдилар. Сивонинг қариндоши Найту (Натху) Ислом шарафига мушарраф бўлиб, суннат хатнасини ( бажо келтиргандан) сўнг, уч минглик, икки минг суворли мансаб ва «Муҳаммад Қулихон» деб хитоб қилиниш билан навозиш этилди. Буютот девони Мир Имдоддин «Раҳматхон» ва Азизиддин «Баҳрамандхон» хитоби билан бахтиёрлик топдилар. Шу ойнинг еттинчисида подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Декан субадорлигига рухсат олдилар ва беш мингчи қўшимча билан йигирма мингчи, ўн икки минг суворли мансабга эгалик илтифотига сазовор бўлдилар (51б). Маҳарожа Жусунат Сингх, Рой Сингх, Сафшиканхон ва Сарбаландхонларни юқори даражали мулозимлар этиб тайинлашга қарор қилинди ва улар (ҳар хил) иноятлар билан эъзозландилар. «Рожа Жай Сингх остонани ўпиш давлатига эга бўлсин», деган фармон юборилди.



### Юсуфзай афгонларининг исёни

Юсуфзай афгонларининг исёни ва туғёни ҳамда фиску фасодига иккиюзламачилик, алдамчилик дўконини очган ва юзи қоралар тўдасининг бошлиғи бўлган Муҳаммадшоҳ лақабли қандайдир бир гадо (исёнчиларга) сардорлик қилаётган эди. Бу ҳақдаги хабар улуғ шону шавкат қулоғига етиб боргач, Атак фавждори Комилхон (Кобилхон)га Нилоб дарёсининг атроф ерларидаги фавждор ва жогирдорларни йиғиб, жазосини берсин, деган фармон бўлди. Кобул субадори Амирхон (номига ҳам) Шамширхонни беш минг киши билан биргаликда мудофаага тайинласин, дейилган ёрлик юборилди.

Комилхон эса, ниҳоятда ишчанлиги туфайли, Шамширхонни кутмай туриб душманлар билан қакшатқич жангларга киришаркан, истило байроғини баланд кўтариб, подшоҳликка тегишли бўш ерларни яна қайтадан забт этди. Ўн саккизинчи зулқайдада Шамширхон Нилоб дарёсидан Атак томон юришида юсуфзайлар вилоятининг қарама-қаршисидан дарёдан кечиб ўтиб, исён жойига етиб келди. Улар (исёнчилар) ҳам тоғ устида тўпланиб, (52а) жасорат кўрсатишни кутиб турган эдилар. Худди шу вақтда Муҳаммад Аминхон Мирбахши, Амирхон, Қубодхон ва бошқа амирлар билан бирга ҳаммаси бўлиб тўққиз минг суворий у ёвузлар адабини бериб кўйиш ишига хилофат саройидан буйруқ олган эди.

Шамширхоннинг етиб келишидан аввал иккинчи бор катта тўқнашув рўй бериб, душманларнинг эътиборли маликларидан уч юз киши асир тушди. Бу ҳолат олижаноб ҳокон қулоғига етиб, Шамширхон ва Комилхонлар шоҳона иноятлар билан мумтоз этилдилар.

Йигирма бешинчи зулқайдада «вазни камарий» тантанаси орасталик билан зухур этди, абадий умрнинг эллик биринчи йили бошланиб кетди.

Ушбу саодатманд базмда подшоҳзода Муҳаммад Аъзам уч мингчи қўшимча билан ўн беш мингчи, етти минг суворли (мансаб олиш) илтифотига сазовор бўлдилар. Подшоҳзода Муҳаммад Акбарга саккиз мингчи, икки минг суворли (мансаб), туман туғи ва ногора ҳамда офтобгир ато қилиниши билан (ул жанобда) сарафрозлик нури зухур топди.

Жумлатул-мулк (умдатул-мулк) Жаъфархон, сарой аҳли ҳамда субадорлар, (бошка) бандалар турли хил илтифот ва марҳаматлар билан навозиш қилидилар.

Бухоро ва Балх ҳокимларининг элчилари Рустамбий ва Хушибеклар хилъат, нақд (рупия)лар иноят қилиш билан эъзозландилар (ва) уларга қайтиб кетишга рухсат берилди. Бухоро элчисига ҳаммаси бўлиб икки лакх рупия ва Балх хожибига бир лакх эллик минг рупия берилди.

Обидхон ўрнига Ризавийхон Бухорий шон-шуҳрати кадрли (526) садорат хизматига мансуб бўлди. Тарбиятхоннинг гуноҳлари афв қилиниб, у Хон Даврон вафот қилгани сабабли Удсия субадорлигига жўнади.

Бурхонпурдаги мухбирларнинг хабарларидан олий арзга етдики, Аврангободдан сарой томон азимат қилган Рожа Жай Сингх бу ер (яъни Бурхонпур)га келиб, йигирма саккизинчи муҳаррамда оламдан ўтган. (Шундан сўнг) жаҳон ҳокони унинг лутф-иноятларига сазовор ўринбосари Кунур Ром Сингхни рожалик хитоби ва жами (ҳар хил) иноятлар билан эъзозладилар.

Муҳаммад Амирхон афғонлар вилоятига қайтиб бориб жанг майдонида нимаики бўлса, ҳаммасини талон-торож ва поймол қилиш иши важҳидан ҳаракат қилаётганида унга у ерда Шамширхонни қолдириб, ўзи Лоҳурга етиб келсин ва Иброҳимхон ўрнига субадор бўлсин, деган бўйсунилиши вожиб ёрлик юборилди.

Йигирма бешинчи жумодул аввалда «қазни шамсий» тантанаси ташкил топди, эллик ёш йили бошланиб кетди.

Кашмир субасидаги воқеанависларнинг ёзганларидан ва Табат заминдори Муродхон хабаридан хилофат саройига маълум бўлдики, олий хонадон хони Кошғар волийи Абдуллоҳхоннинг ўғли Йўлбарсхон (курашда) ундан (отасидан) ғолиб чиққан. Ота аҳли аёллари ва кўп мулозимлари билан бирга талон-торож этилиб, мол-мулксиз файзли давлатга келиш ва унда паноҳ топиш мақсадида бу томон юз тутган. Хўжа Исҳоқ элчилик расми билан (53а) унинг хузурига кетган бўлиб, уни шу ҳолатда учратгач, (унинг) бу мушкул аҳволдан қутулиши йўлида (элчилик расми билан боришни) бекор қилди ва тезлик билан Кашмирга етиб келишни истади.

Ҳазрати шаҳаншоҳ бу хабарни эшитишлари биланок ғоятда ачиниш ва кадрдонлик юзасидан ул шавкатли ва олий хонадон танлаганига меҳмондорлик кўрсатиш расмини бажо келтириш учун Содик Бадахшон ва Сайфуллоҳларни тайин этдилар. Бир ханжар,

қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган жиға ва бир юз тўққиз бош арабий, ироқий ва туркий отлар, — улардан баъзилари тилла ва қимматбаҳо тошлар билан безалган эгарли, — иккита фил, тилла ва кумуш идиш-товоклар, кўпгина қимматли кийим-кечак, устбош, хийма ва хиргоҳ, нафис (мато) ва гиламлар, бошқа нодир асбобу анжомлар билан бирга (ул жанобга) юборилди. Бу буюмлар тезлик билан Кашмирга етказилиб, у ерда ул олийшонни кутиб олсин, токи мазкур хон нур сочувчи сарой қошига етиб келгунча меҳмондорликка зўр берилсин, дея ҳукм қилдилар. Кашмир субадори Муборизхон (номи)га чиққан жаҳонмуте ёрликда, (Кошғар волийи) ул дилпазир ўлкага етиб келганда шарафи улуғ сарой (ҳисоби)дан ул олий қадрлининг ҳамма эҳтиёжлари кондирилсин ва унга зарур бўлган барча буюмлар берилсин. Суба хазинасидан эллик минг рупия маблағ бериб, (ул жанобни) султонлар паноҳи бўлмиш даргоҳга равона қилсин ва ўзи ҳамроҳ бўлиб, хилофат саройига олиб келсин, дейилган эди.

Лоҳур субадори Муҳаммад Аминга (536) (Кошғар волийи) салтанатнинг ул марказига кириб келганда, унга лозим бўлган эъзозу икромлар кўрсатилиб, зиёфат қилиш вазифаси муносиб равишда ижро этилсин ва давлатнинг холиси шарифидан эллик минг рупия ва ўз томонидан қимматбаҳо буюмлар ва баъзи матолардан берсин, деган фармон бўлди. Шунингдек, йўл устидаги барча ҳоким ва фавждорларга ҳар жойда катта меҳмондорчиликни ўрнига қўйсинлар ва ўзларига алоқадор ҳудудларда (уни) муносиб тарзда кузатиб чиқсинлар, дея ҳукм қилинди.

Мазкур ойнинг ўн бирида буюк амирлар сараси, жумлатулу-мулк Жаъфархон ва Асадхонлар шаҳар ташқарисига (Кошғар волийи) истикболига чиқиб, (уни) иқбол саройига бошлаб келдилар. (Меҳмон) хос ва ом дарвозасигача отда, у ердан тахтиравонга ўтириб, катҳараи сурхдан катҳараи нуқрагача эса пиёда келди. (Меҳмон) хос ва ом (кўрсатаётган эъзозу икромдан) ҳамда олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган тахт оройишини ниҳоятда сержило кўриб хижил тортганидан катҳарий тиллога келиб ўтирди. Марҳамат этилган махсус нону сувни жон (бахри)-га тотиди ва эътиқодлилиқ далили бўлмиш қарам қилинган қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган асони ўпиб, қўлига тутди. Бир пос ва олти кири ўтгач, ғусулхонага кириб, ул зебимаконнинг истироҳат равнақини маҳв (ва) сеҳрли назарлари билан фирдавснишон этдилар, (сўнг) дарё томон юрдилар. Бир соат ўтгач,

Онҳазрат кадамларининг офтоби (54а) давлат мушқуви – саройининг машриқидан балқиб чиқди.

Хон яқинлашдилар (ва) расмига кўра саломлашиш адоси ва қўл бериб кўришиш одоби ижро иззатига насиб бўлди. Иноят ва марҳаматлар шарафига эга бўлиш билан унинг умид чехраси мунаввар тортди, у кулфат ва ғурбат машаққатларига «хайр-хўш» айтди, шоду хуррамлик ва тинчлик-осойишталикни олий даражага чиқариб олди. Кадрдонлар ҳурматини кадрловчи (Онҳазрат) ниҳоятда севишга арзийдиган у (Кошғар волийи)нинг қўлини каромат қўллари билан ушлаб, шафоатли масжидга бошлаб бордилар ва ярим соатлар чамаси ўтгач, иззату ҳурмат билан (ул) азизга рухсат этдилар. Яккатозхон, Муборизхон ва Хўжа Муҳаммад Содик (ул азизни) марҳум Рустамхоннинг ажойиб ва хуштабиатли манзил бўлган ва саройининг муқаддас хос ерларига тегишли гиламлар, бошка керакли буюмлар билан жиҳозланиб, янгича раванк ва сафо касб этган ховлисига келтирилдилар. Ва унга бир лакх рупия нақд пул, йигирма минг рупиялик буюмлар, тилло-кумуш эгарлари билан ўн саккизта от ва илгари девонхоналарда ишлаб чиқарилган зарбоф жуллат ато қилиниши билан кўнгли хушнуд этилди. Эртаси куни ифбат саропардалик Соҳибобод боғининг сайрига бориб, бутун куни шоду хуррамликда ўтди. Маликаи замон (ва) маликаи даврон эҳсон жаҳонининг Бегим соҳибаси тарафидан (ҳадя этилган) йигирма минг рупия истикомат пули, ўн саккиз «тўққиз» парча, қимматбаҳо тошлар қадалиб безалган жамдҳар, паҳулкатора билан бирга қимматли тошлар қадалиб зийнатланган пондон, тилла ховонча нақшланган пондон, биллур чукҳара, икки қоп таом, арқжа ва пон унинг хушдиллик даражасини янада ошириб юборди.

Ойнинг йигирма бешида Онҳазрат адолат (тахти)дан туриб, саройдаги чашма яқинида тўхтаганларида, жумлатул-мулк ўзи билан бирга Абдуллоҳхонни саройга олиб кирдилар, орада тўққиз зар фосила бор эди. Хон саломлашиш одобини бажо келтирди. Онҳазрат эса, қўлларини меҳр хазинаси бўлмиш кўксиларига қўйдилар. Хукмга биноан, ўша чашмада юзма-юз туриб, яна кабул маросими иноят қилинди. Жумлатул-мулкка буюрилдики, унинг томошаси учун (54б) филлар жанги уюштирилсин, (ўзи ҳам) хон билан шу ерда ўтирсин, (Онҳазратнинг) ўзлари эса хобгоҳга ташриф буюрадилар.

Умуман, (Кошғар волийи) саккиз ой мобайнида дорул-хилофатда шоду хуррамлик ва шохона марҳамат ва илтифотларга

сазovor бўлиш (даврини) бошдан кечирдилар, сафарнинг кийинчилиқ ва машакқатларидан хордиқ чиқардилар.

Ва ҳарамайн-шарафайнни – Аллоҳ уларнинг (ҳар иккисининг) қадри ва шуҳратини абадий этсин – тавоф этиш ният ва мақсад қилинган эди, юкорида кўрсатилган муддат ўтгандан сўнг, бу дардга даво бўлмиш мақсадни рўёбга чиқариш йўлида рухсат олинди. Муқаддас ҳукмга биноан, шону шуҳрат салтанати саройининг хизматкорлари сафарга лозим буюмлар ва (сафар) эҳтиёжларини муносиб равишда тайёр қилдилар. Ва дорул-хилофат Шохжаҳонободдан то Сурат бандаригача бўлган субадорлар, ҳокимлар ва фавждорларга ул олий кадрли (Кошғар волийи)ни ўз худудларидан муносиб равишда кузатиб қўйсинлар ва уларнинг келиш вақтига меҳмонлар тўпланишини тайин қилсинлар, деган кароматнишон ёрлиқ бўлди. Аввалдан то охиргача унга подшоҳлик хазинасидан ўн лакх рупия берилди.

Ўнинчи ражабда Муҳаммад Аминхон ўрнига Донишмандхон шон-шарафли мирбахшигирлик хизматиға сарафроз бўлди, ҳос хилъат ва қимматбаҳо тошлар қадалиб зийнатланган қаламдон ато қилиниб навозиш этилди. Шу кунлари Мутаъмидхон ўрниға Хўжа Бехлуд Гвалиёр қалъадорлиғиға мансуб этилиб, хилъат, от, ханжар ҳамда «Хизматкорхон» хитоби иноят қилиниши билан эъзозланди (55а). Хизматкорхон эса, «Хизматгузархон» деб хитоб қилинди.

Ушбу ойларда Банголадаги воқеалардан ҳумоюн арзға етдики, лаънати ошомийлар иккинчи маротаба оқибатсизлик андишаси йўлидан бориб, хаддиларидан ошганича журъат қадамини қўйиб, кўп сонли лашкар ва катта кема билан Бангола вилояти чегарасидаги Кавоҳатиға кириб келганлар. Ул ернинг тҳанадори Фирузхонға мадад етиб келмаганлиғидан фойдаланган саҳротабиатлилар Кавоҳати қалъасиға ҳужум қилганлар. Мазкур хон аксари ҳамроҳлари билан бирға Худоға сиғиниш йўлида жонларини мардоналарча сақлаб қолганлар.

Оламоронинг раъйи шуни тақозо этдики, остони салтанат аъёнларидан бири сарой лашкарлари билан бирға сарой қошидан ул ғазабнок исёнчилар фитнасини даф этишға тайин қилиниб Бангола томон борди ва ул субанинг баъзи ёрдамчи аскарлари ҳам ўз ҳамроҳлари билан уларға қўшилиб, ўша олчоқ ва ёвуз гуруҳлар танбеҳи ва жазосини беришға отландилар.

Шу (мулоҳаза)ға биноан бу муҳим ишни охириға етказиш вазифасиға Рожа Сингх тайин қилинди. Ва мазкур ойнинг йигирма

бирида у хилъат, тилла эгарли бир от ва марваридлар қадалиб зийнатланган жамдҳар иноят қилиниши билан навозиш этилиб, (кетишга) рухсат олди.

Ва Насирхон (Нусратхон), Кейсар Сингх (Кирт Сингх), Бехуратях, Ракно Тха Сингх Миртях, Парам Дюсю Диях (Парам Дюсю Дахях), барча бошка аъён ва мансабдорлар ҳамда бир минг беш юз аҳадий, беш юз тўпчи у (рожа) билан бирга (Бангола томон юришга) тайин этилди.

Улуғ интиҳоб этилган калималар тугади.

\* \* \*

(556) Аввалда ҳамда охирада У(нинг Ўзи)га шукурлар (бўлсин). Хома (калам фақат) оламни Яратгувчи (бўлган) ҳамднинг оройиши билан зарнигордир, (чунки) у сўзларнинг ибтидосидир. Таҳрир ва номалар ажойиблиги жаҳон халқларининг ушбу ҳамиша баҳордан миннатдорликлари намоён бўлишидандир; (чунки) ишларнинг охирига етиши (биргина) Унга боғлиқдир. Унинг ҳидоят файзи ниҳоясига етмаган муроду мақсадларга итмомлик (тугаллик) бахш этади. Унинг иноят нуридан зулмат куёш каби порлайди. (Бу) Унинг бошланғич (бирламчи) хуснидир, Унинг лутфи, албатта, олийдир. Оқибати хайрлидир. «**Ҳоҳлаганимни азиз қиламан**» (деган) карамига мансуб ҳазинадан иборатдир. Унинг ҳамди ибора ва сўзлар билан айтиб бўлмайдиган, ҳар қандай истиора тушунчадан ҳам холи, Унинг васфи барча оқилларнинг ақл доирасидан васиъ(кенг)дир.

Маълум бўлсинки, худоогоҳ ҳокон – мамлакат паноҳи, одили комил, тадбиркор олим. (Шеър):

*У – абадий гуллар маконининг шоҳи,*

*Умид богининг гуркираши ҳам ундандир.*

*У – қувонч-шодиёналар тожидаги*

*Неча қирқ йилларга давом этувчи тахт (устуда)дир.*

Одамсурат Жаброил, исомақом Сулаймон, раҳбарлик қилиш йўлининг сири, шоҳларнинг сўнггиси, орифлар ва мужоҳидлар доҳийси, ҳудожўй халифалар охири, кофирларга қарши кураш ва ғазовотлар соҳиби, (бир) соатлик адли олтмиш (йиллик) ҳокимликка тенг бўлмиш Абулзафар Муҳйиддин Муҳаммад Аврангзеб Оламгир ғозий подшоҳ абадий давлатининг ўн йиллик воқеалари мазмунидан иборат балоғатли, юксак даражада мазмунли «Олам-

гирнома» китоби Мирза Муҳаммад Козимнинг санъаткорона хомаси билан ёзилгандир, (бу) сўзлари тўла маъноли асардир (566). Сиру асрорларнинг баланду пастидан воқиф, борлик ва маъни оламининг ҳоконига аввалги баён биносининг асосидан воқеалар тафсилоти маълум бўлгач, уларни қайтадан ёзиш ушбу сатрлар муаллифига тўғри келмади.

Жаҳондорлик даврининг навбахори, бахтиёрлик тўйининг янги куёви, (яхши) фазилат ва камолот мажмуаси, саодат турларининг мундарижаси, донолик дафтارينинг дебочаси, мушкулларни ҳал этиш китобининг бош саҳифаси, амирлик осмонининг тўлик оёи, вазирликнинг садри девони, яхши тадбирлар дастури, азал лутф хазинаси, Худо зиёратхонасидаги файз топган, танланган элчи (Муҳаммад) мақбараси зиёратидан саодатли бўлган, табиати пок ва кўнгли равшан мангу подшоҳликнинг ул абадий барҳаёт ҳокими, айни роҳат бешигидаги жаҳон подшоҳи, олам умидпаноҳларининг қибласи, муруватнинг гавҳар булутти, пишқирган жанг денгизи, ҳақиқат ва тафсир айтувчиларнинг бебаҳо султони, ҳадис айтувчилар ва мужтаҳидлар ҳужжати, буюк каломнинг ҳимоячиси, мақтовга сазовор дин ҳомийси, жаҳон подшоҳлик ва банданавозлик осмонининг куёши Абунаср Қутбиддин Шоҳиолам Баҳодир подшоҳ ғозийнинг хуш хабаридан сўнг Онҳазрат Оламгирнинг хос муриди Иноятуллоҳхон истеъдодсиз ва ҳеч нарсани билмайдиган Муҳаммад Сокий Мустаъидхонга сабабчи бўлиб (деди): «Бас, жанобларининг шонли қирқ йиллик (даври) воқеалари, хабар ва ишлари, умуман, ўн йиллик даврни чиқариб ташлаганда, жаҳондорлик жаҳду жадали ва оламгирлик шуҳрати ёзиб баён қилинмаган. Сен маъни жомидан бол тотиб кўргансен, Оламгирни макташ ва таърифлаш юзасидан етарли даражадасен, сенинг салоҳиятинг бунинг уҳдасидан чиқишга тайёрдир». Айтдимки, мендек бошдан-оёк камчиликлардан иборат киши учун бу хилдаги жуда оғир юмушни бажариш (фақат) (57а) корчалон ҳамда теран фикр ва билимдон бўлмиш қадрдон дўстларнинг лутф қилишига боғлиқдир. Уларнинг ёрдамисиз (бу иш) ёддан кўтарилган тоқига айланиб қолади.

(Асарни) ёзишдаги мушкулликларни осонлаштириш учун сарой ва атроф субалардаги воқеалардан хабардор кишиларни жамлаш керак эди. Бас, мафтункор муҳаббат ва ихлос олдидан ҳар бир дил истаган нарсани амалга оширишдан ҳамда давр саҳифасига ёдгорлик қўйишдан ўзга мақсад йўқлиги ту-

файли кўнгилга бу (вазифани бажариш)дан ўзга фикр келмади. Менинг илтимосим ҳам оғирлик қилмади. Камина банданинг ҳам ишонч зиммасида лутф-карам шоҳлигининг ҳокони, кинот пири ва муршидининг туз ҳақини (оклаш) заруратлиги бор эди, у ҳаётининг бир қанча вақтида давлат ишлари ҳалқасидан четда бўлиб, ҳар бир ўз кўзи билан кўрган ва ҳар бир ўша давр ишларига тайин қилинган арбоблардан эшитган воқеаларини аниқлаб, сўнг қоғозга туширди.

Бу иқбол зафарномаси Оламгир подшоҳ фатҳларининг мазмуни билан муҳрлангандир; шунга асосан унинг исми «Маъосири Оламгирий» («Оламгирнинг хайрли ишлари») бўлиб, бу ҳам асарнинг номи ва (шунингдек) баён тамом бўлганининг «тариhi» ҳамдир.

Ҳар вақт ясатилмаган дастурхонда бир айб, ясатилганда юз айб (бўлади). Аммо имконияти борича қандай хонада ва қайси бир меҳмондорчиликда бўлмасин (байт):

*Бу хил қовоқхонада ўз соқийим ўзим бўлдим,  
(Ва) ўзгалар миннатидан холи турдим.*

Аллоҳга шуқр ва Ундан миннатдорманки, шундай мазмуни муфассал ва баёни фойдали (асар) ул (Худо) танлаган (зот)нинг мадади билан жам бўлишида (ёзилишида) ҳамда азизлар аксари-ятининг номларини яхши сўзлар билан эсга олишда бардош(им) оқибати хайрли савоб иш қилишда толе(им) ёр ва ҳиммат зафарига камар бўлди. Умид (шуки), бу гавҳар қимматли (асар) соҳибназарларнинг ақл пешгоҳида қадр ва қиймат қабулига етса ва агар (асарда) нуксон ва хато зимистони мавжуд бўлса, у ҳолда ақл жавҳарининг ислоҳ офтоби таъби билан ўзгача равиш ва тус берсалар (576) (байт):

*Бир савобни кўриб юз хатони топсалар ҳам,  
Ул орифларнинг ҳиммат гуломига лутфи карамим бўлган.*

***Улуғ Оламгир салтанатининг бир минг етти юз саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн биринчи йили бошланиши***

Ушбу бахтиёр онларда жаҳон халқларига саодат, фаровонлик бахш этувчи рамазон ойи кириб келди ва муборак ўн биринчи йил бошланди. Қудрат саройининг мутасаддилари истеъдод билан бахт байрамига тайёрландилар. Кундузи рўза тутилиб, кечаси ибодат қилинадиган рўза кунлари ниҳоясига етди. Шав-



волнинг қувончли ҳилоли хуррамлик авжига минди. Дин ва давлатнинг номуси, шариат ва миллатнинг мустаҳкам устуни; амну омон воситаси, олам халқлари қувончи ва шодлигининг боиси, ҳар икки фитр ҳайитининг сабабчиси (Оламгир подшоҳ) намозга ташриф буюриб, (намоздан) кайтгандан сўнг девони олда зарнигор равнак тахтига файз билан ўтиришни илтифот этдилар. Улуғ шахзодалар ва эътиборли амирлар саломга кириш ижроси билан (шоҳни) самимий муборакбод қилдилар ва улар (мансабларига мансаб) қўшиш, фаҳрий хилъатлар ва (юқори) унвонлар олиш билан навозиш этилиб эъюзландилар. Баланд мансабли шахзода Муҳаммад Акбарга хилъат иноят қилинди. Жумлатулмулк (Жаъфархонга) фаҳрий хилъат ва дастаси яшм тош билан безатилган ханжар марҳамат қилинди. Донишмандхон мирбахши фаҳрий хилъат, фил ва асли ҳамда қўшимчаси билан беш мингчи ва икки минг суворли мансабга мумтоз этилди. Ҳакимулмулк асли ҳамда қўшимчаси билан икки минг беш юзчи, бир юз суворли ва Лутфуллоҳхон бир минг беш юзчи, беш юз суворли мансабларга сарафроз этилди. Муҳаммад Исмоил (58а) Асадхон ўғли янгитдан уч юзчи мансабига сарафроз қилинди.

Муҳаммад Яъқуб Шихма (ўзи) тўрт юзчи, бир юз суворли эди, (унга) икки юзчи, икки юз сувор қўшимча берилди. Лашкархон ўрнига Иброҳимхон Биҳар субасида тартиб ўрнатиш (иши)га тайин этилди, асли ҳамда қўшимчаси билан беш мингчи, беш минг (суворли) мансаб билан улуғланди. Гужароти Аҳмадободнинг субадори мулозаматга мушарраф бўлиб, Сайид Амирхон ўрнига Кобул дорул-мулкининг субадорлиги билан эъюзланди.

Диннинг пешволари табиатан ўйин-кулгига рағбат қилмас ва худопарастлик билан шуғулланиш натижасида шод-хуррамлик базмига фурсатлари қолмас эди. Шунга қарамай, бу ҳукм амалга ошди. Қувонч арбоби Хушҳолхон, Байрамхон ва бошқалар қизиқиб кетиб, ашула ва мусикий одатни бошлаб юбордилар. (Лекин) бора-бора (бундай ишлар) бутунлай ман қилинди; ашула айтиш нақши узоқ ва яқинлар хотирасида қилич воситаси билан ўчириб ташланди.

Йигирма учинчи зулқайда ойида муборак «вазни қамарий» тантанаси шартга мувофиқ хос анжуманда, ғусулхонада амалга ошди. Умри абаднинг эллик иккинчи йили бошланган эди. Олийқадр подшоҳзодалар, сарой ва субалардаги амирлар хилма-хил илтифотлар билан навозиш қилиндилар. Муқаддас наввоб

Бегим соҳиба ва хурмат саропардасидаги ифбатли аёллар ҳамда олийшон навин (сарой аҳл)лари томонидан қилинган муносиб совға-саломлар мунаввар назардан ўтказилди.

Зулҳижжа (ойининг) бирламчисида Ошом марзбонининг кизи Раҳматбону подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг буюк бурж юлдузининг никоҳ или билан боғланди. Бир лакҳ ва саксон минг рупия миқдорида қалин пули (берилди).

Тата субасидаги воқеа – Лоҳрий бандарига қарашли Само-чи кишлогининг мингта яқин хонадони зилзила асоратидан ер қаърига кириб кетганлиги ҳақидаги хабар олий арзга етди.

Зулҳижжанинг ўнинчисида бахтиёрлик Курбон ҳайитининг ижроси юзасидан намозгоҳга ташриф буюрдилар. Шу йилнинг ўн еттинчи сафар (ойи)да (596) тантанали йиғилишларнинг энг олийси, базму ишратларда ўта хурматга лойиқ, сон-саноксиз афзаллик ва кароматлар гавҳари подшоҳзода Муҳаммад Аъзамхон Доро Шукуҳнинг хурматли кизи Жаҳонзеббону бегим, Нодирабону бегим, Жаҳонбону бегимнинг кизи, Султон Мурод Кучнинг кизи, аълоҳазратнинг катта биродари фалак ҳижобли наввоб Султон Парвиз, Жаҳоноробону ҳазратнинг опаси Маъруфбек Соҳиб бошчилигида давлат саройида ҳозир бўлдилар.

Жумлатул-мулк Жаъфархон ва бошка шаҳзодалар бир лакҳ ва олтмиш минг рупия бериб юбордилар.

Учинчи рабиул аввалда Тохирхон ўрнига Лашкархон Мултон субадорлиги хизматига сарафроз қилинди.

Бангола субасидаги воқеа ҳақида олий саройга арз қилиндики, (бу ерда) аввал гарду ғубор кўтарилган, бунинг устига яна ниҳоятда қўрқинчли бир сурат (гирдоб) баланд қад кўтариб, бир қанча соатлардан сўнг кўздан ғойиб бўлган. (Бунинг оқибатида) ярим фарсах масофадаги одам ва хайвонлар ўлган ва қаттиқ шикастланган.

Рабиул охир ойининг ўн еттинчи куни Жунпурдаги воқеа ҳақида арзга етдики, рабиул аввал ойининг тўққизинчи кунидан бошлаб муттасил йигирма икки кун давомида ёмғир шиддат билан ёғишда давом этиб, кўп иморатлар ва қалъанинг шарқий девори бузилиб кетган. Бир қанча жойга яшин тушган ва бир неча одам нобуд бўлган; баъзилар ҳушини йўқотиб, қулоқлари қар бўлиб қолган.

Абдунабихон Фатҳлурий Жаҳаннампурдаги хизмати ўзгартирилгач, асли ва қўшимчаси билан икки мингчи, бир минг суворли

мансаб билан мумтоз этилди, Мехтаро фавждорлиги хизмати билан (мансабга) қайта тикланди. Муҳаммад Алихон иззатниқоб наввоб Равшонройбегимнинг девонлик хизматига сарфароз қилинди. Оллоҳобод ва Уда субаларининг субадорлари ва фавждорларига (60а) мазлумлар, болаларни ушлаб олувчилар (ўғирловчилар) ни хибс қилиб, қўллари боғланган ва кишанланган ҳолда олий даргоҳга жўнатсинлар, деган адолатли ҳукм бўлди ва ҳеч ким бундай гуноҳ иш билан шарманда бўлмасин, дея жуда каттиқ таъкидланди.

Жумодул аввалнинг йигирма бешинчисида подшоҳлик расмига кўра, шамсий жашни (байрами) тантанаси туфайли ғусулхонада тўпланган хос кишилар анжуманда салтанат тахтининг даражасини юксалтирдилар. Мангусифат умрнинг эллик биринчи йили бошланди, тантана расм-русумини белгиладилар. Олий мартабали подшоҳзодалар ва юқори мансабли амирлар муборакбод қилиб табриклаш билан сарафрозлик ва хушнудликка эга ҳамда турли-туман марҳамат ва навозишларга сазовор бўлдилар; подшоҳзодалар, беклар ва шахзодаларнинг тухфа ва ҳадялари қабул даражасига етди.

Хилофат буржининг ёруғ юлдузи Муҳаммад Аъзамнинг ифтихор қоматини хос хилъат, нимаи остин (нимча) ва қимматбаҳо тошлар билан ораста этдилар.

Холиса девони Иноятхон асли ва қўшимчаси билан тўққиз юзчи, бир юз суворли мансаб иноят этилишига сазовор бўлди. Мир Ҳусайни ўрнига Шайх Сулаймон адолат доруғаси – асли ва қўшимчаси билан етти юзчи, етмиш суворли мансабга сарафроз этилди.

Бухоро волийи Абдулазизхоннинг меросхўри Ислонқули бир мингчи мансабга эга бўлиш билан бирга тенгдошлари ичида имтиёз ҳосил этди. Кобулнинг ўрнидан туширилган субадори Сайид Амирхон мулозаматга келди, у беш юз муҳр икки минг рупия нисор берди. Қадамни ўпиш шарафига ҳамда мулк ва миллатнинг қувватул-зухур (хузур)га киришга руҳсат олишга (ва) эъзоз қўли орқасига урилишига мушарраф этилганлиги билан тенгдошлари орасида боши баланд бўлди. Хушҳолхон ва бошқа ишрат арбоблари уч минг рупия ва қирқта хилъат инъом этилиши билан хушдил бўлдилар.

Маккаи шарифнинг элчиси (Сайид Усмон) қайтишга руҳсат олди ҳамда унга хилъат, тўққиз минг рупия, кумуш эгарли от иноят қилинди.

Кифоятхон ўрнига Шафеъхон «девони тан» (яъни, девони танҳо) хизматига тайин қилинди. Мултоннинг ўрнидан туширилган субадори Тохирхон мулозаматга кирди, у бир юз муҳр ва бир минг рупия нисор берди.

Ўғли туғилиши муносабати билан Маҳобатхон юборган беш юз муҳр мунаввар назардан ўтказилди, ажойиб базм қурилди, улуг бахшилар (котиблар)га (сарой) хизматчилари ва отлик заминдорлардан ташкари (яна) уч юз киши (базмда) хизмат қилсинлар, дейилган шарафли олий ҳукм таркатилди.

Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам хизматидан Сафшиканхон ва Пурняда қалъадори Мухторхон нурга тўла саройга келиб, олий мулозаматга кириш шарафига муяссар бўлдилар. Қалъа дарвозасининг ҳар икки томонида мохир усталар ясаган икки филнинг тикка турган тасвири бор эди, шунинг учун дарвозани «таҳёпул» деб атардилар; шарият амри талабининг тақозоси (61а) ва олий суннат кўрсатмасига биноан ул филларни бузиб ташласинлар, деган ҳукм бўлди.

*Хилофат ва жаҳондорликнинг шамъи шабистони, қудрат ва шавкатнинг сарви бўстони, тўла бахтли подшоҳзода  
Муҳаммад Аъзам никоҳ тўйи базмининг оройиши*

Йигирма еттинчи ражаб ойида салтанат осмони ёруғ юлдузининг олий тантанаси равнақ топиб бошланиб кетди. Шодлик дўмбираси ва қувонч карнайининг овози замини титратди ҳамда даврага шоду хуррамлик бахш этди.

Ўнинчи шаъбонда девони хоснинг адолатли хабаридан сўнг (Онҳазрат) подшоҳзодага хилъат, тўртта айғир ва ўнта арабий ва ироқий от, тилла эгарли иккита фил ва талойир, олтин суви югуртирилган қиймати йигирма минг рупиялик қилич, қиймати олтмиш минг рупиялик сарпеч ҳамда ўн икки лакх рупия нақд пул инояти билан уни сарафроз этишга амр қилдилар.

Мукаддас табиатли суҳбатдош наввобга ўйинга тушувчи, қиймати ўн беш минг рупиялик қувноқ бир фил ва Жаҳонзеббону бегимга икки фил инъом этилди. Подшоҳзода хуфтон (намози)-дан сўнг тамоми шавкат ва ҳашамат билан ўз уйларида нурга тўла саройга келдилар. Онҳазрат масжид томон ташриф буюрдилар. Қозиул-қуззот кози Абдулваҳҳоб мукаддаслар мукаддаси Мир Саййид Муҳаммад Қунужи ва фозиллар фо-

зили Мулла Ғавс (Аваз) ва орифлар қаймоғи Шайх Садриддин Сихриндий ваколатлари билан ақд (никоҳ) қоидаларини мустаҳкамлади. Маҳр олти лакх рупия миқдорига қарор қилинди. Онҳазрат подшоҳзода билан биргаликда фалакҳижоб, яхши суҳбатдош наввоб хонасига отда ташриф буюрдилар. Улуғ амирлардан бир минг беш юзга яқин киши подшоҳзодага жиловдорлик қилди. Кечадан икки паҳар ва бир кири ўтгач, (616) (Онҳазрат) подшоҳзода билан қайтдилар. Тонг вақтида иззат пардасидаги ва иффаторо подшоҳзоданинг ҳашаматли саройига кириб келдилар. Ва қувончларни орттиргувчи бу тантана ҳақида, нури осмону заминни мунаввар этувчи, ёшу қарини инъомлардан баҳраманд айлагувчи ва сон-саноксиз катта харажатлар қилинган бу чароғон тартиб тўғрисида ушбу шодлик намунаси ва севинчи тимсолида (баён қилиш) мавриди бўлган экан, (бу ҳақида сўзлаш шундай мушкулки, ҳатто) фасоҳат айвонига безак берувчилар ҳам сув ва ранг нақшини намоён этолмайдилар ҳамда бу ҳайқирик таронасига муносиб келувчи соз тополмайдилар. Ун еттинчи шаъбонда подшоҳзоданинг роҳат саройи Онҳазратнинг файзга тўла бандалари кириб келиши билан жаннат рашк қиладиган тароват касб этди. Қалъадан то подшоҳзоданинг саройига қадар жойга оддий, тилла ва қумуш парчалардан поёндозлар солинган эди. Муборак ўтириш билан тилла тахт равақ топарди. Олий даргоҳ бисотини ўпувчилар муборакбод саломга кириш билан эъюзландилар. Ҳукм қилиниб, бир минг беш юз кишига (Онҳазратнинг) улуғ кўзлари имоси билан хилъатлар берилди, бошқаларга эса, хилъатхона доруғаси хилъатлар келтириб топширди.

Подшоҳзоданинг жавоҳир буюмлар ва қиймати беш лакх рупияга тенг парчадан иборат совғаси мунаввар назардан ўтказилди.

Шундан сўнг (Онҳазрат) хурматли зот (хузурига) ташриф буюриб, (сўнг) саройга қайтдилар. Подшоҳзода (Онҳазратнинг) отга минишлари вақтида олий нақоратхона дарвозаси ташқарисига чиқиб, беҳисоб давлатга эга бўлдилар. Ва (ул олийзот) қайтаётган вақтида ғусулхона ичқарисида руҳсат иззатига (яъни ёр билан қовушишга) етишдилар.

Ун учинчида Қошғар ҳоқими Йўлбарсхоннинг элчиси Абдурашид олий мулозаматга (кириш билан) бахтиёр бўлиб, (келтирган) ниёзнамасини мунаввар назардан ўтказди, (мактуб) аризалар доруғаси (доруған ароиз) Хизматхонга топширилди.

Йигирманчида конун тавсия қилмаган зарбоф (тилла суви югуртирилган) парчадан тикилган кийим-кечақларни (авом) халк киймаслиги лозим (62а), деган олий ҳукм бўлди.

*Улуғ Оламғир давлатининг бир минг етмиш тўққизинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн иккинчи йили бошланиши*

Ушбу бахтиёрлик ва қувончга тўла рамазон ойининг ҳилол вақтида илтифотлар ато этувчи (Худо) жаҳон халқлари олдида файз ва фазл эшикларини ланг очди. Жаҳонгирлик осмони куёши салтанат даврининг ўн иккинчи йили бошланди. Динпарвар хокон рўза кунлари хайрли ишларни кўпайтириш ва ҳаром-ҳаришдан сақланишни маъмур тутдилар. Жаҳон хоконининг фармониغا кўра, ҳашаматли сарой мутасаддилари иқбол саройи рухсорини тўқ қизилга бўядилар ва сихрий нигоҳига ораста зеб бердилар.

Шодлик тўла шаввол ҳилолининг чиқиши қувончлар энг авжига кўтарилган жума кунига тўғри келди: икки ийднинг бир кунда жам бўлганининг мазмуни амалга ошди. Ҳайит байрамларининг йиғилиб қолиш асоси (хужжати) бир кунда зоҳир бўлди. Фитр байрами дилларни қувонтирувчи куни файзли кадамнинг нури билан ийдгоҳга минг-минг шавкат ва қудрат бахш этилди. Қайтиш вақтида жума намозини «Жаҳоннамо жомеи»да ўқиб, (сўнг) давлатхонани (саройни) шоду хуррамлик макони қилдилар. Эртаси куни олтин тахтга осмон даражали давлат бахш этдилар, инъому илтифотлар қилиш хангомаси қизиб кетди; бозор куни ҳада ва тухфалар бериш авжга минди. Олийқадр подшоҳзодалар ва номдор амирлар табриклаш маросимини ўташ ва нисорлар бериш ҳурматиغا сазовор бўлдилар.

Сарой ва субалардаги кишиларнинг тухфалари қарам назаридан бир-бир ўтказилди. Саодатли подшоҳзода Муҳаммад Аъзам хилъат ҳамда асли ва қўшимчаси билан ўн беш мингчи, тўққиз минг суворли мансаб инъом этилиши билан сарафроз ва шодмон қилинди. Олийғавҳар подшоҳзода Муҳаммад Акбар хилъат марҳамат қилиниши билан қувондилар. Жумлатул-мулк Жаъфархон, Муҳаммад Аминхон, Асадхон, (62б) Нодир Муҳаммадхон ўғли Абдурахмон Султон, Номдорхон, Донишмандхон, Саййид Мунирхон ва бошқа акобир ҳамда асағир (кичик лавозимдаги) бандаларга хилъатлар, от, филлар, қўшимчалар, даража (мансаблар) марҳамат этилиб, навозишлар кўрсатилди.

Хисрав Султон ўғли Бади Султон икки мингчи, икки юз суворли мансаб билан эъзоз чеҳрасини равшан қилди.

Ҳасаналихон ўрнига Ҳалилуллоҳхон ўғли Мирхон мансабдорлар доруғаси бўлди. Нажобатхоннинг ўғли Муътакидхон камокка олиниб, мансабидан узоқлаштирилган эди, қайтадан икки мингчи, минг суворли (мансабга) тикланди. Паҳлавонхон Миённинг набираси Абулмуҳаммад Декандан келиб, олий остонани ўпиш шарафига муяссар бўлиб, беш мингчи, тўрт минг суворли мансаби ва «Ихлосхон» хитоби билан ўз яқинлари орасида имтиёзли бўлди. Пурняда қалъадори Мухтиёрхон қайтиш рухсатига ва хилъатга эга бўлди.

Зулқаъданинг ўн еттинчисида кун куйди, намоз адоси ва хайр-эҳсон бериш қарор топган қоидага биноан амалга ошди. Динпарвар ҳокон арзига етдики, Тахтаҳа, Мултон ва хусусан, Банорас субаларида баттолнишон браҳманлар машҳур мадрасаларда ёлғон китоблардан дарс бериш билан шуғулланаётирлар, ҳинду мусулмонлардан бўлмиш талабдор ва толиблар узоқ масофаларни босиб ўтиб, қора ниятли илмни таҳсил этиш йўли билан ул гумроҳ жамоа орасига кириб бормоқдалар. Барча субалар нозимларига ул бединларнинг мадрасаларини бузиб ташласинлар ҳамда (бошқа) таълимотлари тарқалишига йўл қўямасинлар; буйруқ чиқариб, дарс бериш, ўқитиш воситалари ва кофирлар мазҳабининг тарқалиш қонун-қоидасини йўқ қилсинлар, деган исломнизом ҳукм бўлди.

Ўн саккизинчи зулқаъдада «вазни камарий» тантанаси бўлиб ўтди, барча халқлар мириқиб роҳатланди. Хилофат тахти олий мартабали, дин ва давлат фармондорининг ўтириши билан осмондек юксалди. Вазни камарий расми ўн иккинчи йилдан бери тўхтаб қолиб, амалга оширилмай келарди, хонанда ва созандалар кадр қилиниш давлатидан маҳрум бўлган эдилар. (Энди) одатий расмга кўра, ноғорачилар гуруҳи шодлик дўмбирасини баланд овозда янградилар. Абадий умрнинг эллик учинчи (63а) йили гўзаллик билан бошланди. Подшоҳзода Муҳаммад Аъзам хилъат ва олтин нақшли қалқон, олийгавҳар подшоҳзода Муҳаммад Акбар хилъат иноят қилиниши билан хурсанд этилдилар. Жумлатул-мулк Жаъфархон ва фалак остона саройдаги бошқа хизматкорларнинг эъзоз ва имтиёз қоматлари хилъатлар иноят (қилиниши) билан ораста этилди. Салтанат тожининг дури, подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Бижопур дунёдори Одилхон томонидан юборилган бир қитъа

(парча) лаълни нури мунаввар саройга юбордилар. Лаълнинг вази беш сонак ва беш сурх бўлиб, қиймати йигирма минг тозаранг рупия деб тайин этилди. Подшоҳзодага марҳамат саройидан хилъат марҳамат қилиб юборилиши билан иқболи баландлик хосиятини ораста этдилар. Далирхон Дюкадани фатҳ қилгани эвазига асли, қўшимчаси билан беш мингчи, беш минг суворли мансаби билан улуғвор қадам ташлади. Оллоҳобод субасидаги воқеалар ҳақида арзга етдики, шох Оллоҳбердихон Оламгир вафот этган. Унинг ака-укалари Ҳасаналихон, Арслонхон, Муҳаммадшох, Омонуллох, Ҳунарбархон, Ҳусайнали ва Санжар таъзия тўнини кийдилар, чуқур қайғу-ҳасрат ва нолалар чекиб, олам-олам кўз ёши тўкдилар. Марҳумнинг вафотидан сўнг, Мирхон Оллоҳобод субадорлиги ва асли, қўшимчаси билан тўрт мингчи, уч минг суворли (мансаб), хилъат (олиш) имтиёзига эга бўлди. Муътақидхон унинг ўрнига доруғалик жиловини (ушлаш) хизматига (тайин этилиб) эъзоз хилъатини кийди. Ҳимматхон девоннинг хос доруғалиги мансаби билан эътибор қозонди. Жумлатул-мулк Жаъфархоннинг ўғли Комкорхон жавоҳир бозорининг доруғалик хизматига, марҳум Саъдуллохон ўғли Лутфуллохон узлатни ихтиёр этган Окилхон ўрнига докчугилик доруғалиги мансабига (тайинланиб) олий даражали иноятлар билан сарафроз қилиндилар.

Бухоро волийнининг элчиси Миршаҳобиддинга (636) иккита от марҳамат қилинди.

Ўнинчи зулҳижжада (Онҳазрат) Қурбон ҳайити намозининг адоси учун намозгоҳга ташриф буюрдилар, ҳайитнинг суннати адо этилгандан кейин нур таратувчи давлатхона (ва) иқбол ойчаси (янада) мунаввар бўлди.

Сарбаландхон Декандан келиб, саройнинг муқаддас кишисига сажда қилиш билан пешонасини равшан этди. Фармойишга биноан, Абдуллохон Кошғарийга Сурат бандаригача ҳамроҳлик қилган Ҳаким Иброҳим (қайтиб) келиб мулозаматга кирди. У (Абдуллохон)нинг биродарзодаси ва қариндоши Муҳаммад Анвар таъзия хилъати (олиши) билан имтиёз топди. Унинг мол-мулки: тўқсон уч минг рупия нақд ашрафий ва ҳаммаси бўлиб, тўрт лақх эллик минг рупиялик бош (чорва) моллари подшоҳлик мутасаддилари қўлига олинди.

Мирза Мукаррамхон Сафавий узлатга чекиниш либосидан воз кечгач, қуролсиз равишда мулозаматга кирди. (Онҳазрат томонидан) берилган камар шамшири унинг иродасини мустаҳкамлади.



Тўққиз юзчидан то икки юзчигача бўлган мартабалилар ҳисобга олинсин ва юзчидан то йигирманчигача (ўз) мақомларида туриб турсинлар, деган ҳукм бўлди.

Мусорархон ўрнига Кашмир субадорлигига Сафийхон сарафроз этилди.

Йигирма биринчи зулҳижжада арзга етдики, Мутҳара фавждори Абдунабихон диққат-эътиборини Сухра мавзеининг фасодчи қора гуруҳлари томон қаратиб, исёнчилар устига ташланган ва биринчи галда голиб чиққан; (уларнинг) ёвуз ниятли бошлиқларини йўқлик саройига жўнатган. (Лекин) жанг давомида қурол ўқи унинг юрагига тегиб, саодатли чехрасини шаҳидликнинг қипқизил рангига бўяган, у ақли зукко одам ўзидаги шижоатни амалдорлик билан мужассам этган эди.

Мутҳарда бир олий масжид қуриш ният қилинди, унинг қуриб тугалланиш вақти катта тош устига ёзиб қўйиладиган бўлди.

Йигирма иккинчида Раъдандозхон мустакирул-хилофат ноҳияларидаги мағрур (исёнчи)ларни қириб ташлаш хизматига тайинланиб, тилла эгарли бир от марҳамат қилиниши билан эъзозланди. Ҳимматхон ўрнига Сарбаландхон қўрбегилик хизматига сарафроз этилди.

Дорус-салтанат Лоҳурнинг нозими Муҳаммад Аминхон (64а) қайтиб кетишга рухсат олди. Маъсумхон Мунрак ноҳиясида Шижо Жаъли ғазабга тўлиб жанжал кўтарганини арз қилди. Иброҳим ва Фидойихонлар номига, агар у бўйин товласа, бошидан жудо қилсинлар, деган қатъиян таъкидловчи фармон бўлди.

Абдулнабихон ўлимидан сўнг Сафшиканхон Мутҳара фавждорлиги хизмати ва Баҳодирхон Равҳаланинг ўғли Далир – Мадорабори фавждорлиги билан иззатландилар. Бабарам Дюсию Сафшиканхонга ҳамроҳлик хилъатига эга бўлди. Мочин марзбонининг элчиси Сайид Абдулваҳҳоб мулозаматга кирди, у хилъат иноят қилиниши билан эъзозланди. Солиҳхон Баҳодир гурзибардорга Малорна бутхонасини бузиб ташлашга рухсат берилди.

Муҳаррамнинг ўн учинчисида кечадан бир пос ўтгандан сўнг ғарибнавоз, фуқаропарвар подшоҳнинг файзга тўла ташрифи Шайх Сайфиддин Сирхиндийнинг ҳаётбахш боғдаги ҳақиқат ва адолаттоҳ маскани қарор топган ниёйишхонасини мунаввар этди.

Бир соатларча қизғин (ва) мазмунли суҳбат қилиниб, ул шайхни яқин кишилари орасида ниҳоятда зўр эътиборли этиб, сўнг давлатхона томон ташриф буюрдилар.

Олий арзга етдики, бир шахснинг ёлғон иғвоси билан кутвол Чипутарада хиндларнинг қувғин қилинган қохини Довуд Ҳубирокийни ноўрин камокқа олган ва ражпут қавмидан бўлган унинг икки мухлиси (уни) халос этиш важҳида Қози Абдулкарим ибн қози Абдулвахҳоб ҳузурига бориб-келиб турганлар. Орада фурсатини топиб, номи зикр қилинганга жамдҳар билан зарба берганлар ва ушбу жароҳатдан унинг ҳаёт ипи узилган. Адолат ҳукмига биноан ҳар учала бузуктабиат аблах (646) сиёсат зарбасига дуч келган.

Рақҳна Тҳа Сингҳ Насюдия ронодан ажралиб, олий номли остонани ўпишга келди. Бахти уч мингчи, уч юз суворли мансабига ва қиймати бир минг рупиялик жамдҳар инъом қилиниб сарафроз этилишга ёр бўлди.

*Басра ҳокими Ҳусайн пошонинг фалакасос саройга таширифи ва қадришунос марҳаматли хоқон илтифотидан баҳраманд бўлиши*

Бундан бир қанча кунлар муқаддам Мултон сарҳадининг ахборот ёзувчилари ҳақиқатлар мажмуасининг манбаи бўлмиш олам хоқони (номига) номада ёзиб юборган эдиларки, Басра ҳокими Ҳусайн пошо Рум мамлакатининг фармонравойи билан ўртада чиққан низо ва қарама-қаршилиқлар ҳамда унинг ўрнига Яҳё пошонинг (хоқонликка) тайин этилиши сабабли ул ўлкада истикомат қилолмаган ва ўша қайсар олдиға ҳам бормаган. (Бу) бахтсиз аҳли аёли ҳамда бир қанча мулозимлари билан биргаликда ватанидан узоклашишни ихтиёр этиб, Эрон диёри томон йўл олган. Лекин бу мамлакатга келганидан сўнг ҳам иноят бўйидан ҳидламаган ва илтифот гулидан теролмаган. (Шундан сўнг) осмондек баланд остона сояси (химояси) томон азм қилишга қарор этиб, манзилма-манзил кўчиб юрган. Рубъи маскуннинг (ер юзининг) узок ва яқин (фуқаро)лари самимий эхтиром билан унинг жароҳатланган сийнасида ишонч ва умид пайдо этганлари, хоҳиш чехрасининг бахтиёрлик ва шодмонлик нури билан ёритганлари ҳамда (ер юзида) бошпана қидирувчилар учун бошпана бўллогани, қочкин ва қувғинларга паноҳгоҳ эканлиги важҳидан ул толеманд иродасининг юксак қарори ва тўла иқболи ёмғирдек ёғиб турган лутф ва эҳсон пешгоҳига гўзаллик билан жилоланди. Ортиқбек гурзибардор ғоят ҳамиятлик ва қадрдонлик юзасидан Сирхиндда ул бахти қулганга хилъат, поликин ва бир урғочи фил юборишга, қаромат саройига хотиржамлик ва дадиллик билан

кириб келаверадиган бўлиши учун уни марҳаматлар, саноксиз карамларга умидвор қилишга маъмур этилди. Шу вақтда, ўн бешинчи сафарда (65а), Ҳусайн пошо Ағрободга етиб келгани шуҳрат ва қудрат саройига маълум бўлди. Эъзозбахш ҳукмга мувофиқ, Томанбўйи Намак кутволи Фулодхон, бахшиул-мулк Асадхон, садрус-судур Обидхон ва Яккатозхон миртузук уни шаҳарнинг Лохур дарвозасигача кузатиб бориб, сўнг давлатхонага олиб келдилар. Бахшиул-мулк Донишмандхон (ва) Асабхонлар ғусулхона дарвозасигача унинг пешвосига чиқдилар. (Ҳусайн пошо) қонун-қоидага мувофиқ, одобни ҳамда улуг ва қудратли саройдаги тартибга қўра одатни бажо келтириб, муборак бахт тахтини ўпиш ижозати ҳамда лутф қўли орқасига тегиши билан боши кўқларга етди. Ҳақиқатан ҳам (мисра):

*Ул пуштидавлатда қандайин ҳам гам бўлсинким,  
У сенигдек пуштибон (ҳимоячи)га эга бўлгач.*

Ҳусайн пошонинг ўғиллари Афросиёббек ва Алибеклар (Онҳазратга) беш минг рупия ниёз ва қиймати йигирма минг рупиялик бир китъа лаъл, ўнта ғазнайн отларни туҳфа этдилар. (Ҳусайн пошо) махсус хилъат, қиммати олти минг рупиялик қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган қилич ва қалқон, ханжар, кумуш ва тилла эгарли бир фил, юз минг нақд рупия, беш мингчи ва беш минг суворли мансаб ато этилиши ва «Ислохон» деб хитоб қилиниши билан сарафроз бўлди. “Афросиёб хони” хитоби ва икки мингчи, бир минг суворли мансаб, “Алибек хони” хитоби (ва) бир минг беш юзчи, беш юз суворли мансаби билан мумтоз қилиндилар. (Ҳусайн пошога) олий (гўзал) манзил ҳисобланмиш Рустамхоннинг ховлиси гилам ва бошқа керакли анжомлар билан бирга ҳамда дарёилтифот подшоҳ дарёда (сузиб) юрадиган бир саодатли кема гиламчаси билан бирга марҳамат қилинди. Унинг толе пешонасида шижоатлик, раислик ҳамда заковатлик ва фаросатлик таъби кўриниб турган эди; унинг ўзи ва ўғиллари шеър ёзиш таъбига ҳам эга эдилар. Унинг (шеърлари)дан:

*Бир қанча вақт бенаволик сайрин қилдик,  
Кибриё дарвозасида гадойлик қилдик.  
Ҳада расми билан бир парча жигар келтирдик, (65б)  
Токим дўстлар кучуги билан ошнолик қилайлик, деб.*

Аттак Банорас воқеалари ҳақида олий арзга етдики, сафар ойининг тўртинчисида зилзила шиддатидан узунлиги эллик газли

майдонда гор чўккан, ҳар қанча уринишларга қарамай, горнинг чуқурлиги аниқланмаган.

Кашмирдаги воқеалар ҳақида жаноби олийга маълум бўлди: сафар(ойи)нинг учинчисида шомдан эрталабгача зилзила бўлиб турган, эски иморатлар кулаб тушган, аммо ҳеч кимга зарар етмаган.

Сайид Мунирхон ибн Сайид Хонжаҳон Гвалиёр фавждори амалига тайин этилди. Мерканд Ройнининг Барилидаги хизмати ўзгартирилгандан сўнг уни Банголага тайин қилганлар.

Хилофат бўстониинг янги гули подшоҳзода Муҳаммад Комбахшга фил боласи марҳамат қилинди.

Мирзо Рожа Сингхнинг ўғли Рожа Ром Сингх бир минг суворли (мансаб) билан бахтиёр этилди.

Исломхонга мингчи зот ва минг суворли қўшимча, ўн ойлик маош, ўғилларига эса саккиз ойлик нақд пул берилиши ҳамда ўзининг доимий, ўғилларининг эса икки йил мобайнида ем ҳақидан озод этилиши билан унинг мурод чехраси порлади.

Абдуллохон икки мингчи, минг суворли мансаби билан ҳамда хилъат, жамдҳар, минокор ато этилиши ва ғусулхона (хос девон) доруғалиги билан мумтоз қилинди.

Рабиул аввал ойининг ўн бирида касалликнинг оғирлашуви, ниҳоят, Мирза Мукаррамхон Сафавийни дунё даргоҳидан кетказди.

Динга мадад берувчи кибласи, Худони бир билувчилар пешвосининг бисоти бўстони (саройи)га маълум бўлдик, ижроси вожиб ҳукмга мувофиқ, иш мутасаддилари мажусийлар бутхонасини бузиб ташлаганлар.

Иккинчи жумодул аввалда Яккатозхон ва Кирдҳар Дас (ўртасида) Сюдия ҳокимияти учун Лоҳур дарвозаси олдида жанг бўлган, мазкур ҳинд жаҳаннам томон кетган, хон эса беш жойидан жароҳатланган, унинг одамларидан бир қанча мўғул шикастланган.

Ифтихорхон хонисомонга туядор, сигир боқувчи ва хачирдор жамоа йилига икки марта кўриниб турсин, деган буйруқ бўлди.

Ўн олтинчида Онҳазрат хос ва ом (тахтига) ўтирганидан сўнг Мултафатхон, Ҳимматхон, Рухуллохон ўзаро бир-бирлари билан жанжаллашиб қоладилар. Улфатхоннинг ўғли Дилдор, Давлатхоннинг набираси Муҳаммад Тохир Мултафатхон билан ғаним эдилар. Муҳаммад Тохир тўсатдан (66а) икки қўли билан кучининг борича мазкур хоннинг орқасига қилич билан уради, (ва хон) қайрилиб рўбарў бўлган вақтида (унга) яна уч марта қилич солади. У эса

калқон тутиб сақланади ва унга қиличнинг учигина тегади; шу онда Ҳимматхон (тажовузкорга) қилич уради, Фазлуллохон миртузук унинг бошига таёқ билан туширади ва боши айланиб гангиб қолади. Баҳрамандхон ва бошқалардан ҳам таёқ еб, мрамар тошга урилиб йиқилади. Хослардан Жамилбек биқинига жамдҳар уриб ишни тамом қилади, ўлик жасадни кўтариб чиқариб ташлайдилар.

Ҳисор чикласининг икки курур дом (ери) бахтиёрлик буржининг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Муаззам жогирида танҳо эди, инъом важҳидан марҳамат этилди. Унинг бадалига Декандаги Кабрни танҳо қилиб олдилар.

(Мазкур ойнанинг) йигирма бешинчи куни арзга етдики, ўтган кечада, соат тўртларда<sup>14</sup>, осмонда шарқ томондан юлдуз учиб ғарб томонга тушганида уйлар унинг ёруғидан худди ой ойдинлигидагидек равшан бўлган; шундан сўнг ёмғир ёғаётгандек шовкинли овоз кўтарилган.

Жаҳон хоқонининг шафқати билан сугорилиши натижасида жумлатул-мулк Жаъфархоннинг ихлос боғида иноят гуллари шу тарзда гул-гул очилди, гарчанд жаъфари (сарик гул) тамоман очилиб улгурмаган бўлса-да, лекин юзбарг ва мингбарг (бўлиб) ва ажойиб садр (юқори мақомли жой)га чиқиб, Ағробод ва Нулбори боғларининг сайри томон юзланди. Иззат гулини шуҳрат салласига тақиб, илғифотларга тўла имо билан, ул икки эрам (боғининг) роҳати туфайли хотири ором топди.

Жумодул охирнинг ўнинчиси, яъни ўн тўртинчи обон (ойи)да «вазни шамсий» тантанаси (бўлиб), бу байрамдан чехралар гулгул очилди, оламни безатувчи хоқоннинг ва абадий тараққиётдаги давлат дуоғўйларининг қувончи беҳад ортди; мангу умрнинг эллик иккинчи йили бошланиб кетди. Жаҳон халқларининг умид этаги даргоҳидаги сараланган (666) буюмлардан иборат ҳадя ва тухфалар билан тўлиб, улар саодат сармоясини қўлга киритдилар.

Хилофатнинг равшан ойлари – подшоҳзодалар Муҳаммад Аъзам, Муҳаммад Акбар ва улуғлик бисотининг мумтозлари хилма-хил иноятлар билан ифтихор касб этдилар. Исломхонга юз тоқ зарбоф иноят қилиниши билан унинг иззат чодирини баланд кўтарилди. Балх элчиси Шодмонхўжани гусулхона дарвозасидан (саройга) Файзуллохон ва Ҳунарбархонлар олиб келдилар, у буюк хонадон хони Субхонқулихоннинг ажойиб саломини етказди, хилъат ва ўн минг рупия ҳадя билан хушнуд қилинди.

<sup>14</sup> Бу ерда ўша даврдаги вақт-соат тушуғунчаси назарда тутилади.

Тарбиятхон ўрнига Сафийхон Удсия субадори бўлишга буйрук олди.

Ўн бешинчи ва ўн олтинчида (Онҳазрат) зрам оромгоҳ, жаннатмакон ҳумоюн подшоҳнинг ва покизалар покизаси (тақводорлар тақводори) Шайх Низомиддин Авлиё, жаннатмаконлар пешвоси, чиштия хўжаларининг хўжаси Хўжа Кутбиддин Бахтиёр Коки Ўшийларнинг – Аллоҳ уларнинг сирини муқаддас қилсин – табаррук жойларини зиёрат қилиб, саодат топдилар; ҳар уч макон ходимларига кўпдан-кўп олий инъомлар бериб ва қабрлар азизлиги билан шод-хуррам бўлдилар.

Эътикодхоннинг ўғли Муҳаммад Диёр кайтадан тўрт юзчи (мансаб)га сарафроз этилди. Али Гўлканда дунёдори Али Акбар Ҳожиб мулозаматга кириш билан саодат топди, у бир минг муҳр ва ўн бешта фил совға берди.

Обидхон ўғли Мир Шаҳобиддиннинг уйғок бахти уни вилоятдан жаҳонпаноҳ саройга келтирди. Мазкур хон мулозаматга кирган куни нақшлар билан безатилиб ишланган бир қалқонни мунаввар назардан ўтказди. Номи зикр этилган Мир уч юзчи, етмиш суворли мансабга сарафроз қилинди.

Жўйборий шайхларнинг пешвоси Хўжа Муҳаммад Яъқуб – унинг ҳол-аҳволи ҳақида қисқача маълумот сўнгги йиллар (баёнида) келтирилади – пешоналари раҳбарлик билан ярқираган ҳолда (хикоя қилди): «Буюк хонадоннинг хони Субҳонқулихон бизнинг ёш ўғлимизни ҳам ҳамроҳ қилиб олиб кетдилар, дея нақл қилдилар. Ва биз Рустамбий оталик билан бир тарафда ўтирган эдик, Мир Шаҳобиддин келиб, мени отам чакирттирди, деб маълум қилди. (Лекин) олижаноб (Субҳонқулихон) томонидан (кетишга) махсус рухсат бўлмади (67а). Қулай фурсат бўлиб қолган эди, биз ва оталик бу иш юзасидан биргаликда илтимос қилишга киришдик ва ижозат бўлганидан сўнг фармонни ёзиб ўтиришга узоқ вақт кетмаслиги учун уни ҳам ёзиб тайёр қиламиз, деб айтдим. Таом пайтида биз (хон) хузурида ҳозир эдик, бу маъни борасида илтимос қилдик (ва) ижозат олдик. Мир Шаҳобиддин отаси юборган бир қанча “тўққиз” парча шолни хон назаридан ўтказди, шу соатдаёқ фармонга муҳр босилди ва рухсат фотиҳаси ўқилди. (Кетишга) бир қанча қадам кўйганда (Субҳонқули)хон яна чакирдилар ва: «Сен Ҳиндистонга бориб катта одам бўлишни хоҳляпсан, бизни ёдингдан чиқарма», дедилар. Ҳа, фаросат нури илму маърифат боғидан каромат нурига

айланди. Бахтнинг ёруғлиги мазкур Мирни узоқ сафарларга ва нузхатнишон Ҳиндистон ниёзмандларига (қўшилишга) олиб келди. Толе ва бахтнинг мадади, подшоҳлар подшоҳи зиллирахмон Онҳазратнинг тарбияти, фазли билан унинг даража пояси ҳазинлиқдан камолотга эришди. Балх ва Бухоро султонларининг бойлиги ҳамда қудрати унинг «тўра» деб номланишидан бошқа бахтиёр бўлишига қандай ҳам алоқаси бор?! «Бу – Аллоҳ фазли, уни хоҳлаганига ато қилади».

**Жаҳонни фатҳ этувчи тугнинг мустақирул-хилофат  
Акбаробод томон кўтарилиши ва қора ниятли  
исёнчилар жазоси берилиши**

Ўн иккинчи йил ўн тўртинчи ражаб ойида жаҳон хоқонининг ҳукми билан иқбол чодирини Жун дарёчаси қирғоғида зарнигор гумбаздан бош кўтарди, зафар байроқлари буюрилган соатда мустақирул-хилофат Акбаробод томон (юриш учун) азм қоматларини ростладилар. Манзиллардан-манзилларга ўтишда муқаддас таъб хурсандлигини орттирувчи шикор роҳатини сурмаган кунлар жуда кам бўлди. Йигирманчи ражабда шикор қилиш учун отга минилган вақтда Айвора, Чанд Рукҳа ва Сарҳарв мавзелари исёнчиларининг қора ниятли кайфиятлари ҳақидаги (хабар) олий арзга етди. Фармонга мувофиқ, Ҳасанали бу кутурганларга қарши кечаси ҳужум қилди. Кундузи икки паҳр давомида ўқ ва тўфанлар отилиб, (қаттиқ) олишув бўлган. Ўзларида тоқат мақомини тополмагач, ақсарияти ёмон гавҳар (қораният)ликдан қабилаларининг жавҳарига айланиб, қалта қурол билан ёпирилган. Подшоҳлик бандалари ва Ҳасаналининг ўртоқларидан кўп киши шаҳид кетди. Жаҳаннамийлардан уч юз киши (676) ҳалокат уйи томон ошди, икки юз эллик нафар хотин-қиз ва бола асир тушди. Мазкур хон аср вақтида нурга тўла саройга кириб, жанг кайфияти ҳақида маълумот берганда, ҳукм қилинди: бандилар ва тўрт оёқлилар (хайвонлар)ни ул мавзенинг жогирдори Саййид Зайнобиддин ихтиёрига ҳавола қилсинлар.

Мутҳаро фавждори Сафшиканхон мулозаматга кирди. У қишлоқларнинг экин майдонларини ҳимоя қилиш учун ўз суворийларидан икки юз нафарини ажратсин, лашкар одамлардан ҳеч бир кишига зўрлик кўрсатмасин ва ҳеч кимнинг боласи асрга олинмасин, дея ҳукм қилинди.

Муродободнинг фавждори Номдорхон ҳукмга мувофиқ мулозиматга кириш шарафига эришди, у юз муҳр, бир минг рупия ва иккита қора қарчиғай совға қилди.

Сафшиканхон ўрнига Ҳасаналихон Мутҳаро фавждорлиги, асли ва қўшимчаси билан уч минг беш юзчи, бир минг беш юз суворли мансаб, хилъат, шамшир ва от иноят қилиниши билан сарафроз бўлди.

Акбаробод ноҳиясининг фавждори марҳум Оламгиршоҳнинг ўгли Омонulloҳхон қўшимча уч юзта суворий билан хонга ёрдам беришга тайинланди. Мазкур хонга (яна) икки минг суворий барқандоз, минг нафар суворий тирандоз, минг бундуқчи, минг бондор, йигирма беш зарб тўп, мингта белдор, йигирма бешта тўп ва мингта табардор тайин этиб берилди.

Акбаробод нозими Хушдорхон мулозаматга кириб, шаъбон ойининг бошида салтанатнинг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг Русинқар Атхивар кизидан юлдузи ёруғ ўғил кўрганлиги ҳақида хабар қилди ва бир минг муҳр суюнчи юборилди, болага Давлатафзо деб исм қўйилди; подшоҳзодага ва онасига ҳамда шахзода ва онасига юз минг рупия қийматида жавохирлар юборишга шарафли фармон чиқди.

Шу ойнинг ўн еттинчисида (Онҳазрат) раҳмат астарига ўралган замон мумтоз фирдавссултони муқаддас қабрини зиёрат қилиш билан бахтиёр бўлдилар. Ўзлари ва ҳар икки подшоҳзода номидан қирк минг рупия назр бериш билан ул олий маконнинг маъмурларини қувватлантирдилар.

Шу ойнинг ўн саккизинчисида минг-минг шод-хуррамлик ва яхши тайёргарлик ҳамда ажойиб саранжомлик билан Акбаробод қалъаси давлатхонасини файз нурига тўлатдилар ва хайрли ишлар маконига айлантirdилар. Батийса (Табийса) сарзаминида фиску фасодчилар (68а) ва исёнчиларнинг бошлиқларидан бўлмиш урушқок ёвуз Кукложот – у Абдулнабиҳон қатлига сабабчи бўлган ва унинг кўрқок вужуди кишлокқа ҳайдаб юборилган эди – Саъдабод парганасини талон-торож қилган.

Хусайналхоннинг ҳамда ул жасоратнишоннинг ишбошиси шайх Разийиддинларнинг ажойиб саъй-ҳаракатлари, далирликлари ҳамда жаҳду жадал ва тўлик бахтиёрликлари билан (унинг) ифлос ишлари шиддат шамолига гирифтор бўлди.

Мазкур хон уни ва унинг барча фасодчи кучларини номи зикр этилган шайх ҳамроҳлигида олий даргоҳга жўнатди. Шон-



шуҳратга йўлловчи фармонга кўра, Хуйтора кутволлигида қатл этилиши лозим бўлган бандилардан икки нафарини ажратиб олдилар. Куклонинг ўғли ва қизи тарбия юзасидан Жавоҳирхон нозирга топширилди. Қизи Шоҳқули никоҳига кириб, хурмат-иззатга сазовор бўлди. Ўғли Фозил номи билан ҳофиз (кори) бўлдики, Онҳазрат наздида бошқа бирор-бир кори (шундай) ишонч қозонмаган эди, ва Онҳазратнинг фаросатли (сўзларини) эшитиш саодатини ҳосил этди.

Бихардаги Биҳақалпурининг шариф кишиларидан донишманд, фозил Шайх Разийиддин «Фатовойи Оламгирия» (“Оламгир фатволари”) муаллифлигига тортилган бўлиб, уч рупия кундалик ҳақ олар эди. У бошқа кўп илмлардан ҳам маълумотли, ҳарбий кўмондонлик, амалдорлик, надимлик ва (бошқа) ҳар бир ишдан хабардор эди; кози Муҳаммад Ҳусайн воситачилигида нурга тўла сарой муҳтасиби уларга илова (кўшимча) бўлди. Сарой хизматкори Бахтовархон фузалонавоз ва ҳунармандлар қадрига етадиган ҳоқонга унинг камолоти ҳақида маълум қилди. (Шундан сўнг) бир юзчи мансабга эга бўлди.

Бора-бора жуда қисқа муддат ичида Ҳусайналихоннинг бахтиёрлик бағишлаши ва табиий саъй-ҳаракатининг мадади билан эгизак толели амирлик ва хонлик мартабаларига эришди, ишлари жуда ривожига миниб кетди, (лекин) оқибатда ўлим тўшагига ётди.

### *Улуғ Оламгир давлатининг бир минг саксонинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн учинчи йили бошланиши*

Шоду хуррамлик тартиб топган, марҳаматли манноннинг илтифоти билан пешоналар ярқирашидан дарак берувчи ушбу кунларда, яъни рамазон ойида имон арбобларининг базми ниҳоят даражада чароғонлик касб этди (686).

Шону шавкат ва эҳтиром осмонининг куёши, қудрат ва ҳашамат авжининг хуршиди бўлмиш салтанатнинг ўн учинчи йили зўр тантана билан бошланди. Ҳақиқатан ҳам, фаровонликнинг зебу зийнати ва баракот тахтининг орастаси барча хайрли ишларни тоат ва ибодат адоси билан маъмур қилдилар. Ўн бешинчида мазлумларга нисбатан адолатли шараф ҳукми билан чиқдиларки, (унда) қочқинларга Дарсин тарафидан каршилиқ кўрсатмасинлар, уларнинг илтимосларини юқорига олиб борсинлар ва назардан ўтказсинлар, дея амр этилди.

Ушбу кароматли ойда ҳақиқатпарвар ва зулматгоҳга адолат нурини сочувчи подшоҳ фатҳ ва зафарлар тонгининг насими – динни тикловчи Онҳазратнинг Мутҳародаги Дехра Кишурой номи билан машҳур мажусийлар бутхонасини бузиб ташлаш ҳақидаги хайрулбашар ёрлиғи ва ижроси вожиб буйруғи эълон килинди. Қисқа муддат ичида тағ-туғи билан бузиб ташлашга тайин этилган шахсларнинг зўр саъй-ҳаракати билан ибодатхона биносининг устуворлиги кучсизланиб қолди ва унинг ўрнига янгидан (қурилган ва) унга қараганда кўп маблағ сарф этилмаган олий асос масжид пайдо бўлди. Бу ибодатхона (фаолияти) бошдан-оёқ товламачи ва жоҳил Сингх Дю Бундиланинг ишларидан (иборат) эди. У жаннатмакон Жаҳонгир подшоҳ тахтга ўтирмасидан илгари турли сабабларга биноан Абулфазлни йўқ қилиш қасди ва ҳаёлида бўлди. Бу ёвуз ниятли кофир Абулфазлни ўлдириш юзасидан ул жанобнинг хизматини яхши амалга оширган ва (ул жаноб) тахтга ўтиргач, бажарган иши эвазига бутхонани қуришга ижозат олган, бино қурилишига жами ўттиз уч лакх рупия кетган. Алхамдулиллоҳ, (ушбу) бахтиёр замонда Ислом дини йўлида мажуслик ва тугённи енгган (тинчлик) бешиги, мавжуд ҳолни ман этувчи ана шундай ажойиб фармон йўқ ердан зухур майдонига чиқди. Бу диндорлик куввати ва худопарастлик кудратини кўриш билан рожалар гарданидаги (мажуслик) нақши ёниб кетди ва (улар) мавжуд аҳволдан хайратда қолиб, юзларини деворга қаратдилар. Бутпарастлар маъбудхонасидаги барча катта-кичик жавохирқиймат бут ва санамлар Акбарободга келтирилиб, токи (улар) буткул (69а) поймол бўлсин учун муқаддас наввоб Бегим соҳиб масжиди тагига кўмиб ташланди. Мутҳаро номи «Исломобод» деб ёзилиб улуғланди ҳамда (шу) йилнинг ҳикояси ва шуҳрати бўлиб қолди.

Шаввол ойида каламқош ой хушнамолик билан уфқдан жилва қилди. Салтанат пешгоҳининг хизматчилари муқаррар дастурга биноан давлат саройига осмони зеб ва хисравона оройиш бердилар. Иқболнинг шодиёна тароналари жаҳон халқлари қулоқларида янгради. Марҳамат ва илтифотнинг гавҳар ёғдирувчи булут, фазл ва каромат тахтининг оройиши олам халқлари бошига файз соясини сочди, осмонқудрат филга миниб, ибодат қилишга азм этилди. Бахтиёр подшоҳзода Муҳаммад Аъзамга муборак бошлари кетидан (орқа томонларидан) жой бериб, ҳашаматга муносиб қадамларининг нури билан ийдгоҳга зебу зийнат бахш этдилар.

Қайтгач, давлат (сарой)га ташриф буюрдилар. Иккинчи кунни осмонга ўқшаш тилла тахтнинг хос ва омлари орасида ўтказдилар. Алимардонхонни кайвоннишон айвоннинг ўртасида турғизиб кўйган эдилар. Тахт оройишини орттириб, халойикни мақсадига етказиш билан шуғулландилар. Олийкадр подшоҳзодалар Муҳаммад Аъзам ва Муҳаммад Акбар хилъатлар иноят қилиниши билан эъзозландилар. Жумлатул-мулк Жаъфархон хилъат, бир минг сувор кўшимча ҳамда бир курур дом инъом этилиши билан ифтихор қозонишга сазовор бўлди. Рожа Ром Сингх асли тўрт мингчи, тўрт минг суворли, икки отли, уч отли эди. Ошомга хизматга тайинлаш шарти билан бир мингчи, бир минг суворли кўшимча ила шодком этилди. Унинг ўғли Кинур Кишан Сингх қимматбаҳо тошлар кўйиб зийнатланган дарпеч ато этилиши билан эъзоз бошини баланд кўтарди. Ҳусайналихон шартсиз шартли беш юз суворли (мансаб) ва ноғора, дўмбира марҳамат қилиниши билан шодмон этилди. Ашрафхон ва Ҳимматхон беш юзчи кўшимчаси билан уч мингчи мартабага кўтарилдилар ҳамда Мултафатхон ва Мўғулхон беш юзчи кўшимчаси билан икки мингчи мартабага чиқиб олдилар. Сазоворхон ва Фазлулоҳхонларнинг ҳар иккаласи юз суворга эга бўлдилар. Бахшиул-мулк Асадхон ва Файзуллоҳхонлар ҳар бирига иккитадан чопқир от совға қилиниши билан эъзозландилар. Абдурахмон Султон (696) ва Баҳром Султонларнинг ҳар иккаласи ўн минг рупиядан инъом этилиши билан умид этакларини тўлдирдилар.

Балх элчиси Шодмонхўжа (ватанига) қайтиш учун рухсат ва йигирма беш минг рупия нақд пул, хилъат ва қиймати беш минг рупиялик шамшир, кумуш эгарли бир фил, бир юз беш тўп жомадар ва чираоғабоний ҳамда шунча Гужарот фўтаси, ҳамроҳлари эса, ўн минг рупия инъом олдилар.

Муҳаммад Обид ибн Зоҳидхон бир минг беш юзчи уч юз суворли мансаб ва “Навозишхон” хитоби билан навозиш қилинди. Бундук хонанинг хос доруғаси Доробхон Абдуллоҳхон ўрнига ғусулхона доруғалиги хизмати билан эътибор бошини баланд кўтарди.

Мустакирул-хилофат Акбарободнинг (байтул) буюқоти ғалла нархини обод дунё ва равнақ дин подшоҳи арзига етказдилар: ун (1), гуруч (14), буғдой (35), нўхат (4), сариеғ (4 сукандос) ва бошқа дон-дунлар. Халойик бу ўлчов (ҳисобот) туфайли шуқр таронасини дуо қонунида ашгула қилиб айтди:

*Эй раъиятпаноҳ! Дилингиз шод бўлсин,  
Ободонгарчилик билан давлатингиз обод бўлсин!*

Ҳн еттинчи фарвардинга мувофиқ бўлган зулкаъданинг ӯн бешинчисида абадий умрнинг эллик тўртинчи камарий йили бошланди. Тантана айёмини орасталаш расми русумини тайин қилдилар. Доруғаи хосон (хос кишилар доруғаси) Бахтовархон дастаси биллурдан тилла нақш ила ишланган ханжар инъом этилиши билан мумтоз қилинди. Мир Сайид Муҳаммад Кунужининг ўғли Сайид Амжадхон, Қози Муҳаммад Хусайн вафотидан сўнг (унинг ўрнига) рикоб ихтисоби хизматига эга бўлди. Нур порлаган сарой хизматкорлари бир-бирлари билан қўлни бошга қўйиб – фармонга бўйсуниб «салом-алик» қила бошладилар.

Тўққизинчи зулҳижжада Мулла Абдулазиз ибн Мулла Абдурашид Акбарободий Ҳимматхон ва Бахтовархонлар воситачилигида саодатли масжидга мулозаматга киришга (муваффақ) бўлди. (У) ақл ва нақл илмларини таҳсил этганидан ва кўп фанлар юзасидан ҳар томонлама юқори босқичга етганидан сўнг (ўз) ватанида уч рупия миқдорида кундалик (харажат) билан қаноат қилиб, гўшанишинликда (узлатда) (70а) умр ўтказар эди. Давлат арбобларига илтижо қилиб бошини қўйи солмади. Унинг толеида шуҳратлилик ва пешқадамлик ёзилган экан, баланд таъб, тўла кудратли, фикри камолотли, сўзи маъноли, хозиржавоб, зийрак, шижоатли, чечан нотик, ўтқир фаҳмли зўр матонатли эканлиги (туфайли) кадр-қимматни билиш майдонида кишиларнинг даражапоғонасига қараб (мақоми)ни белгиловчи хоқоннинг тарбият ва марҳамат назарига манзурликка восита ва сабаб бўлди. Биринчи галда тўрт юзчи, етмиш суворли мансаби билан ҳамда хилъат, бешта от, шамшир, жамдҳар, бирчех (найзанинг бир тури) ва (керакли) асбоблари ила жиҳозланган бир тахтиравон марҳамат қилиниши билан эъвозланди. Тўртинчи куни арзи муқаррар (учун) турган эди, яна юзчи, ўттиз сувор қўшимча билан ҳамда Лутфуллоҳхон ўрнига арзи муқаррар доруғалик хизмати билан ифтихор топди. Ул (Мулла Абдулазиз) олдинга чиққанлик, хос кишилардан бўлишга йўл топганлик ва ҳеч ким билан қўлни бошга қўйиб (саломлашмайдиган) ва салом-алик деб айтиш билан кифояланишдек мартабалар имтиёзи шарофатидан иззат бошини баланд кўтарди.

Декандаги воқеалар ҳақида арзга етдики, ёвуз Сиво Пунодахр қалъасини эгаллагач, қалъадори Разийиддинни асир қилиб олиб

кетган. Бахтовархон йил тугагач, кирим ва харажат ҳақида арзга етказсинлар, шанба ҳамда чоршанба кунларида Онҳазратга (берилган) аҳд юзасидан тан ва холиса дафтарлари жилдларини ғусулхонага келтирсинлар, деган ҳукми девонларга етказди. Иноятхон харажатларни киримларга нисбатан ўн тўрт лакх рупия кўпайтириб маълумот берди. Холисани тўрт курур рупия миқдорида қарор қилсинлар ва шу миқдордаги харж ва харажат ҳақида фикр юритсинлар; подшоҳлик ва подшоҳзодалар саройининг кўп харажат бобларини, шубҳасиз, камайтирсинлар, деган ҳукм бўлди.

Иқбол қулоғига етиб келдики, Ҳусайналихон исёнчиларни қатл этиш, асир олишда, танбеҳ ва таъзирларини бериб қўйиш (706), ватанларини талон-торож қилиш ва оху надоматларига чек қўйишда, мустимаҳкам калъаларини бузиб ташлашда бир дақиқа ҳам вақтини беҳуда ўтказмади. Шоҳ Муҳаммад Пунур ва Сайдам Белуж, Шайх Разийиддин, Лаъл Муҳаммад, Назар Муҳаммад ва бошқаларни маҳолатларга (оғир ерларга) заминдор этиб тайинлаганидан сўнг унинг саройга келиши учун орасталик билан иноятли ҳукм чиқди. Йигирма бешинчида у олий мулозамат(га кириш) билан саодат топди ва таҳсину офаринлар билан чехраси порлади. Йигирма саккизинчида жаҳон ҳоконининг илтифотли қизи Бадрнисо бегимнинг кўрқинчли воқеаси ҳақида дорул-хилофатдан (келган) даҳшатли хабар муқаддас хотирни ғам ва андухга тўлдирди. Шавкатли отанинг шафқати ул робийаатвор ва осиеқирдор, ҳофизиул калом арбобларнинг арбоби ва ажойиб ахлоқ ва одоб юзасидан мақтовга лойиқ (фарзанди)нинг қазойи қадарига самимий юракдан ихтиёр тутиб, хайрли ва саховатли маросимлар ўтказишга қадам қўйдилар ва ул марҳуманинг пок руҳини хушнуд этдилар.

Шавкат ва қудрат бўстониининг бисоти(сарой)га маълум бўлдики, подшоҳзода Муҳаммад Муаззам камоли «акли расолик» сабаб ёмон жамоа билан бирга бўлиш ва ортиқча мақталиш орқасида хушомадгўйлар фирибига алданиб, ўзбошимчалик ва манманлик иродасини тутган. Улуғлик шафқати ва марҳамати тақозо қилишига кўра, меҳрибон олижаноб ҳокон томонидан (унга) неча марта шарафини сақлаб қолувчи насиҳатомуз буйруқлар қилинди, лекин у буларни писанд этмади. (Онҳазрат) Муҳаммад Муаззамнинг исмат мартабали волидаси наввобойини саройга чақиртириб, (ул наввоб) подшоҳзода олдида бориб, агар (унинг) ўзбошимча ҳаракатларидан шубҳалансалар, уни тўғри йўлни танлашга раҳномо бўлсинлар,

(дея кўрсатма бердилар). Табиат гавҳари огоҳлик юлдузидан холи бўлмаган Ифтихорхон хонисомонга у подшоҳзода олдиги борсин ва узокни кўрувчи фозилларнинг кулок эшитгуси кўп чуқур маъноли аччик ва чучук сўзлари унинг тили орқали ҳавола қилинсин, деган фармон бўлди. Номи зикр этилган тез ва муносиб равишда мақсад томон йўл олди ва омонатни етказди. Подшоҳзода ихлос манбаининг суви тоза бўлганидан ва порлоқ остона ҳақида ёлғон маъноли (беҳуда) хабарларни ҳақиқат деб билмаганидан (ундан) таслим бошини бўйсунуш тиззасига ва ризоталаб бошини итоат саждасига қўйишдан ўзга жавоб бўлмади. (Подшоҳзода) кўпдан-кўп зорланиш ва шармисорликни баён қилувчи арзларини дин ва давлатнинг қиблаи даргоҳига ёзиб юбордилар. (71a) Ўз ишларини худо суйган ва ҳақиқий хоқон ҳукмига қарши қаратилган деб билмай, бу йўлда саодат топдилар. Подшоҳ узрга кулок солувчи, айбни ёпувчи, тезлик билан касалнинг олдини олувчи фарзанди аржумандини илтифот ва марҳаматларга манзур этдилар. Қилинган айб учун (Онҳазрат) Ифтихорхондан хафа бўлдилар ва ундан меҳрибонликларини дариғ тутдилар. У осмонпаноҳ саройга кириб келгач, унга ва биродари Мултафатхонга хайфсан берилди, мансабларидан узоклаштирилди ҳамда хитоблари бекор этилди.

Шербек гузарбардор Султон Хусайнни Атток дарёсидан ўтказиб қўйди ва қаттиққўл ясовул Иброҳим Хусайнни Лоҳурга келтирди. Ашрафхон биринчи (Ифтихорхон) ўрнига хонисомонлик даражасига кўтарилди ва Мўғулхон иккинчининг ўрнига гузарбардор доруғаси бўлди. Унинг ўрнига Ҳожи Аҳмад Саидхон арзи муқаррар хизматига зоришди.

Ўн еттинчида олий арзга етдики, Далирхон собиқ конунқоидага кўра, Дюкада (заминдорига) заминдорлик юзасидан эркинлик бериб, Аврангобод томон жўнаб кетган.

Чақиртирилишга мувофиқ, дорул-хилофатдан сарой томон йўлга тушган иззат пардаси, ифбатли аёл наввобойи иккинчи зулҳижжада жаннатобод Искандарга етиб келдилар. Олийгавҳар подшоҳзода Муҳаммад Акбар ва бахшиул-мулк Баҳрамандхон ҳамда Асадхон истикболларига чиқиб, подшоҳликнинг ҳарам саройигача кузатиб қўйдилар. Кичик ва Қурбон хайитининг намоз адоси жиҳатидан ийдгоҳ(хайит намози)га бориш одоби ҳам амалга оширилди.

Аник фармонга кўра, Дўст Муҳаммад хатибга ўн битта хилъат ва беш юз рупия, Неъматуллоҳхон бақовулга бир пичок

инъом қилинди. Далирхон ва Довудхонларга гузарбардор орқали хилъат ва зийнатланган жамдҳар шараф билан юборилди. Ҳожи Сафийхон Макрамаатхон ўрнига Декан девонлиги ва Кифоятхон унинг ўрнига тан дафтари девонлиги билан эъзозландилар. Шоҳ Хўжа унинг (Кифоятхон) ўрнига доғ ва тасхиха доруғалигига эга бўлди.

Иффатли наввобойи Аврангобод томон йўл олдилар. Ҳукм бўлди: (наввобойи) Гвалиёрда зиндон камоғида танбех берилаетган катта ўғиллари подшоҳзода Муҳаммад Султон олдида икки кун бўлсинлар ва Сарбаландхон уларни подшоҳзода Муҳаммад Муаззам олдига олиб бориб (сўнг қайтиб) келсин.

Жумлатул-мулк Жаъфархоннинг беморлиги кучайиб ва чўзилиб кетган эди, бандапарвар ва серкарам подшоҳ биринчи мартаба касални сўраш ва иккинчи мартаба эса, таъзия билдириш юзасидан ул дўстлар дўсти бўлмиш вафодор дўстининг уйига ташриф буюрдилар.

Ойнинг йигирма бешида жумлатул-мулк ўткинчи олам билан хайрлашди. Улуғлар ва шарифларнинг катта йиғилиши бўлди, шундай ибратли нуён рихлатидан (716) мукаддас хотир тасарруф этди ва каттик таъсирланди. То уч кунга қадар таъзиядорларга бир юз йигирма коп таом етказиб турсинлар, дея ҳукм қилинди. Подшоҳзодалар Муҳаммад Акбар, Муҳаммад Аъзамларга у (марҳум)нинг ўғиллари Номдорхон ва Комкорхонларнинг уйларига бориб таъзия билдириш маросимини бажо келтирсинлар, уларнинг онаси иффат мартабали Фарзонабонуга тасалли ва ҳамдardлик билдирсинлар, деган амр бўлди. (Онҳазрат) ҳар иккаласига хос хилъат ва уларнинг онаси (хузурига) ҳол-аҳволи билан яқиндан танишиш учун тўра юбордилар. Подшоҳзода Муҳаммад Акбар ҳар иккаласини мотамдан чиқариб, илтифотлар раванк топган саройга келтирдилар. Ҳар иккаласи марваридлар қадалиб безатилган ханжар ҳамда кўнгилни кўтарадиган ва хотирлашга арзийдиган буюмлар ато қилиниши ҳамда мотамдан чиқарилиши билан ўз яқинлари орасида мумтозликка эга бўлдилар.

Бахшиул-мулк Асадхон, Мирза Баҳром, Баҳрамандхон, унинг ўғли Шарофиддин, Илтифотхон, Мафҳар, Мафохир, Равшандил ва бошқаларга мазкур хоннинг (вафоти муносабати билан) мотам хилъатлари марҳамат этилди. Бахшиул-мулк Асадхон девонликнинг ноиби хизматига сарафроз қилинди. Мукаддас кўл билан (унга) қимматбаҳо тошлар қўйиб зийнатланган ханжар ва ик-

кита бирапон марҳамат қилинди. Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам рисоласини ёзсинлар, подшоҳзода Диёнатхон муҳрини ясай бошласинлар, деган ҳукм бўлди.

Йигирма еттинчида Яккатозхон Бухорога элчи (бўлиб бо-риш) хизмати билан эъозланиб, кетишга рухсат олди. Унга бир юз муҳрли от ва қиймати ўн тўрт минг рупияли бир фил ва ҳар бири қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган жамдҳар, шамшир ва жиға марҳамат қилинди. Асли бир минг беш юзчи ва беш юз суворли эди, беш юзчи, юз сувор кўшимча олди. Бухоро волийи Абдулазизхон учун қиймати икки минг лакҳдан ортик тухфа ва фирдавсмонанд Ҳинднинг тансиқ буюмларидан ташқари, у орқали бешта «този» ва тўртта «кажҳи» отлари жўнатилади.

Унинг (Яккатозхон) ўрнига Мўғулхон мири тузук хизматиға ҳамда бир олтин асога эга бўлди. Лашкархон ўрнига Муборизхон Мултон нозимлигига тайинланди.

Жаҳонгирқулихон подшоҳзода Муҳаммад Аъзамга ноибликка, Чакла Санҳал фавждорликка сарафроз этилди.

Маҳобатхон ўрнига Кобул субасининг тартиб идораси нўйинлар (сарой аҳллари, аъёнлар) пешвоси Муҳаммад Аминхонга берилиши важҳидан (72а) унинг номиға шараф билан олийшон фармон чиқарилди.

Фидойихон ўрнига Уда (Ауд) субадорлигига Тарбиятхон тайинланди. Номи зикр қилинган (Фидойихон) нурга тўла саройга келиб, маслаҳат назарига биноан Гвалиёрга бориб истикомат қилишга маъмур этилди, рухсат хилъатини олиб, оёқ ўпиш шарафини топди.

Рикоби саодат (саодат саройи) тўпхонасининг доруғаси Раъдандозхон ҳамда Рожа Даби Сингх ва Яҳёхон Деканий, Саййид Али Акбар, Румийхон, Корталабхон Майдоний, Бади Султон Балхий, Мирза Садриддин ибн Мирза Султон ва бошқалар ҳамкорлар, кўшимчалар, хилъатлар, от, шамшир ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган жамдҳарлар иноят қилиниши билан юкори даражада эъозландилар.

Жонийхон Раъдандозхонга ноибликка, тўпхонаи рикоб (сарой тўпхонаси) доруғалиги хизматиға тайинланди. Йигирма еттинчи рабиул аввалда подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг икболи шамъи шабистонининг давлат кошонаси Жаҳонзеббону бегимдан яхши юлдуз ўғилнинг (бу дунёга) кадам қўйиши туфайли шодмонлик нури мунаввар бўлди; мукаддас хотирнинг қувончи



ортди. Подшоҳзода хилъат иноят қилиниши ва шаҳзода Бедорбахт исми ҳамда қиймати ўн минг рупиялик кулоҳ (берилиши) билан толелари ёр ва бахтлари бедор бўлди. Бегим эса ўн минг рупиялик малойи марварид ва етти минг рупиялик самарний ато қилиниши билан хушнуд этилдилар.

Сайид Аҳмад исми билан машхур Омонатхон хонлик хитобига эга бўлиб, Бангола субасининг девонлиги (хизмати)га руҳсат олиб жўнаб кетди.

Олий хонадоннинг хони Абдуллоҳхон Кошғарий харамайншарафайн зиёратидан саодат ҳосил этгач, кароматнишон остонага қайтиб келиб, унинг умид этаги Сурат ва Молва хазиналаридан (берилган) бир лакх рупия инъом билан тўлди.

Олий арзга етдики, дорул-хилофатнинг нозими ва қалъадори Донишмандхон Мирбахши ўнинчи рабиул аввалда борлиқни тарк этган. Даврнинг фозил улуғларидан бўлган ул номдор амрнинг ҳаёт йўли мактовга лойик даражада хайрли ва пок эди. Саройга келган Мултон субадори Лашкархон Донишмандхон вафотидан сўнг биринчи бахшигирлик хизмати билан бахтиёрлик байроғини баланд кўтарди; асли тўрт мингчи, тўрт минг суворли (эди), бир мингчи, бир минг сувор қўшимча (олди), Ҳимматхон Асадхон ўрнига учинчи бахшигирлик, Асадхон эса иккинчи бахшигирлик (хизмати билан) (726) эъзозландилар ва шуҳратландилар. Номдорхон дорул-хилофат нозимига ва Муътамадхон қалъа ҳимоясига тайин этилди. Мансабидан истеъфо бериб дорул-хилофатда яшаб турган Сайид Амирхон рабиул охир ойининг йигирма еттинчисида ўткинчи оламдагилар билан видолашди. Ул марҳумнинг биродарзодаси Шайхмир, ўғиллари Муҳаммад Иброҳим, Муҳаммад Исҳоқ, Муҳаммад Яъқублар таъзия хилъатлари ва кўнгилни кўтарувчи буюмлар (берилиши) билан мотамдан чиқарилдилар. Пешовардаги воқеалар ҳақида арзга етдики, ўнинчи рабиул охирда Муҳаммад Аминхон у ерга етиб борган; Асадхон, Муртазохон, Обидхон, Ҳусайналихон, Тохирхон ҳамда бошқа сарой ва субаларнинг бандаларига ёмғир хилъати марҳамат қилинган.

Ҳожи Аҳмад Саидхон илтифотли наввоб Бегим соҳиба девонлиги хизматига сарфароз бўлди. Лутфуллоҳхон эса унинг ўрнига арзи муқаррар доруғалигига эришди.

Файзуллоҳхон подшоҳзода вакили ўрнига Санбаҳал (Субанҳал) фавждорлиги хизматига сарфароз этилди ва Сарбаландхон унинг ўрнига қушбеги бўлди.

(Онхазрат) ўн еттинчи обонга мувофиқ бўлган жумодул охирнинг йигирма тўртинчисида шамсий тантанасига равақ бағишлаб, фалак пояли тилла тахтга ўтирдилар. Олиймақом подшоҳзодалар ва номдор амирлар табриклаш ижроси билан ўз эъзо-зу завқларини кучайтирдилар.

Раъдандозхон Фидойихон билан биргаликда кетган эди, у саройга чақиртирилиб, мулозаматга кириш билан саодатманд бўлди. Иззат бисоти (яъни сарой) хизматкорларига маълум бўлдики, ўнинчи йил жумодул аввалнинг йигирма еттинчисида урушқок олчок Сиво Сурат бандарига ҳужум қилиб, бир неча соат давомида шаҳарга ўт қўйган ҳамда шаҳарликларни талаб, (яна) ёвуз ният билан қайтиб кетган.

Шаъну шавкат денгизининг дури подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг Санжар Нажмий Сонийнинг кизи Нурилнисо бегимдан олийпайванд фарзанд туғилиши муносабати билан вакили Мирза Муҳаммад орқали юборган бир минг муҳри улуғ назардан ўтказилди. Саодатли янги меҳмон Рафиъулқадр деган ному нишон олди. Наввобойни олиб келиш учун Деканга кетган Сарбандхон қайтиб келиб мулозаматга кирди.

Кобулнинг лавозимидан бўшатиш билан субадори Маҳобатхон (73а) фалак мартабали остонага келиб, мулозаматга кириш ва оёқ ўпиш шарафига мушарраф бўлди, гавҳар сочувчи дил деди: «Хуш келибсиз, сафо келибсиз». Йигирма бешинчи ражабда (унга) Декан ясоғига рухсат берилди; у хос хилъат, ёқали нима остин ва тилла эгарли бир от, талойири бўлган бир фил марҳамат қилиниб эъзозланди. Унинг ўғли Баҳром қимматбаҳо тошлардан безак берилган ханжар олиш ила шоду хуррам бўлди. Мазкур хоннинг фавжига белгиланганлар: Радонуп Сингх, ибни Рав Киран, рожа Амир Сингх ибн Кашин Сингх, Маҳобатхоннинг биродари Далирҳиммат, биродарзодаси (жияни) Сухроб ва бошқалар хилъат, фил, от ва шамшир иноят қилиниши билан эъзозландилар.

Подшоҳзода ва амирларнинг кема ва тахтиравонларига фараңги темир занжирни ўрнатмасинлар, деган олий ҳукм чиқди.

*Оламгир давлатининг бир минг саксон биринчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн тўртинчи йили бошланиши*

Шу вақтларда ҳар бир соати қувончли бўлган рамазон ойи келди, баракот ва ҳасанотнинг эшиклари саодатли коинот олдида

ланг очилди, замин ва замон хокони бахтиёр салтанатининг ўн тўртинчи йили бошланди. Ҳар йилги қоидага мувофиқ, давлатхонани (саройни) безатдилар, хушнудлик ва хуррамлик ишларига тайёргарлик бошланиб кетди. Фитр ийди куни (Онхазрат) намоз ўқилганидан сўнг мақсадларга етказувчи тахтнинг орастаси бўлдилар. Дарёилтифот подшоҳнинг инъом ва эҳсонларидан олам халқлари дил мақсадларига етдилар. Олийшукуҳ подшоҳзодалар ва ихлосманд амирларнинг совға-саломлари бирма-бир назардан ўтказилди.

Лашкархон вафотидан сўнг Асадхон биринчи бахшигирлик хизматиға муносиб кўрилиб, сарфарозлик байроғини юкори кўтарди. Ҳусайналихон хилъат ва от инояти билан эъзозланиб, хизмат ериға жўнаб кетди.

Бухоро элчиси Муҳаммад Шариф йигирма беш минг рупия, хилъат ва тилла эгарли бир от инъом қилиниши билан хурсанд этилди. Маккаи муаззама шарифнинг вакили Шайх Усмоннинг совға-саломи бўлмиш икки араб оти ва дастаси ҳамда тасмаси кумушдан (бўлган) бир шамшир назардан ўтказилди, у кимматбаҳо тошлар билан безатилган ўн минг рупиялик ханжар ва юз муҳр вазнли бир ашрафий, юз рупия вазнли бир рупия ва хилъатға эга бўлди. Ундан Маккаи шарифға (736) йигирма минг рупия бериб юборилди.

Ҳабаш ҳокимининг элчиси Сайид Муҳаммад Румий (келтирган) нодир буюмлар назардан ўтказилди; унга мулозаматға кирган вақтида хилъат ва (кетишиға) рухсат берилган пайти яна бир хилъат ва ўн минг рупия марҳамат қилинди.

Ялангтўш Баҳодир шамшир, жамдҳар, баржаҳи ва қалқон ато қилиниши билан мумтоз этилди.

Доробхон Рухуллоҳхон ўрниға ахтарбеги хизмати билан эъзозланди. Саодатхон саодат саройиға келган эди, (ўзига) алоқадор хизматға кетишға рухсат олди.

Ўнинчи зулҳижжада Курбон ва қурбонлик қилиш ҳайитининг дугона одоби (икки ракат намоз) амалға оширилди. Муқаддас наввоб Парҳезбону бегим ва Гавҳарой бегимларнинг ҳар бири беш минг муҳрдан иборат тортиқ билан хушнуд қилиндилар.

Чақиртирилишиға биноан Муҳаммад Аминхон ўн тўртинчи сафар(ойи)да олий даргоҳға келди; уни Лутфуллоҳхон калъа дарвозасигача ва Асадхон ғусулхона дарвозасигача кузатиб олиб келдилар. Заминбўс (ер ўпиш) давлати билан унинг боши кўқдан

чикиб кетди; у тўртта араб ва ирок отларини назардан ўтказди ва хилъат иноят этилиши ҳамда хол-аҳвол сўралишидан кўнгли чексиз кўтарилди.

Йигирма иккинчи муҳаррамда Онҳазратнинг ажойиб солих бандаларидан иффат мартабали Наврасбону бегим, Шаҳнавозхон Сафавийнинг хотини сўнги сафарга чикди. Нуржаҳон бегимнинг ҳамширазодаси (холаваччаси) бўлмиш Мирзо Абусаиднинг ўғиллари Доробхон ва Хондозхонлар мотам хилъатини олдилар.

Амирул-умаронинг икки лакҳ ва ўттиз минг рупия, фил ва бошқа тухфалардан иборат совға-саломи олий назардан ўтказилди. Адавий давлатнинг қадимий бандаларидан Шодком Чала ўзининг омонат ҳаётини (Худога) топширди, ундан қолган (бола)-ларга хизмат ва хилъатлар марҳамат қилинди.

Маҳарожа Жусунат Сингҳ фарқули бороний (ёмғир ўтказмайдиган либос) ҳамда беш юз муҳрли от иноят этилиши (ҳамда) Жумруда Давонд тҳанадорлиги марҳамат қилиниши нури ила ҳаётини имтиёз билан таъминлади.

«Арбоби тараб» (базм арбоблиги) Саромхон бошига келди. Унинг ўғли Бехупат ва Хушхолхонлар хилъат олдилар. Зиёвуддин Ҳусайн, Муҳаммад Ҳасан ва Ашрафхон набираси Ёдгор Ҳусайнлар мулозаматга киришди, уларга хилъатлар марҳамат қилинди, уларнинг ниҳоятда семизлиги ва бақувватлиги яхшилик йўлида гавҳар сочувчи тилга олинди; ҳар куни улардан бирини алоҳида (саройга) олиб келардилар. Муҳаммад Алибек ибн Али Мардон вилоятдан келиб, олий остонага сажда қилиш билан толе пешонасини равшан этди; унга хилъат, шамшир ва (74а) марваридлар қадалиб безатилган ханжар ҳамда икки минг рупия марҳамат қилинди.

Асолатхоннинг биродари Мир Маҳмуд яқиндагина вилоятдан келиб, иккинчи рабиул охир ойида ер ўпиш саодатидан чеҳрасини мунаввар қилди, у қимматбаҳо тошлар қўйиб безатилган ханжар ва етти минг рупия ҳадя билан мумтоз этилди. Довудхон ўрнига Хушдорхон Бурҳонпур нозимлиги хизматига сарфароз қилинди; хилъат ва тилла эгарли бир от ва жез эгарли бир фил олди.

Холиса дафтардори Иноятхон Чекла Барилининг фавждорлик хилъати марҳамат этилиши билан сарфароз бўлди. Мирак Муъиниддин номи билан машҳур Омонатхон унинг ўрнига (холиса дафтардори хизматига) тайин этилиб, биллур довот эгасига айланди.

Муҳаммад ибн Эътиқодхонга Фарруҳфол кизи билан ко-  
вушиш хилъати марҳамат қилинди. Муҳаммад Алибек икки минг-  
чи, минг суворли мансаб ва «Алифхон» хитоби, алам (байроқ),  
туғ, ўттиз минг рупиялик олтин ва кумуш буюмлар билан иззат  
пешонасини равшан этди.

Румнинг тахтинишини (султони) томонидан Хусайн пошо  
ўрнига Басра ҳукуматига эга бўлган Яхё пошо ўзига қилинган  
даъвога бардош беролмагани сабабли у ердан чиқиб кетган;  
унинг толеи бўстондек Ҳинд заминида мурод чехрасини мунав-  
вар этишга ёр бўлди ва бахти султонлар паноҳи бўлмиш даргоҳ  
заминини ўпишга раҳбарлик қилди. Хилъат такмадорзари (олтин  
суви юритилиб тўқилган ипак)дан кўйлак, шамшир, қимматбаҳо  
тошлар билан зийнатланган ханжар ва ўн минг рупия инъом би-  
лан унинг умид пешонаси мунаввар бўлди. Ва бир минг беш юзчи,  
етти юз суворли мансабга сарафроз этилди. Буюк подшоҳзодалар,  
улуғ амирлар ҳамда сарой ва субалардаги акобир, асоғир (катта  
ва кичик хизматчилар)га ёмғир ўтмайдиган хилъатлар марҳамат  
қилинди. Обидхонга Муборизхон ўрнига Мултон субадорлигига  
кетишга рухсат берилди.

Ўн еттинчи жумодул аввал, пайшанба куни ифбаткубоб  
Онхазрат бандаларининг ҳамшираси (синглиси) ифбат парда-  
ли наввоб Равшаной бегим юзига йўқлик никоби тортилди ва у  
муқаддас оламнинг хилват саройида ором топди:

*Бу ўткинчи дунёдан ул ҳам ўтди (746),*

*Бу йўлдан ўтмайдиган ким ҳам бор?*

*Бу йўл – ҳар қандай нарсани йўқ этувчи йўлдир,*

*(Инсонлар) унинг жўнатиш офатидан қочиб*

*қутулолмайдилар.*

*Давр эгалик қилувчи бу алмашув билан Анжомни*

*(турмуш ҳақида қайғуришини) саранжом қилади.*

Ул исмат оламининг маликаси (ўзининг) мактовга сазовор-  
лиги ва зўр ҳурматга эгалиги ҳамда биродарига бўлган катта  
иззати билан шуҳратланган эди, шундай муҳтарама мушфика  
вафотидан олам подшоҳининг дили ғамгин бўлиб, кўзи нам-  
га тўлди. Ноилож ризойи Қодир (Худо ризоси)га ихтиёр  
этиб, сафар ва мусофирот (кузатиш) маросимини бажо кел-  
тирдилар, ул покиза зотнинг руҳини ҳушнуд этиш учун хайр  
ва эҳсонларни муҳайё қилиб, мархумага тегишли шахсларга

кўпдан-кўп иноят ва илтифотлар кўрсатиб, уларни таъзия либосидан чиқардилар.

Хонлар пешвоси Муҳаммад Аминхон улуғ вазирлик ишини топшириш учун нур порлайдиган саройга чақиртирилган бўлиб, у очик кўнгиллик ва мустаҳкам диёнатликда зарбулмасал эди. Шу билан бирга, унинг табиатида ўзбошимчалик ва мағрурлик ҳам йўқ эмасди; табиатига қарши (ва) таъбига тўғри келмайдиган баъзи бир оғир вазифалар (топширилса), уларга қарши норозилик ҳам билдирарди. (Шундай) хулқ-атвори сабабли у ёмон кунларни ҳам бошидан кечирган. Йигирма биринчи жумодул аввалда Кобул субасининг тартиб ва интизом (идораси) учун рухсат тегди ва хос хилъат, дастаси яшмдан ясалган, марваридлар қадалган ханжар ва кумуш эгарли оламдек бир фил инъом қилиниш нури билан унинг димоғи равшан тортди.

Ифтихорхон ва Мултафатхонлар айби афв этилди ва улар мансаб ва хитобга эга бўлдилар: биринчиси узлатни танлаган ва мансабидан четлатилган Сафийхон ўрнига Кашмир субаси нозимлиги хизматига ва иккинчиси Мутаъмадхон ўрнига дорулхилофат қальасининг мудофааси хизматига сарфароз этилдилар.

Тўртинчи жумодул аввалда Оллоҳободнинг лавозимидан бўшатирилган субадори Мирхон мулозаматга (кириш) бахтини топди. Лутфуллохон Лашкархон қизига уйланиш хилъатига эга бўлди. Комкорхонга амирул-умаро олдига (боришга) рухсат этилди.

Сўфи Баҳодирга Урганч волийи Анушахон (саройига) элчилик хизмати билан (боришга) рухсат берилиб, у хилъат ва қимматбаҳо тошлар ила зийнатланган жиға, шамшир, таркаш – ўқдон ва қалқон иноят қилиниши билан сарафроз этилди.

Номдорхон (75а) Акборобод субасининг нозими хизматига ҳамда Мутаъмадхон (унинг) қальаси мудофаасига тайинландилар.

Хайрли ишга қаратилган қарам мажмуали хабарларни жам этувчи қулоққа етиб келдики, олий мартабали хон Абдуллохон Ҳижоз сафаридан қайтиб, орзу қибласи ва ниёз қаъбасини зиёрат қилиш иродаси билан йўлга отланган. Меҳмондўст ва кўнгилчанлик хислатининг такозоси билан унга хон (хитоби) билан бирга бир минг муҳр ва кумуш сарпўш иноят қилинди.

**Куёш янглиз порловчи байроқларнинг мустақирул-хилофат  
Акбарободдан дорул-хилофат Шоҳжаҳонобод  
томон кўтарилиши**

Ўнинчи ражабда Акбарободдан дорул-хилофат томон таваж-  
жуҳ этиб, қувончни орттиргувчи шикор билан шуғулланиб, ман-  
зилма-манзил йўл юрдилар ва шаъбоннинг ғуррасида (илк куни-  
да) иқбол нурина Хизробод майдониға сочдилар ва асватул-авлиё  
(валийлар пешвоси) Хўжа Қутбиддин ҳамда қудватул-асфиё (пок,  
муқаддас кишилар раҳнамоси), Дехли чироғи Шайх Насрид-  
динларнинг – Аллоҳ таоло уларни раҳматиға олсин – муқаддас  
қабрларини зиёрат қилгандан ҳамда дилларни равшан этувчи  
хар иққала муқаддас жойға қараб турувчи (садна)ларға бир минг  
беш юз рупиядан инъом берилгандан сўнг, тўртинчида шод-  
хуррамликка лозим бўлган мунаввар кадамларининг нуруланвори  
билан давлатхонани қудрат ва шавкат қуёши барқ уриб чиққан  
ерға айлантирдилар.

Йигирма олтинчи шаъбонда подшоҳзода Муҳаммад Аъзам-  
нинг Бегимдан бахтиёр фарзанди туғилгани муносабати билан  
(юборилган) бир минг муҳр ниёз мунаввар назардан ўтказилди.  
Шаҳзода Жавонбахт исми билан шуҳратланди. (Мансабидан чет-  
латилган) Камёбхон сафавий мансабига тикланиш билан бахтиёр  
бўлди.

Улуғ хонадон хони Абдуллоҳхон олам ҳоқонининг хайрли  
ташрифидан аввал дорул-хилофатга етиб келган эди. Асадхон  
ва Баҳрамандхонлар уни қароматзухур саройға олиб келдилар;  
муқаддас учрашув билан хушнуд бўлди. Ва унга икки минг муҳр  
иноят қилиниши ҳамда турган жойига эллик қоп таомлар олиб  
боришлари билан руҳан ва жисмонан роҳатланди.

Мирхон мансабидан четлатилган эди, у яна (ўз ўрнига)  
тикланиш билан лутф назарига сазовор бўлди. Мир Махмуд бир  
мингчи, тўрт юз суворли мансаб ҳамда «Оқибатхон» хитоби би-  
лан иззат-икромнинг чехра ароси бўлди.

Йигирма тўртинчи шаъбонда Муҳаммад Аминхоннинг қий-  
мати бир лакҳ ва ўттиз беш минг рупиялик икки юз етмиш дона  
марварид ва эллик оддан иборат совға-саломни илтифот назаридан  
ўтказилди ва ул рукнус-салтанат (салтанат устунни) қабул тухфаси  
билан ўз толеидан миннатдор бўлди (756).

***Оламгир фармонраволигининг бир минг саксон иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн бешинчи йили бошланиши***

Ушбу марҳаматнишон онларда лутф-эхсонлар бахш этувчи Тангрининг иноят шамоли билан рамазон ойининг рўза чаманида ғунча диллар қувончни орттирувчи ийд (хайит) бўлиб очилди ва жаҳон хоқонининг карам ва эҳсон (билан) сугоришидан олам халқларининг умид ниҳоли қониб сув ичди.

Марҳаматшиор подшоҳнинг баҳор файзидан мансаб ва мартабалар дарахти нашъу наво олди. Бахтиёр подшоҳзодалар ва машхур амирлар турли-туман иноятлар билан навозиш этилдилар. Акидатхоннинг қомати Рухуллоҳхон қизига уйланиш хилъати билан ифтихор топди.

Бурхонпур субасининг нозими Хушдорхон ибн Аъзамхон Жаҳонгирнинг борлиқ бисотлари (хаётлари) ўша ердан (боқий дунёга) сафар этган эди, Хушдорхоннинг ўғиллари Қомкор ва Жаъфарлар остона ўпиш шарафига муяссар ва иноят назарига сазовор бўлдилар.

Мухторхон ул шарофатли (яъни Хушдорхон) вафотидан сўнг субадорликка эришди, унинг ўрнига Қаландархон Зафаробод қалъадори ва фавждори бўлди.

Отаси Эътиқодхоннинг (вафоти муносабати билан) таъзия хилъати марҳамат қилиниб, Муҳаммаддиёр мотамдан чиқарилди. Эътиқодхон ўз акаси амирул-умарони кўргани бориб, ўша ерда ўзга оламга сайр этишга ошиққан. Амирул-умарога мотам хилъати ва фармон юборилди.

Марҳаматли марҳум фақир дўстларга бир чашма эди, унинг турли хил ибора, сўзлари ҳамда (янги-янги) ихтирот қочирмаларининг авзойи ҳар қанча тилларда айтилмасин, ҳеч ким уларни сўзлаб уҳдасидан чиқолмайди.

***Таажжубни орттирувчи қўзғолон воқеаси. Номдор кишилар қўзғолончиларни «мўндилар» деб ҳам аташади***

Фалакости дунёсининг ҳурматли томошабинлари учун бу воқеа (шу даражада) ҳайратни орттирадиган бўлдики, заргар ва дурадгор, супурувчи ва кўнчи ҳамда бошқа турли паст, оддий синфлардан иборат (бир тўда) яланғоч хунхўр исёнчилар фикрида нимадир бўлиб, ўзбошимчалик дуди буркиб ва исёнкорлик



ғурури димоғларидан жой олиб, бошлари елкаларига оғирлик қилганидан, ўз оёқлари билан ҳалокат домига ов бўлиб илинганлар. Ушбу дostonнинг баёни шуки, Майвот сарзаминининг ёвуз ниятли исёнчилар тўдаси худди узунтумшук қўнғиз (дюча)-дек ер остидан қайнаб чиққанлар ва чигирткалардек осмондан ёғилганлар. Айтадиларки, у ярамаслар ўзларини доимий тирик қилиб турганлар ва агар бир нафари ўлдирилса, бошқа етмиш нафари пайдо бўлган. Хуллас, исёнчилардан қарийб беш минг киши Норнавал Рахт ноҳиялари бўйлаб (76а) исёнтаъб ҳолда тарқалиб, журъат ва жасорат қадамини босдилар; қишлоқ ва парганаларга талон-торож қўлларини чўздилар. Тоҳирхон фавждор ўзида токат ва мажол тополмай, саройга келди. Душманларни таслим, кофирларни қатл этишга жазм қилган подшоҳнинг газовот азми уларни кириб ташлашга қарор қилди. Йигирма олтинчи зулкаъдада Раъдандозхон тўпхона фавжи, Ҳомидхон хосчуки (подшоҳга таъзим бажо келтирилишига масъул хизмат) жамоаси ва отаси Сайид Муртазохоннинг беш юз нафар шай суворийси ҳамда Яҳёхон Румий, Нажабхон, Румийхон, Камолиддин ибн Далирхон, Пурдил ибн Фирузхон Майвоти ва подшоҳзода Муҳаммад Акбарнинг бахшиси Исфандиёрхон ул жаноб саркорнинг жамияти билан бирликда (исёнгар) ёвузларни йўқ қилиш ва асирга олиш ҳақидаги фармонга бўйсундилар. Музаффар қўшин ҳар вақт ул худудга борганда бузук йўлдан кетаётган (бу) тўда жангу жадалга тезда тайёр бўлиб, жаҳолат қадамларини мустаҳкам тутганлар, жанговар тайёргарликлари йўқлигига қарамай, тадбирни худди кофирларнинг қадимий нома (дostonларида айтилганидек) имкониятда амалга оширганлар ва аҳли Ҳинднинг «Маҳабҳората»да (айтилган) «Жанг майдонида қатл бўлиш – икболдир» деган нақлига мувофиқ бу жангда мардлик синовидан ўтганлар. Ислом баҳодирлари ҳиммат қувватини ҳамда қилишга қаратдилар, шафқатсиз қонхўр тигларни, жасорат таъбдиларни қатл этиш билан (ҳаммаёқни) қип-қизил лаъл қилиб юбордилар; зўр жанг ва шиддатли уруш рўй берди. Барча мужоҳидлар, хусусан Раъдандозхон, Ҳомидхон, Яҳёхонлар жон-диллари билан ҳаракат қилдилар, кўп баҳодирларнинг саодат чехралари шахидликнинг қирмизи қонига бўялди, кўплари мажруҳ бўлдилар. Оқибатда, товламачи бузғунчилар қоча бошладилар, ғолиблар қочкинларни таъқиб этиб, ул беҳисоб қочокларнинг кўпларини ҳалокат тупроғига қориштирдилар. Қилич зарбидан жонини четга тортганлар жуда

кам бўлди. Фатҳ ва зафар динпарвар хоқоннинг иқбол-саодати билан давлат волийларига насиб бўлди ва ул сарзамин ёвузлик тўлиб-тошган вужудлардан тозаланди; ғалабашиор ғозийлар зафардўст олий остонани ўпиш билан сарафроз бўлдилар, дур сочувчи тилдан таҳсин ва офаринлар эшитиш билан (766) ифтихор бошларини осмони фалакка етказдилар. Раъдандозхон «Шижоатхон» хитоби, асли ва қўшимчаси билан уч минг беш юзчи, икки минг суворли (мансаб) ила шуҳрат топди. Ҳомидхон, Яҳёхон, Румийхон ва Нажобатхон ҳамда ул оташин жангчининг барча катта-кичик марҳамат талаблари муносиб қўшимчалар ва хилъатлар билан имтиёз қозондилар.

Ўнинчи зулҳижжада ийдгоҳда Қурбон хайитининг умум (халқ билан) намоз ўқиш расми ва қурбонлик қилиш суннати амалга оширилди.

### *Муҳаммад Аминхоннинг бахтсизлиги ва Ҳайбар йўлидаги қайтиш қиссаси*

Ҳақиқатни кўра олувчи донишмандларга ва тўғри йўлдан борувчи хушёрларга маълумки, фатҳ ва зафар йўлини очиш қодир (Худо) қудратининг ихтиёрида ва бу йўлга тўсиқ солиш, ундан ўтишни мушкуллаштириш ҳам барча нарсанинг афзал руҳи (Тангри)нинг иқтидор ва улуғлик ихотасидадир. Аллоҳнинг (илтифотлар) бўстонида залолат жамолини кўрсатса, (демак, у) хордир. Агар қўлда қудрат кучи (намоён) бўлса, бу – бахту саодатдир. Бундай шахсни бахтли дейдилар ва агар ҳаёт мадад қўлини чўзмаса, бахти очилганлар қаторига қўшадилар. Давлат юзини кимга қаратса, ҳамма унинг ақл-идрокига хизмат қилиш орзусида бўлади ва агар (давлат ундан) юз ўгирса, унинг ақли орзуларга хизмат қилади. Бу ҳақиқий баён тафсили Муҳаммад Аминхондан иборатки, у шаън ва қудрат, шавкат ва улуғлик билан дорулмулк Кобулнинг тартиб, интизом (идораси) томон ошиқиб, қандай бўлмасин, фитначи исёнкор афғонларни топди. Азалда пешонасига ёзилганига кўра ишлари тескари натижа берди. Афғонлар душманни яқсон этувчи ул ғазабкор (Муҳаммад Аминхон)нинг ёвуз ниятдиларни қириб ташлаш иродасида эканини эшитиб, учинчи муҳаррамда, унинг Ҳайбар йўлагидан ўтмоқчи бўлганидан бир кун аввал дара йўлини тўсиб қўйдилар ва шунга қарамай, Муҳаммад Аминхон (бу ҳақда) пухта ўйламасдан ва шундай ёмон ишлар-

ни хаёлига ҳам келтирмай, журъат ва жасорат билан олға юрди, (йўлдан) ўтиш асносида Онҳазрат аршиостон Акбаршоҳ даврида Ҳаким Абулфатҳ ва Зайнхон Кука ва Рожа Бирбаллар билан со- дир бўлган тадбирсизликнинг беомон алдови юз берди, афгонлар атроф ва ҳар томондан ҳужум қилиб, ўқ ва тошларни ишга сол- дилар (77а). Қушинлар аралашиб кетди, фил, от ва одамлар бир- бирларининг устига йиқилдилар. Шу аҳволда бир неча минг одам тоғ тепасидан чуқурликларга қулаб, ҳаётдан ажралди. Муҳаммад Аминхон ғайратининг зўрлигидан жонини нисор этмокчи бўлди. (Лекин) навқарлари (отининг) жиловидан ушлаб, уни бу хатарли майдондан олиб чиқдилар. Рашидхоннинг ёш ўғли Абдулла ўша ерда омонат ҳаётини (Худога) топширди ва (Муҳаммад Аминхон) номуси кўтаролмайдиган (бу) хабардан забун ва ва ҳазин аҳволда Пешовар томон ошиқди. Нафратни орттирувчи бу хабар ўн иккин- чи муҳаррамда ҳақиқатларни жам этган қулоққа етди. Шикаст- лар ҳақидаги хабар корсиз (яъни Тангри)нинг илтифот мададига ҳавола қилинди.

Муҳаррамнинг охирида Фидойихон Лоҳурдан Пешоварга ра- вона бўлди. Саккизинчи муҳаррамда Сарбаландхон Номдорхон ўрнига Акбаробод субасининг нозимлигига тайинланди. Мулта- фатхон унинг ўрнига жилов бандалари доруғалиги билан мум- тоз этилди. Файзуллоҳхон хос хилъат, тилла эгарли бир от олиб, Муродобод томон йўлга чиқди. Абдуллоҳхонга йигирма минг рупия марҳамат қилинди. Сафийхон манзуйи (узлатга чекиниш)- дан мулозаматга кириш бахти ва шамшир иноят қилиниш ҳамда мансабга тикланиш билан эътикод камарини белга боғлади.

### ***Ниҳоятда кўп мақтовларга лойиқ подшоҳзода Муҳаммад Ак- барнинг никоҳ мажлиси оройиши, иқбол базми зикри***

Мазкур шоду хуррамлик кунларида жамшид мартабали, Ис- кандар даражали подшоҳзода Муҳаммад Акбар билан Билқис мартабали Салимабону бегимлар никоҳ тўйининг мажлиси бўл- ди. Салимабону бегим Сулаймон Шукӯхнинг чароғон юлдузли қизики, иффат оламининг маликаси, муқаддас наввоб Гавҳароро бегим фарзанд(им) деб айтиб, ул ифтихор дури, иззат денгизи- нинг тарбиясига кафил бўлганликлари муносабати билан ақд боғланди (никоҳ ўқилди). Подшоҳзода тўрт лакх рупия ва нимаи остин ҳамда хос хилъат, қимматбаҳо тошлар ила зийнатланган

хамда дихуп ва марваридлар кадалган сихра, иккита арабий ва ироқий от инъом этилиши билан хушдиллик мажлисининг ораси бўлдилар. Иккинчи рабиул аввалда масжидда Онҳазрат бандалари ваколатлиги билан қозиул-қуззот Абдулвахҳоб никоҳ ўкиди; беш лакх рупия қалин пули тайин этилди.

Нур порлайдиган сарой хизматчиларининг хогири муборакбод этувчи оҳанглар садоси билан роҳатобод бўлди. Подшоҳзода тунги беш гири ўтгач, қамоли улуғворлик билан отга миндилар. Ҳашамат денгизининг сарви подшоҳзода Муҳаммад Аъзам, баҳшиул-мулк Асадхон, Мирхон, Нодирхон ва бошқа олиймақом аслзодалар (унга) ҳамроҳ бўлдилар (776). Дехли дарвозасидан то олий наввобнинг манзилига қадар ҳар икки томонга сўрилар қилиб, ниҳоят даражада чароғон этиб безатилган эди. Кўнгил очувчи томошалар, кишининг ғайратини келтирувчи мушакбозликлар авжга минди. Қандайин тўй ва тантана, хушнудлик, суррулик маросими лозим бўлмасин, ҳаммаси яхшилик ва гўзаллик билан амалга оширилди, муборакбод қилиш базми бошланиб кетди, подшоҳзода ҳурмат ва иззат хавдажи<sup>15</sup> паноҳидаги давлат қошонасига кириб кетди.

Қудрат ва шавкат даргоҳининг бисоти бўстони (сарой)га маълум бўлдики, хилофат хонадонининг қатга ўғли подшоҳзода Муҳаммад Муаззам хоҳишининг ҳукмига ва таъбининг тақозосига кўра, саодат ёрлиғи билан «Қаъба эҳроми»ни мақсад этганлар. Рабиул охир ойининг тўққизида бандалик пешоналарини муқаддас остонага саждага қўйиш билан ораста қилганлар, (ул жанобга) хос хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан ишланган шамшир, марварид шодаси, қимматбаҳо тошлар ва бир лакх рупия марҳамат қилинди. Подшоҳзода Муъизиддин ва Муҳаммад Азимлар гулавовиз иноят қилиниши билан сарафроз этилдилар.

Мурод Бахшнинг қизи Осойишбону бегим билан қовуштирилишга қарор қилинган Муҳаммад Солиҳ ибн Хўжа Тохир нақшбандийга иккинчи жумодул-охирда хилъат, тилла эгарли бир от, жамдҳар ва олтин суви югуртирилган қилк (қамишдан ясалган нозик қалам) ва урғочи фил ато қилинди. Сарбаландхон, Қози Абдулвахҳоб ва Мулло Муҳаббат Яъқублар саройга ақд боғланишига қақиртирилдилар.

Кекса давлатпаноҳ бандалардан Вазирхон Муҳаммад Тохир йигирма олтинчида оқибат хонаси томон йўл олди. Унинг ва-

<sup>15</sup> Хавдаж – туя устига аёллар ўтириши учун ўриятилган ўриндик; қажал.

фотидан сўнг Мирхон Молва субадори бўлди. Сарбаландхон Ҳимматхон ўрнига иккинчи бахшигирлик хизмати мартаба-даражасига кўтарилди. Сарбаландхон ўрнига Ҳимматхон мустакирулхилофат Акбаробод субадорлиги билан мумтоз бўлди. Унинг ўрнига Мўғулхон кушбеги этиб тайинланди.

Улуғ шоҳликнинг қадимий (бандаси) Муҳаммад Тохир ёвуз кофирларга қўшилиб қолгани сабабли олий девонхонанинг Хусайналихон томонидан амалга ошириладиган ҳукми ёмон хулқли кофирлар ва қилмиши бадкор кишилар ташланадиган зиндонда эди, иккинчи ражабда улуғ шарият ҳукми ва уламоларнинг ҳурматли раҳнамоси Мулло Аваз ижроси билан қатл этилди, огир юки (танаси) бошидан воз кечди (78а).

Мурод Бахшнинг ўғли Ййзад Бахш Гвалиёр зиндонидан бахт зуҳур этган саройга келган эди, ўн олтинчи шаъбонда Онҳазрат ва қози Абдулваҳҳоб, Шайх Низом, Бахтовархон ва Дарбархонлар ҳузурда унинг жаҳон ҳоконининг муқаррама (ва) муҳтарама кизи иффат пардасидаги малика Меҳринисобегим билан никоҳ ақди боғланди.

Подшоҳзода Муҳаммад Султон ва Сипехр Шукуҳни олиб келиш учун Гвалиёрга кетган Мултафатхон йигирма еттинчи шаъбонда мулозаматга кирди; ҳар икки олий кадр-қимматлилар истиқомати учун Салимқада қалъасидан жой тайин этилди.

Ййгирма тўққизинчида бахтиёрлик осмонининг куёши подшоҳзода Муҳаммад Муаззам манзили (Онҳазратнинг) бахтиёрликка муносиб қадамлари билан илтифот нури порлаган маконга айланди.

Салимқаданинг «Пул дарвозаси»дан то ховли (сарой)гача зарбоф ва бошқа матолардан поёндоз солинди. Инъому иноятлар, шариф ташриф ҳамда (қилинган) совға-саломлар (Онҳазрат томонидан) қабул этилиши билан иззат боши ораста бўлди, сарварлик садри (макоми) баландликда юлдузларгача етди.

Подшоҳзода Муҳаммад Акбар саккиз мингчи, икки минг суворли эдилар, икки минг зот қўшимча билан ифтихор осмонига кўтарилдилар.

Ййгирма тўртинчи шаъбонда хос жавоҳирхона таҳвилдори Хўжа Жавоҳирхон оламдан ўтди; у кайвонмақом боргоҳ (сарой)нинг қадимий бандаларидан (бўлиб) ғарибларга нисбатан хайрихоҳ эди.

Ййгирма тўртинчи сафарда Муҳаммад Аминхон Аҳмадободий Гужарот субадорлигига тайин этилди. У олти мингчи, беш

минг (суворли холи)да қолди ва саройга келмай, хизмат жойига жўнаб кетсин, деган ҳукм бўлди.

Маҳобатхон Акбарободда саройга келган (ва) Декан ясоқига тайин этилган эди, унинг афғонларга нисбатан тутган йўли назарга олиниб, саройга келмасин, деган фармон бўлди.

Хонадони ва учинчи ўғли Мухторбек чақиртирилганда Исломхон (уларни юбормаслик учун) турли баҳоналар топгани сабабли мансабидан четлаштирилган ва давлат саройидан узоқлаштирилиб, Учанда истикомат қилиб турган эди, умдатул-мулк Баҳодирхоннинг илтимоси билан яна ўз холига тикланди ва номи зикр этилган хон (умдатул-мулк) Баҳодирхоннинг фавжи (аскарлар гуруҳи)га тайин қилинди; (Исломхоннинг) ўғли ва хонадони Басрадан чақиртирилди (786)

*Оламгир салтанатининг бир минг саксон учинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн олтинчи йили бошланиши*

Шоду хуррамликка тўла рамазон ойининг хушнудликни ортирувчи хабарчиси (келган) вақтда танланган Ислом аҳлига Яратувчининг лутф ва карамидан рўза тутиш вазифасини адо этиш вожиблиги мазмунидаги кароматгунвон фармон келди. Қадриқимматли мусулмонлар ул ниҳоятда азиз меҳмоннинг ҳукмини маҳкам тутдилар.

(Онхазрат) имон арбобларининг қиблаи дини, (улар) каъбасининг ҳомийси бахтбахш муборак (рўза) ойига кундузлари рўза тутиш тадбири, кечалари бедорлик ҳамда шароҳ ва эътиқоф билан орасталик бахш этдилар; (бу билан) оқибати яхши ва хотимаси хайрли хазина йиғдилар. Бахтиёр шавволнинг ғурраси (илк куни) кенг пешона ва пок юз билан саодат ийдчи (хайити) томон ташриф буюрдилар. Олам халқлари ҳоконининг давлат саройидаги шодлик дўмбраси ва карнайининг муборакбод садолари осмонлилар қулоғида янгради. Тартиб этилган қондага мувофиқ, хос ва ом (ўзларини) ва ғусулхонани безадилар. Салтанат дарёсининг дур келтирувчилари ва шону шавкат айвони (саройи) танлаганларининг давлати саодат остонасига табрик юбориш ваҳидан вақтни ийдгоҳ отига миндирадидлар. Порлоқ кўш, яъни тож ва тахт зеби Оламгир қудратли филсифат тахтига чиқиб, намозгоҳни ягона виқор нурлари билан мунаввар этдилар. (Намоздан) қайтилгач, иззат ва ҳурмат мушқуви (саройи усти)да офтоб нурлари порлади. Қудрат ва буюклик тахтининг орастаси иккинчи куни хос ва

омнинг файзасос айвонида халойиқ мақсадини ҳосил этиш билан шуғулландилар.

Хилофат ва бахтиёрликнинг хошия безаги подшоҳзода Муҳаммад Муаззам нимаи остин билан бирга хилъат, марварид шодаси, юз минг рупия ва тилла эгарли, киймати эллик минг рупиялик бир фил ато қилиниши билан хушнуд этилдилар.

Салтанат саройининг зеби – бахтиёр подшоҳзода Муҳаммад Аъзам нимаи остин ҳамда бир хилъат иноят этилиши билан эъзозланди. Ҳар қандай мақтовларга лойиқ подшоҳзода Муҳаммад Акбар меҳриғиё хоконнинг шавкати шарофатидан қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган турра(кокил)ни ифтихор дасторларига зеб этдилар. Бахшиул-мулк Асадхон ва фалакасос даргоҳнинг катта-кичик сарой аҳллари (79а) жавохирлар, хилъатлар, фил ҳамда қўшимчалардан иборат турли илтифотлар ва кўпдан-кўп марҳаматлар билан умид этакларини тўлдирдилар. Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам асли йиғирма мингчи, ўн беш минг суворли (эди), уч курур дом, ўн мингчи, беш минг сувор қўшимча; Султон Муъизиддин рузанодор асли ва қўшимчаси билан бир юз эллик рупия; Султон Муҳаммад Аъзам рузанодор асли юз рупия, қўшимчаси билан яна эллик рупия инъом олдилар. Сарой ва субалардаги номдор подшоҳзодалар ва олиймаком умароларнинг совға-саломлари мунаввар назардан ўтказилди.

Бижопур дунёдорининг ҳожиби (элчиси) Искандар Одилхон қиммати тўрт лакх рупиялик (хар хил) жавохир ва қийматли тошлар билан безатилган буюмларни мунаввар назардан ўтказди.

Ҳайдоробод дунёдори Абдулло Қутбулмулкнинг элчиси жавохир буюмлар ва чинни асбобларни (назардан) ўтказди.

(Бу буюмлар) бадалига уч лакх рупия нақд пул қўйсин, деган ҳукм бўлди. Баҳодирхон подшоҳзода Муҳаммад Муаззам вакиллари ўрнига Декан субадорлиги билан сарафроз қилиниб, Хонжаҳон Баҳодир хитоби билан маъмур этилди, унга гузарбардорлар орқали хос хилъат ва қимматли тошлар билан зийнатланган жамдхар бериб юборилди; асли олти мингчи, беш минг суворли (эди), уч от, бир минг сувор қўшимча олди.

Сафиябону Куканинг куёви Мир Иброҳимнинг ишлари Майвот фавждорлиги хизмати ва «Корталабхон» хитоби билан тараккий топди. Муршидқулихон унинг ўрнига доғ ва тасхих доруғаси бўлди.

Диёнатхон илми нужумда беназир эди, юкори олам сайри томон кадам кўйди. Унинг ўғиллари Девафкан, Ширафкан ва Рустам кўшимча (мансаб) ва мотам хилъати олдилар.

Олтинчи рамазонда Парвардигор раҳмати зухур топган жаноб (Онҳазрат) томонидан Доробхон (Дироятхон) подшоҳзода Муҳаммад Султон ва Сипехр Шукуҳларни хобгоҳ айвонда у марҳаматзухур ҳузурига олиб кирсин, деган шавкатга эгизак бўлмиш ҳукм чикарилди. Бахтнинг ёрлиғи ва саодатнинг мадади билан ҳар иккаласига мулозаматга кириш давлати муяссар бўлди. Хилъат ва зумрад сарпеч (тож) берилиб шарафланиш билан икки юлдузнинг коматароси (янада) тугал бўлди (796).

Подшоҳзода Муҳаммад Султонни Муродбахшнинг кизи Дўсторобону бегимга тўй қилиб қовуштириб, хилъат, шамшир ва олтин суви югуртирилган (магодан) тайёрланган муттако ва эгари кимматбаҳо тошлар ила зийнатланган бир от инъом қилиниши билан сарафроз этдилар. Онҳазрат хобгоҳда ўз қўллари билан марвариддан сихра ясаб, масжидга олиб келдилар. Қозиул-қуззот кози Абдулвахҳоб фозил Мулло Муҳаммад Яъқуб ваколоти билан ҳамда ҳақиқатпарвар Мир Сайид Кунужи ва барча камолотларга эришган Мулло Аваз шоҳидлигида никоҳ аҳдини боғлади; икки лакх рупия калин пули тайин этилди.

Шижоатхон, Шайх Низом, Дарборхон, Бахтовархон ва Хизматкорхонлар саройга кириш шарафига эга бўлдилар.

Шавволнинг йигирма бирида улўғчик ҳавдажининг пардаоройи наввоб Зубдатулниса бегим Дорошукуҳнинг ўғли Сипехр Шукуҳнинг никоҳ аҳдига кирди, тўрт лакх рупия маҳр қарор қилинди. Масжидда кози Абдулвахҳоб, Мултон Азиз Ваҳҳия, Мулло Яъқуб, Дарборхон ва Бахтовархонлар муқаддас ҳузурда ҳозир бўлдилар. Сипехр Шукуҳ киммагли тошлар ила безатилган ханжар, сарпеч, марварид шодаси, марварид сеҳраси иноят қилиниши билан сарафрозлик топди.

Муқаддас никобли малика Гавҳароройи бегим ва Ҳамидабону бегимлар тўй расм-русумини амалга ошириш билан машғул эдилар.

Ифтихорхоннинг Кашмирдаги хизмати ўзгартирилгандан сўнг (унга кетишга) руҳсат берилди.

Подшоҳзода Муҳаммад Султон йилига ўн икки минг рупия, Султон Сипехр Шукуҳ олти минг рупия ва Султон Ийзатбахш йилига тўрт минг рупия (маош) олиш марҳаматига сазовор бўлдилар.



Ўн тўртинчи зулкаъдада кушхона мушрифи Сайфуллох арзга етказдики, мири шикор (шикор амри) тушида бир одам кўлида яланғоч қилични ушлаб туриб унга ўқталганини кўрибди. (Мири шикор) уйғонганида ўзини жароҳатланган ва қиличини яланғоч холда кўрган.

Олий ҳукмга кўра, подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Бурхониддин Авлиё Ҳазратхўжа Қутбиддин қабрларини зиёрат қилиш билан бахтиёрлик топиб, (80а) бир минг рупия назр бердилар. Ўн олтинчи зулҳижжада подшоҳзода Муҳаммад Султон ҳам (қабр томон) бориб, шундай саодат билан бахтиёр бўлиб, беш юз рупия назр бердилар.

Зулҳижжанинг биринчи кунда Асадхон девонлик ноиблигидан истеъфо берди. Омонатхон девони холиса ва девони тан (ҳо), Киқоятхон ўз муҳрларини девони олий муҳри тагидаги зебга айлантириб, девонлик ишларига саранжомлик бахш этсинлар, деган ҳукм бўлди.

Фаржом Барлос ўн тўрт-ўн беш ёшли жиянига ўз қизини никоҳ қилиб берган эди. Иккинчидан, (Фаржом) жанжалчи ва дилозорлиги сабабли беҳаёлик бобида дунёда биринчи бўлган ул хотин – синглиси (яқин) муносабатда бўлишига чек қўйганди. Шу орада (Фаржом) Атток фавждорлигидан туширилиб, саройга келганди. Ул мастура аёл ўглининг асабини кўзғата бошлади (ва): «Эй беномус, Фаржомни хос ва ом олдида подшоҳ ҳузурига киритма, (йўқса) сенга берган сутимга розимасман», деди-да, маъжарини (бошидан улоқтириб ташлаб, никоҳсиз бўлди ва хонада ўтирган ўғил она амрига бўйсунди: подшоҳона тахтда ўтириш билан хос ва ом ораста қилинган аснода ўзининг барча хангома ва ғавғосини Фаржом турган жойда кўрсатиб, бир захм билан ул хурматли қарияни ҳалокат ёстиғида ухлатди ва қочишга уринди. Аммо хун ноҳақ қотилни қўйиб юбормади, у қўлга тушди ва зиндонга ташланди. Шариат маҳкамасига ҳавола (этилиб) кози ҳукмига топширилгач, тўртинчи зулҳижжада ворислар – қатл этилганнинг хотини ва қизи, яъни Алиқули Барлоснинг хотини ҳузурида подшоҳзода қотилнинг хунидан кечишларини сўрашига қарамай, улар бу ишни кечиктирмасликни (хоҳлашлари боис) жиловхона ҳовузи ёқасида, хос ва ом олдида қасос олинди (80б) ва унинг жасади Ратҳа қалъасининг дарвозаси (олди)да отда турган онасига топширилди.

Ўнинчи зулҳижжада Қурбон ва қурбонлик хайитининг дугона (икки рақатли) намозини ўқиш юзасидан намозгоҳга бо-

рилди. Ҳар тўртала подшоҳзода хузурда бўлиш давлатини топдилар. Онҳазрат қўй қурбонлик килдилар ва ҳукмга мувофиқ, подшоҳзода Муҳаммад Султон туя сўйдилар. Мурожаат вақтида бир девонашакл киши якинлашиб келиб, чўпни айлантириб отди, у тахтнинг бир чеккасига келиб тушиб, муборак тиззага тегди. Гурзибардорлар уни тутиб келтирдилар. Унга заҳмат етказмасинлар ва қўйиб юборсинлар, дея Парвардигор раҳмати буткул зухур топган ҳукм чиқарилди.

Ўн тўртинчида подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг хатна тўйи зебу зийнат ва гўзаллик билан ўтди. Рожа Рой Сингх ўғиллари Мон Сингх, Маҳон Сингх ва Анун Сингх оталари вафотидан сўнг саройга келиб мулозаматга кирдилар. Ҳар учаласига хилъат марҳамат килинди.

Ираж фавждори Мирзахон Манучеҳр ҳаёт бисотидан ажралди. Ҳукм килинди: Хонжаҳон Баҳодирга моҳи ва мартабалар марҳамат килдик; ўзи тўғрилаб олсин.

Рухуллоҳхон ибн Ҳалилуллоҳхон Дҳомуни (Дҳомули) фавждорлигига сарафроз этилди. Декан субасининг баҳшиси (Ифтихорхон) сўнгги сафарга кетди, унинг ўрнини Муршидқулихон эгаллади.

Ўн олтинчи муҳаррамда Маҳоюатхон Пешоварнинг Зафархобидан кўчиб, Кобул томон йўл олганлиги олий боргоҳ (сарой)-га арзга етди. Сарбаландхон олий шоҳликнинг дафтар ишлари борасида фикр юритишга маъмур килинди.

Ўн биринчи рабиул аввалда олий арзга етдики, икки паҳардан икки соат аввал қуёш гирди (кунгираси) ой атрофида камалак ҳосил килди ва етти киригача турди.

Ўн учинчи рабиул охирда подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг шонли хотини Абдулмўминнинг кизи фонийлик ниқобини юзига тортди. Жоме масжидидан кайтгач, (Онҳазрат) ул жанобнинг уйига ташриф буюриб фотиҳа ўқиб (81а), сўнг кемага тушиб давлатхонага келдилар.

Йигирма учинчида Декандаги воқеа – Жай Сингхнинг ўғли Кирт Сингх (Қайсар Сингх) йўқлик ниҳонхонасига тушиб кетганлиги ҳақида маълум бўлди.

Ўн еттинчи жумодул аввалда подшоҳзода Муҳаммад Акбар хонасида бир ўғил дунёга келди, унга Абдулваҳҳоб исми берилди. Йигирма иккинчи жумодул охирда подшоҳзода Муҳаммад Муаззам уйига янги меҳмон ҳаёт қадамини қўйди. Унинг номдорлик байроғи Муҳаммад Хужаста Ахтар (номи) билан ба-

ланд кўтарилди. Ва у Ҳомидхондан ўглини олий остонага олиб боришни илтимос қилди. Мазкур хон иккинчи ражабда уни муқаддас остонага олиб келди. Мулозаматга кирганда Муртазо-хон ўгли (Онҳазратга) назр йўли билан бир минг муҳр ва уч минг рупия берди: хилъат марҳамат қилиниши билан мумтоз этилди. Шаҳриёр қулоғига Эрон мамлакатадаги воқеалар ҳақида Нишопур, Ҳирот ва Сабзавор ер тагига кириб кетган, деган хабар етди.

Хонжаҳон Баҳодирхон олтмиш қуруқ олға кетиб, ёвуз Сивони енгди, уни шармандаларча мағлуб ва яксон қилиб, кўп ўлжалар қўлга туширди, уларнинг ҳаммасини Дилпаст Канбу орқали саройга юборди ва йигирма биринчи ражабда мунаввар назардан ўтказди. Мазкур хон (Хонжаҳон) бир минг сувор қўшимча билан тенгдошлари орасида ҳокимиятли бўлди. Ҳомидхон Комоюн тоғларидан уч оёқли бутимор келтириб назардан ўтказди.

Файзуллоҳхон Муборободдан келиб мулозаматга кирди. Лаганбардор Маҳобатхон афғонларнинг танбеҳини бериш ҳақида гапирганига қарамай, ул фитначи-исёнкорлардан қасос олишга тайёргарлик кўрмади, «яхши қолинг, саломат бўлинг» деган (сўзлар) билан Кобул томон кетди. Бу иш муқаддас феълга маъқул тушмади. Ўн еттинчи шаъбонда (816) Шижоатхон барча тайёргарликни кўриб, эътиборли бир фавж (аскарлар) билан ёвуз фитначи бузғунчилар танбеҳи ва таъзирини бериш учун руҳсат олди ҳамда хос хилъат, яшм тош доначалари билан тўла (безатилган) жига, тилла эгарли бир ирокий от ҳамда беш юзчи, беш юз суворли қўшимча иноят этилиши билан сарафроз қилинди.

Сазоворхон тўйхона ноиблигига, Хизматкорхон қалъадорлик ноиблигига ва Дарборхон ғусулхона ноиблигига тайин этилдилар, уларнинг шериклари хилъатлар, шамшир, от ва қўшимчалар иноят қилиниши билан дилдаги максадларига етдилар.

*Оламгирилик улуғ давлатининг бир минг саксон тўртинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн еттинчи йили бошланиши*

Бараканишон рамазоннинг севинчига эгизак нигорунвон байрамдан (хабар берувчи) илк кун минг хуррам ва беҳрузлик билан оламаро ҳокон давлати кошонасининг эшигида кўриниши шодмонлик ҳайкиригини баланд этди ва олам халқларини тўда-тўда бўлиб бахтиёрлик ва саодатмандлик топишга умидвор қилди. Ҳақиқатталаб, ҳақиқатманд ҳокон кароматбахр ойни кеча ва

кундузни обод қилиш зеби билан ораста этдилар. Осмонмаком давлатнинг хизматкорлари хилофат айвони (саройи) ва салтанат шохнишин (тахти)ни Чин нигорхонаси рашк этадиган даражада безатдилар. Дилнавоз ийднинг тонги отди, муборак кадам нуридан (хайит) намози бошини кўкка етказди. Қудрат тахторойининг илтифот қўли баланд, орзулар боши паст бўлди. Ақобир ва асоғир (катта ва кичик амалдор)лар ҳар хил илтифотлар: жавҳар (буюмлари), (мансабларига) кўшимчалар, хилъат, от ва фил (ато этилиши билан) бахтиёрлик чеҳрасининг орастаси бўлдилар. Олийкадр подшоҳзодалар ва эътиборли амирлар совға-саломлари қабул этилиш илтифоти билан бахтиёрлик туйдилар.

Саодатнинг мадади ва бахтнинг ёрлиги Эрон қаламравининг садри, халифа Султоннинг биродари, ул мамлакат фармонровийининг соҳиби – тадбир вазири Мир Қавомиддинни жиловидан тутиб, неъматлар хонаси, кўламнишон Ҳиндистонга келтирди. Олтинчи шавволда (82а) у кайвонмаком замин мулозаматига кириб, химояталаб умид пешонасини кадр-кийматга етгувчи ғарибнавоз подшоҳ марҳаматларининг чароғонлиги ва қарамларининг равшанлиги билан мунаввар этди. Хос хилъат ва паҳулкатора билан бирга қимматбаҳо тошлар ила зийнатланган ва марваридлар қадалган жамдҳар, тилла шамшир, ҳамма ёғи қимматли тошлар билан безатилган қалқон, яшм тошдан ясалган асо, ўн минг рупия нақд пул, уч мингчи, бир минг беш юз суворли мансаб ва хонлик хитоби марҳамат этилиши билан аста-аста сармоядор қилиниб эъзозланди. Унинг ўғли Садриддин хилъат ва тилла шамшир, етти юзчи, бир юз суворли мансабга эга бўлиш билан иззат топди.

Мир Иброҳим ибн Шайхмир Маккаи муаззамани – Аллоҳ шарафини абадий этсин – зиёрат қилиш билан саодат топиб, олий остонани тавоф қилиш ҳамда бир минг беш юзчи, бир минг суворли мансаб билан сарафроз этилди.

Ҳаким Солиҳхон бор бисотини тарк этди. Ҳаким Муҳсинга ва унинг бошқа фарзандлари ҳамда қариндошларига мотам хилъатлари марҳамат қилинди. Унинг вафотидан сўнг Такрибхон ўғли Муҳаммад Алихон керак-яроқ доруғалигига тайин этилди.

Марҳум Ислохоннинг ўғли Мир Абдурахмон Ҳайдаробод элчилигига рухсат олиб кетди.

Ўнинчи зулҳижжада Қурбон ва қурбон қилиш ийдининг дугона (икки ракат) намозини адо қилиш ваҳҳидан ижроси вожиб намозга бориш бажо келтирилди.

**Шижоатхоннинг ҳалокат жарига йиқилиши ва жаҳонкушо  
(жаҳонни фатҳ этувчи) байроқларнинг Ҳасан  
Абдал томон кутарилиши**

Ғафат ҳақиқатларни жам этган кулоққа етиб келдики, ўн саккизинчи зулқадда Шижоатхон Кандобни ортда қолдириб, Кутал Қаҳриядан ўтиш нияти билан лашкар сафлайди. Пистирмада қулай фурсат пойлаб турган афғонлар тоғнинг танглик ерида йўлни тўсиб турган эдилар. Жангчилар ҳарчанд шиддатли жанг қилмасинлар ва баҳодирлар кўпдан-кўп саъй-ҳаракатлар билан нуқсонга йўл қўймасликка уринмасинлар, тақдир хоҳлаган экан, жаҳонийлик йўқлик қаърига тушди, албатта. (Шижоатхон) ғалаба қозонолмади, уруш ва қирғинлар вақтида унинг ҳаёт буюмлари торож қилинди ва бандалик йўлида у нақд жонини нисор этди (826). Афғонларнинг тошларни дўл қилиб ёғдирувчи фавж – лашкарлари зарбидан жонларини саломат олиб кочиб қолган кишилар улоқиб-узокқан ва шикастланган ҳолда жиловларини Пешовар томон буриб қайтиб келдилар. Бандапарвар хоконнинг хотири ана шундай ихлосманд банданинг оламдан ўтиши, фавжнинг тор-мор бўлиши ва лашкарларнинг дилшикасталигидан қаттиқ нафратланди. Муқаддас таважжуҳ шунга қарор қилдики, жаҳонкушо байроқлар ҳаракатга келиши билан ўн олтинчи муҳаррамда иқбол байроқлари Ҳасан Абдал томон баланд кўтарилди.

Ҳимматхон ғусулхона доруғалиги ва Шижоатхон вафотидан кейин Сафшиканхон тўпхона доруғалиги хизматига сарафроз этилдилар. Акбаробод нозими Сафийхон дорул-хилофатнинг Шохжаҳонобод субаси нозими этиб тайинланди. Акбаробод субадорлиги қалъадорликка қўшимча сифатида Муътамадхонга топширилди. Файзуллохон (рухсат) хилъатини олиб, Муродобод томон жўнади. Иморат доруғаси (доруғаи иморат) Ихтимомхон ва дорул-хилофатнинг бошқа мутасаддилари уларга алоқадор хизматларга (кетишга) рухсат олдилар.

Қавомидинга икки ой ўтгач, саодатжилов (хизмати)га етиб келсинлар, деб амр қилинди.

Чикласиҳранд фавждори Шайх Абдулазиз «Диловархон» деган хитоб олди. Сарбаландхон икки минг беш юз сувор жамият ва тўпхона одамлари билан тоғ этагидаги йўл орқали манзилларни босиб ўтсин, деган ҳукм бўлди.

Номдорхон мансабидан узоқлаштирилиб, унга қирк минг रुपиялик маош белгиланди.

Фидойихоннинг ўғли Муҳаммад Солиҳ «хон» хитобини ва отаси олдига кетишга рухсат олди.

Раҳматхон буютот ҳазрати рисолатпаноҳ (Муҳаммад Пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам) йўлига қурбонлик ўтказиш жиҳатидан Лоҳурга кетишга маъмур этилди.

Ҳалилхоннинг ўғли Мирхон Ираж фавждорлиги хизматини қабул этганлиги сабабли мансабидан четлатилди.

Мултон ноҳияларининг заминдори Исмоил Хут тўққизинчи рабиул аввалда ватанига кетиш учун рухсат олди, «хон» хитоби ва от (ҳадя этилиб) ўз тенгқурлари орасида имтиёзли бўлди.

Ифтихорхон ва Ақидатхонларга Жамун (Жамму) ясоғига (бориб), Фидойихонга ёрдам қилишга рухсат берилди. Рожур заминдори рожа Иноятуллоҳ рухсат хилъатини олди.

Ўн саккизинчи (ўн учинчи) рабиул аввалда бахшиул-мулк Сарбаландхон Бади Султон ва Носирхонлар ҳамда муносиб жамият билан биргаликда Пешоварга (83а) рухсат олдилар.

Жамруда тҳанадори маҳарожа Жусунат Сингх йигирманчида ўзига қарашли тҳаналардан Раволпинди манзилида олий остонага кириб, унинг хокини пешона сандали этиб, ўзининг саодатли бахтидан мамнун бўлди. Унга хос хилъат ва киймати етти минг रुपиялик зеб-зийнат буюмлари марҳамат қилинди ва хизмати-га алоқадор ерга кетишга рухсат бериш вақтида яна хилъат ва қимматли тошлар қўйиб ишланган шамшир, талойир ҳамда бир фил ато қилиниши билан иззат боши баланд кўтарилди. Рабиул охир ойининг иккинчисида (Онҳазрат) Ҳасан Абдал давлатхонасига мунаввар ташриф файзи билан унга бахтиёрлик бахш этдилар. Ягона раззоқ (Тангри)нинг муносиб ноиби, дунёнинг энг мактовга сазовори ахлоқининг бекиёс яхшилиги, лутфининг марҳаматлилиги ҳақида сўзловчи ширин ва ғаройиб ҳикоялар ёзди. Икки-уч кундан сўнг (Онҳазрат)нинг кароматларга тўла ташрифи билан Ҳасан Абдал боғи давлатнинг жаннати ва иқбол баҳористонининг афзали бўлди.

Муаллиф кишилари шикоят тарзида кўрсатиб ўтдиларки, подшоҳлик давлатхонаси деворининг тагида бир кампирнинг сув тегирмони бўлиб, у боғ ичидан чиқадиган кичик бир анҳорга туташган. Ул макон амалдорларнинг диққат назорати остида бўлгани учун муҳофаза қилиш нуқтани назаридан сув йўли банд

қилинган ва халойиқнинг ун чиқариб олиши монеликка ва кампирнинг тирикчилиги инқирозга учраган. Камтарин банда бу гапни тавфиқнишон хон Бахтовархонга нақл этдим. Ул жаноб нурга тўла хузур (сарой)га бориб, жаноби ақдас(муқаддас зот)-га арзга етказганлар. Раҳмати Раҳмоннинг намунали таржимони (Онҳазрат) шафқат тилида айтганлар: «Ўзингиз борингиз, сув йўлини очиб юборингиз ва қатъиян тайинлангки, ҳеч кимса кампирнинг ишига тўсқинлик қилмасин!» (Бу ишни) ҳукмга мувофиқ амалга оширдилар. Кечаси, бир ярим пос ўтганда хон уйга келди ва Онҳазрат уйда хос жойда ўтирар эдилар, икки қоп таом ва беш ашрафийни Шайх Абулхайр ибн Шайх Низомга бериб юбориб, – хурматли фозиллар пешвоси Шайх Низом ҳам саройга кириш ҳуқуқига эга бўлганлардан эди, – Бахтовархон мискин кампирни билсин, у заифага саломимизни етказсин ҳамда (836) «Сен бизнинг ҳамсоямизсан, бизнинг келишимиз сени безовга қилган бўлса, кечир», деган маъзиратхоҳлигимизни далолат этсин, дея буюрдилар.

Шайх хон олдига келди. Сўров ва текширувлардан сўнг (хон) билдики, тепаликда бошқа бир кишлок бўлиб, унинг (шайхнинг) кулбаси ўша ердадир; ярим кечада шайхнинг уйқусини бузиб, бошини уйқудан бедор этдилар; узр ва маъзират бажо қилинди. Эртаси куни нозир Дарборхонга тахтиравон юбориб, уни (кампирни)чақиртирсинлар, саройга юборсинлар, деб ҳукм қилинди. У умри бўйи тахтиравон нима эканлигини эшитмаган экан; тахтиравон ва кумуш бонисни қачон ҳам кўра оларди. Уни олиб келдилар, Онҳазрат унинг ҳол-аҳволини сўрай бошладилар. У айтди:

«(Кампирнинг) эрга тегмаган икки кизи ва кийим-кечаксиз икки ўғли бор, эри ҳам тирик, унга икки юз рупия ато қилинди, саройда икки кеча бўлди, у одамларни жуда ажаблантирди, ҳаммадан нақд пул, қимматбаҳо буюмлар ва кийим-кечаклар (сўраб) олди. Бир кишидан (мен ҳақимда) бу одам Бахтовархонга яқин, унинг хизматида, деб эшитган бўлса керак, чодирим олдига келиб туриб қолди. Елкасида барлари туташган шол, бошида бовла, оёқларида кимхоб шалвор, этаклари ашрафийлар, рупиялар ва тилла безаклар билан лик тўла, юзининг юз ери бурушган, кўзи оғриган ҳолда кўриб, «Сен кимсан?», деб сўрадим. У айтди: «Мен шундай одамманки, сенинг ва хонингнинг далолати билан мана шундай давлатга эришдим».

«Муборак бўлсин», дедим. Яна хон олдига олиб бордим, ул жаноб ҳам риоя қилдилар. Икки-уч кундан сўнг нозир номига

уни яна кизлари билан биргаликда келтиринглар, деган буйрук бўлди, сарой хўжалари (уларни) тахтиравонларда олиб келдилар ва бу сафар ҳам бошқалар каторида (унга) минг рупия марҳамат қилинди, сарой кишилари аввалгига караганда икки баробар кўп пул ва кимматбаҳо буюмлар ҳамда турли хил кийимликлар бердилар. Унга ноҳиялардаги иккита тегирмон ва бошқа нарсалар инъом этилди. Нозирга маҳсулдан озод қилиш ва барча ман этилган (ишлар) бўйича захму захмат етказмаслик ҳақидаги ҳужжатларни тўғрилаб унга етказсинлар, деб буюрилди. Ҳукмга биноан, кўзини даволаш учун уйига ҳаким Синжок юборилди. Шундан кейин подшоҳзодалар Муҳаммад Султон, Муҳаммад Муаззам, Муҳаммад Аъзам, Муҳаббат Акбар ҳамда Асадхон ва Ялангтўшхонларнинг уйига олиб келдилар. (У) мўътабар давлатмандлар томонидан иззат-икром қилинди, кизларини куёвга узатди, кийим-кечасиз ўғилларига зарбоф кийимлар кийгиздилар, эри (84а) ҳам қудратли ва эътиборли бўлиб олди, шайх ва кишлок аҳолисининг пешвоси деган ном билан шуҳратланди. «Кошқийди ёшлик қайтиб келса эди», деган сўзлар шак-шубҳасиз сўзлардир. Лекин ҳақиқат шоҳидки, «Зулайхо» исмли бу кампир замон «Юсуфи»нинг давлати билан яшариб кетди; муболағасиз (унинг) ажинлари ёзилиб, юзлари тортилиб ёришиш пайдо қилди ва касал кўзлари равшан бўлди. Ҳа, бойлик нашъасини сурганлар айтганлар (байт):

*Давлатсиз (фақир)лардан ўқдек қоч,  
Бошингни соҳиби давлатлар кўйига сол.  
Гап тамом.*

Аъизхон, Носирхон ва Мирза Султонлар таппа-тайёр жамият билан биргаликда Жамруда ва Ҳайбар афгонларининг адабини беришга рухсат олдилар.

Рой Лаъл Чандни Кобул субасидаги холиса ишларини текширишга юбордилар.

Жаҳонни фатҳ этувчи раъй зафар қучган подшоҳзода Муҳаммад Акбар ва ихлоспешалар пешвоси Асадхонлар Кахухот (Кухот) йўли орқали тезлик билан Кобулга жўнасинлар, дея қарор қилди.

Йигирма тўртинчи жумодул охирда подшоҳзода хос хилъат ва турна патидан қилинган қилк, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган қилич ва қалқон, элликта арабий, ироқий ва тоғда юра-



диган ҳамда туркий отлар, кумуш эгарли бир фил ато қилиниб бахтиёр этилдилар. Асадхон эса хос хилъат, шамшир, от ва фил иноят қилиниши билан сарафроз бўлди.

Шаҳоматхон, Ғайратхон (Иззатхон), Сайид Мунирхон, Муборизхон, Саёдатхон, Муфтаҳархон, Сазоворхон, Камёбхон, Асадхоннинг ўғли Муҳаммад Исмоил, Иноятхон, Баҳрамандхон, Ҳаётбек, Баҳодирхоннинг ўғли Дамир, рожа Ром Сингхнинг ўғли Кунур Киши Сингх ва бошқа хонзодаларнинг баъзилари вазифаларга ва айримлари қалъаларга тайин этилиб, уларнинг ҳар бири хилъат, шамшир ва отлар тортиқ қилиниши билан муносиб даража ва мақомда сарафроз қилиндилар.

Еттинчи ражабда Фидойихонга Маҳобатхон ўрнига Кобул субадорлиги хизматининг шарафли эъзоз хилъатини кийиш насиб этди ва унга кўпдан-кўп қурол-аслаҳаларга эга муносиб кўшин биркитилди. Бахтовархоннинг воситачилиги билан (846) (шундай) йўл тутилдики, ҳар вақт фавж (лашкар) Кўталга кирганда аввал фавжи ҳировул ўтиб, у тарафга жойлашсин, эртаси куни юки бор кишилар ҳамда фавжи гул ўтади. Чандовул (фавжи) бу тарафда кутиб туради. Агар фавжи баронғор учун йўл бўлмаса, фавжи ҳировул билан биргаликда боради ва фавжи чароғир фавжи жавонғор билан бирга ўтади.

Йигирма еттинчи шаъбонда Маҳобатхон олий остонани ўпиш шарафига муяссар бўлди. Унга Битихал Дас Гур набираси Бир Сингхнинг танобини тортиб қўйишга рухсат берилди.

Арзи муқаррам доругаси Шайх Абдулазиз то шу вақтгача етти юзчи, икки юз суворли мансабга етган эди, аммо ғафлатда қолиш орқасида унинг иши паришонлик асоси бўлди. Марҳамат қилиниши ва нақд пуллар инъом этилишига қарамай, ҳосилдор жогирлар бу паришонликни тарк этмади. Бандалиқнинг вожиб ишлари бўлмиш хизмати тўғрисида фикр (айтиш) ва саройга келиб-кетиб туришни кечиктирди. Хоҳиши шундай бўлган экан, шубҳасиз, бу (мушкул) ҳол ва аҳволдан ҳам чиқмади:

*Илоҳийлик билан кимга жон берса,  
Ул киши учун тоғда кон (пайдо) қилади.  
Ҳеч ким ўз кунидан ўтолмайди (ортиқ яшолмайди).  
Ўз андозасига мувофиқ кунини кўради.*

У бир қанча вақтга дорус-салтанат Лоҳурга келишни ихтиёр этди. Ҳақиқат орастаси: «Кўлингни бўйнингга ҳам боғлама,

уни ёзиб ҳам юборма»<sup>16</sup> (яъни, бахил ҳам бўлма ва исрофгарчиликка ҳам йўл қўйма) оятини қулоғига илишни буюриб, уни (саройга келиш) рухсат хилъати билан азиз этдилар. Лутфуллоҳхон унга ёрдам кўрсата оладиган кишиларни назардан ўтказсин ва Бахтовархон эса олий дастхатга мувофиқ, ғойибона бир ўзини (саройга) олиб келсин, деган ҳукм бўлди. Фазл ва ҳунарнинг ул мажмуаси дорус-салтанатга етиб келгандан сўнг Бахтовархонга ушбу ғазални ёзган эди:

*Дил дардидан нимани ёзсам ҳам, – бетоблик жўшидир.*

*Жон (руҳ) завқидан нимани тасвирласам ҳам –*

*симоб (ҳақидаги) номадир.*

*Фироқ хаёлидан тунда дилим қон тўкади,*

*Яна кўз ёши гулоб ва кўз узумдир.*

*Қандай қилиб дил аҳволини шарҳлайки бетоб бўлсам,*

*Қуёш нури шамолдан дил Моҳитоб (ой нури) каттонидир.*

*Худо нима қиларкин, деб ушбу денгизда ўтирибмиз.*

*Кема(миз) бир қатра сув билан гирдобга учраш олдиди,*

*Дил(им)даги (85а) пинҳоний иззатдан шакл ҳам қолмадиким,*

*Юз кўриниш(им) уйқусизлик ҳолатининг тасвиридир.*

***Оламгир саодатли (тахтга ўтирганининг) бир минг  
етмиш бешинчи ҳижрий йилга тўғри келган  
ўн саккизинчи йили бошланиши***

Ушбу қувончли вақтларда рўза ойининг ҳилоли баракатинтизом илтифотлар ва фаровонлик билан олам халқларининг (бахтиёр) холига нур таратди. Саодатли ой динпарвар ҳоконга кундузлари рўза тутиш ва кечалари бедорлик билан орасталик бахш этди. Қувончли (ва) нурфазо шаввол (ойининг) жамоли мунтазирлар кўзини саодатманд айлади. Зеби зеболиклар фаровон бўлган бахт базми аҳд қилинганидек амалга ошди. Муносиб совға-саломлар мунаввар назардан ўтказилди. Салтанат боргоҳи(саройи)дан бахт топувчилар ва буюклик даргоҳидан бахраманд бўлувчиларнинг орзу-умид этаклари ҳар хил илтифотлар ва турли-туман инъомлар билан лим тўлди. Подшоҳзода Муҳаммад Султоннинг шавкатли ва эҳсон пешонаси яркираши, йигирма мингчи, ўн минг суворли мансаб, нимаи остин билан бирга хилъат ва марваридлар шодаси, қиймати ўн тўрт минг рупиялик лаъл гулавоғиз, юз

<sup>16</sup> Куръони карим Исро сурасининг 29-оят.

минг рупия нақд пул, жиҳозлари тилладан иккита от ва кумуш жиҳозли иккита фил, ноғора, туғ ва алам инъом этилиши билан (катта) илтифотларга сазовор бўлдилар.

Жалолат (кудрат) бўстонининг сарви подшоҳзода Муҳаммад Муаззам хилъат ва марварид шодаси, лаъл гулавовиз, кимматли тошлар ила зийнатланган турра ва беш минг рупия нақд пул ато қилиниши билан эъзозландилар.

Бахтиёрнишон подшоҳзода Муҳаммад Аъзам улуғлик этакларини нимаи остин билан бирга хилъат марҳамат қилиниши ила ораста этдилар.

Олийгавхар подшоҳзода Муҳаммад Акбарга шараф билан хилъат ва нимаи остин юборилди.

Султон Муъизиддинга нимаи остин билан бирга хилъат ва Султон Муҳаммад Азимга хилъат, ҳар бирларига етти мингчи (85б), икки минг суворли мансаб, туғ, алам ва ноғора марҳамат қилинди.

Удайпур марзбони Роно Рожа Сингх хос хилъат, кимматли тошлар билан безатилган жамдхар (берилиши ҳақидаги) иноятунвон фармон билан эътибор бошини кайвонга етказди. Маҳарожа Жусунат Сингх хос хилъат юборилиши билан эъзозланди. Ҳимматхон, хонисомон Ашрафхон ва садрус-судур Сайид Ризавийхон, Сайид Муртазохон, Тарбиятхон, Сафшиканхон ҳамда бўстон бисоти (сарой)нинг катта-кичиклари (амалдорлари) хилъатлар марҳамат қилиниши билан бошларини баланд кўтардилар.

Бахшиул-мулк Сарбаландхон беш юзчи қўшимча билан тўрт мингчи, икки минг беш юз суворли ва Мирхон четлатилгандан сўнг (яна) «Амирхон» хитоби, тўрт мингчи, уч минг суворли, Комкорхон ва Муҳаммад Алихонларнинг ҳар бири беш юзчи қўшимча билан икки мингчи, беш юз суворли; Хўжа Шох «Шарифхон» хитоби билан, Камолиддин ибн Далирхон ва Боқирхонларнинг ҳар бири икки юзчи қўшимча билан бир мингчи етти юз суворли (мансабларга) сарафроз этилдилар. Марҳум Фозилхоннинг биродарзодаси Қобилхон Бурҳониддин «Эътимодхон» хитоби билан эътибор топди. Олий шоҳликнинг қадимий (бандаси) Абулфатх Қобилжоннинг биродари, Дорул-иншо Док доруғасининг мушыйи Муҳаммад Шариф муносабатларини назарда тутган ҳолда мазкур хитоб (яъни «Абулфатх» хитоби) ва бир юзчи қўшимча билан азиз этилди. Бахтаворхон асли ва қўшимчаси билан бир мингчи, икки юз эллик суворли юкори мансаб билан бахтиёр бўлди.

Маккаи муаззама шарифнинг – Аллоҳ унинг шарафини доимий қилсин – хожиби (элчиси) Сайид Али ва салом келтирувчи Муҳаммад Аминлар рухсат хилъати ва беш минг рупияга эга бўлдилар.

Жўйбор хўжаларининг пешвоси (қидва) Хўжа Муҳаммад Яъқуб шарофатлиги ҳамда Балх волиийи Надир Муҳаммадхонга кайноталиги муносабати билан ғоятда кадрдон хоконнинг кўпдан-кўп марҳаматларига сазовор бўлиб, ўн минг рупиялик инояти билан эъзоз қилиндилар. Ва ушбу маблағ ҳар ойнинг бошида Хўжанинг хонасига етказилсин, деган ҳукм бўлди.

Далирхон бисот ўпиш шарафи билан эъзоланиб, Обидхон ўрнига Мултон субасининг нозими хилъатини кийди.

Али Мардонхоннинг куёви Ҳасанбекхонга (86а) Жайпур фавждорлигига рухсат берилди.

Жамун заминдори Партаҳи Сингх Лўдийхон билан бирга Кобул ясоғига тайинланди.

Марҳум Абдуллохон ўғли Муҳаммад Вафо Гузарриши (Гузарданси) ва Каҳухот (Кухот) тҳанадорлигига рухсат хилъатини олди.

Маҳобатхоннинг ўғиллари Баҳром ва Фармонларнинг хабарларидан олий саройга маълум бўлдики, у (Маҳобатхон) тўртинчи шавволда Аминободда охират омонободига жўнаган. Номи зикр этилган (Баҳром ва Фармонлар)лар саройга чақирилиш билан эъзоз ва икромга сазовор бўлдилар.

Рокхудас Жаҳолонугарга толеи ёр бўлиб, у халойиқпаноҳ даргоҳига келганига қадар етти юзчи, беш юз суворли мансабга эга бўлди.

Шайх Мирнинг қатта ўғли Муҳташамхон Мир Иброҳим Мултафатхон ўрнига Лангаркут (Нагаркут) фавждорлиги билан сарафроз бўлди, хилъат, алам (байроқ) ва тилла жиҳозли от олди.

Иигирма иккинчи зулҳижжада Обидхон Мултондаги хизмати ўзгартирилгач, ер ўпиш бахтига эга бўлди.

Ҳофиз Муҳаммад Аминхоннинг қариндоши, Султон Карбалойининг ақаси Мир Аббос ватанига қайтиш учун рухсат сўради, у хилъат марҳамат этилиши ва икки минг рупия инъом қилиниши билан эъзоланди.

Авраг Хўжа журоғоси Бухорога (қайтишга) рухсат берилган вақтда хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган жиға, фил ва ўн минг рупия олди. Мурод Бахшнинг қариндоши Хўжа Солихнинг отаси Хўжа Муҳаммад Тохир Накшбандий хилват-

да (қабулда) ватанига (кетишга) рухсат берилиши, беш юз муҳр инъом этилиши билан дил муродига етди. Биграм Сингх Гуволрий хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан ишланган жамдхар ва тилла жиҳозлари билан бир от ато қилиниши туфайли тенгдошлари ичида имтиёзли этилиб, тҳанадорликка тайинланди ва «ўзи билан бирга икки мингчи, беш юз тоғ отлик аскарларидан олиб кетсин», деган фармон ҳам бўлди.

Мажоҳадхон ўрнига Иноятхон Ҳайдаробод фавждорлиги билан сарафроз этилди.

Тўққизинчи рабиул аввалда Сафшиканхон ҳаёт бисотидан ажралди. Унинг вафотидан сўнг Мултафатхон тўпхона доруғалиги билан ғойибона мумтозлик топди, унга гузарбардор оркали хилъат юборилди (866). Хонжаҳон Баҳодир ёвуз жаҳаннамий Сиво устига кетма-кет хужум ва урушлар қилиб, уни мағлуб ва яксон қилишда ҳамда Декан вилоятидаги бошқа исёнчиларнинг ҳам адабини бериб, бурнини ерга ишкалаб қўйишда жуда кўп сайй-ҳаракатлар қилди. Бижопур ва Ҳайдаробод дунёдорларидан пешкашлар (совға-саломлар) талаб қилиб олиб, кетма-кет саройга жўнатиб турди. Муваффақиятли ишлари мукофотига ҳамда зарур бўлган хизматлари эвазига кадрдон, банданавоз хоконнинг инояти жангу жадал ва уруш маъракасининг саркардасига, йигирма учинчи рабиул аввал ойида Хонжаҳон Баҳодир «Зафаржанг» хитоби ва «Кўкалтош» деб шуҳратланиш ҳамда асли борича (ҳамда) яна бир минг қўшимча қилиш оркали етти мингчи, етти минг сувор ва бир курур дом инъом бериш билан ўз тенгдошлари, яқин кишилари орасида сару суворлик бахш этди. Ва унинг юборган элчиси Муҳаммад Солиҳ – у нақд хазина, отлар ҳамда филлардан иборат совға-саломлар келтирган эди – хилъат марҳамат қилиниб ва ҳамроҳлари бир минг рупия инъом этилиб эъзозланди. Ул умдатул-мулк ва унинг фарзандларига Муҳаммад Мирак гузарбардор оркали фаҳрий хилъатлар, муносиб қўшимчалар ва таҳсину офарин унвони (хакида) фармон юборилди. Ул рукнус-салтанат (салтанат устуни)нинг илтимоси билан Сивонинг ўғли Сабанхо олти мингчи, олти минг суворли мансаб, саксон лакх дом, ноғора ва алам берилиши билан сарафроз этилди. Ҳамда шу гузарбардор оркали хилъат ва шараф билан чиқарилган фармон ҳам юборилди.

Хонисомон Ашрафхон олийкадр садр Ризавийхон биродарининг (вафоти муносабати билан тутган) мотамидан чиқарилди, у таъзия хилъати ва дорул-хилофатга (келиш) рухсатига эга бўлди.

Тўққизинчи жумодул аввалда подшоҳзода Муҳаммад Аъзам бахтиёр ўғлининг (дунёга) келиши билан қувондилар, (бола) Искандарнишон деб аталди. Подшоҳзодага хилъат, султонга марварид шодаси ва Жаҳонзеббону бегимга ўн минг рупия марҳамат қилинди.

Маккаи муаззама ва Мадинаи мунавварага – Аллоҳ ҳар икки (шаҳар) шарафини абадий қилсин – ҳар йили назр бериб юбориларди. Бу йил Обидхон толеининг бахтиёрлиги билан мири ҳаж қилиб азиз этилиб, (87а) рухсат хилъатини кийди.

Қозиул-қуззот қози Абдулваҳҳоб қасалини енгизиши ҳамано дорул-хилофатга келиш билан мумтоз этилди. Ва дорус-салтанатнинг қозиси Сайид Али Акбар (унга) ноиб бўлишига қарор қилинди.

Абдуллоҳхон Кошғарий дорул-хилофатда меҳрибон ҳокон илтифотларининг бахт-саодатида осойишталик ва хотиржамлик билан турмуш кечирмоқда эди, иккинчи шаъбонда ҳаёт йўлини ўтиб бўлди. Носирхон ва унинг бошқа яқин кишилари хилъатлар иноят этилиши билан мотамдан чиқарилдилар.

Йигирма тўққизинчида арзга етдики, Ҳайдаробод дунёдори Абдуллоҳ Қутбулмулк борлиқ олаmidан сафар этган. Унинг биродарзодаси (жияни) ва куёви Абулҳасан ҳокимиятнинг қудрат тахтига ўтирди. Номдорхон тўрт мингчи, икки минг суворли мансабга тикланиш ва Саодатхон ўрнига Уда субадорлиги (мансаби) билан илтифотга сазовор бўлди.

Исломхоннинг ўғли Мухторбек Суми (Мухторбек Муставфий) мазкур хонга тобе кишилар билан Учинга келган эди, у ғойибона етти юзчи, икки юз суворли мансабга сазовор бўлди. Амонотхон холиса бошлиғи (холиса пешдасти) хизматидан истеъфо берди, дорус-салтанат Лоҳур қалъаси хизмати билан сарафрозлик ҳосил қилди. Унинг ўрнига танҳо дафтар бошлиғи (пешдасти дафтари тан) Киқоятхон холиса бошлиғи хизматига ҳам тайин этилди.

Марҳум Аъзамхоннинг ўғли Хонизамон Берар субасининг нозимлиги ҳамда асли ва қўшимчаси ила тўрт мингчи, уч минг суворли мансаб билан ифтихор топди.

Ҳайдаробод дунёдори Абулҳасан Қавомиддин хожиб орқали тўққиз лакх рупиялик жавоҳирлар ва филдан иборат пешкаш (совға-саломлар) юбориш билан шараф топди. Номии зикр қилинган (киши) мулозаматга кирган ва (кегишга) рухсат берилган вақтда хилъат олди.

Рухуллоҳхон бир минг беш юзчи, тўрт юз суворли мансабига тикланиш ва Саҳоранпур фавждорлиги билан иноят назарига

манзур бўлди. Тарбиятхон Шайх Мирнинг иккинчи ўгли Мукаррамхон (Макраматхон) Муҳаммад Исҳок ўрнига жилов бандалари доруғалиги хизмати билан азиз этилди. (876) Мукаррамхон ўзининг биродари Шамширхон Муҳаммад Яъқуб билан бирга Кўтал томонидан афғонлар танбехини бериш ишига киришсинлар, деб муносиб фавжга тайинландилар.

Йигирма еттинчи рабиул аввалда арзга етдики, у душманлар билан такрор жанг қилиб, уларнинг кўп ватандошларини таллаган ва асирга туширган. Бир куни исёнчилар аввал ўзларини бир қанча киши қилиб намоён этганлар; хон уларнинг қанчалигини билмай, назар-писанд қилмай, ўзини душман устига отган (ва) ғалаба бахтини қўлга киритган. Кўп ўтмай, икки томондан тоғ орасида беркиниб турган ҳисобсиз икки фавж (афғонлар) бирдан унга ҳамла қилган. Кўп саъй-ҳаракатлар этган Шамширхон ва Шайх Мирнинг куёви Мир Азизуллоҳларнинг ғайрат қонлари қайнаб кетиб, собит (устувор) оёқларини маҳкам қилганлар ва мардонларча ҳалокат шарбатини ичганлар. Барча кўпдан-кўп кишилар ҳар иккаласига шерик бўлганлар ва аксари отлик, пиёда (аскарлар) сувсизликдан ҳамда ҳеч бир томондан йўл тополмасликдан биёбонда ҳалок бўлганлар. Ниҳоятда аянчли шикаст рўй берган, қатта ва кичиклар оғир мусибатни бошдан кечирган. Мукаррамхон ҳаёт насиб этиб тирик қолган бошқа кишиларни ул сарзамин воқифларининг йўл кўрсатиши билан Можур (Божур) тханадори Иззатхон (ҳузури)га олиб келади. Номи зикр этилган ҳамиша афғонлардан жабр кўриб келарди ва биродари билан истиқомат қилиш учун бу ерларда пайдо бўлган эди, у (оғир аҳволда қолган) бу жамоани кадрлаб, кўпдан-кўп мулозамат ва дилдорлик билан кутиб олади.

Ишталабларнинг, хусусан Шамширхоннинг иш устига етиб келишлари хонзодпарвар ҳоконда зўр таассурот қолдирди ва Арабхоннинг (Иззатхоннинг) хизматлари маъқулланди.

Мукаррамхон (Мукраматхон) ер ўпиш хоҳишини қилсин, деган ҳукм бўлди. Муҳташамхон (номи)га мотам хилъати билан биргаликда шараф билан тасаллиунвон фармон чиқарилди.

Рабиул аввалнинг охирида бахшиул-мулк Сарбаландхон эътиборли фавж ва муносиб қурол-аслаҳалар – ҳаммаси бўлиб тўққиз минг суворий билан бирга ул нобакор ёвузларнинг ишларини саранжом қилиш учун кўрсатма олди. Аъизхон (88а) Жалолобод тханадорлигига, Ҳунарбархон Жағдалак тханадорлигига, Қозокхон

Ламғонот (Балғомот), Аллоҳдод ғарибхона тҳанадорлигига, Гиршосп ўғли Сухроб Донкули (Вонкули) фавждорлигига, Ханжархон Набакшот фавждорлигига сарафроз этилдилар.

Сафидхок «Мўғулбод» ва Арк кайтадан «Фатҳобод» деб ёзилсин, деган ҳукм бўлди.

Фидойихон фавжининг воқеанависи арзга етказдики, мазкур хон ўн еттинчи рабиул охир ойида Бешбулоқдан Кобулга равона бўлган. Ул қаҳрамон хон музаффар кўшинлар билан бирга исёнчи афғонларни даф қилиш борасида шиддатли жанглар ва уларнинг уй ва масканларини хароб ва вайрон қилишда имконият борича талай ишларни амалга оширган. Яхши хизматлари эвазига таҳсин ва офаринларга мансуб бўлди, марҳамат, илтифотлар кўрсатиш тақозосига кўра шону шавкат ва улуглик саройида «Аъзамхон кука» деган хитоб билан азиз ва мухтарам этилди, унинг ифтихор байроқлари юксаклик (шуҳрат)нинг авжи билан баланд кўтарилди.

Ўн тўртинчи жумодул охирда арзга етдики, Жағдалак тҳанадори Хунарбархонга афғонлар билан тўқнашиш тўғри келган. У ўғли ва шоҳликнинг бошқа бандалари билан биргаликда ишга киришган. Боряқоб ва Сухроб тҳанадори Абдуллоҳ хишаги тҳанани ташлаб кетган, унинг кўп хамроҳлари асир тушган ва қатл этилган.

Тўққизинчи шаъбонда Амирхоннинг хабаридан арзга етдики, Олим, Исмоил ҳамда Шохжаҳонпур ва Конткула (Контпур)-даги бошқа исёнкор афғонлар подшоҳлик фавжлари ҳужумидан сўнг калъага беркиниб, қўлга тушганлар ва уларни (Амирхон) Банголадан келган Иброҳимхон билан биргаликда нурга тўла саройга жўнатди.

Ҳақиқатогоҳ, халқпараст хоқоннинг ҳукмига биноан, Бахтовархон орқали подшоҳликнинг ва подшоҳзодаларнинг сарой мунажжимлари янги йилда таквим ихтиро қилмасинлар, деган фармон юборилди. Шу мазмунда (фармон) субаларга (хам) йўлланди.

Подшоҳзода Муҳаммад Султоннинг мирсомони Муҳаммад Шафиънинг ҳовлисида қудуқдаги челақ (пастга) тушиб кетган, челақни тортиб олмоқ учун (қудуққа) тушган икки киши (дарҳол) (886) ўлган. (Қудуққа) тушаётган учинчи киши эса йўлнинг ярмида «Мени чиқариб олинг», деб фарёд қилган. Бир соатча хушсизликдан кейин у бошини кўтарган ва «Назаримда, қудуқ



қаъридаги қоронғулик балоси келди, менга кўрқинчли овоз билан гапирманглар, нега келдинг, кет», деган.

Дорул-хилофатдаги воқеалар ҳақида улуғ арзга етдики, Мирзо Хусайн Сафавийнинг қандаҳорлик қизидан туғилган Парҳезбону бегим – Онҳазратнинг улуғ синглиси ёш нуқтаи назаридан Олий ҳазрат (Шоҳ Жаҳон) фарзандларининг энг каттаси эди, фоний дунё билан хайрлашди. Ва (Аллоҳ) раҳматининг ҳимоясида осудалик топди. Сафийхон нозим ва субадорнинг барча мутасаддилари марҳума жасадини ул мағфура (жаннатий)-нинг марҳамат хонаси (мақбараси) қуриб битказилган боққа олиб келдилар.

**Оламғир қудратли (салтанати) даврининг бир минг  
саксон олтинчи ҳижрий йшлига тўғри келган ўн  
тўққизинчи йили бошланиши**

Файз ва эҳсон айвонининг муаттар бўйи – саодатга эгизак рамазон ойининг гурраси (ҳилоли) уфқ манзаридан пешонаси равшанларга толе жилвасини таратди. Имон арбоби, ишонч соҳибларининг хос қаъбаси, олам халқлари хоқони ниҳоятда қимматли муқаддасликка эга бўлиб, хурмат-иззати вожиб ул меҳмоннинг кўнглини олиш ва қадр-қимматини бажо қилиш билан машғул бўлдилар, яъни кечаю кундуз ибодатларни адо этиш ва хайрли ишларни жамғаришга саъй-ҳаракат қилдилар. Ниҳоят, ийднинг ишратнамо қуни жаҳонни равшан қилувчи тантана базми кўнгилга маъқул бўлган тарзда ораста топди. Салтанат фалагининг ёруғ юлдузлари – подшоҳзодалар, султонлар, барча катта-кичик аъёнлар ўзларининг ифтихор қоматларини зийнатбахш хильватлар билан ниҳоятда ораста этдилар.

Тарбиятхоннинг ўғли Сафийхон Фақируллоҳ аввалги хитоби яна қайтадан июнат қилиниши ҳамда хос хильват, шамшир ва мансаб марҳамат қилиниши билан гўшани ихтиёр этиш (узлатга чекиниш)дан чиқарилди.

Иброҳим Одилхоннинг набираси Абул Муҳаммад илм касб этганлиги ҳол-аҳволининг зеби эди, бахти ёр бўлиб, Бижопурдан келиб, эътиқод пешонасини муқаддас остонага қўйиш билан мунаввар этди, хильват инъом қилиниши билан мумтозлик топди ва уч мингчи, икки минг суворли (89а) мансаб, хонлик хитоби ва йигирма минг рупия пул берилиши билан хурмати яна ортди. Унинг биродарлари ва ўғиллари (турли) мансаблар билан шуҳратланиб эъзозландилар.

Тўқизинчида Амирхон Бихардан келиб, ер ўпиш шарафига етишди, унинг ўрнига Тарбиятхон муносиб топилди.

Йигирма бешинчида Шайх Низом рожа Киштворнинг қизи Бой Бехут Дийни подшоҳзода Муҳаммад Султонга никохланди.

**Жаҳонистон мавкабининг Ҳасан Абдалдан қувончга  
эгизак дорул-хилофат томон юриши**

Хайрли шавволнинг ўн бешида севинч-қувонч ва зафар билан Ҳасан Абдалдан кўчилди. Биринчи бўлиб Колабоғ манзили мукаддас ташрифнинг нуридан иқбол нуристони бўлди. Кўп манзиллар қувончни орттирувчи шикор қилиш билан босиб ўтилди.

Ўн иккинчи зулқайдада дорус-салтанатдаги файзбахш боғ зафарларга тўла ташриф билан жаннатдек латофат касб этди.

Омонатхон хорис мулозаматга кириш билан шуҳратланди. Қози Абдулвахоб ўн саккизинчи рамазонда дорул-хилофатда ажал элчисига «лаббайка» деб жавоб айтди. Унинг ўғли – шайхулислом дорул-хилофат қозилигига тайинланган эди, чакиртирилишига мувофиқ файззухур хузур(сарой)га етиб келди ва отаси вафотидан сўнг шон-шавкатли хизмат – олий лашкар қозилигига тайин ва азиз этилди.

Мархум Абдулҳаким ўғли фозиллар пешвоси Мавлавий Абдуллох Сиёлкутий факирликни фазл билан уйғунлаштирган ва саховатли ахлоқни мактовга лойиқ одоб билан туташтирган – то учрашувга қадар барча яхши ва хурсанд қиладиган ишларни жамлаган эди. Одамларнинг ул энг шарафлиси номига Ҳасан Абдалдан Лоҳурга шариф ташриф қилингандан сўнг ватандан бу ерга келингиз, дея зўр хоҳиш билдирувчи ҳукм бўлди. Мавлавий лашкарнинг кириб келишидан икки-уч кун аввал Лоҳурга ташриф килди ва бир неча бор файзга тўла суҳбатдан лаззат топгач, хилъат, икки юз муҳр ва урғочи фил(инъоми)га эга бўлиб, эъзозу эҳсонлар билан ўз масканига кетишга руҳсат олди.

Элчилик билан Балхга кетган Яккатозхон тўрт йилу уч кун ўтганидан сўнг сипехрэхтиром остонани ўпиш ва хилъат марҳамат этилиши билан бандалик пешонасини мунаввар килди. Унинг пешкаши (совға-салом) – ўн битта от, пўстин ҳамда пичоқдан иборат буюмлар назардан ўтказилди (89а). Фузалолар пешқадами Мулла Аваз Важиҳнинг биродари, улуғ хонадон хони Субҳонкулихон юборган элчи Мулла Муҳаммад Тохир Яккатоз-

хон билан бирга келиб, мулозаматга кирди ва хилъат ҳамда етти минг рупия инъом шарафига эга бўлди.

Фазлуллоҳхон ўрнига Лутфуллоҳхон филхона доруғаси этилди. Турктозхон хилъат, от ва ўқ-ёй билан совутга эга бўлиб, Кобулга кетишга тайинланди.

Ўн тўртинчи зулҳижжада (хилофат) шон-шавкати ва қарами пешонасининг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Аъзам доруломон Мултон субасининг назмига рухсат олиб, кўшимча инъомлар билан эъзозландилар. Хўжа Толиб ул жанобнинг уйига хилъат элтиб берди. Шунингдек, (подшоҳзодага) қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган бир шамшир, икки юзта ироқий, арабий, туркий отлар, талойир, кумуш жихоз бир фил ҳамда бир курур дом инъом этилди.

Султон Бедорбахтга эса хилъат, от ва фил; Балх элчиси Мулло Муҳаммад Тоҳирга тўрт минг рупия ва гилами билан бирга тахтиравон ҳамда унинг хамроҳларига икки минг рупия марҳамат этилди. Подшоҳзода Муҳаммад Акбар уйида Хужаста Ахтар исмли ўғил туғилганининг хабари меҳригиё хотирни қувонтирди. Хисрав Жабла (Хисрав чала) орқали малойи марварид, кулоҳи марварид ва беш тихон парча юборилди.

Далирхон хилъат, фил ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган жамдҳарга эга бўлиб, Декан ясоғига кўрсатма олди. Хусайнбекхон вафотидан сўнг Ғайратхон (Иззатхон) Жунпур фавждорлигига кетди.

Иброҳим Биҳардан келиб, олий остонага сажда килиш шарафига эга бўлди.

Йигирма тўртинчи муҳаррамда шараф билан марҳаматли хукм чиқиб, Рухуллоҳ ясовулга хилъат, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган ханжар, Мурнак фатҳ (этилгани туфайли) офаринанат амирул-умаросига топшириш учун икки курур дом инъом ва унинг вакилига хилъат марҳамат этилди.

Фузалолар пешвоси Мулла Аваз Важиҳ узлатга чекинган эди, бир мингчи мансабига тикланиш билан азиз этилди.

Ҳасаналихон ўрнига Ҳимматхон Оллоҳобод субадорлиги, хилъат ва бир лакҳ рупия марҳамат килиниши билан эҳтиром байроғини баланд кўтарди. Унинг ўрнига Абдурахмон ғусулхона доруғаси ва унинг ўрнига Рухуллоҳхон ахтабеги бўлди.

Мансабидан узоқлаштирилган Сарбаландхон унга қайта тикланиш билан сарбаланд этилди.

Доробхон Ажмирдан келиб, мулозаматга кирди, Мултафатхон ўрнига тўпхона доругаси бўлди (90а), Сайид Аҳмад эса унинг ўрнига Ажмирга жўнаб кетди.

Қавомиддинхон Кашмир субаси нозимлигига фармон (дас-тур) олиб, ўз аҳволини тартибга солиш учун тайёргарлик кўрди.

Етти лакҳ рупиялик жавохирлар инъом этилиши билан хилофат дарёсининг қимматбаҳо гавҳари подшоҳзода Муҳаммад Султоннинг бадавлатлик рухсорида меҳригиё иноятнинг ранги намоен бўлди. Подшоҳзода Муҳаммад Муаззамга қиймати тўкқиз минг рупиялик жавҳар, турраи жухум (саллага қадаладиган зебзийнат) ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган, қиймати эллик минг рупиялик пахунчи (билагузук) марҳамат қилинди.

Абдурасулхон шу йил давлат волиёларининг тасарруфига кирган Гулбарг қалъадорлигига ва Ҳамзахон Гулёни қалъаси ҳимоясига тайинландилар.

Хонзамон ўрнига Иражхон Иражпур фавждорлигига ва Маъсумхон ўрнига Техмаспхон Арахланвара фавждорлигига тайинландилар.

Сарой хизматкорларига маълум бўлдики, Молва нозими Исломхон Хонжаҳон Баҳодир Кўкалтошнинг (фавжига) тайинланган эди. Ўн бешинчи рабиул охирда душман билан айни юзма-юз жанг қилиш чоғида бу хон ҳировул фавжига қўмондонлик қилиб турган жойида, тақсим қилинаётган вақтида тўсатдан боруд(порох)га оташ сачраб (бундан) фили кўрқиб қочганидан тўппа-тўғри душманлар фавжи (орасига) бориб қолади ва ғанимлар ҳужум қилиб, уни ўраб оладилар ва иъморийсининг боғичини узиб юборадилар, у ерга йиқилиб тушади, (шунда) уни ва ўғли Алибекжонни тиг билан аёвсиз қийма-қийма қиладилар (байт):

*Ажал йўлга кириб, олдинга тушдим*

*У ўз сайди – ўлжасини фанийлик домига тортади.*

Подшоҳона марҳаматлар Исломхоннинг катта ўғли Афросиёбхонга беш юзчи, беш юз суворли қўшимча билан икки минг беш юзчи бир минг беш юз суворли (мансабни) ва унинг кичик ўғли Мухторбекка уч юзчи, уч юз суворли (мансабни) илтифот этди. Унинг уч лакҳ рупия ва йигирма минг ашрафий мол-мулки ҳамда Учин ва Шулопурдаги буюмлари забт этилди, ўғилларига озодлик берилди. Улар оталарининг даъвосига жавоб қилсинлар, деган ҳукм бўлди.

Исломхон вафотидан кейин йигирма олтинчи ражаб (ойи)-да бахтиёрлик буржининг юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Акбар Молва субасининг нозимлик хизматига рухсат олиб, болобанд (салла) билан бирга хос хилъат, лаъл сарпеч, жиҳозлари тилладан бўлган иккита ирокий ва арабий (90б) от, битта фил ато қилиниши билан шарафландилар.

Мулло Муҳаммад Тоҳир элчи (ватанига) қайтиб кетишга рухсат олган вақтда бир фил ва ўн минг рупия ҳамда қимматбаҳо тошлар ила зийнатланган асо инъом қилиниши билан умид этагини тўлдирди.

Бешинчи шаъбонда Султон Муъизиддиннинг Мукаррамхон Сафавий қизи билан никоҳ тўйи бўлди. (Унга) чаҳорқуб билан бирга хилъат, қиймати ўн минг рупиялик марварид шодаси, (қиймати) ўн минг рупиялик самарний ва талойир билан бирга бир фил марҳамат қилинди. Тўй куни Ялангтўшхон Баҳодир хилъат ва зумрад сарпеч ва тилла жиҳозли бир от, кумуш жиҳозли бир фил инъом этилиши ила сарафрозлик топди.

Султонкули хонлик хитоби ва Муборизхон Мирқул ўрнига Исломободий Мутҳаронинг фавждорлик хизмати билан сарафроз этилди.

Ўнинчи шаъбонда аъёнлар пешвоси (умдаи нўйинон) Асадхон улуғ мартабага – олий кадр хизмат вузороти аъзамлигига эришиш ҳамда хос хилъат ва қимматбаҳо тошлар қадалган, қиймати беш минг рупиялик довод (олиш билан) кўнгил хоҳишининг музаффари бўлди.

Ун еттинчида иқболнинг қимматбаҳо гавҳар ойнаси, файз ва каромат пешонасининг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Муаззам амирлардан иборат барча киборлар ҳамда душманларни талон-торож этувчи тўпхона, керакли хазина ва муносиб тайёргарликлар билан Кобул ясоғига рухсат олдилар ва зўр имтиёзга мансуб «Шоҳолам Баҳодир» деган хитоб ҳамда нимаи остин билан бирга хос хилъат ва икки лакҳ рупия қийматидаги жавохирлар, қимматбаҳо тошлар қадалиб ясалган иккита ханжар ва жиҳозлари қимматбаҳо тошлар билан безатилган – шоҳларга маъқул бўлувчи бир арабий от, жаҳонни кезувчи бир ирокий от ва эгари нақшланиб ишланган бир туркий от ҳамда бир лакҳ ашрафий (инъом этилиши) билан дил муродига етдилар.

Султон Муъизиддинга хилъат, олтин суви югуртирилган килк ва тилла жиҳозлари билан бирга «куҳзар» номли бир от,

ғилофи нақшланиб ишланган бир шамшир, кумуш жихозли бир фил, ўк-ёй, таркаш – ўкдон ва камон инъом этилди. Султон Муҳаммад Аъзамга хилъат, килк, сарпеч, самарий, Султон Давлатафзога ёқут латкан ва Султон Хужаста Ахтарга (кўлёмзада ушбу исм устидан ўчирилиб, хошиясига Султон Рафиъулқадр ёзилган) зумрад латкан марҳамат этилди. Амирхон, Сафийхон, рожа Рам Сингх ва бошқа катталар жавохирлар, хилъатлар ҳамда от марҳамат этилиши билан ҳурматландилар.

Мўғулхон икки минг беш юзчи, бир минг тўрт юз суворли мансабидан четлатилди. Муҳташамхон Саҳоранпур фавждорлигига эга бўлди. Ҳимматхон (91а) Ҳасаналихон ўрнига Оллоҳобод субадорлигига жўнаб кетди. Қавомиддин ўғли Муҳаммад Шужо вилоятдан келиб, бандалик пешонасини муқаддас остонага саждага қўйиш билан мунаввар этди, бир мингчи уч юз суворли мансаби ила имтиёз топди. (Дунёвий ишлардан) воз кечиб узлатга чекинган Оқилхоннинг йиллик маоши ўн икки минг рупия (микдорида) белгиланди.

Иброҳим мансабини тарк этиш хоҳишини билдирди. Ифтихорхон Бенкшот (Банктош) фавждорлигига номзод этилди.

Йигирма тўққизинчида, (Онҳазрат) жоме масжидидан қайтарканлар, кемадан тушиб тахтиравонга ўтираётган аснода бир бахти қора муридлар пири (подшоҳ)нинг орқасидан иккита киррали ғишт парчасини отди, улардан бири тахти(равон)га бориб тегди. Жилов бандалари (ул бахти қорани) тутиб олиб келдилар ва у кутволга топширилди.

### *Жаҳонгузар қўшиннинг Лоҳурдан дорул-хилофатга қайтиши*

Ўн тўққизинчи зулҳижжада олий байроқлар Лоҳурдан дорул-хилофат томон баланд кўтарилди. Далирхон ўғли Камолиддин хонлик хитобига эга бўлди. Подшоҳзода Муҳаммад Султоннинг шавкатли қизи Дўсторобону бегим ўн олтинчи зулҳижжада Рустамхон саройида фано (йўқлик) пардасига махфий бўлди.

Йигирма иккинчи муҳаррамда дорул-хилофат давлатхонаси шарафли ташриф билан мунаввар этилди.

Рабиул охир ойининг йигирма иккинчисида рожа Рам Сингх Ошомдан келиб, иззат бошини олий остонага саждага қўйиш билан ораста этди. Онҳазрат отга минган, хос ва ом таъзим қилиб турган вақтда бир мустағис (норози шахс) чуб (найза) отди.

(Найза) муборак чодирдан бошка томонга тушди, (норози киши) кутволга топширилди. (Онҳазрат) кўплаган бир хил ок рангли охуларни назардан ўтказдилар.

Ўн иккинчи жумодул аввалда осмоншукуҳ хонада, исмат ва буюклик саропардасидаги Зубдатулнисо бегимдан ўғил туғилди, у Олийтавоз исми билан аталди. Ул янги меҳмонни кўрмоклик важҳидан Онҳазрат осмоншукуҳ хонага ташриф буюрдилар.

Бешинчи жумодул охирда подшоҳзода Муҳаммад Султон ўғил туғилиши билан севиндилар, ул (фарзанд) Маъсудбахт деб шуҳрат топди.

Ражаб (ойи)нинг бошида Давлатободийнинг жияни подшоҳзода Муҳаммад Султонга никоҳланиш жойига етиб келди. Аллоҳқули бинни Мироқули Какҳарнинг кизи учинчи ражабда подшоҳзода Муҳаммад Акбарга тўй қилиниш шарафига эришди. Хонжаҳон Баҳодир ўғли Муҳаммад Мухсин Налдарак (Талорак) қалъасидаги жангда иш кўрсатганлиги олий жаноб арзига етди.

Йигирма биринчи шаъбонда (916) жоме масжидидан қайтиб келингандан сўнг, (Онҳазрат) отга миниб турганларида, бир бебахт шамширни байрок қилиб яқинлашган, жилов бандалари (дарҳол) уни ушлаб олганлар, Мукаррамхоннинг бармоғига андак захмат етган. Гурзибардорлар уни ўлдирмоқчи бўлдилар, лекин яратгувчи (Худо)нинг раҳм-шафқати зуҳур топган (Онҳазрат) бунга монелик қилдилар, унга ярим рупия миқдоридида кундалик марҳамат қилиб, Бинтхур (Набатхур)га юбордилар. Йигирма еттинчи шаъбонда бир мешкобчи жоме масжиди зинасига яқинлашиб, “саломалайкум”, дейди. У кутволга топширилсин, деган ҳукм бўлди.

***Оламгир салтанатининг бир минг саксон еттинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирманчи йили бошланиши***

Баракаларга тўла онда рўза ойи янгилик ва яхшилик билан кўринди; ҳақ талаблар пешвоси, шавкат ва эҳсон тахторойининг сиймоси олам халқлари олдида фаровонлик ва бахтиёрлик эшикларини очди. Аксари хос вақтларда, (хусусан) ўн еттинчидан бошлаб кеча-кундуз ғусулхона масжидига ташриф буюрдилар ва шу незҳатнишон макон девони адолат бўлиб турди.

Қувончга тўла шавволнинг ғурраси(боши)да нур порлаган (подшоҳона) намоз олий даражада ўқилди, орзумандларнинг та-

лаб (мақсад)лари равнак ҳосил қилди. Номдор подшоҳзодалар ва олийкадр султонлар ҳамда абадий асос давлат аъёнлари Яратувчи соясининг катта марҳаматлари билан эъзоз ва ифтихор қозондилар.

Шону шавкатнинг юксак юлдузи Шоҳ Олам Баҳодир асли қирк мингчи, йигирма беш минг суворли (ва) беш минг сувор қўшимча; иқбол буржининг кавкаби (ёруғ юлдузи) подшоҳзода Муҳаммад Аъзам асли ўн беш мингчи, тўққиз минг суворли (ва) беш минг зот қўшимча; Ялангтўшхон Баҳодир асли бир мингчи беш юз суворли (ва) беш юзчи, икки юз сувор қўшимча билан (эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлдилар).

Эътиқодхон Мирқул (мансабидан) узоклаштирилганидан сўнг икки мингчи, бир минг суворли мансабига қайта тикланди. Сайид Мустафо бинни Сайид Муртазохон беш юзчи, бир юз суворли мансабга эга бўлди. Шайбон бошида Ашрафхон ўрнига Рухуллоххон хонисомонлик хизмати билан мумтоз этилди.

Ялангтўшхон Баҳодир жаҳолат юзасидан ўзига ўзи пичок урди, беш юзчи, икки юз суворликка камайтирилди. Комкорхон мансабидан четлаштирилди. Фузалоларнинг ҳурматли раҳнамоси Мулла Аваз Важиҳ фоний олам билан видолашди, унинг ватани Самарқанд вилоятларидан Ахсикентдир, у Мир Аваз Тошкандий дарсининг идрок нурларидан олий ва юксак даражада сабоқ олганлардан эди. Бир қанча вақт Балҳда дарс бериш билан шуғулланган. Фирдавсостон Онҳазрат жулусининг (тахтга ўтирганининг) ўн саккизинчи йили фузалопанох даргоҳига (92а) келиб, мулозимлар гуруҳидан тартиб топиб, ўрда фатвоҳиси (афтойи ўрду) хизмати билан мумтоз этилган эди. Муборак (Онҳазрат) даврида аскарлар муҳтасиби (ихтисоби аскар) хизматига эга бўлди ва ҳеч ким бу хизматда у кишидан ўткир ва шижоатли ҳамда фисқу фужурлар маконини қўпоровчи бўлолмаган. Умрининг қолган (даври)да дарс бериш билан машғул бўлган ул зот соҳиби дилларга яқин ва мартабали хосларга мақбул эди.

Подшоҳзода Муҳаммад Аъзам остона ўпиш азми билан Мултон субасидан Азизободга келган кунлари Моҳибону илтифот саройидан ул жанобга пондон, хавонча, дукҳаро, рикоби ва яшм тошдан ясалган уқолдон юборди.

Йигирма учинчи зулкаъдада (подшоҳзода) мулозаматга кириш шарафига эга бўлдилар, уларга сарпеч билан бирга хилъат ва бошка хос кийимликлар ва тўққизта от марҳамат қилинди.



Султон Бедорбахт ва Искандарнишонлар қиймати беш минг рупиялик иккита сарпеч ато қилиниши билан сарафроз этилдилар.

Йигирма тўртинчи зулҳижжада салтанат боғининг азим дарахти Шоҳ Олам Баҳодирнинг мулозими Мирзабек ўғил туғилганлиги ҳақида маълум қилди ва шу муносабат билан олий даргоҳга бир минг муҳр келтирди. Туғилган болага Муҳаммад Хумоюн исми қўйилди. (Мирзабекдан) ул жанобга қимматбаҳо тошлар билан безалган тилла сарпеч ва Султонга қимматбаҳо тошлар ила безалган кулоҳ ва малойи марварид бериб юборилди.

Шоҳ Олам Баҳодирнинг рағбатлантириши билан Амирхон йигирма тўртинчи муҳаррамда Аъзамхон Кўка ўрнига Кобул субадорлиги хизмати билан бахтиёрлик байроғини баланд кўтарди. Бахшиул-мулк Сарбаландхонга яшм тошдан ясалган безакли довот ато этилди.

Шулопур қалъадори Манухар Дас рожалик хитоби юзасидан эллик минг рупия пешкаш (совға-салом) беришни қабул этгани маъқул топилди.

Ўн тўққизинчи сафарда подшоҳзода Муҳаммад Аъзам Тарбиятхон ўрнига Бихар субасининг тартиб-интизом хизмати ҳамда хос хилъат, жамдхар, сарпеч, килк, иккита от ва беш курур дом инъоми билан махсус шарафланишга сазовор бўлди.

Тарбиятхон Ҳодихон ўрнига Турҳат ва Дарҳанка фавждорлигига маъмур этилди.

Рухуллоҳхон ўрнига Доробхон биринчи миртузук ва Абдурахмон ўрнига Мукаррамхон гузарбардорлик доруғаси бўлди. Ифтихорхон ўрнига Сайидхон Бенкшот фавждорлигига тайинланди. Хонзамон Зафарободий Бидар субадорлиги ва қалъдорлиги билан азиз этилди.

Бахт мадади Шоҳхон Кошғарийни Ҳиндга келтирди, (926) у мулозаматга кирган вақтда хос хилъат ва олтин дастаси марваридлар қадалиб ишланган ханжар, зарҳалланган жиға, тилладан гул солинган қалкон, урғочи фил ва беш минг рупия нақд пул олди. Унинг хонасига етти коп таом, гилами билан бир жойлик тахтиравон олиб бориб бердилар, у бир минг беш юзчи, икки юз суворли мансаби билан мумтоз этилди.

Ром Сингҳ ўғли Каши Сингҳ Кобулдан келиб мулозаматга кирди, тўрт ойга ватанига боришга рухсат ва хилъат олди.

Муҳаммад Ҳаким Муҳсин ўрнига Марҳум Саъдуллахоннинг ўғли Иноятуллоҳхон бахшига шогирдпеша бўлди. Ҳасаналихон

номига унинг Акбаробод субадори бўлиши хақида улуғ фармон чиқарилиб, гузарбардор орқали юборилди.

Жумлатул-мулк Асадхоннинг ўғли Муҳаммад Исмоил амирул-умаро Шоистахоннинг қизига уйланди, унга кумуш ҳалли асбоблар билан бир от марҳамат этилди ва «Эътиқодхон» деб хитоб қилинди ва ўз томонидан қилк, сихра олиб келган эди, (уларни) муборак қўлга олиб, Султон Сипехр Шукухга бердилар, (у киши) бошига кийди.

Муҳташамхон Комёбхон ўрнига Саҳоронпур фавждорлигига ва у (Муҳташамхон) эса Фулодхон ўрнига Мивот (Майвот) фавждорлигига тайинланди. Сайид Аҳмадхон ўрнига Ҳомидхон Ажмир субадорлигига зудлик билан жўнаб кетди.

Бухоро волийининг номасини келтирувчиси Хўжа Неъматуллох тўрт юз рупия инъом олди.

Кенҳоят (Кенпоят) бандарининг мутасаддиси Муҳаммад Қосим Ғиёсиддинхон ўрнига Сурат бандари мутасаддиси этиб тайинланди.

Иқбол бўстониининг янги гули подшоҳзода Муҳаммад Комбахш ҳифзи калом (яъни Қуръонни ёд олиш)ни якунига етказиш саодати билан алломалар мулкига муносиб бўлдилар, хилъат, жиҳозлари тилладан иккита от, зарҳалланган сарпеч, малоийи тилла ва ҳаммаёғи қимматбаҳо тошлар билан безатилган қалқон, таркаш (ўқдон), камон ҳамда кирбон (камон ғилофи) билан эъзозландилар.

Оллоёрхон ўрнига Хоназодхон Ғазна тҳанадори ва унинг ўрнига Оллоёрхон Кобул қалъадори этиб тайинланди. Аъзам Кука амирул-умаро ўрнига бош суба – Бангола нозими (лавозими) билан махсус шарафланди, унга хилъат ва қимматбаҳо тошлар кадалган ханжар ва (қиймати) беш юз муҳрли жиҳозлари билан бир от ато этилди.

Кифоятхон ўрнига Иноятхон холиса дафтارينинг пешдасти (бошлиғи) хилъатини кийди.

Мўғулхон (мансабидан) четлатилгандан сўнг қайтадан икки мингчи, бир минг суворли (лавозимга) тикланди. (Вазифасидан) четлатилган Фазлуллоххон қайтадан аввалги ўрнига ва Бангола хизматига номзод қилинди (93а).

**Салтанат шажараси (дарахти)нинг катта меваси  
мағфиратнишон Муҳаммад Султоннинг  
жаннат бўстони томон кетиши**

*Жаҳон гарчи ҳушоромгоҳдир,  
Ошиққан учун наъл отаидадир.  
Ҳеч ким мангу ҳаётни кўрмаган,  
Жаҳон ишларин ҳақиқий поёнин (билмаган).*

Шунга кўра, хазон ҳар бир баҳорни албатта (бир куни) кўли ва гирибонидан тутуди, заррача роҳат баробарига тоғдек андух намоендир. Подшоҳзода қаттиқ касалга дучор бўлдилар, бир қанча вақт бошлари ёстикка етиб бетоб ётдилар; еттинчи шавволда хос шикоргоҳга фоний тўфони шавкат ва қудратнинг ул сермахсул (бахтиёр) дарахтини дунё боғидан кўчириб, охират боғига экибди, деган нохушасар хабар етди. Ирода кучи бўлишига қарамай, бош фарзанднинг бахтсизлик воқеасини эшитиш билан Онҳазратнинг оёғи турган жойида сирғаниб кетди, дили ғамга, кўзи ёшга тўлди. Хонисомон Рухуллоҳхон, Саёдатхон, Абдурахимхон, Шайх Низом ва Мулло Муҳаммад Яъқубларга уни авлиёлар раҳнамози Ҳазрат Хўжа Қутбиддин – Аллоҳ уни раҳмат этсин – равзаси (қабри)га ёнма-ён қилиб Ҳақ марҳаматига топширсинлар ва ул мағфур (жаннатий)нинг пок руҳини хатмлар тўхфаси ва хайрли ишлар тортиғи билан шушнуд қилсинлар, дея фармон қилинди.

(Подшоҳзоданинг) туғилган йили бир минг қирк тўққизинчи йил, ёши ўттиз саккизу икки ой эди.

Подшоҳзода Муҳаммад Акбар йигирма еттинчида Учинга доҳил бўлганларини арзга етказдилар. Султон Сипехр Шукухнинг ўғли Султон Олийтабор Ҳақ марҳаматига мансуб бўлган, мотам хилъати ато қилинди. Тўртинчи зулҳижжада Олийҳазратнинг турган ери Акбаробод кимсасиз ниҳонхонага (жимжитликка) чўмди. Бахшиул-мулк Сарбаландхонга тўхтаб (тўланмай) қолган саккиз ойлик ва етти ойлик танҳолардан нақд олти ойлик танҳо жамғарсинлар, деган ҳукм чиқди. Бешинчи сафарда маълум бўлдики, Бангола хизматига юборилган Фазлуллоҳхонни унинг навқари жамдҳар билан уриб ўлдирган. Тўққизинчида подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг ўғли Искандоршон борлиқ бисотидан ажралди.

Хонжаҳон Баҳодирдан хабар келдики, йигирма биринчи рабиул аввалда Налдарак қалъаси давлат волийлари тасарруфига кирган. Ўн еттинчи рабиул охирда марҳум Султон Маҳмуднинг ўғли Султон Маъсудбахт боқий мулкига сафар этган.

Учиндаги воқеалар тўғрисида (936) арзга етдики, Кашан Сингх Ҳодо подшоҳзода Муҳаммад Акбар мулозаматига келган. Хилъат кияётган вақтида подшоҳзода кишилари билан гап-сўз бўлган, қорнидан жамдҳар еб, жаҳаннам саройига кетган, унинг тўрт хизматкори ўн беш кишини ўлдирганлар ва сўнг (ўзлари) ўлдирилганлар.

Подшоҳзода Муҳаммад Аъзам ўн тўртинчи жумодул охирда Патнага етиб келганлар. Ва Шоҳ Олам Баҳодир йигирма бешинчида Кобулга кирганлар. Кутбиддинхон ва рожа Андарман Бунд-бала (Бундила) ўзга оламга кетганлар.

Абдурахмонхон Баҳши ва Декан воқенависига «Хон Жаҳон Баҳодир саройга чакиртирилган, то субадор боргунча (субага) қараб туришга Далирхонни тайин этиб, у ердаги барча ишлар унинг идрок-заковатига ҳавола этилсин», деган олий ҳукм чиқарилди. Жумлатул-мулк Асадхон фаровон ва муносиб равишда тайёрланган лашкар билан Декан томон кетишга руҳсат олди.

*Оламгир абадий салтанатининг бир минг саксон саккизинчи  
ҳижрий йилига тўғри келган йигирма  
биринчи йили бошланиши*

Тонги меҳригиёли, шоми диловиз фаровонинтизом рўза ойи халқлар Яратгувчисининг файзлар барқ урган маконидан бош кўтариб чиқди. Шон-шавкат куёши ва илоҳият жамоли ойнинг барча кунларига ажойиб бахтиёрлик ва пухта саранжомлик билан ҳашамат зебини бахш этди.

Ўн учинчи рамазонда подшоҳзода Муҳаммад Акбар Учиндан келиб, мулозаматта киришни илтимос қилиш билан саодатманд бўлдилар; нимаи остин билан бирга хилъат, салла ва бешта от марҳамат қилинди.

Ҳайитнинг роҳатбахш куни давлатхона файз соясини машриқдан намозгоҳга сочдилар. Иккинчи шавволда, муборак байрамнинг конун-қоидасига кўра, якшанба куни салтанат тахтини ораста этдилар, қувончга тўла саройда шараф топганларга тамбул барги ва хушбўй буюмлар тақсим этилди ва байрамни безатиш учун тайёрланган бир қанча буюмлар олиб чиқилсин, деб ишора

қилинди. Бахшиул-мулк Сафийхон байрам билан кечикиб қоламиз, деб мурожаат қилди. Амирул-умаронинг пешкашини қайтардилар ҳамда бошқа аъёнлар (пешкашлари) назардан ўтказилмади. Итоати вожиб ҳукмлар шу тартибда шараф билан билдирилди: хос ва ом орасида келтириладиган тилла ва кумуш авудсузни олиб кетсинлар. Қалам аҳли кумуш довот ўрнига чинни, тош ва яхши кумуш ҳалли довотларни ҳохласинлар, кумуш хонларда келтириладиган инъом маблағларни қалқонларда келтирсинлар, шаръий оёқ кийимлари бўлмаган кишилар (94а) этик кийиб келсинлар. Хилъатхона (хилъат тикиладиган корхона)ларда олтин гул солиб тикиш ўрнига тилла йўл югуртирилсин. Чандирида мавжуд бўлган дудом (гулли доқа тўқиб чиқарадиган) корхона тўхтатиб қўйилсин, шаръий бўлмаган тилла ва кумуш катҳара ўрнига олтин суви югуртирилган ложувард катҳара ишлаб чиқарсинлар. Подшоҳликнинг Аизобод ва Наволбори боғларидан ташқари бошқа боғларида мавсумий гулзор қилмасинлар ва ҳукмсиз тўрт юздан ортиқ иморатни қуришга ошиқмасинлар.

Иккинчи шавволда подшоҳзода Муҳаммад Комбахш саккизмингчи, икки минг суворли мансаб, туман, туғ, алам, ноғора, чодир, ўттизта от ва ўн бешта фил ато қилиниши билан назар манзури бўлдилар.

Барча подшоҳзодаларга ва сарой ҳамда субалардаги амирларга кишки хилъатлар (хилъати зимистоний) марҳамат қилинди. Иброҳим ўн иккинчи (матнда “шавволда” сўзи ёзилиб, сўнгра ўчирилган) Қавомиддинхон ўрнига Кашмир субадорлиги хилъатини кийиш билан имтиёз қоматини ораста этди. Ўтикодхоннинг ўғли Муҳаммаддиёрхон Хизматкорхон ўрнига заргархона доруғаси бўлди. Сазоворхон Кунуж фавждорлиги хилъатини кийишга сазовор этилди. Отхона мушрифиди Муҳаммад Наъим подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг бахшигирлик хизмати билан эъозланди.

Балх волийи Субҳонқулихоннинг набираси Хўжа Порсонинг ўғли Хўжа Баҳовуддин вилоятдан келиб, хилъат, тўрт юз рупия нақд пул ва қимматбаҳо тошлар ила безалган ханжар инъоми билан азиз этилди.

Ўтикодхон ўрнига жавоҳир бозорининг доруғаси хизматига эга бўлиш билан Хўжа Хидматхон юзига қувонч ранги кирди.

Рухуллоҳ ўрнига Мўғулхон ахтабеги бўлди. Мунаввархон Сухқаран Бундила (Бунд Бала) ўрнига Ратҳа Махуба ва Жалолпур Қуҳандут фавждорлигига зудлик билан жўнаб кетди.

«Оламгирнома»ни ёзган Муҳаммад Козим ибтиёҳона до-  
ругалигига тайинланди.

Сарбаландхоннинг онаси, Нажобатхоннинг ҳамшираси (синг-  
лиси) Ойи бегим юзини йўқлик никобига ўгирди. Номдорхон уни  
(майитни) саройга келтирди, мотам хилъати марҳамат этилиши  
билан (азадорлар) мотамдан чиқарилди.

Учинчи рабиул аввалда Сайид Муртазохон мангу обод мул-  
кига сафар қилди. (Сайид Муртазохон) азиз насабли ва кароматли  
киши эди, унинг пешонасида сайидлик ва шижоат нурлари пор-  
лаб турарди, сипоҳларни жанговар ва мунтазам ҳолда сақларди.  
Вафотидан аввал Онҳазратнинг бандалари (ундан) ҳол-аҳвол  
сўраш учун Бахтовархонни юборган эдилар. (Бахтовар)хон Са-  
йид номидан олий арзга етказди: «Орзуим бор, жон насиҳатчи ва  
маслаҳатчилиги даврида (бу ишга) қўлим тегмади. Ўзгалар зару  
жавохирлар юборадилар, мен эса, Онҳазратга муносиб равишда  
хизмат қилсинлар, деб ўз ўрнимга бир қанча кишини юбораман».

Сайид вафотидан сўнг унинг кўп навқарлари олий сарой-  
да бир мингчидан то тўрт мингчигача кўтарилдилар; шунинг-  
дек, пиёдалар ҳам олдинма-кетин (турли) қорхоналарга қабул  
килиндилар.

Олтинчида Шайх Абдулазиз юзини боқий хилватхона-  
га қаратди. Икки кун аввал Бахтовархон (946) «Дориларни то-  
пишда ҳеч бир азият чекилмасин, юнон (табиб)ларидан кимни  
хоҳласалар дарҳол юборамиз ва уларни даволайдилар», деб ушбу  
сатрлар муаллифини ҳол-аҳволдан хабар олиш ҳукми жиҳатидан  
ул азиз кадрлининг олдига юборди. Ҳузурига борган вақтимда  
у ёстикқа ёнбошлаб, тасниф билан машғул эди: нимаики айтса,  
ишбилармон шогирдлари Мир Ҳоди, Муҳаммад Саъид Аъжоз ва  
бошқалар дарҳол ёзиб олардилар. Ҳукмдан воқиф бўлгач, жавоб  
бердики, дори топишда азият чекилаётгани йўқ, аммо бу жамо-  
анинг китобдонлигига эътимодим йўқ. Китобдонлик, тафаккур  
килиш, тажриба ҳамда даволаш жумласида Худонинг номи би-  
лан Абдулмулк исми шаҳсга эътимодим бор. Агар кимда-ким  
мурожаат қилиш қобилиятига эга бўлса, муолажа учун (ул ки-  
шини) ихтиёр қилардим. (Айтишича) ҳаёт унга бутун қўл ва  
оёқ билан ёпишиб олишга у қадар муте эмас, қайғуга чўммайди  
ҳам, офат-бало ёпишди. Ушбу сатрлар муаллифи Бахтовархонга:  
“Асарлар ёзишга бошладим”, деди. Муқаддас Куръон мутолаа-  
сига киришган Онҳазрат мазкур хонга (Бахтовархонга) айтдилар-

ки, фузалоларнинг раҳбари шундай дедилар: «Бизга қандай хавф тугилмасин, бу қилган қилмишимизнинг оқибатидир. Худонинг даргоҳида нима бўлса (бўлади) деб ишониб қўя қолманг».

Лутфуллоҳхон ул марҳумнинг вафотидан кейин арзи муқаррар хилъатини кийди ва Ашрафхон унинг ўрнига воқеахонлик (хизмати)ни эгаллади.

Муҳаммад Ёрхон Имомберди ўрнига қўрхона доруғаси ва у (Имомберди) Саҳоранпур фавждори ҳамда Муҳаммад Алихон ўрнига Мухсинхон чинниҳона доруғаси бўлдилар.

Йигирма саккизинчи жумодул аввалда Ҳомидхон олий даргоҳга келиб, таъзия хилъати иноят қилиниши ҳамда отасининг вафоти муносабатидан сўнг хосчуки (подшоҳга таъзим бажо келтирилишига масъул хизмат) доруғалиги билан азиз этилди. Унинг ўрнига Ажмирга Ифтихорхон кетди.

Қавомиддин Кашмирдан жаннатназар саройга келиб (95а) мулозаматга кириш хилъати марҳамат қилиниши билан сарафроз этилди.

Абдурахмон Мўғулхон ўрнига ахтабеги бўлди. Лутфуллоҳхон қалъада тахтиравонга тушиб юриш ҳурматини қозонди.

Декан воқеанависи арзга етказдики, Далирхонга Гўлкандадаги душманлар билан қаттиқ жангу жадал қилишга тўғри келган, бир фил ўқ захмига дучор бўлди ва хон орқасида филга миниб ўтирган хизматкор ўқ тегиб жон берди ва ўқнинг оташи хон гирибонига тушиб, чахокул сувидан ўчди. Муҳолифлардан кўп киши ҳалокат тупроғига қоришдилар. Хоннинг барча кўпдан-кўп фавжлари ҳаракатга келди. Жанг қилувчи лашкарнинг хабарини эшитиб, шомда чодирга кирди.

Олтинчи зулҳижжада Шоҳ Олам Баҳодир Кобулдан келиб, олий мулозаматга кириши билан шарафландилар. Хос хилъат ва қимматбаҳо тошлар қўйиб ишланган жиға инъом этиш билан эъзозландилар.

Олийнасаб султонлар ва Шоҳ Баҳодир хизматига тайинланган бошқа амирлар хилъатлар ва жавоҳирлар иноят қилиниши билан азиз этилдилар.

Қурбон ва қурбонлик қилиш ийдининг дугонасини (икки ракатли намозини) адо қилиш важҳидан ўнинчи (зулҳижжада) намозгоҳга бориш амалга ошди.

Йигирма олтинчи рабиул аввалда Сивойи жаҳаннамийнинг Мунки Патнга ҳужум қилгани арзга етказилди.

Суратҳа воқеанигори бир от уч оёқли бола тукқани (тойчок), хар уч оёғида юра олиши ҳақида ёзди.

Мурод Бахшнинг қизи хўжа Солиҳ Накшбандийнинг биродарзодаси (жияни) Хўжа Муҳаммад Яъқуб никоҳига кирди. Унга хилъат ва тилла жиҳозлари билан бир от, яшм тошдан ишланган жиға, тўрт минг рупия нақд пул ва урғочи фил марҳамат қилинди.

Сарбаландхон (келинни) аввал Дюдахига, расм-русумни адо этиш юзасидан кароматли муқаддас наввоб Бегим соҳиба хузурига олиб келди ва сўнг Акбаробод масжидида никоҳ ақди қилинди, икки лакҳ рупия маҳр (берилди).

Сулаймон Шукухнинг қизи Хўжа Порсонинг ўғли Хўжа Баҳовуддин билан қовушдилар ва ул ҳам шу тартибга риоя қилиниши (яъни, икки лакҳ рупия маҳр берилиши билан) шарафланди.

Қутбиолоам – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – билан сажжоданишин бўлган Сайид Муҳаммаднинг ўғли, садрус-судур Ризавийхоннинг жияни ва қариндоши Султон Сайид Аҳмадободга кетишга руҳсат олган вақтида хилъат, урғочи фил ва бир минг рупия инъом билан азиз этилди.

Ўн еттинчида Қавомиддинхон Лоҳур дорус-салтанати субадорлиги билан бахтиёр бўлди. Комкорхон Раҳматхон ўрнига буютот хизмати билан тенгқурлари орасида имтиёз ҳосил қилди.

Ҳазрати Ғавсул Аъзамнинг фарзандларидан Саид Муҳаммад Бижопурий (956) у ерда (Бижопурда) зўр эътибор билан шуҳрат қозонган эди, олий остонага келиб, олти минг рупия йиллик маош билан эъзозланишга сазовор бўлди.

Йигирма бешинчи жумодул аввалда подшоҳзода Муҳаммад Акбар Мултон субасининг нозимлиги билан махсус шарафландилар, хос хилъат, малойи марварид, лаъл гулаъвиз, жиҳозлари тилладан иккита от ва талотири билан бир фил иноят этилди, Сафийхон ул жанобнинг хизматига тайинланди, Абдурахим унга нойиб бўлди.

Кийсар Сингхнинг қизи подшоҳзода Муҳаммад Азимнинг никоҳ ипига боғланди. Сеп важхидан уч минг рупиялик жавохирлар, тилла чавдул, битта тахтиравон ва кумуш бонис билан бешта дуби марҳамат этилди ва никоҳ тўйи куни шаҳзода хос хилъат, малойи марварид ва зарҳалланган килк (нафис қалам) ҳадя қилиниши ила эъзозланди.

Мухторхон ўғли Қамариддин хонлик хитобига эга бўлди. Одилхон Бижопурийнинг ўн бир лакҳ кийматидаги совға-саломни қабул даражасига етди.



Ихлоснишон аёнлар раҳнамоси амирул-умаро Шоистахон Банголадан кайвонмақом даргоҳ (сарой)га келди, хилватда мулозаматга кириш шарафига муяссар бўлди, унга фахрий хилъат ва тилла нақшлар солинган, киммагбаҳо тошлар қадалган яшм тош дастали ханжар марҳамат этилди ва яшм тош билан зийнатланган хос асо муборак қўлда тутиб турилган эди, ул азиз кадрлига ато қилиниб, қадри (яна) оширилди. Амирул-умаронинг ўттиз лакх рупия нақд пул ва тўрт лакх рупиялик жавоҳирлардан иборат совға-салом мунаввар назардан ўтказилди, шулар жумласидан тарвиз макобил оина ҳам бор эди, уни ҳам (назардан) ўтказдилар... Амирул-умаронинг хоҳишига кўра, номи зикр қилинган (зот) ушбу давлати худододнинг танланган кишилари каторида азиз ва мумтоз этилди (ва) то ғусулхонагача тахтиравонга ўтириб келди.

Шоҳ Олам Баҳодирдан кейин юқори мартабали Навозадхоннинг навбати (келди).

Ҳукмга биноан, Шоҳ Олам Баҳодир мулозаматга кириб, икки юз муҳр ва минг рупия ниёз бердилар. Қучоқлашиб кўришилгандан сўнг тахтга (яқин ўтиришни) буюрдилар ва чаҳорқаб билан бирга хилъат ва дастаси яшм тошдан ишланган ханжар инъом этдилар.

Олтинчи жумодул аввалда амирул-умаро Ҳасаналихон (Хусайналихан) ўрнига Акбаробод субасининг нозими хизматига рухсат берилди, (96а) хос хилъат ва иккита арабий ва ироқий от инъом этилиши билан ҳурматга сазовор бўлдилар.

Баҳодирхоннинг марзбонлардан жамланган (солиғи) ҳақиқий аҳволга нисбатан фарқ қилишига оид Абдурахмон бахши ва Декан воқеанависи айбномасига кўра, у хонлик хитобидан маҳрум этилди. Баҳодирхон субадорлик (мансаби)дан туширилгач, Деканда жаҳонпаноҳ даргоҳига келди. Солиқлардан кўпини олиб қолиш ва ўзлаштириш, совға-салом юбориш ишида баъзи пасткашлик, камчиликлар содир этилгани сабабли (у) мансаб ва хитобидан узоқлаштириш, нақд пуллари, мол-мулки, отлари ва филлари тортиб олиниши билан жазоланган эди. (Лекин) гуноҳларни афв эта оладиган, узр-маъзиратларга илтифот билан қаровчи подшоҳ унинг қилганларини содир бўлмаган деб билиб, ўзининг қадимий бандаларидан бирига иноят назари ва кадрдонлигини дариг тутмай, мулозаматга киришга ҳукм қилдилар. Ун биринчи рабиул охир ойида шундай катта давлатга муносиб бўлди ва аввалгича мансаби, хитоби тикланиши билан илтифот ҳамда навозиш этилиш даражасига юксалди...

Муккаддас арзга етдики, Бангола субадорлигидан туширилган Аъзамхон Кука Бихар субаси томон азимат қилганида, ўн иккинчи рабиул охирда Дихокада охират саройига ошиққан.

Субадор этиб тайинланган подшоҳзода Муҳаммад Аъзам тезлик билан Патна оркали ул томонга йўл олдилар. Нуриллохон Удсия субасининг қалъасига подшоҳзода ноиблигига маъмур этилди.

Сафийхон Бихар субадорлиги билан азимат нури кетидан қувди. Марҳум хоннинг укаси Хонжаҳон Баҳодирхонга ғамхўрлик кўрсатилиб, навозиш этиш билан мотамдан чиқарилди, ўзига ва ўғилларига хилъатлар марҳамат қилинди. Солиххон ва марҳумнинг бошқа ўғилларига ҳурмат билан гузарбардор оркали хилъатлар юборилди. Марҳумнинг икки лакх рупия мол-мулки ва бир лакх ўн икки минг муҳр микдоригаги сармоёси қўлга киритилди.

Хилофатнинг баҳор гулзори Шох Олам Баҳодир юлдуз сонли, зафар юлдузли лашкар билан ўн биринчи шаъбонда Декан субалари нозимлигига кўрсатма олдилар ва болобанд (салла) ҳамда хос хилъат, зарҳалланган қалқони билан бирга шамшир, малойи марварид, жиға, учта от, (966) жихозлари тилладан бўлган бир фил, бир лакх нақд ашрафий ҳамда мансабдан ташқари асли олти курур ва қўшимча тўрт курур дом инъом қилиниши ила (катта) илтифотларга сазовор бўлдилар. Шаҳзодалар мансабларига қўшимчалар, жавоҳирлар ҳамда фавжларга тайинланганларнинг ҳар бири хилъат, от ва фил иноят қилиниши билан сарафроз этилди.

Лоҳур субасининг нозими Кавомиддинга яна Жамун фавждорлиги хизматини қўшиб беришга қарор қилинди.

Рожа Жусунат Сингх Бундилага Чанбат (Чеъбат) Бундила ўғилларининг таъзирини беришга рухсат этилди.

Фарёдга жавоб берувчи хокон арзига етдики, Лоҳурда ғалла нархи кимматлашган...

Кобул воқеалари ҳақида Балх ва Бухоро волийлари ўзаро бир-бирлари билан кучли низо ҳолатидалар ва ҳар икки ерда ғалла (нархи) бир қанча бор кимматлаб кетганидан одамлар ўлакса ва бошқа ҳаром нарсаларни ейишдан ўзларини қайтармаётирлар, деган хабар муқаддас қулоққа етиб келди.

Ўн тўртинчи муҳаррамда жумлатул-мулк Асадхон Бурхонпурдан Аврангобод томон йўлга чиққанлиги олий арзга маълум бўлди.

Бахтонбекнинг ўғли Жонбек «Оташхон» хитобига сазовор этилди.

Иноятхон ва Кифоятхонлар девонлик ишлари юзасидан маълумот бериш учун якшанба ва пайшанбада саройга келсинлар, деган ҳукм бўлди.

Муродбахшнинг қизи – Хожа Муҳаммад Солиҳнинг хотини Осойишбону бегим йўқлик пардасида кетди.

Қобул субадори Амирхон рабиул охир ойининг йигирма ет-тисида хизмат жойига етиб борди.

Жунпурдаги воқеалар ҳақида арзга етдики, ўн еттинчи рабиул охирда аввал ёмғир ёға бошлаган, (сўнгра) Иззатхон ўтирган шарққа қараган айвонга яшин тушиб, олти киши ўлган ва икки киши бир қанча вақт беҳуш ётган. Мазкур хоннинг оёғига (яшин) бўлаги тушган, лекин оёқлари омон қолган.

Подшоҳзода Муҳаммад Аъзам ўн тўққизинчи жумодул охирда Жаҳонгирнагарга келдилар. Бангола девони Шафихоннинг ёзган мактубига кўра, ўн икки ойлик танҳо (жамғарилган)дан сўнг амирул-умаро (ундан) бир курур ва ўттиз икки лакх рупия зиёд сарф этгани ҳақиқатларни жам қилувчи қулоққа етди. Бу жарима амирул-умаро зиммасига юклатилсин, деган ҳукм бўлди.

*Жаҳон айнан шундан иборат бўлган улуг Оламгир давлатининг бир минг саксон тўққизинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирма иккинчи йили бошланиши*

Бутун борлиғича баракали рамазон ойининг авжга минган хумойи коинот тепасида зийнат билан файз соясини солди. Олам халқларининг ҳоқони, жаҳонда яшовчиларнинг пири ва муршиди (97а) гоат адоси, ибодат ижроси билан машғул бўлдилар, дин ва дунёни энг яхши, хайрли, кўп саховатли ишлар билан обод қилдилар.

Ўнинчи (рамазонда) Бангола девонлигига жўнаб кетаётган Мир Мағиз давлат анжуманининг сарафрози подшоҳзода Муҳаммад Аъзам учун ўттиз беш минг рупиялик зарҳалланган сарпеч олиб борсин, деган олий даражали ҳукм чиқарилди.

Буюклик чаманининг янги гули подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг туғилган кунда – ул жанобнинг қимматли ёшлари ўн иккига етган эди – малойи марварид ва буткул зарҳалланган сарпеч марҳамат этилди.

Хўжа Муҳаммад Солиҳ Нақшбандий марҳум Шайх Мир қизи билан никоҳланганлиги туфайли хилъат олди. Ғиёсиддинхоннинг

(вафоти муносабати билан) марҳумнинг биродарлари Абдурахимхон ва Абдурахмонхон, ўгли Разийиддинларга таъзия хилъатлари иноят қилинди. Баҳрамандхон ва Шарафиддинларга оналарининг (вафоти муносабати билан) мотам хилъати иноят қилиниб, кайгудан чиқарилдилар.

Таҳурхон (Таҳвархон) ўрнига Абулмуҳаммадхон Бижопурий Уда фавждорлигига тайинланди. Доробхон муносиб лашкарлар билан Куҳандила ражпутанининг таъзирини бериш ва у ердаги азим бутхонани бузиб ташлашга рухсат олди. Баҳрамандхон унга ноибликка тайинланди. Хўжа Мир унинг ўрнига филхона доруғаси бўлди.

Шавволнинг ғурраси – илк кунда дугонаи фитрни (фитр хайитининг икки ракатли намозини) адо қилиш ваҳидан ийдгоҳга равақ бахш этдилар (ташриф буюрдилар).

Пешовар воқеалари ҳақида олий арзга етдики, улуғ рожалар пешвоси маҳарожа Жусунат Сингх олтинчи зулқайдада бу жаҳондан сафар қилган. Унинг зулҳижжада Қурбон ва қурбонлик хайитининг дугона одоби амалга оширилди.

Лутфуллохон ўрнига Баҳрамандхон аҳадиёлар мирбахшигирлиги (мирбахшигири аҳадиён) хилъатига эга бўлди. Марҳум рожанинг ватани Жудхпурга Тохирхон фавждорликка, Хизматгузархон қалъадорликка, Шайх Анвар у ернинг аминлиги ва Абдурахим кутволлигига рухсат олиб кетдилар.

***Жаҳонни ларзага келтирувчи байроқларнинг биринчи маротаба дорул-хайр Ажмир томон кўтариллиши***

Йигирманчи зулҳижжада қуёш янглиғ байроқлар дорул-хилофатдан дорул-хайр Ажмир томон кўтарилди.

Комкорхон қалъадорлик (976), Фулодхон фавждорлик ва бошқа мутасаддилар уларга рухсат бериш эъзоз-икром билан азиз этилдилар.

Олтинчи муҳаррамда Хонжаҳон Баҳодир Ҳусайналихон ва бошқа улуғ амирлар билан биргаликда марҳум рожанинг мулкни қўлга киритиш борасида рухсат олдилар.

Ун учинчида рожа Рам Сингхнинг набираси Канур Кашан Сингх ватанидан келиб, мулозаматга кирди.

Абдурахимхон ўрнига Рухуллохон ахтабеги бўлди.

Ун олтинчи муҳаррамда (матнда «муҳаррам» сўзи ёзилиб-ўчирилган) жумлатул-мулк Асадхон Декандан келиб, Кашн Кадҳа макомида палос ўпиш шарафи билан ифтихор топди.

Ўн саккизинчида Ажмир ерлари олий ташриф нури билан мунаввар бўлди. Аввалига, восиллар пешвоси Ҳазрат Хўжа Муъиниддиннинг – Аллоҳ уни раҳмат этсин – мунаввар кабрини зиёрат этишни саодат порловчи идрокка етказиб, сўнг барқ урган ташрифнинг партави билан давлатхонани нурга тўлатишга лутф қилдилар.

Мархум маҳарожа вакилининг сўзига кўра, йигирма бешинчида олий арзга етдики, Лоҳурга келингандан бир қанча соат ўтгач, унинг (маҳарожанинг) хомиладор икки хотинидан икки ўғил туғилган.

Шоистахон Акбарободдан келиб, йигирма еттинчида мулозаматга кирди.

Йигирма тўққизинчида подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг мулозими Шоҳруҳ Куввоҳати фатҳ қилингани мазмунидаги хабарни осмонўпар даргоҳга келтирди. У бир минг рупия инъом олди. Подшоҳзода учун марҳамат ва улуғлик саройидан қиймати икки лакхлик тўксон икки дона малойи марварид ва қиймати йигирма беш минг рупиялик зарҳалланган турра олиб борилди.

Ўн еттинчи сафар (ойи)да подшоҳзода Муҳаммад Акбар Мултондан келиб, ер ўпиш саодати ва нимаи остин, болобанд ҳамда хилъат ато қилиниши билан бахтиёр бўлдилар. Мултон воқеалари ҳақида арзга етдики, ўрнидан туширилган Тахтаха субадори Иззатхон бу ерга подшоҳзода Муҳаммад Акбар ноиблиги (хизмати)га келган ва Сафийхон эса Лоҳурга жўнаган.

Сайид Абдуллоҳга мархум рожанинг мол-мулкани қўлга киритиш юзасидан Сивона қалъасига (боришга) рухсат берилди. Амирул-умаро нимаи остин ва болобанд билан бирга махсус хилъат ҳамда қимматбаҳо тошлар қадалган бир ханжар ато қилиниши ва Акбарободга кетишга рухсат берилиши илтифотига сазовор бўлди. Доробхон бундан аввал муносиб фавж билан Қухандила ражпутанига боришга ва ул ёвузларнинг азим бутхоналарини таг-туғи билан емириб ташлашга саройдан кўрсатма олган эди. Бешинчи сафарда ул тинимсиз кўзғолонлар маконига ҳамла қилди, жаҳолат оёғида мустаҳкам турган уч юздан кўпроқ (исёнчи) жаҳаннамга ошиқди, бир киши ҳам қочиб қутулолмади. Қухандила (Қухдила) (98а), Сонулия бутхоналари ва ноҳиялардаги барча бутхоналар ер билан яксон қилинди. Ифтихорхон ўрнига Тахвархон (Тахурхон) Ажмир фавждорлиги билан эъюзланди.

Роно Рож Сингхнинг вакиллари унинг илтимосномасини кудрат бисотининг хизматчилари назаридан ўтказдилар. У ўғли Кунур Жай Сингх кайвоннишон остона тупроғини ўпиш билан бахт пешонасини мунаввар этсин, деб илтимос қилган эди. Унинг илтимоси қабулга етди, Муҳаммад Наъим унга раҳнамоликка тайинланди.

Йигирма тўққизинчи сафарда Рой Рож Сингхнинг ўғли Андҳар Сингх унинг чодир (ўрнатилган ер)гача истиқболига чиқиб, фалакасос саройга олиб келди. Унинг толеи қабулга киришига ҳамда махсус хос хилъат, малойи марварид, зумрад ва қимматбаҳо яшм тоши, зарҳалланган пахунчи ва урғочи фил олишига ёр бўлди. Файзуллоҳхон ва Мухторхонларнинг (бири) Муборақободдан ва (иккинчиси) Молвадан саройга келган эдилар, олий ижозатга кўра (қайтиб кетишга) рухсат олдилар.

Мўтаъидхон ўрнига Омонуллоҳхон Гвалиёр фавждорлиги-га тайинланди.

Еттинчи сафарда жаҳонгашта ўрда Ажмирдан дорул-хилофат томон таважжуҳ этиб, рабиул аввалнинг бошида давлатхона раванакбахш қадам (ташрифидан) эрам бўстони рашк этадиган гўзаллик тимсолига айланди. Динпарвар ва шариятни (кенг) тарқатувчи хоқоннинг ҳақиқат фикрли барча саъй-ҳаракатлари Ислом конунларига ривож бериш, куфр ва зулм маросимларини барбод қилишга сарф этилар экан, улуғ девонларга ижроси вожиб ҳукм шараф билан чиқди:

«Мазкур ойнинг бошидан “Ҳақирликка рози бўлганлар ихтиёрий равишда жизя тўламагунларича (улар билан курашинлар)” деган итоати вожиб фармонга кўра ва шарият риоятларига мувофиқ, сарой ва субалардаги зиммийлардан жизя олсинлар».

Даврнинг баъзи фозил кишилари, пок диёнат билан (ушбу ишда) қобилият ҳосил қилган эдилар, улар бу муҳим ишни зудлик билан бажаришга тайинландилар. «Эй Худоё, Сен севадиган ва рози бўлган нарсанга уни муяссар эт ҳамда охиратини бу дунёсидан кўра хайрлироқ қил».

Ўн иккинчида подшоҳзода Муҳаммад Акбар Лоҳур томон кетишга рухсат олиб, хос хилъат, нимаи остин билан совут, қиброн, тилла жиҳозли иккита от, зарҳалланган сарпеч ва муттако (болиш) илтифот этилиши билан катта ҳурматларга сазовор бўлдилар.

Муҳаммад Замон Навхони хонлик хитобига муносиб кўрилди. Шоххон Кошғарий «Абдуллоҳхон» деб хитоб қилинди, Иф-

тихорхон ва бошқалар хос иноятлар билан шарафландилар (ва Шоҳхон Кошғарийга) ҳамроҳ бўлиб кетишга рухсат олдилар.

Рононинг ўғли Жай Сингх хилъат, марварид, сарпеч, лаъл зирак, қимматбаҳо тошлар қўйиб зийнатланган турра ва тилла жихозли бир арабий от ҳамда зотдор фил (ато қилиниб) сарафрозликка мумтоз этилгач, ватанига кетишга рухсат олди. Рону Рож Сингхга фармон ва хилъат, қиймати йигирма минг рупиялик зарҳалланган сарпеч (986) шараф билан юборилди.

Йигирма тўртинчи рабиул охир ойида Хонжаҳон Баҳодир Жудахпурда бутхоналарни ер билан яксон қилгандан ва у ердан бир қанча араваларда маъбудларни олиб келгандан сўнг Ислом тартиби ўрнатилган саройга (кириб,) эхтиром арши бўлмиш остонани ўпиш шарафига эришди, таҳсину офаринларга сазовор бўлди. Аксари тилла, кумуш, жез, мисдан, (қимматбаҳо) тошдан бўлган маъбуда ва санамлар, оламмадор сарой жиловхонасида ва олам халқларининг умиди жам бўлган ер зинапоялари остида бир қанча вақт сочилиб ётган эди, улардан ному нишон колмасин, деган итоати вожиб, диндорликка нур берувчи ҳукм чиқарилди.

Йигирма бешинчида Каж Сингхнинг набираси Равомир Сингхнинг ўғли Андҳар Сингх амакиси Жусунат Сингх вафотидан сўнг Жудахпурнинг марзбонлиги, рожа хитоби, хос хилъат, зарҳалланган қалқон ҳамда бир шамшир, тилла жихозли бир от, фил, байрок (алам), туғ, ноғора ва қариндоши каби имтиёзга эга бўлиб, иззат бошини кайвонга етказди. Ва ўттиз олти лакх совға-салом қўйиш ва уларнинг мақбул кўрилиб, қабул назаридан ўтказилиш илтифотига сазовор бўлди.

Аввалги қонун-қоидага биноан, подшоҳлар улуғ рожалар пешонасига ўз қўллари билан кашка қўяр эдилар. Муборак даврида ҳукмга мувофиқ Рожа Ром Сингх пешонасига Асадхон кашка қўйган эди, бу гал у ҳам тўхтатиб қўйилди (бекор қилинди), фақат таслим (Ислом динига кириш)ни маъкул кўрдилар.

Сафийхон ўрнига Оқилхон тан (танҳо) бахшигирлик хизматига мумтоз этилди.

Йигирма бешинчи жумодул аввалда Доробхон сақлашга берилган омонат ҳаётини топширди. Раҳматли хоннинг биродари Жонсипорхон, ўғиллари Муҳаммад Ҳалил, Муҳаммад Тақи, Комёблар ҳамда унинг шахсий лашкарлари мотам хилъатларига эга бўлдилар. Рухуллоҳхон унинг (Доробхон) ўрнига ахтабеги ва Ўтиқодхон унинг ўрнига аҳадийлар бахшиси бўлди.

Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам жиловидаги (ерлар) воқеалари ҳақида арзга етдики, Шерзеҳхон Бижопурий ул жанобнинг мулозаматиға кирган, олий жаноб томонидан «Рустамхон» хитоби билан сарафроз этилган, фармон, хилъат, от, фил, байрок ва ноғора шараф билан юборилган.

Рожа Жусунат Сингх дорул-мулк Кобулда оламдан ўтган вақтида ўғли (фарзанди) йўқ эди ва вафотидан сўнг номи зикр қилинганнинг ишончли навқарлари Сунак ва Ракхно Тҳадос Бҳати, Ранжхур, Дуркадас ва бошқалар халойиқпаноҳ даргоҳға маълум қилдиларки, (99а) рожанинг икки хотини ҳомиладордирлар. Ва унинг одамлари дорус-салтанат Лоҳурга етиб келганларидан сўнг ҳар икки хотини ўғил тукқан. Мазкур навқарлар икки ўғил туғилгани ҳақида маълум қилиб, уларға мансаб ва «рожа» унвони берилишини илтимос қилганлар. Ҳар икки ўғилни осмонбаргоҳ даргоҳға келтирсинлар ва ақллари кирган ёшларида улар мансаб ва «рожа» (номи) иноят қилиниши билан эъзозландилар, деган муқаддас олий ҳукм чиқарилди. Лекин бу ақли қисқа гуруҳ дорул-хилофат Шоҳжаҳонободға келиб, юқорида баён этилган илтимос тўғрисида сон-саноксиз ва ҳаддан ташқари ялинишлар билан жонга тегдилар. Шу аснода икки ўғилдан бири отасига бориб етди (яъни бу оламдан ўтди). Олий ва улуғ кулоққа маълум бўлдики, ул ёвуз ниятли тоифа олчоқ табиатлилигидан фисқу фасод иродасини қилган: қочиш йўлини тутиб, иккинчи ўғилни ҳар икки онаси билан бирга Жудаҳпурга олиб бориб, исён ва туғён бошларини баланд кўтариб, ғавғо ва тўс-тўполон чиқарганлар. Ун олтинчи жумодул охирда маҳарожа Руп Сингх (Рой Сингх) Ротхвар ховлисида турган ҳар икки хотинни ўғли билан биргаликда олиб келиб, Нуркададан жой берсинлар, деган бутун олам бўйсунувчи, итоати вожиб ёрлик чикди. Фулодхон кутвол ва Саид Ҳомидхон подшоҳға таъзим бажо келтирилишиға масъул бандалар билан биргаликда ва Довудхон ўғли Ҳамидхон ҳамда Далирхон ўғли Камолиддинхон, “Салобатхон” хитобини олган Хўжа Мирка марҳум подшоҳзода Султон Муҳаммаднинг элчилик мулозимлари билан жам бўлиб, бу адашган гуруҳни мақсад ва ниятларидан қайтаролмасалар, улар хом хаёллари ва ўйламай-нетмай қилган фикрларини амалга оширмакчи бўладилар. Агар аҳмоқлик ва бузғунчилик билан жангга юз тутсалар, уларнинг таъзири ва адабларини бериб қўйиб, куфрони неъматларидан қасос олиб, асоссиз хаёлларидан



халокат губорини чиқариб ташласинлар (деган ҳукм бўлди). (Бу вазифага) тайин этилганлар итоати вожиб фармонга мувофик ишга киришиб, лозим бўлган панду насихатлар қилиш билан тарғиб ва тартиб юзасидан иш юритдилар. (Лекин) яхшилик билмас, нафраткирдор ракиблар ўзлари учун фойдали нарсалардан кўз юмиб, жанг ва кураш эшигини ланг очдилар. (Уларнинг) кўп сонли барча бошликлари йўқлик либосини кийиб, халокат томон шошилдилар. Ва подшоҳлик бандаларининг ҳаммаси ишга киришиб кетдилар. Жаҳолатнишон рожпутанлар жанг майдонини ўзларига муносиб билганларидан рожанинг жанг ва қатлу қирғинда ҳамроҳ қилиб олиб юрган ҳар икки хотинини халок этдилар. Рожанинг сут сотувчи уйида махфий сақлаб турилган иккинчи ўғлини шу ерда қолдириб, ниҳоятда зўр саросима ва изтиробга тушиб, пасткаш ниятда собит қолиш йўлини тутдилар. Иккинчи ўғил тўғрисидаги (996) воқеадан хабар топган Фулодхон дарҳол уни сutfуруш уйидан олиб чиқиб, муқаддас саройга олиб келди.

(Болани) рожанинг асирга тушган канизакларига кўрсатсинлар, деган ҳукм бўлди. (Уни) кўрган (канизаклар ҳақиқатдан бола) маҳарожанинг ўғлидир, деб иқрор бўлдилар. Саройда (унинг) хавфсизлиги ва муҳофазасини таъминлаш иши замон маликаси, жаҳон подшоҳзодаси Зийнатнисо бегим саркорининг зиммасига юклатилди. Ва у (бола) Муҳаммад рожа деб номланди. Мазкур хон эртаси куни боланинг зеб-зийнатлари ва ашёларини ҳам келтирди. Ушбу тўс-тўполонда рожа ва унинг ҳар икки хотини ҳамда бошқа рожпутанларнинг мол-буюмлари таловчилар қўлига ўтиб кетди ва қолган (нарсаларда) нимаики қўлга киритилган бўлса, олий саркор (сарой) мутасаддилари ҳукмига биноан, кутҳа (кухта) байтул-молга топширилди. Икки хотиннинг мурдаси ва рожпутанлар раиси Ранжхур ҳамда яна ўттиз нафар сардорининг мурдалари санокдан ўтказилди. Ва кофиркушлардан қақшатқич зарба еган, қочиш билан жонларини сақлай олган лаънати ёвузларнинг қолганлари йигирма тўртинчи жумодул охирда Жудаҳпурга етиб келганлар. Дурго (Дарго) ва бошқа аҳли ёвузлар иғвоси билан икки сохта боланинг бири жаҳаннамга кетган Матҳан хотинининг (ўғли) ва иккинчиси Ажит Сингх – улар Рожа Жусунат Сингхга тегишли (ўғиллар) деб ҳисоблаб, бадтабиатлик такозоси билан фиску фасод (ва) фитнес-ғавго кўтардилар. Жудаҳпур фавждори Тохирхон қочкинларга монелик қилишда

катъиятлик кўрсатолмагани учун амали ва хонлик хитобидан четлатиш билан жазоланди. Андҳар Сингҳ хафсаласизлиги ва кобилиятсизлиги орқасида ул вилоятда тартиб-интизомнинг ухдасидан чиқолмагани ва бу фитна-фасоднинг (олдини олиш) тадоригини кўролмагани учун саройга чақиртирилди.

Йигирманчи ражабда Хизробод боғи баҳорга лозим бўлган кадам (ташриф) билан кўкатларга кўмилди. Жудахпурни олчоқнишон рожапутанлар кўлидан тортиб олиш ишига Сарбаландхон саркардалигида муносиб кўшин тайинланди.

Йигирма саккизинчи ражабда олий арзга етдики, Рожа Сингҳ рожа навкарларидан сон-саноксиз жамият тўплаб, Амир фавждори Тахурхон (Тахвархон) билан уруш қилган ва уч кун давомида (100а) ўзаро жанглар бўлган, иш ўк ва тўфанглардан ўт очиб куролли тўкнашувгача борган, (жанг) жуда чўзилган, ҳар икки томондан ўлганлардан тепаликлар пайдо бўлган. Охирида ғалаба мағфаро оройи (дубулға оройиш) Тахурхонга насиб этган. Рож Сингҳ ном-нишони қолмаган тўда билан бирга жаҳаннам қаърига тушиб кетган. Ҳақиқатда рожпутанлар (шундай) ғалаба шоҳиди бўлдиларки, бундан сўнг (курашга) бел боғламадилар, тирик қолганларининг аксари ўз бош-оёқларини ажал биебони томон олиб кочдилар.

Иккинчи шаъбонда подшоҳзода Муҳаммад Акбар Лоҳурдан келиб мулозаматга кирдилар, Хўжа Ҳиммат ул жанобнинг уйига хос хилъат ва қиймати етти минг рупиялик жавоҳирлар элтиб берди.

### *Жаҳонни ларзага келтирувчи лашкарнинг иккинчи бор дорул-хилофатдан дорул-хайр Ажмир томон хиром этиши*

Йигирма иккинчи йил еттинчи шаъбонда улуғлик ва шону шавкат сародики (чодир) кўзғолончиларнинг таъзирини бериш ва тоатни пеша тутганларнинг осойишталиги учун иқболга тўла ирода билан бошини фалак авжига кўтарди. Ва шу куни подшоҳзода Муҳаммад Акбар тезроқ Ажмирга етиб бориш учун Полам (Полим) қишлоғи манзилдан (кетишга) рухсат олдилар, (ул жанобга) салла билан бирга хос хилъат, еттита от марҳамат килинди ва ул жанобнинг жилов хизматига тайинланганларнинг ҳар бири иноятлар билан шарафланди.

Эътимодхон Бурҳониддин дорул-хилофат девонлигига, Мир Ҳидоятуллоҳ бахшигирлик ҳамда воқеанависликка, Афло-

тун қалъадорликка, Абдуллоҳ Ҳалабий (Чалабий) буютотликка, кози Абдулвахҳоб ўғли Нурулҳак козилик хизматиға, козининг қариндоши Сайид Абусаид адолат доруғалигига ва бошқа мутасаддилар ул давлат марказининг муҳим ишларини саранжом қилишға тайин этилиб, (кетишға) рухсат олдилар.

Ўн учинчида амирул-умаро подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг ваколати ўзгариши билан Бангола субадорлигига сарафроз этилди. Сафийхон Акбаробод субадорлиги билан эъзозланди. Гузарбардорлар орқали фармонлар ва хилъатлар шараф билан жўнатилди.

Йигирманчи шаъбонда Майвот фавждори Муҳташамхон бошининг саодатга етишини кўриниш (қабулга кириш)да деб билди. Йигирма тўққизинчи шаъбонда муқаддас (ва) мўътабар равза (қабр)ни зиёрат қилиш ва беш минг рупия назр бериш саодатига эга бўлинганидан сўнг, (1006) Оносокир кўли соҳилларида жойлашган жаҳонгирлик жойлари оламгирликнинг нур таратиши лозим қадами (ташриф) билан илтифот ва олийлик нурлари порлаган машрикка (мунавваргоҳға) айланди.

### ***Олий Оламгир давлатининг бир минг тўқсонинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирма учинчи йили бошланиши***

Бахтиёрлик ва ажойиб саранжомлик дафтарининг дебочаси, мушкулкушод ва баландномлик ёрлиғининг туғроси, хайрли ишлар ибтидоси, файз оқибати (бўлмиш) рамазон ойи фаровонлик ва тўқинчиликка мунтазирлар ҳузурига лутф билан ташриф буюрди. Арши (аъло) саройининг худоогоҳ подшоҳи (рамазон) ойининг бошдан-оёғига ҳақпарастлик садрида ўтириш ва художўйлик хилват(хонаси)ни ораста қилиш билан равнақ бахш этдилар.

Ушбу ой бошида Оллоҳобод субадори Ҳимматхон олий остонани ўпиш шарафига эришди, ўнинчида бахтиёрлик буржининг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Акбар хизматиға рухсат олди. Ва хос хилъат, жиҳозлари тилладан бир от инъом этилиши ҳамда подшоҳзодага зумрад қадалган сарпечни олиб бориш ҳавола қилиниши билан ҳурматга сазовор бўлди.

Еттинчида шаҳзода Муҳаммад Азимнинг Кирт Сингх қизидан ўғил кўрганлиги мазмунидаги маълумоти ва тўрт юз муҳр пешкаш (совға) муқаддас назарга етказилди. Туғилган бола Муҳаммад Карим исми билан муқаррам этилди.

Тўққизинчида Далирхоннинг Мункал Байда (Мандар Пандия) қалъаси жаҳаннамий Сиво тасарруфидан чиқди, деган маълумоти етиб келди. Шавволнинг бошида фитр ҳайитининг дугона (икки ракат намози) адоси жиҳатидан намозгоҳ иқбол (файз) манзилига айланди.

Сижон Сингх номига Сивона қалъаси фатҳ этилгани мазмунидаги таҳсин фармони шараф билан чиқарилди.

Аҳмадобод субадори Ҳофиз Аминхон палос ўпиш шарафи билан ифтихороро бўлди. У ва ҳамроҳлари июнлар билан шарафландилар. Фохирхон дорул-хилофатга (кегиш) рухсат хилъати билан эъзозланди. Тахурхон (Тахвархон) хилъат, таркаш, тарвут, камон ва битта фил олиб, Мондал ва бошқа парганаларни забт этишга кетди. Андхар Сингх Меҳмаж тҳанадорлигига, Ракхнотҳа Сингх Сиёна ва Дҳамон мавзеи тҳанадорлиги, Маҳкам Сингх Митраба Кусбапур тҳанадорлигига хилъатлар (олиш) инъомига сазовор бўлдилар.

Зульқаданинг илк кунда подшоҳзода Муҳаммад Акбарнинг ўғли туғилганлиги мазмунидаги маълумоти ва тўққиз юз муҳр (совға-салом) мунаввар назардан ўтказилди, муқаддас таъбнинг қувончи ортди; туғилган болага Никусияр исми қўйилди.

### *Зафар қўшинининг Ажмирдан Удайпурга юриши*

Еттинчи зулкаъдада чорсу (тўрт томони) зафар ўрду шарманда Рононинг жазосини бериб қўйиш учун Ажмирдан (101а) Удайпур томон йўл олди, фатҳу зафар қўлга кирди. Шу куни подшоҳзода Муҳаммад Акбар Миртадан келиб, Дюрройи макомида мулозатга кириш саодатига эришди.

### *Подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг йигирма иккинчи йили еттинчи рамазонда фалаксукунат ва виқор билан Бангола вилоятдан олий даргоҳга юриши*

Ижроси вожиб ҳукмнинг итоати ва ҳиммат раҳбарлигининг ҳамкорлиги билан мақсад сари барча масофаларни босиб ўтишда ул етакчи зўр сеҳр-жодулардан иборат хавfli монеликлар бўлишига қарамай, сипеҳр-хилофатнинг машҳур жаҳонгаштаси бўлди. (Подшоҳзодага) ҳамроҳлик бахтига эга бўлган ростгўй кишилар айтадиларки, ярим кеча ўтгандан сўнг тахтиравонга миндилар ва истироҳат қилдилар. Мустафо Коши, Лаҳроспбек, Қосимбек ва

шуларга ўхшаш уч-тўрт киши навбатма-навбат жилов яқинига келиб турдилар. Эрталабки намоздан сўнг икки паҳар от минилди, (отдан) тушиш вақтида анчагача икки-уч кишидан ортик одам келмаган, кейин орқадагилар тўпланиб келишган. Ва (подшоҳзода) бутун дил ихлоси ва ҳаммага миннатдорчилик билдирувчи тили билан дедилар. Мисра:

*Соя каби ҳар томонга бирга юргил.*

Кетма-кет етиб келдилар деб, баногоҳ ва маҳал (сарой) хизматчилари)ни ва корхоналарни ҳамда бир минг суворий билан бирга Мирҳодини Патнада қолдирган эдилар. Патнадан то Банорасгача етти кун йўл юрилди. Олий наввоб Жаҳонзеббону бегимнинг (сарой) аҳли ҳамроҳи бўлди. Мирхон ва Шоҳқулихон Баҳши икки минг суворий билан бирга иззат ҳавдажини манзилма-манзил олиб юришга тайин этилдилар. Ул жаноб йигирма беш кун деганда етиб келдилар ва подшоҳзода Банорасдан отга миниб, ўн икки кун ва бир паҳар муддатда, йигирма учинчи зулкаъдада ишонч ва ихлос пешонасини мунаввар мулозаматга кириш нури билан мунаввар этдилар. Шу кунни етмиш куруҳ масофа босиб ўтилди. Тоблари қочган ҳолда бўш чорпоёга минган кунлари Қосимбекка: «Бизга совут оғирлик қияпти», дедилар. У: «Хизматингизга тайёрман», деди. «Ўз совутингни (1016) нима қиласан», дедилар. «Ҳос совутни орқамга боғлаб оламан», деб жавоб қилди (ва) шундай қилди. Беш юзта ажойиб отдаги суворий рикоб (хизмати)да эди ва кўп кишилар отлар инъом этилиши билан хушдил қилинганди. Доимо ўн икки нафар суворий ва ўн тўрт пиёда, бир чубдор, бир жарибкаш ва икки нафар қахрёл тайёр бўлиб ҳамроҳлик қилардилар. Йўлда кетилаётган кунни подшоҳзода ва шаҳзода Бедорбахт чорпоёда чордана куриб, чорболишга суянган ҳолда Аллоҳнинг ҳимояси ва муҳофазасида эдилар. (Қутилмаганда) шаҳзодада ташналик зўраяди, қишлоқдаги бир сарчашма (кудук) яқинига келадилар, обкаш бир кадҳи (пиёла) сув келтиради, подшоҳзода унга икки ашрафий иноят қилади. Бир ёвузфикр хун олишни мўлжаллади. Гузарбардор кўплаб ашрафий келтириб, йўл устида тўхтаб турди ва муздваронларга олдинга юрманлар, деб дўк қилди. Подшоҳзода эса бунга аҳамият бермадилар ва муздварлар унинг қаршисида тўхтадилар. Қора ниятли (киши) ажал етказиш (умидида) шиддат билан яқинлашди. Подшоҳзода милтиқни ўқлаб унга (қараб) отдилар. Мисра: «Дил истагандек ўк

унинг сийнасининг ўртасига жойлашди». Қора ниятли ёвуз ўша жойга ўтириб қолди ва бошқа ўрnidан турмади ва муздварлар йўлга равона бўлдилар.

Иқболга минган (подшоҳзода) орқасидан соядек кадам-бакадам юриб келаётган фидойилардан Сухроббек ул бадокитбатнинг устига келиб, ўк кимнинг ўқи эканини билди, минглаб жону дилидан жудо бўлганлар унинг (шу ўкнинг) қурбонидирлар. У боши ортикчанинг бошини кесди, сийнасидан ўкни чиқарди, чопиб бориб олий жанобга етиб олгач, ул ўкни назардан ўтказди ва дуохонлик қилди. Фард:

*(Бас,) чордонакда сенинг шонли ҳукминг мавжуд экан,  
Ёвуз фифрнинг сийнасига найза шу хилда санчилади.*

Подшоҳзода у (шеър) хақида таъкидлаб буюрдиларки, қисада бир қанча чарн, дувона (иккита), чаҳорона (тўртта) тилла, кумуш ҳамда қора тангалар, ҳармуҳра тошлари бордир (булар) албатга (унинг) ҳар бир маъноси учун яратилган ва ҳар бир (маъноси)га сарф бўлиши керак (102а).

Шоҳ Олам Баҳодир ва бошқа аъёнларнинг жогирларидаги кўп манзилларнинг амалдорлари лозим бўлган от, туя, хачирларни қиммат нарҳда олиб келганлар ва тухфа ҳамда ем-хашак юбориб турганлар. Аммо шу орада ҳеч қаерда (бу иш юзасидан) тайёргарлик кўрилмаган. Магар бир қуни Молпур (Ёлпур) қозисининг уйдан қилинган илтифот қаттиқ нон, қуритилган мева ва савик юзасидан бўлган. Бир қуни шаҳзода қаҳчирини тилга олганлар, ҳамроҳлари саройга бориб (қаҳчирини) йиғолмаганлар ва оддий идиш (ликочча)да кетрачуби<sup>17</sup> келтирганлар. Ота ва ўғил оч эдилар, шоҳ нигоҳи билан ўғлини овқат емоққа ишора қилдилар. (Ўғли) аччиқланди ва таомдан емади. Шоҳ, иншааллоҳ, раззоқ, икки-уч кунда дин қибласи (яъни Оламгир)нинг неъматидан улуши ва Онҳазрат валинеъматнинг давлати (бойлиги) муяссар бўлажак, деб тасалли бердилар. Қандай ажойибким, амалда мавжуд ҳукм ҳамдард; ва қандай яхшики, садокатли банданинг жонига бу ихлос(мандлик) раҳбардир.

Йигирма тўртинчида шаҳзода Бедорбахт бахти равнақлигига асосан саккиз мингчи, икки минг суворли мансабга сарбаланд этилдилар. Ва Обидхон ғойибона «Қиличхон» хитоби билан сарафроз бўлдилар.

<sup>17</sup> Кетрачуби – таом номи.

Ўн биринчи зулҳижжада Мондилдан кўчилди. Рононинг одамлари Дехбори дарасидан чиқиб кетганликлари сарой хизматкорларига маълум бўлди.

Хофиз Муҳаммад Аминхон «Банданинг одамлари токка чиккан эдилар, у томондаги дарада ҳеч ким кўринмаган», деб арзга етказди. Роно Удайпурни ташлаб кочган.

Ўн иккинчи зулҳижжада мазкур дарада икбол чодирни ўрнатилди. Хусайналихон ул кофирни таъқиб этишга тайинланди. Подшоҳзода Муҳаммад Аъзам ва Хонжаҳон Баҳодир Удайпурни кўришга ижозат олдилар. Рухуллоххон ва Яккатозхон Рононинг ҳовлиси олдидаги даврнинг нодир биноларидан бири, молу жон хароб бўлишининг асосий сабабчиси (ва унга) топиниш – нафратни орттириш ҳисобланмиш азим бутхонани яқсон қилиш учун (1026) кетдилар. Мочотур рожпутанларидан йигирма нафари бутхонада жон бериш учун ўтирган эдилар, улардан бири қарама-қарши чиқиб, бир қанчасини ўлдирди ва ўзини ҳам ўлдиришга тутқазди. Шундан сўнг бошқаси чикди. Худди шу тарзда йигирма нафар одамнинг ҳар бири кўпчилигини мўътабар ғазаб ихлоси билан фаножога (йўклик маконига) жўнатди ва ўзлари ҳам (сафарга) ошиқдилар. Бутхона бўшаб қолди. Мир Шаҳобиддин (ўз) толедан амирлик ва сардорлик юлдузи чиқишини хоҳлар эди, шунга кўра, тақдир дурлари оёк остидан чикди. Мазкур мир калъачилар жамоаси билан биргаликда давлатхонада шабгирлик (қоровуллик) хизматида турар эди, уни ярим кечада мунаввар саройга чақиртирдилар (ва дедилар): «Бир қанча кундирки, Хусайнали кофирларни таъқиб қилиш иши билан дарага кетган, ундан ҳеч қандай хабар йўқ; сен бориб ундан хабар келтиришинг лозим».

(Мир Шаҳобиддин) дарҳол калъачилар жамоаси билан бирга олий ҳукмга итоат қилиш йўлини тутди. Бегона жойларнинг кайфиятидан беҳабар бўла туриб, пасту баландликлар, кўпдан-кўп ва узоқ масофа ҳамда йўлдаги қароқчилар хавфу хатарига қарамай, бахтининг мадори, эътиқодининг раҳнамолиги билан тўппатўғри босиб борди, тақдирнинг раҳнамолиги (уни) мазкур хоннинг лашкарларига етказди, у хабар олиб, маълумотлар тўплаб, яна шу йўл орқали қайтиб келди.

Икки кундан сўнг (Мир Шаҳобиддин) кечкурун саройга келиб, мулозаматга киришга сазовор бўлди. У бевосита бахш этилиб қўлига тутқазилган икки юзчи қўшимча билан етти юзчи

бўлди ва хонлик хитобига сазовор этилди ҳамда фил, камон, хос совут иноят этилиши билан махсус эътиборга сазовор бўлди, ҳукм қилинишига кўра, унга Ҳусайналихон ёнига қайтиб боришга рухсат берилди, (хоннинг) олдига келиб, ниҳоятда мавқели ўринлардан бирига ўрнашди.

Сарбаландхон мирбахши узоқ муддат касал бўлиб, тўртинчи зулҳижжада фоний дунё билан видолашди. Ул охират саройига йўл олган (марҳум) аъёнлар ичида энг ажойиби ва очик кўнгилли бошлик эди. Шундай ихлосманд банданинг (орадан ) кетиши муқаддас хотирга зўр таъсир кўрсатди (103а).

Йигирма тўртинчи зулҳижжада Ҳимматхон Оллоҳободга қайтиб кетишга рухсат олди. Подшоҳзода Муҳаммад Акбар хилъат ва киймати қирк минг рупиялик лаъл сарпеч марҳамат қилиниши билан сарафроз этилиб, Удайпур томон рухсат олдилар. Ва Ҳусайналихон саркардалигида Рононинг танбеҳи ва тазирини бериш учун барча тайёргарликлар, кўпдан-кўп куруллар билан (яна) бир фавж (лашкар) тайин этилди. Унинг ўртоқларидан бўлмиш гуруҳ бошлиғи Шайх Разийиддин бу муҳим иш юзасидан зўр тайёргарликлар кўриб, хонлик хитоби билан шуҳратланди, унинг ҳамроҳлари хилъатлар иноят этилиши билан эъзозланиб (сўнг ҳаммалари) кетишга рухсат олдилар.

Сарбаландхон вафотидан сўнг мирбахшигирлик (хизмати) Рухуллоххонга топширилди, унинг ўрнига Салобатхон тўпхона доруғаси ва Салобатхон ўрнига Солиххон филхона доруғаси бўлдилар. Тахурхон «Подшоҳқулихон» хитоби билан шуҳрат топди.

Дорус-салтанат Лоҳурдаги воқеалар ҳақида олий арзга етдики, у ернинг қозиси Сайид Али Акбарнинг таъб хамирида диёнат, собитлик ва салобат борлиги ваҳҳидан ниёз бошини қимсага эгмаган. Унга карама-қарши ўлароқ Саййидозил исмли амакиваччаси ақлсизлиги сабабли золим ва баджаҳл бўлган. Унинг дастидан ва тилидан нозим ва кутвол жонларидан тўйганлар, охирида унинг жонига қасд қилишга тушганлар. Қози ҳам бу ғазаб ва фитна асосида Мирқавомиддин нозим билан сўқишиш ва уни расво этишда тамом жонини аямаган. (Натижада) нозим ва Низомиддин кутвол мансаблари, хизматларидан четлатилганлар. Низомиддин Лоҳурда умидсизликка тушган, Қавомиддин эса саройга чақиртирилган. Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам унинг ўрнига Панжоб субаси нозимлигига (тайинланиш) ҳамда турра ва зарҳалланган муттақо ато этилиш билан бахтиёрлик чорболишининг равнақини кучайтирди-



лар. Лутфуллоҳхон субадор ноиблиги билан юқори мақомга чиқди. Унинг ўрнига Абу Насрхон арзи муқаррам хизматига эга бўлди.

Қавомиддин Ажмирда саройга келгач, шариат маҳкамасида унга хайфсан берилди, то марҳум Саййид Али Акбарнинг ўғли дарбор (саройнинг) шафоати билан қарияга нисбатан йиғи-сигини тўхтатмагунча ҳаёлидан қасос олиш фикрини чиқариб ташласин. (Аммо) хон ҳам ўзининг ёмон аҳволидан куйиниб, тезда фоний дунёдан ўтди. Иккинчи муқаррамда (Худо) бандаларининг Онҳазрати (1036) Роно қурдирган Уди кўлини кўришга ташриф буюрдилар. Кўл ёқасидаги ҳар уч бутхонани бузиб ташласинлар, деган ҳукм бўлди.

Олий арзга етдики, Ҳусайналихон йигирма тўққизинчи зул-ҳижжада дарадан ўтиб, Роно устига ҳамла қилганида у (Роно) чодир ва буюмларини ташлаб кочган. Ушбу сафарда лашкарлар кўлига кўп ғалла тушган (ва бу ҳол) арзончиликка сабабчи бўлган.

Еттинчи муқаррамда Ҳусайналихон Ронодан қолган чодир, буюмлар ва бошқаларни йигирмата туяга ортиб саройга келтирди. Роно ҳовлиси олдидаги бутхона ва Удайпурдаги бошқа бутхоналар ҳам ер билан яксон қилинганини арзга етказди. Мазкур хон «Баҳодир Оламгиршоҳ» хитоби билан мумтоз этилди.

Тўққизинчи муқаррамда Хонжаҳон Баҳодир хилъат ва кимматбаҳо тошлар билан безатилган ханжар, тилла жиҳозлари билан бир от иноят этилиш марҳаматига сазовор бўлди, Мандсур томон кетишга рухсат олди. Сафар (ойи) бошида динпарвар хон Читапурни кўришга ташриф буюрдилар ва қатъий ҳукмга кўра, у ердаги бутхоналар йўқ қилинди.

Бешинчи (матнда “сафарда” сўзи ёзилиб, сўнгра ўчирилган) Хонжаҳон Баҳодир Маёзардан саройга келиб, Читапурда мулозаматга кириш шарафига эришди, у муборак бадандан ечиб берилган нимаи остин билан имтиёз қоматини ораста қилди.

Еттинчи (“сафарда” сўзи ўчирилган) Аҳмадобод нозими Ҳофиз Муҳаммад Аминхон кетишга рухсат ҳамда хилъат, от ва фил ато қилиниши билан мумтоз этилди.

Тўққизинчи (“сафарда” сўзи ўчирилган) жангу жадал маъракаси пешқадамларининг улуғи Хонжаҳон Баҳодир зафаржанг Кўкалтош хилофатнинг катта ўғли ваколати ўзгартирилгандан сўнг Декан субаларининг нозимлиги хизмати ҳамда хилъат, зарҳалланган жамдҳар, от ва фил инъом қилиниши билан илтифотли ҳоқоннинг эъзозу иқромига сазовор бўлди.

Адолат доруғаси Шайх Сулаймон «Фазоилхон» хитоби билан афзалланишга муносиб этилди.

Ўн иккинчи (“сафарда” сўзи ўчирилган) подшоҳзода Муҳаммад Акбар мунтазам лашкар билан Читапур навоҳининг муҳофазасига белгиландилар ҳамда (104а) хос хилъат, малоий марварид, тилла жиға, от ва фил ато қилиниши билан муқаррам этилдилар. Ҳусайналихон, Шижоатхон, Разийиддинхон ва бошқалар хилъатлар иноят қилиниши билан бахтиёр бўлиб, подшоҳзода уларга рухсат олдилар.

Одилхон Бижопурий қизи билан биргаликда олий саройга келган Ҳаким Шамсо хос хилъат ва тилла жиҳозлари билан бирга бир от, фил, уч мингчи, бир минг суворли мансаб ва «Шамсиддинхон» хитобини олиши ҳамда Хонжаҳон Баҳодир хизматига тайин этилиши билан дил орзусига етди.

*Музаффар мавқабнинг Удайпурдан дорул-хайр  
Ажмирга қайтиб келиши*

Ўн тўртинчи сафарда ғалаба байроқлари Удайпурдан Ажмир томон баланд кўтарилди.

Мансабидан четлатилган солонодор (йиллик маош олувчи) Абдуллоҳхон икки мингчи, бир минг суворли мансаб ва Абдурасулхон ўрнига Акбаробод қалъадорлиги билан иззат қалъасига кирди. Муқаррамхон фисқу фасодчилар танбехини бериш учун Духнур (Дупнур) томон рухсатга ва фил ҳамда хилъатга эга бўлди.

Йигирма тўртинчи (“сафарда” сўзи ўчирилган) Ялангтўшхон Баҳодирга улуғлик ва ифбат пардасидаги подшоҳзода Зийнатуннисо бегимга ҳамроҳ бўлиш (ва) саройга чакиртирилган авранг-ободлик хос хизматкор (паростор)ни олиб келиш учун рухсат берилди.

Волошоҳликнинг қадимий (бандаларидан) Абулфатҳнинг биродари Қобилхон мирмунший (мир бахши) хизматининг риоя қилиниши ва ишончли киши бўлишига кўра тарбият назарига манзур этилган ва иноятларга сазовор қилинган эди. Лекин бахти коралиги уни йўлдан оздирди, оёқларининг бежо тойиши билан саъй-ҳаракати ҳиммат жойидан кўчди, куёви Абдулвосе билан биргаликда бир мингчи, етмиш суворли мансабидан, яқинлик воситаси бўлмиш хизматидан ва Тахтаҳа субаси қонунгўйлигидан четлатилди. Илтимосига кўра, дорул-хилофатга келишга рух-

сат олди. (У ерга) келганидан сўнг Фулодхонга унинг хонасини забт этсин ва уйдан чикқан ҳолатда, ўз отига миндирганича шаҳардан қувиб юборсин, деган ҳукм бўлди. (Ҳукм) айни шу тарзда амалга оширилди. Икки ярим йилга яқин муддат ичида (йикқан) буюмларидан ташқари ўн икки лакх рупия нақд пули, янги қурилган (1046) ҳовлиси забт этилди. У Лоҳурга бориб, умр асбобларини йиғиштирди. Фозилхон унинг ўрнига (докчуки) доруғаси бўлиб, бахтиёрликнинг илдам пиёда юришини шухрат дастининг қистови билан янада тезлатди.

Ва подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг муншийи Шайх Маҳдум иншо (ёзиш) хизмати билан ўзининг толе маншурини подшоҳлик иноятининг шараф туғроси билан зийнатлади ва беш юзчи, ўттиз суворли мансаб, нақшдор жамдҳар, икки минг рупия нақд пул ато этилиши билан дил мақсадига етди ва буткул тилла чира, фўта, кимхоб жомавор ва либос (берилиши билан) эътиборини янада орттирди. Толеи бундан ҳам юқорирок бир мингчи мансабига ҳамда «Фозилхон» хитобига кўтарилиши ва олий (мақом) садрлар пешвоси (умдаи садорат) хизмати билан даражаси юксалган эди, (лекин) йўқлик ҳукми остига тушиб қолди ва ўчирилди: унинг ўрнига подшоҳзода хизматига Шайх Абдусаммад Жаъфархон ўғли шайх Абдували тайинланди.

Рабиул аввал бошида Ажмир ўлкаси олий мавқаб (қўшин) кириб келиши билан барқ уриб чароғон бўлди. Аввал (Онҳазрат) восилларининг пешвоси Ҳазрат Хўжа Муъиниддиннинг – Аллоҳ қабрини мунаввар айласин – муқаддас равза (қабр)ларини пиёда тавоф (зиёрат) этиш билан саодат топдилар ва сўнг яна файзи ораста сояни иқбол давлатхонасининг қошонасига туширдилар.

Тоҳирхон ўғли Мўғулхон Декандан (келиб) муқаддас остона хокини ўпиш шарафига эга бўлиб, биринчи мири тузук хилъатини кийди.

Салобатхон гуноҳқорлиги сабабли мансабидан четлатилди, Баҳрамандхон унинг ўрнига тўпхона доруғаси ва Абдурахмон Баҳрамандхон ўрнига ахтабеги бўлишди.

Боқихоннинг ўғли Ҳаётбек хонлик хитоби, Хўжа Камол «Ханжархон» ҳамда Марзохон (Марзожон) ўғли Абдулвоҳид «Мирзохон» хитоблари билан шухратландилар. Хушдорхон ўғли Комкорхон мансабидан четлатилган эди, қорнига тўрт марта жамдҳар урди, жигархасталар(нинг) илтифот малҳами билан юзини тузалиш томон бурди.

Ўнинчи рабиул аввалда «Подшоҳнома»нинг учинчи жилди (105а) Ворисхон воқеахоннинг фасоҳат қалами таҳрири остида охирига етган эди (ва) у Толиб Али Савдойининг ҳолидан хабардор бўлар ва кишилар унга ҳалал етказмасликларини хоҳлар, кечалари ўз ёнида (ухлатиб) кийимларини (устига) ташлаб қўяр эди, (лекин толиб Али Савдойи) уни қаламтарош захми билан ўлдирди.

Ўн еттинчи (“рабиул аввал” сўзи ёзиб-ўчирилган)да Шох Олам Баҳодирнинг маълумоти хушxabарларни жам этган кулоққа етдики, Бижопурда номи баланднинг номига хутба ўқилган ҳамда муборак сикка сийму зар зебини орттирган; шону шавкат саройининг палос ўпувчилари муборакбод совға-саломини бажо келтирдилар.

Рабиул охир ойининг ўн олтинчисида подшоҳзода Муҳаммад Аъзам фармонга кўра, муаззама, мукаррама ҳамшираси (опаси)-нинг истикболига бир манзил масофа чиқиб, ул хурматлини (аврангободлик хос хизматкори билан бирга) муқаддас иззат ва ҳурмат саройига олиб келдилар.

Ғарибпарвар ғанинавозиш хоқон арзига етдики, Балх воли-йи Субхонқулихоннинг оталиги Назарбий манфаатталаб пешонасига мақсадга етишнинг кучоқ очиши билан олам халқларининг паноҳи бўлмиш саройга келди. Унга Кобул хазинасидан беш минг рупия ва Лоҳур хазинасидан ҳам шунча (маблағ) берилсин, деган ҳукм бўлди.

Балх элчиси Қаландарбий мулозаматга кирди, у хилъат, ханжар ва етти минг нақд пул олди.

Мир Мангит ўрнига Ҳожи Шафиъхон Бангола девонига тайинланди. Шарифхон унинг ўрнига доғ ва тасхиҳа доруғаси бўлди. Ҳомидхон Сувжит ва Хатёрин фикри бузуқлар танбеҳини беришга тайин қилинди. Муҳаммад Мирак гузарбардор «Муҳаммад Миракхон» хитоби билан мумтоз бўлди. Шижоатхон ўрнига Ифтихорхон Жунпур фавждорлиги хизматига сарафроз этилди. (Амалидан) четлатилган Мултафатхон бир мингчи, бир минг суворли (мансабига) тикланиши ва Ғозийпур фавждорлиги билан даврнинг азизи бўлди.

Жумодул аввалнинг бошида тўпхона доруғаси Баҳрамандхон кўлнинг ул бетиде боғдаги манзилида (105б) дарахт соясида ўтирганида уни яшин урган, хаста хон ховузга тушиб кетиб, бир канча соат ўзидан кетганидан сўнг ҳушига келган.

Йигирма биринчида арзга етдики, Хонжаҳон Баҳодир Аврангободга бориб, Шох Олам Баҳодир мулозаматига кирган. Улар остона ўпишга азм этганлар.

Йигирма олтинчи жумодул аввалда бахтиёрлик майдонининг шаҳсувори подшоҳзода Муҳаммад Аъзам ва Султон Муҳаммад Бедорбахт кўпдан-кўп инъомлар билан марҳаматларга сазовор бўлиб, зудлик билан Роно ясоғига улуғворона азм этдилар.

Назрий «Ўзбекхон» хитоби ва икки мингчи, етти юз суворли мансаб ила иттифоқ бошини яқин кишилари билан баробар қилди.

Муҳаммад Амин «Шоҳкулихон» хитоби ва Ҳожи Муҳаммад «Мирхон» хитоби билан эъозландилар.

Еттинчи жумодул охирда подшоҳзода Муҳаммад Аъзам Читапурга етиб келдилар, подшоҳзода Муҳаммад Акбар (у зотни) сарой аҳлларининг бошлиғи сифатида кутиб олдилар. У ердан чиқиб, Сувжиб ва Хитёрон томон равона бўлдилар.

Салтанат тахтининг хизматкорларига Декан воқеалари ҳақида маълум бўлдики, жаҳаннамий Сиво йигирма учинчи йил йигирма тўртинчи рабиул охир ойида Суворийдан келиб, икки мартаба шиддатли ҳамла қилиш билан бекордан-бекорга қон тўккан ва жаҳаннам қаърига тушиб кетган. Онбир (Обнир) бутхоналарини ер билан яқсон этиш учун кетган Абутуроб йигирма тўртинчи ражабда саройга келиб, (исёнкорларга уя бўлган) қўлга киритилган олтимиш олти бутхона хароб этганини маълум қилди.

Гвалиёр қалъадори Хўжа Муътамадхон ўнинчи шаъбонда ҳаёт қалъасидан чиқиб кетган.

### *Оламгир хилофатининг бир минг тўқсон биринчи йилига тўғри келган йигирма тўртинчи йили бошланиши*

Фаровонлик ва баракот байроғини баланд кўтарувчи ҳамда илоҳий ҳақиқат йўлининг шамини ёритувчи хайрибтидо ва файзинтиҳо рамазон (ойи) ташриф чехрасини ораста этди. Мусулмонлар жамиятида фаровонлик ва маъмурлик қад кўтарди. Яқин ар-боблар қибласи, олам халқлари хокони (106а) кеча ва кундузи худопарастлик расм-маросимларини амалга ошириш билан муборақ (рамазон) ойини обод ва мунаввар этдилар.

Хизматгузарон Читапур бахшигирлиги ва воқеанавислигини ижро этишга камарини боғлади.

Ўн биринчи рамазонда Яккатозхон бақо оламига сафар этди. Унинг ўғиллари Мир Абдуллоҳ, Мир Нуриллоҳ ва Мир Атоуллоҳ таъзия хилъатини олдилар. Иккинчи бахши Оқилхон дорул-хилофат субасининг нозими мансаби, хос хилъат ва марваридлар қадалган ханжар ато қилиниши билан бахтиёр этилди.

Иккинчи шавволда Ғазанфархонга ва Муҳаммад Шариф Хушманзилга ҳамда қоровулларга тўрт юз суворий билан бирга Ажмирдан то Рож Самандар кўлигача бўлган манзилларни аниқлаб (билиб) келишлари учун рухсат берилди.

Ўнинчи шавволда Ҳимматхон биринчи бахшигирлик (мансаби) билан сарафроз этилди ва уйига хилъат ҳамда олтин дупта юборилди.

Ўнинчи шавволда Муътамадхоннинг жавоҳир ва чорва молларидан ташқари ўн икки лакҳ ҳамда эллик минг рупия микдоридаги мол-мулки Гвалиёрдан саройга келтирилди.

Йигирма олтинчида Ҳомидхон Ротхур исёнчиларининг адабини бериб қўйиш учун Мирта томон шошилди. Унинг ҳамроҳларидан Шаҳобиддинхон хилъат, урғочи фил ҳамда бошқа буюмлар марҳамат қилиниши билан хушдиладан этилди. Рухуллоҳхон иккинчи бахшигирлик хизмати (тайин этилиши билан) ифтихор бошини баланд этди. Зулқаданинг бошида (Рухуллоҳхонга) хилъат, от, фил ва байрок олиш билан подшоҳзода Муҳаммад Акбар хизмати рухсат этилди.

Мўғулхонга Собанҳар ва Диндавона (Майдувона) исёнчиларининг таъзирини беришга ижозат этилди.

Исломхон Румийнинг ўғли Мухторбек «Навозишхон» хитоби ҳамда хилъат инъомига, машҳур хинд либосини кийиш илтифоти сазовор бўлди.

Ўн саккизинчи зулқаддада подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг сарқори Муҳаммад Наим бахши (бахшигири) одамлари билан бирга подшоҳзодадан хилъат олишди ва подшоҳзода Муҳаммад Акбар хизмати зудлик билан жўнаб кетишди. (1056).

Қавомиддинхоннинг ўғли Садриддин отаси (нинг вафоти муносабати билан) мотам хилъати олиши ила азиз этилди.

Удуб Сингх Беҳдуря Читпур калъадори бўлди. Сайидхон вафотидан сўнг Кобул калъадорлигининг фармони Шаҳоматхонга шараф билан юборилди.

Олтинчи зулҳижжада Лоҳурдан нурга тўла саройга келган Лутфуллоҳхон Абдурахимхон (Абдурахмонхон) ўрнига доруғалик хизмати билан илтифотга сазовор бўлди. Учинчи даражали бахшигирлик (бахшигири севвум поя) хизмати Абдурахимхоннинг иззатини орттирди, унга яшм тошдан ясалган довод марҳамат қилинди. Сазоворхон унинг ўрнига ахтабеги этиб тайинланди.

Қози Ориф ўғли Абулқосим учинчи бахшилиқ раҳбарлиги (пешдасти)нинг гиламини олди. Рожа Сингх ва Партаҳи Сингх Ратхварларнинг ҳар бири хилъат ва икки минг рупиядан инъом эгаси бўлди. Аъизхон Кобул раҳдорлиги ва дўмбира (нақораи кус) илтифот қилиниши билан иззат топди. Қиличхонга юбориш учун Шаҳобиддинга хилъат ва тилла жиҳозлари билан бир от топширилди.

Диёнатхоннинг ўғли Дивафканхон «Муътамадхон» хитобини олиб, Шарифхон ўрнига доғ ва тасхиҳа доруғаси мансабига эришди.

Султон Бедорбахт (Қуръони каримни ёдлашни) тамом қилиш саодати билан алломалар мулки (подшоҳлиги)га эга бўлдилар, ёқут ҳалқа билан бирга малойи марварид олдилар.

***Хонадонни барбод қилувчи фикри бузуқлар извоси билан подшоҳода Муҳаммад Акбарнинг муҳолиф бўлиши баёни***

Аллоҳу акбар – бу қандай иқбол; субҳоналлоҳ – бу қандай афзаллик! Олам тахтининг Оламгири агар баҳайбат ва метин тоғларга қаҳр офтобининг бир назарини ташласа, улар мумдек эриб кетади; агар ҳар икки олам кишилари итоатсизлик ва исён камарини боғласалар, Худонинг ёрдам-мадади ва ҳимоясининг кўмаги билан жаҳон подшоҳи (уларни) бир дамда йўқ қилади. Ҳар қаерда зафар бўлса, ушбу мангу зафарманд томон ошиқади ва (ҳар қандай зарарли) иттифоқ (ул зот) бармоғининг ишораси билан маъносиз бўлади, (зеро) унинг чехраси ягона Тангридан кушойиш топган. Бу сўзларнинг исботи бахту саодатларга бой давр иқбол мамлакатининг тахторойи бўлишида, қудрат ва шону шавкат саройининг тўрт оёқли (тахти)да ўтиришининг тобора раванқ топишида (107а) намоён бўлган.

Бузуқфикр Муҳаммад Акбарнинг муҳолифликларга тўла аҳволи шуки, унинг ҳаёт йўли бир ҳовуч сарой аҳли исён бўронини кўтариши билан бузиб юборилди. Бахти қоралиқ кучи унинг тоқат қувватини букиб, туғёнтабиатлик (ва) қашшоқлик чўлига ҳайдади. Магар билмадики, фард:

*Ақл айтар: ул одам бўлар шаҳриёр (ҳоким)*

*Ки, у даврнинг маъқул қилгани бўлса,*

*(Лекин) мастлик қилувчи хабар норози эмас,*

*(Ва) хома суришда тездастлик қилувчи ҳам эмас.*

Акл-идрокка барҳам берувчи ва пухта тадбирларни хом қилувчилар тўдаси то у охириги дамигача саросимада бўлсин ва хою ҳавас касалининг дарди билан доимий бузуклик тўшагидан турмасин, дея унга паришонлик (тартибсизлик) иродасини боғладилар. Йигирма олтинчи зулҳижжада (мухбир манҳий)ларнинг маълумотларидан ва манзур нозирлар ҳамда бошқа хабар қилувчилар биргаликда осмон каби баланд сарой (боргоҳ)нинг бўстон бисотига арзга етказдиларки, подшоҳзода ақлли ва фаросатжавҳар бўлишига қарамай, малъун, хонавайрон ратҳворлар ва баъзи толеи паст, ҳаромтомоқ хонзодаларга яқинлашиб, исён ва муҳолифлик камарини маҳкам боғлаган ва оқибати ёмон сўқиниш, қарши туриш иродаси билан бўйсунуш ва эътикодга итоат доирасидан чиқиб кетган. Подшоҳлик навкарларидан ўзига мувофиқларига қўшимча ва хитоблар бериш, баъзиларини мунофиқ қиёс этиб, оёқости қилиб, улуғтабиат ва хайрфикр шаҳаншоҳга фарзандлик вазифасини ўтамай, дилозор, хотирани писанд қилмайдиган бўлиб қолган. Ушбу воқеанинг тадориги Худонинг мададига ҳавола қилинди ва бу ногаҳон офатни даф ва барбод этишга таважжух буюрдилар. (Мазкур ишга) Баҳрамандхон мироташ маъмур этилиб, у лашкарнинг теварак-атрофидаги қалъаларга қоровуллар қўйсин, эшиклар муҳофазасига кишилар тайинласин ва давлатхонагача келиб қўшилган ҳамма кўчаларга тўплар чиқарилсин, дейилди. Гужарот нозими Ҳофиз Муҳаммад Амин ва бошқа аъёнларга огоҳ бўлиб, ўз худудларидан хабардорликда мустаҳкам қадамга эга бўлсинлар, дея итоати вожиб ҳукм ёрлиғи юборилди (1076). Музаффар қўшин фиску фасодчилар, исёнчилар танбеҳи ва адабини беришга тайин этилди ва сафарбар қилинди. Саодат рикобининг ҳаммаси бўлиб ўн минг суворийдан зиёд аҳли хизмат бандалари хузури(сарой)га келиш шарафига эга бўлдилар. Уларнинг аксарияти «Баҳодирлик кўрсатишга қулай вақт етган экан, нега бунга чўзиш керак», деган гавҳар сочувчи сўзлар айтдилар.

Йигирма тўққизинчи зулҳижжада шикорга чиқишга яқин от миниш олдидан аксар аъёнлар ва қоровуллар бошлиғи жумлатулмулк Асадхон ва бошқалар Сулаймондек улуғ подшоҳнинг қаҳрамонлик барқ урган назарига келдилар. Жумлатулмулк ҳар кун охирида қалъа қоровулларини текшириб чиқиш ишига тайин этилди. Подшоҳзоданинг шум мақсадли ва ёвуз ниятли ишида раҳнамо бўлган вакили ҳамда Нажобатхон ўғли Шижоатхоннинг вакиллари Иноятхоннинг куёви Подшоҳқулихон Гада Битли қалъасига



камаб қўйилсинлар, деган ёрлик таркатилди. Қиличхоннинг ўгли Шаҳобиддинхон Гужаротга боришга азм этган Сунак, Дуркадос ва бошқа ратхварлар таъзирини бериш учун Саруҳи томон кетган эди. Шу вақтда малъун, ёвуз фикрли исёнчилар (ратхварлар) подшоҳзода ёнига бориб, (уни) фасодга раҳбар ва гумроҳликка шерик қилганлар. Подшоҳзода Миракхонни мазкур хон олдига юбориб, иноятлар қилиб, хирсини ошириш ва тухфалар бериш йўли билан унинг келиб ёрдам кўрсатишини орзу қилган. Ўзи билан кўп жамиятга эга ҳамда подшоҳзода лашкарлари билан ўрталарида анча масофа бўлган бу хонга яхши мақсадлилик, чуқур мулоҳазалик ҳамда толеи ёрлик раҳнамо бўлдики, у Миракхон билан биргаликда икки кун ичида олтмиш куруҳ масофани босиб ўтиб, саодат рикоби (жилови)га етиб келди. Унинг ҳамроҳларидан икки юз кишининг ҳар бири мулозаматга кириш шарафига эга бўлиб, азиз этилди, хилъат ато қилиниши ва таҳсину офаринлар (айтилиши) билан тенгқурлари олдида имтиёз қозонди (108а). Унинг бахти кўпдан-кўп орзу-умидларга бирин-кетин етишга ёр бўлди. Чодир ва буюмларини подшоҳзода лашкарида қолдириб келган Миракхонга хилъат, ўн минг рупия нақд пул ҳамда икки юз эллик суворли қўшимча марҳамат этилиб, шодмон қилинди.

Шаҳобиддинхоннинг биродари Муҳаммад Ориф хилъат ва (мансабига) қўшимча олди. Юқори ҳамда паст мансаблилар қўшимчалар ва хилъатлар билан эъзозу икромга сазовор бўлдилар.

Зулҳижжа ойи охирида шикор қилувчи ҳокон отга миниб, (ёвуз ниятли)ларни, лашкар ва қоровулларни шону шавкат назаридан ўтказдилар.

Подшоҳга таъзим бажо келтирилишига масъул хизмат (чуки хос) ходимлари ва бошқа тайин этилган бандалар билан биргаликда Дуржан Сингхнинг таъзирини бериб қўйиш ишига маъмур этилган Ҳомидхоннинг илдам етиб келиши ва сарой аҳли бошида туриб мулозаматга кириши унинг яхши бандалик ва яхши ниятлилики ҳуснини янада гўзал қилиб юборди.

Иккинчи (ўнинчи) муҳаррамда бахтиёрлик осмонининг ёруғ юлдузи – Шоҳ Олам Баҳодирнинг Роно қўлига етиб келганлиги ва тез орада кайвонмақом даргоҳнинг олий мулозаматига кириш саодатига эга бўлиши мазмунидаги хабар келди. Асадхон ва Муҳаммад Алихон, Абунасрхон ва бошқалар текшириш (кузатиб келиш) иши билан Пуҳқар қўли томон бориб, қайтиб келдилар. Оғир касалга мубтало бўлган Ҳимматхонни Ажмир мудофааси учун қалъада қолдирдилар.

Учинчи муҳаррамда жума намози адо этилгач ва маъни рав-засида муаттар бўй таратувчи фотиҳа ўқилгач, Ажмирдан чикиб Дюройи мавзеида бошини фалак гумбазига теккизиб давра ясаб тикилган иқбол сародуқиға улуғ ташриф буюрдилар. Қоровулликка кетган Шаҳобиддин Каркида душманларнинг бир фавжи санғиб юрибди, деб хабар килди. Шунга асосан у кечаси ўша ерда қолиб, саройға келмади. Саодат жилови жамиятини ташкил этган улуғлар бахш этган (кишилар) ўн олти минг суворий ҳозир бўлди ва (улар) тартиб билан лашкарий гуруҳларға тақсимланди – ғул (бирдан ҳамла қилувчи), хировул (илғорлар) ва қоровулларға ўн минг суворий, жавонғор ва баронғор (чап ва ўнг) (1086) қанотға олти минг суворий (белгиланди).

Жосуслар, подшоҳзода қаршилиқ кўрсатиш азмиға қадам қўйган, аммо лашкарлар ва тобе кишиларнинг аксарияти кўрқиб, кулай вақтни топиб қочиб кетмоқдалар, деган хабар келтирдилар.

Камолиддинхон ва бошқалар олий ўрдаға келиб қўшилдилар.

Бешинчи муҳаррамда бомдод намози адо қилингач, ёвуз ниятли фитначилар таъзирини беришни лозим топиб, мадад ва зафарбахш отиға миниб, ўттиз беш жариб йўл ўтиб, Дубора мавзеиға фатҳ юлдузли қўшинни жойлаштирдилар, шомиёна ва кинатларида андақ ўтирдилар. Ахборот етказувчи келиб, душман кема-кет келмоқда, деди. Олға борсинлар, киришға йўл берсинлар, деган буйрук бўлди. Пешин намозидан сўнг Шоҳ Олам Баҳодир муқаддас мулозимат(ға кириш) билан дини давлатнинг бахтиёри бўлдилар. Ҳукмға мувофиқ, Дюройидаги чодирни келтириб, мушарраф қадам учун мухайё қилдилар. Кечасидан бир пос ва икки қаҳри ўтганда Онҳазрат тоат жойнамозида тик турдилар. Шоҳ Олам Баҳодир саройға (кириш) шарафиға эға бўлдилар. Муқаддас аср намозига маълум бўлдики, Подшоҳқулихон мағлубасар лашкардан ом ва хосларға захмат етказган. Ғусулхона доруғаси Лутфуллохонға уни яроғсиз келтирсин, деган ҳукм бўлди. Кўнглида фосидлик қилиш иродаси зоҳир бўлган у конхўр Дюдахида ғусулхонаға кириб, қурол яланғочлаш билан катта ғавғо кўтарган. Лутфуллохон бориб (буйрукни) маълум қилган. (У) мен хонзодаман, ҳеч вақт яроғ(қурол)сиз юрмайман, деб айтган. Буюрдилар: қурол-яроғ билан келсин. То Лутфуллохон қайтиб боргунча унда кўрқув ғолиблиқ қилиб, қочмоқчи бўлган. Лекин харомтомоқлик унинг оёғиға занжир бўлиб тушган: ғусулхона дарвозасининг эшикларидан оёғи чиққан заҳотиёқ жилови хос

одамлар унга ташланганлар, унда чихилкад ва ичидан совут борлиги сабабли (109а) захматлар кам таъсир этган, биргина захм халқумига бориб етган, унинг фитна димоғи хомуш бўлиб қолган.

Бешинчида улуғ шохликнинг қадимий баҳодирларидан Исомхоннинг ўғли биринчи бахши Ҳимматхон ҳаёт бисотидан ажралгани арзга етди. У жаҳоннинг яхши зотлиги, марҳамат сифатлиги, хайрихоҳлиги эди. Илм ва хунар арбоблари унинг даврида ҳар соҳада азиз ва мўътабар бўлганлар ва бахтиёр эдилар. Вазн қилиш (шеър ёзиш) таъбиға эга ота ва ўғил эдилар, ёдгорлик саҳифасига назм ҳамда насрда фасохат ва балоғат рақамларини битганлар.

Олтинчи муҳаррамда тонг ёришишидан аввал хушxabарларни жам этган қулоққа эшитилдики, подшоҳлик давлатхонасидан бир ярим курух масофада ўраб олинган Муҳаммад Акбар ярим кечада аҳли аёли ва болаларини қолдириб қочиб кетган. Фард:

*Чехрани мунаввар этувчи ҳар ким ҳар далир  
(қахрамон)ликни билавермайди.*

*Оинасозлик қилувчи ҳар ким ҳам Скандарлик  
қилолмайди.*

*Қулоҳни чаккага қўйиб юқори (мақом)да  
ўтирган ҳар ким ҳам*

*Қулоҳдорлик (хоқони мутлақлик) ва сарварликнинг  
йўлини билавермайди.*

Ҳокими мутлақлик қулоҳини чаккасига қўйган ҳар бир киши ҳам Худонинг сояси деган номни олиб юриш нишонига (эга бўлиш) ва Худонинг бандаларига мадад қилишдек масъулиятнинг уҳдасидан чиқишга муяссар бўлавермайди, олам хоқонлигининг олий мақомига кўтарилавермайди. Бу фириб еган қаллаварам лаънати бузғунчи фисқу фасоддан иборат ният амрини мақсад тутди, ҳақиқатда эса, пасткашлик қилиш жиҳатидан қахрамонлик ва зўрлик кўрсатиш унинг иши эмас; то умрининг риштаси инқирозга учраганига қадар у надомат ва оху фиғондан ўзга фойда кўрмади, дин ва давлат қибласи, валинсъмат Онҳазрат ундан воз кечди. Байт:

*Сабо шармисорлик ваяхидан гул юзига нигоҳ қилолмади,  
(Чунки у) бор гунчани узди, лекин (гунча) ясолмади.*

Сарой хизматкорлари фатҳ совға-саломлари билан сарафроз қилиндилар ва то бир пос давомида зафар шодиёналари навозиш этди (109б). Хонисомон Муҳаммад Алихон бориб, қорхоналар (за-

хиралар)ни забт этди ва унинг (Муҳаммад Акбарнинг) яхши хулкли нозири Дарборхонни ва ўғли Муҳаммад Асғар ҳамда қизлари Васфиянисо, Закиянисо, Нажиянисо ҳамда хотини Салимабону бегим ва унга тобе бўлган кишиларни олиб келди. Фармонсиз камалган марҳум Шайхмирнинг ўғли Муҳташамхон, Муҳаммад Наим ва Сайид Абдуллоҳлар халос этилиб, олий остонанинг ерини ўпиш билан пешоналарини ораста этдилар ва ҳар бирига хилъат марҳамат қилинди. Шаҳобиддинхон (душманларни) таъкиб этиш учун кетган эди, шаҳзода кетидан бориб (йўлда) қолиб кетган кўп одамларни қатлга етказди. Шоҳ Олам Баҳодир Муҳаммад Акбарни таъкиб қилиш учун рухсат олдилар. Қиличхон, Хонзамонхон, Андар Сингх Ратхвар, Ром Сингх, Сажон Сингх ва бошқалар ул жаноб хизматига тайин қилиндилар. Эллик минг ашрафий Шоҳ Оламга, икки лакх рупия шаҳзода Муъизиддинга, уч минг ашрафий шаҳзода Муҳаммад Азимга ҳамда эллик минг ашрафий Шоҳ Олам Баҳодирнинг жилов хизматига тегишли кишиларга марҳамат қилинди. Рухуллоҳхон мазкур хазинани олиб боришга маъмур этилди.

Еттинчи муҳаррамда замон ва заминнинг музаффарасар хокони қайтишга амр этиб, якин арбобларининг пешвоси Хўжа Муъиниддиннинг – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – мунаввар қабри зиёрат қилингандан сўнг Ажмир давлатхонасига жаннат рашк қилувчи муаттар бўйли ташриф буюрдилар.

Тўққизинчида арзга етдики, Мондил тҳанадори ишга киришган ва фиску фасодчилар қалъалари тасарруф қилинган. Муҳаммад Акбар билан бузғунчилик йўлида шерик бўлган жамоа ҳақида Хўжа Манзур, Маҳрам Када Битлида, Муртазоқули Олур, Қозоқхон Гвалиёр, Ғазанфархон ўғли Муҳаммад Хотам Конакрангани хибсага олинсинлар, деган ҳукм бўлди. Қози Хубиллоҳ, Муҳаммад Оқил, Шайх Таййиб, Мир Фулом Муҳаммад Амруҳалар исён чиқиши олдидан халифа (тахт вориси – Муҳаммад Акбар)га меҳру муҳаббат кўрсатган эдилар, тахтага ётқизиблиб хивичлангандан сўнг улар Када Битли қалъасининг бошлиғи ихтиёри)га жўнатилдилар ва жамоанинг шулар сингари бошқа кўп кишилари қамаш ва хивичлаш билан жазоландилар.

Подшоҳзода Зебуннисо бегимнинг Муҳаммад Акбар номига ёзган мактублари (110а) маълум бўлиб қолгач, ул жаноб тўрт лакх рупия миқдоригаги йиллик маошдан бебаҳра этиш ҳамда молу мулкларини тортиб олиш билан жазоланиб, истикомат учун Саликада қалъасидан жой топдилар.

Ўн учинчи муҳаррамда Бонур мансабдори Бархурдорбекнинг қизи Фаҳрижаҳонхоним Муҳаммад Комбахш никоҳига кириш шарафини топди.

Ўн олтинчида иффат мартабали Аврангободий ва Муҳаммад Акбарнинг хотини Салимабону бегим бошқа тобе кишилар билан биргаликда дорул-хилофатга равона этилдилар.

Шоҳ Олам Баҳодир фавжининг воқеаси ҳақида арзга етдики, ул жаноб Жолур (Жонур)га бориб етганлар. Муҳаммад Акбар Сонжур томон (кетди) ва Қиличхон ҳамда (душманларни) янчиб ташлайдиган лашкарлар эса уни таъқиб этиб бормоқдалар.

Муҳаммад Аъзам лашкарларининг воқеанигори маълум қилдики, ул жаноб тунда ҳамла қилиш ва Ёлдос девонни ғафлатда қолдириш иродаси билан ўша ёвуз устига Диловархонни ташладилар; жангу жадаллар бўлиб, аввал кўпларни аёвсиз қонхўр домига гирифтор қилди ва қочиш вақтида (Ёлдос) ўз хотинини ўлдириб бадар кетди. Унинг қизи бошқа бир қанча кишилар билан биргаликда асирга тушди. Қиличхон подшоҳзоданинг ижозатисиз саройга келган эди, унга мулозаматга кириш ман этилди. Аввал уни Ихтимомхон кутвол назорат остига олди, ундан сўнг (бу иш) Салобатхонга ҳавола қилинди. “Шижоатхон” хитобли Муҳаммад Иброҳим Муҳаммад Акбар билан ҳамроҳликдан ажралиб, Шоҳ Олам хизматига келди, ул жаноб (уни) саройга жўнатдилар, у Акбарни (Муҳаммад Акбарга тегишли) жойларда назорат остида олиб юрсин, деб Ихтимомхон ихтиёрига ҳавола қилди.

Хабарчи Ҳофиз Муҳаммад Амин хат ёзиб юбордики, Муҳаммад Акбар аввал ратхварлар билан бирга тоғдан Роно мулки Дунгарпурга келиб, Ахмадобод томон кетган. Шу онда жосуслар Бирункада (Сирункада) орқали Рож Пати (Рож Патли)дан ўтиб, Деканга кетганлиги ҳақида хабар етказдилар.

Сазоворхон катта гуноҳлари сабабли ўғли билан бирга хибс этилиб, Жалолбек мингбоши (ихтиёри)га ҳавола қилиндилар. Ғусулхона мушрифиди Муҳаммад Шафий ушбу гуноҳли ишда очикдан-очик унга шерик бўлган эди, мансаб ва хизматидан четлатилишда ҳам унга шериклик қилди. Мўғулхон (1106) унинг ўрнига ахтабеги ва Баҳрамандхон унинг (Мўғулхон) ўрнига мири тузук бўлди.

Муршидқулихоннинг ўғли Мирза Муҳаммад ғусулхона мушрифлигига эришди. Топи Дас (Тони Дас) Руҳуллоҳхоннинг пешдасти (ноиб) ва Бол Кашан унинг муншийи этиб тайинланди.

Коко Ромнинг айби билан Оллоҳобод субасида исён ва туғён даштида саргардон бўлиб юрган Хонжаҳон Баҳодир одамлари кутволнинг (тушунтириш бобида қилган) саъй-ҳаракатлари билан тўғри йўлга кирдилар.

Хонжаҳоннинг Муҳаммад Акбар еттинчи жумодул аввалда Бурҳонпур ноҳияларидан ўтиб, урушқок ёвуз Сабанҳо мулкига келгани, у илтифот ва марҳаматлар кўрсатиб, ҳокимиятидаги ўз қалъасидан жой бергани ҳақидаги маълумоти олий даргоҳга етиб келди.

Ҳимматхоннинг ўғиллари Муҳаммад Масих, бошқа ўғиллари ҳамда ака-укалари ва бошқа яқин кишилари иноят қилиниши билан мотамдан чиқарилдилар. Ҳимматхон вафоти боис Ашрафхон биринчи бахшигирлик хизмати шарафига эга бўлди ва унинг ўрнига Комкорхон воқеанавислик ва унинг (Комкорхон) ўрнига эса Иноятхон буютот (хизмати билан шарафланди).

Бадиуззамон Маҳобатхоннинг ишбилармонлик фазилати унинг бахти олий даргоҳ бандаси бўлишига мадад қилган эди, «Рашидхон» хитобини олиб, унинг (Иноятхон) ўрнига ҳолиса раҳбари бўлди.

Йигирманчи муҳаррамда ўзида камолотларни жам қилган (жамийул камолот) Мур Сайид Муҳаммад Кукужи дорул-хилофатдан нурга тўла саройга келиб, баракаларни мужассам этган ҳоқон билан учрашиш роҳатини топди; унга бир минг рупия пул ва мевалар юборилди.

Иккинчи муҳаррамда Шаҳобиддинхон ўзига тобе жамоат билан бирга хилъат, ханжар ва қилкка эга бўлиб, кетишга рухсат олди.

Йигирманчи сафарда Хонжаҳон Баҳодир ўрнига Ироҷхон Бурҳонпур субасининг нозими хизмати (га тайин этилиш) билан эътибор бошини юксалтирди.

Исломхоннинг ўғли Афросиёбхон Дҳомуни (Дҳомули) фавждорлигидан саройга келиб, мулозаматга кириш хилъатига эга бўлди. Сайид Шараф хонлик мавқеига тикланиш ва хислат мулкининг маликаси Бегим соҳиба мирсомони (хонисомони) бўлиш хизмати билан эъвозланди.

Рабиул аввал ойининг ўнинчисида Файзуллоҳхон хилъат, фил ҳамда Муродободга кетиш учун рухсат олди.

Иноятхон Ажмир фавждорлиги хизмати (111а) сарафроз бўлгач, жаҳаннамий ратҳварларнинг жазосини бериш ишида ажойиб саъй-ҳаракатлар кўрсатиб, ҳақиқат байроғини порлатди.

Урганч ҳокимининг элчиси Хон Мирзо рабиул аввал ойининг ўн биринчисида мулозаматга кирган вақтида хилъат, камарханжар ва кетишга рухсат, рабиус соний ойининг еттинчисида зарҳалланган жиға, беш минг рупия, эллик муҳр, юз рупия (пул) олди, у орқали Урганч ҳокими Анушахонга қиймати икки минг рупиялик зарҳалланган шамшир (хам) бериб юборилди.

Рабиул аввал ойи охирида Жусунат Сингхнинг ўгли Мухаммади Рож Шохжаҳонободдан олий остонага келди.

Ўн тўртинчи рабиул охирда Довудхон ўгли Ҳамидхон Бехучпур қалъадорлигига, Миракхон Давоба Жолиндҳар қалъадорлигига, Муридхон Шохаматхон ўрнига Кобул қалъадорлигига, Рожа Мандхото Фурбанд тҳанадорлигига (тайин қилиниш билан) сарафрозлик хилъатини кийдилар.

Шоҳ Олам Баҳодир хизматига юборилган Сайфулло Мирбахрга олий саройдан беш минг рупия пул берилсин ва подшоҳзода ҳамда шахзодаларнинг нақд (пулларида) тўлансин, деган ҳукм бўлди.

Ашрафхон мирбахши ва дафтари танҳонинг пешдасти Эъти-модхонлар бандалик камарларига биллур довог бoғладилар.

Рабиул охир ойининг поёнида Қиличхон қамoқ жазосидан чиқиб, мулозаматга кирди ва ўн олтинчи жумодул охирда Ризавийхоннинг вафоти боис иккинчи маротаба улуғ кадрли садорат хизматининг эъзозу икром хилъатини кийди.

Роно мулку масканидан қувилган эди, бунга ажойиб «тарих» воқеа бўлди:

*Ки Роно ронда шуд аз мулку маскан.*

*(Роно мулку маскандан қувилди).*

У ислом лашкарлари, музаффар ғозийлар томонидан мажакланди, калтакланди ва ул дашт сичқонининг минг йиллик ватани киёмат лашкарларининг оёғи остида янчилиши билан кофирлар (бутунлай) тору мор қилиндилар ва (Роно ватанининг) сўнгги еригача қочди. Ниҳоят, оти юришдан чарчаб, тоқати тугагач, унда шафқат-омонлик сўрашдан ўзга илож қолмади ва лутфпеша марҳаматли (1116) подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг тавсия этувчи этагига ожиз ва зорланиш қўлини чўзди, афв этилишининг жаримаси эвазига Мондпур ва Бидахпур парганаларини жия қилди. Подшоҳзода мулозаматига киришни ўзига бахтиёрлик боиси деб билди ва шунга асосан ўз номуси, мол-мулкани

сақлаб қолди. Подшоҳзода унинг ғамгин холига марҳамат назарини ташлаб, илтимосини улуғ ва қудрат саройига етказдилар, гуноҳларни афв этувчи ва узрларга илтифот кўрсатувчи подшоҳ унинг гуноҳларини кечирдилар, муқаддас хотирларининг қўл андишасидан подшоҳзода хушдиллигини афзал билдилар. Шунга кўра, ўн еттинчи жумодул охирда Роно ўз иши юзасидан Рожа Самандар кўли (ёқаси)да марҳаматлар бахш этувчи (ва) лутфу қарам таратувчи подшоҳзода мулозаматига кириш давлати томон юз бурди, Далирхон ва Ҳасаналихон истиқболига чиқиб, уни олиб кетдилар. (Роно) беш юз ашрафий, тилла ва қумуш эгарлари билан ўн еттита от совға берди, бандалик одобини бажо этди, чап қўл томонга ўтириш ҳукми билан (ушбу) куннинг мумтози бўлди. Хилъат, зарҳалланган шамшир, паҳулқатора билан бирга жамдҳар ва тилла эгарли бир от, қумуш эгарли бир фил ато қилиниши ҳамда “Роно” хитоби ва беш мингчи, беш минг суворли мансаби-мавқеига (тикланиши) билан эъзозланиб, кетишига рухсат берилди. Унинг шерикларига юзта хилъат ва ўнта зийнатланган жамдҳар, қирқта от марҳамат қилинди. Роно у ердан ботир Далирхон хонасига кетди. Мазкур хон ўз тарафидан (иқоматгўлар) истиқоматга чакирувчиларни юборди, тўққиз-тўққиз парча, битта зарҳалланган ханжар, ҳаммаёғига тилла(дан безак берилган) қалқон, чиройли найза, тўққизта от ва фил, Рононинг ўғлига уч тўққиз парча, зарҳалланган ханжар, билагузук ва иккита от берилди.

Мултафатхон Ғозипур фавждорлигидан туширилганидан сўнг дарҳол Акбаробод ноҳиясининг фавждори бўлган эди, чуқурликка тушиб кетиб, захм еганлигидан ўн тўққизинчи жумодул охирда жон берди.

Осифхоннинг куёви Хонзамон бинни Аъзамхон (112а) Шох Олам Баҳодир билан бирга Декандан келиб, то шу муддатга қадар подшоҳзоданинг саодатли рикоб (жилов) хизматида бўлиб келган эди, йигирма тўртинчида Иражхон ўрнига Бурхонпур субадорлиги хизматида тайин қилиниб, хилъат, тилла жиҳозлари билан бир от инъом этилиши, бир минг суворли қўшимчаси ҳамда беш мингчи, беш минг суворли мансаб билан шарафланди.

Жумодул охирнинг сўнгида Шох Олам Баҳодир Сужат Чанорондан қайтишга инони рухсат олиб, олий мулозаматга кириш билан бахтиёр бўлдилар. Ифтихорхон Ажмир субасининг нозими (хизмати)дан олингач, унга Жунпур саркорлигининг фавждор-



лик хизмати насиб этган эди, у вафот қилгач, Тарбиятхон унинг ўрнига (тайинланиш билан) ифтихор топди.

Шукруллоҳхон ўрнига Низомиддин Аҳмад Сихранд фавждорлигига эга бўлди. Мирмуҳаммадхон вафотидан сўнг Хонсипорхон, Байдард (Бандард) калъадорлиги билан иззатланиш бахтига етди. Лутфуллоҳхон ўрнига Баҳрамандхон ғусулхона доруғалиги ила эъзозланди ва у (Лутфуллоҳхон) Шаҳобиддинхон ўрнига қайта арз қилиш (арзи муқаррар) доруғаси бўлди.

Муродободдаги воқеалар ҳақида арзга етдики, фалак куббали, юлдуз пардали наввоб Подшоҳбегимнинг куказодаси, Зоҳидхоннинг ўғли Файзуллоҳхон Муродободдан муродсиз борлик билан кўтарилди. У жаноб қадрдон подшоҳига нисбатан энг якин муносабатда ва Бегим Масобиҳ (Бегим сохиба) хизматларида эди, ғам-ғуссасиз эркин ҳаёт кечирарди, ниёз бошини кимсага элмаган ва (ҳамма билан) яхши ва мувофик муносабатда эди, ҳақ (истихоқ) арбобларини ҳурмат қилар, дунёвий ишлар билан буткул қизиқмас эди. Сухбатлари унинг учун узоқ шаҳар ва бандарлардан келтириладиган ваҳший ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги гаплардан ўзга масалага ўтмасди. Шунинг билан бирга ажойиб ва ғаройиб хулққа эга эди: филларга тўла охурларда унинг (бирон-бир) фили кўринмасди ва баъзан саройга келган вақтида (ҳам у ерга) кирмасди, от устида туриб сўзларди.

Мазкур хон вафотидан сўнг Афросиёбхон Муродобод фавждорлиги билан муродига етди.

Ўн тўртинчи ражабда подшоҳзода Муҳаммад Аъзам ва Султон Бедорбахт (бошқа) зафар йўлдошлари билан бирга Роно ясоғидан жаҳон подшоҳи даргоҳига келганларида, муқаддас мурозаматга кириб, қабул қилиниш шарафига эга бўлдилар.

Сайди Яхё Али ўн саккизинчи ражабда Одилшоҳ Бижопурийнинг қизи Шаҳрбонуни келтириб, уни ҳурмат билан ҳарам саройига етказди. Ва йигирманчи ражабда унинг (Шаҳрбонунинг) подшоҳзода Муҳаммад Аъзам билан шарафли бош бириктиришлари содир бўлди, сихра кийдирилди, хос ва ом масжидида қози шайхулисом никоҳ ўқиди. Ҳазрат хайрулбашар (Муҳаммад Пайғамбар)нинг – алайҳиссалавот вассалом – улуғ суннатига итоат юзасидан беш юз дирҳам маҳр (беришга) қарор қилинди.

Йигирма тўртинчида подшоҳзода Муҳаммад Комбақшнинг Мануҳарпур заминдори Жикат Сингхнинг укаси Амр Чанднинг қизи – барча қанурлар тухфаси Жамиланисо билан шоду хуррам-

лик тўйлари бўлди, қози хос ва ом масжидида никоҳ қилди, эллик минг рупия қалин (пули) тайин этилди. Шер Муҳаммад Каҳубони «Шамширхон» хитоби билан номдор бўлди.

Шаъбон (ойи) бошида Хонжаҳон Баҳодирнинг хабаридан давлатнинг бўстонбисот саройига Акбар Майвали қалъасига туташиб, Моли қалъасида тўхтаган икки юз суворли ва етти юз нафар пиёда у билан бирга экани, Сабанҳо уларга мавожиб (маош) тайин қилгани маълум бўлди.

*Зафар аскарлари хилофат бўстониинг нури подшоҳзода  
Муҳаммад Аъзам саркардалигида Декан мамлакатини забт  
этиш учун юриш қилгани*

Йигирма бешинчи ражабда подшоҳзодага «Муҳаммад Аъзам шох» хитоби берилиб, (у зот) номдорлик ва толеёрлик билан тахт орастаси бўлдилар. Декан ясоғини тартибга солиш учун тайин этилдилар. Хизматкорхон ул жанобнинг хонасига салла (болобанд) билан бирга хилъат ва сарпеч олиб бориб берди (113а). Хобгоҳда совға-саломни бажо келтирдилар ва шу ерда (ул жанобга) киймати икки лакх эллик беш минг тўрт юз тўкқиз рупиялик марваридлар қадалган нимаи остин иноят қилинди ҳамда шамшир, иккита арабий ва ироқий от, Кажмонг (номли) фил ва девондаги бешта ов ити марҳамат қилинди.

Султон Бедорбахт олийкадр отаси билан биргаликда (кетиш учун) рухсат хилъати, от ва зарҳалланган латкан олдилар. Ул жанобнинг жилов хизматига тайинланганлар инъом ва иноятлар билан иззатландилар.

Ўн учинчи шаъбонда жумлатул-мулк Асадхонга ўз жамияти хамроҳлигида Ҳаким Мухсинхонни дорул-хилофатга келтирсин ва келган (Ҳаким) Фулодхон муҳри билан чакиртирилиб, (муҳр) назардан ўтказилсин, деб ҳукм қилинди.

Роно Жай Сингхнинг биродари Рожа Баҳим бандалик умидида ниёз пешонасини давлат (подшоҳлик) эшигига урди.

Муҳаммад Наим Рож Сингх (вафоти муносабати билан) унинг ўғли Роно Жай Сингхга таъзия хилъатини олиб келгач, қайтиб мулозаматга кирди; у тўрт минг рупия нақд пул, иккита от, ўн тўкқиз таҳон (парча) ва тўртта туя олган эди, (бу қарорни) бекор қилишга ҳукм бўлди.

*Улуғ Оламгир тахтга ўтирганининг бир минг тўқсон иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирма бешинчи йили бошланиши. Жаҳонпаймо байроқларнинг Ажмирдан Бурҳонпур томон ҳаракатга келиши*

Муборақфол рамазон ойининг заррин қанотли ҳумоси олам халқлари бошига қаромат ва бахтиёрлик соясини сочди.

Ҳўжа табаҳр ойининг иккинчисида иқбол сародиқи (чодири) Ажмирдан кўчиб, дорус-сурур Бурҳонпурда қад кўтарсин, деган ижроси вожиб ҳукм бўлди. Пайшанба куни, бешинчи рамазонда минг-минг севинч ва қувончлар билан мазкур шаҳардан кўчилди. Дюрыйи зафар манзили лашкарининг шону шавкатли ташрифи билан зебу зийнат қароргоҳига айланди (1136).

Олтинчи рамазонда шаҳзода Муҳаммад Азим хос хилъат ва марварид самруни зарҳалланган ханжар, шамшир, от ва фил иноят қилиниши билан махсус эъозланиб, Ажмирга кетишга рухсат олдилар. Жумлатул-мулк Асадхон ул жанобга ҳамроҳликка тайин қилиниб, хос хилъат, зарҳалланган ханжар ва от ато қилиниш ифтихорига эга бўлди. Асадхоннинг ўғли Эътикодхон, Далирхоннинг ўғли Камолиддинхон, Рожа Баҳим ва Номдархоннинг ўғли Диндор (у «Марҳаматхон» деб аталган эди) ва бошқалар хилъат, жавоҳир, от ва филлар олиш билан бу лашкарга (фавжга) тайинланиб, итоат камарини боғладилар.

Ажмир фавждори Иноятхон ва Када Битли қалъадори Сайид Юсуф Бухорий рухсат хилъати билан азиз этилдилар.

Еттинчи рамазонда дорул-хилофат воқеаларидан арзга етдики, мулки мулкот маликаси Жаҳоноробону бегим ушбу ойнинг учинчисида юзларини йўқлик ниқобига қаратганлар ва абадий хилват саройида ором топганлар. Ва ҳаётлик вақтларида асфиёлар пешвоси Шайх Низомиддин Авлиёнинг муқаддас равзи (қабр)лари майдонида қурдириб қўйган охираат хоналарига дафн этилганлар. Меҳрибон, шафқатэғизак онасининг мудхиш воқеасидан Онҳазратнинг хотири қайғуга тўлди, то уч кун давомида ноғорахона фаолияти тўхтатиб қўйилди. Ул гуноҳсизлик пардасига ўралган (иффат соҳибаси) ниҳоятда илтифотлигининг маҳсули ва эҳсонининг шарофати ҳамда одобу аҳлоқнинг барча қонун-қоидаларига риоя этгани ва умумхалққа қилган иноят ҳамда шафқатлари туфайли мақтовларга сазовор

бўлганлар, (эндиликда) файзларининг сояси олам халқлари бошидан кетди, қарам асоси (хассаси) давр қўлидан тушди. (Тарихнавислар) ул раҳматга мансуб, жаннатмакон наввобнинг лақабларини «Соҳиб аз замон» (Замон сохибаси) деб ёзсинлар, деган марҳаматли ҳукм чиқарилди. Байт:

*Бу парда (ичида) осмон билан жанг қилинмас,  
Шунингдек, бу парда ҳеч ким билан ҳам келинмас.*

(Онҳазрат) ниҳоятда ақллилик ва бардошлилик кўрсатдилар. Марҳума (рухи)ни хушнуд этиш учун (114а) унга тобе кишиларга ва хизматкорларига кўпдан-кўп тухфалар ва турли марҳаматлар қилдилар.

Ўзбекхон Назарбий мансабидан четлатилиб, Маккаи муаззамага (ҳаж қилишга) рухсат олган эди, ўн саккизинчи рамазонда ўткинчи дунё билан хайрлашди.

Еттинчи шавволда Мухторхон мулозаматга кириш учун (берилган) хос хилъат билан ўзини бош-оёқ ораста этди. Эртаси куни яшм асо (хасса) ато қилиниши билан унга кўрсатилган эъзозу икром янада орттирилди.

Ўн тўккизинчида Шохжаҳонбод фавждори Фулодхонга ажал фавжи ҳамла қилгани арзга етди. Унинг вафотидан сўнг Шукруллохон мазкур хизматни шухратланишининг сабабчиси қилиб олди.

Бахт келтирувчи ҳукмга кўра, Қиличхон йигирма тўртинчида Декан ясоғига юборилди ва хос хилъат, от, нағора иноят этилиши билан боши кўкка етказилди.

Шаҳобиддинга то биринчи бор юқлар етиб келгунига қадар зафарасар кўшин туриб турсин, деб тайинланди.

Олий арзга етдики, Муҳаммад Аъзамшоҳ йигирма олтинчида Бурхонпурдан Аврангобод томон азм қилганлар (ва) ўнинчи зулкаъдада бахтиёрлик билан етиб келганлар. Яқшанба куни, ўн иккинчи зулкаъдада музаффар байроқлар Бурхонпурда саодат нуруни таратганлар.

Шавкат ва қудрат саройига маълум бўлдики, ўн саккизинчи зулкаъдада Ўтиқодхон бошқа фавжлар билан биргаликда Миртада уч минг суворийга яқин малъун ратҳварлар устига ҳамла қилган; шиддатли жанг юз берган, баҳодирлар жаҳонни фатҳ этувчи иқболнинг мадади билан жанговарона хужумлар қилганлар, душманларнинг жанг майдонида оқизилган қизил

қонидан бахт юзига суртганлар. Юзи қора душманлардан беш юз нафари ўлдирилган ва ярадор бўлганлар орасида Сўнак, унинг биродари Ажаб Сингх, Сонул Дос, Баҳорий Дос, Кавкул Дос ва бошқа бошлиқлар бор. (Душманлар) расволик тупроғига қоришганлар (1146), (тирик) қолганлари шарманда бўлиб қочиб, жанг майдонига орқа ўтирганлар. Бу шиддатли жангда қаҳрамон ва омилқорлардан ҳам кўплари шаҳид бўлган. Сардорлик лавозимидагилар, шерзот (ботирлар) ва бошқалар барчаси бахтиёрлик заҳматини тортиганлар.

Хон беш юзчи қўшимча билан эътибор бошини баланд этди ва бошқа жанг маъракасининг собит қадамилари (турли) проят(иноят)лар билан ифтихор топдилар.

Йигирма биринчида Абдинабибек Рўзбихоний хонлик хитоби билан чеҳраси шодмонлик топиб, Декан тўпхонасининг доруғаси бўлди.

Йигирма иккинчида, туш палласида Бурхонпур қалъсининг аркига туташиб кетган иккита борудхона (ўк-дори омбори)га ўт тушди, кўп одамлар ҳалок бўлди. Шу кечаси Лалбоғ яқинидаги Лутфуллоҳ Куканинг истехкомига офат ёғилиб, олти киши ўлди, йигирма киши ярадор бўлди, мол-мулклар талон-торож этилди.

Ҳайбар воқеанависи ёзади: заминдорликда бир ўғил бола туғилган, бошидан бармоқ узунлигида иккита шоҳ ўсиб чиққан, икки кундан сўнг ўлган. Бир хотин боши, юзи қора ҳамда бурни қизил ва оқ киз туккан, (чақалоқ) ҳозир ҳаёт.

Ҳусайналихон Исломободдан келиб мулозаматга кирди ва хилъат, фил, от ато қилиш билан азиз этилди, унга Декан ясоғига кетишга рухсат берилди. Олий ҳукмга мувофиқ, Разийиддинхон, ўзига биркитилган подшоҳлик уйлари ва фавжларининг керакли юмушларини саранжом қилиши керак эди, унга хилъат ва кетишга рухсат берилди.

Йигирманчи зулқаъдада (Онҳазрат) улуг машойих Шайх Абдуллатифнинг – Аллоҳ қабрини мунаввар айласин – нурга тўла шариф мазорига ташриф буюрдилар, муаттар анбар фотиҳа ўқиб, ул таъланган яқин арбобнинг фатҳларга қон руҳидан мустаҳкам (Ислом) дини душманларини яқсон қилиш учун мадад топдилар.

Йигирма биринчида Бухоро элчиси Раҳмонқули султонлар паноҳи (бўлмиш) даргоҳга келди. У иккита от (115а), ўн жуфт пўстин, битта туяни (назардан) ўтказди ва хилъат, беш минг рупия инъом қилиниши билан эъзозланди, сўнг кетишга ижозат

олди. Ғазанфархонга хазинани Муҳаммад Аъзамшоҳ лашкарига олиб бориб беришга рухсат қилинди.

Шаҳобиддинхон аҳадийлар мирбахшилиги хизмати билан мумтоз этилди. Баҳрамандхон ўрнига Салобатхон тўпхона доруғаси мансаби ва хизмати билан шараф топиб эъзозланди. Йигирма олтинчи зулкаъдада Чонда заминдори бахт оинасига қайвоннишон (Сатурндек баланд) остона хокидан жило берди, у тўртта фил ва тўққизта от совға этди. Иккинчи муҳаррамда у хос хилъат ва тилла эгарли бир от, бир фил ва зумрад сарпеч инъом қилиниши билан мумтоз этилиб, ватанига қайтиб кетишга рухсат олди.

Муҳаммадшоҳ ибн Муҳаммад Алихон Доро Шукухий Гўлканда хижобати (элчилиги) билан сарафроз қилинди.

Рухуллоҳхонга Мулқопурга хужум қилиш учун рухсат теғди. Шаҳобиддинхон, жилов бандалари ва Фатҳ Маъмур ибн Далирхон унга биркитилдилар.

Комкорхон ўрнига Лутфуллоҳхон воқеахон бўлди.

Еттинчи сафарда учинчи бахши Абдурахимхон қимматли борлик бисотидан ажралди. Унинг қабри отасининг мақбараси ёнидадир. Ўрнига Комкорхон тайин этилди.

Ўнинчида арзга етдики, ратҳварлар Мондилпур парканасига хужум қилиб, кўп молу мулкни талаб кетганлар.

### *Олий байроқларнинг Бурҳонпурдан Аврагобод томон юриши*

Рабиул аввалнинг бошида жаҳонни кезувчи ўрду Бурҳонпурдан Аврагобод томон ҳаракат қилди. Иккинчида шаҳзода Муҳаммад Муъизиддин (1156) Бурҳонпурда бўлиб туриш учун Баҳодирхондан рухсат олиб кетдилар; хилъат, сарпеч, шамшир ва фил марҳамат қилинди. Хонзамон Нозим хос хилъат олиб, ул жаноб жиловдорлигига тайин этилди.

Ҳомидхон бемор эди, мулозаматга кирди, унинг заиф аҳволи илтифот забонида баён этилди, то буткул сихат-саломат бўлгунга қадар Бурҳонпурда бўлишни (хоҳлади). (Онҳазрат) муборак белларидан белбоғини ечиб, унинг дасторига зийнат этдилар. Қадимий (бандалардан) Шайх Иброҳимнинг набираси Шайх Жаҳон Асир қальдори ва фавждори (этиб тайинланиб) рухсат олиб кетди. Йигирманчида Аъзамшоҳ Аврагободдан келиб, Канурида қадамбўслик (қадам ўпиш) шарафига эришди.

Йигирма учинчида Аврангобод давлатхонаси саодатманд таширф билан қут-баракага тўлди.

Абунасрхон ўрнига Ялангтўшхон Баҳодир кўрбеги бўлди.

Дара ва Боғни суғоришга марҳаматли мушарраф амр қилдилар. Омга бериладиган инъомлардан боғбонлар ҳам баҳраманд бўлишди.

Рожа Ром Сингхнинг ўғли Канур Кашан Сингх жанг майдонида ярадор бўлиб, икки кундан сўнг, рабиул охир ойининг ўнинчисида асли маконига кетди. Ўн бешинчида унинг ўғли Бишан Сингх мингчи, тўрт юз суворли мансабга эга бўлди.

Ўн тўққизинчида Саъдуллахоннинг ўғли Иноятуллоҳ “Ихлосхон” хитоби билан мумтоз қилинди. Довудхон ўғли Ҳамидхон қаттиқ касаллик билан оғриб, Бурхонпурда тўшақда ётиб қолган эди, йигирманчида охират саройига сафар қилди.

Йигирма саккизинчида Сабанхонинг навқари, Кахрақда заминдори Чаманбожий халойиқпаноҳ саройга келиб хилъат олди. Коли Бехнат заминдори Пуртоб Сингхнинг ўғли Макаранд Сингх солиқ камомати сабабига кўра Хонжаҳон Баҳодир қамоқхонасида эди, фармонга мувофиқ, саройга юборилди. Етти йилдан сўнг, тўртинчи жумодул аввалда қамоқхонадан озод этилди, ватанига қайтиш хилъатини олди.

Ўн олтинчида Бижопур дунёдори Искандар Одилхоннинг вакили Ёдгор Али (116а) хилъат ва икки минг рупия ҳамда Сайди Масъуд Бижопурийнинг вакили Шайх Ҳасан хилъат ва бир минг рупия инъом ва рухсат олиб кетдилар. Искандарнинг фил ва узукдан иборат совғаси қабул этилмай, вакилига қайтиб берилди. Гўлқанда дунёдори Қутбулмулкнинг вакили Муҳаммад Маъсум остонани ўпиши ҳамда хилъат ато қилиниши билан азиз этилди. У келтирган икки лакҳ ва қирқ тўрт минг рупия назарга ҳавола қилинди.

Йигирма учинчи жумодул аввалда Шарифхон Каҳига кетган эди, (бирдан) душман кўриниб қолган, (шу сабабли) у зудлик билан ғалабага ҳукмрон бўлган. Нобакор (исёнчи) кофирлар кўплаб жаҳаннам қаърига кетганлар. Зоҳидхоннинг жўроғаси ҳамда Саидхоннинг набиралари Сайфуллоҳ ва Эҳсонуллоҳ яхши бандалик жабҳасида гулгун ҳаётларидан (ажралиб) бошларини тупрокка қўйганлар.

Қамариддинхон қоровулбеги милтиқ (бундук)нинг уч ўқи зарби билан (ёввойи) ҳўкизни ов қилиб келтириб назардан ўтказ-

ди, унинг узунлиги уч газ олти ярим курух, қадди уч газ уч курух, думи эса бир газ уч ярим курухдир.

Йигирма олтинчида Рухуллоҳхон боши ортиқчалик қилаётганларга танбеҳ бериш учун Аҳмаднагар томон рухсат олиб кетди, унга зарнишон шамшир марҳамат қилинди. Ҳаётхон Рос Сиж калъасига юриш қилиш маблағини йиғиш ишига маъмур этилди.

Ўн саккизинчи жумодул охирда жамшоҳ подшоҳ (олий мақом) Муҳаммад Аъзамшоҳ Бижопур томон юришга дастур олдилар ҳамда хилъат, иккита от, фил, муттако, килк, пахунчи ва урбаси олиш билан катта илтифотларга сазовор бўлдилар. Шахзода Бедорбахт хилъат, от (1166) ва фил инъом этилиши ҳамда ҳурматли олий падарларига ҳамроҳлик қилишга рухсат тегиши билан шарафландилар. Шохнинг сафсатабози (масхарабози) Муҳаммад Панох зумрадлар билан зийнатланган дасторга эга бўлди. Шамсиддинхон ва бошқа (хонга) тобе кишилар хилъатлар, от ва фил ато қилиниши билан эъзоланишга сазовор этилдилар. Жаҳонподшоҳнинг инояти билан Қиличхон ўрнига Шарифхон Ҳиндистон каламрави (мамлақати)нинг садорати улуғ мансабига ўтирди.

Ясунат (Басунат) Ров Декҳаний тўрт мингчи, тўрт минг суворли ифтихорли мансаб ва зарҳалланган урбаси (олиш билан) аъёнларига саркарда бўлиб қолди. Ифтихорхоннинг ўғиллари Абдуллоҳ, Абдулҳодий ва Абдибоқийлар оталари вафотидан сўнг саройга келдилар, хилъатлар иноят қилиниши билан қайғудан чиқарилдилар.

Ражаб (ойининг) бошида бўстон бисоти олий махфал (сарой)га, йигирманчи жумодул охирда Аҳмадобод субадори Ҳофиз Муҳаммад Аминхоннинг ҳаёт паймонаси тўлиб, тик оёғи йўқлик (чуқурлиги)га тушиб кетгани маълум бўлди. Бу аъёнлар пешвоси (ўзининг) диёнатлилиги, тамоми ростгўйлиги, такаббурлиги, мағрурлиги, хозиржавоблиги, яхши хулқлилиги ҳамда хайрфикрлилиги билан бутун подшоҳлик халқлари орасида ягона ажойиб муҳофизага эга эди. Аҳмадобод субадорлиги даврида жуда кам вақт ичида Қаломи мажидни ёд олишга муваффақ бўлди. Унинг вафотидан сўнг Мухторхон Аҳмадобод субаси нозимлигига ва унинг ўрнига Хонзамон Молва субаси наски (идораси)га жўнаб кетдилар. Ҳукмга мувофиқ, Хонзамон ўрнига Мўғулхон Бурхонпурда истикомот этишни танлади.

Мухторхон ўғли Қамариддинхон ўрнига Фохирхон ўғли Муфхархон қоровулбеги бўлди ва (Қамариддинхон) отаси итоатига кетди. Салоххон ўрнига Оташхон мири тузук қилиб тайинланди.



Кокхужий Декҳаний олий остона хокини кўзига сурма қилиб суришни орзу қилди. Беш мингчи, беш минг суворли мансаб иноят қилиниши билан тенгдошлари орасида унинг кадри ортди.

Йигирма тўртинчи шаъбонда Хонжаҳон Баҳодир Зафаржанг Кўкалтош Гулшанободдан келиб (117а), баҳор хислатли мулозамат файзини ҳосил этиши билан унинг дил ва дийдасининг тозалиги, равнақи ортиб кетди; унга хос хилъат, зарҳалланган ханжар ва ўн тўрт қоп (улуш) марҳамат қилинди.

Сайид Мунурхон Мўғулхон ўрнига Бурхонпурга кетишга рухсат олди. Хос кишилар бошлиғи (сардори хавоссон) Амирхон ўғли Мир Абдулқарим олиб келган буюмлар нурулмунаввар хотир диққатига сазовор бўлган эди, Абдулқодир ўрнига Ҳофиз Иброҳим ўғли жойнамоzxона доруғалиги хизмати билан кимёхосият хизматга яқинлашиш саодатини топди.

Аср фозилларининг пешвоси Мулло Абдуллоҳ Сиёлкутий шогирдларидан, номи зикр этилганнинг воситачилигида Ислом (дини)га мушарраф бўлиш билан саодат топган ва ушбу хос ном ила шуҳратланиб, тарбият назарига манзур бўлган муборак яқшанба кунининг воқеанигори Ихлоскеш ибтиёхона мушрифлигига тайинланди.

*Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг тўқсон учинчи  
ҳижрий йилига тўғри келган йигирма олтинчи  
йили бошланиши*

Шарт-шароитлари ижроси вожиб, қадами ҳасанот муборак рамазон ойининг илтифотлилиги ва баркамоллигининг баланд устунлари хайр ва марҳаматга мунтазирларни хушҳол этди. Етти иқлим ҳокими, динларвар ҳокон барча вақт Худога шукрлар айтиш ва ҳудожўйлик маросимларини бажо келтириш амри билан машғул бўлдилар.

Карамуллоҳ вафотидан сўнг шу ойнинг иккинчисида Нуржаҳон бегимнинг биродарзодаси (амаккиваччаси) Мирзо Абусиднинг ўғли Ҳамидиддинхон Мунки Пати фавждорлиги хизматига дастур (кўрсатма) олди. Марҳум хоннинг ўғиллари хилъат иноят этилиши билан шодмон бўлдилар.

Бешинчида иноят хилъатлари Баҳрамандхон оркали Ёқутхон ва Данда рожпурий ўлкаси фавждори Хайриятхонларга бериб юборилди (117б).

Етгинчида Хонжаҳон Баходир Кўкалтош камарбанд ҳамда хос хилъат, от ва фил иноят этилиши билан эъзозланиб, Гулшано-бод томон кетишга рухсат олди. Жодурой Деканийнинг биродари Жакдурой олий остонани ўпиши ва хилъат марҳамат қилиниши билан бахт пешонасини равшан этди.

Ўнинчида Доробхон ўғли Муҳаммад Тақий билан Бахра-мандхон кизининг тўйи бўлди, хилъат, от ва марварид сихра ато этилиши билан сарафроз қилиндилар.

Шаҳобиддинхон ўрнига Марҳум Аъзамхоннинг ўғли Солих-хон аҳадийлар мирбахшиси хизматиغا тайинланди.

Художўй тақводорлар пешвоси Мир Саййид Муҳаммад Гису-дароз (сочи узун) – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – фарзандларидан Саййид Юсуфга Гулбарг томон кетишга рухсат берилди, инъом-га ургочи фил олди. Барча сарой ва субалардаги бандалар ёмғир хилъати марҳамат қилиниши билан обрўга эга бўлдилар. Шаҳзода Муҳаммад Муъизиддин йигирма олтинчида Бурҳонпурдан ке-либ, мулозаматга кириш шарафига мушарраф бўлдилар, (ул жанобга) хилъат марҳамат қилинди.

Хизрхоннинг биродари Ранмастхон, шунингдек биродарзо-далари Довудхон ва Сулаймонхонлар олий мулозаматга кириш толеи билан пешоналарини ярқиратдилар ҳамда хилъатлар марҳамат этилиши билан иззат топдилар. Давлатобод қалъадори Саййид Муборақхон нурга тўла саройга келган эди, хилъат ва кетишга рухсат олди. Лутфуллоҳхон жиловхос ва чукихос доруғалиги хизмати билан махсус шарафланди.

Олтинчи шавволда шаҳзода Муҳаммад Муъизиддин хилъ-ат, малойи марварид, зумрад муттако, жаҳонкезар от ҳамда бир минг суворли қўшимча билан олти мингчи олти минг суворли (мансаб)ни фахр-ифтихорининг зеб-беағи этдилар. Бебошлар танбеҳини бериш учун Аҳмаднагар томон рухсат олдилар. Ран-мастхон, Довудхон, Ғазанфархон ҳамда бошқа (ул жанобга) тобе ва аҳли хизматлар хилъат, от, филлар иноят этилиши билан эъзоз-ланиб, рухсатга эга бўлдилар.

Ўн иккинчи (шаввол)да Шарифхон садр ҳаёт бисотини охират саройига элтди. Унинг ўғиллари Муҳаммад Одил ва Муҳаммад Солихлар (118а) таъзия хилъатини олдилар.

Шайх Маҳзун мунший умумга раислик (садорати кул) хиз-мати билан эъзоз хилъатини кийди. Мирак Ҳусайн ўрнига Му-хаммад Солих Катху садорат бошлиқлиги (пешдасталиги)га

тайин қилинди. Фавждорлик хизматининг бош сардорлигига Шию Кону (Сабу Колу) эга бўлди. Рухуллоҳхоннинг биродари Азизуллоҳхон Муҳаммаддиёрхон ўрнига мири тузук хизматига сарафроз этилди. Ихлоскеш жойнамоzxона мушрифиди бўлиш билан саодат топди. Халифа Султоннинг қариндоши Мир Ҳидоятуллоҳга Шохжаҳонбод девонлигига рухсат берилди. Шукуруллоҳхон Искандаробод фавждорлиги ва Комилхон Сихаронпур фавждорлиги билан мумтоз қилидилар. Салоҳхон ўрнига марҳум Ҳимматхоннинг ўғли Муҳаммад Масих мири тузук хизматига тайин этилди.

Иккинчи зулқаъдада Ажмир фавждори Иноятхон (фоний) олам билан видолашгани арзга етди. Шу ойнинг ўн иккинчисида Рухуллоҳхоннинг онаси Ҳамидабону бегим юзини йўқлик пардасига киритган. Хонзодаларни навозиш этувчи марҳаматли (шоҳ Рухуллоҳхонни) мотамдан чиқарсинлар, деб подшоҳзода Муҳаммад Комбахш ва Ашраф Мирбахшиларни номи зикр этилганнинг уйига юбордилар. Ул иззатли аъёнга ва укаларига хилъатлар марҳамат қилинди.

Исмат ва буюклик пардасининг орастаси Зийнатнисо бегим иноятлик ҳукмига мувофиқ шариф ташриф буюриб, унинг (Рухуллоҳхонинг) уйига қошона давлатини бахш этдилар.

Ўн бешинчи зулҳижжада Комёбхон Декан бахшигирлиги хизмати билан эъозланиб, Хонжаҳон Баҳодирнинг фавжига рухсат олди.

Марҳум Муҳаммад Ҳофиз Аминхоннинг жияни Саййид Муҳаммад Аҳмадободдан келиб, мулозаматга кириш ва хилъат (олиш) шарафига эга бўлди.

Ялангўшхон Баҳодирнинг ўғли Субхонверди дорул-хилофатдан келиб мулозаматга кирди, хилъат олди.

Олтинчи муҳаррамда Шаҳобиддин ғойибона Мукаррамхон ўрнига гузарбардорлар доругалиги хизматига сарафроз этилди (1186). Саййид Ўғлон унинг ноиблиги(га тайинланиш) билан мумтозлик топди. Муҳаммад Алихон хонисомон зўр ғалаба билан Катҳарадан пастга тушди, унга бир шиша гулоб, байди мушк ва бир қанча дона уруғсиз анор иноят қилинди. Шаҳрипанох Аврангобод қалъасининг қурилиши Ихтимомхоннинг ихтимомига (саъй-ҳаракатига) хавола қилинган эди, Амонатхоннинг ўғли Мир Абдулқодир (қурилишни) тўрт ой муддатда якунига етказиш ваъдасини ўз аҳдига олди. Сафар (оининг) илк кунларида

Хонжаҳон Баҳодир мулозаматга кириш нияти билан Аврангободга тўққиз курух (узоқлик)дан келган эди, унга шараф билан ўгли Нусратхон орқали хилъат бериб юборилди ва ҳукм бўлдики, у мулозаматга киришга келмасин, Бийдар (Бедар) томон бориб ўрнашиб олсин ва мағлубиятга учраган Акбар тўғрисида қайси томондан доми дарак келса, дарҳол уни таъқиб этсин.

Ўн саккизинчида Хонжаҳон Баҳодир олий даргоҳга арзга етказдики, исёнкор Акбар ёвуз Сабанҳо ҳудуди (ерлари)дан чиқиб, кемага минган, дарё жангидан қочган.

Шундай олий ҳукм оройиш топдики, мансаби икки мингчидан кам бўлган сарой мулозимлари (кетишга) рухсат бериш вақтида фотиҳа ўқишни кутиб ўтирмасинлар, агар Онҳазратнинг ўзлари хайр қўлларини фотиҳага очмасалар, хизматидан туширилган қозиларни қайта яна қозилик хизматига лойиқ кўрмасинлар.

Бешинчи рабиул аввалда музаффар подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳга юзта арабий, ирокий, туркий ва қачқий отлар ҳамда юзта туя, йигирмата ҳачир, битта тоғсимон фил, қиймати саксон минг рупиялик жавохир, қиймати икки минг ва олти юз рупиялик хилъат, қиймати ўн тўрт минг тўққиз юз рупиялик бошқа қийим-кечаклар, шаҳзода Бедорбахт ва Гитиоро бегимга хилъатлар, бошқа сарполар ҳамда ул жанобга тобе барча амирларга мартабаларига мувофиқ равишда хилъатлар бериш Салоҳхонга ҳавола қилинди. Ва ҳар бир амирни алоҳида-алоҳида истикболга чақириб хилъат берсин; подшоҳлик расм-одоби бажо келтирилгач, шоҳи олийжоҳ хизматига борсинлар, таслимот (совға-саломни) бажо этсинлар, деб тушунча киритилди (119а).

Ўн биринчида муқаддас ҳукмга мувофиқ, подшоҳзода Комбахш қадимги (аввалги) ғусулхона девонида ўтириб, подшоҳлик бандаларига ҳамда ўзларининг навкарларига сарполар иноят қилдилар. Бахрамандхонга ҳар вақт ул жаноб девон (идора) қилаётганда ҳозир бўлиб туриш тайин этилди.

Ўн бешинчи якшанба куни подшоҳзода Муҳаммад Комбахш билан Саёдатхон Сафавийнинг ёруғ юлдуз кизи Орзамбонунинг қувончларни орттирувчи ажойиб никоҳ тўйлари базми бўлди.

Хизматқорхон марваридлар қадалган нимаи остин билан бирга ҳос хилъат ва Хидматхон қиймати икки лакҳ йигирма олти минг рупиялик жавохирни подшоҳзоданинг уйига элтиб бердилар. Нурга тўла саройда беш лакҳ рупия нақд пул, иккита арабий, ирокий от ҳамда филдан иборат совға-салом бериш бажо этилди.

Масжидда Онҳазрат ҳузурида қози шайхулислом никоҳ ўқиди. Бир пос вақт ўтгач, ул саодатманднинг бошига муборак қўллари билан марварид сихра (тож) қўйдилар.

Хукмга мувофиқ, барча аъёнлар ғусулхона дюдахисида то улуғлик ва ифбат пардасининг зеб-зийнати Зийнатнисобону бе-гимнинг маҳал (сарой) дюдахасигача (бўлган масофага) икки қатор бўлиб подшоҳзода узангиси ёнида пиёда бордилар ва яқин қариндошлар билан биргаликда тўй ва хушчақчақликнинг ажойиб таронаси ораста бўлди.

Йигирма иккинчида Бижопур давлатмандларининг улуғларидан Хусайн Миёна толеининг ёрлиғи ва бахтининг раҳбарлиғи билан умид қаъбаси ва иқбол қибласига келиб, бахти қора пешонасини фалакасос остона хокига сажда қилиб, сайқаллаб (суртиб) ярқиллатди. Оташхон ғусулхона дарвозасигача унинг истиқболига чиқди ва мулозамат вақтида Чибутарадан келган Ашрабхон: «Хуш келибсиз», деди, соғлик-саломатлик сўради. У (Хусайн Миёна) беш мингчи, беш минг суворли мансаб, байроқ, ногора ва «Фатҳжангхон» хитобига сарафроз этилиш ҳамда қирқ минг рупия инъом қилиниш билан тенгдошларининг ҳавасини келтирадиган бўлди. Унинг биродарлари ва хеш-акраболарининг ҳар бири хилъатлар (1196), мансаблар билан пастки поядан эъзоз даражасига етдилар. Пур ва Мондил (Пура Мондил) фавждори Мон Сингх ибн Руп Сингх яна Дилпат ўрнига Бадахнур парганасининг фавждорлигига тайинланди.

Манҳо Сингх Бехдуриянинг ўғли отаси Удут Сингх вафотидан кейин рожалик хитобига эга бўлди.

Бихар субадори Сафийхон Мўғул ўн тўққизинчи рабиул аввалда кайвонмақом саройга келди. Сарой ҳужжатисиз суба хази-насидан эллик олти минг рупия сарф қилингани учун мулозаматга киришдан маҳрум этилди. Қувғин қилувчи хукмга мувофиқ, то Мўғулхон (бу) зар-олтинларни йиғиб, ўн бешинчи рабиул-охир ойида хазинага топширгунига қадар Баҳрамандхоннинг оташхонасига камаб қўйилиши буюрилди. Мукаррамхон кўринишга кириш давлатидан узоқлаштирилгандан (бир қанча вақт ўтгач) ўн иккинчида мулозаматга кириш инояти билан ифтихор топди.

Хисравбек чила марҳум Ҳофиз Муҳаммад Аминхон молларини Аҳмадободдан саройга келтирди. (Унинг мол-мулклари) – етмиш лакх рупия ва бир лакху ўттиз беш минг ашрафий, бир лакху эллик беш минг иброҳимий, етмиш олти фил, тўрт юз ўттиз

иккита от, бир юз ўн етгита туя, бир юз ўн тўртта хачир, ҳар хил чинни (буюм)лардан ўн сандиқ, олтмиш дона раҳкала, эллик тўрт ман ўк-дори (порох) ва кўрғошиндан иборат эди.

Тўртинчи жумодул аввалда арзга етдики, Дур Жанг Сингх Ҳода Бундини камал (ва) тасарруф қилган.

Йигирманчида Бухоро волийининг элчиси Муҳаммад Шариф султонлар паноҳи даргоҳида кўриниш ва хилъат (олиш) илтифотига эга бўлди.

Бахшиул-мулк Рухуллоҳхон Кукан (Кавкан) ясоғидан нурга тўла саройга келди, у хилъат ҳамда зарҳалланган ханжар ва битта арабий от иноят этилиши билан сарафроз этилди. Унинг укаси Азизуллоҳхон ҳамда Навозишхон Румий ва Акрамхон Декҳанийларнинг ҳар бири хилъат, фил тортиқ этилиши билан навозиш қилиндилар. Унга тобе кишилардан Саййид Миён номи билан машҳур бўлган Саййид Абдуллоҳ Борҳо, Шоҳ Олам саркорининг навқари, бир мингчи, олти юз суворли бўлиб, подшоҳлик фармони билан мансабга эришди.

Саййид Нурмуҳаммад (120а) Борҳо «Саййидхон» хитоби билан шуҳрат топди. Ҳайдаробод зодагонларидан Саййид Музаффар, бўҳтончи ва ёлғончи Моддано (Бондпо) Браҳманнинг «У давлат ишларида кам ақли ва иш асосини яхши билмайди», деб айтган иғвосига кўра Абулҳасан Қутбулмулк томонидан қамаб қўйилган эди ва ижроси вожиб ҳукмга биноан, подшоҳлик хожиби (элчиси) ул Саййидни унинг (Абулҳасан Қутбулмулкнинг) қўлидан озод қилиб, нури мунаввар саройга юборган эди, мулозаматга кирган куни унга эъзозу икром билан хос хилъат ва зарҳалланган ханжар марҳамат қилинди. Унинг икки ўғли умда (аъёнлик) мансаби ҳамда «Асолатхон» ва «Нажобатхон» хитоблари билан сарафроз этилдилар.

Йигирма иккинчи жумодул аввалда Гадҳа заминдори Чатр Сингх (Жари Сингх)нинг укаси Ҳари Сингх олий остонани ўпиш билан эътибор бошини кўкка етказди, хилъат иноят этилиши туфайли ўртоқлари орасида қадри ортди. Мағрибзамин ҳокимининг биродари Саййид Аҳмад давлат машриқига (давлат қуёши чиққан жой, яъни сарой)га келди, унинг толе пешонаси қуёшдек порлаган подшоҳликнинг иноят нурларидан мунаввар бўлди, хилъат ва зарҳалланган ханжар тортиқ қилиниши ҳамда беш минг рупия инъом этилиши билан умид чехраси ёришди.

Мўғулхон ёвуз ниятли Даржан Сингхни тор-мор қилиш фармонига бўйсунуш камарини боғлади.

Биҳав Сингх (Баҳодир Сингх)нинг набираси Ануд Сингх Бундига кетишга руҳсат олди, хилъат, от, фил ва ноғора марҳамат қилиниши билан яқин кишилари орасида шухрати ортди. Маҳо Сингх Бехдуряининг ўгли Рудар Сингх ва марҳум Муҳаммад Аминхоннинг жияни Саййид Муҳаммад Али, Сулаймон Шукухнинг қариндоши Хўжа Баҳовуддин ва бошқалар хилъат, от, филлар олиб, номи зикр этилган хон(хизмати)га тайин этилдилар.

Тўртинчи жумодул аввалда Кошғар элчиси Аюббек хилъат, ханжар ва икки минг рупия пул ҳамда кетишга руҳсат олди.

Саййид Абдуллоҳ (1206) аввалги «Иззатхон» хитобига тикланиш билан хурсанд қилиниб, Муҳаммад Аъзамшоҳ фавжининг девонлигига тайинланди.

Далирхон, Фатҳжангхон ва Бижопур ясоғига тайин этилган бошқалар, то Муҳаммад Аъзамшоҳ келганига қадар саройда бўлсинлар, деган ҳукм чиқди. Мануҳар Дос Гурнинг ўгли Кишвар Дас Шулопур қалъадорлигига сарафроз қилинди. Шаҳобиддин Ҳайбар томонидан келиб, мулозаматга кириш саодатини топди.

Ўн тўртинчи ражабда шаҳзода Муъизиддин Зафарободдан (ва) шаҳзода Муҳаммад Аъзам Бурҳонпурдан келиб, мулозаматга кириш давлати билан саодатманд бўлдилар. Олий кадрли шаҳзода ўз кўллари билан настаълиқда ёзган қитъаларини олий назардан ўтказдилар. (Ул жанобга) лаъл сарпеч марҳамат этилди.

Ражаб ойи охирида умри боқий Шоҳ Олам Баҳодирнинг қирқ биринчи йили бошланган эди, (ул жаноб) қиймати бир лакх беш минг бир юз етмиш рупиялик турра марҳамат қилиниши билан хос илтифотга сазовор бўлдилар.

Марҳум Мулла Абдулҳакимнинг ўгли, фузалолар пешвоси, фуқаролар раҳнамоси Мулла Абдуллоҳ Сиёлкутий Ҳақ раҳматига қабул этилиб, оламдан ўтганлари олий саройга арз қилинди. Фузалодўст, фуқароларга меҳрибон хоқоннинг марҳамати ул марҳумнинг тўрт ўгли ва аҳлларига хилъатлар юбориб, вазифаларини юксалтиргани уларни хушдил этди. Ул ақллилик пешқадамида камоли фозиллик орқасида факрлик (камсуханлик) голиб бўлиб, хаётий ақл билан жаннатий ақл бирлик ҳосил этган эди. Оқилларга эгизак ва фуқароларга ошналик қилишда шундай кишиларга ақл асоси бўлган (биз) бандалар Онҳазрат (Оламгир) Ажмирда турган вақтларида олий хотирга Муллани улуғ садорат хизматига ўтказиш фикри келиб, бу ҳақдаги шавқ-завқли фармонни хос дастхатлари ила шараф билан битган эдилар. Фузало

ва фуқаролар билан яхши муносабатда, ул кишиларнинг матлаб арзларига восита бўлувчи, Онҳазратнинг яқин кишиси Бахтовархон ўз томонидан мактуб ёзишга маъмур этилган эди (121а). Фармон етиб келгач, Мулла мазкур хоннинг (мактубига) шуҳратга интилиш эмас, балки айрилиш вақти келди, деб жавоб хати ёзди.

Кароматзухур саройга оламда ижроси вожиб ва лозим ҳукм етиб келдики, у жаннат соҳибларининг пешвоси, чиштия арбобларининг сараси Ҳазрат Хўжа Муъиниддинни – Аллоҳ қабрини мунаввар айласин – зиёрат қилиш ва файзбахш мулоқот, яъни зиёрат билан саодат топмокчи. Бандалар Онҳазратига ул донишмандлар танлаганининг сўзлари маъқул тушди. Унинг ёзишига кўра, Ажмирга келгач, бир неча кун саройда бўлиб, бир қанча марта файзга тўла суҳбатдан баҳра топиш даражасига етган ва орифлар раҳнамоси Ҳазрат Хўжанинг мунаввар қабрини зиёрат қилиш бахтига мушарраф бўлган. Бандалар Онҳазратининг ризоси билан ватанига рухсат олиб кетган ва у ерга етиб борганидан сўнг кўп ўтмай ҳақиқий ватан томон сафар қилишни танлаган. Байт:

*Киприкларнинг туташishi билан афсоналар тугади,  
Озми-кўпми умидлар эса боғламлигича қолди.*

Аллоҳ мағфират қилсин! Яхши хабарларни мужассам этган кулоққа етиб келдики, Нейро дарёси соҳилларидаги жойдан саройга чақиртирилган олиймақом шоҳ Муҳаммад Аъзамшоҳ шиддатли ёмғир ва лойгарчиликка қарамай, Чаноҳга шошилинич хабар қилдилар: чодирлар (хиймалар) учун юк хайвонлари етишмаслиги сабабли жуда кам ҳамроҳга эгадирлар. Олий саройдан чодир (олиб) ийдгоҳ масжиди яқинида кутиб турсинлар, деган шафқатли ҳукм чиқарилди. Куннинг охирида олий арзга етдики, шоҳ отда йўл юриб келаётганларида Фатҳжангхоннинг фили қутуриб, тўсатдан фавжга ташланган ва шоҳга яқинлашган, (шоҳ) фил томон (121б) ўқ узганлар. (Шу вақт) фил янада яқинлашган, (Шоҳ) минган от бунга тоб беролмай, хуркиган, (шоҳ дарҳол) отдан тушиб, филга юзма-юз бўлиб, фил ҳартумига қилич солганлар. Шу вақтда таркок бўлган (жилов) хизматлари тўпланиб, филга қаттиқ захматлар етказиб, уни ўлдирганлар. Олий саройнинг навқари Муҳаммад Солим Ислом эркин таъб ва равон тилнинг мушоҳадаси билан ушбу нодир воқеа баёнида маснавий (шеър) айтди ва ширин гуфторлигининг баҳридан обдор (сув белгили) шоҳвор дурни кўксига ёдгор қилди. (Ушбу маснавийдан) бир қанчаси келтирилади:



Қаро булут каби қутурган фил,  
Бутқул ақлдан озиб жинни бўлиб,  
Булут каби ва яшиндан тезгар  
Тоғ сингари ва селдан қўрқинчлироқ.  
Унинг қўриниши (шу хилда) ҳайратга  
соладиган даражада баҳайбат эди.  
Ким, вужуд, зўё терисига сизмас эди.  
Агар йиқилса, йўқлик оламига ўтади,  
Ундан бир қадамлик жой ҳам қолмайди.  
Агар унинг сояси булутларга тушса –  
Ер юзига бир томчи ҳам тушмайди.  
Унинг оёқларининг ҳар бир зарб билан тушишидан –  
Ер (юзи)да кўзсиз узук чизиклари пайдо бўлади.  
Қадам ташлашда унинг залвори шу қадар зўрки,  
Гўё ер (остидаги) эгри шоҳли ҳўкиздир.  
Агар асов вақтида у ер устига чўккаласа,  
Ернинг маркази пастга ўтириб қолади.  
Гоҳда агар хартумини баланд кўтарса,  
(Гўё) фалак (осмон) қорнини сиқиб кўяди.  
Ҳайратни орттирувчи бахтсизликнинг (бу) коронгу чоҳи –  
Шоҳ душманларининг толеи билан ошнодир.  
(Бу) ваҳшат нишон катта балоларга алоқадор,  
Соҳибқироннинг ул душманларига таалуқликдир.  
Магар у тогтан беустун бўлган бўлса,  
Филбон унинг устидаги куҳқандур.  
Кенг лаби ҳамма томондан кўпира бошлади,  
Бу фил девонавор бўла бошлади.  
Агар шоҳ бандаларига фармон берса –  
Унинг мағзи (танаси)дан муаттар жонини сузуриб оладилар.  
Шоҳга фил учун илтифот қилиш қайда –  
Хизрга шайтоннинг шайтонликка киришининг не ҳождати бор.  
Амр этди: иши борлар ишни қолдириб,  
Ғурур (қутурганнинг) шикор (этилишини) томоша этсинлар!  
У фил яна бир қанча қилиқ қилди,  
Қазо(си етиб) ҳаёт хоки бошига сочилди (122а).  
Ажал ҳиди димоғида анқиди,  
Умр йўлини шартта қирқиб ташлади.  
Соҳибқиронга юзланиб шундай чопди  
Ки, ўзида замин у замонни ларзага келтирди.

Кўринган ҳар нарсани чангу зуборга айлантирди,  
 Ер юзини қоп-қора қоронгулик босди.  
 Тақдир экан, шу хилда кулфат кўп бўлди  
 Ки, зўё ҳар бир жон устига осмон йиқилди.  
 Ҳар бир лабдан дуо устига дуо тўкилди,  
 Ҳар бир титраган сийналар «Ё худо!» деди.  
 Минилган отга ва филнинг яқинлашиши билан,  
 Ул давр фитнаси (гала-гуласи)га кенг йўл очилди.  
 Шаҳаншоҳ бу фитна яқинлашаётганини билди,  
 Ўлим камонини кетма-кет тортиди.  
 Шоҳнинг ўз кўли билан отилган пайкон,  
 Ҳумо(бахт кўёши) зафарин этди ошён.  
 Оғушининг ҳамма ери тешикланиш билан мукофотланди  
 Баробар ва тўғри юракка (санчиловчи) камонлар отилди.  
 Камондан ўқлар шундай саф тортиб чиқдилар  
 Ки, уларнинг тарқалишидан ҳаво тўлқинланиб кетди.  
 Камондан то филгача (бўлган ерлар) яксон этилди  
 Бир ўқнинг андозасида йўл тушди.  
 Ҳаво мавжи газабига барҳам бермади  
 Хануз захм-заҳматлар маконида бўшлиқ эди,  
 Ки ул қудратни намойиш этувчи ўқ (бўшлиқни) эгаллаб олди.  
 Ажалнинг бир тўқмоғи душман танидан жой олгандек  
 Фил бошида ҳам шундай жой олди –  
 Гўё Нил дарёсидаги лаби ташна гаввосдир.  
 Шоҳи олий шукуҳнинг ўткир ўқи  
 Оташ каби тоғ (фил) жонида ниҳон бўлди  
 Бундан ёшу қари ҳайратга келди.  
 Гўё тоғда қон томири кони пинҳондек  
 Фил яна зўр изтиробни макон тутди  
 Ҳудди шайтондек аъзойи баданини  
 (ёндирувчи) ўқдан ларзага келди.  
 Шоҳ (отган) ўқдан вужудининг шўри зиёд бўлди  
 Гўё симоб чоҳга яшин тушди.  
 Ер устида бирдан кўтарилган гирдобдек  
 Ҳумоюн (бахтиёр) шоҳ сояси олдига яқинлашди.  
 Кутурган фил хартумини юқорига кўтариб  
 (Сўнг) бирданига шоҳ оти устига тушириб урмоқчи бўлди.  
 Унинг (отнинг) омонлик тилаб нидо этиши  
 Далир шоҳнинг қаҳрини (келтирди).

(Шоҳ қараса) хартум юқоридан настга тушиб келмоқда  
 Шоҳ зафар тигини камаридан чиқарди.  
 Бир зум ва ниҳоятда чаққонлик билан  
 Унинг шафқатсиз хартумининг заҳмати кетидан  
 Ярқ этиб нур пайдо бўлди ва тиг юқорига кўтарилди –  
 Инон майлининг кучи билан ғилофдан.  
 Шаҳанишоҳнинг жигарранг, думи қора оти шундай қочди  
 Ки, шоҳ унинг (филнинг) хартумига урди газаб тигини  
 Бундай қудратга осмон “офарин” деди (1226).  
 Зарб кучидан фил шундай наст бўлдики,  
 Худди соядек қотиб ўзида (турган жойида) ўтириб қолди.  
 Ниҳоят оёғидан тойиб йиқилди у олчоқ фил  
 Унинг гурури ва хартуми бўлди сарнигун.  
 Тезлик билан қочди соҳибқирон қўлидан,  
 Рустам юраклиларга журъатни ўргатувчи шоҳ (қўлидан).  
 (Бу) – жангда шухрат қозонган қаҳрамонликдир –  
 Отдан тушиб душман билан пиёда (юзлашиш).  
 Лекин шоҳ бахти қароларни –  
 Худди шу зайлда мағрурлик тупрогини бошидан сочди.  
 Ғолибкор шамширини баланд кўтарди  
 Унинг журъатига зафар “офарин” деди.  
 Шоҳи соҳибқирон ул филнинг  
 Қаҳри газаб билан оёғига икки марта зарб урди  
 Дили қора филнинг иши тамом бўлди.  
 Унга қарши ҳаёт кўззолди ва ҳаром бўлди.  
 Шаҳанишоҳ душманни ғам-ғуссага отиб юборди,  
 Шикор хунидан этак сиқилди  
 Фил яна хос ва омнинг кўзгалишига (сабабчи бўлди).  
 Шамширин ғилофлардан чиқардилар  
 Сўнг, ҳаммалари бир бўлиб, тиглар била  
 захму заҳмат ёғдирдилар.  
 Бир зарб билан фил фикридан мағрурлик қочди  
 Филнинг аъзойи бадани шундай пора-пора қилинди  
 Ки, ҳар пораси бир нилдек бўлди.  
 Устихонларнинг тўдаси жавҳар бўлиб тўкилди  
 Ҳамма жавҳар-устихонлар (бир) осмон бўлди.  
 Дин шоҳига Ҳақ Худо мададининг лутфи бўлди  
 Унинг душманларининг ҳоли (доимо) шундайдир, шундай.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш ва Рухуллоҳхон шу ондаёк жўнаб кетдилар ва олий саройнинг тўрт минг рупия нисорини олиб келдилар. Подшоҳзода ўзларидан беш юз муҳр ниёз бердилар. Ва мазкур хон ўз тарафидан юз муҳр ва минг рупия (ниёз) берди. Подшоҳзода бир пос ва тўрт соат ўтгач қайтиб келдилар. Шу куннинг эртаси мулозаматга кириш куни эди, подшоҳзода минг нафар барча улуг аъёнлар билан бирга қабул қилиндилар ва ҳар бир киши мартабасига яраша нисор қўйди. Олий ҳукмга мувофиқ, шоҳ тантана билан ўз доираси(қароргоҳи)дан чиқиб, Арқ қалъасига етиб келдилар ва олдин мулозаматга кириш билан саодат топдилар. Шаҳзода Бедорбахт қароматзӯхур саройга келиб, қадам ўпиш саодати билан иззат бошларини ораста этдилар. Олий мақом шохнинг ҳовлиси тартибга келтиришни талаб қилар эди, то (ҳовли таъмири) тугалланишига қадар қадимий хос ва ом билан ёнма-ён маҳаллада яшаб туришга ижозат олдилар.

Рашидхон арзга етказгач, амирул-умародан эллик икки рупияли харж гувоҳномаси (123а) қайтариб олинсин, деган ҳукм бўлди. Мазкур (Рашидхон) ёздики, барча етти лакҳ рупия харж этилиб, бошқа нарсалар Банголага ёрдамга юборилган. Шу микдордаги маблағни қайтариб олсинлар, деб ҳукм этилди.

Ўн биринчи шаъбонда хуршидкулоҳ шоҳ давлатининг (саройида) исмат соҳиби бўлган парастор (канизак, хизматкор) Утам Канур йўқлик оламидан вужуд майдониға бир фарзанд келтирди, бир минг муҳр назр мунаввар назардан ўтказилди. Саодатманд бола Воложоҳ исми билан номдор ва бахтиёр бўлди.

Ҳожи Шафиъхон Хонжаҳон Баҳодир томонидан давлат волийлари тасарруфига киритган жами янги мулкларнинг (ерларнинг) ишлари билан шуғулланиш ва тартибга келтириш учун рухсат олиб кетди.

Сиво муншийи қози Ҳайдар бандалиқ иродаси билан толе пешонасига давлат келтирди, хилъат, ўн минг рупия ҳамда икки мингчи мансаби марҳамат қилиниши шарафига сазовор бўлди.

Хатоларни афв этгувчи, гуноҳларни кечувчи хоконнинг ҳукмига мувофиқ, Мухсинхон хилофат хазиначиси билан бирга ҳидоятзӯхур саройга келиб, қамокқа олинмиш шармандалигидан қутулиб қолди.

Мирзо Садриддин хонлик хитоби ва Ромгир фавждорлиги билан иззатнинг энг юқори поғонасига ўтирди.

Йигирма биринчида хуршидмақом шоҳ Муҳаммад Аъзам шохнинг муборак Хужастабунёд қалъасидаги болишхонаси муқаддас

олий қадам (ташриф) билан осмон кўкига теги. Подшоҳзода қиймати икки юз етмиш беш рупиялик узук ва Жаҳонзеббону бегим малойи марварид, қиймати ўн тўрт минг рупиялик лаъл овиза (зирақ), шоҳнинг қизи Гитиоро бегим қиймати ўн тўққиз минг рупиялик малойи марварид ва қиймати икки минг беш юз рупиялик зарҳалланган Бижопур билагузуги инъом этилиши билан эъозландилар ва мумтоз қилиндилар. Шоҳ томонидан икки лакҳ ва тўқсон саккиз минг тўрт юз рупия совға мунаввар назардан ўтказилиб, унинг қабул қилиниши ул жаноб ифтихорининг асоси бўлди. Рандмастхон «Баҳоқирхон» хитобини олди.

Йигирма тўққизинчида бўстон бисоти олий маҳфил (сарой) назарига Мўғулхон хабари етиб келдики, ул ботир атворли Бундида юриш (уруш) нурина сочган, кечасидан бир паҳр ўтганда ўк ва тўпларни ишга солиш хоҳишини қилган (1236). Ниҳоят, Жан Сингх кора юзли тун зулматини ўз уятсизлик кирдорининг пардаси этиб қочиш шармандалигини ҳаёт рухсориға тортган. Онруд Сингх ўз жамияти ва подшоҳликнинг бошқа бандалари билан биргаликда Бундига кирган.

*Улуғ Оламғир қудратли жулуси (тахтга ўтирган) даврининг бир минг тўқсон тўрттинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирма еттинчи йили бошланиши*

Бисмиллаҳ. Ихлос сураси (гуноҳлардан) халос ва озод этувчи китобнинг фотиҳасидир. Рамазон (ойининг) хилоли руҳ ва инсонларни яратган Яратувчига мақтов ва шукрлар айтувчи (халойик)нинг бошига махсус баракали ва хос файзли нур туширди. Художўйлар, арбоблар қибласи бутун бир ойни давлатхона масжидида ажойиб хайр ва эҳсон ишларини бажариш билан ўтказдилар. Еттинчида олиймақом подшоҳзода Мухаммад Аъзамшоҳ хилъат, сарпеч, зарҳалланган ханжар, қилк, фил, юз бош от ва икки лакҳ рупия пул иноят этилиши билан эъозланиб, Бижопур ясоғига кетишга рухсат олдилар. Шаҳзода Бедорбахт хилъат, сарпеч, қилк, ханжар ва филга эга бўлиб, олийкадр оталарига ҳамроҳлик қилиш ижозатига эга бўлдилар.

Сайид Шерхон, Ихлосхон, Камолиддинхон ҳамда подшоҳзода (жилови)даги бошқа хизматчилар турли-туман иноятлар билан ифтихор қозондилар.

Тўртинчида Кашмир субаси нозими Иброҳимхон хабаридан гардунтахт поясининг хизматчиларига маълум бўлдики, унинг

ўғли фидойилик йўлида ажойиб саъй-ҳаракатлар кўрсатиб, Қурра Табаст (Қара Табаст)ни Дулдул заминдор тасарруфидан юлиб олиб, мамолики маҳрусига (салтанат таркибига) кўшган. Зафарга эгизак (бундай) ҳукм чиқди: бўстон бисоти, нурларга тўла сарой табрику саломларни бажо келтирсин, фатҳ шодиёнаси навозиш килсин.

Оташхон ҳукмига мувофиқ, Муҳаммад Аъзам шоҳ лашкарига бориб, Мирхоннинг ўғли Муҳаммад Ходийни саройга олиб келди. У аввал Рухуллоҳхонга, сўнг Салобатхонга топширилган эди, йигирма бешинчи рамазонда «Давлатобод қалъасига камаб кўйилсин», деган ҳукм бўлди.

Учинчи шавволда олий ёрликка мувофиқ, Шоҳ Олам Баҳодирнинг давлатнишон пешхонасини ёвуз душманларнинг Кукан (Кавкан), Ромдра ҳамда бошқа ерлардаги исёнчиларини қириб ташлаш иродаси билан зафар шодиёнасини чалиб Аврангободдан олиб келдилар.

Дамухон Рухл Афғон каттиқ касалликдан абадий саройга кетди. У аксари жангу жадалларда ўзига хос тараддуллар килиб, куч-қуввати ва зўрлигини намоён этар эди; шухрат орттиришда ва халқни ўзига жалб этиш ҳамда толеи ёрликда (124а) умрининг бошидан охиригача муваффақият қозониб келганди.

Дин улуғлари ният мазорлари ва Олура мавзеининг кайфи-холи тўғрисидаги (маълумотлар мажмуи) мақсад хабарлар битувчи хома – қалам зиммасига юклатилди.

Хужастабунёддан саккиз курух ва Давлатобод қалъасидан уч курух масофа (узоклик)да (жойлашган) Ҳазрат Шайх Бурхониддин, Шайх Зайнулҳақ, Шайх Мунтахабиддин Зарбахш, Мир Ҳасан Дехлавий, Мир Саййид Муҳаммад Гисударознинг отаси Сайид Ажу ва бошқа «Худо орифлари» (Худони мушоҳада орқали билувчилар) – Аллоҳ қабрларини мунаввар айласин – барчасининг файзли мазорлари халойиқ зиёратгоҳидир. Бу «Худо орифлари»нинг аксарияти авлиёлар султони, асфиёлар (соф ҳудожўйлар) ҳужжати ҳақ ва диннинг низоми бўлган Онҳазрат ирода саройига йўл тутганлардандир.

Султон Муҳаммадшоҳ таклифи билан Тўғлукнинг ўғли Жуно Дюгир қалъасини мамлакатнинг ўртаси деб билганидан (унга) Давлатобод деб ном бериб, дорул-мулкка қарор қилишни хохлади ва Дехли халқини аҳли аёли билан кўчириб, шунингдек азизу иқромлар билан ул сарзаминга бориб, шу ерда вафот этдилар. У

ердан бир неча масофа узоқликда Олура номли жой бўлиб, унда илгари – жуда узоқ даврларда сеҳрли тоғ тизмалари устида бир курух узунликда (тоғни тарашлаб) баланд уйлар қурганлар, барча катта-катта деворларига ўйиб яхшигина суратлар солганлар, (лекин) тоғнинг тепаси бирдек (текис), гўё уйлардан нишон ҳам йўқдек кўринади. Аввалги замонларда бу диёрда куфр ниҳоятда авжига чиққан ва турли хил ривоятларга кўра, ушбу манзилларни қурганлар ёлғончи, баттол маъбуд қавмларининг жинлари эмас, балки уларнинг ўзлари бўлган, албатта. Ҳозир ўша бинолардан харобалар қолган (бу жойлар) у дунёси бор, тўғри йўл (Ислом дини) асос топган ибратомуз жойлардир. Ул тоғ ва саҳроларда ҳар мавсумда ўзига хос ёғингарчилик натижасида серсувликдан ям-яшил сабзалар ва сувга маъмурликдан боғу роғлар намоеън бўлади ва кенглиги юз газли шаршара тушади, одамлар уни томоша қилишга келадилар, (бу) ажойиб сайргоҳдир. Унинг моҳиятини таҳрир тили билан тўла-тўқис баён қилиш мушкулдир, хома (бу ҳақда) қанча ҳам саҳифа ёза оларди? (1246)

*Хужастабунёд маъмур бўлиши учун зафар юлдузли  
қўшинининг Аврангободдан иккинчи маротаба  
Аҳмаднагар томон юриши*

Зулқаъда (ойи)нинг боши (ғурраси)да Карнпура манзили жаҳонни фатҳ этувчи байроқ соясидан саодат кашф этди, ўк товуши эшитилиши билан душманлар янчилди. Муборакбод этувчи совға-саломлар шовқин-сурони давлат волийлари бошини оғритиб юборди.

Муҳаммад Аъзамшоҳ ва подшоҳзода Бедорбахтлар саройга келган эдилар, ўн тўққизинчи зулқаъдада хилъат, сарпеч, фил ва нимаи остин инъом этилиши билан эъюзландилар ва Гулшано-бод томон рухсат олиб кетдилар.

Сикҳар заминдори Падам Нояк мулозаматга кирди, хилъат, шамшир ва жамдҳар ато қилиниши билан азиз этилди. Чонда заминдорлигига Ром Сингх ўрнига Кашан Сингх тайинланди.

Учинчи зулҳижжада Аҳмаднагарнинг хом қалъаси қурилиб, Далирхон (у ерга) музаффарқудрат чодир ўрнатди.

Қози Абдулваҳҳоб ўғли қози шайхулислом табиий истеъдоди ва Аллоҳ марҳаматининг мадади билан (дунёга) бўлган ҳавасини ўғирлади, тўрт такбир (яъни, жаноза) дунё ишларидан этаги-

ни қоқишга даъват этди. Онҳазрат иноятига қарамай ва йўқлик ҳамда хизматни тарк этиш қазосининг битими шундай одамларга лозим имзо бўлганидан, у инони таважжух қилинган томонга ҳеч бокмади. Шунга кўра чор-ночор ўрда қозилиги қози Абдулвахоб куёвининг ҳисбу насаби Саййид Абусайидга топширилди. Мазкур шахс дорул-хилофатдан келиб, мулозаматга кирди, хилъат, шамшир ва жамдҳар инъом этилиши билан азизу икром қилинди.

Ўнинчи зулҳижжада Шарҳринав ҳокимининг ҳожиби (элчиси) Муҳаммад Халил малоикалар посбонлик қилувчи остонага келиб кўринишга кириш илтифотига, хилъат ва бир минг рупия пулга эга бўлди. Сари Ранг Патн заминдорининг вакиллари совға-саломлар билан етиб келдилар, уларга икки юз рупия марҳамат этилди.

Саййид Ўғлон подшоҳзода Муҳаммад Комбахшга муаллимлик қилиш шарафига сазовор бўлди.

Аврангобод қозиси Муҳаммад Солиҳ дорул-хилофат қозилиги хизмати билан ва рикоб (жилов) муфтийи Муҳаммад Акрам унинг ўрнига ул ер (Аврангобод) қозилиги билан эъзозландилар.

Мир Абдулкарим жойнамоzxона доруғалигига қўшимча равишда ҳифта чуки омонати хизматига эга бўлди.

Сарбаландхон Хўжа Яъқуб димоғдор ўзбошимчалар таъзирини бериб қўйиш учун (125а) Баҳодирқада томон кетишга рухсат хилъатини олди.

Мўғулхон ўрнига Комқорхон ахтабеги бўлиб, ўз мақсадига етди. Мир Қавомиддинхоннинг ўғли Шижоатхон мироташ хизматига сарафроз қилиниши ва Матлабхон аҳадийлар бахшигири раҳбарлиги билан иззат ва эътибор чехрасини равшан этдилар.

Тўққизинчи муҳаррамда Рухуллохон ғанимлар адабини бериб қўйиш учун рухсат олиб, ярим кечада Найро (Питро) дарёси ва Баҳрамандхон Ашти (Асни) томон кетдилар.

«Далирхон» хитобини олган Маъмурхон душманга ҳамла қилиб ва ғолиб чиқиб, толеи хилъат, фармон, туғ, алам (байроқ) ва иккита отдан иборат инъом томон ошиқди.

Шаҳобиддинхон кетма-кет ҳужумлар ва жуда қаттиқ жанглар натижасида малъун душманни янчиб ташлаб, бўйсундирди.

Ўн бешинчи муҳаррамда Ғозиддинхон «Баҳодирхон» хитобига эга бўлиб, ботирлар ва баҳодирлар саркардаси деган ном чиқарди. Унинг укалари Муҳаммад Ориф «Мажоҳидхон» ва Муҳаммад Содик Хуши «Содикхон» хитоблари билан номдор бўлдилар.



Дилпат Бундила ва Рожа Удат Сингхга, уларнинг бошка хамроҳларига хилъат, фил, от ва мартабаларига яраша қушимчалар марҳамат қилинди.

Муҳаммад Аъзамшоҳнинг мулозими Мир Ҳошим ўғли туғилганлиги ҳақидаги хабар билан салтанатпаноҳ даргоҳига бир минг муҳр назр келтирди. Болага Зийъжоҳ исми берилди, марваридлар кадалган кулоҳ, зарҳалланган чашмак (кўзойнак) ва марварид лари марҳамат қилинди. Мазкур Мир хилъат ва беш юз рупия инъом олди.

Мағлубиятга учраганлар Патн тарафда санғиб юрибдилар, деган хабар келди. Ярим кечада Баҳрамандхон совут ва камонлар олиб, шу ондаёқ фармонни бажаришга киришди.

Ўн тўққизинчи сафарда Хонжаҳон Баҳодирнинг тор-мор этилган ғанимлар Кишна дарёси бўйида кўзғолон кўтариш нияти билан тўпланганлар, деган хабари ҳар бир кишига маълум қилинди. Номи зикр этилган (Хонжаҳон Баҳодир) ўттиз куруҳ (масофадан етиб келиб) ҳужум (ва) шиддатли жанглар қилиб, ёвуз (исёнчи) кофирларни қаттиқ жазолаб, кўпларини шафқатсиз тигдан ўтказган ҳамда енгилганлар мол-мулкани талон-торож этган. Баҳодирларнинг ул пешвоси номига шараф билан таҳсинунвон фармон чиқарилди. Унинг ўғиллари Музаффархон «Ҳимматхон» хитоби, Нусратхон – «Сипоҳдорхон», Муҳаммад Шафиъ – «Нусратхон», Муҳаммад Бақо – «Музаффархон» ва унинг куёви (1256) Аъзамхон Кўканинг ўғли Жамолиддинхон «Сафдархон» хитоблари билан иззатлаш вақтининг оройиши бўлдилар.

Жумлатул-мулк Асадхон Ажмирда эди, олий остонага келди.

Йигирма бешинчида бахшиул-мулк Ашрафхон то ғусулхонада қабул қилинганига қадар мулозаматга киришга улгурди.

Йигирма еттинчи сафарда Муҳаммад Аъзамшоҳ ва Бедорбахтлар мулозаматга кирдилар. Еттинчи рабиул аввалда хилъат ва жавоҳир инъомлар билан эъзозланиб, Баҳодирқада томон азиат нуруни сочдилар.

Салобатхон Наулқаҳа Умрадан келиб хилъат олди. Аъзамшоҳ саройининг шикор девони Мулукчанд хилъатга сазовор бўлиб, подшоҳзодага инъом этилган олтмишта филни олиб бориб (топшириш)га маъмур қилиб тайинланди.

Сўфи Баҳодир бандалик умиди билан Кошғардан келиб, халқларга илтифот қилувчи остонага сажда қилди, хилъат, тиллабанд, боғичли ханжар, шамшир ва минг рупия инъом билан ифтихор бошини хокисорлик заминидан баланд кўтарди.

Рабиул охир ойининг тўртинчисида Рандулоҳхон ажал жанг майдонида тайёр бўлди.

Тўққизинчида Шукруллоҳхон (матнда “хон” кўшимчаси ёзилиб-ўчирилган) иккинчи маротаба «Аскархон» хитоби, Хондавроннинг ўғли Саййид Ҳасан – «Ихсонхон» ва Муҳаммад Мурод бинни Муршидқулихон – «Муҳаммад Муродхон» хитоблари билан сарафроз бўлдилар.

Йигирма тўртинчида Ғозиддинхон Баҳодир Буно ва Кира Намуна (Пуно, Кира ва Намуна) тарафига кетишга рухсат олди, унга совут, камон, ўн минг рупия ва икки юз ман тилла марҳамат қилиниши билан умид этаги тўлди. Унинг ўғли, марҳум Саъдуллахоннинг набираси Қамариддинхон тўрт юзчи, бир юз суворли (мансаб билан) қайтадан сарафроз этилди.

Йигирма тўққизинчида Муҳаммад Наим дорул-хилофат девони хизматига тайинланди.

Ўн иккинчи жумодул аввалда бахшиул-мулк Рухуллоҳхон муносиб фавж билан биргаликда Шох Олам Баҳодир жилови (хизмати)га тайин этилди ва у орқали жаноб (Шох Олам Баҳодир)га йигирма минг ашрафий, юзта от, элликта туя, йигирма бешта хачир ҳамда шаҳзода ва унинг (хизмати)га белгиланган амирлар учун хилъатлар, жавохирлар, фил ва отлар юборилди. Шу вақтнинг ўзида Муҳаммад Аъзамшоҳ ҳамда шаҳзода Бедорбахт, Воложохлар хилъат, жавохир, от ва филлар ато этилиши билан эъзозланиб, кетишларига) рухсат берилди.

Сафийхон Хужастабунёд субасининг мудофааси учун хизматга сарафроз этилди.

Баҳрамандхон Гулшанободдан келиб мулозаматга кирди (ва фил марҳамат қилиниши билан эъзозланди).

Шижоатхон «Сафшиканхон» хитоби, хос хилъат, жиға, алам ва туғ берилиши билан азиз этилиб, Сари Ранг Патн томон кетишга рухсат (126а) олди. Ёвуз Сабонхонинг ўн икки нафар навқари Читутара кутволлигида қамокда бўлиб, умидсизликка тушишди. Муҳаммадиёр ибн Далирхонга маъмурий «Маъмурхон» хитоби ва отаси хузурига кетишга рухсат берилди.

Олтинчи жумодул охирда Султон Воложох етмиш рупия кундалик маош белгиланиши билан эъзозланди.

Ўн иккинчида подшоҳзода Муҳаммад Комбахш мушқуви(саройи)дан фарзанд қадамининг қувончли хабари келтирилди. Хабар етказувчи Хўжа Ёқутга хилъат тегди, подшоҳзодага бо-

лобанд, бир хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан ишланган турра марҳамат қилинди.

Хос навис Хўжа Исмоил янги туғилган болага «Валади Муҳаммад Комбахш» деб тарих топиб, хилъатга эга бўлди. Туғилган бола Умидбахш исми билан шуҳрат топди. Шижоатхон Ҳайдарободий умид чехрасини хилофат остонасига суртди, беш мингчи, беш минг суворли мансаб ва «Шижоатхон» хитоби билан иззат даражасини баланд этди.

Эътиқодхон муносиб фавж билан Зафарободи Бидар томонга рухсат олиб кетди.

Дувоба Жолиндахр фавждори Миракхон Гужарот фавждорлигига тайинланди.

Ўн саккизинчида Шоҳ Олам Баҳодир Куқандан (Кавқандан) келиб кўриниш саодатига муяссар бўлиб, хилъат, қиймати уч лакҳ ва ўн тўккиз минг рупиялик жавҳарлар ато қилиниши билан мумтоз, шахзодалар эса хилъат ва жавоҳирлар инъом қилиниши билан сарафроз этилдилар.

Рухуллоҳ ва Мунирхон мулозаматга кирдилар ва хилъатлар марҳамат этилиши билан кадрлари кимматли бўлди.

Мўғулхон, Анруда Сингҳга ёрдам бериш ва Дуржан Сингҳни яксон қилиб ташлаш учун кетган эди, ғалабани қўлга киритган ҳолда мулозаматга кирди, таҳсину офарин хилъатини олиб, шуҳрат даражасини ортгирди.

Ҳожи Мохтоб Ҳайдарободийнинг бахт пешонаси бандалик саждасини бажо келтириш билан равшан бўлди.

Йигирма учинчи ражабда Қутбулмулкнинг ҳожиби (элчиси) Муҳаммад Жаъфар мулозаматга кириш саодатига эришди. Бу (ажойиб) донишмандга Ҳофиз Муҳаммад Аминхон устозлик қилган эди.

Акбарободдан Кобулга кетаётган вақтида Бахтовархон унга бандалик қилиш умиди билан ҳар кишини назардан ўтказишни тавсия қилди. Назардан ўтказилган Муҳаммад Акбар саркоридан мансаб топди, савлат ва қобилиятдан холи эмаслиги туфайли вақт ўтиши билан шу саркор (тобелиги)да ўрнашиб олиб, филхона доруғаси бўлди.

Акбар исёнидан сўнг Ҳайдаробод томон жўнаб қолди. «Мен ундайман, мен бундайман, фалончи амир биродарим, фалончи менинг энг яқин қариндошим», деб лофу ёлғон урганича, Абулҳасан (1266) ва унинг хизматкорлари наздида эътибор қозониб, «Айнул-

мулк» хитоби билан иззат чашмасини тўлдирди. У (Абулҳасан) кимнидир олий даргоҳга ҳожибликка юборишни хоҳлаб қолган вақтида Жаъфарнинг ёлгон мақтанчоқликлари (ўзининг) гарданига тушиб, чор-ночор элчи бўлиб келди. Мулозаматга кирган вақтида Бахтовархон «бу – ўша одам» деб маълум қилди. (Унинг) сўзларидан гўё гавҳар ёғилар эди. Абулҳасан дидининг ўткирлигини қарангки, Акбарнинг шундай навқарини элчиликка юборган! У бахтиёрлик ва иқбол номаси (яъни подшоҳ Аврангзеб номаси) мазмуни билан ошно бўлган ва муносабатни ўрнатиш хабарини етказган. Шону шавкат, бойиш ҳамда ул (жанобнинг) илтифотига сазовор бўлиш мулоҳазаси (ва шунингдек) «харидор-миз» деб айтиш умиди билан (элчи) юборган. «Нега келдингиз?» дейилганда, (элчи) айтди: «(Мени бу ерга) ул азиз дийдорни кўриш шавқ-завқи келтирди». «Келиб жуда ёмон иш қилгансиз», деб жавоб қилинди. Икки кундан сўнг кутвол тўсатдан унинг хонасига кириб, Чибутарага бошлаб келтирди, унинг моллари (қавқабаси) бошқа кўп нақд пуллари билан бирга тортиб олинди. Бир қанча вақт ўтгач, у (Муҳаммад Жаъфар) уч юзчи мансабга эга бўлди ва Бангола субасига тайинланиб, шу томон юзланди.

Йигирма еттинчи ражабда юлдузникоб Зийнатниси бегим (Зебунниси бегим) Аврангободдан саодатзухур саройга келдилар. Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш, Саёдатхон ва Комкорхонлар истикболларига чиқиб, иззатҳарам саройга олиб келдилар.

Йигирма биринчи шабонда Муҳаммад Аъзамшоҳ Султон Воложохнинг онасидан ўғил кўрганлиги муносабати билан беш юз муҳр назр назардан ўтказилди. Олий сарой хизматкорлари совға-салом қилишни бажо келтирдилар Туғилган бола Султон Волошон исми билан аталди.

Йигирма тўққизинчида арзга етдики, Мирза Муҳаммад ва Бихори Дос Жавҳарийлар, Қутбулмулк олдиға кетган эдилар, (улардан) Мирзо Муҳаммад ўн минг рупия, фил ва урбаси, Бихори Дос эса йигирма минг рупия ва фил олиб, ҳожиб олдиға қўйиб келганлар. Қайтариб берсинлар, деган ҳукм бўлди. Баҳодирқада қалъадори Абдурахмоннинг муҳри билан етиб келган икки бола ва бир киз ҳамда ёзув Сабанхонинг уч канизи муқаддас назардан ўтказилди. Хонжаҳон Баҳодир Зафаржанг Кўкалтош, Далирхон, Ғозиддинхон Баҳодир ва бошқа номусли, шуҳратли улуғ амирлар ва баҳодирлар то шу вақтгача зўр ҳаракат ва интилишлар кўрсатиб, унинг мулкига оид қалъаларни олчоқ ёвуз ғаним та-

сарруфидан озод қилиб, салтанат қаламравига киритдилар. Агар ушбу китобни ёзувчи тафсилотга берилса, (булар ҳақида) бошқа бир дафтар (асар) ёзишни хушнудлик билан маъқул кўрарди.

Улуғ номнинг номи ва кароматининг кучи Ислому дини қонун-қоидаларига ривож берсин, илтифотли Тангрининг мадади билан кенг ёйилган бидъат ва зулмат асоси кўпориб ташлансин!

**Улуғ Оламғир давлатининг бир минг тўқсон бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирма саккизинчи йили бошланиши**

(127а) Ушбу кароматнишон онларда хайр нурларини таратувчи саодатли рамазон ойининг заррин хилоли олам халқлари бошидан файзу фаровонлик шуъласини сочиб турибди. Дин ва дунё тахтининг оройиши, замон ва замин фармон фармойи масжидда узлатга чекинишда ибодат билан (вақт) ўтказиб, бутун дунё ва жаҳон халқларини фароғат ва адолат куёшининг ҳимояси остида мунаввар этиб турдилар.

Шу ойнинг иккинчисида, Хонзамон вафотидан сўнг Мўғулхон Молва субадори бўлиш билан иззатланиш поясига кўтарилди, унга хилъат, фил ва «Зулфиқор» номи ҳамда асли ва қўшимчаси билан уч минг беш юзчи, уч минг суворли (мансаб) иноят қилинди.

Бешинчида Саёдатхон «Муаззамхон» хитобига эга бўлиб, унинг (Мўғулхон) ўрнига қушбеги бўлди. Шохбоз деб аталувчи киши текшириш учун давлат остонасига келтирилди.

Ҳожи Шафийхон (Сафийхон) ўрнига Аврангобод калъасига ва у (Сафийхон) Мухташамхон ўрнига мустақирул-хилофат Акбаробод нозимлигига (тайин этилди), Сафийхоннинг вафоти сабабли у (Мухташамхон) Оллохобод ясоғига дастур олиб, (ҳаммалари) жаҳон ҳоконининг эъзозбахшлиги билан риёсат тахтини ораста этдилар.

Лутфи эҳсон қилувчи подшоҳ навозиши хилъатлар иноят этиши Аҳмадобод субадори Мухторхон вафоти сабабли мотам тутаётган Доробхон ўғли Муҳаммад Тақи, Маглабхон ва бошқа яқинларни ғам-ғуссадан чиқарди. Мухтор(хон) фарзандларининг аксарияти ўзларига ажойиб хислатлар ва яхши хулқ-атворни во-баста этганлар. Мухторхон оятларни (билишда) мустасно ва барчанинги ғам-ташвишидан хабардор бўлишда мактовга сазовор эди.

Ўн саккизинчи рамазон, чоршанба куни қози Абусаид шаҳзода Муъизиддинга Мукаррамхон Сафавийнинг ўғли Мирзо Рустамнинг муборак юлдуз кизи Сайиданисо бегимни Онхазрат

ва Шоҳ Олам Баҳодир ҳузурида, аср вақтида никоҳ қилди. Ул жаноб томонидан кизга бир минг рупия ва хилъат берилди. Арзга етдики, мансабсиз Кифоятхон Жаъфар йигирма иккинчи шаъбонда дорул-хилофатда ва Оллохобод субадори Сафийхон йигирма бешинчида ҳаёт бисотидан айрилганлар.

Рамазон (ойи)нинг сўнги кунда шоду хуррам ҳайит байрамнинг навқирон қадами йўлга тушиб, халойиқнинг маъқулловчи қулоғига эшитилди. Шавволнинг биринчи куни (Онҳазрат) дугонаи фитрни (икки ракат ҳайит намозини) адо этиш учун отга миниб намозгоҳга ташриф буюрдилар. Ул тароват маконига эрта билан қудрат ва улуғворлик бахш этдилар.

Тўртинчи (шаъбон)да Корталабхон Муҳаммадбек ўрнига Салобатхон Сураат бандарининг мутасаддиси бўлди ва у (Корталабхон) Аҳмадобод фавждорлигига мумтоз этилди. Ҳимматхон ўғли Хоназодхон жилов бандаларининг доруғалигига эга бўлди. Мархум Аъзамхон Куканинг ўғли Солиҳхон Берили фавждорлиги ва девонлиги хизмати, (1276) унинг ўғли Нуриддин отасига ҳамроҳ бўлиш хилъати билан эъзозланди. Комёб унинг ўрнига тирандоз (ўкчи)лар бахшилигига тайинланди.

Ялангтўш Баҳодир йиллик нафақачи бўлиб қолган эди, иккинчи шавволда мансаб ато қилиниши билан (яна) бахтиёрлик топди.

Жаъфархоннинг биродари, Баҳрамандхоннинг отаси дорул-хилофатда гўр хужастаси (бахтлиси) бўлди. Ул мархумга нисбатан тоғаваччалик муносабатида бўлган жумлатул-мулк Асадхонга (Онҳазрат) эгниларидаги тўқима нимаи остинни муборак танларидан ечиб иноят этдилар. Баҳшиул-мулк Ашрафхон Баҳрамандхонни мотамдан чиқариб олиб келди, хилъат марҳамат этиш билан унинг кўзидаги ғам ёшлари артиб ташланди.

Саккизинчи (йигирманчи) шавволда муқаддас хотирга шахзода Муъизиддиннинг қувонч орттирувчи никоҳ тўйини ўтказиш (фикри) келди. Шаҳзодага энг олий нав хилъат ва қиймати бир лакҳ ва беш юз минг рупиялик гавҳар, тилла эгарли бир от, қумуш эгарли фил марҳамат қилинди ҳамда Сайиданисо бегимга қиймати олтимиш етти минг рупиялик гавҳар иноят этилди. Намоздан сўнг Шоҳ Олам Баҳодир ва бошқа шахзодалар жаҳоннинг зеби бўлмиш қудрат ва шавкат расми қондасига кўра, кўзларни камаштирадиган даражада икки томони чароғон қилиб ясатилган ва безатилган йўллардан отларига миниб (ўтиб) подшоҳзодани унинг ўз хонасидан олий давлатхонага олиб келдилар. Онҳазрат

ўз қўллари билан марварид тожни ул бахти равнақнинг бошига кийгиздилар. Ва бу равнақли шодлик муқаддас наввоб Зебуннисо бегимнинг ажойиб саъй-ҳаракатлари билан саранжомлик топди.

Иzzат ҳавдажи икки пос вақт ичида шахзоданинг хурмат ва улуғлик саройига етиб келди.

Йигирма биринчида Ғозиддинхон Баҳодир Роҳири қалъасини забт қилишга дастур олиб, хос хилъат ва бешта от инъоми билан сарафроз этилди. Унинг ўғли Камариддин шамшир, ва унга биркитилган бошқа кишилар хилъатлар инъом этилиши билан эъзозландилар.

Тўққизинчи зулқайдада Муҳаммад Аъзамшоҳга юзта туркий ва тоғ отлари унинг эҳтиёжини қондириш учун ёрдам сифатида юборилди. Фаҳриддин Суя (Суя) тҳанадори, Абдулҳодихон Чокни фавждори ва Номдорхон ўғли Марҳаматхон Кира Намуна тҳанадори бўлиб, (кетишга) рухсат олдилар.

Йигирма олтинчида бахшиул-мулк Рухуллоххон хилъат, жамдхар ва от иноят қилиниши билан эъзозу икромга сазовор бўлиб, фиску фасодчилар танбеҳини бериш учун рухсат олиб кетди.

Қосимхон ва Муҳаммад Бадиъ Балхий (128а), Илҳомуллоххон, Шоҳ Олам Баҳодирнинг минг суворли мулозими Абдурахмон, Қандаҳордан саройга келган Ҳаётабдали ва бошқа тобе кишилар кўшимча, хилъатлар, фил, отлар, шамшир ва жиғалар марҳамат қилиниши билан шарафландилар. Ғозиддинхон Баҳодирга хилъатлар марҳамат этилди. Шаҳзода Давлагафзо лаъл сарпеч ва марварид ҳалка (овиза) иноят қилиниши билан ифтихор бошларини оройиш қилдилар.

Кифоятхон Хотамбек Декан субасининг девонлик хизмати билан эъзоз хилъатини кийди. Жавоҳирхона ва хилъатхона мушрифи Иноятуллох Кажди хонисомонлигининг воқеанигорлик хизмати ҳамда ваъдага мувофиқ ер тортик этилиши билан эъзозланди ва навозишлар кўрсатилди.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг ўғли Султон Умидбахш тўртинчи зулҳижжада охират саройига хиром этди. Онҳазрат ул жанобнинг хонасини шариф ташрифига мушарраф қилдилар, ғамноклар кўнглига чин дилдан тасаллилар бахш этдилар.

Қудрат ва шавкат остонаси хизматкорларига маълум бўлдики, музаффар лашкарлар Чонда заминдори Ром Сингхни мағлуб ва яқсон қилганлар, у тўртинчи зулҳижжада аҳли аёлларини ташлаб, икки юз суворий билан Қухистонга қочиб кетган. Эътикодхон, Ҳамзахон ва Кашан Сингх Чондага кирганлар.

Мазкур ойнинг йигирма бирида Ром Сингх бошқа яна уч киши билан биргаликда Чонда қишлоғига келиб, ўз ховлисига кирмоқчи бўлган. Кашан Сингхнинг Муродбек исмли навқари дарвозани қўриқлаб (унга) қаршилиқ кўрсатган, Ром Сингх унга жамдҳар билан заҳмат етказган. Шунда бошқа одамлар устига ташланиб, уни ўлдирганлар. Муродбек ҳам эртаси куни оламдан ўтган.

Олтинчи муҳаррамда олий (жаноб) томонидан Кашан Сингхга хилъат, фармон ва фил шараф билан юборилди. Кадҳа (Каҳрабна) заминдори Ҳар Сингх хилъат юборилиш билан эъозланди.

Қиличхоннинг жияни Болтунбек (Молтунбек; Олтунбек) Бухородан келиб, шамшир, тиллакор ханжар ва икки минг рупия ҳамда олти юзчи, икки юз суворли мансаб инъом қилиниши билан бошини баланд этди.

Мархум Мухлисхоннинг қариндоши Абдулқодир Кундона қалъасини бўйсундириш ишини ташлаб ва бу ишни Абдулқаримга ҳавола қилиб, ўн еттинчи муҳаррамда олий даргоҳга етиб келди; беш юзчи, юз суворли эди, бир юз эллик суворий қўшимча билан (1286) мумтоз этилди. Сайфуллоҳхон ўрнига Ихтимомхон Сардорбек Навора доруғалиги эътибори билан обрў топди.

Саййид Музаффар Хайдарободийнинг қизи Комқорхонга никоҳ ипи билан боғланди. Номи зикр этилганга хилъат ато қилиниши билан боши хўроз (боши)дек кўтарилди. Чондадан мунаввар саройга келган Эътиқодхон Ялангтўш ўрнига кўрбеги бўлди, хилъат, фил ҳамда беш юзчи, бир юз эллик сувор қўшимча олиб, асли ва қўшимчаси билан икки мингчи тўрт юз суворли (мансаб) ва туғ ато этилиши билан юксак даражада эъозланди. Мир Абдулқарим ўрнига Ҳаётхон омонат ҳифта чуқи хизматига сарафроз этилди.

Хизматгузархон умр бисотидан ажралди. Унинг ўғли Муҳаммадқули мотам хилъатини олиб, дил чигалини ёзди.

Чила ва тушиш (тўхтаб ўтиш) манзиллари доруғалиқ хизмати (олдин) Фатх Муҳаммадга ва унинг вафотидан сўнг Девафканга қарор қилинди.

Қози Ҳайдар мунший ўз пешонасига хонлик хитобининг рақамини ёзди. Шайх Махзум мунший ва садрус-судур «Фозилхонлик» хитобини зўр шоду хуррамлигининг оройиши этди. Аср хушнависларининг каттаси, хос фармонлар унинг гавҳар ҳарфлари билан зийнатланиб таҳрир этиладиган Ҳожи Исмоил «Равшан рақам» хитоби билан (пешонасининг) толемандлик ҳатларини мартабага



эриштирди. Сафар ойининг бошида қози шайхулислом Исломга ривож берувчи диний максадга эга халқларнинг саждагоҳи Маккаи муаззама ва Мадинаи мушаррафа – Аллоҳ бу икки (шаҳар) шарафи ва улуғлигини абадий қилсин – хайрли тавофи (яъни зиёрати) учун рухсат сўради, унга икки дона яхши шол (дарвишлар киядиган чакмон) ва зиёрат одоби (қонун-қоидалари) ҳақида рисола иноят қилинди. Мазкур (шайх)га жаноб элчи (Мухаммад пайғамбар, соллаллоҳу алайҳи ва саллам) учун ниёз қилинган бир сандиқ буюмлар ҳам ҳавола этилди, токи у матҳар хонаси (пок хона, яъни Каъбанинг) шабоқ эшиги қаршисига бориб сандиқчани очсин, ичидан харита (буюмлар рўйхати бор хат)ни олиб, муштабак (панжарали хона) ичига кирсин ва (сандиқчани) олий остона тагига қўйсин.

Барқандозхон ўғли Сухробхон (Раъдандозхон ўғли Мухробхон) Бижопурдаги бахшиул-мулк Рухуллоҳхонга аждархосифат ва душманларни яқсон қилувчи, йигирмата (оддий) ўқ таъсирини берадиган гула (ўқ), бир манлик ва уч зарблик тўп олиб боришга буйруқ олди.

Эътиқодхон исёнкор саргардонлар жазосини бериб қўйиш учун Пориз ва Санкмир (Бозбар ва Санкамбир) томон рухсат олиб кетди.

Холиса дафтарининг пешдасти Рашидхон масалани ҳал этиш юзасидан Чаҳозири Бояндур (Жихозтари Бояндур)га боришга рухсат олди.

Хонизамоннинг ўғиллари оталари вафотидан сўнг Бурхонпурдан (129а) саодат жиловига келдилар, хилъатлар ва мансабларга қўшимча иноят этилиши билан ўз чехраларини ғаму аламлар гардидан тозаладилар.

Оташхон музаффар қўшин ва подшоҳзода Мухаммад Комбахшнинг беш юз сувори билан биргаликда Навалқаҳа Умра (Нулқаҳа Умра) томон рухсат олиб кетди.

Ихтимомхон ўғли Ҳамидиддин отаси ўрнига хотам бандхона доруғалиги хизмати билан толе гулистонини ораста этди.

Йигирма олтинчи сафарда подшоҳлик дўстларининг арзига етдики, Ғозиддин Баҳодир Роҳирий калъасининг истехкомига ўт қўйиб, (исёнкор) ёвуз кофирларнинг кўпини ўлдирган, молу матоларини талон-торож этган, хотин-қизларни асир олган ва туёқли молларни тасарруф қилган. Шоҳлар шохининг иқбол қудрати билан фатҳу зафарлар манбаи намоён бўлган. Мужда (қувончли хабар) келтирувчи Сайид Ўғлонга фил иноят этилиши билан эътибори орт-

тирилди. Ҳозирдинхоннинг ҷубдори Шох Муҳаммад либосини ал-маштириш учун мазкур хон олдига келган эди, у хилъат ва икки юз рупия олиш билан умид этагини тўлдирди. Ва шижоатли ботир хон «Фирузжанг» хитоби ҳамда ноғора ато қилиниши билан ҳасадчилар устидан ғалаба қозониб турган жойида навозиш навосини баланд этди. Мазкур хонга тобе кишиларга, катта мансабдагиларидан то кичик мансаблилигигача юз элликдан ортиқ хилъат юборилди.

Тўртинчи рабиул аввалда Хоназодхон удайпурлик хос парастор (хизматкор) келтириш учун Аврангободга кетди. Унингчида сарой ва субалардаги жами бандалар қишлоқ хилъат марҳамат қилиниши билан иззат қоматларини ораста этдилар.

Ўн бешинчи рабиул аввалда хослар доруғаси (доруғаи хоссон) Бахтовархон Ҳақ чақиригига «лаббайка» деб жавоб берди. Қадрдонназар подшоҳ сирдоши, суҳбатдоши ва ишончли маслаҳатчиси, катта ақл эгаси, ниҳоятда идрокли, камол донишманднинг ўттиз йиллик хизмат ҳақи туфайли (унинг вафотидан) жуда таъсирланди. Хукмга кўра, (марҳум) жаноза (ўқиш) учун адолатгоҳга олиб келинди, муқаддас зот кутиб турдилар ва бир қанча қадам (тобутни) кўтариб бордилар. Муаттар фотиҳа ўқилиши ва хайр ҳамда (Қуръон) хатм қилиниши (маййитнинг) дорул-хилофатда тайёрлаб қўйилган қабрга жойланиши билан мағфур руҳини хушнуд қилдилар. (Марҳум) ўз синфи орасида муболағасиз мумтоз эди, ахлоқи яхшилиқда ва ҳалойиққа хайрихоҳликда мислсиз саналарди, уламо ва фуқаро, шуаро тоифаларига зўр эътибор берарди ва уларнинг раванқ топишларида катта ҳиммат кўрсатарди, у марбутнавислик (яъни ўзга шоирлар шеърларига мисралар боғлашда ва тарихдонлик)да моҳир эди. Унинг (1296) асар ва таснифларидан энг муҳими «Миръотул олам» ёдгорлигидир. (Ул) энг ажойиб ақл соҳибини Аллоҳ раҳматига олсин!

Унинг (Бахтовархон) вафотидан сўнг Ялангтўшхон Баҳодир хослар доруғалиги ва Ҳаким Мухсинхон жавоҳирхона доруғалиги, Мир Ҳидоятуллоҳ тилла қуроллар (тилоолот) доруғалиги хизмати билан сарафроз этилдилар.

Ул марҳумнинг муншийи ва девони, бахтиёрликка оид саҳифалар муҳаррири Муҳаммад Соқий, махфий ҳукмларни битиб, (ул) хунармандпарварлар раҳбари (яъни Бахтовархон)нинг ислоҳ назаридан ўтказарди. Ул қароматларга тўла (зот)ни хотирлаб (Онҳазрат Муҳаммад Соқийга) бандалари қаторидан жой бердилар ва пайшанба куни (уни) воқеанигорликка сарафроз этдилар.

Муҳаммад Мустаъидхон Соқий ўз ҳокони томонидан кўрсатилган бундай катта илтифотдан ниҳоятда мамнун эканлигини шеърӣ мисрада изҳор этди:

*Менким, ул муаттар хотир назарига муяссар бўлган эканман,  
Хоксор бошимга лутфлар чамбарагидан тож (кийдим).*

Иккинчи рабиул охирда Дорборхон назр жойи – ҳаётмадор хонасидан мангулик саройида қарор топишга ошиқди. У халифаи барҳак, қадимий, буюк ҳислатли, яхши ниятли, хайрихоҳ бандалардан эди. Онҳазрат ул зот жанозаси худди шу тарзда ўқилишини талаб этдилар ва намозни ўзлари имомлик қилиб ўқидилар. Жасадни дорул-хилофатга юбордилар. Қолган ишларни Хизматхон назоратига (ва марҳумнинг) уйидаги илтимос ва эҳтиёжлар (бажо келтирилишини) Шайх Низомнинг ўғли Шайх Абдуллоҳга топширдилар.

Ўн саккизинчида Шижоатхон Ҳайдарободийнинг ҳаёт паймони тўлди. Унинг ўғли Мулк Мирон хилъат ва мансаб олиб, эътибор майкосасини бўшатди.

Йигирманчида Рухуллоҳхон Бижопур навоҳидаги исёнчилар таъзирини бериш учун хос хилъат, зарҳал килк, кумуш, ноғора ато этилиши билан иззат байроғини юкори кўтарди. Ва у орқали хуршидулоҳ шоҳга икки лаҳз эллик минг рупия ва олмос доналари қадалган жиға, олмос сарпеч ва олий наввоб Жаҳонзеббону бегимга иккита марварид шодаси (ларех), шахзода Бедорбахтга зарҳал болиш (муттако), Воложохга сумрани ва Зийжоҳволошонга иккита марварид шодаси, Сарафрозхон, Фатҳжаҳонхон, Кохнужи, Бисунат Ров ва бошқаларга эса ўттиз икки хилъат шараф билан юборилди.

Йигирма бешинчида Саййидхон Баҳодирнинг набираси Вафодорхон «Забардастхон» хитоби билан азиз қилиниб, Балх элчилиги (ҳижобати)га руҳсат (130а) олди ва хилъат, жамдҳар, шамшир, зарҳал қалқон, қимматбаҳо тошлар ила зийнатланган жиға, совут, камон, от, фил, ўн минг рупия ҳамда беш юзчи, бир юз суворли кўшимча (мансаб) инъом қилиниши билан байрок ва мартабасини баланд этди. У орқали пок хонадоннинг улуғ шавкатлиси Субҳонқулихонга қиймати ўн беш минг рупиялик бир фил ва бошқа нафис (буюмлардан иборат) тухфалар бериб юборилди.

«Сазоворхон» хитобига эга бўлган Шафқатоллоҳнинг гуноҳидан ўтилиб, иккинчи миртузук (мири тузуки дуввум) хизмати билан эъзозланди. Шаҳзода Хужаста Ахтар Аврангободдан келиб,

йигирма еттинчи рабиул охир ойида мулозаматга кириш саодатига муяссар бўлди, (унга) хилъат ва олтин билагузук марҳамат килинди. Хўжа Абдурахим Бижопур элчилигидан саройга қайтиб келди, хилъат, фил ва беш минг рупия инъом билан эъюзланди.

Миркарим жойнамозхона хизматига қўшимча наққошхона доруғалиги билан яхши хизмат қилиш нақшини ясади.

(Ушбу) сатрларни ёзувчи ул корхона, яъни наққошхона (нигорхона) мушрифлиги билан иззат рангини (юзига) суртди. Жумодул аввалнинг бошида Баходир Фирузжанг муқаддас мулозаматга киришга муяссарлиги туфайли муродга (етиш йўлида) фирузманд бўлди ва хос хилъат, зарҳалланган ханжар, бешта от, етти (шиша) тўла гулоб атри тухфа этилиши билан (юқори мартабали) аъёнларга тенглашди.

Бисоти бўстон кудрат ва шавкат саройига арзга етдики, иккинчи жумодул аввалда Бижопурни камал қилиш иши бошланган. Хонжаҳон Баходир Зафаржанг Захропур томондан ярим курух масофада Рухуллоххон ҳамда Қосимхон пов курух масофада, мурчол (чуқур хандақ) казишга киришганлар. Қаердандир оғзаки равишда арзга етказилдики, саққизинчи жумодул аввалда ратҳварлар Сивона қалъасини тасарруф этишга эришганлар. Фирузхон Майвотийнинг ўгли Пурдил кўпдан-кўп мол билан тайёр бўлиб турди. Тум Баҳдро дарёси соҳилида Муҳаммад Аъзамшоҳ лашкари томонидан қутурган бижопурлик (ҳужум қилишга) журъат этди, шиддатли жанглар натижасида (унинг) одамлари кирилиб, ўзи оркага қочди.

(Мазкур ойнинг) ўн саққизинчисида Муҳаммад Акбар олтидан икки от(га ортилган совға-салом) билан олий даргоҳга чила (киши) келди, лекин у қабул қилинмади ва ҳукмга асосан, Дюдахига, олий наввоб (ҳузури)га жўнади.

Йигирма тўққизинчида Сарбаландхон Хўжа Яъқуб ҳаёт бисотидан ажралди (1306).

Аҳмаднагар қалъаси, шаҳри ва боғлари ҳақида ёдгорлик сифатида ёзиб қолдириш мақсадга мувофиқ топилди. (Аҳмаднагар) Аҳмад Низомулмулк Баҳри бино қилган қалъадир, мустаҳкам ва метиндек тоғ чўққиларига бино қилинган бу тоғ-шаҳар ер қуррасини ташлаб кетган, деб айтилса, муболағасиздир. Агар ер ларзага келиб чўкиб кетмасин учун бу (қалъа) миҳ қилиб қоқиб қўйилган, деб айтсалар, бу бежо эмас. (Қалъанинг) атрофи сайхон билан ўралган, унинг ичида олий иморатлар ва тароватли боғу

роғлар мавжудки, уларнинг остида ғор (ерғула)лар қурганлар, жуда ажойиб-ғаройибдир. Қальанинг теварак-атрофи хандақдан иборат ариқлари доимо сув билан тўла. Ташқаридан қалъага иккита наҳр (анҳор) олиб кирилган. Аҳмаднагар повкурухдаги обод қалъадир, истехкоми йўк. Иморатлари кўшлиги ва суви сероблиги важхидан – қалъага икки қурух масофадан қариз усулида булоқ суви олиб қирганлар – бир вақтлар ободонликда тенги йўқ эди. Марҳум До-нишмандхон бир қанча вақт бу ерларда тижорат (ишларига) бош бўлган замонда “Аҳмаднагар Қашмирдан ҳам гўзалроқдир”, деб айтган эди. Шаҳар атрофида “Фараҳбахш” ва “Беҳишт” боғлари ва ажойиб томошагоҳлари мавжуд, Салобатхон уларни Низомулмулк Жунун Муртазо даврида унинг номига бағишлаб қурган, сўнг ҳар икки боғнинг кенглиги ва узунлигини ҳамда иморатлар ҳолаҳволини (бирма-бир) назардан ўтказган. “Фараҳбахш” боғининг узунлиги ва кенглиги икки минг зар, яъни икки юз етмиш саккиз бигҳага тенг. Боғнинг ўртасида ҳовуз бўлиб, унинг узунлиги ва кенглиги беш юз йигирма саккиз зар, яъни тўқсон бигҳага тенг, у ердаги анҳор тоғ этагидан сувни бўғиб жамлаш (йўли) билан олиб келинган, ҳовуз ўртасида баланд ва чиройли икки қаватли иморат бўлиб, унда бир юз олтмиш хона бор, (уйнинг) осмоннишон гумбази ҳовуз билан тенгма-тенг, ўк отишни ўрганувчи ўкчилар унинг тепасига чиқиб синов ўқларини отадилар.

“Беҳишт боғи”нинг узунлиги олти юз ўн икки зар, бу юз бигҳага тенгдир. Унинг ўртасида ҳовуз бўлиб, узунлиги ва кенглиги беш юз йигирма зар, бу – тўқсон бигҳа демақдир, ёнидан унга наҳр (катта ариқ) суви қуйилади ва ўртасида худди юқорида айтиб ўтилгани каби иморат мавжуд. Ҳовуз лабида шинам иморат ва софлар аҳли тушадиган мусаффо ҳаммом мавжуд. Қалъадан беш қурух масофада машҳур жой бўлиб, уни “манжари сиёҳ” ёки “манзили сиё” деб атайдилар. Тоғнинг ўртасида бир олий иморат солинган, фавворасининг баландлиги тоғдан ҳеч бир қаршилиқка учрамай оқиб тушадиган сув қуввати ҳисобига юз газга етади. Замон хоқони (131а), давр ҳокими бу гул заминга эрам бўстони рашк қиладиган шод-хуррамликка лозим ташриф буюрдилар, хароба (бўлган жой)ларни тузатишга ҳукм чиқардилар. Салобатхоннинг тоғ тепасидаги мақбараси (бу ердаги) нодир иморатлардан бири ҳисобланади. Бу худуднинг ҳавоси у қадар иссиқ эмас, кечалари бурканиб (ётишга) эҳтиёж туғилади.

### **Музаффар байроқларнинг Аҳмаднагардан Шулопур томон кўтарилиши**

Иккинчи жумодул охирда абадий давлат хизматкорлари ни-луфар рангли кунда ва орзу чехралари ёришган соатда зафар-нишон пешхона (қабулхона)ни Аҳмаднагардан олиб чиқдилар ва “Фараҳбахш” боғи атрофида осмон (каби) ҳашаматли чодир тикилди. Бешинчида белгиланган манзил олий кўшин (мавқаб)-нинг жойлашиши билан фалак даражасига етди.

Олтинчида Саййид Ўғлон “Саёдатхон” хитоби билан машҳур ва масрур бўлди. Бу саййид насабли ҳурматли (зот) хон Фирузжангнинг устозидир. У Фирузжанг билан ҳамроҳликда вилоятдан ғариблар оромгоҳи Ҳиндистонга келган, толеининг ёрдами билан Онҳазратнинг халойиқпаноҳ даргоҳи бандалари қаторидан жой олган, навозиш талабларни тарбият қилувчи хоқоннинг бахтиёр қилиши билан ҳақиру фақир таъблиқдан амирлик ва баланд мартабали даражага кўтарилган.

Қози Саййид Абу Саъид хизматидан воз кечиш юзасидан ариза беришни илтимос қилиш йўлида кўп уринди. Муҳаммад Шариф ўғли Хўжа Абдуллоҳ (Онҳазрат Аврангзеб) тахтга ўтирганидан аввал музаффар (кўшинда) лашкар қозиси эди, мартаба манбаи бўлмиш нурга тўла сарой қозилиги хизмати билан юксак даражага эришди.

Пасткаш Сабанҳонинг амакиваччаси Жучи икки мингчи, бир минг суворли мансаб, хилъат ва от (ато этилиши) билан эъзозланди.

Иззатуллоҳхон Аҳмаднагар қалъадорлигига тайин қилиниб, офият қалъасига кирди.

Еттинчида Баҳодир Фирузжанг Аҳмаднагарда қолишга рухсат олди, муқаддас мусҳаф (Қуръон)дан бир нусха, хос хилъат ва йигирма минг рупия марҳамат қилиниши билан ифтихор бошини баланд этди. Унинг ҳамроҳлари ҳам хилъатлар ва ханжар инъом қилиниши билан эъзоз-икром кўрдилар. Йигирма тўққизинчида Мухторхоннинг ўғли Қамариддинхон “Мухторхон” хитоби билан шуҳрат черасини равшан этди. Фирузжанг ўғли Қамариддин хонлик (мартабасига) кўтарилиш билан номдорлик бошини баланд қилди (1316).

Ражаб (ойи) бошида Шулопурда зафарасар кўшиннинг чодир ўрнатилди.

Эътиқодхонга Зафаробод томон (боришга) рухсат этилди. Унга хос хилъат, совут ва камон марҳамат қилиниб, душманлар валинеъмат йўлига бошларини қурбон қилишлари лозим (бўлган ишга рухсат берилди). Ҳамроҳлари эса хилъатлар, шамшир ва отлар (инъом этилиши билан) эътиборга сазовор қилиндилар.

Бахрамандхон зудлик билан Ҳайдаробод томон мунаввар азм этди.

Еттинчи ражабда Шоҳ Олам Баҳодир саройга отда кириб келганларида бир киши шамшир кўтариб, ул жаноб томон югурди, (лекин) қўлга тушди ва олий ҳукмга мувофиқ, подшоҳзода кутволига топширилди.

*Музаффарнишон қўшиннинг қудрат ва улуғлик шажараси, тўнғич самараси, олий иқбол подшоҳзода Шоҳ Олам Баҳодир саркардалиги остида ёмон ниятли, малъун Абулҳасаннинг танбеҳини бериб қўйиш жиҳатидан қулай фурсатдан фойдаланилгани баёни*

Ҳукм бўлган эдики, олий ўрдада элчилик билан истиқомат қилиб турган Ҳайдарободийнинг навкарлари Муҳаммад Маъсум ва Муҳаммад Жаъфарлар Ихтимомхон кутвол буйруғига бўйсунсинлар ва нимаики Ҳайдарободийга ёзсалар ҳамда у ердан қандай (хат) келмасин, мазкур хонга кўрсатсинлар. Агар (мазкур хон) хабар қилишни маъқул топса, ҳақиқатларни жам этган қулоққа етказсин ва хабар ташувчи жосусларни кузатиб турсинлар. Ҳайдарободийни тор-мор қилиш вақти яқинлашганда ундан навкарлари номига (ушбу) нома келди:

“Ул жаноб улуғдирлар, то шу вақтгача улуғлик маросимининг посбонлигини қилиб келдик. Ҳозирда ул жаноб Искандарни етим ва кучсиз фаҳмлаб, Бижопурни камал этиб, унинг ишини танг қилиб қўйганлар. Сабанхога кўпдан-кўп жамият билан Бижопурга кириш тўғри келиб қолди. Подшоҳзода Муҳаммад Акбар бошчилигида сон-саноксиз қўшинлар ул нокасга ёрдам беришга бел боғладилар. Биз Ҳалилуллоҳхон Паланг раҳбарлигида жангга тайёр турган қирқ минг суворийни ҳужум қилишга тайинладик. Кўрамиз, ул жаноб қайси-қайси томонлардан қаршилиқ кўрсатадилар ва жанг қиладилар. Чибутара кутволи олдига тушириб олиб келинган кишиларга (тўхталсак), бу тўғрида хаста хотир бўлмасинлар, яқин ўртада (бу хусусда) қилинадиган тадбир очик-ойдин бўлади”.

Мазкур хон бу хатни муқаддас мутолаага етказди. Гавҳарлар сочувчи тилда зикр этилди: «Биз ул чиннифуруш, маймунбоз, дўмбирачини эзиб ташлашни бир қанча вақт кечиктирган эдик (132а), эндиликда товук қичкирган экан, (бу ишни) кечиктириб бўлмайди». Орқага суриб бўлмайдиган (бошқа ҳам) муҳим ишлар борлигига қарамай, Биждопурни босиб олишга – хилофат дарахтининг янчиб ташланиши лозим бўлган ул (душман)ни тормор қилишга (масъуллар) тайин этилди.

Хонжаҳон Баҳодир Зафаржанг олиймақом шоҳ лашкари билан бирга эди, унинг подшоҳзода жилов (хизмати)га тайин этилишига ҳукм бўлди, (токи у) яхши хизматлар кўрсатишда астойдил ҳаракат қилсин. Бинобарин, олтинчи муборак шаъбон (ойи)да салтанатнинг гавҳар ойнаси фақат ғалабага азм этувчи қора отга миниб, Ҳайдаробод вилоятининг ғалабанишон ясоғига зудлик билан жазм этдилар. (Ул жанобга) хос хилъат, зарҳалланган ва нақшиндор ханжар, йигирмата от марҳамат қилинди.

Шаҳзодалар, султонлар, улуг амирлар хилъат, жавоҳир, от, филлар ва мансабларига қўшимчалар иноят этилиши билан иззат ва давлат бошларини кўкка етказдилар.

Йигирма учинчида Биждопурдан келган Рухуллоҳхонга Баҳодир Фирузжанг ўрнига Аҳмаднагарга кетишга руҳсат берилди.

Хоназодхон ўрнига Комронхон жилов доруғаси ва унинг ўрнига Мухторхон отхона доруғаси бўлдилар. Йигирма еттинчи шаъбонда яшм дастали ханжар ва паҳулқатора Аъзамшоҳга, марварид сумрани, бехунжи ва ёмғирда қийиладиган фаргул шаҳзода Бедорбахтга олиб борилсин, деган буйруқ бўлди.

Молва нозими Мўғулхон йигирма иккинчида ва Жунпур фавждори Тарбиятхон йигирма еттинчида фоний дунёдан кетдилар.

Мир Абдулкарим гуноҳи учун ҳайфсан олиб, жойнамозхона доруғалигидан туширилди. Муҳаммад Шариф унинг ўрни билан иккинчи бор шарафли бўлди.

**Оламғир бахтиёрлик даврининг бир минг тўқсон олтинчи  
ҳижрий йилига тўғри келган йигирма тўққизинчи  
йили бошланиши**

Ушбу қароматли кунларда Раҳмон раҳматининг ҳидоят (йўлини) ораста этувчи ояти – “рамазон ойдирки, бу ойда **Қуръон нозил қилинган**”<sup>18</sup> – муқаддас нур билан олам

<sup>18</sup> Қуръони қарин Бақара сурасининг 185-ояти.





*Аврағзеб қабрига қириш йўлаги*

*Авраиғзеб мақбарасининг гумбази*



*Авраиғзеб қабри*



*Лохур қалъасидаги Оламгир масжиди*



*Деҳли. Қизил қалъа мажмуасидаги Моти масжиди – Марварид масжиди*

Лоҳур қалъасидаги Олимғир дарвозаси



Пошхои масжиди



Лайбагир қалъа





*Уттар прадеш Фотеҳпур сикрий шаҳридаги жаме масжидининг  
«Баланд дарвозаси» кўринишлари*



Шодшоҳ Ҳумоюн мақбараси



Дехлидаги жоме масжиди



*Агра. Акбаршоҳ бунёд этган қалъа*



*Агра. Ифтиход уд-давла мақбараси*





халқларига адолатли ва ҳаққоний ҳидоят ҳамда тўғри йўл туширди. Нафосат ва улуғликнинг зуҳур жойи, икболу бахтиёрлик макони бўлмиш (Онҳазрат) бутун бир ойни ибодат меҳробини мунаввар қилиб ва тоат-ибодатга раванк бахш этиб, хайрли ишларни ривожлантириш ва файз машъалини ёкиш билан ўтказдилар (1326). (Давлат) волийларини навозишлар қилиб, уларга туганмас илтифотлар, эҳсонлар, душманларга қаҳру ғазаб ва маҳрумлик бахш этдилар. Искандарбий толеи Искандарий (Искандар толелиги) қуввати билан вилоятдан сулаймонмақом ҳокон саройига кириб келди, у олий остона тупроғини ўпишга муяссар бўлиб, бахт оинасига жило бахш этди, хилъат, зарҳалланган ханжар ва ўн минг рупия илтифот қилиниши билан эъзозланди.

Бижопур мулчоридаги жангда Оллоҳбердихоннинг ўғли Омонуллоҳхон ва Далирхоннинг ўғли Фатҳмаъмурхон мардонларча оқибат шаробини ичдилар. Далирхон ўғли Камолиддинхон ва Фатҳжангхонлар захм (яраганиш)нинг кип-қизил (қонидан) ботирлик чеҳраларига оро бердилар.

Ҳасаналихон Баҳодир Оламгиршоҳга Омонуллоҳхоннинг (вафоти муносабати билан) мотам хилъати юборилди. Аъзамшоҳнинг борутхонасига (ўқ-дори омборига) ўт тушди, беш юз нафар беҳлия ва бундуқчилар фано шамоли билан кетди.

Иигирма учинчида Берар субадори Иражхон ва Муҳаммад Аъзамшоҳ фавжига тайинланган Саййид Шерхон йўқлик саройи томон равона бўлдилар.

Баҳодир Фирузжанг Аҳмаднагардан келиб, мулозаматга кириш саодатини ҳосил қилди. (Онҳазрат) шермоҳи дастали ханжарни тоғвиқор камарларидан чиқариб, унга марҳамат қилдилар ва Баҳодир берган назрни муборак қўлларига олдилар.

Муҳаммад Аъзамшоҳ сарқори (саройи) девонидан Мирхон Бурхонпур субадорлиги ноиблигига рухсат олиб кетди.

Тўртинчи шавволда Искандарбий хонлик хитоби ва уч мингчи, бир минг суворли мансаби билан иззат бошини кўкка етказди.

Иражхон вафотидан сўнг Ҳасаналихон Баҳодир Берар субадорлиги билан, Разийиддинхон эса, ноиблик билан ҳукмрон бошларини баланд этдилар.

Лутфуллоҳхон баъзи тўғри йўл кўрсатувчи ҳукмлар ҳақида маълумот бериш жиҳатидан Шоҳ Олам Баҳодир хизматига рухсат олди. Саёдатхон унинг ўрнига иккинчи маротаба аризалар доруғаси бўлди.

Қиличхон ўгли Хўжа Ҳомид хонлик хитоби ва урғочи филга эга бўлиб, Муҳаммад Аъзамшоҳ лашкарига хазина олиб бориш ишига тайинланди.

Ун учинчи зулкаъдада Қиличхон Зафаробод Адҳам (Авҳам) субадорлигига жўнаб кетди. Хилъат, совут ва филдан иборат инъомлар унинг эътибор манзилига мўлжалланди. Саййид Музаффар Ҳайдарободийнинг ўғиллари Асолатхон ва Нажобатхонлар ҳамда Акрамхон, Носирхон ва Саййид Ҳасанхонлар унга ҳамроҳ қилиб тайинландилар.

Шоҳи олийжоҳ Муҳаммад Аъзамшоҳ лашкаридаги қаҳатчилик можароси жаҳон подшоҳининг муқаддас арзига етиб келишига (133а) кўра, буғдойнинг бир донаси фириб домига юз одамни тортмоқда. (Бир дон) нўхат қолмади, ўзимиз ҳам қолмасмиз, деган хавфдамиз. Ҳамма лашкарлар тартибни бузишмоқда. Ҳар куни (кўшин)да дод-фарёд ва сўқинишлар яшиндек ёнмоқда, ур-сур жанжаллари аланга олаётир, ноҳия фавж(лашкар)лари билан қаттиқ жанглар рўй берапти; ҳаёт учун лозим бўлган барча уйқусиз (қунлардан) умид йўқ; бозор куни ажал куни бўлди; агрофдан ҳеч бир вайҳдан маишат (тириклик) сармоёси, (яъни, дон-дун) етиб келмади. Ижроси вожиб ҳукмга биноан, олиймаком подшоҳзода номига зийнат мактуби битилди: “Модомики аҳвол шундай экан, фавжлар билан бирга жаҳонпаноҳ саройига етиб келсинлар”. Ҳукм бориб қовушгач, подшоҳзода ишбилармон улуғлар билан кенгаш мажлисини ораста этдилар. Аввал Ҳусайналихон Баҳодир Оламғиршоҳий илтифотга сазовор этилди, улар подшоҳлик бандалари билан биргалиқда ясоқ ишларини саранжом қилиш юзасидан қоладилар, деган мазмунда жаноби хилофат (ворис) томонидан ҳукм бўлди.

(Подшоҳзода деди): “Сулҳ тузиш, жанг қилиш, (ишни) тезлаштириш ва (ёки) чўзиш юзасидан сизнинг раъйингиз маъқул ҳисобланади. Шунга мувофиқ, кўп қийинчиликлар ва мушкулликлар пайдо бўлса ва эшитилса ҳамда (иш) чўзилиб кетса, нима қилиш керак, деб ўйлайсиз?» Мазкур хон жавоб берди: “Лашкар (аҳволини) яхшилаш ва авом халқ тинчлигини сақлаш маслаҳати назарда тутилади”. Подшоҳзода Муродбахш Балх ишлари юзасидан доимо тоб беролмаслик, мустаҳкам туролмаслик боисидан хоҳ-нохоҳ Олий ҳазрат фирдавсостон (Шоҳ Жаҳон) ҳукми билан камал ва урушни ташлаб, сарой томон йўл олган эди. Хулқда бор нарса зохирга ҳам чиқади. Олам халқларининг соҳиби (Он-ҳазрат Аврангзеб)га эса (подшоҳ бўлиш) ҳукми ўзи келди, сўнг

бошқалар хитобли бўлдилар (амалларга тайинландилар). (Худди шу воқеага ўхшаш) барча мазкур хон раъйига мувофиқ жавоб қилди. Подшоҳзода: “Ўз номингиздан айтганингиз мендан эшитиб айтганингиздир”, дедилар.

Муҳаммад Аъзам икки ўғли ва бегим билан бирга танасида жони бор экан, бу ҳалокатдан қутулолмади.

Онҳазрат ташриф буюриб, жасадини кўмишга буюрдилар, ўртоқларига қолиш ва кетиш ихтиёрий қилиб қўйилди (1336).

Ҳамма бир овоздан деди: “Олдиндан кўриш ва (бекиёс) қаҳрамонликнинг ул мураббаънишини, чорболиш (да ўтирувчи)нинг пойдор бахтиёрлиги учун минг-минг жонлар “ҳимматли экан” сўзи билан номланиши йўлида фидодир”. Мисра: «Бизнинг ақлзаковатимиз шундан иборатки, унинг манбаи лутфи илтифотдир». Ҳа, ҳақиқатан ҳам, ул ҳокон қарори (га асосланган) саъй-ҳаракат давлат ва миллат номусини сақлашдир. Мисра: «Осмон буйруғи шудирки, бу ва у (бир-бирларига) ўхшамайди».

Подшоҳзаданинг (жойида) туришга қарор қилгани ҳақида муқаддас қулоққа хабар етиб келгач, жаҳон халқлари ризки рўзининг улуғ қафили, Тангри раҳматининг буюк зухур топгани (яъни шаҳаншоҳ) ўн олтинчи зулкаъдада Баҳодир Фирузжангга сон-саноксиз лашкарлар ҳамда агар уни ер ҳўкизи кўтарса, мақтанса бўладиган даражада кўп (озик-овқат) моллари билан бирга ёрдамга ва дарёмавж фавжлар эҳтиёжини қоплаш учун (етиб боришга) рухсат қилдилар.

Учинчи ва тўртинчи тамға (доғ) от(лар)ни, жиловнинг юз суворлигигача то тўрт юз суворли ҳамда нурга тўла сарой хизматчиларининг ясоққа белгиланганларидан то ясоқдан озод қилинганларигача, (ҳузурига) келтирсинлар. Отларни олий саройда ҳарид қилсинлар ва подшоҳзода олдига юборсинлар, токи отидан ажралган кишиларга инъом йўли билан от берсинлар, деган олий ҳукм чиқди. Фирузжанг (кетишга) рухсат берилган кунда хилъат марҳамат қилиниши ва моҳий (ойча) ҳамда уни кўтариб юриш учун бир фил, тўртта туғ ва уларни олиб бориш учун бақувват бир туя илтифот қилиниши, шувингдек, қадам ўпиш (қадамбўслик) ва илтифот қўлини ушлашга рухсат берилиш шарафи билан подшоҳликнинг ул қарамруйининг пушти паноҳида эътибор ва ифтихор бошини кўкка етказди. Унинг ҳамроҳлари эса, хилъат, от ва филлар иноят этилиши ва (мансабларига) кўшимчалар қўшиб рияят қилиниши билан (катта) илтифотларга сазовор бўлдилар.

Фирузжанг ўзининг нур ва шамолдек тез чопкир отларида жаҳон халқларининг подшоҳзодаси хизматига етиб борди, эҳсон файзи билан замон халқлари ризкининг масъул кишиси бўлди; кимматчилик шоҳиди бўлганларнинг умиди равнақ топди. Шоҳ бу янги (келган) лашкарларни жанг қилиш ниятида қалъадан чиққан душман фавжларининг танбеҳини бериш (иши)га тайин этдилар.

Тасодифан Сивод Бужир воқеаси билан Фирузжанг Расулпурда тўхтаб қолганди. Ёвуз Панд Нояк олти минг пиёда жангчи билан озгина ғаллани Бижопурга ёрдамга юборган эди, улар кечанинг ойдинида йўл юриб, (134а) ярим кечада шу ерга етиб келдилар. Яқин орадаги вайрона қалъада Бижопур фавжлари тўхтаган бўлса керак, деган эҳтимол билан улар ҳам (шу ерда) тўхтадилар. Фирузжанг орқага кайтди. Қайтиб кетилганлик хабаридан мухбирлар ниҳоятда хушнуд бўлдилар. (Лекин) тонг отиши биланок ажалнинг шум нияти ул аҳмоқлар устида намоён бўлди ва ҳар бир жон эгаси конхўр қилич зарбидан жонини (бир амаллаб) сақлаб қолишга уринди. Ғаним катта талафот кўрди. Фирузжанг юборган олтмиш икки мансабдор (саройга) тор-мор қилинган (душман)лар бошлиқларини олиб келган эдилар, уларга икки минг рупия марҳамат этилди ва Фирузжангга эъзоз билан минг муҳрли бир муҳр юборилди.

Йигирма иккинчи зулқайдада Эътиқодхон Баҳмиро соҳилларидаги Ййзи тҳанадорлигига рухсат хилъатини олди. Унинг ҳамроҳларидан Саййид Нур Сихар Борҳа “Сафийхон” хитобига ва бошқалар хилъат, от ва филга эга бўлиб, кетишга рухсат олдилар.

Марҳаматхонга Зафаробод ва Хайдаробод ўртасида жойлашган Мудкал тҳанадорлигига рухсат тегди, унга тобе кишилар хилъат, от, фил ва нақд (рупия)лар инъом этилиши билан эъзозландилар.

Бихор Сингҳ Кур бахтсизлиги ва аҳмоқлиги важҳидан Учин ноҳияларида исён кўтарган эди. Олиймақом подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳнинг мулозими, Молбар субаси ноиби Мулуқчандга ул маккор ёвузнинг танбеҳини бериш топширилди. Ва у (Бихор Сингҳ Кур) катта бир жамият билан қаршилик кўрсатди. Тўс-тўполон авжга минганида, бахтсиз исёнчига ўқ тегиб, у ҳалокат тупроғига қоришди.

Мулуқчанднинг бу зафарораста можаро ҳақидаги маълумоти мунаввар назардан ўтказилди. Нурафшон сарой хизматкорлари муборакбод совға-саломларни бажо келтирдилар. Бу

вокеани махфий равишда олий арзга етказган Фазоилхон ва Мулукчанд маълумотларидан хабардор этиб турувчи вакил Иноятуллоҳ ҳамда ул жаҳаннамга кетганнинг бошини олиб келган подшоҳзоданинг мулозими Абдулҳакимлар хилъат иноят қилиниши билан эъзозландилар.

Ёвузлар бошлиғининг боши подшоҳзода олдига юборилсин, деган ҳукм бўлди (1346). Мулукчанд “Рой роён” хитоби, хилъат, икки юзчи қўшимча билан асли ва қўшимчасини қўшганда етти юзчи (мансабга) сарфароз этилди.

### *Ҳайдарободнинг фатҳ қилиниши*

Зулқаъданинг охирида Шоҳ Олам Баҳодир ва Хонжаҳон Баҳодирларнинг Ҳайдаробод шаҳри фатҳ этилганлиги мазмунидаги хабари ва Абулҳасаннинг Гўлканда қалъасида мустаҳкам ўрнашиб олганлиги ҳамда лашкарбоши Иброҳим бахтиёрликка эришганлигининг маълумоти этиб келди. (Лашкарбоши Иброҳимнинг ўз бахтиёрлиги ҳақидаги) ажойиб мисраси (бу)дир:

*Подшоҳ илтифоти ва сенинг равшан-равон насиҳатингдан –  
Иброҳим сарлашкар “Халилуллоҳхон” бўлди.*

Муҳаммад Тақи Довуд, Абулҳасаннинг поччаси Шарафулмулк ва бошқалар подшоҳзоданинг мулозаматига кирдилар ва (бу мулозаматда) Абулҳасаннинг ҳар бир кишининг муайян вазифаси ҳақидаги ҳамда подшоҳзоданинг мулозими Мир Ҳошимнинг ожизлиги ва илтимоси хусусидаги маълумоти муносиб тахт поясига етказилди. Бўстон бисоти олий сарой (махфал)га ғалабанинг муборакбод совға-саломини юборишни бажо келтирдилар. Навбатнинг навозиш овози давлат волийларининг порлоқ кулоқларига ва залолатнасиб душманларнинг забун кулоқларига эшитилди. Абулҳасаннинг маълумотини назардан ўтказмасинлар (хабар қилмасинлар) деган ҳукм бўлди. Ҳаким Фатҳуллоҳнинг (Ҳаким Муҳсинхоннинг амакиваччаси) ўғли Мирза Муҳаммад Ҳожи (Ҳайдарободнинг) фатҳ этилиши тарихини карамасар назардан ўтказди. Назм:

*Подшоҳи гозийнинг ғалабасидан,  
жаҳон халқларининг дили шод бўлди.  
Қалам “тарих” ҳисобини ёздики,  
“Шуд фатҳ божанги Ҳайдаробод”*

(“Ҳайдаробод фатҳида ғалаба бўлди”; 1097 х. йили. Мирза Ҳожи ёзган тарих) хилъат инъом этилиши билан эъзозланди.

Подшоҳзода Шох Олам Баҳодир ўн мингчи қўшимча ҳамда асли ва қўшимчаси бўлиб қирқ мингчи, ўттиз минг суворли (мансаб билан) махсус эъзоз-икромга сазовор бўлдилар.

Жойнамоzxона доруғалигидан туширилган Мир Абдулкаримга подшоҳзода, шаҳзода, султонлар ҳамда Хонжаҳонга, Иброҳим лашкарбошига, подшоҳзода жилови (хизмати)га тайин этилган бошқа улуғ амирларга хилъат ва жавоҳирлар олиб бориш топширилди. Дюдахи мушрифиди Муҳаммад Шафий, қоровуллар мушрифиди Оллоҳёр, подшоҳзода мулозими Мир Ҳошим, Меҳнурхон ўғли Саййид Абумуҳаммад, Ҳаро меъмор ўғли Кулёнларнинг ҳар бири ишга йўлланма олиб, Ҳайдарободдан тўрт қурух масофадаги Мункол (Муҳкол) манзилига (135а) борган эдилар. Иккинчи томондан, Ҳайдарободнинг Шайх Низоми худди селдек кўп отлик жамият билан бу хонаобод сарзаминни вайрон этишга ҳаракат қилди.

Модомики қаршилик кўрсатиш учун уларда (етарли) жамият йўқ экан, ўзларини тўғри ўлимга тутиб беришдан нима фойда?! Номиди кўрсатилганларнинг ҳар бири мардонларча чаққонлик билан ҳаракат қилдилар ва жанг майдонида яраланиб қўлга тушган Мир Абдулкаримдан бошқа барча кишилар шаҳидлик шарбатини ичдилар.

Саййид Музаффарнинг ўғиллари Нажобатхон ва Асолатхонларни Қиличхон Зафарободдан ваколатчи қилиб юборган эди, улар душман билан илгаридан таниш бўлганликларига кўра, жангу жадал бошланишидан аввал қочиб кетиб, Шайх Низомга қўшилдилар. Ва паноҳ кидирган қарвонлардан иборат кўп кишилар (уларга) ҳамроҳ бўлдилар, лаънатланган моллар талон-торожга учради, жавоҳирлар, (тортиқ этиб) жўнатилган хилъатлар, бошқа асбоб-анжомлар ҳамда савдогар ва сайёҳларнинг матолари душман томонидан тасарруф этилди. Тўрт кундан сўнг Абулҳасаннинг кишилари Мир Абдулкаримни Ҳайдаробод чегараси, подшоҳзода лашкаргоҳига келтириб ташлаб, ўзларини четга олдилар. Бундан Муҳаммад Муродхон хабардор бўлиб, (Мир Абдулкаримни) ўз уйига олиб келди, бир қанча кун ичида унинг яраси тузалиб, подшоҳзода мулозаматига кирди. Унинг тили билан айтилган баёни асосида тўғри йўлга йўлловчи ҳукмлар чиқа бошлади. (Мир Абдулкарим) жаноб (подшоҳзода)нинг хизматларидан рухсат олиб, саройга чақиртирилган Хонжаҳон билан бирга олий остонага келди.

Ўн олтинчи зулҳижжада Иброҳим лашкарбоши подшоҳзоданинг тавсияси билан олти мингчи, олти минг суворли мансаб ва “Маҳобатхон” хитоби, Шарафулмулк уч мингчи, уч юз суворли ва Муҳаммад Тақи Довуд икки мингчи уч юз суворли (мансаб) ҳамда “Эътиборхон” хитоби билан иззат ва ифтихор бошларини кўкка етказдилар.

Ўн бешинчи зулҳижжада Сазоворхон охират саройига равона бўлди, унинг ўғли Раҳматуллоҳга мотам хилъати берилди.

Фирузжангнинг Бижопур йўлаги фатҳ қилингани (хақидаги) овози баралла янрагани мазмунидаги хабар олий назардан ўтказилди. Жасоратнишон хонга элтиб бериш учун Саёдатхондан (1356) зумрад кўзли узук бериб юборилди.

Йигирма иккинчи муҳаррамда жумлатул-мулк Асадхонга онаси дорул-хилофатда вафот этгани муносабати билан мотам хилъати берилди.

Турондан Раҳимбий ва Эрондан марҳум Сафшиканхоннинг қариндоши Ҳожи Муҳаммад Рафиъ келди, улар хилъат олдилар.

Ҳожи Қосим ўғли Мирза Муҳаммад фатҳнавис (ғалабалар хақида ёзувчи) машхур саҳифаларни битиш жиҳатидан Мунки Патнга кетган эди, уларни ёзиб тамом қилгач, саройга олиб келди; унга бир минг рупия инъом қилинди.

Баҳрамандхон Патнага кетишга рухсат олди. Искандархон ва бошқалар унинг (хизматига) тайин этилдилар.

Арзи муқаррар доруғаси Саёдатхонга ва Фозилхон садрга яшм тош довот марҳамат қилинди. Мухторхон совут ва камон инъоми билан Пули Санги тҳанасига рухсат олиб кетди.

Еттинчи сафарда Хонжаҳон Баҳодир Ҳайдарободдан келиб, остона ўпиш билан сарфароз этилди. Мазкур хон Субҳонжи ва бошқа тўққиз нафар деканликни бошлаб келиб, хилъатлар олди.

Ўн тўртинчи сафарда Рашидхон баъзи жойларни тартибга солиш жиҳатидан Ҳиндистонга кетишга маъмур этилди.

Марҳум Бахтовархоннинг дорул-хилофатдаги ҳовлиси Саёдатхонга марҳамат қилинди.

Кобул субадори Амирхон номига хос хилъат, мингчи зот қўшимча ато қилиниши мазмунидаги иноятунвон фармон юборилди.

Аввал Роно навқари бўлмиш Хотам, Туда Баҳим фавждорлигига сарфароз этилди.

“Жадидал Ислом”, “Диндор” номли Буржхукан (Бурж Бахукан) Қавомиддинхон Ихлоскеш ўрнига жойнамозхона мушриф-

лиги хизмати билан саодатманд бўлди ва у (Ихлоскеш) Равшан ракам ўрнига ароиз (аризалар) мушрифиди бўлиб эъзоз топди.

Саройга келган Қамариддинхон фил марҳамат қилиниши билан сарфароз этилди ва унга отасининг олдига кетишга рухсат берилди, у орқали отасига хилъат, шамшир бериб юборилди.

Маккаи муаззаманинг ҳурматли элчиси Аҳмад оқо мулозаматга кирди, у хилъат ва икки минг рупия инъом олди.

Ўн олтинчи рабиул аввалда Маҳобатхон ҳамда Шарафулмулк олий остонага пешона суртиш билан итоат бошларини кўкка етказдилар. Мазкур хон хос хилъат, тилладан ишланган шамшир, қирк битта от (136а), фил, эллик минг рупия ва тўққиз (шиша) тўла атир марҳамат қилиниши билан махсус иззат-икромга сазовор бўлди. Шарафулмулк эса, хилъат, биллур дастали ханжар ва ўн минг рупия, еттита (шиша) тўла атир инъом қилиниши билан мумтоз этилди. Уларнинг ўғиллари Ҳидоятуллоҳ ва Иноятуллоҳлар хилъатлар ато қилиниши билан сарфароз бўлдилар.

Абдулқодир Декҳаний икки мингчи, минг суворли мансаб ҳамда фил берилиши билан эъзозланди.

Тор-мор этилган Сивонинг куёви Аъложи беш мингчи, икки минг суворли мансаб ва мулозаматга кирган куни ноғора, байрок, зарҳалланган пахунчи ва фил (ато қилиниши) билан ўз тенглари орасида мумтоз этилди. Тўпхона доруғаси Сафшиканхон Бижопурдан келган эди, у ханжар ва фил (инъом) олиб, шу заҳотиёқ рухсат билан қайтиб кетди.

Ялангтўш Баҳодир бахтсизлиги сабаб мансаб ва хизматидан четлатилиш билан хайфсанга (сазовор) бўлди, Вазирхон Шохжаҳонийнинг ўғли Салоҳхон унинг ўрнига “Анворхон” хитоби ва хос кишилар доруғалиги каби юкори мартабали хизмат билан (юзи) порлок ва мақсади ҳосил бўлди. Сухробхон унинг ўрнига мири тузуклик хизмати камарини боғлади.

Рабиул охир ойининг йигирманчисида Хонжаҳон Баҳодирга Аврангободдан хос канизак келтириш учун Бурҳонпурга (кегишга) рухсат берилиб, у махсус карам қўлидан пахулкатора билан бирга зарҳалланган ханжар ва марварид иноят этилиш илтифотига сазовор бўлди. У орқали хос канизакка зумрад сумрони ҳавола қилинди.

Хонжаҳон Баҳодир ўғли ва Рухуллоҳхонлар бир-бирлари билан муштлашдилар. Бундан кейин ҳеч ким саройда муштлашмасин, агар ким бу ҳукмдан бош тортса, ғусулхонага оёқ босмасин, деган ҳукм бўлди.



Бухоро волиий Абдулазизхон мулозимларидан Миржалолиддин умид Каъбасига келди (хонадоннинг ул олий вакили, яъни Абдулазизхон) Маккаи муаззамани зиёрат қилиш иродаси билан саодатманд бўлиб, малоикалар посбон бўлган остонага келган ва шу ерда Ҳақ раҳматига пайваста бўлиб туташган (1366). Миржалолиддин хилъат, тилла дастали ханжар ва минг рупия ато этилиши билан дил мақсадини ҳосил қилган (эди).

Турбатхон ўғли Ҳидоятуллоҳ отаси вафотидан сўнг саройга келиб, мотам хилъатига эга бўлди.

Жумодул аввалнинг бошида Абулҳасаннинг қариндошларидан Зайналобиддин сипехрэхтиром остонага (пешонасини) суртиш ва хилъат марҳамат этилиши билан мухтарам бўлди. Абулҳасан итоат эттирган ва бўйсундирган Моддано Браҳманнинг офатлар ватан тутган калласи кесилиб, Шох Олам олдига юборилди; ул жаноб Баҳодир Алихон орқали (кесилган бошни) саройга жўнатдилар.

Патна фавждори Ҳамидиддин Қандахор қалъадорлиги (хизмати) билан иззат қалъасига кирди.

Лавозимидан туширилган Рустамбек саройга келди.

Марҳум Муҳаммад Амин Ҳофизнинг дорул-хилофатдаги ҳовлиси Маҳобатхонга марҳамат қилинди. Саййид Анворхон вафоти муносабати билан Саййид Зайнобидин Шулопур қалъадорлиги ва фавждорлиги (хизмати) ила чехрасини мунаввар этди.

Мухторхон зарҳалланган ханжар ато этилиш илтифотига сазовор бўлиб, Бижопурга (кетишга) рухсат олди. Бахти баландга Дюкадҳа ва Исломкадҳа заминдорлиги, хилъат, урбаси ва от инъом этилиши билан бахти ёр бўлди.

Подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳнинг мулозими Баланд Афрон Мулукчанд ройи роён (ройлар ройи)нинг жаҳаннамга жўнатилган ўғиллари Паҳо(во) Сингҳ Курнинг бошларини олий даргоҳга олиб келди ва хилъат олди. Бошларни подшоҳзода олдига олиб борсинлар, деган ҳукм бўлди.

Фазоилхон олиб келган Ийможи ва Тукужи (Мукужи)ларнинг ҳар бири хилъат ва фил олдилар.

Ройлар ройи Мулукчанд ҳақиқий маконга кетишга ошиқди. Унинг вафотидан сўнг Баҳраворхон Молва субасининг ноиблиги хилъатига эга бўлди.

Аврангободлик хос канизак дорул-хилофатдан келди (ва) еттинчи жумодул охирда уни давлат ва қудратнинг ҳарам саройига олиб келдилар.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш то калъанинг Дюдаҳи томонга (қараган) дарвозасигача (ул хоним) истикболларига чиқиб, (бирга) олиб келдилар.

Хонжаҳон Баҳодир мулозаматга кирди (137а). Номи зикр этилган ва унинг ўғиллари ҳамда унга қарашли киши Саййид Мунурхон хилъат олдилар. Унинг катта ўғли Ҳимматхон хилъат, шамшир ва фил ато этилиши билан эъзоланиб, (унга) Бижопурга (кетишга) рухсат берилди. Жусунат Сингх Бундила хилъат, фил ва ноғора, исёнчи Подшоҳқулихоннинг биродари Фозилбек хонлик хитобини олиб, мазкур хон (хизматига) тайин этилдилар.

Давлатобод калъадори Саййид Муборакхонга “Муртазохон” хитоби муборак этилди.

Марҳаматхон хазинани Бижопурга олиб боришга тайинланди.

Хўжа Абдурахимхон ярим кечада Фозилхон аълоул-мулк муншийи Ром Ройнинг биродари Нахчалнинг икки ўғлини хидоятзухур саройга олиб келди. (Улар) мусулмон бўлиш шарафига эришиб, бири “Саодатуллоҳ” ва иккинчиси “Саъдуллоҳ” (номлари билан) шуҳратландилар.

Ўн тўққизинчида Хонжаҳон хос хилъат, зарҳалланган ханжар ва тилла жиҳозлари билан бир от, фил ҳамда икки курур дом инъом илтифот қилиниши туфайли эъзоланиб, Ҳиндистон исёнчиларининг таъзирини бериш учун Акбаробод томон рухсат олиб кетди. (Унинг) Ҳимматхондан бошқа ўғилларига ҳамда Мунаввархонга хилъатлар берилиб, (улар) жасоратнишон хон билан бирга (кетишга) рухсат олдилар.

Читур калъадори Абдулазизхон борлик танглигидан чиқиб, йўқликнинг узундан-узоқ саройига кетди. Ноиби Абулхайрхон унинг ўрнини эгаллади.

Зафаробод фавждори Жонсупорхон саройга келган эди, унга хилъат берилди. Рухуллоҳхон ўғли Мирҳасан билан Амирхон қизининг тўйи қилинди. У “Хоназодхон” хитоби, хилъат ва тилла жиҳозлари билан бир от ато этилиши туфайли шодликка ёр ва бахтиёр бўлди.

Хидматхон ўрнига Ихтимомхон муқаддас давлат саройининг назоратчиси хизмати учун эътибор ва эътимод назарига манзур бўлди.

Фозилхон мир мунший ва садрга мазкур хон (Ихтимомхон) ўрнига яна аризалар доруғалигининг хизмати қўшиб берилди.

Баҳрамандхон Ийзи (Инди) тҳанасига кетиш учун (белига) итоат камарини боғлади. Унинг ноиби Муҳаммад Матлаб хизматини адо этишга киришди.

### ***Шоҳ Олам Баҳодирнинг Ҳайдарободдан келиши***

Подшоҳзода (1376) Шоҳ Олам Баҳодир йигирма бешинчи ражабда мулозаматга кириш бахтига эга бўлдилар ва гўшпич билан бирга хилъат ҳамда олтин суви юритилган паҳунчи марҳамат этилиб, эъзозу икром қилиндилар ва барча шахзодалар, султонлар хилъат ато қилиниши билан сарфароз этилдилар. Подшоҳзода ражабнинг сўнгги куни, туғилган кунда урбаси, қиймати қирқ минг рупиялик лаъл узук инъом этилиши билан шодмонлик садри бўлдилар.

Подшоҳзоданинг навқари Мўминхон (Муманхон) Абулҳасан (юборган) юз фил(га ортилган) буюмларини осмонмисол даргоҳга келтирди. Абулҳасаннинг элчиси Муҳаммад Маъсум мулозаматга кириш хилъатини олди.

Қиличхон Зафарободдан келиб мулозаматга кириш ифтихорига сазовор бўлди.

Сайфуллоҳ вафотидан сўнг Муҳаммад Матлаб мири тузук хизмати билан имтиёз топди.

Маҳкам Сингх Чанд Роват ватанидан олий даргоҳга келиб, хилъат инъом этилиши билан мумтоз бўлди.

### ***Зафарораста олий байроқларнинг Шулопурдан Бижонпур қалъаси (томон бу қалъани) мақтанчоқлар тасарруфидан тортиб олиш учун кўтарилиши***

Аллоҳга шукурлар ва миннатдорчиликларким, Унинг мадад файзи манбаидан улуғ фатҳлар қўшини олам халқларининг фикр-тафаккури олдида муборакбод қалъалар бирин-кетин эшикларини очдилар. Саодатмандлик жўш уриб, янги-янги иқлимларни тасарруф этиш хусусидаги галабафаҳмлик ушбу мангунишон давлат дуогўйлари қўлидаги номзод бўлди. Ҳақиқатнигина сўзловчи тил адл чироғи билан зулмгоҳни ёритувчи подшоҳнинг оламшумул ишлари ҳақида баён қилиб, жаҳон халқларининг қулоқларини порлоқ этди. Воқеанавис хома – қалам қалъаларни фатх, душманларни тор-мор этувчи мамоликистон кўзига кучкуват бағишловчи хоконнинг ажойиб азми-ниятларининг натижалари ҳақида сатрлар безайди.

Бахтсиз Декан дунёдори Искандар раҳбар(лик) мадади ва кучига эга эмаслиги сабабли риёсат (ҳокимият) оби-ҳаётига етишолмади: давлатининг шериклари – Сайди Масъуд, Абдурауф ва Шерзех исмли сардорлар унга энгилтаклик билан қараб, (138а) унинг билан ҳисоблашмай қўйдилар. Шунингдек, ўзбошимчалик ва ўзбилармонлик ўжарлиги орқасида ўзаро нифок ва муҳолифлик байроғини баланд кўтардилар. У (Искандар) шаҳардан бир кадам ҳам чиқолмади ва (устига-устак) шаҳарликларга ёмон ишлари ва бадкирдорлиги билан озор етказди. Ёвуз кофир, динсиз Сабанҳодан энгилиб, ул шумниятнинг мусулмонларга қилаётган зарар ишларида шерик бўлди ҳамда исён биёбонига кадам қўйишга юзланди. Бижопурнинг мустаҳкам қалъаси камал қилинишидек ёмон кунни ўзига раво кўрди. Иқбол билан можаро қилиш ҳалокат, бахтга қарши туриш эса ўз шуҳратини поймол этиш эканлигини билмади. Шунинг учун олам ҳокони, гардунтовон ҳоким олий хоҳишининг ҳиммати Тангри мададининг ёрдамига таяниб, фатҳ этилиши ниҳоятда мушкул бўлган, осмон буржи янглиғ қалъалар намунаси ҳисобланмиш бу қалъани забт этишга қарор қилган эдилар.

Кунлардан бирида давр машойихларининг пешвоси Шайх Муҳаммад Нақшбандий Сихриндий файз оятли хайр тахтининг оройиши билан учрашиш бахтига муяссар бўлди. Сухбат вақтида (шайх) Онҳазратдан сўради: “Эшитдимки, олий ҳимматнинг инони таважжуҳи Бижопур томон қаратилармиш”. Гавҳар сочувчи тил деди: “Ҳа, шундай. Биз (аввал) дунё орттириш нуктаи назаридан ва шон-шуҳратни ошириш юзасидан фарзандларимиздан бирон-бири султонлар жамиятини ҳосил қилишини хоҳлаган эдик. Лекин бу муяссар бўлмади. Энди ўзимиз боришни хоҳлаймиз, кўрамыз, бу деворлар қандай тўсиклардирки, улардан ошиб бўлмасин”.

Иккинчи шаъбонда оламини фатҳ этувчи байроқлар Шулопурдан ул тарафга (яъни Бижопурга) забт қилиш ваҳждан кўтарилди.

Ун тўртинчида олиймақом подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ ва шаҳзода Бедорбахт олам фахрли, фалак тахтли ҳокон мулозаматига киришга муяссар бўлиб, хилъатлар марҳамат қилиниши билан (1386) сарфароз этилдилар.

Баходирхон ва Ровкирон ўғли Ров Онуп Сингх мулозаматга кириш хилъатини олдилар.

Йигирма биринчида Баҳодир Фирузжанг фатҳ йўлдош бўлган лашкарлар Биждопурдан уч курух масофада жойлашган Расулпурга кириб келган зафарасар куни бахт пешонасини остонага суртиш билан мунаввар этди: ўттиз минг рупия ва қиймати тўққиз минг беш юз рупиялик ўн бош от ва жихозлари кумушдан – душманларни яқсон этувчи бир (жанг) фили ва хос хилъат инъом қилиниши билан саодатманд бўлиб, шаҳзода Бедорбахт турган жойга (боришга) руҳсат олди. Унинг ўғли Қамариддинхон марварид билан бирга зарҳалланган ханжарни иззат камарига боғлади.

Йигирма иккинчида тоғдек баркарор қўшин олиб бориш, фатҳ балосини ёғдириб, тўплардан ўқ узиб (қалъаларни) кўпориб ташлаш ва кўринган чуқурлик (ҳамда) хандакларни тўлдириш тўғрисида тақдирга эгизак ҳукм яшин тезлигида чиқди.

***Оламгирнинг оламни фатҳ этувчи (жаҳонкушо) зафарбар (жулусининг) бир минг тўқсон еттинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттизинчи йили бошланиши***

Ушбу фатҳлар муждаси мансуб роҳатбахш, кароматли ва табрик кунларида баракали рўза ойининг бахтиёршиор файз-фаровони бошланди; рўза ойи ҳам етиб келди; исён ва фисқу фасодни йўқ қилиш овозаси янгради ва Ислому соҳиблари (муслмонлар) калбидан гуноҳ ариди ҳамда замону заминда зулм ва тугён янчилди.

Умуман, бутун олам халқларининг шодлиги, хусусан, имон арбобларининг қаъбаси, жаҳон ҳоконининг хурсандчилиги ортди.

Навозишхон Мандсур фавждори ва қалъадори хизмати ҳамда хилъат ато қилиниши билан ифтихор байроғини юқори кўтарди.

Зарҳал жиға инъом этилиши билан Суҳробхоннинг боши осмонга етди. Сарафрозхон ва Довудхонлар мулозаматга кириш хилъатига эга бўлдилар. Муҳаммад Шариф ўрнига Шайх Низом ўғли Абдулхайр жойнамозхона доруғалиги билан саодатманд бўлди. Диндор ўрнига Муҳаррар мушрифлик (хизмати) билан эъзоз топди.

Берар субаси нозимлиги (идораси)да Ҳусайналихоннинг ноиб Разийиддинхон (139а) сипоҳлар билан мунозара қилиб турган аснода ўзга оламга жўнади. Унинг вафоти муносабати билан мазкур субанинг ноиблигига Иражхоннинг яқин кишиси Муҳаммад Мусо тайин этилди.

Ўн биринчи шавволда Қиличхон совут ва камонга эга бўлиб, қалъа қоровуллигига тайинланди. Далирхон ўғли Камолиддин-

хоннинг яралари тузалиб (соғлиги) яхши бўлиб, мулозаматга кирди; хилъат, қилич ва яшм (тош) билан зийнатланган асо инъом қилиниши унинг орзу ярасига малҳам бўлди.

Эътикодхон Аҳмаднагардан келиб, муқаддас мулозаматга кириш шарафига эришди.

Хукмга мувофиқ, Рожа Баҳим Ажмирдан етиб келиб, олий остона тупроғини ўпиш обрўсини ҳосил килди.

Йигирма бешинчида зўр қудратли, осмон савлатли Онҳазрат қалъа кунгирасининг карама-қаршисига келтириб қўйилган (жанг) дўмбирасини чалиш мулоҳазаси билан зоти муқаддас тахтиравонга ўтириб, яъни осмонсавлат бўзот устида хандак бўйига ташриф буюрдилар, тасарруф нияти то шу вақтга қадар таваккуф пардаси ичида эди. Ажойиб хангома ва ҳужум ваҳимаси, қалъа томондан кўрқув ҳамда йиғи-сиғилар, ўлим ўқи ва тўфанглар (отилиши) изиб кетди. Тўрт томонга ғавғо солувчи тўп ўқлари муборак бош тепасидан учиб ўтарди.

Мир Абдулкарим таъби ҳадясининг кўплиги билан бир парча қоғозга қора қаламда «Фатҳи Бижопур зуди мишавад» («Бижопур тезда фатҳ этилади») тарих мисрасини ёзиб, мунаввар назардан ўтказди. Онҳазрат (бу тарихни) қўлларига олиб, гавҳар сочувчи тиллари билан аста-секин ўқидилар. «Худонинг иродаси шундай» (дедилар). Алҳамдулиллоҳ, қалъанинг фатҳ этилиши шу ҳафта ичида юз берди. Мисра: «Хурсандчилик бўлишининг хабари муборак чикди».

Учинчи зулқайдада Жалол Чила мурчол (чуқурлар, хандаклар казиб, уларни бир-бирига) боғлашдаги ажойиб хизматлари эвазига «Сарбароҳхон» хитоби билан ўз тенгдошлари орасида имтиёз қозонди.

Уруш ғозийлари ва номус йўлида жонни фидо этувчи баҳодирлар, ғазаб тўпини отувчилар, душманни ҳалок этувчи ажал сочувчи тўфангчилар икки ой (1396) ва ўн икки кун муддатда душманларни кириб ташлаш қуролларини тайёр килдилар. Бир қанча кун саодат ёр, давлат раҳбар бўлган Искандар ва унинг ўртоқлари ўлим аломатини ўз кўзлари билан кўрдилар, гуноҳларни кечирувчи этакка қўл узатдилар, «омонлик-омонлик» деб, доруломон (омонлик хонаси)га кирдилар.

Ўн тўртинчи зулқайдада улуғ жулуснинг ўттизинчи йили чорхасар қалъа пештоқида Оламгир Ғозий подшоҳнинг фатҳ нақшлари намоён бўлди ва бу кенг мамлакатнинг узок ва яқиндаги

(фуқаролари)нинг бахт пешонаси барҳақ халифага итоат қилиш нури билан мунавварлик касб этди. Яна қайтадан ушбу диёр бўйлаб тарқала бошлаган Ислоҳ равнақ томон юз тутди, жаҳон узра гардун гумбазида товламачилик ўрнига ҳақиқат ҳукми чиқди. Узр қилинишга умид боғловчи қудрат тақозоси билан Искандарнинг жон-дилдан кечирим сўраши яхши натижа берди ва унинг зулмат ғалаба қилган тупроғида илтифот ва ихсон (яхшилик) куёши порлади.

Шу тарзда итоат этиш ва гуноҳлардан ўтиш бахтиёрлиги билан Аллоҳнинг хун олувчи ғазоби ҳисобланмиш подшоҳ қаҳрининг ҳалокатидан нажот топиб, муваффақиятга сазовор бўлинди, унинг бахти подшоҳлар подшоҳининг мулозаматига киришга чорлади, у тик қоматини хосу ом саройидаги муносиб жой билан ораста этди. Хос хилъат ва марварид алоқаси билан бирга зарҳалланган ханжар, қиймати етти минг рупиялик паҳулқатора, малойи марварид, қиймати ўн уч минг рупиялик зумрад исирга, зарҳалланган қилк ва қимматбаҳо тошлар қўйиб зийнатланган асо (инъом қилиниши) билан сарафроз этилди ҳамда “Искандархон” хитоби ва бир лакҳ рупия (миқдорида) йиллик маош белгиланиши туфайли толеи ёр бўлди. Бож олиш ишларидаги заифлик иложи борича тартибга келтирилди; барча эҳтиёжга лозим нарсалар муҳайё ва муяссар қилинди.

«Искандархон» хитобини олган Искандарбий (яна) минг (даража) зиёдалиқ билан минг ифтихорга сазовор бўлди. Абдурауф ва Шерзеҳ олий мулозаматга кириб, бандалиқ бошларини хижолат ва надомат заминига суртдилар (140а). Ҳар бири хилъат, қилич, марварид ҳамда зарҳалланган ханжар, тилла жиҳозли бир от, кумуш жиҳозли бир фил ҳамда олти мингчи, олти минг суворли мансаб, биринчиси “Далирхон» хитоби, иккинчиси эса “Рустамхон” хитоби билан эъзозланиб, иззат бошларини қўкка етказдилар. Маҳобатхон, Шарифулмулк, Мухторхон, Сарафрозхон фил, Қиличхон ханжар ва от, Лутфуллоҳхон ва Ғазанфархон байроқ ва туғ, Сафшиканхон ноғора, Ҳимматхон қимматбаҳо тошлар билан зийнатланиб ишланган қилич, Қамариддинхон зарҳалланган ханжар олдилар ҳамда дарёдил хокон иноятларининг файзидан тенгқурлари ва сафдошлари орасида сарафроз этилдилар.

Сайди Масъуднинг ўғли Сайди Муҳаммад, Сарафрозхоннинг жиёни Абдулнаби ҳамда Ачложийларнинг ҳар бири мулозаматга кирган кунлари фил инъом қилиниши билан мумтоз этилдилар.

Оламгиршоҳнинг баҳодири Ҳасаналихон оғир касалликка учраб оламдан ўтди, шижоат ва сипоҳсардорлик кўеши (уни) сафдошлари (сафи)дан ўғирлаб кетди. (Мархумнинг) халойикқа хайрихоҳлик, ростгуйлик ва яхши тадбиркорлик бобида тенги йўк эди. Унинг ўғиллари Муҳаммад Муқим ва Хайруллоҳлар хилъат иноят этилиши билан таъзия либосидан чиқарилдилар. Ул жаннатмакон (Ҳасаналихон) вафотидан сўнг Маҳобатхон Бидар субадорлиги хизматига (тайинланиш билан) азиз бўлди, унга хилъат, совут, темир калпок, шалвор ва дубулға марҳамат қилинди. Муҳаммад Содик номи зикр этилганга ноиб бўлиш хилъатини олди. Бандаларга илтифот қилувчи ҳоконнинг фазлу карами салтанат устуни жумлатул-мулк Асадхонни маснаднишини мураббаъга (юксак тахтга ўтиришга) амр қилди.

Секхичхона доруғаси Хўжа Вафо тахт, зарбоф тақягоҳ ва тилла суви югуртирилиб тикилган (тилладўз) сўзана олиб келган эди, унга бир минг рупия ҳамда хилъат берилди (ва) озод қилинди.

Ўн биринчида Расулпурдаги давлатхонадан кўчилиб, Аълопур қарама-қаршисидаги қалъа дарвозасидан ярим курух (масофадаги) қўлга туташган жойда осмон ҳашаматли хийма (чодир)лар ўрнатилди ва шу куниёк отда юрилиб, Арк қалъаси иморатлари билан бирга шаҳар истехкомлари (1406) (бирмабир) мунаввар назардан кечирилди.

Тўққизинчи зулкаъдада Ашрафхон мирбахши амирлик ва жасурлик саройининг шами ўчди, дурустфаҳм ва шикастанавислик боғининг гули сўлди. Унинг вафотидан сўнг Рухуллоҳхон биринчи бахшигирлик (бахшигири аввал) чорболиши (тахти) га равнак берди, унинг (Рухуллоҳхон) ўрнига Баҳрамандхон иккинчи бахшигирлик (бахшигири дуввум) хилъати билан оройиш топди. Баҳрамандхон ўрнига Комкорхон ғусулхона доруғаси ва унинг (Комкорхон) ўрнига Қосимхон биринчи мири тузук (мири тузуки аввал) бўлдилар. Марҳум Ашрафхоннинг укалари Муҳаммад Ҳусайн ва Муҳаммад Бокирларга мотам хилъатлари марҳамат қилинди.

Ўн еттинчида кечаси (Онҳазрат) Искандарни саодатзухур саройга чақиртириб, илтифот юзасидан ўтиришга буюрдилар ва (унга) олмос сарпеч, учта биралон иноят этилди. У (лозим бўлган) расм-одобни бажо келтирди, миннатдор тили сўзга кирди. Байт:



*Ушбу шукр таронасидан бахт боғлари гуллади,  
Ниҳоят, (тахтдаги) шоҳ олдида сажда нақшиман.*

Рухуллоҳхон Бижопур нозими ва насқи (тартиб-интизом) хизматига (тайинланаркан) Бижопурга «Доруз-зафар» лакаби берилиб, катта субаларга тенглаштирилсин, деган фармон чиқарилди. (Рухуллоҳхон) бир минг зот, (бир минг) сувор кўшимча олиб, асли ва кўшимчаси билан беш мингчи, тўрт минг суворли (мансаб) марҳамат қилинишига сазовор бўлди. Азизуллоҳхон (Бижопурга) қалъадорликка, Муҳаммад Рафиъ девонлик, Саодатхон бахшигирлик ҳамда воқеанавислик, Сайид Иброҳим кутволлик ҳамда фавждорлик, Ҳожи Муқим тўпхона доруғалиги, Зайнобиддин, Муҳаммад Жаъфар доғ ва тасхих доруғалиги ва омонати, Абулбаракот козилик, Муҳаммад Афзал ихтисоблик (лавозимларига) тайинландилар.

Олтинчи зулҳижжада Искандархон ўн минг рупия инъом билан катта илтифотга сазовор бўлди. Хоназодхонга Мурч томон (кетишга) рухсат берилди. Ҳимматхон Баҳодир Оллоҳобод субасининг нозими хилъатини кийди, у икки минг беш юзчи, икки минг икки юз суворли эди, етмиш лакх дом инъом олди.

Кифоятхон Хотам янги мулк – Сикҳар идораси юзасидан ва унинг қариндоши Жаъфар ул ернинг девонлиги (хизмати)га рухсат олиб кетдилар. Мазкур хон фил инъом этилиши билан бўйига ўсди. Ёралибек ўрнига Ихлоскеш мирбахшилик пешдасти (141а) ва у (Ёралибек) иккинчи бахшилик пешдасти хизмати билан азиз этилдилар. Рожа Ануп Сингх Сикҳар фавждорлиги ва қалъадорлиги билан мумтоз этилди.

Абдулвоҳидхон янги мулк томон ва Қодирдодхон Мурч қалъадорлигига, Қосимхон Суво Патн тарафга ва Шайх Чонд у ернинг қалъадорлигига рухсат олдилар.

Ниёкониш шартига мувофиқ, ўн биринчи зулҳижжада Искандархон қабилаларидан ўн олти нафар кишининг чап қўл бармоқлари кесилиб, ворисликдан маҳрум қилинган эдилар, уларга бир юз эллик муҳр инъом этилиб, раҳм-шафқат қилинди ва ул жамoa аҳли аёл ва бола-чақалари билан бирга Шулопур қалъасига жойлашсинлар, деган буйруқ берилди ҳамда ҳар кишига ўзига мувофиқ вазифа белгиланди.

Муқаррамхон ўрнига Хонжаҳон Баҳодирнинг ўғли Сипаҳдорхон Акбаробод субадорлиги хизмати билан муқаррам этилди.

Эътикодхон жанжалчи Сабанхо юборган ва Мангал Бидха (Мангул Пандха) тарафида санкиб юрган фавжнинг таъзири-ни бериб қўйиш учун рухсат олди ва турна патидан олтин суви югуртирилиб ясалган килкни (қаламни) иззат бошига қўйди.

### ***Музаффар байроқларнинг доруз-зафар Бижопурдан Шулопурга қайтиши***

Йигирма иккинчи зулҳижжада севинч-қувонч, шоду хуррамлик ҳамда ғалаба ва бахтиёрлик билан якрон (бўзот)нинг инони таважжуҳи Бижопурдан бурилди, йигирма бешинчида Шулопур маъмур давлати ғалабайўлдош нурлар тушиши билан чароғон бўлиб порлади, шоду хуррам бўлди.

Хукм қилиндики, Искандархонни бошқа кудрат саройидаги парданишинлар билан биргаликда олиб келсинлар ва унинг моҳи (ойчаси), мартаба (либослари), читр (чодир)и ҳамда бошқа риёсат (хокимлик идора) асбобларини қурга солиб келтирсинлар. Шу куни у Ҳайдаробод музофотларидан Иброҳимкада кальъасини забт этиш учун рухсат олиб кетди, унга хос хилъат ва фил марҳамат қилинди.

Ғалабаси авжга минган фавжга (қўшинга) белгиланганлар: Далирхон, Шерзеҳхон, Жамшидхон, Молужий Кахурпарс, Камолиддинхон, Ров Дилпат, Сафшиканхон, Кашур Сингх Ҳодо, Шив Сингх, Шижоатхон, Око Алихон (1416), Абдулқодирхон, Жаҳонгирқулихон, Сўфихон, Удут Сингх Бехдуря, Сарбароҳхон Чила ва бошқа катта-кичик мансаблилар қўшимчалар, хитоб ва турлитуман тухфалар инъом этилиши билан бошларини бахт айлана-сига (давворига) киритдилар.

Йигирма тўққизинчи зулҳижжада (Онхазрат) Шулопур кальъасининг сайрига муносиб шариф ташриф буюрдилар.

### ***Шаҳзода Бедорбахт билан Мухторхон қизининг тўйи***

Ўн бешинчи муҳаррамда шаҳзода Бедорбахтнинг асли насаби ҳақида таъриф тавсифга эҳтиёж қолмаган сайидлар юлдузи Мухторхоннинг кизи билан севинч сарупосини (кийдирувчи) никоҳ тўйининг тантанали базми бўлиб ўтди, никоҳни Қози Абдуллоҳ ўқиди, икки лакх рупия (калин пули) тайин қилинди. Шаҳзода шон-шухрат хилъати, лаъл сарпеч, урбаси (марварид ва турли кимматбаҳо тошлардан ясалган маржон шодаси), малойи

марварид, талкари, саккизта узук, бир лакх рупия пул, от ва филдан иборат кўпдан-кўп иноятларга эга бўлиб, ифтихор бошини осмону фалакка суртди. Ва иззат пардасидаги (келин) узук, малойи марварид ва олтин суви юритилган унут ато этилиши билан хушнуд бўлди.

Ун олтинчида Маккаи муаззаманинг хурматли элчиси Али оқо (ўз юртига кетишга) рухсат ҳамда хильат, ханжар, от ва уч минг рупия (инъомга) эга бўлди.

Искандархоннинг кизи Ойшага марваридлар қадалган кулох марҳамат қилинди. Мир Абдулкарим иккинчи маротаба хифта чукилик ҳимояси хизматига мумтоз этилди.

### ***Оламни фатҳ этувчи музаффар байроқли мавкаб (қўшин)нинг Шулонурдан Ҳайдаробод томон юриши***

Ҳайдарободнинг қабих ва ҳою ҳавасга берилган аҳмок дунёдори Абулҳасан омади кетиши ва бахти қоралигининг иғвоси билан оқибати гуноҳ ва хотимаси ифлосликдан иборат ишларга кўз юмиб, қувиб юборилган ҳиндларни давлат ишларига қизғин жалб этган, уларнинг расм-русумларига ривож берган. Турли-туман олчоклик билан машғул гуноҳкорларни излаб топадиган ақлсиз кирдорларнинг ул саркардаси ҳимояси остида ақлсизлик биёбонидаги эроний тоифалар беҳуда ва нодонлик маслагининг адашганлари ҳам (шу ерда) тўпланганлар. Мусулмонлар (дини) (1426) баланд мақомга кўтарилмаган, масжидлар равнак топмаган, калисолар эса обод қилинган, шариат оёкости этилган, бидъат ишлар эшиги ланг очилган. (У) ғафлат бодаси кайфида кечани кундуздан фарқ этмай қолган, ёмон (кишилар) суҳбатига интилиш ва динни бузиш кофирлик эканини пайқамаган. Жаҳаннамий Сабанҳо томонидан ҳақпараст (мусулмон)ларга етказилган турли-туман аниқ фалокат ва зарарлар қувватланаётган эди. Қўрқоклиги, иродасизлиги натижасида бир норасо кўзни кўриш ҳамда бенаво бир ёлғонни эшитиш билан<sup>19</sup> ул ўғри (Ҳайдаробод дунёдори)га от ва керакли анжомлар юбориб, унинг қўли баландлигини қатъий деб билган. Имон ва дин арбобларидан ўзгаларни иззат қилмайдиган ҳамда бидъат ва куфр аҳлларида ўзгаларни хор этмайдиган, тиғининг суви ер юзини фитначиларнинг ифлос конидан тозалайдиган, қудратли шамширининг зарби билан бир неча бор метин қалъаларни фатҳ қилган мусулмонлар паноҳи, подшоҳлар

<sup>19</sup> Яъни, Сабанҳонинг исён кўтаргани ва унинг муваффақият қозонишидан хабар топиб.

подшоҳининг динпарварлик ҳамияти ва жаҳондорлик ғайрати “баҳор шамоли чамандаги гулни очилишга қўймаётир” (деб ай-тиладиган ҳолат)га амал қилди. Оламгирнинг куч-қудрати ва шон-шухратига қарамай, биринчи галда мактовга муносиб хислат такозоси билан бошига бармоқ билан туртиб ҳушига келтирилсин, қулоғидан ғафлат пахтасини олиб ташлаб, тўғри (Ислом) йўлига солсинлар, ул бахти қора олдида хидоят, дорул-исломга кириш эшикларини очсинлар, деб ул аҳмоқларнинг яқин киши-сига қайтадан шараф билан хидоят йўлини кўрсатувчи панд-насихатлар қилинди, токи у ёвуз кофирлар билан бирлашишдан ва бидъаткор фикс-фужурчиларга боғланишдан, браҳманларга ҳос мақсадга хизмат қилишдан, бузғунчи кофирларга ёрдам беришдан, гуноҳ ва ношаръий ишларни авжга миндиришдан ҳамда бобошлик, туғёну исён йўлидан узоқда турсин ва токи ожиз, бегуноҳ раият иқбол қўшини суворийларининг оёғи остида янчилмасин, унинг шахси ҳам хорлик ва залолат бўронидан омон қолсин. Лекин бахт ундан юз ўгиргани боис исёнкорлик иши ғолиб чиқди, (1426) ўз уйини подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг лашкарлари талон-торож этишига бериб қўйди. Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам эса, далолат юзасидан уни итоатнинг катта йўлига солиш ишига маъмур этилган эдилар. Ушбу вақтда (Ҳайдаробод дунё-дори) хийла-найранг, яъни ваъдага вафосизлик, тилёғламалик, турли-туман ёлғончилик ва товламачиликлар “қаромати” билан ўзини ул жаноб чангалидан халос этди, кўпдан-кўп молу мулк, бир канча сипоҳлар ҳамда чордевор билан ўралган қалъа истехкомини огоҳназарлик пардаси ва узрхоҳлик қулфи этди. Ноилож (байт):

*Қадамини қийшиқ қўйиб йўлдан четга чиқиб кетадиган*

*Эшакларнинг бошига калтак билан урмоқ лозим, деган ҳукм.*

Йигирма тўққизинчи муҳаррамда восил (Ҳақ таолога яқин)-ларнинг пешвоси Мир Саййид Муҳаммад Гисударознинг – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – нурга тўла мазорини зиёрат қилиш мақсади билан жаҳонгирликнинг фалакни забт этувчи навоси Шулопурдан Ҳасанобод – Гулбарг томон янгради, (Онҳазрат) иккинчи маротаба муқаддас қабрни зиёрат қилиш саодатиға муяссар бўлдилар. (Табаррук) остонада ўтирувчиларга, мискинлар, узлатга чекинганлар ва муҳтожларга йигирма минг рупия инъом қилинди. Оҳу надоматни билмайдиган, омонлик ҳимоясидаги дехқонлар шоду хуррам бўлдилар. Бир ҳафта ўтгач, музаффар байроқлар Бидар Зафаро-

боди томон бошларини фалакка кўтардилар. Зафарчорсу (тўрт томонда зафар қозонувчи) ўрду ул бахти қора, ҳалокат майидан маст бўлганни ғафлат уйқусидан уйғотмоқ учун йигирма кун мобайнида бу ерда тўхтаб қолди. Аммо аслида унга давлатнинг юзланиши, мустаҳкам ҳидоят йўлини тутиш, бадбахтлик ва бахти қоралиқдан чиқиш муяссар бўлмаган экан, жаҳонпаноҳ ҳокон Тангри мадади ва кўмаги билан ўнинчи сафарда ул юлдузи қоронғунинг жазосини бериб қўйиш учун душманларни янчиб ташловчи оёқларини узангига қўйдилар. Ҳайдаробод дунёдорининг (икки юз йиллик хона)донини ҳалок қиладиган бундай воқеадан ваҳимага тушилди, ниҳоят даражада кўрқувдан унинг калта фикрига ғалаба ахтарувчи кўшинни мақташдан бошқа аҳмоқлик келмади, ҳайратдан қалъадаги мурданинг юзи девор бўлиб қолиб, лаблари кулишдан умид узди; кўзлари гирядан ёшга тўлди, хушлари бошдан учди, тиллари сўздан қолди. (Лекин) у йўқ қилиб юбориш вақти етганда (143а) итоатнинг катта йўлидан юришни ва пок имонни ҳидоятнинг туҳфаси деб билишни хоҳлаб қолди. Билмадики:

*Бемаҳал ёққан ёмгир экинларга ҳеч бир наф бермайди,*

*Кексайиб қолгандаги надомат ёши нима ҳам қила оларди.*

Кўлга туширувчи тир (ўқ) пистирма эди, шунга асосан унинг илтимослари қабул даражасига етмади, у хунхўрга жавоб қилич бўлди. Хуршидсипоҳ подшоҳ ғалаба ва зафарлар билан олға йўл босдилар, Ҳайдарободнинг икки манзилида музаффар кўшин қарор топди. Ғозийлар бошлиғи, ғолиблар пешвоси Баходир Фирузжангнинг Иброҳимқада қалъасини забт этиш мақсадида Бижопурдан рухсат олиб кетиб, бу метин истехкомни фатҳ этганидан сўнг Ҳайдаробод орқали олий мулозаматга кириш учун ошиқанининг хабари ҳамда шаҳарнинг тасарруф этилгани маълумотлари қайвонмақом боргоҳга етди. Бундай (ишлар) ғозийлар дилида қувват биносини ва бахтсиз ғанимлар (дилида) хонавайронликни таъсис этди. Оламгир ҳоконнинг шавкатли икболи қандай ажойиб, осмонтахтли ҳокимнинг шаън-шавкати қандай улўғки, душманлар сипоҳи ҳаддан ташқари кўп бўлишига қарамай, шундай кўрқитиш ва чўчитиш орқасида улар ҳамда дўстларининг томирларида қон қуриб, қотиб қолди. Бутун йўл бўйи хоҳ жилов лашкарлари бўлсин, хоҳ хон Фирузжанг кўшини бўлсин, уларнинг хаёлларида Сурат қалъасининг қорайиб (кўриниб турган) аломатидан бошқа нарса йўқ эди.

Йигирма тўртинчи рабиул аввалда қалъадан бир курух масофадаги жойда зафарасар аскарлар чодирлари тикилди. Қалъа пасида чумолидек уймалашиб олган ва шакар тўкилган жой агрофидаги пашшадек ўралашиб юрган ул тулкисифат айёрнинг одамларини қўл кучи билан ҳайдаб юборсинлар, деган шавкатли фармон шараф билан чиқди. Зафарпаноҳ сипоҳлар хоконнинг ҳукмини ижро этишга киришиб, жуда кўп саъй-ҳаракат ва жасорат кўрсатдилар. Худди шамол кўтарилгандек фикр пайдо бўлди: барча хонавайрон қилувчи ва мол-мулкларни шамолга сочувчилар хотин-болалари билан бирга асир тушишга отландилар. Аммо ушбу мардона жангу жадалда ва машҳур хайр-саховатли ишда Қиличхон аланга сочиб турувчи бу улкан оташ ичидан (1436) ўзини тезлик билан атрофлари чарх каби айлантириб ўралган қалъага отиб, шу оннинг ўзида қалъа ичига кириш ва (қалъани) кўпориб ташлашнинг уддасидан чиқишни ўйлаган. (Бирок) қазою қадар мутасаддилари бу ажойиб корнома (намуна бўла оладиган режа)нинг амалга ошишини бир оз кечиктиришни истайдилар. Ва бу мушкул иш юзасидан саранжомлик пардаси кўтарилиб, ҳал бўлиш вақтида ул шижоатнишон хон кўкрагига замбарак гуласи (ўқи) тегди. Унинг ишига баҳодирларча шерик бўлаётган Лутфуллохондан бошқа ҳеч ким унга ёрдам бермади, олдинга қараб кетдилар, (натижада) энг муҳим иш ҳисобланган – темир эшикни очиш амалга ошмай қолди. Хон дилининг бутун куч-ғайрати, калбининг қувватини (ишга солиб) отга минганича, жонини ҳалокатдан сақлашга интилиб, ўз одамлари орасига етиб келди. Кароматасар ёрлиғига мувофик, ниҳоятда кадрдонлик ва дилнавозлик юзасидан жумлатул-мулкнинг меҳрибон ва жасур кишилари касалнинг аҳволидан хабар олгани юборилдилар... Лекин муолажа қилувчи (табиб)лар олий ҳукмга биноан ҳар қанча уринмасинлар, қазонинг зўр қўли баланд келди, уч кундан сўнг ажал фавжи ҳамла этди ва унинг ҳаёт чордеворини тору мор қилди.

Баҳодир Фирузжанг ва унинг бошқа фарзандлари ҳамда Саёдатхон ул жаннатмаконнинг вафоти муносабати билан жом- (идиш)ларни синдирдилар ва илтифот тахтороси томонидан хилъатлар ва бошқа марҳаматлар иноят қилиниши билан энг юксак умидларини ҳосил этдилар.

Тўртинчи рабиул аввалда мулчор (тўп-замбаракларни) суриш тўғрисида ҳукм чиқди. Қалъанинг асоси деб қаралувчи истехкоми ва деворлари ўт ичида қолди; кеча-кундуз тинмай тўп,

тўфанг ва ўқлар ишга тушириб турилди. Қора кунлик душман оташ алангасидан ёруғ кунни ўз бахтидек қора, зулмат тунни ўз кўзи каби оқ деб билди. Аммо шухратли музаффарлар куйиш ва ҳалок бўлишга парво қилмадилар, улар тўп ўқларини ажойиб тўкилган турра (зеб-зийнат) (144а) деб билдилар. Сафшиканхон раҳбарлигида бир ой давомида хандак(нинг) оёқ (томони)га мурчол олиб (чуқур казиб) борилиб, йиллар давомида бўлмаган иш амалга оширилди. Жаҳонни ваҳимага солувчи душманларни янчиб ташловчи, зафарбар жанг аждаҳоси ҳисобланмиш тўплар қалъа қаршисида ўрнатилди, ул савлатли, наҳангхайбат (тўплар) зарбидан қалъанинг устунлари (тутдек) тўкилди. Лекин (ишда) мақсад юзида жилваланувчи қимматбаҳо шохид ойинаси кўринмади. Сафшиканхон фалак дабдабали дамдама (артиллерия бўлинмаси)ни қалъа кунгурасига етказиб, ўқлагунга қадар Фирузжанг билан келишолмай, аччиқлашиб ва гина-кудурат айтишиб, ишдан узоклашди ва истеъфо берди. Унинг ўрнига Салобатхон мироташлик хилъатига эга бўлди. Аммо у ҳам Сафшиканхон каби хизматини тўғри адо этолмай, истеъфога чиқди. Унинг ўрнига Саййид Иззатхон хизмат камарини боғлади, у ярим кечада душманнинг мутасадди сардорларини ғафлат ва хотиржамликдан чиқарди, дамдамалар (тўп ва замбараклар)ни таркатди, тўпларни жангга солди. Иззатхон ва Сарбароҳхон қўлга тушган аскарлар ва жамоани боғлаб келтирдилар.

Сафшиканхон мансабидан четлатилиш билан жазоланиб, камаб қўйилди. Салобатхон яна қайтадан мироташлик хизматига мансуб бўлди. Лутфуллоҳхон, подшоҳга таъзим бажо келтирилишига масъул хизмат (чуқи хос) жамоаси ва бошқа ишталаб бандалар дамдама муҳофазасига маъмур этилдилар.

Мазкур (Лутфуллоҳ)хон уч кун давомида бошқа жамоа етиб келиб душманни қувиб чиқармагунига, дамдама жойлаштирилмагунига қадар қалъанинг оёқ томонида оқадиган дарё ўртасида наҳангларча туриб берди. Икки кундан сўнг Абулҳасан, Иззатхон ва Сарбароҳхон ҳамда бошқаларга саруполар улашилиб, кетишларига руҳсат берилди. Улар дамдама йўлига чиқдилар. Лекин ёмғирнинг ниҳоятда шиддат билан ёғиши ҳамда бундай бевақт кечикиш ва пайсалга солиш орқасида аксар дамдамалар урилиб-сурилиб кетган эди.

Сафшиканхон қиска муддатда бошқа истехком томонидан (қалъа) кунграсига мулчор (замбарак тўп) етказа олишига ишон-

тирди. Шундан сўнг у (маҳбусликдан) озод қилинди, (ишни) қандай айтган бўлса, шундай амалга оширди.

Кун бўйи осмоний фалокат, яъни дарё можароли ёмғир тўфони туғён урди, теварак-атрофдан (озик-овқатлар) етиб келишининг йўли тўсилди, қаҳат учун бозор куни (рўзи бозор) туғди, ҳаёт мотами янгиланди. (1446) Заиф бенаволар ҳамда ҳалокат йўлдоши бўлмиш нотавонлар аҳволини мушоҳада қилишдан (шундай фикр келиб чиқдики), гўё сийна бугдойи чок этилган, бурун нўхати тупрокка қоришган, кўз гуручи тўқилган, оҳу фарёд осмони фалаклардан ўзиб, ғалла йўқлигидан (одамлар) ўрданинг тўрт томонида чивинлардек ғуж. Ҳайдаробод шаҳрида нафас олувчи тирик бирор жон қолмади; хоналар, дарё ва саҳролар мурдалар билан тўлган, лашкаргоҳда тун бўйи қоровуллар айланиб юрибди. Подшоҳлик давлатхонаси мурдалар омборига айланди, кундузлари эрталабдан то кечгача дарё соҳилларига ахлат ташлайдилар. Яна тунда ва кундузи худди шу кайфиятда ҳаёт ўтказилади. Инсон ва ҳайвон ўликларини ейишдан ҳам қайтилмади. Жанг бўлган қуруқ-қуруқ масофаларда мурдалардан кўчалар пайдо бўлди, тинимсиз жаладан гўшт ва терилар ириб кетди, ҳавонинг сасиши тириклар учун қиличдан қолган ишни бажарди.

Бир қанча ойдан сўнг ёмғир тўхтади. Устухонлар (уюмидан ҳосил бўлган оқ тоғлар узоқдан худди кўчалардаги қор қаби кўзга ташланарди. Тангрининг фазл ва қарами тирик қолганлар ҳолига етди, ёмғир қамайиб, дарёлар туғёни барқарор бўлди, ноҳиялардан (озик-овқатлар) етиб кела бошлади.

Сардорхон ўрнига Олий ҳазрат (Шоҳ Жаҳон)нинг устози ҳамда фазли, шуури ва диёнатидан у зот ҳам баҳраманд бўлган машойхлар пешвоси Мир Саййид Муҳаммад Қунужийнинг ўғли Саййид Шарифхон тайинланди.

Ҳайрниятлилик бахти, жаҳон халқлари ризкиннинг кафиллиги билан қимматчилик бартараф бўлди, олам халқларининг кўнгил истаги муносиб равишда эътиборга олинди.

*Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам тўғри йўлдан (оғиб) эгри ишлар қилгани сабабли (уни) адаб зиндонига (ташлаш) иродаси ва (бунга) Тангри халифасининг рози бўлиши*

*Унинг ёмон хулқлилар билан бирга ва бегона бўлиши(дан)  
Гар пасткашлик унинг уруғи экан – у офат домидадир.*



*Ростлик бошида туриб камонни қийшиқ билган ўқ  
Ундан қандай отилиб чиққанини кўрдингми?*

Олдиндан кўра оладиган оқиллар ва (иш) оқибатини англай оладиган нозикфаҳм соҳиблар учун ёмон суҳбатдошларни ўзларидан қочириш ва қадамини эгри қўювчи фирибгарлардан сақланиш – ижроси вожиб ҳукм ва давлату иқбол билан чамбарчас боғлиқ амрдир. Агар (кимсаки) итоат бўйинини ушбу бўйсунилиши лозим ёрликқа (145а) сиртмокламас экан, у доимо ўзини ўткир фикрли ақлфармолик саройидан четлатиб, надомат ва шармисорлик зиндонига ташлайди. Подшоҳзоданинг олий зотларига шундай фаҳм-фаросат ҳамда ақл-заковат гавҳарига эга бўлиш лозим эди, лекин (афсуски) нияти бузук суҳбатдошлар ва бадкирдор шериклар билан яқиндан суҳбат куриш амалга ошди. Подшоҳзоданинг (ўз) умрига зоелик иллати (бўлмиш унинг) бадбахтлик ва бадхоҳлик қилишлари муқаддас таъбни бадфеъл қилди ва ғазаблантирди. (Онҳазрат) бир қанча вақт чидам қудратининг қуввати билан (ўзларини) билмаганга солдилар ва бундай бадкирдорликнинг овоза бўлишини истамадилар.

Бижопур масаласига барҳам бериш тадбирлари (йўли)да қалъада Искандархонга пинҳоний равишда мактублар юборган баъзи кишилар қўлга туширилиб, йўқлик саройига жўнатилдилар. Ул жанобнинг баъзи ёмон ниятли мулозимлари – тўйхона доруғаси Мўминхон, Азиз Афғон, иккинчи бахши Мултафатхон ва Панд Роин Пурфанлар эди. Ўн олтинчи шавволда лашкар (турган жой)-дан барчаси билан (қилинадиган муносабатда) улар ёмон йўлдан қайтарилиб, оқил ва келажакни кўра оладиган чироғлари (ёндирилиб) ул жаноб саройидан узоқлаштирилсин, деган ҳукм чикди.

Ҳайдарободнинг муҳим ишлари муваффақиятли равишда амалга оширилаётганда тўсатдан қилинган ҳамла натижасида ниҳоятда аҳмоқ Абулҳасандан фириб ейилиши (сабаби ҳам) улар зиммасига қўйилди, чунки ҳуфия тарзда кетма-кет ёзилган мактублар Гўлканда қалъасидан мурчолга етиб келиб, Фирузжанг қўлига тушган ва шунингдек, бошка кўпдан-кўп ихлоссизлик ишлари уларнинг жирканч ниятларини исботлаган эди. Номи зикр этилган хон тунда ўз турган еридан саройга келиб, (буларни) назардан ўтказди ва паст ақидаликлари ҳамда ихлоссизликлари орқасида қилган ўзбошимчаликлари ҳақида муқаддас хотираник қарорга келди.

Ул жаноб (подшоҳзоданинг) девонхонаси доруғалигига тайин килинган Ихтимомхоннинг укаси Ҳаётхонни (саройга) чакиртирдилар, (токи у) подшоҳзодага Шайх Низом Ҳайдарободий бу кечаси лашкарларга ҳамла қилиш ниятида, (подшоҳзода) ўз мулозимларини лашкар томон юборсинлар, ул “жасоратли”нинг йўлини тўсишга тайёргарлик кўрсинлар ва бу кишилар ул томонга боришни истаганлари учун Ихтимомхон чодирингиз (хиймангиз) атрофида (1456) посбонлик қилсин, деган ҳукми етказсин. У (Ҳаётхон) ҳукми етказди ва иш худди шу тарзда амалга ошди. Эртаси куни фармонга мувофиқ, ул жаноб (подшоҳзода)ни Муъизиддин ва Муҳаммад Азимлар билан биргаликда саройга келтирди. Онҳазрат девонда ўтирган эдилар. (Подшоҳзода) келиб бирор соат ўтирганидан сўнг баъзи қилинадиган ишлар ҳақида Асадхон ва Баҳрамандхонларга айтиб, тасбеҳхонада биргаликда режа тузинлар, деб хитоб қилдилар. Ҳар уч киши чор-ночор чикиб кетдилар. (Шундай қилиб) ул жаноб белидан қурол ечиб олинди<sup>20</sup>.

Чодир қурилгунча подшоҳзода ўша ерда бўлдилар ва сўнг (у зотни) чодирга олиб келдилар.

Онҳазрат девондан туриб, Дюдаҳи йўли оркали аврангободлик хос хизматкор (парастор) билан биргаликда саройга келдилар. Ва “ҳай-ҳай” дебон, қўлни ҳар икки тиззага уриб: «Қирк йиллик меҳнатни тупрокка тенг қилдим», дедилар. Хуллас, Ихтимомхоннинг саъй-ҳаракати билан (мулозимлар) атроф ва олдинда саф тортиб ўтирдилар. Мутасаддилар ул улуғ ва шавкатлига (яъни подшоҳзодага) тегишли молу мулк, кавкаба ва қорхоналарни бир кўз ташлаш билан (давлат) тасарруф ихотасига киритиб, денгизга бир қатра қўшдилар. Ихтимомхон бир мингчи эди, банданавоз подшоҳ инояти унга “Сардорхон” хитоби, беш юзчи қўшимча ҳамда унинг ўғли Ҳамидидинни – у икки юзчи эди – икки юз эллик сувор қўшимча бериш билан эъзозлади.

Кун бўйи Жамшидхоннинг куч-ғайрати билан (калъа) деворларини қўпоришга тайёргарлик ва Абдувоҳидхоннинг саъй-ҳаракати билан от-уловларни етказиб келтириш ва муқаддас зот Онҳазратнинг хон Фирузжанг марҳаласи (истехкоми)га ташриф буюришлари, улуғ шаҳзода ва аъёнларни дамдама орқасидан уруш қилишга буюриш, кун бўйи кўпдан-кўп тайёргарликлар кўриш ва хон Баҳодир Фирузжанг ҳамда Рустамхонларнинг ярадор бўлиши, кўп кишиларнинг қирилиб жон беришлари, куннинг охирида эса

<sup>20</sup> Исёнга хотима берилди.

подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг каттиқ касаллигига қарамай, жумлатул-мулк Асадхон билан бирга жўнатилиши, тўфанг ва бон ёмгиридан кишиларнинг бир тасавваж ҳам қадам босолмасликлари ҳамда чодир ва емишликлардан бошқа (ҳамма нарсани) нобуд қилиш, жароҳатлашдан бўлак иш қилинмади.

Тунда, аввал хазинанинг кўплигини (билиш учун) бунгоҳга (вазир ва аёнлар чодирига) ташриф буюрдилар ва кўп фикрлар амалга оширилди, кўп миқдорда олтинлар харж қилинди. Динсиз ва давлатсиз мунофиқлар молу мулкка хирс қўйиб, ғаним билан иттифоқликда найрангбозлик қилдилар. Ҳиммати паст ҳаром-томоқлар (душман) билан бирлашиб, биринчи ғалда у томонга юзланиб, икки юзламачиликнинг энг чўққисини (ўз қилмишлари учун) асос қилиб, ҳалокат хонасининг буюмига (146а) айланиб қолдилар ва баъзилар кўп ғалла юбориб, истар-истамас ўзларини кавнайн (ҳам одам, ҳам фаришта) қилиб кўрсатдилар ҳамда куфрони неъмат бўлишнинг жазосини тортдилар. Қамал муддати ниҳоятда чўзилиб кетди. Жаҳонни фатҳ этувчи раъй, Гўлканда қалъаси атрофида ёғоч ва лойдан қалъа қурилсин, дея қарор қилди. Жуда кам вақт ичида саҳродан ёғоч, водийдан лой (келтирилиб) қалъа тайёр қилинди, дарвозаларда посбонлар турдилар, руҳсатсиз кирди-чиқдилар ман этилди. Бу вақт орасида хон Фирузжангнинг яраси тузалди. У мулозаматга кирди, хилъат, совут ва хос чехлам (курол) ва қимматбаҳо тошлар қўйиб зийнатланган асо (ҳасса) ато қилиниши билан иктидори ортди. Хилъат инъом этилиши Рустамхоннинг жароҳатига малҳам бўлди. Марҳум Маҳобатхоннинг ўғли Баҳромхон тўп ўқининг зарбига учради, укаси Фаржом мотам хилъатига эга бўлди. Жоннисорхоннинг биродари жонини нисор этди. Мазкур хон Онҳазратнинг инояти билан (ул жанобнинг) янги ечган либосини кийишга муяссар бўлди. Сафшиканхон биродари Шижоатхон ва хон Фирузжанг фавжининг бахшиси Мир Абулмаоний, Яққатозхон, Сухробхон, Муҳаммад Ҳоким ва бошқа яраланган ҳамда куйганларни бандалар Онҳазратининг марҳамати яхши қилди ва уларга куч бағишлади.

Йигирма олтинчи ражаб (ойи)да навкарларнинг каттаси Абулҳасанга – у (қалъани) ташқаридан ўраб олган фавжнинг сардори эди – толеи ёр бўлиб, аршмаком остонани ўпиш бахтига олиб келди, у беш юз муҳр ва бир минг рупия назр қўйди. (Шундан сўнг) “Мухрибхон” хитоби ҳамда олти мингчи беш минг суворли мансаб, хос хилъат, шамшир ва марваридлар қадалиб зийнат-

ланган ханжар, олтин суви юритилиб зарҳалланган қалқон, алам (байроқ), ноғора, юз минг рупия нақд пул, йигирмата арабий, ироқий, туркий ва қачхий от, иккита фил марҳамат қилиниши билан катта илтифотларга сазовор бўлди. Унинг ўғиллари: Мулки Мунур, Шайх Ловад, Шайх Абдуллохлар ҳамда бир қанча хеш-ақраболари юксак хитоблар ва ҳар бири тўрт мингчидан кам бўлмаган муносиб мансаб, хилъат, байроқ, ноғора, от ва филлар (ато қилиниши) билан сарафроз этилдилар.

Сабанҳо тарафидан Солир қалъадори қилиб тайинланган Осужи Декҳаний остонани ўпиш шарафига муяссар бўлди ва унга хилъат, байроқ, туғ, ноғора, (1466), от, фил ва йигирма минг рупия марҳамат қилиниши билан умид-орзуйига раванқ бахш этилди.

Сарафрозхоннинг биродари Сарбаландхон байроқ, туғ ва ноғора илтифот қилиниши билан шуҳрати баланд бўлди (донғи кўтарилди).

Ёвуз ниятли Сабанҳо навқарларидан Солупа қалъадори Монкужи (қалъаси) емириб ташлангандан сўнж жаҳон (халқлари) муте даргоҳга бахт пешонасини суртди. У хилъат ва икки мингчи бир минг суворли мансаб инъом этилиши билан бошини кўкка етказди.

Ўн саккизинчи ражабда Муҳаммад Алихон хонисомон йўқлик саройига равона бўлди. У шуҳрат ва улуғликдан холи эмасди; кимки (унинг хизматида) бўлса, (ўз) мақсадини топарди. (Муҳаммад Алихон) инсофли, художуй, диёнатли ва тўғри одам эди. Бу улуғ хизматга (хонисомонликка) Комқорхон номзод этилди ва унинг (Комқорхон) ўрнига Эътиқодхон ғусулхона доруғаси мартабасига эришди.

Шарифулмулк Ҳайдарободийнинг ўғли, Абулҳасаннинг жияни Ифтихорхон олий мулозаматга кириш ҳамда хилъат ва уч мингчи, уч минг суворли мансабга эга бўлиш билан катта шараф топди.

Ўрда хазинасини жўнатиш ҳамда Деканнинг ҳар тўрт субасидаги хазинани қўлга киритиш хизматида тайинланган Шарифхонга унинг ўзи субаларга борсин ва хазиналар бойлигидан шаръий ҳукмга мувофиқ бўлган (қисмини) олсин, деган ҳукм бўлди.

Мир Абдулкарим унга тааллуқли хизматларга қўшимча сифатида (ўрда) хазинасини жўнатиш (иши бўйича) мазкур (Шариф) хоннинг ноиблигига тайинланди.

Шарифулмулк йигирма тўртинчи шаъбонда сўнгги сафарни ихтиёр этди, унинг ўғиллари хилъатлар иноят қилиниши билан таскин топдилар.

**Оламгир зафарбар (тахтга ўтиришининг) бир минг тўқсон  
саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
биринчи йили бошланиши**

Ислом баҳори гули равнақ топаётган, бидъат ва зулм тикан-зори сидирилиб ташланаётган муборак хайрли ишларга тўла кунларда бахтиёр рўза ойининг умид-орзулар байрами томон юзлангани халқларга баралла эшитилди. (Яратган тангри)нинг сайлагани, барча собиқ подшоҳлардан зиёда (Онҳазрат) кечакундуз ҳиммат камарларини фармонпазирлик ва адолатпарастлик йўлига боғладилар; метин дин қонуларининг посдорлик найзасини (динга қарши) беҳуда уриниш хазинаси бўлмиш офат сийналарга санчдилар. Бўстон бисоти, кудратмакон саройида давлатга равнақ ораста этилганининг иккинчи асри бошланиши (муносабати билан) муборакбод (147а) табриклари амалга ошди.

Ушбу ойнинг еттинчисида (Онҳазрат) мурчол ва Сафшиканхон дамдамасининг мулоҳазаси юзасидан жаҳон кезувчи кумушранг отга миниб, кам муддат ва лекин кўп саъй-ҳаракат қилиб, иккинчи маротаба қалъа кунгирасига яқинлашиб, муносиб шариф ташриф буюрдилар, отдан тушиб, пиёда икки соат давомида қалъа аҳволини кўздан кечирдилар.

Хуршидқулоҳ шоҳ Муҳаммад Аъзамшоҳ душманларнинг адабини бериб қўйиш жанги бошланмасдан олдин Ҳиндистондаги тартибсизликларни бартараф қилиш учун Шулопурдан ул томонга рухсат олиб кетиб, Бурхонпургача етиб борган эдилар. Бахшиул-мулк Рухуллоҳхон субада тартиб ўрнатиш ишига дуч келиб, доруз-зафар Бижопурда машғул бўлиб қолган эди, ижроси вожиб ёрликка мувофиқ, улар қадам ўпиш давлатига эга бўлиш учун ошиқдилар ва шу ойнинг ўнинчисида фатх зуҳур этган саройга келиб, орзуларига етдилар.

Қалъани забт этиш Шоҳ Жавонбахтнинг саркардалиги остида амалга оширилди.

Йигирма тўртинчи зулқайда ярим кечада бахшиул-мулк Баҳодирхон ва бошқа баҳодирлар биргаликда қулай фурсат топиб қалъани ўраб олдилар. Сарандозхоннинг маслаҳати билан Пати Бижопурий (қалъа) фатх қилинмасдан аввал олий даргоҳ бандалигини ихтиёр этган ва яна қайтадан Абулҳасан билан бирлашиб, унинг ишончли кишисига айланган эди. Мурчолга ту-

ташган Каҳркидан бошлаб собик художўйлик маслагининг фатҳ эшиклари қўлга киритилди. Оламгирнинг жаҳон-жаҳон музаф-фарлари қалъага бостириб кирдилар. Зафарни мустаҳкамловчи (қатъий этувчи) шоҳ бу жамоа қизгин иштироки юзасидан қалъа остидан ўтган дарё яқинини мақом тутдилар (ва) мурчолга етиб келиб, ғалаба шодиёнасини баланд овоза қилдилар. Бахшиул-мулк аҳмоқлик пардасидаги ул ғафлат босган ховлисига кирди; шу вақт у (Пати Бижопурий) ва унинг ҳамроҳлари ўзларини қурбон этиш ҳаракатида эканлар, уларни асир қилиб, ташқарига олиб чиқди ва доимо фатҳ насиб бўлган саодатманд шоҳ назарига олиб келди.

Қудрат саройи муншийи Шайх Абдусамад ўғли Абдували (қалъанинг забт этилиш) тарихи рубоисини олий мақомга етказди:

*Эй жаҳон шоҳи жаҳонпаноҳлик қилдинг,*

*Аллоҳ лутфи билан ажойиб зафар тутдинг.*

*Мисрадан янги мужданинг тарихин эшит:*

*Подшоҳликдан фатҳбони (фатҳлар давлати) туздинг.*

Раҳмдил хислатли ва илтифот табиатли (Онҳазрат) ул кон-хўрнинг кирдикорлари учун жазолашни амр қилмадилар. Мир Иноятуллоҳни (унинг) айтадиган арзини (эшитиш учун) вакил қилиб белгиладилар...<sup>21</sup>

(1476). Онҳазрат ижозати билан у аввал ўз саройига олиб бо-рилиб, сўнг шу куннинг ўзидаёқ зафар кошонаси бўлмиш олий давлатхонага келтирилдилар. Хотарида хавф-хатари бўлган гумроҳлик зиндонининг ул маҳбуси омонлик олиб, ўзи учун та-йин этилган чодирга жойлаштирилди. Қаҳру ғазаб ўрнига унинг тушқун аҳволида (ўзни) билмасликка солиш офтобининг нури порлади ва мақтов тили сўзга кирди:

*Пешонамнинг миннатдорлик саждаси,*

*Оқибат мени эшигининг хоки билан улуғ этди.*

Аллоҳга шукурларки, марҳаматларга ноил худованд (хоқон)-нинг мадади билан шундай узоқ-чеккадаги қалъа саккиз ою бир канча кун мобайнида мулк ва миллат волийлари тасарруфига кирди. Шуниси ажойибки, бир йил-у бир ой ичида фатҳ қилиниши ҳатто хаёлга ҳам келмайдиган икки қалъа забт этилди. Мир Абдулкарим содир бўлган бу ажойиб фатҳ, Гўлқанда қалъаси фатҳ қилиниши тарихини муборақбод этиб, таҳсину офаринларга са-

<sup>21</sup> Асар хошиясида ёзилган бир жумлани ўқиб бўлмади.

зовор бўлди. Энди ул метин қалъанинг устуворлиги, дилларга маъқул тушган шаҳарнинг ажойиб нарсалари (иморатлари), ул сарзаминнинг об-ҳавоси ҳақида баён қиламан, (токи) сўзларим биноси мустаҳкамлансин ва хотирим саҳифалари зийнат топсин ҳамда фикр бўстонларим кўкарсин.

Гўлқанда аввалги замонларда Монкал номи билан юритиларди. Бу ер рожаси Дюрой деган номга эга эди. Ундан сўнг Бахмания тасарруфига кирди.

Бахмания хонадониди муҳолифлик пайдо бўлгач, Султон Маҳмуд Бахманийнинг ғуломи (қули) Султонқули Қутбулмулк мазкур қалъа ҳаракатининг самараси бўлмиш ул ноҳияни тасарруф этди. Тоғда (шундай) қалъа мавжудки, унинг қадди (баландликда) осмон гумбази билан “жанг” қилади, у ерда (гўё) осмонийларни худди ерликлар билан кўшиб кўйгандек. (Қалъа) истехкоми пастки қисмининг атрофи занжирбанд қилиб ўралган. Дўстнавоз ва душманларни янчиб ташловчи Оламгирнинг азми-жазми шамолидан бўлак қалъақушолардан ҳеч бир (подшоҳ)нинг (шамолли бу ерда) бу даражада зўр ҳайкириш билан эсмаган. Ҳеч бир томонда (бирор-бир) шарпа йўқки, у қамчин ушлаб турган қўл олдида қаддини расо тутсин. Тоғлик жой бўлгани туфайли бу ернинг ҳокими (ўзини) соҳиби қудрат (хисоблаб) аҳён-аҳёнда жаҳду жадал қўлини баланд кўтарарди. Жаҳонгир подшоҳ (подшоҳи офокистон) тахтга ўтиришдан анча аввал бу вилоятни иқбол аскарлари билан поймол қилиб, охир узр-манзур баён қилиш одатига кўра, Абдуллоҳ Қутбулмулкнинг гуноҳидан ўтган эдилар.

Заҳм-заҳмат еган ов (Абдуллоҳ Қутбулмулк) (148а) ул ов (килувчи) яна қайтадан бул шикоргоҳ томон сайр этишларини гумон қилганидан, ул тоққа айлана шаклида мустаҳкам қалъа қурдириб, мазкур қалъа ичига ўрнашиб, кўнгли тўқ бўлган эди. Ҳар ҳолда у тирик қолиш саҳройи йўлини босиб ўтди, унинг ўрнига заҳм-заҳмат бошқасига етди. Байт:

*Ушбу шикоргоҳдан учган ҳар бир ов (қилинадиган қуш),  
Гарчи (отиб) туширилмаган бўлса ҳамки, унинг  
жароҳати бордир.*

Ҳайдаробод шаҳри Муҳаммадқули Қутбулмулк (томонидан қурилган) икки қуруқ атрофидаги обод қалъадан иборатдир, у Потри Баҳакти номли (ҳинд аёлига) шайдо бўлиб қолиб, шаҳар қурдириб, унга Баҳакнагар деб ном қўйди ва (бу шаҳар)

сўнг шу ном билан машҳур бўлган. Ҳозирда эса (шаҳар) маҳруса (шаҳаншоҳлик) вилоятлари каторига кириб, Декан субасига кўшиб берилган, уни дорул-жиходи Ҳайдаробод деб ёзадилар. Бу шаҳар бир оромгоҳдирки, унинг ҳар бир китъа ери жаннатнинг бир бўлаги, кўз роҳати, жон оромидир, обод жойлари ҳаёт доирасидан ҳам кенг, иморатлари қўрқув жойидан ҳам баланд, об-ҳавоси нафис ва тоза, чашмалари сувга тўлиб оқади, сабзаларини гул деб ўйлайсан киши, бу сарзаминнинг гуллари зумрад ва лаъл рангида ҳамда зумрад ва лаълдек порлайди. Аллоҳга шукурларки, шундай дилларга секин бахш этувчи мулк (ўлка) ва хуррам ҳамда хуштар вилоят давлат волийлари тасарруфига кириб, динсизларнинг гуноҳкорлик хору хасларидан тозаланди ҳамда кофирлар тасарруфидан чиқарилди. Агарда ҳайдарободликларнинг кайвоннишон остона томон юзланишлари етти мингчи мансабидан то беш юзчигача сарафроз этилишлари ҳар саф-ҳар сафдан ҳунар соҳиблари ва усталар навкар бўлишлари батафсил баён қилинадиган бўлса, муболағасиз, яна бошқа бир жилд китоб ёзмок керак бўлади. Бу ерда эса, дарёга (лозим) бир қанча катра кўшилди, холос.

Йигирма тўққизинчи зулқайдада бахтиёрлик буржининг ёруғ юлдузи, подшоҳзода Муҳаммад Комбахш Берар субадорлиги билан бахтиёр этилиб, ўн мингчи, беш минг суворли эдилар, яна беш минг суворли кўшимчага эга бўлдилар.

Жумлатул-мулк Асадхон ва хон Фирузжанг бир минг суворли кўшимча билан етти мингчи етти минг суворли юкори даражали мартабага кўтарилдилар. Маҳобатхон бир мингчи, бир минг суворли кўшимча билан олий даражали давлатманд бўлди. Унинг набираси Муҳаммад Мансур яқиндагина вилоятдан келиб, олий остона тупроғини ўпиш сурмасини кўз равшанлигининг манбаи қилиш билан эъзозланди. “Мақраматхон” (1486) хитоби ва бир мингчи, беш юз суворли мансабга эга бўлди. Абулҳасан хонанда (ашулачи)нинг ўғли Абдуллох тўрт мингчи, тўрт минг суворли мансаб иноят этилиши билан эътибор бошини баланд қилди. Лутфуллохон икки мингчи, бир минг суворли эди, беш юзчи кўшимча олиш илтифотига сазовор бўлди. Эътиқодхон икки мингчи, бир минг суворли эди, икки юз сувор кўшимча билан унинг иззат-икромидан ортди. Муҳаммадиёрхон беш юзчи кўшимча олиб, икки мингчи, уч юз суворли (мансаб) билан иззатланди.

Марҳум Қиличхоннинг укаси, Мир Баҳовуддиннинг ўғли Мир Муҳаммад Амин отаси Турон диёрида ўлдирилгандан сўнг



остона ўпишга келди ва ғарибнавоз остона хокини ғурбатдийда кўзига тўтиё қилиб суртди. (Мир Баховуддин эса) ўз хотинининг отаси, Бухоро ҳокими Абдулазизхон билан низода бўлган Урганч волийи Анушахон билан иттифоқ тузишга ҳаракат қилган (Мир Муҳаммад Амин) ғарибнавоз ва йўқсилларга молу мулк ато этувчи подшоҳ кишилари қаторига икки мингчи, бир минг суворли мансаб, хонлик хитоби билан лутфан қабул этилди.

Сафшиканхоннинг ўғли Мухлисхон отасининг ноиби сифатида тўпхона доруғаси вазифасини ўтар эди, асли ва икки юз суворли кўшимча билан бир мингчи, уч юз суворли қилиб (яна) ўша хизматга тайинланди.

Жавоҳирхона мушрифи Иноятуллоҳ тўрт юзчи, эллик суворли эди, ўн сувор ва Ёралибек тўрт юзчи, қирк суворли эди, ўн беш сувор кўшимча олдилар. Сайди Яхё ўрнига Оқилхоннинг уруғи Шукруллоҳхон Шоҳжаҳонобод ноҳияларининг фавждорлик хизматига тайинланди, у бир минг беш юзчи, беш юз суворли эди, бир минг сувор кўшимча олди.

Мир Абдулкарим жармона доруғалиги хизматига тайин этилди, яна қайтадан дил истакларига эришди.

Подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг олий саройда муносиб даражада ва ҳар бири (янги-янги) мансабларга сарафроз этилган навкарлари доруғалиги Лутфуллоҳхонга топширилди.

Сардорхон ўрнига назорат хизмати жойига (тайинланиш билан) Хидматхоннинг иши равақ топди. Мўътамадхон ўрнига Сардорхон филхона доруғалиги хизмати билан баланд мартабали бўлди.

Муҳаммад Матлаб хонлик инояти билан (149а) талабига етди.

***(Тангри) ёрдамчиси, жаҳон посбонининг ҳукми билан  
Сикҳар ўлкасининг фатҳ қилиниши***

Жаҳоноро подшоҳнинг мамлакатларни фатҳ этувчи хотири Ҳайдарободдек улкан вилоятни тасарруф қилиш, барча қалъаларни бўйсундириш, теварак-атроф ҳамда ҳар томонга нозимлар ва ноибларни юбориш, Ҳайдаробод навкарларининг келиб, шон-шавкат остонасини ўпишлари, уларнинг ҳар бирига мавқе ва шароитларига мувофиқ сарафрозлик бахш этиш ишларидан қаноат ҳосил қилгач, қатъий азм ва жиддий жазм билан Биждопур ва Ҳайдаробод ўртасида жойлашган Сикҳар ўлкасини забт этиш-

га тайёрланилди. Даҳида кавмидан Панднояк (Банднояк) исмли шахс ул жой ҳокимияти тепасида туриб бадномлик билан машғул эди. Бу кофир аждодларидан тортиб катҳаралик қавмлари орасида аҳмоқлик, олчоклик ва пасткашликни кучайтириб юбориб, ул сарзамин ҳокимиятида имтиёз бошини баланд тутган. (Панднояк) ўн икки минг суворий ва бир лакх пиёда аскарларга сардорлиги ва мустаҳкамлиги билан замона машҳури ҳисобланмиш ўзининг маскани – мактовга арзигулик қалъаларни тасарруф қилиши туфайли бижопурликлар ва ҳайдарободликлар орасида тенглик тўғрисида фикр кўзғатади. Ҳеч ким уни яксон этишга ҳаракат қилмайди, аксинча, мусулмонлар номидан раҳбар деб ардоқланиб, унга қора кунда фарёдга етувчи воситачи деб қарайдилар. Чунончи, Бижопур камал қилинган вақтда унинг журъат ва жасорати бир оз юклар билан олти минг пиёда жангчи юборишда ифодаланди. Хон Фирузжанг ул гуруҳ бошлиғи билан бирга қатл этилгани ҳақида юқорида муфассал ёзилган эди.

Шуниингдек, у қора ниятли қамал вақтида иккинчи маротаба ҳам ҳайдарободликларга ёрдам кўрсатиб, ўзининг емириб ташланишига замин ҳозирлади.

Панднояк диёри томон ошиқсинлар, агар у саодат қондасини эсдан чиқарган хоконлар даргоҳини саждагоҳ қилиш учун бирга келса, мулкани хароб қилиш ва фуқароларини асир олишга уринмасинлар, бироқ у қилган ишларидан пушаймон емаса, чегарасига (1496) бостириб кирсинлар, деб Рухуллоҳхоннинг ўринбосари Хоназодхон саркардалиги остида катта лашкар тайин қилинди. Мазкур хон, албатта, амалга оширилиши лозим фармонни бажаришга киришиб, шошилинч равишда Пандноякнинг мулки томон жўнади ва ижроси вожиб ҳукми эълон қилиш билан ул жаҳолат тузоғига илинган ваҳшийни манманлик уйқусидан уйғотди. Ул ўлка халқига хароб бўлиш насиб қилмаган экан ва имон қиёмат томон юз тутмаслиги (то имон кўзғалиб кетмаслиги) учун унинг молу мулкани ғорат этмаслик ҳақида кадрдон (подшоҳнинг) ҳукми мулоҳазасига ва оятгўларни соат сайин жамловчининг мушоҳадасига баён қилиб ёзиб юборилдики, у (ўз) мулкани моликул-мулкка (подшоҳлик мулкига) топширди ҳамда итоат ва тобе юзини султонлар паноҳи бўлмиш даргоҳга қаратди. Унинг ғорат этмаслик ҳақидаги илтимосномаси мақбул қилинди, шахси ажал бўрони билан ному нишонсиз йўқ қилиб ташланмади. Мазкур хон жаҳонпосбон хоконнинг (одил) фармонида кўра, унинг хонумони-

ни (уруғ-аймоғини) ағдариб ташламади. Сомони зое кетган (яъни хатти-ҳаракати беҳуда бўлган Панднояк) қалъадан (ташқарига) чиқиб, хонни ахтариб топди ва иккинчи сафар (ойи)да, хотимаси зафарли ўттиз иккинчи йилда (Сикҳар) қалъаси ислом волийларига таслим бўлди. Кўҳна дунё бунёд қилганларидан бўлмиш, ҳали ҳеч кимса намоз овози чиқара олмаган (бу) жойда мусулмонлик дўмбирасининг тилга киритилиши билан (намоз) алоҳида баланд овозга эга бўлдики, (бу билан) беҳуда хатти-ҳаракат қилувчиларнинг кулоқлари том битди. Ислом ҳақиқати ва қуфр ботили (товламачилиги)нинг ғулғуласи гардун гумбазида юзма-юз келиб, (оқибатда) мусулмонлар дилига қувват бахш этилди.

Юқорида номи зикр қилинган хон қалъа посбонини ва ул ноҳия мудофааси ҳамда алоқасини тайин қилгандан сўнг у (Панднояк)ни ўзига ҳамроҳ этиб, мунаввар ҳузур (сарой)га келди. Ва (Панднояк) яхши хизмати учун мукофот сифатида муносиб иноятлар билан мумтоз этилди. Унинг отаси Гўлканда қалъасини фатҳ этишда қаҳрамонлик кўрсатган эди. Ўғли ҳам Сикҳар қалъасини қўлга киритишда озмунча куч-қувват сарф этмади. (Бу ҳақда) Соҳибфикрий ушбу рубойини (муқаддас) хотирига келтирди. Рубойи:

*Ҳар икки қалъа ҳам бир-бирига ўхшаш мушкултар эди,  
Бири Гўлканда қалъаси-ю, иккинчиси – Сикҳар.  
Ота қондасини ўғил фаромуш қилмади,  
У қалъани ота олди, бунисини эса ўғил (олди).*

Байт:

*Панднояк ажойиб, аҳмоқлиги гаройиб эди.  
Саҳротабиатлигидан ўта жоҳил (ўжар)эди.  
Ҳасади дарёлигидан нилрангли (заҳил) эди.*

Тун унга ўхшашдан қора кунга ўтди, кундуз эса қора булут ҳужумидан тунга айланди. Минг-минг кишилар “ўлгин-эй”, деб унинг айиқ ва ҳўкизга ўхшашини таъна қилардилар, улар унинг башарасидан наҳс ёғилишига қараб: “Билмадим, унинг зулмат дилхонасига бундай нур қаердан тушди экан, қора булут коплаган зулмат дилида мунаввар мулозаматга кириш нури барк урса-я”, дердилар. Олий ҳукмга мувофик, (Панднояк) иккинчи рабиул аввалда фалакнишон остонага сажда қилиш билан пешонасини мунаввар этди ва ҳолига кўра зиёдарок жойда туриш билан имтиёз қаддини баланд қилди. Лозим бўлган беш-олти кун ўтгандан сўнг жаҳаннам сайри томон ошиқди. Мисра: «Бу тарзда

яшагандан кўра ўлган афзалдир». Ўғил ва унинг яқинлари янги-янги мансабларга сарафроз этилдилар.

Шавкатли ҳукмга кўра, Сикҳар ўлкасига “Нусратобод” номи берилди. (Шундай қилиб) гуллаб яшнаган боғи-бўстон ва серҳосил сарзамин, Ўзига шукрларким, кофир кишилар кўлидан тортиб олиниб, мамолики маҳруса (салтанат)га қўшилди.

### *Меҳригиё подшоҳ байроқ ойчасининг дорул-жисҳод*

#### *Ҳайдаробод вилоятидан доруз-зафар*

#### *Бижопур томон кўтарилиши*

(Биринчидан) мулк ва миллат номуси (Оламгир подшоҳ) нинг олдиндан кўриш ва олдиндан билиш тақозоси билан унинг оламоро назарига жаҳон тартиби ва жаҳон халқлари тарбияси манзур бўлгани ва (иккинчидан) жаҳонгир, олам ҳоконининг тан соғлиғи ва ўз хоҳишича дам олиши (кераклиги), хусусан, Ҳайдаробод об-ҳавоси иссиқ мизожга номувофиклиги сабабли муқаддас хотирнинг таклифи олий байроқлар жаҳонбонлик (жаҳонни кўриқлаш) ишлари юзасидан бориш лозим бўлган вилоятлар томон юқори кўтарилсин, деган мазмунда зухур топди.

Урушқок кофирлар ҳомийси Сабанҳо эгри йўлга кириб кетган гумроҳлар – хароми Искандар ва Абулҳасанлар билан ғолибона (ғойибона) бирлик ва дўстлик аҳдини тузган ва шу аҳмоқона даъват юзасидан ҳар иккаласини ҳам эътибор ва ҳурматдан (1506) узоқда тутишмаган.

Кофирона берилган озорга тегишлича ҳақ билан жавоб кайтарилди. Саодатли соат ва бахтиёр давр – рабиул охир ойининг биринчи куни, (тахтга ўтиришнинг) ўттиз иккинчи йили, чоршанбада (яъни, куёш ҳисоби билан) Аллоҳнинг ўн олтинчи баҳманий ойида (Онҳазрат) жаҳонни забт этувчи ва душманларни қўлга туширувчи оёқни ғалаба узангиси бошига қўйдилар ва кўзига суртдилар.

Худодод (Худо берган) ҳимматнинг адҳам (қора) оти инони (азми)ни (Онҳазрат) Бижопур томон қаратдилар. Хон Баҳодир Фирузжанг Уда қалъасини Искандарнинг отаси, бахтдан қувилган ҳабаш Ғулом тасарруфидан тортиб олиш вазифасига тайин этилди. (Искандар) қарама-қаршилиқлар юз берган вақтда ул хона(дон)нинг ишларига бошчилик ихтиёр қилиб, Соҳибзодага нисбатан куфрони неъмат йўлини тутиб, ҳокимият номидан

бошқа ҳеч нарсани қолдирмаган, барча хазина-бойликлар ҳамда нафис мато ва қимматбаҳо жавоҳирларга эгалик қилиб, мазкур қалъада мустаҳкам ўрнашиб олган эди. Йигирма беш минг ботир суворий ул жасорат соҳиби (хон Фирузжанг) ихтиёрига берилди. Юлдузсипоҳ шох Муҳаммад Аъзамшоҳ турли-туман инъом ва икромларга сазовор этилиб, олчоқ Сабонҳони йўқ қилиб ташлашга рухсат олдилар. Ул жанобнинг зафар жиловлари (хизмати)га кирк минг жанговар суворий тайин қилинди. Мукаддас зот офтоби ва ул дохий этиб яратилганнинг мукаддас шахси (Муҳаммад Аъзамшоҳ) мазкур оининг тўртинчисида шавкат ва қудратнинг осмон рашк этадиган даражадаги равшан нурини Бидар Зафарободи майдонига сочдилар ва Камтҳона кўлининг соҳилида файзга тўлиб окувчи дарёдан обрў орттириш сувини (ичиб) ўзларида ҳақпарастликни кучайтирдилар. Бу ерда Ҳайдаробод шаҳридан ташқарига, бир курух масофага етар-етмас (жойдаги) Муҳаммаднагарга ҳам ўн беш йил муддат ҳокимият тепасида турганида (ҳам) сафарга чикмаган ва от-улови унга оғирлик қилиб қолган. Абулҳасан узлатга чекиниш (гўшанишинлик)ни илтимос қилди (151а): «Жонсупорхон уни давлатобод (сарой)га келтирсин, озиқ-овқат ва уйку буюмлари мутасаддиларига ул бойликка берилган ва динни ҳароб этувчининг нафси учун лозим бўлган нарсаларни муҳайё этсинлар», деган ҳукм бўлди. Унинг заруриятлари учун эллик минг рупия миқдорида йиллик маош белгиланди. Қандай ажойибки, гуноҳларни афв этувчи ҳоконнинг илтифоти ул конхўрни осойиш бешигида парвариш қилди, унинг гуноҳларини кечириш этаги билан ёпди. Байт:

*Биз айбу гуноҳ қиламиз, у лутфу карам,  
Ҳар ким ўзига муносиб бўлган ишни қилади.*

Мазкур кўлни Дажла (Тигр дарёси) деса муболаға эмас. Кимки унинг шимолий соҳили томонда (бир нафас) ўтирса, ўз умрини анча узайтиради. Ҳеч бир жойда бу каби ажойиб об-ҳаво топилмайди. Ул файз чашмасининг гаштзорлари бахти аржумандлар равнақининг боисидир. Деҳқонлар булутдан илтифот кутиб ўтирмайдилар. Бир йил уруғ сочиб, бир қанча йил (ҳосил) ўрадилар.

Ва ҳам ул манзилда киборлар пешвоси Муҳаммад Яъқубхўжа Калонхўжа жўйбори жаҳон карвонсаройидан чиқиб, жаннат жўйбори (ариғи) бўйига ўтирди. Онҳазрат хўжага алоқадор шахсларга

хурмат-иззат кўрсатиб, у салафлари (ўтган авлод-аждодлари) нинг мазорига дафн этилсин, деб жасадини Бухоро вилоятига жўнатдилар.

Бу жойдан уч мақом (масофа босилгач) ажойиб тартибга эга олий лашкар кўзғолиш қанотини ёзди. Учинчи жумодул аввалда Гулбарг саводи (ўлкаси) баракага тўла эрам (боғининг) зийнатига эга бўлди. (Онҳазрат) восиллар пешвоси Мир Саййид Махмуд Гисударознинг – Аллоҳ уни раҳмат этсин – муқаддас мазорини зиёрат қилиб, савоб топдилар ва ул маконнинг тангдаст (камбағал) кекса сокинларига (азиз) бошларидан хайр қилиб, садақалар бердилар. Етти кун таваккуфдан сўнг байроқлар доруз-зафар Бижопур томон таважжух этиб, баланд кўтарилди. Узок вақт давомида худосизлик биёбонига айланган бу шаҳар мазкур ойнинг йигирма иккинчисида маъмур диллар молики, оламни ораста этувчи подшоҳнинг обод қилувчи ташрифи билан атрофдаги шаҳар ва ўлкалар рашк этадиган (даражада обод бўлди) (1516). Шаҳар, ноҳиялардаги тўс-тўполонлар сабабли чет жойларга (кетиб қолишга) мажбур бўлган аҳолининг турли табақалари, фуқаро ва узлатга чекинганлар бу аҳволдан чиқарилдилар, улар диллари истаган жамиятга эга бўлиб, кечаю кундуз дилхасталарнинг бедаво дардларига малҳам қўювчи, фақир, камбағалларга марҳаматлар қилувчининг умри узун ва давлати зиёда бўлишини янги ва рухсори шукр навоси билан куйладилар. Назм:

*Худоё! Назаркарда раҳматинг билан –*

*Бу сояни халқ устига ёздинг*

*Бу некбахт – жаннат дарахтидир*

*Ким, унинг соясида мол-мулкни кенгайтириб юбордик.*

Мавжуд эҳтиёжларни тўлдирувчи ушбу сармояли бахтиёр кунларда хайрли ишлар нурига эга рамазон ҳилоли Оламгирнинг улуғ хилофат (тахтига ўтиришининг) бир минг тўксон тўккизинчи ҳижрий йилига мувофиқ бўлган, бошдан-оёқ ғалабалардан иборат ўттиз иккинчи йилининг бошланишини олам халқларига эшиттириб, умидворлар олдида айш ва хушчақчақлик эшикларини ланг очди.

Қазо ва қадарнинг ажойиб иши илтифотлар бахш этди. Жаҳонпаноҳ подшоҳ марҳамати оламга янги қонун-қоида тортиқ қилди. Истилочилик қудрати билан душманлар сийнасига Аллоҳ қаҳру ғазабининг намунаси бўлмиш қашшоқлик ва бадбахт-

лик тиканини санчди. Шу муддат мангу давлатманд хоконнинг заволсиз икболи ҳамда тўғри (Ислом) йўлида (жондан ҳам кечишга тайёр) фидойиларнинг яхши тараддуллари билан сон-саноксиз мустаҳкам калъалар ёвуз исёнкорлар тасарруфидан чиқарилди. Агар ҳар бир ғалаба тафсилотини ёзаман деса, қаламнинг тез жавлон этувчи отига таҳрир майдони «танг» бўлиб қолади. Ҳароми исёнчи Рожа Ромжотнинг ишини саранжом қилиш учун жавонтале шаҳзода Муҳаммад Бедорбахт саркардалиги остида ҳамда Хонжаҳон Баҳодир Зафаржанг ва бошқа уста, ўткир зехли баҳодирларнинг ҳаракатлари билан зўр воқеалар содир бўлгани, саъй-ҳаракат ҳамда тараддуллар ишга туширилгани (152а), жаҳду жадаллик амалга оширилгани ва кўпдан-кўп куч-қувват сарф этилгани ҳақида баён этилиши зиммага лозим бўлган ахборотдир.

Учинчи шавволда зафарасар лашкар мухбирларининг маълумоти меҳригиё подшоҳ арзига етдики, ёвуз душман ўн бешинчи рамазонда бундук ўки тегиб, жаҳаннам қаърига жўнаган. Ва бу ноҳия фиску фуҷур, ёвуз ишлар ҳамда кофирона қилмишлардан тозаланган. (Шу муносабат билан) гуруҳ-гуруҳ халойиқ мактов ва олқиш тили билан ашула айтди. Байт:

*Худо олам халқларига марҳаматлар бахш этишини истади –  
Ўзининг фазли билан сени оламга подшоҳ этди.*

Ўн тўққизинчи зулқаъдада ул исёнкор бошини саройга келтирдилар. Байт:

*Сен бошни дорга (қўйишда) сардорсен  
Сардор бўлиб бош(инг)ни у (дор)га қўй.*

Комкорхоннинг Саййид Музаффар Ҳайдарободий қизи билан тўйи бўлди. У хилъат, от ва қиймати ўн минг рупиялик сихра иноят қилиниши билан хурсандчилик бисотини ораста этди.

Аловулмулк Фозилхоннинг жияни Ётимодхон Комкорхон ўрнига жаҳонмадор саройнинг хонисомони хизмати ҳамда беш юзчи, юз сувор қўшимча олиб, асли ва қўшимчаси билан икки мингчи тўрт юз суворли (мансаб) ва асо, яшм довоат ато этилиши билан мумтоз қилинди. Мирза Муъиз “Мусохон” хитоби ҳамда (Ётимодхон) ўрнига тан(танҳо) дафтардорлиги хизмати билан эъзозу иқром хилъатини кийди. Муҳсинхон ўрнига буютот хизмати билан Абдурахимхоннинг хонаси обод этилди. Унинг ўрнига Муътамадхон доғ ва тасхих доруғалигини олди. Манқуханинг вафоти муносабати билан Ётиқодхон амирул-умаролик дафтарига (эга бўлди).

Шоистахон хос хилъат ва ханжар ато этилиши билан мотамдан чиқарилди.

Абулҳасан Ҳайдарободийнинг уч қизи бор эди. Олий ҳукмга мувофик, (унинг) биринчи қизи Искандар Бижопурийнинг никоҳ ипига боғланди. (1526) Иккинчиси машойихлар пешвоси Шайх Муҳаммад Нақшбандий Сихриндийнинг ўғли Муҳаммаднинг никоҳ ақдига кирди. Жумлатул-мулк Асадхоннинг ўғли Иноятхон (унинг) учинчи қизи билан тўй қилинди; хилъат, от, фил ва сихра ато этилиши билан унинг ҳурмати яна ҳам ортди.

Мухлисхон мириоташ Кашно дарёсидан сув келтириш учун Бижопурга кетишга руҳсат олди, унга ханжар марҳамат қилинди.

Муршидкулихон Қадиймийнинг ўғли Фазл Али хонлик (хитоби)га кўтарилди ва Качхри воқеанигори хизмати билан олий девон (хизматига) сарафроз этилди. Хитоб марҳамат қилинаётган вақтда дур сочувчи тил илтифот билан деди: «Сўранг-чи, у хонлик номини истайдими ёки отасининг хитобиними?» Номи зикр қилинган баъзи кўнгилдаги мулоҳазаларга асосан «Муршидкулихон»ликни ихтиёр этди. «Алигузаштақули» бўладими, «Фазлалихон» дуруст-роқдир», дедилар. Ҳиндларнинг мўътабар кишиларидан бири мунаввар назарга (кириш)ни илтимос қилган.

Икки хоназода Каломи шарифни ёд олиш (хатм)ни тугатганлар ва улар саодатзухур ҳузур (сарой)да (Куръондан) ўқиб эшиттириш шарафига муяссар бўлишни умид қилганлар. Муқаррибга ҳукм бўлдики, уларни кечки пайт бошлаб келсин, улар (саройга) келтирилдилар ва муқарриб «фалон-фалон кишиларнинг ўғиллари келдилар», деб айтди. (Онҳазрат) «уларнинг номлари маълум эмасми?» дедилар. У таажжубга тушиб, фалон кишилар, деди. «Агар сиз уларнинг номларини аниқ билмасангиз, бориб ҳар иккисининг номини сўраб (билиб) келинг», дедилар. Бориб ва сўраб келиб айтди: «Бирининг исми Ҳасан Али ва иккинчисиники Ҳусайн Али». «Ҳиндистонликлар учун бу шумният ва кофирликка мубтало бўлган рофизий бадсүхбатлар номининг нима алоқаси бор?!» дедилар.

Исмаат ва иффат пардали наввоб Меҳринисо бегим дорулхилофатга кетиш учун ижозат олдилар. Ул наввобни кузатиб кўйишга Лутфуллоҳхон маъмур этилди. Сардорхон (153а) филхона доруғаси (лавозими), хилъат ва юз сувор қўшимча олиб, асли ва қўшимчаси билан бир минг беш юзчи, беш юз суворли бўлди.



Сайид Абусаид кози ўлим ўрдаси томон кетди. Унинг фарзандлари Низомиддин ва Фаёзиддин мотам хилъатларига эга бўлдилар.

Омонуллоҳхон олган “Мулфатхон” хитоби “Шамширхон” (деган хитоб)га ўзгартирилди. Саёдатхон ўрнига Сафшиканхон қайтадан (ўз) хизмати(га тикланиш) илтифотига сазовор бўлди.

Шаҳзода Давлатафзо фоний ҳаёт зиндонидан қутулиб, мангуликнинг нажот саройидан жой олди. Олий ишорага (буйрукка) мувофиқ, Али Одилхон Бижопурий мақбарасида осудалик топди.

Жавоҳирхона мушриф Иноятуллох муқаддас ниқобли, иффат пардали Зийнатниси бегим саркори (саройи) хонисомонлик хизмати билан тарбият назарига муяссар бўлди. “Мунаввархон” хитобига эга Сайид Хонжаҳон Шохжаҳонийнинг ўғли Лашкархон Бижопур мудофааси хизмати билан доруломонликда қалъа ичига кирди.

Сардорхоннинг ўғли Ҳамидиддин отаси ўрнига филхона до-руғалиги хизмати билан манзур назарга сазовор бўлди; тўрт юзчи эди, (унга) юзчи (мансаби) қўшиб берилди.

Алкисса, фатҳмуҳрли хома – қалам гардун қудратли, олий-мақом ва жанглар ғолиби, бахтга эгизак подшоҳзоданинг Он-ҳазрат жаҳонистони қўлга киритган бахтиёрлик иқболларига мос келувчи фатҳлар ҳақида баён қилдиким: подшоҳзода ёвуз ниятли Сабонхонинг танбеҳини бериб қўйиш учун сипехрасос (осмондек юксак) саройдан рухсат олиб кетганларидан сўнг инони таважжухларини Бижопур вилоятига қарашли мустаҳкам қалъалардан Балкону (Малкону) қалъасини фатҳ этишга қаратдилар. Андак муддат мобайнида мулчор равон этилиб ва тўплардан яшин тезлигида ўқлар узилиб, қамалдагилар (1536) аҳволини ниҳоятда танг қилиб қўйдилар. Дониш ва билимдан беҳабар, оқибатсизлик маслагини эп билган бу бир тўда (гумроҳлар) отаси Бижопур томонда ҳоким бўлиб, бундан бир қанча вақт аввал вафот этган (киши)нинг ёш боласини сардор қилиб қўтарган эди. Улар ўзларининг бемаъни хатти-ҳаракатлари ва оламни фатҳ этувчи лашкарларнинг қатъий азми тўғрисида мушоҳада юритганларидан сўнг, оқибатда омонлик истадилар. Ва (Балкону) қалъаси ҳамда унинг атрофидаги жойлар биргаликда фатҳ этилиб, Аъзамнагар номини олди. Ул норасо бола олиймақом шохнинг марҳамати туйфайли улуг остонага пешона суртиш ила иззат топиб, мансаб иноят қилиниши билан муносиб равишда эъюзланди.

Кетма-кет кўпчилиқнинг етиб келиши натижасида шоҳ жамиятзхур хузур (сарой)га келдилар. Адун қалъасини камал қилиш иши билан шуғулланган баҳодир Фирузжанг аввалига бахтсиз, қора ниятли бир қулни мактуб билан хоқонлар паноҳи бўлгучи даргоҳ қулларига раҳбар қилиб қўйди ва иккинчидан, ул адашган ақлсизнинг ваҳимали ва нолаларни кучайтирувчи мулоҳазаси билан (мажбуран) ул обод ўлканинг теварак-атрофи кафтдек текисланди (яксон қилинди) ва молу мулкларни куйдириш ҳамда журъат этиб қалъадан чикканларни ўлдириш, мурчолни илгари суриш, тўп ва тўфанларни момақалдиқдек отиб, қалъадагиларни беҳуш этиш билан улар ҳаётини танг ва мақсадсиз қилиб қўйди (матнда – “сар-моясиз ва чумоли наздидаги идрокли қилди”). Ниҳоят, беҳуда ури-наётган кимса итоат ва тизгинга кирди. Худди тан қалъасида маҳбус бўлган рух ҳокимлиги каби ноқисликларга тўла қўнгли илтимос қилгандан ҳамда зулм ва (жанг қилиниши) қатъиятлиги билан тор-мор бўлишига ақли етганидан сўнг қалъақушолар зўрлиги билан мазкур йил, ўн саккизинчи шавволда қалъадан чиқишга мажбур бўлди. Ва шундай осмонсимон мустаҳкам қўрғон теварак-атрофи ҳамда унга тобе жойлар (билан биргалиқда) ул нопок ҳукмронлигидан тозаланиб, «Имтиёзқада» номини (154а) олди. «Динпаноҳ подшоҳ Удани фатҳ этди» (мисраси) фатҳ йилининг тарихи бўлиб чиқди.

Хон Фирузжангнинг маълумоти етиб келгач, бу хабарни етказган Саёдатхон хилъат иноят қилиниши билан эъзоз қаддини ораста этди. Фатҳ шодиёнаси навозиш топди. Шоду хуррамликка тўла сарой хизматқорлари рухсатга мувофиқ муборакбод расмодатни бажо келтириб, (катта) илтифотларга сазовор бўлдилар.

Ҳар бир муте ва осий гуноҳларни кечирувчи даргоҳга илтимос (билан мурожаат) қилиши мумкин. «Аллоҳнинг хулқи билан хулқланинглар» (деган амр)га асосан, юзида песлик оқ доначалари бўлган ҳамда саройга чақиртирилишга номуносиб ул юзи қоранинг шу зайлдаги хислати ва қилмишларига нисбатан ҳам илтифотлар кўрсатилди, жазолаш ўрнига хонлик хитоби, етти мингчи, етти минг суворли мансаб ҳамда Муродобод фавждорлиги ва жогирдорлиги ато этилиши билан ҳурмат-иззат бахш этилди. (Бу ерда) турган вақтида Хон Фирузжанг фавжида бўлсин, деган ҳукм чиқди. Унинг фарзандлари ҳамда ҳешақраболари юкори даражаларга кўтарилдилар.

Қалъада тартиб ўрнатилиб, ул ноҳияларнинг олди-қўйдисига оид ишлар саранжом топгач, хон Фирузжанг мазкур йилнинг бе-

шинчи сафариди кароматли остонани ўпиши билан иззат чехраси порлади ва муносиб хизматлари учун (унга катта) илтифоту марҳаматлар кўрсатилди.

Хонисомон Ўткиқодхон “Фозилхон” хитобли афзалликка сазовор этилди. Омонхоннинг ўғли Мир Ҳусайнхон отасининг хитоби (яъни «Омонхон» хитоби)га эга бўлди.

***Жонларни таҳликага солувчи ва оламни фатҳ этувчи аскарларнинг доруз-зафар Бижонурдан Сабанҳо мулкини забт этиш учун таважжсуҳ қилиши***

Имтиёзқада фатҳ қилингандан сўнг, хон Фирузжанг саодат рикоби (жилови)га етган эди, бир қанча кун сарой арбоблари билан бирга бўлиб, (сўнг) ёвуз ниятли кофирларни йўқ қилиш учун рухсат олди. Жаҳоноро (подшоҳ)нинг раъйи шунга қарор қилдики, олий аскарлар илтимоси билан мавкабнинг (подшоҳга ҳамроҳ аскарларнинг) зафар байроқлари ҳилпиради.

(Тахтга ўтиришнинг) ўттиз иккинчи йили рабиул аввал (ойи)нинг туғилиши билан шу (мақсад) сари шиддатли қадам ташланди. Узоқ парганаларда қўлга киритиладиган юк ҳайвонлари саройга талаб қилинди.

Муҳаррамул-ҳаром ойининг ўрталиқ (1546) кунларида ниҳоятда оғир киргин-барот ҳамда инсониятга ўлим келтирувчи вабо воқе бўлди. (Бундай вақтларда) олам халқларининг табиий одати бўмиш зўр безовталиқ ва йиғи-сиғи билан шовқин-суронни орттириш ўрнига шод-хуррамлик расми амалга оширилди. Замона қайғуга чўмган эди. Офат ажал истарди.

Инсо нуруғи (тухми) бирдан дунё экинзори (мазраъаси)дан сочиб юборилди. Фонийлик тўфони бир тебратишида жаҳон халқлари ҳаёт дарахтини ер юзидан кўпориб ташлади. Қиёмат (шу) куннинг эшигини қокди, деб айтиб бўлмади, (балки бу қиёмат) кўркувидан ҳамманинг – каттанинг ҳам, кичикнинг ҳам жони чиқиб кетди. Байт:

*Бу мусибатдан ҳаёт барҳам еди,  
Оламга қиёмат ошкор бўлди.*

Қўлтиқ остида уруғ кўринди, иситма ва хушсизлик кўққисдан берилган зарба бўлди. Табибларнинг тадбирлари ҳам бунинг асаридан қутулишда (ҳеч бир) қор қилмади, бирон-бир киши ўз ҳолича қолмади ва ҳайронликка учрамаган ҳамда ўзга оламни то-

моша қилмаган кимса топилмайдиган бўлди. Ҳаёт уруғини ажал ҳалокати зарбидан икки кун саломат сақлаганлар жуда кам эди. Аксари оила (хонувода)лар икки-уч кун ичида йўқлик дарёсига ғарқ бўлардилар. Тирик деган номга эга ва ҳалокат балосидан узокда турган ҳар кимса хавф ва хатар ҳақида мушоҳада қилиш билан ўзини йўқ деб ҳисоблар эди. Кошки бу муайян воқеа кўнгил ихтиёри билан ҳозир бўлса, ҳуллас, ҳеч ким ўзга ҳолатга тайёр-гарлик кўрмаган эди, ҳар томондан «бахтсизлик, бахтсизлик» деган овоза кўтарилди, жонларни кўркув босди; кишилар дунёвий ишлардан кўл тортиб, соатма-соат ўз ўлимларини кутдилар.

Қадимдан ихлос билан хизмат қилиб келувчи аврангободлик хос парастор (хизматкор) ва маҳарожа Жусунат ўғли Муҳаммад Рожа – у саройда тарбия топган ва ўн уч ёшга етиб катта мансабга эришган эди – ва Фозилхон садр, барча улуғ кишилар охират саройига сафар қилдилар. Оддий халқ – мусулмонлар ва бутпарастлар орасидан ҳисоблаб бўлмайдиган даражада ва тахминан юз мингдан кам бўлмаган киши асл қароргоҳ томон ошиқди. Кўплар хаёлпараст бўлиб қолдилар, кўз, тил ва қулоқлар ишдан чиқди. (155а) Олий (мансабдорлар)дан Баҳодир Фирузжангнинг кўзига зўр заҳмат етди. Пастки табақа (халқ) аҳволи ҳақида баён этиш ва эшитишга келганда, бу ҳақда, бир сўз билан айтганда, қадимий тарихнавислар ҳеч бир асрда бундай кўпдан-кўп ва узокдан-узок тафсилот билан ёзмаганлар. Азалдан (бу ерда) яшаб келаётган кексалар ҳам икки ой мобайнида давом этган бу сингари (зўр ваҳимали) тўс-тўполон воқеани кўрмаганлар ва эшитмаганлар. Мисра: «Қиёмат бўлди, офатли уруш бўлди». Бу фалокат тарихи ниҳоятда катта. Таваккалчи подшоҳ ушбу офат даврида ёрдам қўлини чўзмок туфайли аввал қатъий азм ва идрок билан қазою қадар корхонасида томошачи бўлиб, (сўнг) юқорида битилган тарихда доруз-зафар Бижопурдан чиқиб келдилар.

Жон бахш этувчи Парвардигорга шукри жонки, иссиқдан ёниб жонни куйдирувчи у оташ (ўлка)ни ишғол қилиш бир ҳафта давомида амалга оширилди. Онҳазрат Худонинг мадади ва ёрдами билан то Аклуҷ (Аклуҳ) манзилига қадар йўл босдилар.

Муолажа этувчи (табиб)лар фикрига кўра, хон Фирузжанг кўзининг жароҳати тез кунда яхши бўлиши мумкин эмаслиги сабабли Хуршидкулоҳ шоҳ ғалаба юлдузли юлдузлардек беҳисоб лашкар билан ёвуз душман таъзирини бериб қўйишга рухсат олдилар.

**Ёвуз ниятли Сабанҳонинг қўлга тушиши  
ва ул жаҳаннаммаконнинг умидсизликка юз тушиши**

Нопоклар жонини мўлжалга олиб қазо (ўлим)ни отишга қодир бўлган олти юз кишининг ҳалокат ўқлари нишонга тегди.

Муносиб хизматкорлар наъра тортиши билан қора ниятлилар ёмон кирдорлигининг (ҳарорати) ва ғазаб ўти ловуллаши (ул) юлдузи куйганлар хонасини куйдириш сари шуъла бўлиб отилди. (Душманларнинг) ҳазинаси бўлмиш муҳолиф сийналаридан пинҳоний макон тутган оташ ҳар хил хабарларни лаб орасидан чиқариб сўз тарқатувчилар айтиши билан (маълум бўлди ва) нишонга бориб етиши аниқ ўт ҳамда олов сочувчи чўғ ёвуз ниятлилар устига ёғдирилди. Ушбу зафарга тўла кунларда жаҳондек ўрда баъзи муҳим ишларни тезликда саранжом қилиш ваҳжидан мазкур ерда ушланиб қолган эди. (1566) Жаҳон ва унинг халқлари (ўртасидаги) яхшилик хабарларини (тез) эшитувчи қулоқ дунёни қўриқлаб турувчи (фаришта)лардан илоҳий илтифотни эшитиши билан мақсади амалга ошди. Фатҳ шодиёнасида (хабар берувчи) дўмбира садоси – мусулмонлар бу воқеа овозасини эшитишга қулоқ қоқиб турган эдилар – фалакнинг энг баланд чўккисидан янгради. Душманларни банд этувчи мулк ва миллат подшоҳининг дин ва давлатини дуо қилувчиларнинг баланд овози мақсад ва холини баён қилувчилар йиғи-сиғиси билан омихта бўлиб кетди. Жаҳон ҳоқони адолат ва эҳсонининг фаровонлиги амну омон башоратини келтирди. Иблиснинг олчоқона фитнаси тузоққа илинди. Кофир ғаним ёвуз Сабанҳо безавол иқбол тожининг – душманни йўқ қилувчи подшоҳнинг қудрати билан ислом лашкарларига асир тушди.

Севинч ва ғалабанишон бу дostonнинг баёни шу: «Муқриб-хон» хитобли Шайх Низом Ҳайдарободий сипоҳдорлик ва жасорат фани юзасидан насибаси баркамол ва шу жиҳатдан ўғиллари, яқинлари билан биргаликда йигирма беш мингчи, йигирма беш минг суворли мансаб ила мумтоз этилган эди. Бундан аввал (у) келажаги вой бўлган ғаним тасарруфидаги Пурнола қалъасини фатҳ этишга Биждопурдан тайинланганди. Хушёрлик ва хабардорлик талаби-такозосига кўра, у ўз жосусларига кофир (ахволидан) хабар келтиришни топширди. Ногаҳон (жосуслар) содир бўлган (шу) воқеа хабарини келтирдилар. У шуур жавҳаридан бебахра

кон-қариндошлик алоқаси бўлган сарки (барки) қавми билан низода бўлгани боис Роҳиридан Каҳилана (Каҳила) қалъасига келиб, бу тоифа билан ярашгач ҳамда қалъанинг озик-овқатини жамғариш ишидан кўнгли тўлгач, унинг бузғунчи ноиби Каб Килас Сангнамир (Санкиз ) номли жойда олий иморатлар ва азим боғу роғларни яксон этиб, айшу ишрат бисотини ёйиш билан машғул бўлди. Шижоатнишон хон у жойга қадар қирк беш қурух (масофада) бўлган ва жаҳонгашта сайёҳлар ҳам «ер куррасида бу даражадаги хавф-хатарли, ваҳимали баланд тоғ қоялари ва даралар кам учрайди», деб таърифлаган Қулопурдан ҳақиқий ҳокон тузини ичиб, тузлиғига туфлаш йўлини тутганнинг жонини қўлидан тортиб олиш ва ҳаёти билан хайрлаштириш учун кўпдан-кўп номусли фидойилар билан биргаликда (156а) олға юрдилар. Бахти коранинг жосуслари ҳар қанча «Мўғуллар фавжи етиб келди», десалар ҳам, у аҳмоқлик ва ғурур бодасидан маст қош имоси билан уларнинг танини бошидан жудо қилдирдилар ва оғзиларига келган бемаза сўзларни айтдилар, яхшиликни билмаганлар эса девона бўлиб қолдилар. «Мўғул фавжи бу ерга етиб келолмайди» (деб ўшқирдилар). Жасоратли хон то кўп қийинчилик ва машаққатларни енгиб яшин ва шамол тезлигида унинг хонасига етиб боргунча, (бу паллада) ул лаънати қирк-эллик минг деканлик ёрдамида найзабозлик қилиб ҳужумга ўтган эди, тақдир илмоғидан чиққан ўқ Каб Килосга қазо (ўлим) етказди. Шошилиб қолиб, ул жангдан воз кечган (Сабанҳо) ўзига қочиш йўлини танлади. У тулқитабиат Каб Килос ховлиси томон судралишни маъқул билди, ҳеч ким уни кўрмай қолди. Хабарчилар: «У баттол ҳовлига кирди», деб хонга тўғри хабар бердилар. Хон қочоқларни таъкиб этиб, ҳовлини ўраб олди. Ва у (мазкур хон)нинг ноиби Ихлосхон барча баҳодирлар билан биргаликда нарвон оша ҳовли ичкарасига кириб, пасткаш пардозли ва аҳмоқнавозлик орқасида бошини жаҳаннам қаъри томон йўллаган тадбирсиз ноиби ва маслаҳатчиси Каб Килос билан биргаликда бир қанча вақт раҳбарлик бошини баланд этган ул олчокни хон минган фил оёғи остига келтириб ташладилар. Унинг бошлиқларидан йигирма беш киши хотинлари ва қизлари билан бирга асирга тушдилар.

Бу мужда яхшилик хабарларини жам қилувчи (муқаддас) қулоққа Аклуж мақомида (турган вақтларида) етиб келди, шундан сўнг (бу ер) тилларда “Асъаднагар” номи билан машҳур бўлди. Ўрданинг вакили Ҳамидиддин бинни Сардорхонга хон

олдига тез етиб борсин (ва) хон жаҳолат даштининг ваҳшийси (Сабанҳо)ни кийноқ тузоғига ва кишанга солсин, деган олий фармон содир бўлди.

Хон Фируз бу мулкда тартиб ўрнатиш юзасидан кўп (яхши) тадбирларни амалга оширди ва Оламгир иқболига кўра, кофирнинг ёрдамчилари ва мадаккорларидан ҳеч бири (бу ерга) қўлу оёғини йўлатолмади.

Бешинчи жумодул аввалда Асъаднагардан кўчилиб, зафароро мавкаб (қўшин)нинг чодирин Баҳоидиркадага (1566) ўрнатилди, (Сабанҳо олий) даргоҳга келтирилди.

Ул тўғри йўлдан тойган, бахти қора маҳбусни лашкаргоҳдан икки қуруқ (масофа)да тахтақулоҳ этиб, ўртоқларига масхарабоз либосини кийдириб, турли жазолар билан қийнаган ҳолда туя устида духл (дўмбира) ва ноғора чалувчилар ўрдага олиб кирсинлар, токи буни кўришдан ислом аҳлининг умри узайсин, динсизлар жони чиқсин, деган мазмунда ислом таассуби ва дил ҳамияти билан баркамолликка кодир, ибратга намуна улуг фармон чиқарилди. Унинг хунук башараси даргоҳга келтирилган кечалари, муболағасиз, барот кечаси бўлди, томоша қилиш завқи ҳеч кимга уйқу бермади ва кун эса ҳайит куни (эди) бундай шоду хуррамлик севинчидан ёшу қарининг ичаклари узилди.

Алқисса, ул оммавий сазойишга мансуб, қатл этишга лойиқ (гуноҳқор) ўрданинг бутун атрофидан айлантириб чиқилиб, девони-ом анжумани Онҳазрат ташрифининг нури билан орасталик касб этган вақтда саройга олиб кирилди, (уни қилмишлари) мукофотига зиндонга ташласинлар, дейилган ижроси вожиб ҳукм имзоланди. Шу замон Онҳазрат олий тахтдан пастга тушиб, гилам бурчагини (четини) букиб, шукр адоси билан ниёз бошларини илтижо заминига қўйдилар ва қилмишга кўра жазо берувчи ҳамда умид-орзуларга етказувчи даргоҳига (шукр қилиб) қўлларини дуога очдилар. (Шу тахлит) тақдир қорхонасининг томоша симоби жўш урди, келажакни кўрувчи назардан ибрат қатралари майда-майда бўлиб кетди. Фард:

*Осмоннинг бир бурчагига боғланган қалла (эди),*

*Энди бўйсунмиш билан боши ердадир.*

Ул ёвуз ниятли, аҳдига бевафо аввалги гал ушбу Аллоҳ раҳмати зухур топган (подшоҳ) марҳаматининг қадрига етмай, ўзининг аҳмоқ отаси билан биргаликда сарой хизматидан ва

жаннатмакон Далирхон хузуридан алдаш ва усталик кўзи билан кочган эди. Шу кечанинг ўзида унинг кўзи умидсизлик кўрлигига учради ва эртаси куни Каб Килос таржимонлигида (унинг) фирриб берувчи тили сўзга кириб, товламачилик бахтсизлиги билан ҳақиқий алдамчига айланди (ҳамда) кўпга чўзмай, тезлик билан кофирликка ўтиб олди. Рубоий: (157а)

*Ёмон ва яхши (ишларинг)ни тан олиб юришингда  
Бир кунмас-бир кун икки-уч қул ва оёқлилар ўлдирадилар сени  
Фалак сенинг даврингни (дунёингни) ойна билан қамал этган  
Нима қилсанг шу зайлда кўрсатади сени.*

Тангрига шукурларки, мене қалъаларни фатҳ этишга одатланган (хоқонларнинг) фақат хаёлан амалга оширган мушкул иши ислом подшоҳининг яхши ниятли ва адолат хислатли ажойиб қобилияти билан кушойиш топди. (Душманнинг) нодонлик авж олган ҳолда ғафлатда қолиши мушкуллар ҳал этилишида асосий омил сифатида фойдаланилди.

Аллоҳ (хар қандай) ҳокимиятдан кучлидир, деган фикр шону шавкат хотири лавҳасида нақшланди. Сабанҳо қайдаю ҳокимият тепасида туриш қайда, осмон қалъасида раҳбар бўлиш қайда. Ва куфрони неъмат эвазига бу зайлда қанчалик хорлик, расвогарлик ва асирлик! Фард:

*Ажал йўл босди ва олдига тушди  
Ўз овини фонийлик домига тортди.*

Кўп вақтларда фасоҳаторо (гуноҳкор)лар доимо олий даргоҳ саодатмандлари назаридан ўтиб, катта инъомларга сазовор бўлган эдилар. Лекин, мисра: “Сабанҳо хотин ва болалари билан биргаликда асир олинди”.

Муҳаммад Аъзамшоҳ вакили Иноятуллоҳнинг (муқаддас) назарга ҳавола қилган (нарса)лари маълум қилиниб, хос ва ом таъбига манзур ва мақбул бўлди ва унга махсус иноят кўрсатилди. Ғолибкорхон бу улуг хизмати эвазига «Хонзамони Фатҳжанг» хитоби ва эллик минг рупия пул, шарафли хос хилъат, қимматбаҳо тошлар қўйиб зийнатланган эгар-жабдуқ ва бошқа жиҳозлари билан (бир) от, тилла жиҳозли бир фил, зарҳалланган ханжар, олтин суви юритилган пурдила ҳамда духуп, қўшимча суворийлар, асли ва қўшимчаси бўлиб етти мингчи, етти минг суворли (мансаб) иноят этилиши ила бошини фалакка суртди. Унинг ўғли Ихлосхон «Хони олам» хитобига ҳамда хилъат, қўшимча



суворийлар, асли ва қўшимчаси билан беш мингчи беш минг суворли (мансабга) эришди ва Шайх Мирон «Мунурхон» хитоби, Шайх Абдуллох “Ихтисосхон” хитоби билан шуҳратландилар. Эҳтиромхон ҳамда унинг қариндошлари ва ўртоқларининг (1576) хар бири хилъатлар, мансаблар ато қилиниши билан сарафрозлик топдилар.

Ҳалокат шериги, жаҳаннамнасиб, ёмон хулқли (Сабанҳо) гуноҳу савоб баробарида мусулмонларни қатл ва асир этиш, илом шаҳарларини талаш, вайрон қилиш ишига жазм ила қарор берган эди, шариат ва миллат арбобларининг фатвоси ҳамда давлат ва дин асҳобларининг маъқуллаши билан ул ғанимнинг конини тўқиш қатъий равишда лозим бўлиб колди.

### ***Ғолиб ташриф қўшиннинг ўттиз иккинчи йил йигирма биринчи жумодул аввалда Курагону Тафтаҳободга келиши***

Мазкур ойнинг йигирма тўққизинчисида кофиркуш тиг воситасида ҳамма ерда ҳамроҳлари бўлган Каб Килос билан (жанг қилиниб) у жаҳаннам қаърига жўнатилди. Мисра:

«Кофирвачча жаҳаннамга кетди» (“Кофирбача жаҳаннамий рафт”) тарих бўлди. Зафарларга шомил воқеалар роқими (муаллифи) ушбу оқибати хайрли сўзларни Сабанҳони асир олиш ҳақида ҳали тилларда машҳур ва бу воқеа содир бўлмаганидан аввал дунёни фатҳ этувчи, бахти уйғоқ хоқоннинг давлат байроғи (маншури туғройи) ҳамда тамоми ҳақиқат, буткул соф бўлган ҳақ огоҳлиги (адолатлиги) унвони жаридаси ишларининг таҳририга ҳашаматли зеб берган эди.

Аҳли розлар пешвоси Мир Саййид Муҳаммад Гисударознинг – Аллоҳ уни раҳмат этсин – фарзандларидан тўла нуроний, субҳрўй, хуршидпешона, хурмат-иззат натижаси Саййид Фатх Муҳаммад, ўз ватани Аҳсанобод–Гулбаргда умрини сипоҳгарликда ўтказиб, кейинги вақтларда узлатга чекинган эди, бандалар Онҳазрати улуғларнинг салафларига нисбатан ниёзмандлик кўрсатиш ҳамда бу буюк тоифа халафларига эътибор назари билан караш тақозоси билан Саййиднинг катта ўғли Саййид Ядуллоҳнинг сиймосидан фақир ва яхши одамлиги намоен эди, Саййид Қабуллоҳ – Аллоҳ уни раҳмат этсин – равзаси, яъни қабрига сажжоданишин этиб тайинлаб, зўр иноят билан (эҳтиёжини) ниҳоятда тўла равишда каноатлантирувчи ҳосилни

суюрғол сифатида марҳамат қилдилар. У (Саййид Ядуллоҳ) зафарасар лашкар (турган жой)га келиб, дарвешдўст подшоҳ билан учрашиш роҳатиға сазовор бўлиб, баён қилдики, «Фақир кофирнинг мол-ҳолини кўздан кечириш мақсадида Саййид Аксарнинг мунаввар (158а) равзасида кузатиб ўтирган эдим. Кечаси хайрмакон даргоҳни зиёрат қилиш иродасининг тақозоси билан йўлга тушиш фикри туғилиб, тор ва мушкул жойлардан ўтишга тўғри келди. Мендан «Қаерга кетаяпсан?» деб сўрадилар. Уларни дуо қилдим. Дедилар: «Бир чўчка бир қанча вақт бу тоғда макон топди, сен ҳам макон топиш учун уриниб кўр-чи». Ҳушёр тортиб, фақирнинг хотирига лашкарга бориб қўшилиш, токи кофирнинг оқибати ёмон ишини тамомлаб, ғазотга шерик бўлиш фикри келди. Бу кароматнуфуз сўзлардан муқаддас хотир севинчга тўлди. Саййид катта эъзоз-икромларга кўмилиб кетди.

Ўн (икки) кун ҳам ўтмаган эдики, олам халқлари дилларидаги мақсад ғойиб макондан намойишгоҳда зухур топди. Шу куннинг ўзида Саййиднинг хабарчисини (саройга) чақиртириб, катта эътибор ва харжларига ёрдам кўрсатиш билан хушнуд қилиб, қайтиб кетишига рухсат бердилар.

Бу ажойиб ғалабанинг шукри йўлига халқ орасида шуҳратланган Саййиднинг баракамакон равзасига ўн минг рупия назр ҳамда мустаҳкин ва (қабр) хизматкорлари учун ниёз юбордилар. «Аллоҳ Муҳаммад динига ғалаба тилаганларга ғалаба, Муҳаммад динига касод истаганга касодлик ато қилсин».

Йигирма биринчи жумодул охирда Урф Чокабна – Исломобод кальаси мулоҳазаси юзасидан Курагонудан ташриф буюрдилар. Бу ердан беш қуруқ олдинда доира (кароргоҳ)га эга бўлган подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ бу ерга етиб келиб, муқаддас мулозаматга кириш шарафини топдилар. Шу куни ул жанобнинг қайтиб кетишига рухсат берилганидан сўнг давлатхона қурилган жой иқбол марказига айланди.

*Ушбу севинчга шомил йилнинг зафарнишон воқеаларидан ул бенаволик йўлдоши, жаҳаннамий Рононинг сардорлари билан биргаликда асирга тушиши*

Ушбу нақлнинг шарҳи шудирки, Сабанҳо жаҳаннамга кетганидан сўнг, кофирлар Сабанҳо қамоқда сақлаб турган укаси Жарбийни сардорликка кўтарганлар ва у Роҳирида мустақиллик

поғонасига чикиб олган. Роҳири забт этилмасдан аввал Зулфиқорхон қалъа ичидагиларни қамал этишда камчиликларга йўл қўйиб, (Жарбий) халқ орасида чўқийлар кийимида танилмаслик ҳолатида қалъадан қочиш қолган. У донг ва ном чиқариш мақсад-мухофазасини ўз номуси ва ўлган биродари, отаси, бобоси (номуси)дан (1586) воз кечишдан қимматлироқ деб билган. Фард:

*У бежамиятга қараким, ҳаргиз –*

*Бахтиёрлик юзини қуришни истамайди.*

*Ўз танасининг тинчлигин танлаган ҳолда –*

*Хотини ва фарзандини ўтга отади.*

Ушбу хабар муҳбирлар маълумотларидан муқаррар бўлди. (Шундан сўнг) Абдуллоҳхон борха номигаки, у бахшиул-мулк Рухуллоҳхоннинг Ҳайдарободга чақириши билан бир қанча бор унинг ноиби ва сўнгра қатъиян Бижопур нозими қилиб (тайинланган) эди, (шу пайтда) жаҳонмуте, итоати вожиб ҳукм чиқди ва (бу) ҳукмга мувофиқ, у Бижопур музофотига қарашли иккита мустаҳкам қалъани вайрон қилиш (юзасидан бериладиган) буйруққа тайёр бўлиб туриши керак. Агарда паноҳ (бошпана кидиришга мажбур бўлувчи ул) гумроҳ саргардон бошини у томон олиб борса, уни қўлга туширсин, деган кўрсатма олди. Жосуслар унга (Абдуллоҳхонга) аниқ маълумотлар етказдилар: аҳмоқликни ўзига эп билган (Жарбий) бир қанча вақт ному нишонсиз бўлган ва шу даврда қарийб уч юз киши сардорлик занжирини узиб ташлаб, кўплари унинг атрофига йиғилганлар. Бу ердан бир қанча қуруқ масофа йўл босиб, бахти қора Роний заминдори ерининг чегарасига кириб келганлар.

Мазкур хон қалъаларни емириш ишини кечиктирган ҳолда, аввал қатта ўғли Ҳасан Алини жўнатиб, сўнгра ўзи уч кечаю кундуз жадал қадам ташлаб олға юриш билан, ул товук заминдорлигининг Мунжонкада қалъасига туташган чегарада ва унинг ери ҳамда ул исён дарёсига фарқ бўлганнинг паноҳгоҳи ҳисобланган (шу ерда) бахтсизлик даштига кириб қолган (мулки) – Тумтаҳдро дарёси соҳилидаги Журода ул аҳмоқлар гуруҳининг раҳнамоси ёнига бориб етди. Ўткир қилич келажаги маҳкум этилган жамоа кони билан интиқом фалагини қип-қизил қилди. (Гирибонидан) ажал тутганлар жаҳаннам қаърига тушиб кетдилар. Барча Ҳинду Ров ва Синто (Сабанҳо) биродари Илқужи ва Монё Қахурпан (Тантиё Қахурпара) каби юзга яқин «зўр» сардорлар қўлга тушдилар.

Қочқин Роно ушбу “вой-дод” авжига чиққан тўс-тўполонда учраган қурол, чира, қўйлак ва оёқ кийимини (олиб), шаталоқ отиб қочиб қолди, буни ҳеч ким пайқамади. Гарчи ул жасорат соҳиби (Абдуллоҳхон) шундай улўғ иш сабабчиси бўлса ҳам, унинг бу накши дуруст нақшланмади, асир олиш ишидаги хурсандчилик (159а) унга киё боқмади. Шундай қилиб, ғаним ҳақида «у бекинди», «у қочди» (деган) шубҳали фикрлар пайдо бўлди. Биринчи маротаба “у асир олинди” деган хабар (келган)да, Ҳамидиддин уни саройга келтириш ишига тайин этилган эди. Иккинчи хабар келганда асирга тушганлар тутқунликда, Бижопур қалъасининг аркида маҳбусликда сақлансинлар, деган олий ҳукм бўлди.

Жоннисорхон жуда кўп сонли жамият билан ҳамлага ўтди, ғанимнинг заминдорлигига қарашли ерлар яқсон этилди. Иблис ҳимматли Санто шу кунлари мазкур хон Матлабхон ва Шерзехонлар билан қақшатқич жангу жадаллар қилди. Ниҳоят, бахтсиз Роно масаласи катта жарима, сон-саноксиз совғалар олиш билан тугади. Унинг номи мазкур давроннинг бир қанча саҳифаларида қайд қилиниши боис мажбуриятни бажара оладиган лашкарларнинг катталарига зиён-заҳмат етказилмади.

Ҳайратомуз воқеалардан (бири) шуки, Ҳинду Ров, Баҳржи ва мазкур асирлардан бошқа бир қанчаси, зўр соқчилар билан қўрикланиб, қочишлари ақл бовар этмайдиган ҳолатда ҳам камокдан қутулиб кетганлар. (Бу ҳақда) олий арзга етиб келгандан сўнг қолган етмиш нафар маҳбус саройга олиб келиб қамаб қўйилди.

Абдуллоҳхон ўрнига Лашкархон нозим, ўғли Важихиддинхон арк қалъадори мансабларига тайинланган эдилар, Фавждорхон эса кутволлик мансаби қамайтирилиши билан жазоланди.

***Оламғир абадий хилофатининг бир минг бир юзинчи  
ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
учинчи йшли бошланиши***

Рамазон ойининг фаровон иқболли ҳилол-элчиси дабдабали кадам билан фаришталарнинг дорулбаракот (баракалар уйи)дан барча мунтазирлар хонасига етиб келди. Бахтиёрлик ва фаровонлик муждасининг садоси ҳамда хушвақтлик ва хушчақчақлик қувончининг нидоси тоат ва итоат арбобларига баралла эшитилди. Муҳаққик мўминлар раҳнамоси замин у замон хоконики, халойик унинг раъйига бўйсунди, Парвардигорнинг Ўзи унга

раҳбарлик қилади ҳамда фуқаролар унинг ҳукмлари посдорлиги билан шуғулланадилар, (бу ҳукмлар эса) муқаддас суннатни мустаҳкамлашга қаратилгандир. Онҳазрат (ушбу ҳолат ҳамда вазиятда файзбахр ойига бошдан-охиригача шундай саодат ва гўзаллик равнақини (1596) бахш этиб, халқнинг барча тоифаларига (кўпдан-кўп) қўшимча илтифот ва марҳаматлар қилиш билан уларни бахтиёр ва саодатманд этдилар.

Мусавийхон ўрнига Ҳожи Шафиъхон тан (танҳо) дафтардорлиги билан ўзининг паришон (таркок ҳаётӣй) варақларини жам қилди. Ва иккинчиси (Мусавийхон) биринчиси (Ҳожи Шафиъхон) ўрнига Декан девонлиги хизмати билан иззат сармоясини орттирди.

Сарой ва субалардаги барча ҳиндиларга ёмғир хилъатлари марҳамат қилинди.

Абдулазизхон ўғли Абулхайрхон Рожжада қалъадорлиги хизмати билан кўнгил хотиржамлик ҳосил қилди. Мухлисхон ўрнига Мухторхон мир оташи хизмати билан шодлик чеҳрасини мунаввар этди. У (Мухлисхон) Муҳаммадиёрхон ўрнига муқаррар арз хизматига эга бўлди. Мир Абдулкарим Ҳайдарободда қаҳатчилик ва қимматчилик бўлиши баробарида хазинага яхши қараши натижа-сида фаровонлик ва арзончилик борасида қилган яхши хизматлари эвазига қарам назарига манзур бўлди, (ул ҳақида) ёлғон сўзлаган олий даргоҳ кераклигича итоаткор қилинди. (Мир Абдулкарим) “Мултафатхон” хитоби билан муносиб илтифотларга сазовор ҳамда яқинлари ва тенгқурлари орасида шуҳратли бўлиб ажралиб турди.

Тарбият қилинишга лойиқ Сардорхон ўғли Ҳамидиддин хонлик хитоби билан бахтиёрлик топиб, унга подшоҳзода Муҳаммад Муаззам ўғли Муҳаммад Хужаста Ахтарни Хужастабунёддан нури мунаввар саройга келтириш учун руҳсат берилди. Комкорхон унга тобе бўлган жамият билан биргаликда подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг сарой хизматкорларини Шоҳжаҳонободга олиб келиш ишига тайинланди.

Иродатхон Аъзамхоннинг ўғли Муборақуллох Чокна – Исло-мобод фавждорлигига ва Ислохон Волошоҳийнинг ўғли Камол-иддин ул ернинг қалъадорлигига тайинландилар. Шарафиддин хонисомон ўрнига Ихлоскеш Качҳри воқеанавислиги хизмати билан имтиёз шолини бошига ёпди.

Салобатхон нурга тўла даргоҳ – Маккага кетиш илтимосини қилгандан сўнг унинг ўрнига Эътимодхон муборак Сураат бандари девонлиги ва фавждорлиги хизмати билан кўнгли хотиржам бўлди.

Жоннисорхон яшм дастали ханжар ато қилиниши билан эъзозланиб, муттаҳам ғанимнинг жазосини бериб қўйишга рухсат олди. Иккинчи шавволда бахшиул-мулк Рухуллоҳхон Ройхўр қалъасини ёвуз кофирлар қўлидан тортиб олиш ишига маъмур этилди. (160a) Мухторхон унга ноблик саломини бажо келтирди.

***Роҳири қалъасининг фатҳ қилиниши ва Ўтиқодхонга  
“Зулфиқорхон Баҳодир” хитоби марҳамат этилиши***

Сабанҳо қўлга туширилмасдан олдин Ўтиқодхонга ёвузнинг ватани ва ғўри (бўлмиш) Роҳири қалъасини босиб олишга рухсат қилинган эди, ушбу зафармазмун йилнинг ўн бешинчи муҳаррам (ойи)да мазкур қалъа давлат волийлари тасарруфига киритилди. У паст ҳамда беном хонадоннинг барча хотин-қизлари – оналари, хотинлари, қизлари, ўғиллари ва ул лаънатининг қувилган укаси Рано асирга тушдилар. Жумлатул-мулк бу зўр фатҳ тўғрисида баён этувчи ўғлининг маълумотини хилофат тахти хизматкорлари назаридан ўтказди. У хос хилъат ва турна пати, кимматбаҳо тошлар қадалган жиға иноят қилиниши билан иззат атоқасини бандалик бошига қўйди. Фатҳ шодиёнаси баланд овозда янгради. Барча буюк аъёнларга муборақбод табриқларини адо этиш ва совға-саломлар беришга рухсат қилинди.

Абдурахимхон буютот Роҳири қалъасига бориб ёвузларнинг молу мулкларини забт қилиш ишига тайинланди.

Саққизинчи сафар (ойи)да Ўтиқодхон фалакиштишом остонага пешонасини суртиш саодатига эга бўлди. Яхши хизматлари эвазига узот ва сувор қўшимча берилиб, асли ва қўшимчаси билан уч мингчи, икки минг суворли (мансаб), хилъат, от, фил, олтин суви юритилган совут, камон, ўттиз минг рупия нақд пул ҳамда “Зулфиқорхон Баҳодир” хитоби билан эъзозланди ва мумтоз этилди.

Ғарибларвар ва ожизнавоз хоқоннинг ҳукми чиқиб, унда Сабанҳонинг онаси, Сивонинг хотинига ва ул жаҳаннаммақонга тегишли кишиларга хазинадан эҳтиёжларига яраша таъминот белгиланиб, (уларни) эъзозу эҳтиром билан олиб тушсинлар, дейилди. Жумлатул-мулк каби тайинланган шуҳратли, муносиб кишилар унинг хизматкорлари ва тобе кишиларига шу ернинг ўзида пастга тушинлар, дейишди. Ҳар бир киши йиллик маош (тайинланиши) билан эъзозланди. Сабанҳонинг тўққиз ёшли катта ўғли Соҳу етти мингчи, етти минг суворли мансаб, рожалик

хитобига сарафроз этилиши ҳамда хилъат, олтин суви юритилган жамдҳар, от, фил, ноғора ва байроқ (иноят қилиниши) билан барча рожалар орасида (1606) иззат байроғини баланд кўтарди. Унинг укалари Надн Сингх (Бади Сингх) ва Удху Сингх мансаб ва илтифотлар билан эъзозланиб (уларга), навозишлар кўрсатилди. Улар ўз она ва бувилари ҳузурида бўлсинлар, деган ҳукм чиқди. Ҳар бирининг саркорлигига подшоҳликдан мутасаддилар тайинланди, (саркорлар) уларнинг уй-рўзғор ишлари тадориклари билан машғул бўлишлари топширилди.

Хон Фирузжангнинг ўғли Қамариддинхон саройга келган эди, у зарҳалланган жамдҳар, хилъат ҳамда кетишга рухсат олиб, кўшимча беш юзчи, икки юз сувор билан икки минг беш юзчи, икки минг суворли бўлди.

Йигирма олтинчи сафар (ойи)да бахшиул-мулк Рухуллоххон “Фирузнагар” номини олган Ройчур калъасини (душманлардан) озод қилди, у хилъат олди ва унинг номига таҳсину офарин фармони чиқарилди. Ўғли Хоназодхон асли ва кўшимчаси билан бир минг беш юзчи, олти юз суворли мансаб билан мумтоз этилди.

**Ўн олтинчи рабиул аввалда олий ўрданинг Курагонудан  
доруз-зафар Биҷонур томон қайтиш  
байроғи баланд кўтарилиши**

Мазкур йилнинг ўнинчи рабиул охирида амну омон лашкари ул осойишталик вилоятининг бир қанча ерларини қароргоҳ қилиш юзасидан қатъий қарорга келди.

Ўн беш кун ўтгач, ўнинчи жумодул аввалда Бадрий мавзеида иқбол хиймаси – чодир қурилди. Бахшиул-мулк Баҳрамандхон фалакшон доира (қароргоҳ) учун Кишно дарёси соҳилида ажойиб дилнаво маконни ихтиёр этди. (Бу жой) муқаддас хотирга жуда маъқул келиб, кўнгил очишга сабаб бўлди. Мазкур хон «об ва ранг олмос» марҳамат этилиши билан амирлик чехрасидаги иззатни (янада) орттирди. Давлат макон топган бу манзил икки ой давомида музаффар аскарлар чодирининг қароргоҳи бўлди. Қунларнинг бирида мири тузук Салобатхон олий адолат девонида (қабулга келган) бир шахс (ўтинчи)ни мунаввар назардан ўтказдики, у (шундай) илтимос қилди: «Мен узок Бангола вилоятдан мурид бўлиш иродаси билан (бу ерга) келдим. Умидворманки, ўз муродимга етаман». (Онҳазрат) табассум қилиб,

кўллари ни файз чўнтақларига солиб, тилла ва кумуш аралаш тахминан юз рупияни мазкур хонга узатдилар: “(булар) унга берилсин ва (Онҳазратнинг) “бизнинг файзимиз нақди (хозирчалик) шудир” (деган сўзлари) унга айтилсин”, дейилди. Хон (буларнинг ҳаммасини) унга етказди. Шу вақт у (меҳмон) теварак-атрофга паришонхотир қаради ва ўзини дарёга отди. Хон “ғарқ бўлиб кетяпти”, деб фарёд солди. Фармонга мувофиқ, сузиш усталари уни дарёнинг ўртасидан олиб чиқдилар. Онҳазрат юзларини ичкарига қаратиб Сардорхонга: «Бир шахс Банголадан келган ва у менга мурид бўлиш хомхаёлини қилди», деди<sup>22</sup> (161a).

«...У Муҳаммад Фаррух Сихриндийнинг ҳузурига олиб борилсин ва мурид қилсинлар, фикрини равшан эттириб қўйсинлар, деб айтсинлар». Аллоҳнинг гувоҳлиги кифоядирки, бу асрда мазкур подшоҳдан бошқа ҳеч ким йўқки, у подшоҳлик жулбоби (пардаси)да дарвешликни намоён этсин ва дарвешликни подшоҳликка етказсин, бирон-бир фақирона шайх йўқки, у муридларини тарбият этиш ва (юқори) мартабаларга етказишда бундай рутба (мақом)да бўлсин. Осмон (илоҳий) кудрат ила унинг хислатлари ҳокисорлик билан тўла ва давлати шуҳратининг кучкуватини билан ниёзмандлик (илтижоларига етиш) соҳибидир.

Мисра:

*Шаҳаншоҳлар шоҳининг бандасиманким,  
бу салтанатида –  
(Кишилар) бой-бадавлат қиёфасида бўлсалар ҳамки,  
(ўзлари) дарвеш табиатлидирлар.*

Ўттиз учинчи йилнинг ўн олтинчи жумодул аввалида ахборотнавислар хабарларидан салтанат саройига маълум бўлдики, толе кувватли шахзода Муҳаммад Бедорбахтнинг хужуми ва ҳамласи билан Кадҳи Сансани (Кадҳи Санси) ёвуз кофирлар қўлидан юлиб олинди ва олчокликни ихтиёр этган бахти қоралар ҳалокат томон юзландилар.

Ўн тўққизинчи шаъбонда жаҳонгашта ўрда Бадрийдан кўчиб, шон-шавкат билан Қалқала (Кулқула) мавзеига кириб келди.

Ҳожи Шафиъхон ўрнига доруз-зафар девони Амонатхон тан(ҳо) дафтардорлиги хизмати билан хотирини жам этди.

Унинг ўрнига Абулмакорим тайинланди. Хўжа Абдурахимхон буютот Муътамадхон вафотидан сўнг доғ ва тасхиҳ доруғалиги

<sup>22</sup> Матнинг шу еридан кейинги сўзлар маъносини англаш мушкул, ҳинд тилида бирор байт келтирилган бўлиши эҳтимол.



хизматига эга бўлди. Юқори мартабали подшоҳзода (олийжох) Муҳаммад Аъзамшоҳга хилъат, сарпеч, шахзода Бедорбахтга хилъат, олтин суви юритилган совут, камон, от, фил, сарпеч ҳамда «Баҳодир» хитобининг кароматунвон фармони шараф билан юборилди.

Подшоҳзода Муҳаммад Муаззамга беш ман гулоб ва икки ман байдмушк арағи иноят қилинди.

Удат Сингх (Дуп Сингх) ватанидан келиб, олий даргоҳда (тўлайдиган) солиғи ҳақида фикрлашди. У хилъат ва рожалик хитобига эга бўлиш билан (ўз) яқинлари орасида сарафроз этилди.

Хонжаҳон Баҳодир Зафаржанг Кўкалтош Оллоҳобод субасининг нозими ва унинг ўғли Ҳимматхон Уда субадорлиги ҳамда Гур (Гавар) Кахпур фавждорлиги билан бўйсунилиши вожиб ҳукмининг итоат байроғини юқори кўтарди.

Сазоворхон ўрнига Абдуллоҳхон Нондир (Мовир) фавждорлиги билан шуҳратланди. Сардорхон амну омон лашкари (турган жойнинг) ўн икки курух (ер) фавждорлигига (1616) катъий белгиланди, у тўрт юз сувор кўшимчага эга бўлди.

Олий пешгоҳ (сарой)га арзга етдики, Аъзамхон Куканинг ўғли Сафдорхон Гвалиёр Баркадҳий фавждорлигида ов қилиб юрган эди, бундук ўки унинг ажалини осилиб туриш (ҳолати)дан халос этди.

Шахзода Хужаста Ахтарни филхона доруғаси Ҳамидиддинхон Хужастабунёддан саодат жиловиغا олиб келди; у мулозаматга кириш шарафига муяссар бўлди. (Шахзода) отасининг ҳузурда бўлсин, деган фармон берилди. Ҳамидиддинхоннинг равнақ топувчи иқболи карам назарига манзур бўлгани туфайли ўттиз суворли кўшимча (мансаб)га кўтарилишга манзур назар бўлди.

Мухбирларнинг ёзганларидан олий арзга етиб келдики, Рустамхон Шерзеҳ сайр ишига маъмур эди, Ситора қалъаси томон бурилиб, атрофидаги кишилар узоқда қолиб кетганида ул истехкомнинг фасодчилари унга ташланганлар. Охири Шерзеҳ мағлуб бўлган, аҳли аёли ва болалари билан асирга тушган.

***Оламгир бахтиёр жулусининг бир минг бир юз биринчи  
ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
тўртинчи йили бошланиши***

Ушбу вақтда халқлар рамазон (ойи) ҳилолини кўриш билан машаққатдан узоқлашиб, “Аллоҳим, бизга рамазон ойини ишонч ва имон билан келтиргин” дуосини ўқидилар. Севинч-қувонч

ва шоду хуррамлик ҳамда фаровонлик овозаси (бутун) осмон чархини янгради. Хуршидулоҳ подшоҳ лозим бўлган ва сонсаноксиз илтифотлар кўрсатиш ишлари билан машғул бўлдилар ва (бутун) жаҳонни адолат ёмғири билан эрам гулзори (бўстони) рашк қиладиган даражада равақ топдирдилар.

Хўжа Хидматхон ўрнига Хўжа Хизматкорхон жавоҳирхона назорати ва доруғалиги каби ишонч мартабали хизмат билан эътибор поғонасига чиқиб олди. Ва Хидматхон фирдавсостон Олий ҳазрат (Шоҳ Жаҳон)нинг муқаддас равзаси (мақбараси) мутаваллиси (сифатида у ерни) узлат гўшаси этишни ҳамда жаннатмакон ул жанобга нисбатан фидойиликлар кўрсатишни ўзининг бирдан-бир бурчи деб билиб, шу саодатга муяссар бўлди. Қадрдон хоконнинг ҳар бир суба мутасаддиси аҳолидан икки минг рупия (йиғиб) мазкур хонга юборсинлар, деган ҳукми чиқди. Лутфуллоҳхон Катҳоюн (Қаҳотун) тҳанаси томон кетишга рухсат олди. Шайх Абулмакорим Луда Пончгону (Туда ва Пончгону) тҳанадорлигига тайинланди.

Рум қайсарининг элчиси Аҳмад Око ва Бухоро волийининг элчиси Назрбий ҳамда Кошғар ҳокими юборган киши (элчи) Абдурахимбеклар итоат пешоналарини осмони замин даргоҳга саждага қўйиб мунаввар этдилар. Бирдамлик ва муҳаббатни танлаган садрларнинг кўпдан-кўп тортиқлари, тухфа ҳамда хадялари олий назардан (162а) (бирин-кетин) ўтказилди. Ҳар бир киши ҳамда унинг ҳамроҳларининг умид этаги мулозаматга кирган, (саройда) истикомат қилган ва кетишга рухсат олган кунда юқори мартаба ва макомга эришиш борасида хилъат, жавоҳир, от, фил, кўпдан-кўп нақд пуллардан иборат турли-туман илтифоту хадялар билан лиммо-лим тўлди. Маснаднишин (подшоҳ)га (нисбатан) ихлос ва муҳаббат жавоб саҳифалари эвазида (унга) эраммонанд Ҳинднинг нодир, тансиқ буюмлари, жавоҳир ҳамда кимматбаҳо нафис (матолари)дан тухфалар берилди.

Ҳамидиддинхон олий жоҳ подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ фавжига хазинани етказиш (хақида) фармон олди. Мир Нуриддин Муртазообод – Мурч қалъадорлиги билан оқибат қалъасига кирди. Жоннисорхон ғанимлар танбеҳини бериш (иши)га рухсат, хилъат ҳамда фил инъом этилиши билан сарафрозлик ҳосил этди. Мусавийхоннинг вафоти муносабати билан марҳум Омонатхоннинг ўғли Диёнатхон Декан субаларининг девонлиги хизмати билан мураббаъга (чордона куриб) ўтирди. Марҳум (Муса-

вий)хон Эрон аёнларидан бўлиб, шарофатзотликда мусонасаб, фазл ва хунар кишилари даврасидаги эътибори нуқтаи назаридан исохасаб, «илми маъқулот»да ягона, шеърят фанида мумтоз ҳисобланарди. Шоҳ Навозхонга куёв ва замон ҳоконига божа бўлиш шарафига мансуб бўлган эди.

Барча ихлосмандлар пешвоси – жумлатул-мулк Асадхон ўн тўққизинчи (сафар)да итоати вожиб ҳукмга бўйсунган ҳолда, оқибати ҳалокатдан иборат душман таъзирини бериш (иши)га отланиб, Кишно дарёсининг нариги томонига (ўтиш учун) ажойиб хизмат камарини (белига) маҳкам боғлади. У катта ҳажмли, хошиялари олмос билан зийнатланган Куръони шариф, хос хилъат, от, беш юз муҳр иноят этилиши билан эъзоз ва ифтихор бошини кўкка суртди. Унга биркитилган аёнлар турли хил иноятлар ва раият эса хилъат, жавоҳир, қилич, от ва филлар билан сарафроз қилиндилар. Умуман, бошқалар ҳам шарафланиш хилъатларини олдилар. Хўжа Ҳаётхон Вафо вафоти муносабати билан жойнамоzxона доруғаси Мултафатхон аввалги хизматига кўшимча тарзда обдорхонанинг (юксак) мартабали хизмати топширилиши билан обрўга эга бўлди. Унинг ўрнига Муҳаммад Мунъаи (омонат ҳифта чуки) хизмати билан имтиёз қозонди.

Ўттиз тўртинчи йили тўртинчи жумодул охирда жаҳон кезувчи байроқлар Қалқаладан Қутбобод томон кўчиб, доруз-зафар қалъасининг ташқариси, Расулпур дарвозаси қаршисида ўрнашди ва бу гал доруз-зафар тўртинчи мартаба, икбол саводи доираси билан ўралди (1626).

Йигирма иккинчи ражаб (ойи)да Хонжаҳон Баҳодир олиймаком подшоҳзода вакили ўрнига Панжоб субаси нозимлигига маъмур этилди. Ва ўғли Ҳимматхон унинг ўрнига Оллоҳобод субасининг идора (иши)га номзод қилинди.

Душман танбеҳини бериш учун кетган бахшиул-мулк Баҳрамандхон йигирма тўққизинчи шаъбонда мулозаматга кириш саодатига муяссар бўлди ва беш юзчи кўшимча билан уч минг беш юзчи, икки минг суворли (мансабга) эга бўлди. Мухторхонга лаънати душманлар қулоғини бураб қўйишга рухсат этилди. Муфтаҳархон қалъадагилар номидан Шулопурга бориб, вожибул ихромни тарк этган шайхул-ислом билан учрашиб, уни (саройга) олиб келишга маъмур этилди, чунки талаб қилинишига кўра, у муқаддас Каъба – шарафли қибла тавофига келиши керак эди.

**Оламгир тахтга ўтирганининг бир минг бир юз  
иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
бешинчи йили бошланиши**

Дўстнавоз ва душманларни янчиб ташловчи хоқоннинг иқболи равнақлигига мувофик халойиқнинг умид этаги амну омонлик ва осойишталик нақдияси билан лиммо-лим тўлган ушбу онларда ажойиб илоҳий бахт ва осмоний илтифот, яъни фаровон рамазоннинг кириб келиши билан жаҳон хоқони хайрли хилофатининг севинчга тўла ўттиз бешинчи йили шодиёнасининг тантанали таронаси (мамлакатнинг) бошдан-оёқ барча узоқ ва яқин (ўлкалари)га тарқалди. Омма орасида машҳур ойча (моҳча)нинг порлашидан Ислом дини, диндор ва исломшиорларнинг хотир майдонлари мунаввар бўлди.

Ушбу кароматбахр ойнинг тўққизинчисида хилофат осмонининг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Комбахш Чанжий ўлкасидаги исённи бостириш ҳамда бахтсизликнинг ул томондаги нопок ғубори бўлмиш лаънати ғанимларни янчиб ташлаш учун рухсат олдилар; беш мингчи, уч минг суворли кўшимча кўшилиб, асли ва кўшимчаси билан йигирма мингчи, ўн беш минг суворли (мансаб билан) ул жанобнинг орзу чехраси мунаввар бўлди ва сарпеч билан бирга хилъат, нимаи остин, зарҳалланган ханжар, қилич, қалқон, килк, олтин суви юритилган бонак (бонг) ва олтин нақшли эгарлари билан йигирма беш от, кумуш эгарли бир фил, икки лакҳ рупия нақд пул ато қилиниши ила ул жанобнинг умид этаги, давлати бадавлатлик билан лиммо-лим тўлди. (Ул жанобнинг) қудратнишон жилови (хизмати)га белгиланган киши бахшиул-мулк Баҳрамандхон ва саркорининг бошқа аъён ва мутасаддилари жавоҳирлар, хилъатлар, от, филлар иноят қилиниши билан умид чехраларини мунаввар этдилар.

Исломқаданинг диндор заминдорига бир мингчи бир минг суворли мансаб, хилъат, от, фил, рожалик хитоби инояти ҳамда ватанига (қайтиб кетишига) рухсат берилиши билан унинг яқинлари орасидаги эътибори ортди (163а).

Олий даргоҳга тилла калит кўшиб юборган Рожа Бишан Сингҳнинг хабаридан иззат бисоти хизматчиларига маълум бўлдики, учинчи рамазонда Кадҳи Сукар (бузғунчи) кофирлар кўлидан озод этилган ва исёнчилар янчиб ташланиб, бахтсизлик гўшасига ҳайдаб юборилган.

Иккинчи шавволда Ҳамидиддинхон лаънати ғанимларнинг таъзирини бериш учун Сикҳар томон рухсат олди, унга олтин суви юритилган жиға марҳамат қилинди. Мухторхон мир оташ ёвузлар жазосини бериш учун Рой Боғ ва Ҳугари томон (кетишга) маъмур белгиланиши ҳамда хилъат ва фил инъом қилиниши билан масрур этилди. Ғозиддинхон Баҳодир Фирузжанг ва унинг ўғли Чин Қиличхон урғочи фил инъом этилиши билан эъзозланишга муяссар бўлдилар. Салобатхон ўрнига Лутфуллоҳхон чуки хос (подшоҳга таъзим бажо келтирилишига масъул хизмат) доруғаси мансаби билан илтифотга сазовор бўлди. Мухлисон кўрбеги, Рухуллоҳхон ўғли Хоназодхон ва Жоннисорхонларнинг ҳар бири асли ва кўшимчасини кўшиб ҳисоблаганда, икки мингчи, етти юз суворли мансаб билан дил мақсадларини ҳосил қилдилар. Салобатхон асли ва кўшимчаси билан икки минг беш юзчи, бир минг икки юз суворли, Саййид Сафийхон Нурбахр асли ва кўшимчаси билан бир минг беш юзчи, етти юз суворли, Муҳаммадиёрхон асли ва кўшимчаси билан бир минг беш юзчи, тўрт юз суворли, Хизматкорхон бир мингчи, икки юз суворли (мансаблар) билан бахтиёрликнинг юксак даражасига эришдилар. Лутфуллоҳхон қилган гуноҳи сабабли икки минг беш юзчи, бир минг суворли мансабидан четлатилди.

*Саодат ва бахтиёрлик буржсининг порлоқ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг зиндон жазосидан озод бўлиши ҳамда меҳрибон табиблар ёрдамида дардидан шифо топиши*

Ҳайфсан берилиши вақтида ул жанобга ўғиллари билан биргалликда бошларини очишга ижозат бўлмаган эди. Олти ой давомида шу ҳолатда қолдилар. Онҳазрат вакили нозир Хидматхон вазифасини ўташда ниҳоятда журъат кўрсатиб, бу ишни ҳалдан орттириб бажарди. Подшоҳзодани тузатишга ижозат берилган вақтида ҳам анчадан кейин аста-секин ғазаб ўти сўна бошлаши ҳамда жаҳолат таъбининг азиз шафқатга айлана бориши натижасида ул Юсуфи соний Юнус зиндонийга қоровул Сардорхон оркали бир неча бор самимий дуои саломлар юбордилар. (Онҳазрат) Сардорхонга айтинг: “(Ул жаноб) бундай дардга дучор бўлган экан, бизнинг шафқат яратувчи меҳригиё дилимиз (уни бу дарддан) халос қилишга қаратилмоғи лозим ва (бу) уни биздан ажралиш машаққатидан қуткаради” (дедилар). Ушбу ажойиб, нодир сўзлар

замирида мазкур хон (подшоҳзодага) (1636) уни (зиндондан) кутқариш Онҳазрат ихтиёридаги иш эканини маълум қилсин, деган маъно ётади. (Онҳазрат): “Ҳа, шундай”, дедилар. Подшоҳзода айтдилар: “Моликул-мулк Онҳазрат бизнинг олий ҳикматимизни рубъи маскун (ер юзи) фармонфармолигининг фармони этди ва қаердаки золимдан мазлумларга зулм етса, у адолатсизлик бора-сида бизларга шикоят қилишдан умидвор ва (ул зот) албатта додига етади. Дунёнинг баъзи бахтсиз воқеалари баробарида бирон-бир шахсга бизнинг қўлимиздан зулм етганича йук ва ҳанузгача (шундай) вақт келмадики, биз (мазлумни учратиб, уни зулмдан) халос қилмайлик, Худо даргоҳига бу (каби) хабар (ҳали) бориб етмаган бўлса керак. Умидвор бўлмоқ лозимдирки, биз умид йўлини кесмаймиз, (ҳеч ким биздан) Худога нола қилмайди. Акс ҳолда, бизга қочгани жой топилмас”. Вазифаси ва мажбурияти хусусида хайрли ишни танлаганлар наздида муқаррарки, ул улуғлик осмони куёшининг нурлари уфқ (мамлакатлар) устида порлайди ва салтанат тахти ул саодатманд вужуд билан равнақ топади. Барча комил зотлилик сифатларини (ўзида) жам этган ҳокон таважжуҳи шунга қаратилганки, шаън-шавкат осмонининг ул ойи (яъни подшоҳзода) ғуссали ботишдан истило (ҳокимлик мақомига) кирсин, унинг файз таратувчи порлоқ нури халойиқ бошига сочилиши мурасар бўлсин ва ҳеч бир киши ул руҳи забун бемор ҳолига тушмасин (деган фикр юзасидан қилинган) эҳтиёткорлик ва олдини олишдир. Тадрижий суратда ва тартиб билан муолажа қилишни буюрдилар. Ҳақиқатдан ҳам (шундай). Мисра:

*Покларнинг суҳбат таъсири иксири ҳаётдир –  
Чунончи, дилга ҳаво кирсагина нафас олинади.*

Мазкур (вазифа бажарилишини) юксак даражада кузатиб бормоқ учун Бадри мавзеидан кўчилаётганда (шундай) марҳаматли ҳукм чиқарилди: «Ҳар вақт Онҳазрат манзилгоҳдан отга минганларида хиймам (сарой чодир) давлатхона гиламлари ёзилган ва безатилган ҳолда тайёр бўлиб турсин, ул жаноб (подшоҳзода)ни истикомат жойларидан ушбу дил хоҳлаган маконга келтирсинлар ва барча имкониятларни яратиб берсинлар. Ҳар қайси ердаки бир соат (тўхташга) буюрсалар, (у ерда) ҳар ким қўлидан келганича бутун ҳис ва вужудини шоду ҳуррамлик яратиш ишига қаратсин».

Подшоҳзода қоровулга айтдилар: «Менга (дийдорга ташна) дийдорни (кўриш) лозим; турли жойларда сайр қилиш билан

(ташна дийдорга) тўйиб бўлмайди, ахир». Бора-бора подшоҳзоданинг волидаси (онаси) наввоб Бойининг вафоти ҳақида дорул-хилофатдан хабар келган вақтда девони хос истехкомдан то ул жанобнинг истиқомат жойигача саройга (чодир) тикилиб, кўча тузатилиб, ўзлари шарофатли наввоб Зийнатнисо бегим билан бирга ташриф буюрдилар (164а) ва таъзия маросими бажо келтирилди. Шундан бир қанча вақт ўтгач, тўртинчи зулқайдада давлат ва дин қибласи, мулк ва миллат каъбаси мулозаматига кириш шарафи муяссар бўлди ва пешин намозини Онҳазрат хизматида ўқишга маъмур этилдилар.

Ҳар вақт Онҳазрат жума намозини адо этиш учун жоме масжиди томон отга миниб чиқсалар, ул жаноб (подшоҳзода)га жума намозини давлатхона масжидида адо этишни тайинлайдилар. Шу билан бирга (подшоҳзода) гоҳ ҳукмга мувофиқ кўнгилларини равшан этиш ва таналарини тозалаш юзасидан қалъа ичидаги ҳаммомга ташриф буюрдилар ва гоҳ бандалар Онҳазратининг кашфиётларидан бўлмиш Шоҳобод боғи ва кўлига сайр этиб, шоду хурамлук касб этдилар. Умуман, бора-бора, ниҳоят, ҳижоб (парда) кўтарилди. Хўжа Давлат Махли подшоҳзодага тааллуқли буюмларни дорул-хилофатдан севинчга тўла саройга келтиришга маъмур этилди.

Давлат ва юксаклик денгизининг дурлари Муҳаммад Муъизиддин ва Муҳаммад Азимларнинг ҳар бири тўққиз мингчи, икки минг суворли мансаб билан бахтиёр бўлдилар. Ва Муҳаммад Рафиъулқадр етти мингчи, бир минг суворли мансаб билан баланд қадрли этилдилар. Муҳаммад Хужаста Ахтар хилъат ато этилиши билан шодмон бўлдилар ва бу иноятнинг девони-омда топширилиши билан махсус эътиборга сазовор этилдилар. Ҳамидиддинхон хилъат ва фил иноят қилиниши билан баланд мартабали бўлди. Бахшиул-мулк Рухуллохон тўртинчи зулқайдада Нусратобод-Сикҳар томон (кетиш учун) рухсат хилъатини кийди ва унга бир-китилган кишилар (турли) марҳаматларга сазовор этилдилар. Салобатхоннинг ўғли Таҳурхон Муҳаммад Комбахш фавжининг хўжалик назоратчилигига (сазоваллигига) тайинланди. Лутфуллохон (мансабидан) четлатилгандан сўнг ўз мартабасига – асли етти юзчи, уч юз суворли (мансабига) эга бўлди.

Подшоҳзода Муҳаммад Муаззамга тобе ва хизматида бўлганлар дорул-хилофатдан Хужастабунёдга келганларидан сўнг Сафшиканхон уларни нурга тўла ҳузур (сарой)га олиб келди.

Муҳбирларнинг ёзганларидан олий даргоҳга арзга етдики, йигирма биринчи муҳаррамда жумлатул-мулк Асадхон Каҳрияда подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг мулозаматига кирган. Бешинчи рабиул охир ойида подшоҳзода ва жумлатул-мулк Чанчига келганлар (1646).

Еттинчи (рабиул охир)да жоме масжидида бир нияти бузук ва паришонхотир шахс қиличини ғилофидан чиқариб Онҳазрат томон югурди. Қулор (сипоҳ)лар уни ушлаб олдилар (ва) Салобатхонга топширдилар.

Ўн учинчида олиймақом, фалаквикор подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ ва давлат денгизининг қимматбаҳо дури шахзода Бедорбахт овга чиқиш олдида муқаддас мулозаматга кириш саодатига муяссар бўлдилар ва бутун йўл бўйи хамроҳлик қилиш билан шарафландилар. Шу ерда уларга Нусратобод – Сикҳарга жўнаб кетишга руҳсат берилди.

Чакиртирилишига мувофик, бахшиул-мулк Баҳрамандахон шахзода Муҳаммад Комбахш фавжи – лашкаридан нурга тўла саройга келиб, йигирманчида олий мулозаматга кириш шарафига муяссар бўлди.

Еттинчи жумодул аввалда Нармал (Нарбал) қалъаси фатҳ қилингани мукофотига Зулфиқорхон Баҳодир асли ва қўшимчаси билан тўрт мингчи, икки минг беш юз суворли мансаб билан ифтихор фалакига чиқди.

Ўн тўққизинчи шаъбонда Шаҳзода Муъизиддин ўғиллари олий даражали султонлар Аъзиддин ва Иъзиддин ҳамда шахзода Муҳаммад Азимнинг ўғиллари Муҳаммад Карим ва Фарруҳ Сиърлар муқаддас мулозаматга кириш шарафига эга бўлдилар. Улар кундалик маошларининг орттирилиши ҳамда муносиб иноятлар, хилъат ва жавоҳирлар (ато қилиниши) билан шодлик чехраларини мунаввар этдилар.

Йигирма олтинчи шаъбонда жаҳонгашта ўрду дорул-зафардан кўзғалди, иккинчи марта иқбол ойчасининг нури Қутбобод мавзеини мунаввар этди. То (бу ерга) келиб турилганига қадар ушбу амну омонлик марказида муҳофазакор жума намозини адо этиш юзасидан ул жамоа тўпланувчи маконда келди-кетди бўлиб турди.

Холиса дафтардори Рашидхон молларни жамғариш ҳамда баъзи холиса ерларининг ижара ҳақини аниқлаш учун Ҳайдарободга маъмур этилди.



Тарбият назарига манзур имомлар муставфийи, Кажҳири хонисомони, воқеанависи Иноятуллоҳ мазкур хон ноиби бўлишга ҳамда хонлик хитоби, бир юзчи қўшимча билан асли ва қўшимчаси бўлиб олти юзчи, эллик суворликка сарафроз этилди.

Ишончли хоназодларнинг қадимийси Сардорхон ўткинчи жаҳон билан видолашди. (165а) Хайрихоҳлик, валинеъматлик ва халққа хизмат қилиш борасида унинг фикри билан амалий иши мувофиқликка эга эди. Фуқарога нисбатан меҳр ва муҳаббат даражидан холи эмасди. Унинг ўғли Ҳамидиддинхонда тўғри йўлни танлаш зухур этгани туфайли у иноятга сазовор бўлди. Отаси вафотидан сўнг у кутволлик ва бошқа хизматлар билан фармонбардорлик камарини (махкам) боғлади.

Диндор ва ҳақпараст хокон беш вақт намозни, эътикофда ўтиришни адо қилиш вазифадан девони хосга туташтирилиб қурилаётган масжидга ташриф буюрдилар ва савоб учун муборақ қўллари билан бир қанча тош кўтариб, устага келтирдилар.

*Оламгирнинг қудратга тўла (жзулуси) бир минг бир юз  
учинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
олтинчи йили бошланиши*

Ушбу осмоний (илоҳий) мақсад ва оммавий шоду хуррамлик кунларида тамоми кароматли ой боши умидли, ниҳояси файзли бўлиб (тугаллангач) давр орастаси, барака анжом рўза байрамининг табриги ва хушхабари етиб келди. Жаҳон хокони, муҳтожларни бахтиёр қилувчи подшоҳ жаноб Холик (яъни, яратган Тангри)дан олган ўз муваффақиятларини халойикни мақсадларига етказувчи тахт равнақи учун (тобора) орттириб бордилар.

Ушбу ойнинг иккиламчисида Шаҳзода Муҳаммад Муъизиддин ақлдан озган (исёнчи)лар адабини бериш учун Саиднагар томон руҳсат олдилар ва давлатхоҳларга инъомлар берувчи мукаррам (саховатли) жаноб томонидан хилъат, болобанд – салла, сарпеч, йигирма бир от, фил ҳамда бир минг сувор қўшимча ила ўн мингчи, уч минг суворли (мансаб) инъом қилиниши билан ўзларини бахтиёр ва хушнуд этдилар.

Шаҳзода Рафиъулқадр бир мингчи зот қўшимча ила саккиз мингчи бўлиб, етти (маротаба) эъзозланиш баҳрамандлиги билан орасталик топдилар. Шаҳзода Хужаста Ахтар Толеининг ёр бўлиши билан етти минг зотли мансаб осмонида минг-минг нурлар билан мунавварлик касб этдилар.

Маъмурхон ўрнига Оташхон Хўжастабунёд калъасининг мудофааси хизмати билан ўз жамиятининг пешонасини равшан этди. У (Маъмурхон) Бижопурга қарашли Саро ўлкаси фавждорлигига номзод килинди. Биринчиси (яъни Оташхон) бир минг беш юзчи, олти юз суворли эди, уч юз сувор ва иккинчиси бир мингчи, беш юз суворли эди, тўрт юз сувор қўшимчага эга бўлдилар. Саййид Муртазохоннинг ўғли Муҳаммадхон олдин “Холидхон” хитобли эди, (1656) Майвот фавждорлиги хизмати ҳамда беш юз сувор қўшимча қўшилиб, уч мингчи, бир минг беш юз суворли (мансаб) билан шуҳратланди.

Абдураззоқхон Лори Ҳайдарободий Рохири ноҳияларидан Кавкан фавждорлиги хизмати ҳамда бир минг сувор қўшимча қўшилиб, тўрт мингчи, тўрт минг суворли (мансаб), от, фил ва ноғора инъом килиниши билан эъзозланди.

Йигирма биринчи шавволда шаҳзода Муҳаммад Азим билан Ҳалилуллоҳхон ўғли Рухуллоҳхоннинг иффатли қизи никоҳ тўйининг ажойиб тантанаси бўлиб ўтди. Ул жаноб (яъни подшоҳ) давлатининг (ҳақиқий) дўсти лутфан эъзозлар бахш этувчи олий жаноб хокондан (қиймати) ўн етти минглик сарпеч, билагузук, йигирма минг рупия нақд пул ва эгари қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган бир от, фил ҳамда бир мингчи зот қўшимча билан ўн мингчи, икки минг суворли (мансаб) олиб, давлатларини янада орттирдилар.

Энг олий эъзозу икромга сазовор кишилар Қутбу олам ва Шох Оламлар – Аллоҳ руҳи уларга таважожуқ этсин – мақбарасининг сажжоданишинлари Саййид Муҳаммад ва Саййид Жаъфар Гужаротий Аҳмадободдан муқаддас мулозаматга келиб, муқаррар кўрсатмага биноан, ҳар бири хилъат (ва фил), харажатлари учун тайёрлаб қўйилган ёрдамни ҳамда қайтиб кетиш рухсатини олдилар.

Зулқаъда (ойи)нинг бирламчисида Оллоҳобод субаси нозими Хонжаҳон Баҳодир Зафаржанг ўғли Ҳимматхон номига у кароматзухур ҳузур (сарой)га етиб келсин, деган олий ёрлик чиқарилди. Биҳар субаси нозими амирул-умаро ўғли Бузург Асадхон унинг ўрнига Оллоҳобод субаси нозимлиги ва амирул-умаро ўғли Зафархон унинг (Бузург Асадхон) ўрнига Жунпур сарқори фавждорлиги билан эъзозланишининг юқори даражасига кўтарилдилар.

Шаҳаншоҳлик мадори Рухуллоҳхон борликнинг (тирикликнинг) жаҳду жадал жойидан чиқиб, йўқликнинг (ўлимнинг) тубсиз бўшлиғига ғарқ бўлди, бир катра (сув) эди, дарёга қўшилди.

У насабда – офтоб, хулқда – кўп ҳаммабоп яхши хислатлар бе-заги, халойикқа илтифот кўрсатишда катта ҳиммат соҳиби эди. Онҳазрат ҳолазодасининг ўғли бўлган ул зот зўр шуур ва ўтқир фаҳм ҳамда ҳасан ихлос сифатларга эга эди. Ундан ажралиш баъзи томонлардан меҳрибон ҳоконнинг муқаддас хотирини дилгир этди, илтифот-марҳаматлар соҳиби улуғ амирлардан бирига илтифоти ғолиб келиб, Тангрининг танлагани, жаҳон халқларининг қибласи ҳамда каъбасида (Онҳазратда) Тангри раҳматининг зухур топганлиги шарофати унга ҳам насиб этар деб, (166а) унинг сўнгги дамларида хайрлашиш учун ҳозир бўлдилар ва ул сафарга отланганнинг ҳақиқа “жаннатда бўлсин”, деб дуо қилдилар. Қисқа вақт ичида (ушбу байт) ўқилди:

*Ҳар кимки, бу илтижо жаҳонидан саховат билан кетса,  
Жон бериш вақтида унинг бошига келасан.*

Ул саховаткорнинг катта ўғли ва манзур ўринбосари Хоназод-хон беш юзчи, уч юз сувор кўшимча билан икки мингчи, минг суворли Мухлисхон ўрнига кўрбеги хизмати билан шарафла-ниб, катта илтифотларга сазовор бўлди. Баҳрамандхон марҳум ўрнига зўр эътиборли хизмат – мирбахшилиқ билан сарафроз ва беш юзчи, тўрт юз сувор кўшимча ила икки минг суворли (мансаб)га мумтоз этилди. Унинг (Баҳрамандхон) ўрнига Мухлисхон иккинчи бахшигирлик хизмати ҳамда беш юзчи кўшимча ила икки минг беш юзчи, етти юз суворли (мансаб билан) имтиёз чеҳрасини мунаввар этди.

Жаннатмакон (марҳум) хоннинг биродари Азизуллоҳхон бир минг беш юзчи, олти юз суворли мартабага эришди.

Хўжа Абдураҳимхон буютот ёлғончи (дунё) сайридан узоқ-лашди. Унинг вафотидан сўнг Мирҳусайн Омонатхон буютотлик гиламига кадам қўйди. Олий ҳукмга мувофиқ, Иноятуллоҳхон унинг ўрнига девони тан(ҳо) ишлари раҳбарлигига қўйилди, (мансабини) бир юзчи, йигирма суворлига орттириш билан етти юзчи, саксон суворли мансаб билан илтифотга сазовор бўлди ва кўп ўтмай, хос хийма (шоҳона чодир)нинг харажат девонлиги (девони сарф)га эга бўлди ҳамда яна йигирма суворли кўшимча ато қилиниши билан иззат бошини баланд қилди.

Салобатхон беморлигини арз этиб, дорул-хилофатга кетишга рухсат сўради. Бир қанча марҳала (манзил) йўл босгач, ҳаёт манзилини тарк этди. Шу вақт мобайнида у кўпинча дер эди:

*Бизнинг устихонимиз бирон-бир кишининг елкасига  
юк бўлмаслиги учун,  
Ўзимиз кетамиз ва мозордан бир чеккани эгаллаймиз.*

У муомалада тўғри ва ҳаққоний, хоқоннинг амрини бажаришда (матнда – “ризо этиш борасида”) чакқон ва фаол эди.

Муҳаммад Бади Балхий (лавозимидан) четлатилганидан сўнг (яна) уч мингчи, етти юз суворли мартабасига етишди (1666).

Ун саккизинчида (шундай) ҳукм чиқди: биёбон саргардонларига шафқат ва мураббийлик қилинадик, подшоҳзода Муҳаммад Муаззам адолатгоҳда бўлиб, итоаткорлик ҳамда севинчга тўла хузур (сарой)да ўтириш шарафига муяссар бўлсинлар.

Хизматкорхон нозир муҳаррам ойи бошида беш юзчи, кўшимча билан бир минг беш юзчи, бир юз эллик суворли (мансаби ила) иззат назарига манзур бўлди. Муҳаммадиёрхоннинг толеи беш юзчи кўшимча билан икки мингчи, тўрт юз суворлиликка ёр бўлди. Муҳаммад Комбахш фавжига тобе Кокархон Чунжи тҳанадорлигига тайинланиб, беш юзчи, уч юз суворли кўшимча билан бир минг беш юзчи, етти юз суворли қилиб белгиланди.

Гурзибардорлар мушрифидан Мир Ҳусайн Шаҳзода Муҳаммад Муъизиддиннинг сарой ходимларини олиб келиш учун дорулхилофатга (кетишга) рухсат олди.

Ҳазарамаут ҳокимининг элчиси Муҳаммад Жамил (ватанига) қайтиб кетишга рухсат ва икки минг рупия инъом берилиши билан мумтоз этилди.

Йигирма учинчи сафарда шаҳзодалар Рафиъулқадр ва Хужаста Ахтар пешин намозини масжидда ўқиш учун олийқадр оталари ҳамроҳлигида келишга тайин этилдилар.

Лутфуллоҳхон ва Асолатхонларга Асъаднагар тҳанасига (боришга) рухсат берилди. Шаҳзода Рафиъулқадр мартабаси икки минг суворлига камайтирилди. Хўжа Муборак подшоҳзода Муҳаммад Муаззам саройининг назоратчиси Хизматкорхонга нойиб қилиб тайинланди. Арованд (Аванд) заминдори Удат Сингх Хонфирузжанг лашкари хизматига – Ираж фавждорлигига тайинланиш ҳамда беш юзчи, беш юз сувор кўшимча кўшилиб, икки мингчи, бир минг беш юз суворли бўлиш билан тенгдошлари орасида азизликка эришди.

Фаррошхона мушрифидан Абдулҳай бўстон бисоти, эҳсонзухур хузур (сарой)га арзга келди.

Хукмга биноан, подшоҳзода давлатхонаси кўнгилга маъқул тушадиган даражада тартибланди. Хизматкорлар ва ходимларга отга миниб ҳозирланиб, подшоҳзодани давлат саройига (167а) олиб келсинлар, деган ҳукм бўлди.

Рабиул охир ойининг ғурраси – бошида Ҳиндун Биёна фавждори Камолиддинхон шу ноҳия исёнчиларини тор-мор этгани муқофотига беш юзчи, беш юз сувор қўшимча билан икки мингчи, бир минг суворли мартабага етди. Марҳум амирул-умаронинг ўғли Акбаробод субасининг нозими Эътиқодхон ноҳиялар фавждорлиги ҳамда икки юз сувор қўшимча билан бир минг беш юзчи, бир минг икки юз суворли (мансаб ила) эъзозланди.

Зулфиқорхон Баҳодир олий мартаба – тўрт мингчи, уч минг суворли (мансабга) кўтарилди.

Марҳум амирул-умаронинг ўғли Худобандахон Бехронж фавждори этиб тайинланди, (аввал) тўққиз юзчи, тўрт юз суворли эди, бир юзчи қўшимча олди. Абулмуҳаммадхон Бижопурий уч мингчи, бир минг суворли эди, унга беш юз сувор қўшимча марҳамат қилинди. Мухторхон уч мингчи, бир минг беш юз суворли мансабга эга эди, беш юзчи, бир юз суворлига камайтирилди. Иқболи катта Ҳамидиддинхон (олий) назар олдида ҳозир бўлди, у бир мингчи тўрт юз суворли эди, юз сувор қўшилиши билан тенгқурлари хавас қиладиган (даражага) етди.

Ўн бешинчи жумодул охирда шаҳзода Муҳаммад Аъзам олти юзта чира, кўйлак, сарпеч, фўта, нимаи остин ва болобанд инъом этилиши билан иноят жомасини кийдилар.

Ҳаким Аламиддин Вазирхон Шоҳжаҳоний ўғли (хос кишилар доруғаси) Анвархон ҳаёт бисотини йиғиштирди. Аник маълумотларга кўра, бисотида ҳеч бир нарсаси бўлмаган. Обдорхона доруғаси Мултафатхон унинг вафоти муносабати билан ўн тўртинчи ражабда мазкур хизматга ва бир юзчи, эллик сувор қўшимча билан бир мингчи бир юз эллик суворли мартабага кўтарилди ҳамда ўз яқинлари ва ишонган кишилари орасида хавас қиларли даражада (мартабали) бўлди.

Ҳаркоранинг ёзганларидан маълум бўлдики, Зулфиқорхон Баҳодир ғалланинг нарх-навоси ошиб кетганлиги оқибатида лашкарнинг муқим туриб қололмаслиги сабабли Чунжи қалъасидан ўн икки қуруқ масофага узоқлашган. Бундан бирмунча муддат аввалроқ мухбирлар (167б) хабаридан маълум бўлдики, қалъани камал қилиш (вақти)да шум ниятли душманлар Зулфиқорхон

(усти)га хужум қилганлар ва (лозим) ёрдам етиб боролмаган. Мадад келганида, унинг мушкули осон бўларди. (Шундан сўнг) Нандёл (Бандбол)да турган илҳомлар маконидан жумлатул-мулк номига у ўз зудлигини ўғлига ёрдам беришга қаратсин, деган мустаҳкамасос фармон шараф билан чиқди. (Лекин) номи зикр қилинган тарафидан (ёрдам кўрсатиш) кечиктирилгани сабабли адолатгоҳда (Онҳазратнинг) хос дастхати билан бошқа бир фармон таҳририга зеб берилди. Сахифаларга битилиб ҳозирланган бахтнишон воқеалар ҳақида (шулар) эшитилди, Мирмунший Фозилхонга айтилган: “Ул жаноблари (яъни жумлатул-мулк) ўзларини фарзандга меҳрибон қилиб кўрсатадилар. (Лекин) унга (яъни фарзандига) жаҳон тор бўлган ушбу онда тезда (ёрдамга) етиб бориш хусусида икки хаёлликка ва ғафлатга йўл қўйдилар ва (факат) тилларидагина хол сўрадилар. Байт:

*Менинг ўлимимнинг мулки – менинг оғирлигимдир –  
Мен ҳамон ўша қари ишёқмас хунаса олчоқман.*

Ҳа, фарзандим деб даъво этмоқлик бошқа-ю, даъвосига содик бўлмоқлик бошқа. Ва ул томонга кетмасдан, аввал жумлатул-мулк кўр-кўрона ўзи ҳақида (гапириб): “(Онҳазрат) шу вақтгача бизга бирон-бир иш буюрмаганлар. Агар биз (бирор ишга) маъмур қилинсақ, у ҳолда халқ (ишнинг) қандай амалга ошишини (ўз кўзи билан) кўрарди”, деган эди. (Унинг) бу сўзлари муқаддас кулоққа етди. Мазкур хон ва китобхона доруғаси Қобилхонларга ёвузлик тамом бўлди, дейиш нима гап, деб хитоб қилинди. Ҳар иккаласи (бу вазифани) амалга оширишга ҳаракат қилдилар. Мисра: “Ёвузлик тугади, деб ўзингни бошқа кўз-кўз қилма”.

Бу мисра фармонда ҳам келтирилди.

*Оламгир қудратли жулусининг бир минг бир юз  
тўртинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
еттинчи йили бошланиши*

Адолат ва инсоф билан суғорилган, кучсизларни эркаловчи, забардастларни улуғловчи давр саройига баҳорнинг ҳам рашки келадиган равнақ ва гўзалликка эгизак бўлмиш ушбу замонда баракалар мукофот этувчи рамазоннинг файзга тўлиб-тошиб кириб келиши (168а) мусулмонларни қувонтирди, рўза чаманида ийдмисол ғунча очилди ва бутпарастларнинг жабр ҳамда адолатсизлик хосу хашаклари замон хиёбонларидан тамоман супуриб

ташланди. Подшоҳлар подшоҳи Аллоҳга ибодат қилиш ишига киришдилар. Барча раият ва халқларнинг қалб ўлкаларини илтифот ва марҳаматлар билан маъмур ва масрур этдилар.

Олиймаком подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ истиско касали билан касалланган эди, унга то соғайгунига қадар юриб туриши ва (ўзларини) ниҳоятда эҳтиёт қилиши учун марҳаматзухур (сарой)дан ойнали поликин (тахтиравон) бериб юборилди. Олий ҳукм бўлдики, тахтиравонга миниб юриш унга олий саройдан иноят қилинган, бошқа подшоҳзода, шахзода ва умаролардан ҳеч бири ожизлик (беморлик) тахтиравонига минган ҳолда саройга келмасин.

Бир қанча вақтдан сўнг жумлатул-мулк Асадхон ва мукрибул-хидмат Мултафатхон отга миниб келишга кўрсатма олдилар. Рони вакили Бадханур олий даргоҳга маълумот ва совғалар келтирди, уч юз хум (олтин танга) нисор этди.

***Осмоний (илоҳий) фалокат бахтсизлиги ҳамда ногаҳон  
офат ҳисобланмиш подшоҳзода Муҳаммад Комбахш  
исёнкорлик қилмишининг афв этилиши***

Ғаройиб хислатли ушбу қорхона ва ажойиб асарли сарой оқилликнинг мафтункор иши замонанинг фиску фужури ҳамда машаққат ва роҳат равнақиға эга. Шунга кўра, кажрафтор фалак, нотўғри йўл тутган дунё кўкси ва қалбидаги (мавжуд) кетиш ва қайтиш турлари ҳамда ўзгариш ва инкилоб навлари киши хоҳишида бир лукма ҳолвани эритиб юбормайдик, ундан юз бўлак захар (хислати) ўрганилсин. Айш-ишрат тонги у (дунё) этагидан бошини чиқариб турмайдик, унинг уфқидан қудрат (исёнкорлик) шомидуд чиқармасин. Бу нафратомуз сўзлар аниқлиги шуки, жумлатул-мулк Карнотики – Ҳайдаробод чегараси бўлмиш Каҳриядаги Нандёл қалъаси фатҳ этилгандан сўнг уни қароргоҳ қаҳовани қилди.

Подшоҳзода Вокингино қалъасини (душманлар қўлидан) юлиб олиш учун нурга тўла саройдан фармойишга эришиб, бахшиул-мулк Баҳрамандахон билан иттифоқда бу муҳим ишни бажаришга киришдилар. (Сўнг) бу хизматни ижро этишга бахшиул-мулк Рухуллоҳхон (168а) тайин этилгани боис, ижроси вожиб ҳукмга биноан подшоҳзода инони таважжуҳларини жумлатул-мулкка ёрдам беришга қаратдилар. Олий мавқаб (қўшин) Каҳрияга етиб борганидан сўнг ул жаноб (подшоҳзода) жумлатул-мулк би-

лан бирга Чанжи қалъасини қамал этганлиги ва лекин лаънати душман ҳужум қилиши ҳамда озиқ-овқатлар етиб бормаслиги орқасида унинг ва лашкарларининг иши мушкул бўлиб қолгани хақида шараф билан бўйсунилиши лозим ҳукм чиқарилди: «Зулфиқорхон Баҳодир Нусратжангга ёрдам сари таважожуҳ этсинлар». Подшоҳзода «ёшлик кучи» туфайли фирибга учди.

Келажакни кўрувчи, соҳиби тажриба (Онхазрат) дўстона муносабатда бўлиши ва кишиларнинг (беҳуда) сўзларига қулоқ солмаслиги натижасида отта биринчи мингандан то сўнгги узок ерга боргунга қадар (жим) манзилма-манзил йўл босавердилар. Шу йўсинда сайр ва шикор ҳам қилдилар, отда йўл ҳам юрдилар. Баҳрамандхон яқин муносабатлар барпо этиб, ниҳоятда нозик муомала билан муршидзоданинг кўнгил ризосини ҳосил қилиб, кароматзухур ҳузур (сарой)га равона бўлди. Жумлатул-мулк қувват заифлиги ва қариб путурдан кетганлигига қарамай, одоб риоясини мулоҳаза этиб, азобу укубат барпо қилди, хафаконликни ўзига ҳамроҳ этиб, бутун йўл бўйлаб от устида қалбан ноҳушлик азобиди бўлди. Лекин кўркув хавфи – қулфатнинг уруғи бўлиши сабабли дўстлик ва мухолифликнинг бадбахтлиги заминиди дилиди (кўп) ғурбат ва надоматлар тобора кучая борди. Қасаллик ва ноҳушликни тесқари талқин этувчилар воситаси билан икки томонлама аччиқланиш келиб чиқди. Олий қўшин Чанжи ноҳиясига етгунига қадар Хон Нусратжанг истикболга чиқиш маросимини бажо келтириб, мулозаматга кириш бахтига муяссар бўлди. Подшоҳзода девонга ўтирдилар. Жумлатул-мулк, Нусратжанг ва Сарафрозхонларга ўтиришга ижозат берилди. Саййид Хонжаҳон Борҳа ўғли Саййид Лашкархон кўзларини Нусратжанг йўлига тикиб умид қилиб турган эди, умидининг тесқариси бўлиб чиқди. Хафаланиб девондан чиқиб кетди ва қайтиб кирмади. (169а) Подшоҳзода одамлари бу воқеани ота ва боланинг айби қилиб кўрсатдилар. Подшоҳзода аҳамият бермаганлигини унинг кўнглига маъқул тушиши деб билдилар. Кишиларнинг ранжиш ва ноҳайрихоҳлик воситалари жам бўлди, бу ҳол қарамтабиатли подшоҳзоданинг хафачилиги ва ошғуфталигини кучайтириб юборди. Шу аснода баъзи андишасиз (қалтафаҳм) аҳмоқлар воситачилигида қалъада (қамалиб) ўтирган жаҳаннамий Роно билан махфий хатлар алмашилган. Қора ниятли мухолифлар шундай воқеадан дил ва жон мақсадларига даво топишга муяссар бўлганлар. Фитна ва тилёғламалик дўкони очилган, гижгижлаш ва иғвонинг куни туккан. Нусратжанг Ҳардодидан (Ҳарводидан) хабар қилдики,



у қалъа ичидаги жосусларга бир минг рупия миқдорида ёвмийя (қундалик маош) бериб, шунга кўра (у ердаги) сиру асрорлардан огоҳ ва вокиф бўлиб турмоқда. Ота ва фарзанд жаноби хилофатга аҳволни маълум қилдилар ва илтимосларига Ровдиллист Бундила (Ровист Бундила) подшоҳзода давлатхонаси кеча ва кундуз ҳалқа (қилиб ўраб) олинсин ва жумлатул-мулкнинг рухсатисиз бирон-бир аъён ва девон (кишиси) ҳамда бегона киши кирмасин, деган мазмунда ижозат олдилар. Қалъадаги жосусларнинг кетма-кет берган хабарларидан аниқ маълум бўлдики, подшоҳзода жумлатул-мулк ва Нусратжанглар билан келиша олмаслиги сабабли ўзининг ёмон ниятига бўйсуниб, коронғу тунда навкарлар билан биргаликда қалъага қочишга азм қилганлар. Ота ва ўғил одамлар томонидан қилинадиган зўрлик ва ваҳимадан хавфсираб, лашкар бошлиқлари билан кенгаш туздилар. Подшоҳзода саройидаги барча чуқи ҳамда доругирлар билан маҳкам алоқа боғланди. Маслаҳат билан (ота ва ўғил) узоқ (қалъа)лардаги лашкарлар йўлга тушишлари юзасидан шу қалъа(лар)нинг тҳанадорларини чақиртирдилар. Душман эса (бу тадбирларни) пайқаб қолди ва ўз жамиятининг қарори билан (1696) қаршилик кўрсатишга отланди. Ҳар томонда жанглар бошланиб кетди. Жумлатул-мулкка пешгоҳда подшоҳзодани кўриклаш ва Нусратжангга қалъа ҳақида қайғуриш иши (белгиланди). Катта тўплар ва бошқа қалъагир (қалъа олувчи) куруллар шундай (тартибда) кўйилдики, токи улар тҳанадорларга ёрдам кўрсата олсинлар. Ҳар ким ўз тадбирига кўра етиб кела оларди. Олий (даргоҳдан) келтирилган буюмлар талон-торож майдонига айланди. Қалъа оркасида сардори умда (бош сардор) Исмоилхон макхо)нинг тҳанаси бор эди, у қаттиқ туриб жанг қилди. Лекин душманлар кўплашиб ҳужумга ўтдилар (ва) ёвуз Сантонинг саъй-ҳаракати, тараддуди билан у (Исмоилхон) ярадор қилинган, уни кўтариб олиб кетдилар. Тўс-тўполонлар авжга минди. Нусратжанг мулчорни кўчириш сари ошиқди, катта тўшларга миҳ уриб, ишдан чиқарди. Қолган кишилар дилига куч-қувват бағишлаб, барча буюмларни ўзи билан олиб, бунгоҳ (сарой)га келтирди. Шу аснода лаънати ғанимлар теварак-атрофлардан хотиржам, шод-хуррам бўлиб, ҳужумчи ва ҳамлакорлардан бир лақх суворий ва пиёдалар билан Нусратжанг устига етиб келдилар. Бунгоҳ бу ердан икки курух масофа узоқликда эди. Қалъа деворлари яксон этилиб, душманнинг олчоклиги хаддан ошди ва мусулмонлар учун ўлим (хавфи) пайдо бўлди. Шундай вақтда Хон Баходир ва барча сардорлар билан бир-

галикда ҳақиқий нусратбахш мадад ва пиру муршиднинг муқаддас киёфаси сифатида (етиб келган) икки мингдан ортик бўлмаган суворийдан иборат ёрдам исёнчиларга (қарши курашда) жанг майдонининг безаги бўлди. Жанговар жангчиларнинг жасуруна ҳужумлари бошланди, кетма-кет зарба беришлар амалга ошди. Уч мингта яқин пиёда аскар ислом ғозийлари отларининг туёклари остида жон берди ва уч юз отлик ҳалокат хокига қоришди. Хон Баҳодир филга миниб, (ғанимларни) то қалъагача қувиб борди. (Кофирлар) қалъа ичкарасига кириб, (дарвозани) беркитиб олдилар. Бу жангу жадалда душманнинг бир минг пиёда (аскари) жаҳаннамга кетди. (170а) Баҳодирлар жаҳонкушо (жаҳонни фатҳ этувчи подшоҳ)нинг икбол қудрати билан (ғаним) курагига тиг санчдилар ва душман қонининг кип-қизил рангини бахт чехрасига суртдилар.

Юзи қора ғаним қочқинлик орсизлигини ўз ҳаёт (тирик қолиш) юзига парда тортиб, жанг майдонига орқа ўғирди. Мактанчок муҳолифлар (душманлар) буюмларидан қалъада сотиб олиб қолдириб кетилган бир мингта урғочи от осонлик билан ислом лашкарлари қўлига киритилди. Музаффар жангталабларнинг қарийб тўрт юз оти ва тўрт фили ўк ва замбарак зарбига учради. Шунча мансабдор ва бошқа амалдорлар шаҳидлик бахтига етишдилар, ярадор бўлмаган жуда кам қолди. Аллоҳ иноятининг мадади билан шундай ғалаба муяссар бўлди. Хон Баҳодир куннинг охирида бунгоҳга келди ва жумлатул-мулкни кўрди. Аник бўлишича, подшоҳзода ва ул жанобнинг “оқил” кишилари маслаҳатида (ўзаро) маълум қилиб қўйилганки, қачон ота ва ўғил (подшоҳзода саройига) келсалар, улар қилган “яхшиликлари” эвазига зиндонга тушадилар. Ҳар иккаласи отга миниб, подшоҳзода давлатхонасига жасуруна кириб бордилар ва пиру муршид (яъни подшоҳ)нинг нон-тузини оқлаш ва (унга нисбатан) тўғри муносабатда бўлиш ҳақи юзасидан (ота ва бола) ўз ихтиёрлари билан муршидзода (яъни подшоҳзода) ҳузурига келдилар.

Эртаси куни Хон Баҳодир катта-кичик лашкарларга тасалли ва осойишталик бергач, бир неча бор душман билан жанглар қилиб, (бу жанглардан) ғалаба билан чиқди. Ғалла етишмаслиги оқибатида сипоҳнинг (бу ерда) туриши мумкин бўлмай қолди. Рақиб билан ўртада сулҳ тузиш асосида кўчирилиб, подшоҳлик ерларига кириб келиб таваққуф этилди. Шу аснода “подшоҳзода Мухаррамхон билан биргаликда ҳузур (сарой)га юборилсин”, деган мазмунда ижроси вожиб ҳукм (170б) чиқди.

Жумлатул-мулк Асадхон олий даргоҳ томон йўл олди. Турт ой ўтгач, Баҳодир қайтиб келиб қалъани қамал қилди ва қамалда қолганлар аҳволи танг бўлди. Қалъанинг забот этилиши ва ёвуз Рононинг лаънати Сантҳо билан қочиши ахбор қалами билан ўз жойида баён қилинади.

Йигирманчи шавволда подшоҳзода Муҳаммад Комбахш Аллоҳ муҳофазаси ва паноҳидаги шаҳаншоҳнинг инояти ва ҳимоясининг баракаси бўлмиш Чунжидан нур билан тўла мунаввар ҳузур (сарой)га келиб, наввоби қудсия Зийнатниси бегим воситачилигида қудрат давлатининг саройида ҳаёт ҳосиятли қибла ва дину дунё қаъбасининг мулозаматиға кириш билан саодат пешоналарини равшан қилдилар. Бир минг муҳр назр ва бир минг рупия нисор мунаввар назардан ўтказилди.

Бўйсунилиши вожиб шундай ёрлик чиқди: “Ҳар бир амирга марҳамат этилган жавҳар сарпечни муборак якшанба кунидан бошқа кунлари тақмасинлар, шу билан кифояланиб, ўзлари бошқа (сарпеч) ясамасинлар ва бошларини (зеб-зийнатлар билан) ўрамасинлар”. Байт:

*Мағрур мастлиги унинг чўчишидандир –  
тилини қўйиб юбориши эса,  
Унинг таслим бўлганидан бошқа нарса эмас.*

Йигирма биринчи зулҳижжада дорус-салтанат Лоҳурнинг ишдан туширилган нозими Хонжаҳон Баҳодир Зафаржанг Кўкалтош муқаддас остонага сажда қилиш билан бандалик пешонасини ораста этди. Унинг ўғли, Оллоҳободнинг ишдан туширилган субадори Ҳимматхон Баҳодир (пешонасини) олий остонага суртиб, иззат макомини ҳосил этишни илтимос қилди ва шаҳзода Муъизиддинга тобе бўлган кишиларни ул жаноб ҳузурига, Пурнола (Партоло)га олиб боришга маъмур этилди.

Ҳамидиддинхон лаънати душманлар танбеҳини бериб қўйиш учун кетган эди, ўн олтинчи сафарда остонани ўпиш билан пешонаси равшан бўлди. У аввал Катра ташқарисида турди. Иззатбахш унга ичкарида туриш (лозимлиги)ни билдирди (171а).

Иноятуллоҳхон тоғаси Мулла Муҳаммад Тоҳирнинг таъзияси муносабати билан шол болобанд инъом этилиши ила (ўз) тенгқурлари орасида сарафроз этилди.

Йигирманчи рабиул аввал ойида умдатул-мулк Хон Жаҳон Баҳодир арши аъло каби баланд тахт хизматкорларига маълум

қилдики, тор-мор қилинган Сантҳо билан уч кун давомида кураш бўлиб ўтгандан сўнг Ҳимматхонни колдириб келган. Зўр уриниш ва саъй-ҳаракатлар натижасида лаънати кофирлардан кўплари мағлуб бўлган ва мазкур хон ғолиб чиққан.

Рожа Ануб Сингх (Ануп Сингх) Нусратобод – Сикҳар фавждорлиги ва қалъадорлигига, Раъд Андозхон – Имтиёзқада Удни қалъадорлигига, Сазоворхон – Муҳаммадобод – Бидар қалъадорлигига, Маъмурхон – Бир ва Сию Кону фавждорлигига тайин қилиниб, қўшимча (мансаб) ва инъомлар ато қилиниши билан ниҳоятда эъзозландилар.

Олиймаком подшоҳзода касалликларининг арзи боис нурга тўла саройга чақиртирилган эдилар, рабиул аввал ойининг иккинчисида подшоҳзода Муҳаммад Бедорбахт Баҳодир ва шаҳзода Воложохлар билан бирга сихат-саломатлик учун лозим бўлган мулозаматга кириш ила дил шифосини ҳосил қилдилар. Буткул тузалиб кетишлари амалга ошмагани сабабли Онҳазратнинг ўзлари (подшоҳзаданинг) даволанишини ва (ул жанобга) қараб турилишини хоҳладилар. (Подшоҳзода) ул жанобнинг ташрифи юзасидан девони ҳосга тутатиб кетган, тоғлар оралиғида тартиб этилган чодирни манзил тутдилар, ул жанобнинг муҳофазати учун айвон ва иккита хужра (ҳам) қурилди.

Муҳаммад Воложох ўн олтинчида етти мингчи, икки минг суворли мансаб, байрок (алам) ва нақоракус (дўмбира) ато қилиниши билан зўр шону шуҳрат қозондилар. Подшоҳзода фавжига тобелардан Хон Замон Фатҳжанг мулозаматга кириш билан ифтихор бошини кўкка етказди. Ҳакимул-мулк даволаш жиҳатидан (ва) Фазоил Мирҳоди мирмунший тасалли бериш ва тавозу кўрсатиш юзасидан шафқатзухур саройдан подшоҳзода хизмати-га юборилган эдилар (1716), ул жаноб рикобидан (жиловдорлик хизматидан) қайтиб келиб яна олий мулозаматга киришга муяссар бўлдилар. Ҳазрат ҳар куни бир маротабадан подшоҳзадани кўриш учун бориб турдилар. Ва ўзлари ҳамда наввоби қудсия Зийнатниси бегим подшоҳзода билан бирга парҳез таом едилар. Ул жаноб (Онҳазрат)нинг муҳаббат ва меҳру шафқатларига кўра, то касаллик даври ўтгунига қадар шу хилдаги таом икки кишига етарли қилиб (тайёрланди). Ўзига мақтовлар ва (минг-минг) миннатдорчиликлар бўлсинки, яккаю-ягона даволовчи (Тангри) мушфик таважжуҳларнинг ва давлат ҳамда дин қибласи валинеъмати (Ҳазрат)нинг бахт-саодатига шундай кўрқинчли касалдан

подшоҳзодага нажот берди ва янгитдан ҳаёт бағишлади. Ул жаноб (подшоҳзода)нинг навкарларидан Муҳаммад Солим Ислом холис ихлос билан соғайиш (сиҳатланиш) тарихини ёзди. Мисра:

*Шаҳ(зода)нинг шифоси – подшоҳнинг дуоси бўлди.*

Яхши хабарларни жам этувчи кулоққа яна (шу ҳам) эшитилдики, Онҳазратнинг хушдиллигига мувофиқ “Таҳсин ёби” (“Яхшиланишни кўлга киритиш”) тарих деб топилди.

Бешинчи жумодул аввалда шоду хуррамлик боиси подшоҳзода хос девонда муқаддас хузурга келиб ўтирдилар ва (Онҳазрат) кудурат ғуборини муқаддас хотирдан ювиб ташладилар. Ҳакимулмулк, (подшоҳзодани) даволашда ажойиб моҳирлик кўрсатгани ва Исо (пайғамбар, алайҳиссалом) ишини қилгани туфайли (унинг мансабига) бир мингчи қўшимча қўшилиб, асли ва қўшимчаси билан тўрт мингчи бўлиб, ўз яқинлари орасида эътибори ортди.

Шоҳи Олийжоҳ (яъни подшоҳзода) ўзларининг озор топган кайфиятларини қуйидагича баён қилдилар: «Бундан уч йил муқаддам ҳаким Маъсумхон юзма-юз туриб қилинган суҳбатда истиско пайдо бўла бошлаганига киноя (қилган) ва хат билан эса очикдан-очик мен (сизда) истисқонинг асар ва аломатлари мавжудлигини англадим. Имкон борича саломатликни сақлаш ва касалнинг олдини олишга ҳаракат қиламиз. Агар бир қанча кун даво қилинса ҳамда ушбу касалликка сабаб бўлувчи таом ва бошқа нарсалардан ўзни сақлаш амалга оширилса, (у ҳолда касалнинг олди олиниб) хотиржам бўлинади», деган эдилар. Мен ул марҳумнинг сўзларига кулоқ солмадим. Унинг вафотидан кейинги иккинчи йили Чанжига қараб отланганимда, Садам атрофида шу касаллик пайдо бўлди (172а). Ҳаким Муҳаммад Шафи, Ҳаким Муҳаммад Ризо ва Ҳаким Муҳаммад Амин Совжи (Сиёвжи) ҳар қанча дилдан жаҳду жадал қилмасинлар, касаллик кучаяверди.

Шу ҳолатгача бордики, энгнинг доираси қарийб ўн тўрт киреҳга етса ҳам, танглик қилди, оёқ кийими пойчасининг доираси бир газ олти киреҳгача етди. Лозим бўлган парҳез амалга оширилди. Сув ўрнига қосоний арағи, бодиён ва узум шарбати ичдим. Ҳукамолар эса яхши кўриниш йўлини тутиб, подшоҳзода парҳез қилмаётирлар, дедилар. Ҳамма кишилар маъюс тортиб, терининг тарс ёрилиб кетишини кутганлар. Бегим, Муҳаммад Бедорбахт, Гитиоро, Бахтнисо (Нажабнисо), ҳарамдаги ва дурпаланг (эшик атрофидаги) бир қанчалар муаттар хид таратиб турардилар. Ва мен

уйқу ва уйғоклик ўртасида эдим, оёқ томондан рўбарў нуроний бир шахс зоҳир бўлди, ул муқаддас кишининг соқол ва мўйлаблари арпа-бугдой эди. (Ул шахс) яқинлашиб келиб, фасих тилда гапирди: «То ҳолдан тоймасдан ҳақиқий тавба қилгин, Ҳақ таоло зудлик билан шифо кароматини иноят қилади». Ҳар нимагаки ишорат қилинса, тавба қиламан, дедим. Чунончи, ул суратан ва маънан буюк шахс фармойиши билан тавба қилдим ҳамда (шунга асосан) қалб оҳисталиги маҳбус этилган экан, иншааллох, (сўзимдан) қайтмайман. Ул азиз (шахс) назар(им)дан ғойиб бўлгач, Бегим ва кишиларни огоҳ қилдим ва сихат(им)нинг яхши хабарини айтдим, шу лаҳзада (сахрага) эҳтиёж туғилди, бир галнинг ўзида икки катта тоғора (пешоб) чиқиб кетди ва енгиллашиш, қувончлилиқ ҳолати ҳис этилди. То офтоб чикқунга қадар беш маротаба шунчадан (пешоб) даф бўлди ва шишдан етти ҳисса қайтди. Одамлар шофийи мутлак (ягона даволовчи, яъни Тангри)нинг ҳукми билан пайдо бўлган азизнинг ким эканлиги маълум эмасми, деб сўрадилар. Мен ул жанобнинг ким экани, номлари қандайлиги менга маълум бўлмади, дедим. (1726) Аммо эртаси куни у ердан қирқ қуруқ узокликда бўлган Удунидан Шайх Абдурахмон дарвиш (хат) ёздики, бугун тундан уч гаҳри қолганда Ҳазрат амирул-муъминин Али ибн Абу Толиб – қаррамаллоҳу ваъжаҳу ва розияллоҳу анҳу (Аллоҳ унинг юзини азиз ва муқаррам қилсин ҳамда ундан рози бўлсин) – “бу кечаси тавба (қилишни) бердим ва Худойи таолодан унинг шифосини сўрадим, тезда шифо насиб этади, асло ташвиш тортмасин”, дедилар. Соғайгандан сўнг Мустафо Коший ва бошқа навқарларим ўз уйларининг ашёларини жуда кўп бор нақд пуллари билан бирга фуқаро ва хонадонларга бериб юбордилар. Мир Зайнобиддин мустаҳикларга ўн икки минг рупия берди. Ҳидоятхон соғайиш русулидан сўнг бир ҳафта давомида базм бериб, ўн беш минг рупия сарфлаб, одамларни зиёфат қилди. Бегим олтмиш минг рупия маблағни назр тариқасида муқаддас Нажаф ва олий Карбалога юборди ҳамда бир лакҳ ва йигирма минг рупия маблағ олий саркор (сарой)дан Маккаи муаззама (ва) Мадинаи мушаррафанинг мустаҳикларига, бошқа аҳолисига жўнатилди. Шаҳзодалар сон-саноксиз тиллаларни муқаддас аҳлларига бериб юбордилар. Ҳақимул-мулк ва Фазоилхонлар марҳаматзухур ҳузур (сарой)дан етиб келганларида (подшоҳзоданинг) қўл ва юзларида андак шиш бор эди. Ҳақим маъжунил зихоб бердилар, уни ичиш натижасида йиринг пайдо бўлди. У (ҳақим) маълум қилдики, (бу) кўркинчли

эмас, дархол буткул йўк бўлиб кетади. (Сўнг) у ердан сарой томон йўлга чиқдим. Ҳакимга икки минг ашрафий, хилъат, фил бердим ва Фазоилхонга эъзозу икромлар кўрсатдим». Сўз тамом.

Фатҳжанг ўғли Мунаввархон беш юзчи кўшимча билан уч минг беш юзчи, икки минг суворли даражага ўтди (173а). Алимардон Ҳайдарободий келажаги маҳкум душман кўлига тушиб камалган эди, озод бўлди ва ғойибона беш мингчи, беш минг суворли мансаб (берилиши) билан дили шод этилди. Жумлатул-мулк Асадхон, Чанжидан қайтиб келиб, ҳукмга мувофик Нусратобод-Сикҳарда тўхтаб турган эди, талаб қилинишига кўра, йигирма биринчи жумодул аввалда олий даргоҳга етиб келди. Подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг ташвишنامо ишларидан унинг хотирига зўр ваҳима жо бўлган экан, у қабул куни саломгоҳга кириш вақти келганда хослар доруғаси сифатида муборак бахттахтга яқин турган Мулфатхонга оҳиста (ушбуни) ўқиди. Мисра:

*Интиқомда бўлмаган лаззат афуда ҳам бўлмайди.*

Узоқни кўрувчи Онҳазрат тезда (уни) афв этдилар, (мисрани) ўқиб турган вақтда ул аъёнлар пешвоси (умдаи навинон) томонга назар ташлаб, оёқ ўпиш (қадамбўс)га ҳукм килдилар ва унинг бошини хавф-хатар хокидан баланд кўтардилар. Бузург Умидхон вафотидан сўнг Кўкалтош Зафаржангнинг ўғли Сипоҳдорхон Оллоҳобод нозими бўлган эди, (унга) Жунпур фавждорлиги ҳам қўшиб берилди; уч мингчи, икки минг беш юз суворли эди, яна беш юз сувор ва бир курур дом инъом марҳамат этилди.

Хоназодхон роҳдорлик юзасидан Кирехнамуна (Кирехмуна) томон кетган эди, йигирма иккинчи жумодул охирда нурга тўла саройга етиб келди.

Шаҳзода Бедорбахт Баҳодир лаънати ғанимлар жазосини бериш ишига руҳсат олдилар; (уларга) марваридлар қадалиб ишланган балик (тиши) дастали, киймати ўн минг рупиялик ханжар марҳамат қилинди. Хонзамон Фатҳжанг, ўғиллари, яқин кишилари ҳамда бошқалар (ул жаноб) итоатига тайин қилиниб, хилъатлар, мансабларига кўшимчалар, (173б) жавоҳир ва фил ато этилиши билан эъзозландилар.

Йигирма биринчи ражабда шаҳзода Муҳаммад Муъизиддин Пурнола қамалини ташлаб, нур порлаган саройга келдилар, ўз ўғиллари Аъзиддин билан бирга қабулга кириб, олий остонага бош қўйдилар.

Мухторхон мир оташ хизмати билан толе юлдузини яркиратди. Навозишхон Руми Чекла – Муродобод калъасининг хизмати билан дил муродига эришди. Борха саййидларидан олий саркор (сарой) навқари Саййид Олам исмли мансабдор ва Шох Олийжоҳнинг мўътабар навқари Омонуллоҳбек ўзаро ошна эдилар. Кунлардан бирида улар Дарвозаи Кулоҳи подшоҳлигига борадилар, суҳбат жараёнида ҳамжихатлик ёвузликка айланади. Омонуллоҳхон урган жамдхар (зарби)дан Саййид жон беради. Саййидлар биргалашиб Шох Олийжоҳ бунгоҳидаги Омонуллоҳхон қароргоҳи томон юрадилар. У тарафда ҳам кўп жамият йиғилади ва (зўр) ҳангома авжига минади. (Бу ҳақда) маълум бўлгач, Мухторхон мир оташ ул томонга бориб, иложи борича сулҳга келтиришга маъмур этилади. Хукмга мувофиқ, мазкур хон душманлик ўтини ўчиришга ҳаракат қилади. Лекин саййидлар жанжални бас қилмайдилар. Содир бўлган аҳволнинг кайфияти мўътабар оятнинг ягона (тўғри) арзида баён этилган: **“Агар мўминлардан икки жамоа бир-бирлари билан урушсалар, уларнинг ораларини келиштириб қўйинглар. Шундан кейин ҳам улардан бири иккинчисига зулм қилса, ул зулм қилувчи билан курашинглар, токим у Худонинг буйруғига бўйсунгунига қадар”**<sup>23</sup>. У кун ўтди, эртаси куни саййидлардан бир жамоа адолат девонида бир чеккага чиқиб турди (174 а). Қозиул-қуззотга мурожаат қилсинлар. Улуғ шарият юзасидан нимаки мувофиқ бўлса, амалга оширилсин, деган буйруқ бўлди. Жамоа (бир овоздан) «Қозининг олдида бормаймиз, рақиб билан (нима қилишни) ўзимиз биламиз», дейишди. Бу сўзлар муборак хотирга қаттиқ тегди ва қўлларини (зўр бериб) бир-бирига ишқалаб гапирдилар: «Менинг қўлимдан ҳамиша зарба еб келган жамоа ҳали мени таъна қилиш фикрида бўлдим, улар ҳар қанча керак бўлса гапирсинлар, тўдалашиб келсинлар». Ва ҳукм бўлдими, хос чуқи, жилови қадим ва жилови хос (хизмати)даги саййидларнинг ҳаммаси бартараф (килинсинлар) ва ғусулхона дарвозаси олдида ўтирганларнинг барчаси хиймадан – шоҳона чодирдан чиқсинлар, қани бирор-бир дам чиқарадиган гапдон топилармикин. Сафийхон ва Саййидхон ҳамда шуларга ўхшаш аъёнлардан (бир қанчаси) иқтидорлилар соҳиби, яъни подшо хонасига эмакляб яқин келишиб, минг-минг тил билан уқтирдилар: **«Биз бошқа ҳеч вақт ғзаб қўзғатувчи ва бартараф қилинадиган**

<sup>23</sup> Қуръони карим Хужурот сурасининг 9-оят.



бўлмаймиз». Бир қанча вақт кечирим сўраш, илтимос ҳамда аҳвол тушунтирилишидан сўнг ширин сўзликка (тилёғламаликка) ўтдилар. Сўнг адаб тиззасига ўтирдилар.

Ушбу қонли кунларда бир қанча (аҳмоқлар) – шахзода Муъзиддиннинг қарийб йигирма нафар мулозими ул жаноб девонининг саркори Афзалалихон билан келишолмай қолдилар ва исён ҳолати, келишмовчилик шу даражагача бориб етдики, кимда-ким насихат юзасидан уларнинг ғафлат қулоқларига келишувчилик пахтасини тикадиган бўлса, сўкишдан бошқа жавоб эшитмади. Бу ишлар ҳақидаги хабар (ҳам) етиб келди. Шу яқин орадаги саййидларнинг нафратни орттирувчи воқеаси муқаддас хотирда (бор) эди. Шунга асосан, имзоланиши зарур бўлган ҳукм чиқдики, Ҳамидиддинхон бориб, у жамоани қасоскорлик ишларидан четлатсин. Мазкур хон устларига борганида, улар атрофларга қочиб кетмадилар, (балки) ўзларини ёниб турган ўтга ташладилар. Парвонанинг бисоти маълум. Агар (1746) (уларнинг) мингларчаси жам бўлса-да, бир муштипар бўлолмайди. Аммо охираат сафарига ҳам тайёр турган бу бир қанча киши устига ул минг нафар киши хужум қилганларида, барчасининг устувор қадамлари жойидан кўзғолди ва чидаёлмай, хотирларига қочишдан бўлак фикр келмади. Шу аснода Хон Баҳодир минган фил хужум ва ғавғолардан чўчиб кетиб, жанг майдонидан қочди ва бир қуруқ чамасидаги подшоҳлик (қа тегишли жойлар) томон бурилиб кетди. Хон ғалла учун омбор қилинадиган қатта-қатта жулларни кўрди. Фил (ниҳоят) тўғри ва текис йўллардан ўтиб, ўзини тутиб олди, ҳовуздан чиқиб, унинг бўйида чўккалаб қолди. Одамлар фил орқасидан бориб, уни (жойига) келтирдилар. (Аммо) хон бошқа бир (филга) миниб, жанг майдонига келди. Охири ул жонини эслоқчилар уни ўтга (ташлаб), ўзларини ёндириш билан ажал қаърига кетдилар.

*Оламгирнинг зафарларга тўла жулузининг бир минг бир юз  
бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
саккизинчи йили бошланиши*

Лутфи қарам ойлариининг равнақи, баракот даврининг шодхуррамлиги, саодатбўй тонгга файз бахш этувчи, хайранжом ишлар файзи-фуйўзоти муборак рамазон ойи уфқининг ихсон назаргоҳидан мунтазирларга ислом қошлилар қоши бўлиб кўринди ҳамда одамнинг бахтиёрлик ва табрик эшиклари савоб иш ахтар-

ганлар олдида лозим бўлганича кенг очилди. Адолат ва ҳақиқат осмонининг куёши тўғри ва ҳақ йўлни (тутишни тақозо этувчи) бахтиёр ийд – байрам кунларида кеча ва кундуз Тангрига ибодат қилиш билан саодатмандлик топдилар. Хайр-саховатли иш қилиш бахтиёрлиги билан ўзларининг кароматли ҳолатларини хуррамлик, вақтихушлик ва хурсандликда ўтказдилар.

Мухбирларнинг ёзганларидан олий саройга маълум бўлдики, Акбаробод нозими амирул-умаро Шойистахон Ҳақнинг чақириғига “лаббайка” деб жавоб берган. Ул олийшон, амирлар пешвосининг ажойиб ахлоқи ва мақтовга сазовор хулқи бундан ортик қандай ҳам бўлиши мумкинки, унинг ҳиммати ва эҳсонининг овозаси бутун оламни қамраб олган. Лак-лак (рупиялар) сарф этилиб, работлар ва кўприклар (қурдириш) каби хайрли ишлар эвазига бутун чаҳордонак – Ҳиндистон худудида ундан кўплаб (175а) ёдгорликлар қолган. Ул саховатли вафотидан сўнг Аъзамхон Куқанининг ўғли Солиххон отасининг собиқ “Фидойихон” хитоби билан хитоб қилиниб, Гвалиёр фавждорлигидан Акбаробод субасининг соҳиби даражасидаги улуғ мартабага кўтарилишга муяссар бўлди.

Бахшиул-мулк Баҳрамандхон тўрт мингчи, икки минг беш юз суворли эди, ўн еттинчи зулҳижжада бир мингчи қўшимча билан беш мингчи даражага кўтарилди. Зулфиқорхон Баҳодир тўрт мингчи, уч минг суворли эди, бир мингчи зот қўшимча билан беш мингчи олий мансаб мартабасига кўтарилди. Бахшиул-мулк Мухлисхон икки минг беш юзчи, олти юз суворли эди, беш юзчи, бир юз сувор қўшимча билан уч мингчи, етти юз суворли мансабга кўтарилди. Фозилхон хонисомон беш юзчи (қўшимчага) эга бўлиш билан икки мингчи, беш юз суворли юқори даражага чиқиб олди.

Йигирма еттинчи сафарда Исмоилхон Макхо душман қўлидан озод бўлиб, саройга келди. Индийдан то Муртазоободгача (бўлган жойлар) роҳдорлигига тайинланди; у беш мингчи, беш минг суворли эди, бир мингчи қўшимча олди. Хоназодхон подшоҳга таъзим бажо келтирилишига масъул хизмат (чуқи хос бандалар) до-руғалиги билан мумтоз этилди. Аскархон Хайдарободий Уда субасининг нозими этиб тайинланди.

Рожа Баҳим беш мингчи асли маконига ошиқди.

Амирул-умаронинг ўғиллари Эътикодхон ва Абулмаъоли ҳамда ул жаннатмакон саркорнинг девони Мурлидҳар еттинчи жумодул аввалда нурга тўла саройга келиб, мотам хилъатларини олдилар.

Ихлоскеш сарой (номи)дан Учинга бориб, жанжалли ишларни ажрим қилгандан сўнг остона ўпишга кирди.

Саккизинчи ражабда Бихар субасининг нозими Бузург Умидхон дунёдан умидини узди.

Эътикодхон ва Абумаъоли хилъатлар иноят этилиши билан (1756) мотамдан чиқарилдилар. Унинг (Умидхон) вафотидан сўнг Фидойихон Бихар субадорлигига умид ипини маҳкам боғлади. Унинг (Фидойихоннинг) ўрнига Мухторхон Акбаробод субасининг нозими (идора иши) билан имтиёз томон ошиқди. Хоназодхон (Мухторхон ўрнига) мир оташлик хизмати билан омадли пешонасини мунаввар этиб, (илгари) икки минг беш юзчи эди, беш юзчи қўшимча олди.

Улуғ мансабли бахшилар шон-шавкат осмонининг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Муаззамни қирк мингчи, қирк минг суворли дафтариغا киритсинлар, деган кароматнишон ҳукм ша раф билан чиқди.

Нурга тўла мунаввар саройда ва субаларда ражпутлардан бошка қувғин этилган ҳиндилар яроғ такмасинлар ҳамда фил, тахтиравон, арабий ҳамда ироқий отларда юрмасинлар, деган фармон бўлди.

Йигирма олтинчи шаъбонда Қутбободдан кўчилиб, йигирма саккизинчида бешинчи маротаба доруз-зафарнинг Навраспур ва Афзалпур томонидаги ноҳияларида иқбол чодири тикилди.

**Оламгир жасуруна жулусининг бир минг бир юз олтинчи  
ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз  
тўққизинчи йили бошланиши**

Фалак (осмон) зеби, замин (ер) зийнати, ой юзлилар кумуш бадани, баракамазмун рамазон ойининг ҳусн таратувчи очиқ нозли чехраси ул хушхиром ва дилнишин (кўнгилларга мақбул)нинг ташрифига муштоку мунтазирларга ўз вақтида жилва билан намоён бўлди. Дунё ва дин тахтининг равнақини орттирувчи (Онҳазрат) давлат дўстларини навозиш этиш ва миллат душманларининг гуноҳидан ўтиш билан машғул бўлдилар. Саодатнинг юқори босқичи ва юқори даражали илтифотларни бир ерга тўпладилар. Бараҳманпурида лозим қулайлик бўлмаслиги жиҳатидан, хайр ва эҳсон далолатига кўра, рўза кунларини шу ноҳияларда якунига етказдилар.

Хон Жаҳон Баҳодир Зафаржанг (176а) кунлардан бирида адолатгоҳда кичик бир юмалок чинни офтобани мунаввар назардан

ўтказди. Бу Мусонинг – унга Аллоҳнинг салавати бўлсин – офтобасидир, деб айтди. Онҳазрат унга нигоҳ ташладилар, (сўнг) шахзода Муҳаммад Муъизиддин ва Муҳаммад Азимларга бердилар. Унинг (чинни офтобанинг) гарданида чиройли хат билан бир хилда икки сатр нақший (сўзлар) ёзилган. Шахзодалар бу иброний (яхудий) хати бўлса керак, дедилар. Баҳодир ҳарфлар ҳолатини қараб чиқиб, “иброний-мибронийни билмайман, (менга) сотган одам шундай деб айтди”, деди. Онҳазрат дедиларки, булар ҳарфлардир, бир-бирига жуда ёпишиб кетган, бу буюм ҳаммага маъқулдир, (бунда) чуқур мазмунли ва машҳур ажойиб нақллар битилган. Роқим (ушбу сатрлар муаллифи) бу ҳодисани бевосита эшитгани туфайли ёдгорлик сифатида ёзди.

Кароматнасим шамолгоҳдан иноят шамоли эсдики, Хизматкорхон нозир хос хилъат олишга манзур бўлган Хўжа ҳамроҳлигида иззат кутбулфалаги подшоҳзода Муҳаммад Муаззам манзилига борди ва (подшоҳзода) тасбеҳхонада салом-сўрашиш билан сарафроз бошларини кўкка (осмонга) суртдилар. Ва Онҳазрат билан бирга адолат девонига келиб, икки оғиз «шукр» деб оёқ ўпишга муяссар бўлдилар. Онҳазрат мукаррам пешона(лари)ни уларнинг пешонасига қўйиб, (ул жанобга) нур таратувчи файз бахш этдилар. Расм-одоб бажо келтирилгандан сўнг, киймати бир лакх рупиялик сарпеч, қилич ва қалқон, нақшланиб ясалган тилла эгарли бир от, кумуш эгарли бир фил ҳамда талойир марҳамат этилиб, давлат манзилига элтиб қўйишга имо қилинди.

Амирул-умаронинг ўғли Худобандахон отаси вафотидан сўнг Бехроиж фавждорлигидан муқаддас остонага келиб, мотам хилъатига (1766) эга бўлди. Ҳамидиддинхон беш юзчи қўшимча олиб, йўқотган амалини бир минг беш юзчи, беш юз суворлига чиқариб олди.

Хилофатнинг қатта ўғли ҳамиша ўнг қўл (томон)да ўтирардилар. Ул жаноб узлатда бўлган кунларида Шох Олийжоҳ бу мартабага кўтарилган эдилар. Катта ўғил томонидан арз қилиндики, байрам куни илтифот юзасидан улуғ хоқоннинг банди ҳақидаги ҳукми қандай? Ҳукм қилинди: ийдгоҳга (сарой) аҳлидан аввал бориб, ўнг қўл тарафда ўтирсинлар. (Катта ўғил) ҳукмга мувофиқ иш тутдилар. (Сарой) аҳли зинага етганда, ул жаноб олдинга ўтиб буйруққа итоат этиш ва оёқ ўпиш билан муаззиз (иззагли) бўлдилар. Онҳазрат кучоклаб (кўришганларидан) сўнг ул жанобнинг чап қўлларини муборак ўнг қўллари билан ушлаб, намозга

ташриф буюрдилар ва шу ҳолатда ўтирдилар; катта ўғил ўнг қўл томонда пайдо бўлиб, Онҳазрат билан ёпишиб ўрнашдилар. Шох Олийжоҳ эса орқама-орқа келдилар ва қўлларида махсус шамшир бор эди. Саройга етиб келинган, (Шох Олийжоҳ) биродари томон ишора қилиб, (унинг Онҳазратдан) узоқроқ туришини ва ўнг қўл томонда ўтирмаслигини хоҳладилар. Онҳазрат нигоҳи бу тарафга тушиб қолиб, ўнг қўллари билан Олийжоҳнинг этагини ушлаб чап томонга тортдилар... Намоз адо этилган, хатиб муборак номни улуғлаш учун минбарга чиқди. (Онҳазрат) Олийжоҳнинг қўлини ушлаб ўринларидан турдилар. Ва катта ўғил(лари)га ишора билан отга минишга рухсат берилди. Ул жаноб учинчи дарвоза орқали ўғиллари билан бирга чиқиб кетдилар. Онҳазрат иккинчи дарвозадан чиқдилар.

Муҳаммад Акбарнинг қизлари Закиянисо ва Сафиянисолар буйруққа мувофиқ саройга келган эдилар, уларнинг васли подшаҳзода Рафиъулқадр ва Муҳаммад Хужаста Ахтарларга (177а) муқаррар этилди.

Салтанатнинг катта ўғли, шону шавкат кўзининг нури Муҳаммад Муаззам ўттиз тўққизинчи йили бешинчи шаввол, пайшанба кuni тасбеҳхонада салом-одоб маросимини бажо келтириш (ва) ул жаноб давлатхонасига манзур Акбарободга кетиш учун Хўжа келтирган рухсат хилъатини (олиш) билан эъзозландилар. Ва адолат девонида Онҳазрат (дийдори)га мушарраф бўлиб, олий қадам ўпиш давлати билан ифтихор бошларини фалакка етказдилар. Онҳазрат улуғликка муносиб пешонани ўлиб, эъзозлаш билан иқбол обрўси бўлмиш пешона нуруни янада орттирдилар ва фотиҳа ўқиб, подшоҳзодага рухсат этдилар. Муҳаммад Рафиъулқадр ва Хужаста Ахтарлар ҳам ул жаноб билан бирга (кетишга) рухсат олдилар. Муҳаммад Муъизиддин ҳамда Муҳаммад Азимларни зафар жилов (хизмати)да ушлаб қолиб, подшоҳзодани то чодиригача кузатиб қўйишга маъмур этилдилар.

***Фалакка етувчи байроқларнинг доруз-зафар Бижонур ноҳияларидан Ислонпури деб номланган Бараҳманпури мавзеи томон ҳилпираши***

Еттинчи шавволда жанглarda ғолиб келувчи (зафарпайкар) лашкар Навраспур ва Афзалпурдан (чиқиб) манзилма-манзил ўтиб, мазкур ойнинг ўн еттинчисида Бахмиро (Ҳамиро) дарёси

бўйидаги Бараҳманпури мавзеининг майдони оламни фатҳ этувчи (жаҳонкушо) байроқлар порлашидан мунаввар бўлди. Буйруққа мувофиқ, барча подшоҳзолалар, шаҳзолалар ва аъёнлар ул севинчинон маконга бахтли ташриф буюрилишининг муборакбод табрик саломини бажо келтирдилар.

Давлатхонага етиш вақтида Шоҳ Олийжоҳ чодиридан ўтишга тўғри келди, (Шоҳ Олийжоҳ) қароргоҳининг давраси катта бўлиб кўринди. Жарибкаш (қароргоҳ даврасини) ўлчасин ва ул жаноб чодирининг ўрами улуғ шохлик чодир (волошохи) айланасидан (1776) ортиқ бўлиб кетмасин, деган ижроси вожиб ҳукм чиқди.

Рухуллоҳхоннинг муҳтарама қизидан шаҳзода Муҳаммад Азим хонадонидан бир ўғил туғилди, беш юз муҳр назр назардан ўтказилди. Туғилган бола Рухулқудс деб номланди.

Йигирма иккинчи муҳаррамда Мухторхоннинг бахт юлдузли қизидан шаҳзода Бедорбахт Баҳодир хонадонидан бир ўғил дунёга келди. Шоҳ Олийжоҳ севинчга тўла саройда табриклаш расмининг адо қилиниши билан масрур этилдилар ва беш юз муҳр назр ҳавола қилдилар. Янги меҳмон Фирузбахт исми билан номланди.

Йигирма иккинчи сафарда Муъизиддин ва Муҳаммад Азим мустақирул-хилофат Акбарободга, Шоҳ Олийжоҳ хизматига руҳсат олиб кетдилар. Ва (уларнинг) ҳар бири салла билан бирга хилъат, нимаи остин, турра, малоийи марварид ва фил олдилар. Худобандахон билан жумлатул-мулк қизининг никоҳ тўйи муқаррар бўлиб, у хилъат олди.

Зулфиқорхон Баҳодир асли ва қўшимчаси билан беш мингчи, тўрт минг суворли мартабага эга бўлиб, иззат бошини зангор фалақдан чиқарди. Баҳшиул-мулк Баҳрамандхон беш мингчи, уч минг суворли шарафли мансабга эга бўлиш билан, шубҳасиз, иззат поғонасига кўтарилди. Баҳшиул-мулк Мухлисхон уч мингчи, бир минг суворли даражага кўтарилди. Ҳамидиддинхон асли ва қўшимчаси билан икки мингчи мансабига эга бўлди.

*Хоназодхон, Қосимхон ва Ҳимматхон Баҳодирлар ногаҳон қазодан келган офат балосининг маҳшарига учрадилар ва (бирин-кетин) ҳисобдан ўчиб, (бир-бирларига) ўхшаб қолдилар*

Олам фалак (дек баланд) бўстон бисот сарой (боргоҳ)га арзга етдики, (178а) жазоланган ва қочқинлар билан тўла нотинч Бе-рар мулкининг бахтсиз ғофиллари лашкар (турган жой)дан сак-

сон курух масофа узокликдаги жазирама иссиқ, бахтсизлик дашти бўлмиш ўз вайроналарига ўтиб кетмоқчи бўлдилар. Ахвол ниҳоятда оғир деб ҳисобланиб, (ушбу) бўйсундирилган ўлканинг сардорлик ишида ҳукумат байроғини баланд кўтарган (ва) яхши банда бўлишга интилаётган Қосимхон номига шараф билан (шундай) олий ҳукм чиқарилди: «У ўз жамияти одамлари билан кутурган (душман йўлини) кесиб ўтсин ва Хоназодхон, Сафшиканхон, Саййид Асолатхон, Муҳаммад Муродхон ва бошқалар билан биргаликда (улар ҳам жиловнинг хос мансабдорлари ва хос чукилар ҳамда барча кўпдан-кўп ҳифта чукилар, каромат зухурли саройдан тайин этилган тўпхонадан иборат муносиб жамиятга — кучга эга) кутурган душманнинг танбеҳини бериб қўйсин».

Йигирма учинчи жумодул охирда юкорида номлари зикр қилинганлар душман устидан олти курух масофани кесиб ўтиб, бир-бирлари билан учрашдилар. Қосимхоннинг уй жиҳозлари Уданийда эди. Шунга кўра у Хоназодхон кишилари ва бошқаларни ҳам зиёфат қилиб кўнгил хушлашни хоҳлади. Лекин кўрсатилган қимматбаҳо буюмларни Карнатики аркидан истифода учун келтириш имкони бўлмади ва қалъадан олтин, кумуш, мис ва чинни идишлар келтирилиб, эртаси куни ўзининг пешхона (қабулхона)сини ва бошқа амирларини уч курух масофа илгарига юборди. Душман пешхона келганидан хабар топиб, ўз одамларини уч гуруҳга ажратди. Бир қисмини қабулхонани талон-торож қилишга ва бошқа бир гуруҳни лашкарга қарши курашишга (тайинлайди) ва қолган барчасини алоҳида-алоҳида қилиб тартиблади.

Қабулхонага қарши жўнатилган қисм куннинг тўртинчи қаҳрисида ҳамла қилиб, кўпларни ўлдирди ва ярадор қилди, нимаики бўлса, ҳаммасини талади. Ногоҳ бу хабар номи зикр этилган хон (Қосимхон)га етиб келди. (1786) У Хоназодхонни уйғотмай, ўзи қаршилиқ кўрсатишга ошиқди. Бир курух ҳам йўл босмаган эдики, қарши курашга тайёр турган душман лашкари кўринди ва жанг бошланиб кетди. Хоназодхон уйқудан уйғониб, бу хабарни эшитгач, юқларини, чодирини, буюмлари ҳамда барча оғир нарсаларини жойида қолдириб, шошилинч равишда жанг бўлаётган томонга йўл олди. Узокдаги пиёда бундукчилар ёвуз душман томонида эдилар. Отликлар ҳам чексиз зўр жангу жадалга дуч келдилар. Ҳар икки томондан кўплаб одамлар ўлдирилди. Аскарлар ва сардорларнинг сабот ва истиқоматларига ҳамда манфур арбобларнинг (кўплаб) ўлдирилишлари, ярадор бўлишларига қарамай,

душман бир қадам ҳам орқага чекинмади ва унинг қарорига ҳалал етмади. Шу пайт ёвуз кофирларнинг махсус тайёр қилиб қўйилган бўлинмаси орқа томонда қолдириб келинган чодир ва мол-буюмларга ташланди ва ҳамма нарсани талон-торож қилди. Бу хабар ҳам айна жангу қатл кизиган вақтда Хоназодхонга етиб келди. Уларнинг мустаҳкам бинолари зилзилага учради ва ўзаро кенгаш қилиб: “Қабулхона борган жой Дудхири қальчасидир ва унинг олд томони кўл, (шу жойга) бориш керак, ҳаммаси бўлиб бир қурух йўлдир”, дейишди. Жангчилар шом пайтида кўлга етдилар. Шу вақт душман бу жамоани маккорларча алдаб – чекинаётган бўлиб атрофини қуршаб олди. Подшоҳликнинг қалъадаги кишилари йўлга чиқиб, (бу жамоага) қўшилди. Мазкур хонлар ва бошқалар нимаки ўзлари билан олган бўлсалар, бошқалар билан баҳам кўрдилар. Бутун қўшин кўлнинг тоза сувидан бўлак истеъмолга бирон-бир нарса топмади. (Ҳар ким) от ва филлар учун иложини қилганича сомон ва дон олганди, (179а) тун (қора) чойшабини юзига тортиши биланок юзи қора ғаним (уларнинг) яқин-атрофи томон йўл олди. Лашкарлар ҳиммат ва жонфидалиқ камарини маҳкам боғлаб, (душманга) юзма-юз бўлди. Душман ҳам уч кунгача кўриниб турди, аммо жанг қилмади. Читлудурк ўлкасидаги Қосимхон дастидан хас тишлаган бир неча минг пиёда (аскар) вақтни ғанимат билиб, хусумат қилиш йўлини тутди. Тўртинчи кун ҳали тонг ёришмасиданок жанг бошланиб кетди. Бундан бир оз аввалроқ эса қочкин пиёда(лар) сахро юзини ўз қора юзлари билан қора этган эдилар. Тўпхонанинг кўп буюмлари талонга учраган, қолгани ҳам ишлатиб бўлинган эди. (Тўпчилар) бир қанча соат давомида ўқ узиб, ғавғо солишгач, (сўнг) ожизликнинг қора кунига рўпара бўлдилар. Ёвуз кофирлар томонидан эса милтиқ ўқлари дўл қаби ёғдириларди. Бу ерда ҳам кўп кишилар талафот майдонини ҳосил этдилар, қолганлар эса чиқиб кетишга тўрт томондан йўл тополмай, мажбурият орқасида чор-ночор қалъача ичига кирдилар. Ул қиёматангиз (воқеа)да шахсан иштирок қилиб, айна иш бошида турганлар жанговар сипоҳларнинг энг яхши (қисм)лари ҳар икки пешхонада, йўлда ва кўл бўйида душманларнинг аёвсиз тигларига ет бўлганларини айтишди. Душман қалъача агрофини қуршаб олгач, улар (қамалдагилар) очликдан ўладилар, деб хотиржам бўлди. Қалъачага кирилган кун у ердаги қатта ва кичикнинг бари учун қолган озик-овқат сифатида арпа (жавор) нони ва божира, туёқли моллар учун янги ва эски чаҳр



колган эди. Эртаси куни на одамларга нон (1796) ва на отларга арпа топилди. Бундай бедаво дарддан жон тезда қоврилиб кетди. Қосимхон тарёқни ниҳоятда кўп истеъмол қилар эди, (унинг) йўқлиги жиҳатидан ҳаёти ҳалокат томон юз тутди. Олтинчи куни жонини жондорга топшириб, уни душман кўли(га тушиш)дан олиб кочди. Бу хабардан воқиф бўлгач, у (душман) янада дадиллашди ва камалдагилар эса маъюс тортиб, чўчиброк қолишди. Жасоратли ботирлар неча бор: «Оч қолиб ва кўп қийналиб шу оғир аҳволда ўлгандан кўра, ўзимизни бир маротаба душман устига ташлаб ё шаҳид бўламиз ё ғалаба насиб қилади, ҳар икки ҳолда ҳам азобдан холи бўлинади», деб уқтирсалар ҳамки, жамоа бошлиқнинг оқилона сўзларига қулоқ солмади.

Кўп кишиларнинг очликдан ўлишлари ва отларнинг ҳам бирин-кетин ўз ҳаётларини сомон сингари еб тугатишлари ҳамда душман бир истеҳкомни таг-туғи билан яксон этгани ва атроф-теварақда (бир қанча жойларни) қўлга киритгани сабабли Хоназодхон ночор нажот истаб (душманга) паноҳ тортди. Шунга келишилдики, Қосимхон нақд пуллари, буюмлари, жавохир, от ва филларини Синтога топширади. Ва булардан бошқа яна йигирма лакх рупия (берадилар) ҳамда унинг (Синто) хонадонининг ишончли ва мадор соҳиби, мунший Болкашннинг ўғли қайтариб берилади. Шунга амал қилинди. (Сўнг) Синто: “Одамлар васвасага берилмай, қалъадан чиқсинлар ва икки кеча дарвоза олдида тунасинлар. Ким, нима оўса (олсин), унга ҳасислик қилмайман. Нарса олганга зиён-заҳмат етказилмайди. Нимани истаса, шуни бизнинг лашкарларимиздан харид этсин”, деб айттириб юборди.

Подшоҳлик лашкарлари ўн уч кун деганда қалъадан чиқдилар. Душман кишилари (уларга) бир томонда нон ва иккинчи томонда сув тарқатдилар. Икки кеча қалъача дарвозаси ёнида турдилар. Учинчи куни Хоназодхон шериклари билан бирга душман соқчиларининг назорати остида олий даргоҳ томон равона бўлди. Саройдан Ҳамидиддинхон ва Ҳайдарободдан Рустамдилхонлар (180а) камалдагиларга ёрдам беришга буйруқ олган эдилар. Улар Удани яқинида (Хоназодхон) ва унинг шерикларига дуч келдилар, мазкур кишиларга чодир, кийим-кечак ва нақдина (пуллар)дан иборат зарур ёрдам бериб илтифот кўрсатдилар. Қалъадор Раъдандозхон ўз имкониятидан зиёда даражада ёрдам қилишга уриниб, ҳар бир хонадондан ҳамда теварак-атрофдан керакли нарсаларни эҳтиёж талабидан зиёда равишда йиғди. Шунча ғаниматларни

қўлга киритгандан сўнг ғаним ўз харобаси томон равона бўлган эди. Душманларнинг танбеҳини бериш ҳақида фармон чикканига карамай, одам кам юрадиган йўл орқали ўтиб, Басво Патнда бекиниб олган Ҳимматхон Баҳодир билан уруш қилишни истади. Хон Баҳодир мингдан ошиқ бўлмаган отлиқлари билан ёвуз душман устига ташланди. Бадкирдор кофирлар ўз (юртлари) томон ўтиб кетишларига жуда яқин қолган ҳам эдики, кўккисдан келган бундук ўки унинг (хоннинг) жигарига тегди ва шу соатнинг ўзида (Хон Баҳодир) моликул-мулкка жонини топширди. Филбон оркага қайтишга чоғланганида хоннинг сипоҳсардори Боқибек унга яқинлашиб: “Хон тирик, душман билан учрашганимда олдиндаги фил жанг қилди ва яхши турди”, деди. Аммо сардорсиз (қўшин) каергача борарди. Қалъа яқин жойда эди, шу ерга кирди. Ва душман фавж(лар)и молу буюмларни талади ва қалъани бир неча кун камал ҳолатида тутиб турди. Бу ишдан бирор наф бўлмагач, жўнаб колдилар ва Боқибек фурсат топиб саройга келди.

«Хоназодхон Зафаробод субаси нозимлигига, Сафшиканхон – Дҳомули, Саййид Асолат – Ритхувар ва (1806) Муҳаммад Муродхон – Дуҳадуқудра фавждорлигига борсинлар ва бошқа лашкарлар олий ўрдага қўшилсинлар», деган ҳукм бўлди.

Қадрдон хокон Хон Жаҳон Баҳодирга ва шаҳид бўлган хоннинг бошқа ўғилларига мотам хилъатлари (инъом қилиш) билан уларни мотамдан чиқардилар ва диловиз (кўнгилни банд қилувчи), тасаллиомиз сўзлар айтиб, унинг (Хон Жаҳоннинг) хаста дилига малҳам бўлдилар. Ул умдатул-мулкка шахсан ўзларининг саховатли қўллари билан бир қанча қахрвали (қаҳрули) иноят қилиб, дурлар сочувчи тил билан дедилар: “Биз пон ўрнига шу нарса ни едик”. Боқибек беш юзчи мансабига эга бўлди. Сафшиканхон ўрнига Лутфуллохон ахтабегилик ва у (Сафшиканхон) Хоназодхон ўрнига хос чукилик доруғаси хизмати билан сарафроз бўлди. Муҳаммад Козим ўрнига Бидар субаси(дан олинадиган) жизя (солиғи) амини Ихлоскеш Андур парганасининг мудофааси ва фавждорлиги хизматига тайинланди. У тўрт юзчи, эллик суворли эди, юз сувор қўшимча олди.

Шоҳ Олийжоҳ Баҳодиркада томон бахтиёрлик билан жўнаб кетдилар. (Ул жанобга) нимаи остин, салла, малойи марварид, зумрад муттако ва лаъл узук марҳамат қилинди. Шаҳзода Воложох хилъат ва урийси иноят қилиниши, Жаҳонзеббону бегим лаъл гулавовиз инъом қилиниши билан хушнуд этилдилар. Хос-

лар доруғаси Мултафатхон асли ва қўшимчаси билан икки минг беш юзчи, икки юз суворли мансабига кўтарилиб, яқин кишилари хавас кўзи билан қарайдиган даражага етди.

**Оламгирнинг иқболга молик жулусининг бир минг  
бир юз еттинчи ҳижрий йилига тўғри  
келган қирқинчи йили бошланиши**

Ушбу бахорга эгизак кунларда холикул-ихсон (ихсонлар яратувчи – Тангри)нинг файзлар билан суғориши (181а) аввало, рамазон ойи кириб келиши билан динёворлар (дин ёрдамчилари) кўнгил гулларини боғ-боғ очди. Ниҳоят, рўза чаманидаги ийд (хайит) ғунчасини юз турли рангланиш ва товланиш билан художўйлар жамиятига гулафшон этди (гуллар отди).

Олампаноҳ динпарвар посбон (ва) шариятни кенг таркатувчи, худоогоҳ хоқон худопарастлик ва раиятни муҳофаза этиш ниҳолини тарбия қилиш, келажакни кўриш ва ҳушёрликнинг азм дарахтини парвариш қилиш (матнда – “сувлаш-суғориш”) билан ўзларининг дин ва дунё боғларини жаннатдек гуллатдилар.

Рўза тутиш, жума (намозини) адо этиш ва эътикофга ўтириш ҳамда ийд намозини бажо келтириш жиҳатидан рамазоннинг биринчи куни инони таважжухни Исломпуридан Шулопур томон қаратдилар. Ва ул маконда ойнинг ҳамма кунлари ибодатни ўрнига қўйиш ва хайрли ишларни кўлайтиришга (эътибор) қаратилди.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг ўғли Султон Мухиссуннат мулозаматга кириб, ўз дўстлари (орасида) шу куннинг сарафроз этилгани бўлди. Шохвердихоннинг ўғли Ширафканхон Нардар (Набрур) фавждорлиги (ҳамда) асли ва қўшимчаси ила бир минг беш юзчи, бир минг бир юз суворли мансабга кўтарилиш билан эътибор қозонди. Арслонхон бир мингчи эди, беш юзчи қўшимча олди. Тарбиятхон икки юз сувор қўшимча олиш билан икки мингчи, бир минг икки юз суворли бўлди. Саййид Азаматуллоҳхон беш юзчи қўшимча олиб, икки мингчи, тўққиз юз суворли мартабасига етди. Бахшиул-мулк Мухлисхон Соибнинг бир лакҳдан зиёдрок байтлардан ташкил топган, чиройли хат билан ёзилган девонини ҳамма нарсани биладиган доно хоқон ва кадр-қимматга етадиган ҳоким назаридан ўтказди. Ҳаётнинг ягона мунтахаби бўлмиш ул (девон)нинг аксар ашғорлари панду насихат ва фойдали (фикрлардан) ташкил топгандир, офаринлар айтилди ва матлаъи (181б),

иккинчи байти ҳамда мактаби ушбу байтлардан иборат ғазал бир канча муддат давомида (Онҳазрат)нинг муқаддас оғзидан тушмади ва соҳиби таъблар (бу ғазалга) тақлид қилиб (шеърлар) ёздилар:

*Қанот ҳам бўлса-да, қадни кўтариб кермоқ керак,  
Кўприкни сув оқизса, тузатиб ўтмоқ керак.  
Ҳар неки даркор бўлса, қуриш кераклиги  
ўз-ўзидан тушунарли,*

*Ҳатто жаҳон ишларини тузиб яшаш керак.  
Бу сафар Соибнинг ўзга сафарлари каби эмас,  
Вужуд либосини ечиб ташлаб, сафар қилмоғи керак.*

Тарбиятхон душманларнинг таъзирини бериш учун Миҳодю тоғи томон кетган эди, мулозаматга кирди, хилъат олиш билан иззати ортди. Марҳум амирул-умаронинг ўғли Эътиқодхон Рожа Бишан Сингх ўрнига Исломобод фавждорлиги хизмати билан (ўз) давлат(мандлиги)нинг асосини мустаҳкамлади.

Ун учинчи муҳаррамда шаҳзода Рафиъулқадр ва Хужаста Ахтарларнинг ҳар бири минг сувор кўшимча олдилар. Катхонун (Гахотун) тҳанадори Ром Чанд асли ва кўшимчаси билан икки мингчи, бир минг беш юз суворли дуаспа (мансаби)га сарафроз этилди, (суюнганидан) шаталок отиб чошиб кетди.

Тарбиятхон бир минг беш юзчи мансаб ва Кух Маҳодю тҳанадорлиги билан эъюзланди. Бехдовар (Ҳабдовар) заминдори Рожа Қулён Сингх, муқаддас остонага келган эди, (унга кетишга) рухсат берилди. У етти юзчи, тўрт юз суворли эди, икки юзчи, икки юз сувор кўшимчага эга бўлди. Муридхон ўрнига Худобандахон аҳадийларнинг биринчи мир бахшигирлиги хизмати билан бахтиёр бўлди.

Улуғлик (денгизининг) кимматбаҳо гавҳари подшоҳзода Муҳаммад Муаззам қатъий ҳукмга мувофиқ йигирма иккинчи зулҳижжада доруломон Мултон томон тантанали равишда йўл олгани қудрат бўстонининг бисотига арзга етди.

«Муборакуллоҳ» деб аталган Иродатхон бинни Иродатхон (182а) Аъзамхон Хужастабунёд ноҳияларининг фавждорлик хизмати ҳамда асли ва кўшимчаси ила етти юзчи, бир минг суворли мансаб билан нуфузли даражага кўтарилди. Ҳамидиддинхон, у бадкирдор ёвуз Синтонинг қулоғини бураб кўйиш ва Дудсари қалъачаси (Гадхи Дудартири)ни камал қилиш учун кетган эди, нурга тўла саройга келиб, таҳсин ва офаринларга сазовор бўлди ва «Баходир» хитоби билан шарафланиб, мумтоз этилди. Унинг

илтимосига кўра, Рустамдилхон ва бошқа унга тобе кишилар (мансабларига) кўшимчалар қўшиш билан эъзоланиб сарафроз этилдилар.

Ахмадобод нозими Шижоатхон Муҳаммадбекни тўрт мингчи, тўрт минг суворли мансабга кўтариш амалга оширилди.

Муқаддас арзга етдики, дорул-хилофат субасининг нозими Оқилхонга (бу) дунёдан сафар этишни танлаш юз берган. У шўх табиатли, эркин, мустақил (фикрли) ва хазилкаш (инсон) эди, ғурур билан навкарлик қилди, аъёнлар билан мутакаббирона яшади.

Дорус-салтанат Лохур субаси нозими вазифаси билан сарафроз этилган Маҳобатхон Иброҳим жаноби хилофатдан дорул-хилофатдаги давлатхона калъаси ва иморатини томоша этиш севинчига эга бўлишни илтимос қилди. Хукмга мувофиқ, унинг илтимоси қабул қилиниши (ҳақида) Муъизиллаҳон номига хат ёзилди. (У) жавоб хатида (шундай) ёзган: “Баъзи бир мумкин бўлмаган сабабларга кўра, уни (Маҳобатхон Иброҳимни бу ерга) чакиртирмайман. Аввало, (у) ҳайдарободлик эмас, шу жойлик, у подшоҳлик иморатларига томоша ва сайр қилиш назари билан карамайди. Иккинчидан, барча жойлар (хонадонлар)даги эшикларни тақиллатиб ўтиришга тўғри келмайди, улар ёпик бўлади ва палослар ёзилган (тайёр) жой ҳам йўқ ҳамда томошага нима алоқаси борки, унинг учун (жой) тозалаш ва палослар ёзиб (жой) тайёрлаш керак бўлса. Учинчидан, кутиб олишда мен томондан содир бўладиган сулуқат (1826) амалга оширилмайди, шундай экан, унинг (қелишига) рухсат берилмаслиги барча аъёнларга кўп маъқул тушади”.

(Маҳобатхон Иброҳим) дорул-хилофатга кириб келганидан сўнг (ўзининг) келтирмаслигига қаратилган хабарларни талаб қилмади ҳамда то мақсадига етгунига қадар эътироз билдириш ва (бу ҳақда) овоз чиқаришни фикридан чиқариб ташлади. Қадрдон хокон ҳам (Маҳобатхон Иброҳимнинг) хизмати, художўйлиги ва ихлосмандлигини назарга олган ҳолда, унинг ўзбошимчалик ва ўзбилармонлигига кўз юмиб қарадилар, муҳим ишларга раҳбарлик қилишни унга ишониб топширдилар, (чунки) у камолотга етишдан холи эмас эди. «Рози» тахаллусини олди. Девони ва маснавийлари бор. Мавлоно Румий маснавийларини шарҳ қилиб ечиб бериш борасида ўзини ягона деб биларди. Хайр-саховатли ва марҳаматли эди.

Муҳаммадиёрхон нурга тўла саройдан дорул-хилофатга келиб вақтини хушвақтликда ўтказди. У кетиши билан тахтнинг

мураббанишин (қароргоҳи) субадорлик (таркиби)га кўшилди. Муҳаммадиёрхон икки минг беш юзчи, бир минг беш юз суворли эди, беш юзчи, беш юз суворли кўшимча олди.

Садриддинхон бир минг беш юзчи эди, беш юзчи кўшимча олиб, иззат садрига чиқиб олди. Абдусамадхон ўрнига Яккатозхон ўғли Яккатозхон Оллохобод субасига қарашли Аҳмадободи Каҳвара фавждорлиги хизматига тайинланди. Салобатхон ўғли Тахурхон Сахоранпур фавждорлигига ошиқди. Сарафрозхон ўрнига Лутфуллохон Нусратобод–Сикхар қалъадорлиги ва фавждорлигига тайинланди. Хон Замон Фатхжанг ўғли Хон Олам асли олти мингчи, тўрт минг суворли (бўлиб), бир минг сувор кўшимча ва унинг биродари Мунаввархон тўрт мингчи, икки минг суворли (эди) беш юз сувор, Фатхуллохон икки мингчи, беш юз суворли (эди), икки юз сувор кўшимчалар олдилар. Хоназодхон, Зафаробод субаси нозимлигига маъмур қилинган эди, бахтиёр пешонасини олий остонага суртиш билан мунаввар этди.

*(Оламгир тахтга утирганининг) бир минг бир юз саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ биринчи йили бошланиши*

Ушбу шод-хуррамлик даврида файз осмонининг тўлин оyi (бадри), хайрли ишлар девонининг садри, тўла фаровонлик макони – муборак рамазон оyi (183а) даврининг зарар ва захматларидан узоклашиб, парда орасидан (барк уриб) чиқди, мусулмонларнинг боши ва елкасига фаровонлик соясини ёйди ва уни ораста этди.

Жахонпаноҳ подшоҳ (тоат)-ибодат адоси юзасидан Исломпуридан (чикиб) бахтиёр ташриф(лари) билан Шулопур ерларини мунаввар қилдилар. Ва баракабахр (рамазон) ойига севинч ва шодмонлик билан чирой бахш этиб, фитр ийдининг дугона (икки ракат намозини) адо этиб, бунгоҳ (чодир)га қайтиб келдилар. Бу ерда турган подшоҳзода Муҳаммад Комбахш, жумлатул-мулк ҳамда бошка ақобир-асоғирлар мулозаматга кириш ва пешкаш (совға-салом) бериш шарафи билан азиз этилдилар.

Бахшиул-мулк Мухлисхон ўғли туғилиши муносабати билан муносиб совға қилди. Туғилган бола Муҳаммад Ҳасан исми билан аталди.

Фозилхон хонисомоннинг ўғли Абдурахим дорул-хилофатдан остона ўпишга келди. Унинг отаси бир қанча бўлак чини-хитойи шойи матосини назардан ўтказиб, таҳсинга сазовор бўлди.

Рашидхон ўрнига Бангола субасининг ишдан туширилган девони Кифоятхон Мираҳмад холиса дафтари пешдастлигига сарафроз этилди. Иноятуллоҳхоннинг ўгли танҳо пешдасти, Ҳидоятуллоҳ отасининг ўрнига муқаддас наввоб Зийнатниси бегимнинг мирисомонлик хизматларига тайин этилди. Ялангтўшхон Баходирнинг ўгли Субхонберди ўгли туғилганининг назрини қўйди, бола Раҳмонберди исмини олди. Фозилхон хонисомонлик вазифасидан озод этилиб, Абунасрхон ўрнига Кашмир субасининг нозими бўлди Ва Хоназодхон “Рухуллоҳхон” хитоби билан шухратланиб, хонисомонлик хизмати(га эга бўлиш) билан эътибор бошига эъзоз кулоҳини кийди. Мукаррамхон ўрнига Абунасрхон дорус-салтанат Лохур субадорлиги билан улуғланди. Мазкур хон саройга чақиртирилди. (1836) Худобандахон саодат жиловининг буютотлик хизмати билан (катта) илтифотларга сазовор бўлди. Рожа Ануп Сингхнинг ўгли Суруп Сингх отасининг олдига кетишга рухсат олди, етти юзчи, беш юз суворли эди, уч юзчи қўшимча берилди.

Матлабхон ва Важиҳиддинхонлар лаънати душманнинг жазосини бериш юзасидан Анандапур томон рухсат олиб кетдилар. Хон Фирузжанг ўгли Чинкиличхон отасидан озор еб (жабрланиб) муқаддас остонани зиёрат этиш либосини кийди, олий лашкар яқинига келди, ярим ойча таваққуф этгач, олий мулозаматга киришига рухсат берилди. Ихлоскеш хонисомон Рухуллоҳхон (қўлида) пешдастлик хизмати обрўси билан аъёнлар орасида эътиборлиси бўлди. Шаҳзода Бедорбахт Баходир Шох Олийжоҳ олдига Баходиркадхага боришга маъмур этилдилар, хилъат ва тилла эгарли бир араб оти марҳамат қилинди.

Матлабхон бир мингчи, тўрт юз суворли эди, беш юзчи, юз сувор қўшимча берилди. Оллоҳёр номли Ихтимомхон жасади (яъни соғлиги) боқитиш ва аҳамият бериб карашни (талаб этиши) боис Лутфуллоҳхон ўрнига ахтабеги бўлди. Салобатхон ўгли Таҳавворхон (Тоҳурхон) Саҳоранпур фавждорлиги хизматидан ўзгартирилгач, саройга келди (ва) кўрхона доруғалиги хизмати билан сарафроз этилди.

Шаҳзода Муҳаммад Азим Иброҳимхон ўрнига асосий суба – Бангола нозимлигига ҳамда Кучи Бихар фавждорлигига (тайинланишлари тўғрисида) шарафли ҳукм олдилар. Иброҳимхон эса Сипоҳдорхон ўрнига Оллоҳобод субадорлиги ва унинг ўгли Яъқубхон Жунпур фавждорлиги билан мумтоз этилдилар.

Шавкатли фармонга биноан, подшоҳзодалар, шаҳзодалар, султонлар, улуғ амирлар ҳамда (184а) сарой ва субалардаги ақиб-бир-асоғирларга ҳар йили ёмғир(да кийиладиган) хилъатлар марҳамат қилинди.

Лашкархон Шохжаҳонийнинг набираси Муътақидхон, марҳум Саъдуллоҳхон ўғли Иноятхон ўрнига Бурҳонпур субасининг мудофаа (хизмати) билан шарафланди. Қўркмас гузарбардор Дурбекнинг ўғли Зулфикорбек отхоналар мушрифлигидан дево-ни хос мушрифлигига кўтарилди.

Мултафатхон ва Инотуллоҳхонлар зарғалдоқ рангли, ёқут кўзли узук иноят қилиниши билан эъзозландилар. Абдураззоқхон Лори ўрнига Исмоилхон макҳо Роҳирӣ (номи билан) машҳур Исломкада фавждорлиги хизматига тайинланди. Ва у (яъни Абдураззоқхон Лори) Кукан – Одилхони фавжига белгиланди.

### ***Баҳмаро (Беҳро) дарёси сувининг тошиш воқеаси***

Ажойиб-ғаройиб воқеалардан (бири шудир)ки, қудратли ҳодисаларни туғдирувчи дарёнинг кучли тўлқини тўфон булутли баҳорнинг сув кучи билан айланадиган чарҳини жаҳон микёсида синаб (айлантириб), сароб келтириб чиқарди. Баҳмаро (Беҳро) дарёсида ашур кунининг тонготар вақтида иккинчи маротаба Нух тўфонининг воқеаси бўлди. Ёмғирнинг узок вақт давомида ниҳоятда кўп ёғиши натижасида кишини хайратлантирадиган (ва) эс-хушни ўғирлаб қўядиган даражада сел келдики, унинг хайбатлилиги ва қўркинчилигидан одамларнинг (матнда – “ердагиларнинг”) жони шамолга учди ва бирор-бир кимсанинг у (сел келаётган) томонга назар ташлашга юраги бетламади. (Сел) соатма-соат жўшиб ва жўшқириб ҳамда ғазабноклик ва тезликда тобора ортиб борар эди. Агарда кимнингдир кўз қири у томонга тушиб қолса, қўрқа-қўрқа лаб остида (шунини) ўқирди. Байт:

*Бу йил Дажла (дарёси)нинг рафтори (оқиши)*

*ажаб мастлардек –*

*Оёғи занжирдаю лабда қўпик, магар*

*девона эмасмикан?*

(184б) Шох Олийжоҳнинг лашкаргоҳидан ўттиз олти қуруқ масофа узокликда Баҳодиркададан баюборийлар тайёрлаган ёғоч ва сомон ғарамлари тўп-тўп бўлиб, урилишиб-сурилишиб (оқиб) келарди. Сел шиддати кўп кишлоқларни тағ-туғи билан кўтариб



ташлаган эди, одамлар ва ҳайвонлар дарё юзида зиндондаги бечора маҳбуслар каби (бир-бирларига) ташланиб, ҳамла қилиб қалқиб-қалқиб келардилар. Ва ҳеч бир келишолмайдиган мушук, сичқон, ит ва куёнлар эса жонларини сақлашда бир-бирларидан кўрқишни ҳам эсдан чиқарган эдилар. Сув ёйилиб ва сўнг саҳро томон тушиб кетгач, жумлатул-мулк Асадхон, Муҳлискон ва бошқа даст соҳиблари (қули узун кишилар) – уларнинг аксарияти дарё бўйи ерларидаги бадавлат кишилар (бўлиб) латофатли ва кўнгилга маъқул тушадиган манзилларга катта маблағлар сарф этган ва (улар мулкининг ҳаммасини) сел ҳароб қилган эди – кемаларда ўзларининг (сувга) тушиб кетган ва оёққа турган от-уловларини кидириб, саломат қирғоққа чиқариб олдилар. Бошқаларнинг молу жонлари ўлиб, дарё окими билан кетди. Байт:

*Халқнинг умри ўтганлар (ўлганлар)га нисбатан  
куйиниши нимага ҳам керак,  
Бу обиравон (оқма сув) устидаги нақшнинг устувор-  
лигидан қайёққа ҳам борарди.*

Пуштакуҳ (Паштакуҳ) мавжуд ҳолатдан қирк газдан ортиқроқ баланд бўлиб, бу ерда Волошукўҳнинг салтанатхонаси, Шоҳ Олийшоҳ ҳамда подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг чодир ва бошқа бой-ғариблар бор эдилар. Уч кун шиддатли (тошқинда) (тоғлиқнинг) тўрт газ ери холи қолди. Суворийлар кечаю кундуз тайёр ҳолда ва муҳайё бўлиб турдилар. Ер қуррасидаги илтимосталаб фақирлар пешонасининг ёруғ юлдузи бўлмиш файзбахш жаноб ва зулжалол (куч-қудрат соҳиби) ҳокон худобоҳабарлик дарёсини ва ҳақиқатогоҳлик денгизини ниҳоятда кенгайтириб юбордилар. (Бунинг натижасида) учинчи (куннинг) ярим кечаси марҳаматли Тангрининг раҳмат денгизи илтифот билан жўш урди. Сув камая бошлади. (185а) Ҳалойик “Темир билан кишанлангандан кўра, сув билан кишанланиш қаттиқроқдир” дейилганидек, сув зиндонидан халослик топди ва ҳаёт либосини ноумидлик ғарқобидан чиқариб олди. Маърифат дарёсида сузувчилар ва битмас-туганмас ҳақиқат соҳилида ўтирувчилар доимо таъкидлаб келганлар: Байт:

*Ариқ лабида ўтир ва умрнинг оқишини кўр,  
Биз учун оламдан ўтиб кетганлар ҳақидаги  
ҳикоянинг машъумлиги етарлидир.*

Аммо ҳеч ким “Тўғри йўлни кутган кимсага салом бўлсин” деган сўзни эшитмади.

Хон Жаҳон Баҳодир Зафаржангнинг касали кучайиб кетди ва (Онҳазрат) Шулопурдан бунгоҳга қайтиш вақтида, ўн олтинчи жумодул аввалда ташриф буюриш шарафи билан унинг хонасини мунаввар этдилар. Номи кўрсатилган (Хон Жаҳон Баҳодир) кўрпа-ёстик қилиб ётган эди, ўрнидан туролмади. Онҳазрат тахтга ўтирдилар ва у бемор оёқ(ларингиз)ни ўпиш иззатига муяссар бўлолмайман, деб зор-зор йиғлади. «Истардимки, жоним урушда нисор бўлса ва Ҳазрат хизматида бўлсам» деган орзусини маълум қилди. Қадр-қимматни билувчи хоқон айтдилар: «Умр бўйи бандалик ва жон нисор этувчи ихлосмандлик йўлида бўлдингиз». Магарки бу ишда орзу боқий экан, банданинг ихлосмандига ҳам офарин, хоконнинг қадр-қиммат этишига ҳам тасанно!

Мазкур ойнинг ўн тўққизинчисида (Хон Жаҳон Баҳодир) Ҳакнинг чақирғига «лаббайка» деб ижобат айтди. У (ўзида) барча мартабаларни мужассам этган улуг зот, шаҳаншоҳликнинг мадади, нуруний сипоҳсардор, олийлик (нурини) таратувчи амир эди. (Саройда) ундан бўлак жуда кам одам сўзлай оларди. У нимани истаса, бевосита ўзи айтарди. Бошқалар (сўровига) ҳам (1856) «наъам» (жуда яхши) дейишдан бошқа жавоб қилмасди. Кўп сўзлашни ёқтирмасди. У суҳбатида кўпинча назм ва наср, шамшир ва жавоҳир, от ва фил, дарёлар (ҳақида сўзлашни) ёқтирарди. Ботирлар тоифаси ул раҳнамосининг тадбиркорлиги ва шижоатлилиги шу даражада баёндан ташқарики, бу ҳақда ёзиш ҳам мушкулдир.

Йигирманчи жумодул охирда бахтиёрлик буржининг ёруғ юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Комбахш Берар субасининг нозимлиги билан хушнуд этилдилар, асли йигирма мингчи, етти минг сувор (эдилар), уч минг суворли қўшимча марҳамат қилинди. Мирак Хусайнга саркор девони ноиблигига рухсат берилди. Жумлатул-мулк касаллиги сабабли унинг имзо чекишида аниқлик бўлмаганидан халойик иши тўхтаб қолмаслигини назарда тутган ҳолда, Иноятуллоҳ ноиб сифатида имзо чекиб турсин, деган катъий ҳукм чиқарилди. Жумлатул-мулк Зулфикорхон Баҳодир Нусратжанг хабарини хуршидназар назаридан ўтказди ва мазмуни ғалабалар билан тўлиб-тошган ул (хабар)дан улуғлик ва қудрат саройига маълум бўлдики, шу кунлари зафарнишон дин ғозийлари ва ислом мужоҳидларининг мутлақий жалла жалолуҳу (ягона шон-шухрат, яъни Тангри)нинг куч ва қудрати билан далирлик ва қаҳрамонлик кўрсатишлари натижасида Шомха тоғлари устига қурилган юксакликдаги фалакасос Чанжий қалъаси

қўлга киритилди. Чанжий дорул-жиход Карнатикининг бошқа қалъалари ва истехкомларига қараганда баланд тепаликда эди ва (юкоридан қаралса, ер) жуда паст-чуқур кўринарди ва (шунга кўра) қалъадорлик ишида ниҳоятда имтиёз ва катта аҳамият касб этарди. Ғалаба ва истило байроқлари, забт ва тасарруф туғлари баланд кўтарилди; (дин ғозийлари, ислом мужоҳидлари) бахти қора (исёнкор) кофирларнинг аксариятини ҳалокат тупроғига отдилар. Ушбу (186а) баланд қалъа ичига беркиниб, шу ерда макон ва паноҳ топган қочоқ Ромо (Роно) ёвуз ният билан бахтсиз ва машъум ҳаёт кечирарди. У музаффар лашкарларнинг куч ва савлатини мушоҳада қилиши ҳамда нусратманд кўшиннинг шовқин-суронини эшитиш билан мағлуб бўлишдан кўркиб ва хавфсираб, жигари пора, захраси чок бўлиб, хотин ва болалари ҳамда молу буюмларини қалъада қолдириб, минг-минг хорлик, беқарорлик билан тор-мор этилган ёвуз фитначи Синтҳо билан бирга фалокат оёғига қочишни эп кўрди. Субҳонаҳу ва таоло (Тангри)нинг бепоён фазли ва эҳсони натижасида олтинчи шаъбонда мустаҳкам қалъанинг қафтдек ери устидаги жажжи истехком жабр ва қаҳр билан фатҳ этилиб, (қалъа) шонли давлат волийларининг забт ва тасарруф ихотасига кирди. Ёмон юлдузли кофирнинг тўрт хотини, уч ўғли, икки қизи ҳамда унга тобе кишилар, қариндошлари, ўртоқлари қатл қилинишга амр этилдилар. Карнотики мулкидаги бошқа юзта қалъа ҳам фарангиларнинг бир қанча бандари билан биргаликда салтанат – мамолики маҳрусага кўшиб олинди. Ёлғончи, ниҳоятда ўжар ҳамда фитначи заминдорлар итоат ҳалқасини қулоқларига тақиб, Хон Баҳодир орқали арши аъло мақом остонага муносиб совғалар юбордилар.

Жумлатул-мулк яхши хизматлари эвазига бир минг сувор кўшимча билан етти мингчи, етти минг суворли ва Нусратжанг бир минг сувор кўшимча билан беш мингчи, беш минг суворли (мансаб билан) иззат бошларини мовий фалакка етказдилар. Нусратжанг қўл остидаги Ров Дилпаст (Ров Дилил Сингх), бу ишда кўп меҳнату машаққат тортиган (ва) аслида икки минг беш юзчи, бир минг уч юз суворли эди, беш юзчи, икки юз сувор кўшимчага эга бўлди.

Фатҳ этилган қалъа (186б) Нусратқадҳа номи билан шухратланди.

Мухторхон ўрнига мустақирул-хилофат Акбаробод нозимига маъмур этилган Эътикодхон шартсиз шартланган (масърут било шарт) беш юз суворли бўлиб, дўмбира (нақоракус) ато қилиниши билан мумтоз этилди.

Саёдатхон вабо касали билан фоний дунёдан боқий оламга равона бўлди. Ўгли отасининг номи билан хитоб этилди ҳамда у ва (марҳумнинг) бошқа яқинлари мотам хилъатлари ҳамда (мансабларига) кўшимчалар билан хушнуд этилдилар. Ул марҳумнинг вафоти муносабати билан девони хоснинг доруғалик хизмати Рухуллоҳхонга хонисомонликка кўшиб берилди. Ва садорат хизматининг хилъатини кози Абдуллоҳ кийди.

***Оламгир (тахтга ўтирганининг) бир минг бир юз тўққизинчи ҳижрий йилига тўғри келган бахтли қирқ иккинчи йили бошланиши***

Ушбу фаровонлик рўзи-бозори мавжуд даврда фатҳлар дарвозасининг калити файз соҳибларининг умиди, яъни рамазон ойи равнаки ва нажоти воситасида ҳожат арбоблари (кошига) етиб келди. Ҳақогоҳ подшоҳ ҳақпарастлик ва ҳақиқатни ечишда энг сўнги матлаб (масала)гача бориб етдилар. Ўтган йилги буйруқка мувофиқ, Шулопурда олий чодир ўрнатилди ва (бу) баракабахр шаҳар тоат ва ибодатнинг маъмурлиги билан ҳусни баркамолликка эришди. Ва (бу ерда) фитр байрамининг (икки ракат намози) бажо келтирилди, жаҳонда (ҳар бир) дил муроиди ҳосил бўлди.

Шаҳзода Бедорбахт Баҳодир Баҳодиркададан саройга чакиртирилиб, Дюконуни манзил тутдилар.

Бахшиул-мулк Баҳрамандхон ва Мансурхон мири тузук истиқболларига чиқиб, саройга олиб келдилар. Девонга келишдан аввал масжидда мулозаматга кириш саодатига эга бўлинди ва Пурнола томон боришга руҳсат олдилар. Лаъл ва зумрад сарпеч билан бирга хилъат, зарҳал беҳунчи, от ва фил инъом қилиниши билан масрур этилдилар. Ва (ул жаноб хизматига) тайинланганларнинг барчаси муносиб иноятлар олиш илтифотларига сазовор бўлдилар. (187а) Баҳогу Банжора аввал олий остонага келиб беш мингчи, тўрт минг суворли мансабини олган эди, лаънати ғанимга қўшилганидан сўнг яна пешонасини олий остонага суриш билан ораста этиб, аввалги мансаби иноят қилиниши ҳамда хилъат, от ва фил инъом этилиши билан мумтоз бўлди. Байт:

*Бу бизнинг саройимиз навмидлик саройи эмас,  
Агар юз бор тавбадан қайтсанг ҳамки, яна  
(тавба қилишга) келавер.*

Қози Абдуллоҳ фалаж касалидан олам билан хайрлашди.

Ота-боболаридан тортиб дорул-хилофатда муфтий бўлиб келадиган Муҳаммад Акрам Хужастабунёдда қозилик лавозимида эди, саодатзухур саройнинг олий ўрдаси (хизмати)га чақиртирилди. Дафтари тан дафтари девоннинг бир қисми бўлгани сабабли мазкур хизматга бошқа бир киши белгилангунча Иноятуллоҳ ёрдам қилиш фикрида бўлсин дея, у тўққиз юзчи, етти юз суворли эди, бир юзчи, ўттиз сувор қўшимча ато қилиниши билан иноятнинг кенг маконига айланди.

Тарбият қилиш шафқати ва худодўстлик муҳаббатининг такозоси билан шайхул-ислом номига (унинг) катта мартабали хизматга чақирилиши мазмунидаги муҳаббатунвон фармон чиқарилди (ва) биродари Нурулҳак орқали (бериб юборилди). (Шайхул-ислом) қозилик вазифасидан истеъфо берганидан ва Ҳижоз сафаридан қайтиб келганидан сўнг нурга тўла саройга бир мартабадан бошқа қадам босмаган ва ўзи Ахмадбодда турар эди. Муқаддас хотирда (шундай) фикр бор эдики, саройга келганидан сўнг, агар у садорат иши билан шуғулланишни хоҳласа, (бу иш) унга топширилади. Ул азиз ҳам зўр эхтиром ила Каъба зиёратига бориб келишга ирода қилган эди; лекин шу кунлари каттик касал бўлиб қолди ва унинг жозибаси гирибонидан олинган томонга қараб ошиқди, Худо раҳм қилсин. Ва (садорат хизматига белгилаш ҳақидаги) олий ҳукм шараф билан Муҳаммад Аминхон номига чиқди. (Муҳаммад Аминхоннинг) бу улуғ хизматга қадам қўйиши билан Хон Фирӯзжанг фавжига тобе бўлган одамлар (1876) олий саройга келишга ошиқдилар.

Омонатхон масрурнинг уруғи Абулаъло, Кобулдаги хизматидан саройга чақиртирилган эди, Кифоятхоннинг вафоти муносабати билан холиса девони хизмати билан иззат бошини юқори кўтарди.

Бисоти бўстон олий саройга арзга етдики, дорул-мулк Кобулнинг нозими Амирхон йигирма еттинчи шавволда ўткинчи олам билан хайрлашган. У амир ақл жавҳарининг соҳиби, улуғ хонадоннинг ёрдамчиси (дўсти), шаҳаншоҳликнинг оқили, ихлосли хоконпараст эди. Субанинг идораси ва тартиби юзасидан у қўл урган ишлар саранжомлик топиб, Кобул кадрдон хоконнинг кадршунослик, кадрни улуғловчи наздида ниҳоятда эътиборли ва юксак даражага кўтарилди. (Амирхон) Онҳазратга холавачча ҳамда зўр-зўр вазифаларни жадаллик билан бажаришда эъзозу икромга муносиб ул зот ниҳоят даражада иродали бўлгани туфайли унинг

вафоти муқаддас хотирнинг таъсирланиши (кайғуланиши)га сабабчи бўлди.

Хилофатнинг катта ўғли номига Кобул субасидаги (воқеалардан) хабардор бўлиш учун йўлга чиқиш мазмунидаги кароматунвон фармон ҳамда қиймати эллик минг рупиялик сарпеч шараф билан жўнатилди.

Йигирманчи зулкаъдада Кадос Ратхварда, Муҳаммад Акбар ратхварлар мулкида саргардон бўлиб юрган даврда унинг Баланд Ахтар (номли) ўғли туғилган ва бу диёрдан чиқиб кетишида уни (шу ерда) қолдирган. Рожпутан (болани) исён ва курашларда (фойдаланиш) мақсадида сақлаган. (Сўнг эса) Аҳмадобод субасининг нозими Шижоатхон тавсияси билан гуноҳлари афв этилишининг асоси қилиб уни марҳаматзухур саройга келтирган. Мулозаматга кириш вақтида (Рожпутаннинг) қўли боғланган эди. Банди ечилсин, деган ҳукм бўлди ва унга қимматбаҳо тошлар қадалиб зийнатланган жамдҳар, хилъат ва уч мингчи, икки минг беш юз суворли мансаб ато қилиниб, ўз яқин кишиларининг ҳаваси келадиган (даражада эъзозланди).

Баланд Ахтар хилватда мулозаматга кириш саодатига эга бўлиб, хилъат ва сарпеч иноят этилиши ҳамда қароргоҳи Кулолборда жойланишига қарор қилиниши билан шавкатга сазовор бўлди.

Марҳум Хонжаҳон ўғли Абулфатхоннинг (188а) кадхудоликка номзоди белгиланиб, хилъат ва от (инъоми билан бирга) дорул-хилофатга кетишга руҳсат олди. Ислохоннинг набираси, Ҳимматхоннинг ўғли Некномхон шахзода Бедорбахт Баҳодир лашкарининг бахшигирлик ва воқеанигорлик хизматида тайинланди, бир юзчи, икки юз суворли эди, қўшимча билан бир мингчи, олти юз суворли бўлди. Чинқилич Баҳодир тартибсиз исёнчилар жазосини бериш учун Бижопур томон кетишга тайёрланиб, остона ўпишга кирди. Сатво Дафлия Мунъамхон воситачилигида (пешонасини) муқаддас остонага суртиш билан пешонасига зеб берди, олти мингчи, беш юз суворли мансаб, туғ, ноғора ва байроқ(ли бўлиш) билан имтиёзи ортди.

Бахшиул-мулк Муҳлисхон асли ва қўшимчаси билан уч мингчи, бир минг икки юз суворли эди ва Тарбиятхон (мироташ)га кўпдан-кўп душманларни улоқтириб ташлаш учун Бидарга кетишга руҳсат этилганди, асли ва қўшимчаси билан икки минг беш юзчи икки юз суворли ва Рухуллоххон ҳам шундай мансаб билан имтиёз топдилар. Марҳум Шайх Мирнинг ўғли Муҳташамхон

(мансабидан) четлатилгандан сўнг яна икки мингчи, бир минг суворли (ўз) мансабига тикланди.

Чинкиличхон Баҳодирга душманнинг адабини бериш учун Гута томон (кетиш)га рухсат тегди. Камар иноят килиниши билан бандалик камарини маҳкам боғлади. Чаҳтир Малнинг ўғли ҳидоят йўлини танлаган Бахулонотҳа жадидул-ислом отаси жаҳаннамга кетгандан сўнг бекор қолган қўл-оёғини барча воқеаларни ёзиб боровчи (воқеанигори кул) хизмати билан ишга солди. Муршид-кулихон ўғли Фазл Алихон Мултон субасининг девонлиги хизмати билан имтиёзли бўлди. Мулла Абулқосим Хужастабунёдда Шох Олийжоҳ Муҳаммад Аъзамшоҳ онасининг қабрида (Қуръон) ўқитиш шарти билан кунига бир рупияга эга бўлди. У толеининг ёр бўлиши туфайли янги мансабдорлар қаторига қўшилди.

Итоатга кирган Фазилат исмли деканликнинг (1886) иши авжга миниб, подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг биринчи бахшигирлиги ва Бижопур девонигача бориб етди, у «Роятхон» деб хитоб қилинди. Деди: «Вазн таъбига ҳам эгаман (яъни, шеър ҳам ёзаман)»; хушёрлиги туфайли (ўзига) «Хуший» деб тахаллус қўйди.

Ҳамидиддин Баҳодир (исёнкорлар уясига айланган) бутхоналарни бузиш ва масжид таъсис этиш учун Бижопурга кетган эди, яхши хизмат кўрсатган деб ҳисобланиб, ҳукмга кўра саройга келди, таҳсину офаринларга сазовор бўлди ва юқори мартабали хизмат – ғусулхона доруғалиги билан шарафланди. Аскаржон Ҳайдарободий подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг вакили ўрнига Берар субадорлиги билан шуҳратланди. Муҳаммад Аминхон мунаввар саройга келиб, шон-шавкатли хизмат – бутун Ҳиндистон садорати лавозимининг хилъатига эга бўлиш билан саодат ҳосил этди ва учта зумрад, мино ва кумуш узук инъом килиниши билан тўғри сарафрозликка нишон олди.

Муҳаммад Акрам Хужастабунёддан марҳаматли жилов (хизмати)га келиб, эъзоз маҳкамасида ўз номини олий ўрда қозилгининг хизматчиси рўйхатига киритди.

Байтуллоҳ араб подшоҳлик буюмларини Ҳайдарободдан келтириб, мунаввар назардан ўтказди.

Шулар орасида Мулла Абдуллоҳ Таббоҳ томонидан кўчирилган «Ниҳоя» ҳам бўлиб, унинг биринчи жилди саройга етказилган эди. Онҳазрат эса иккинчи жилдини (ўқишни) хоҳлардилар. У мукофот сифатида бир фил, (мансабига) элликчи қўшимча ва бир минг рупия олди.

Бухоро элчиси Қутбиддин олий остонани ўпиш билан саодат чехрасини мунаввар этди; мулозаматга кирган куни хилъат, ўн минг рупия, икки юз муҳрлик бир муҳр ва икки юз рупия вазнли бир рупия, (қайтиб кетишга) рухсат берилган куни эса, бир урғочи фил ва ўн беш минг рупия ато қилиниши билан сармоядор бўлиб олди.

Уда (Ауд) субасининг нозими Забардастхон асли ва қўшимчиси билан уч мингчи, бир минг уч юз суворли мансаб билан (189а) мумтоз этилди. Фатхуллахон Пуринда атрофларига дондун экиш (ишлари)га маъмур қилиниб, хилъат ва нақшинкор ханжар инъом этилиши билан эъзозланди.

***Хўжа Ёқут Саро(сарой вакили)га ўқ отилиши ва бадкирдорларнинг ёмон ишлари сабабли жазо саройининг расми-одатига дучор бўлиши***

Бу лавҳадаги баён ёмон ирода ва жаҳолат тўғрисидадир. Подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг нозирини Хўжа Ёқут рост эътиқодли ва давлатхоҳлик важҳидан ул жаноб арзига гоҳ тўғри ва гоҳ нотўғри сўзларни етказарди. Подшоҳзоданинг душманликка ва ботилга мойиллиги боис унга суиқасд ниятлари бор эди. Унинг нотўғри сўзлари (сабабли) ҳақ йўлида душманлик қилиш ва ёлғонга дўст бўлишга қарор бериб қўйганди. Ўзлари билан ёнма-ён ўтирувчи сийнасининг ихлос хазинасига ўқ отишни хоҳладилар. Тасодифан жумодул охирнинг ўн саккизинчиси тунида (Хўжа Ёқут) подшоҳзода давлатхонасидан ўз уйига келаётганида бир қора ниятли ёвуз йўл устида вақтни ғанимат ҳисоблаб унга қарата икки тилли айланма ўқ (ду забони пара) отади. Аммо ҳаёти боқий экан, ўлдирилиши мумкин бўлган жонини сақлаган (Тангри) қорин пардасини йиртилишдан асраб, қўлини тўсик этди. Ва илло, агар оташпорани темирга урсанг, ундан дуд чиқариб юборарди ва агар илондек захарли тилингни тошига теккизсанг, томирларни жунбушга келтирарди. Мисра: “Агар сенинг душманинг кучли бўлса, сақловчи ундан ҳам кучлидир” (189б). Бундай хабар нуристон подшоҳнинг инсофу адолатларни жам қилган қулоғига етиб келгач, фуқаропарварлик ва банданавозликнинг тақозоси билан жаҳоноро (подшоҳ)нинг раъйи бу воқеани ўрганиш ва тафтиш этишга қарор қилди.

Байт:



*Ўзингни тарбиялаётган кишига озор етказма,  
Чунки сенинг ўқингининг одати ҳам унинг ўқиға ўхшашидир –*

Ва олий ўрда шахнаси (қўриқчиси) подшоҳзоданинг асосий мансабдор навкарларидан беш нафарини камокқа олсин ва тинтув қўлини ўқ узган одамни аниқлашга узатсин, деган маънода итоати вожиб ҳукм чиқди. Кутвол чақиртирилишга мувофиқ ўз оёғи билан келиб қўлга тушганлардан тўрт кишини ушлаб олиб, подшоҳзода кукасининг фикри бузук эканини маълум қилди. Подшоҳзоданинг бахшиси Хўжа Муҳаммадга уни саройга келтириш ҳақида буйруқ бўлди. Мазкур бахши уни яхши сўзлар билан алдаб, ўзи билан бирга подшоҳлик давлатхонасига яқин келтирган ҳам эдики, ғафлатдаги бир қанча ишбузармонлар иғвоси билан у қайтиб кетди; лекин нима қилса ҳам, унинг бахти носоз бўлди. Хўжа Муҳаммад сарой хизматчиларига «бормайди, ўжарлик қил-япти», деб хабар қилди. Сўнг, подшоҳзода уни амну омон қарор топган лашкар (сафидан) ҳайдасин, деган ҳукм бўлди. Подшоҳзода уни ўз олдиға чақиртириб, икки юз ашрафий, хийма ва юк ташувчи ҳайвонлар инъом этиб (кетишга) рухсат қилдилар ва кетишидан хафа бўлдилар. Ҳали у дарёдан ўтмаган ҳам эдики, бандалар ҳазрати подшоҳзодаға (190а) уни ўзлари билан олиб келсинлар ва бу қилган ўжарлиги юзасидан кечирим сўрашини тавсия қилсинлар, деб битилган мактуб юбордилар. (Шундан сўнг) подшоҳзода уни чақиртириб, ўзлари билан бирга саройга олиб келдилар. (Бу ҳақда) арзға етгач, (подшоҳзоданинг) ўзлари саройга кирсинлар ва уни девони хосда қолдириб келсинлар, деган буйруқ бўлди. Подшоҳзода: «Биз ва у бир ўзандан оқамиз», дедилар ва ўз болобандларини олиб қўйиб, белларига катта банд тугдилар. Шундай кўнгилсиз сўзлар айтилгач, улар адолатгоҳда ўтириб турсинлар, деган ҳукм бўлди. Шундан сўнг, ҳукмға мувофиқ, бахшиул-мулк Мухлисхон тўғри йўлга солувчи (иршод оёд) ишлар ҳақида сўзлади. Лекин замона бу вақтда ул жанобнинг (берилган) маслаҳатларини қабул қилиш марҳаматидан анча узоқда бўлгани сабабли (подшоҳзода) хайрли сўзларға кулоқ солмадилар. Ҳамидиддинхон Баходирға (подшоҳзоданинг) ҳайдалган ошнасини ул жанобдан жудо қилсин, деган фармон берилди... Мазкур хон ул жанобни қўлидан ушлаб тортиб олмоқчи бўлди. Хон жароҳатланди ва подшоҳзода Худонинг ҳимояси остида сақланиб қолдилар ва (сўнг) ул оқилнинг бошиға нима келса келди. Бу аҳвол ҳақида хабар қилингач, жавохирхонаға

туташган чодир қурилиб, подшоҳзоданинг таъзирини бериш юзасидан уни шу жазонишон маконда сақласинлар, кукани эса ўч олиш зиндонига ташласинлар, дея ҳукм этилди. Подшоҳзода мансабдан четлатилдилар. Молу мулк, асбобу буюмлари ва давлат юлдузи (кавкабаи давлат) – ҳаммаси тортиб олинди. Ҳукмга мувофиқ, ул жанобнинг асосий навкарлари (бирма-бир) мунаввар назардан ўтдилар ва хилъатлар олиб, жаҳонмадор саркор (сарой)нинг бандаси бўлиш шарафи билан эъозландилар.

Ушбу зафарларга тўла кунларда (1906) жанговарлик ва шижоатлилик хусни билан Ғозийиддин Баҳодир Фирузжанг бахти қора, машъум Сантонинг бошини (давлат) волийларини навозиш килувчи ва душманларни таг-томири билан қўпориб ташловчи хокон даргоҳига олиб келди ва мамлакатнинг асосий ўлкаларидан бўлмиш Деканда зўр қаҳрамон бўлиб танилди, ёвузлик жиловлангани (ҳақидаги хабар тезда) қўп жойларга тарқалди. Қолган гап шуки, даҳрийлик ва олчоклик воқеасидан сўнг Ҳимматхон Баҳодир Чанжий тарафларда саргардон бўлишни хоҳлаган. Ҳамидиддинхон Баҳодир номига уни (Ҳимматхон Баҳодирни) таъқиб этиш ҳақида ҳукм бўлган. Номи зикр қилинган (хон) Рухуллоҳхон билан бирга бўлишни тарк этиб, ижроси вожиб ҳукмни бажаришга киришган ва тезда етиб бориб, у билан жанг қилиши натижасида Қосимхонга тегишли бир қанча филни озод қилган (тортиб олган). Иккинчидан, мазкур (Ҳамидиддинхон Баҳодир)га шахзода Бедорбахт ул гумроҳни (йўлдан озган Ҳимматхон Баҳодирни) таъқиб қилишга тайинланган ва унга тобе лашкардан баъзи кишилар ул жанобнинг жилов хизматига тайин этилдилар, уларни қолдириб, ўзи сарой томон ошиқсин, деб ҳукм қилинди. Шахзодага ҳам бу бахти қора билан зўр жанглар қилишга тўғри келди ва ҳар гал у саломат қочиб қолишга муяссар бўлди. Чунжий ерларидан ўтиш вақтида бу ёвуз билан Чунжийга малъун Ромони олиб келаётган Даҳно Ходун ўртасида қадимий низо асосида қарама-қаршилиқ келиб чиқди ва авжига минди. (Ҳимматхон Баҳодирнинг) қайниси Амрат Ров Даҳнонинг ўртоғи ва ёрдамчиси бўлмиш Монкумоёни тутиб олиб, тириклайин фил оёғи остига ташлади ва Ромони қўлга туширди. Даҳно эса жонини олиб қочди. Эртаси куни у (Ҳимматхон Баҳодир) Ромо олдида қўл қовуштириб турди (ва деди): «Густохлиги сабаб шу воқеалар содир бўлган банда менман (191а), сиз Даҳно мен билан ярашишини ва унинг ёрдами билан Чунжийга етиб боришни хоҳлайсизми? Нимаики хизмат буюрсан-

гиз, бажараман». Ва уни халос этиб, Чунжийга келтириб кўйди. (Ҳимматхон Баҳодирнинг) Зулфиқорхон Баҳодирга қарши курашда, ёлғончилик ва товламачилик билан подшоҳзода Муҳаммад Комбахшни исёнга даъват этиш, қалъани забт қилиш ишларига барҳам бериш ҳамда Исмоилхон макҳони асир олиш ишларида шериклари кўп эди. Қалъа фатҳ этилгач, (Ҳимматхон Баҳодир) Ромо билан биргаликда қалъадан Ситора томон чиқиб кетди ва у ерда турган Даҳно билан хусуматга бориб қолиб ўртада тўкнашув рўй берди. Ва хасиспарвар олчок замон (ундан) мадад қўлини тортганда ва бахтсизлик вақти келганда мағлуб бўлди, ашаддий шикаст еб, ошуфта ҳолда бир қанча жанг майдонини ташлаб қочганлар билан бирга жаҳаннамий Падпои (Янднои) ҳузурига боришдек фойдасиз азм билан бахтсиз юзини Тонкарбонийё (Нокунатё ) заминдорлиги томон паноҳ тортиб келди. Падпои мурувват кўрсатиб, унинг билан кўришди ва унга ўз уйдан жой берди. Аммо унинг хотини бир биродари (Ҳимматхон Баҳодирхон кишилари томонидан) ўлдирилди (шунгача у) эрига ва биродарига у тирик чиқиб кетмасин деб уқтиришга улгурганди. Монку(чи) ҳар қанча яхши муносабатда бўлишга интилмасин, лекин қайниси ундан қўлини тортмади ва таъқиб этишга фурсат қидирди.

Шу кунларда ул бахти қорани таъқиб этиш ҳақида Хон Фирузжанг номига ҳам фармон келди. Ҳамидиддинхоннинг Шаҳзодага тобе жамияти ҳам ул аъёнлар пешвосининг жамияти билан бирга (шу ишга), (1916) сазо беришга маъмур этилди. Бу хабарни эшитиш билан унинг (Матлабхоннинг) хаёлига: ё аҳмоқона ихтилофни авжга чиқарган жасоратнишон хон асир олиниб, жаҳаннамга жўнатилмоғи ёки ўшал даъвогар қўлидан ўлмоқлик керак, деган фикр келди. (Ниҳоят) қочқиннинг ёвузлик билан тўлиб-тошган боши лашкарлар қўлига тушди, Хон Фирузжанг уни (бошини) олий даргоҳга жўнатди. Байт:

*Аста-секин хиром этувчи чумоли оёгининг нақшидан  
(Гўё) маст фил учун янги занжир мукофот этилди.*

Яхши хизматлари эвазига оммага иноятлар ва ул манзур назар хон эса таҳсину офаринлар билан бахтиёр бўлди. Матлабхон ҳам беш юзчи кўшимча билан ифтихор бошини баланд этди.

*Оламғирнинг бахтиёрлик жулуси (тахтга ўтириши)нинг  
бир минг бир юз ўнинчи ҳижрий йилига тўғри келган  
қирқ учинчи йили бошланиши*

Аҳли рознинг паноҳи, соҳиби ниёзлар дастгоҳи, яъни бараканишон рамазон ойи ушбу янгиликунвон онларда жаҳон халқларининг бошига фаровонлик соясини ораста этди. Динпаноҳ подшоҳ, ҳақогоҳ хокон жамоат намозининг адоси ҳамда ибодат ва эътикоф жиҳатидан қароргоҳдан (чиқиб) Шулопурни жамол ва камолот нурлари порлаган жойга айлантирди.

Мансурхон подшоҳзода Муҳаммад Комбахш қароргоҳини саройдан келтиришга маъмур этилди. Оташхон вафоти муносабати билан Маъмурхон Карнатики фавждорлиги хизматиға сарафроз қилинди. Алимардонхон Шохжаҳонийнинг маҳрами Маҳрамхонхўжанинг вафоти муносабати билан Ҳамидиддинхон иккинчи жавоҳирхона (жавоҳирхонаи дуввум) доруғаси хизматиға эга бўлди. Рустамхон Баҳодир Шохжаҳонийнинг қариндошларидан Рустамбекхон черкас якин орада бандалар қаториға келиб қўшилган эди. (192а) У Яхёхон ўрниға Манкал Байдха (Мангал Бехдажа) қалъадорлигиға белгиланди.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш тўғрисида (ул жаноб) пешин намозини давлатхонадаги «Ҳасанбори» масжидида ва аср намозини Онҳазрат билан бирға ўқисинлар, деган марҳамат хислатли ҳукм чикди.

Сарбароҳхон кутволнинг нойиби Муҳаммад Амин подшоҳзоданинг девони ва амалдан туширилган ноиби Мирак Ҳусайн подшоҳлик молларининг барча маблағини тасарруф этишиға (ва) нимаики девонлар ёзиб берсалар, Чипутарада жамлашға маъмур қилинди. (Байт):

*Кимки тама қўлини дароз этса,*

*У ўз обрўйдан ўтиб кетишиға кўприк қуради.*

Роқим (ушбу сатрлар муаллифи) кўп яхши хулқлари билан мактовға сазовор бўлса-да, вазифасини адо этишға майли йўқ ул азиз (киши) билан ошна эди.

Жаҳонда ёлғон гаплардан бири машҳурдир: гўё икки-уч азиз – уларнинг улуғ номлари ёзиб ҳам кўрсатилмайди – ўринбосарлари ва тобе кишилари билан бирға ишбилармонлик хусусияти ва яхши диёнатлилиги ила ном қолдирганлар. Бу ўша ном эгалариға хуш

келган. Охири иш юзидан парда кўтарилган. Субадаги нойиблик ишида ул азиз ўринбосар бўлолмайдиган ўғиллар, уларнинг кашшоқ ошналари қўли ҳамда тили чакқон фақирлар тўдаси ҳамда нопок товламачи бузгунчилар «муҳаббат» ва «эътиқод» ҳалқаларини қулоқларига таққанлар. Улар мақталгувчиларни ғофил ва ишбилмас ҳисоблаб, шоҳ ва подшоҳзода мол-мулкларини тортиб олганлар ва “муҳолифлари”ни Чибутара кутволига қўл кўтаришларигача олиб борганлар, ўзлари эса (1926) шошилинч равишда ватанларига жўнаб кетганлар... Хуллас, Мухлисхон, Мултафатхон, Иноятуллохон каби эҳсон қилишга қодир буюқлар Саййид Азиз ҳолига раҳм қилиб, (унга) ёрдам кўрсатдилар. Ва муқаддас жаноб ҳам донишмандлик тақозоси билан унинг бандиликдан озод қилинишига «яхши» дедилар. Аммо (у) то ўлим кemasига ўтиргунига қадар қайта (бундай ишларга) бел боғламади.

Хукмга мувофиқ, Худобандахон бунгоҳ муҳофазасига кетди. Жумлатул-мулк ҳайит намозини адо этиш юзасидан саройга келди. Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш байрам куни отга минган ҳолда саодат жилови (хизмати)да бўлиб, хушнудлик ҳосил этдилар. Совға-саломлар муқаддас назардан ўтказилди, иноят ва риоятга мунтазирнинг дил мақсади амалга ошди.

Султон Баланд Ахтар байрам билан муборакбод қилиш совға-саломлари берилиб, махсус шарафланди. Рухуллохон девони хос доруғалиги (мансаби) ўзгартирилгандан сўнг қўшимча билан сарафроз этилди, аслида икки минг беш юзчи (эди) беш юзчи қўшимча (берилди) (193а).

Иноятуллохон ўгли Ҳидоятуллоҳ (оиласида) ўғил туғилганининг назрини берди.

Декан тўпхонасининг доруғаси Мансурхон арзга етказдики, унинг укаси – Қамар Нагар калъадори Муҳаммад Юсуфхон ул улкан навоҳийда ўзининг исёнкорлигини кўз-кўз қилаётган бир шахсни ушлаб олиб, саройга жўнатган. (Ул шахсни) Ҳамиддинхон Баҳодир ихтиёрига топширсинлар, деган хукм бўлди.

Йигирма тўққизинчи шавволда подшоҳзода Муҳаммад Комбахш Кулолбордан бир жариб масофа ташқарида ўрнатилган чодирга ташриф буюрдилар.

Йигирма олтинчи зулқайдада Роно Амар Сингхнинг элчилари бахт пешоналарини муқаддас остонага суртиш билан мунаввар этдилар. Улар бир фил, икки от, тўққизта қилич ва тўққизта чарм оёқ кийими(дан иборат) совға келтирдилар.

Комкорхон ва Руп Сингх ўғли Рожа Ман Сингх икки минг беш юзчи эдилар, ҳар қайсиси беш юзчи қўшимча олдидлар. Хон Фирузжангнинг биродари Абдурахимхон бир мингчи эди, беш юз қўшимча билан сарафрозлик топди.

Унинчи зулҳижжада подшоҳзода Муҳаммад Комбахш олий (сарой) аҳллари билан борди-келди қилишдан аввал ийдгоҳ томон кетдилар. Йигирма тўққизинчида совға-саломдан сўнг яна ўз ўринлари – йигирма мингчи мансабига тикландилар.

Олтинчи муҳаррамда Чинқиличхон Баҳодир ёвуз ғанимнинг танбеҳини берганидан сўнг Қутадан олий даргоҳга келди. Унга сарафрозлик назари билан қарашга ҳукм бўлди. Бахшиул-мулк Муҳлисхон Исломпური кальасигача унинг истикболига чиқиб, мулозаматга олиб келди. (Чинқилич Баҳодир) беш юзчи, икки юз сувор қўшимча олиб, уч минг беш юзчи, уч минг суворли мартабага кўтарилди.

Йигирма иккинчи (муҳаррамда) «Хониолам» хитобига эга бўлган марҳум Нажобатхоннинг ўғли Муҳаммад Иброҳим (1396) камокдан озод қилинган, ғойибона уч мингчи, икки минг суворли мансаб ҳамда Жунпур фавждорлиги хизмати билан сарафроз этилди.

Роно Рож Сингхнинг ўғиллари Андар Сингх ва Баҳодир Сингхларнинг биринчиси икки мингчи, бир минг суворли, иккинчиси эса, бир мингчи, беш юз суворли мансаб билан шарафландилар ва эъозландилар.

Хон Фирузжангнинг ёзганларига қараганда, Муҳаммад Аминхон арши аълодек тахтнинг хизматкорларига маълум қилганки, Исломқаданинг бахти қора заминдори ислом лашкарлари ғалабасидан бахтсизлик даштида саргардон бўлган. Исломқада давлат волиёларининг тасарруфига кирган...

Шижоатхон Мултафатхонга Марямнинг (пиёласига) ўхшаш тош пиёла юборган эди, назардан ўтказилди; (пиёла) холдор бўлиб, (Онҳазратга) ниҳоятда ёқиб тушди. Мазкур хонга (Мултафатхонга) унга (Шижоатхонга) нозик пиёла ва ликобчалар ясашиб юбориши ҳақида ёзиш ҳукми бўлди. У номи зикр қилинган бошқа қўшимча нарсалар билан бирга яхлит ва тарошланган тошдан ажойиб услуб ва ниҳоятда нафис кўринишли тахт, ҳовуз ва қушча ясашиб юборди. Манзур бўлиш давлати билан тош жавҳар даражасига етди.

Машҳур Жағтойнинг набираси Ваҳидхон Гурбанд тҳанадорлигига тайинланди; олти юзчи олти юз суворли эди, тўрт юзчи, тўрт юз сувор қўшимча олди.

Ситво Дафляк олий даргоҳга келган эди, бахти қоралик балосининг алдови билан (194а) лашкардан қочди. Тарбиятхон мироташ Саййидхон ва Шукруллоҳхон Кошғарий ҳамда бошқалар ила биргаликда уни таъқиб этиб, ўзлари билан олиб келишга руҳсат олдилар.

Хон Жаҳон Баҳодирнинг укаси Ҳожи Ҳотам акаси вафотидан сўнг саройга келди. Унга беш минг рупиялик жавоҳирлар, нимаи остин, иккита шолча ва икки минг рупия нақд пул марҳамат қилинди. Хон Жаҳон Баҳодир ўғли Нусратхон тўққиз юзчи, беш юз суворли эди, бир юзчи (қўшимчага эга бўлди) ҳамда унинг ўғли Абулфатхон Каҳин етти юзчи, уч юз суворли эди, бир юз сувор қўшимча олди. Иноятуллоҳхон ўғли Зиёуллоҳхон (оиласида) ўғил туғилиши муносабати билан (Онҳазратга) муносиб совға қилди.

Мухлисхон Эрон савдогарларининг бошлиғи Мухаммад Тақийни мулозаматга келтирди, у бир Куръони шариф, нилуфар, тилла юритилган лангари, еттига салла ҳамда хушбўй атир тақдим этди.

Зулфикорхон ўрнига Рухуллоҳхон жилов доруғалиги (хизмати) билан шарафланди. Абдурахмонхон ўрнига Саёдатхон арзи муқаррар доруғалигига сарафроз этилди, у бир мингчи, икки юз суворли эди, беш юзчи қўшимча олди.

Сафшиканхон салтанатнинг катта ўғли вакили хизматига тайинланди.

Ануп Сингхнинг ўғли Суруп Сингх Зулфикорхон ҳузуридаги ёвуз кирдор Ромо (Роно)нинг одамларини саройга олиб келсин, Ҳамидиддинхон жумлагул-мулк ҳукми остидаги жаҳаннамий Сивонинг одамларини у ердан олиб чиқиб, Рожа Соҳу ҳузурида – Қуллолборда сақлаб турсин, деган олий ҳукм шараф билан чикди. Саъдуллоҳхон ўғли Ҳифзуллоҳхон (194б) шахзода Муъизиддиннинг илтимосига кўра, Тата субасининг нозими ҳамда Сейистон фавждорлиги мансабларига эга бўлди, икки мингчи, етти юз суворли эди, уч юз сувор қўшимча олди.

Ҳамидиддинхон Баҳодир икки мингчи, бир минг тўрт юз суворли эди, беш юзчи қўшимча иноят этилишига сазовор бўлди. Мултафатхон бир минг беш юзчи, икки юз суворли эди, юз сувор қўшимча олиш илтифотига мушарраф қилинди.

Шайх Саъдуллоҳ хослар мушрифидан ўзгартирилди.

Бахтиёрнома саҳифаларини ёзувчи (муаллиф) аввалги хизматларига қўшимча тарзда бу хизмат (яъни хослар мушрифидан хизмати) билан ҳам шарафланишга муяссар этилди.

Хон Нусратжанг олий мулозаматга кириш билан бахтиёрлик топди, у хилъат, от, фил ва зарҳалланган ханжар иноят этилиши билан илтифотга сазовор бўлди.

*Ҳазрат динпаноҳнинг келажаги маҳкум этилганлар (қўлидан) қалъаларни озод қилиш учун юриши ва Ласткада (Липкада) номи билан маъруф бўлган Калдифатҳнинг қўлга киритилиши*

Қазо ва қадар шайхи ва оламини тартибга солувчи маслаҳатига қулок солиб, соялар соясининг жаҳоноройи, нойиблар нойиби, ҳақпараст, мутлакий қодирнинг хоҳиши шундай йўлдан бордики, (бу хоҳишнинг) ҳар бир сукунатида мурожаат (ҳаракат) ва ҳар бир ҳаракатида баракат ҳосил бўлиб, душманларни бўйсундирувчиларнинг мамлакатларни фатҳ этувчи (кишваркушойиш)-ларнинг орастаси, мамлакатлар Оламгири Исломпурида тўрт йил истиқомат қилгандан сўнг (бу давр ичида у ердаги) халойиқи амни-омонлик бешигида осойишталик топди; турли-туман илтифот ва эҳсонлар қилиниши билан оройиш олди, (ҳамда) бу муддат ичида денгиз мавжидек (кўп) фавжлар исён гуруҳларига (исён фитнасига) бир лаҳза ҳам нафас олишга йўл қўймай, йўқ қилиш, асирга олишдек хорлик зарбасини бердилар. Шунга қарамай, шариф зотлилар дил илҳомининг (масалани) ҳал этишига асосан ва аксарият соҳибдил муқаддас шахсларнинг башорат қилишига биноан ҳамда мамлакатларни забт этиш тадбирининг тақозосига кўра (195а), бахтиёрона савоб иш бўлмиш ғазот ва жиҳодга азм этиш хоҳиши – жаҳонкушолик оёғини жаҳонгузар якрон (тулпор от) узангисига қўйдирди ва урушқоқ кофирларнинг ўлка ва қалъалари иқбол саман отининг туёғи остида поймол қилинди. Суннат (тўғри) йўлда хизмат қилиш натижасидан (келиб чиққан) хайрли (ғазовот ва жиҳод) соати (етиб келганига) боғлиқ (масала) содик муҳбир хабарлари билан ҳам асосланди.

Бу борада мустаҳкам қалъача чор атрофдан тош ва ганч (девор) билан ўралсин, деган сипехрасос ҳукм чиқди; давлат қароргоҳи бундан бир йил муқаддам пайдо бўлган эди. Теварак-атрофи икки ярим куруҳ масофали бошқа бир қалъача бино қилиниб, ақлан бир йил ичида тамом бўладиган бу иш соҳиби ихтимом (жадаллик билан ишловчи)лар саъй-ҳаракати билан ўн беш кунда мўлжалга етиб тугади.

Наввоби қудсия Зийнатниси бегимни ҳамда подшоҳзоданинг онасини бошқа сарой хизматкорлари ва (уларга) тобе халойиқ би-



лан бирга осойишталик оромгоҳи бўлмиш ушбу саройда қолдирдилар ва муҳим ишлар мадори жумлатул-мулк Асадхонни эса лозим бўлган кишилари билан бирга қалъа ҳимоясига тайин қилдилар.

Бешинчи жумодул аввалда, беғубор мусаффо кунда ва саодатли соатда худди қуёш жаҳонни айланиш (жаҳонгирд мақсади билан осмон бисотиға чикқанидек, Онҳазрат ҳам) жаҳонгирлик мақсади билан замин бисотида пайдо бўлдилар. Агар ушбу сатрлар муаллифи барча манзилларга ташриф этиш ва босиб ўтиш хабарини бирма-бир ёзса (матнда – «қамраб олса»), у ҳолда қаламнинг ўқ-ёй (шаклида йўнилган) учи тўмтоқлашади. Қисқаси, йигирма кун давомида манзилдан-манзилга ўтиб, (ниҳоят) машҳур нотинч (жой) Муртазообод сиводи (ўлкаси)да шон-шавкатли чодирни ўрнатишга (амр) қилдилар ва ул ўлканинг эҳтиёжи бўлмиш умидсизлик (эндиликда) дил мақсадининг баҳрига айланди. Олийжоҳ подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ, Пайдкону (Бандгону)да нурга тўла саройга чақиртирилган эдилар, ул тарафдан етиб келиб, ушбу хайрли манзилда кадам ўпиш саодатиға муяссар бўлиб, (1956) бошларини кўкка суртдилар. Ва турли хил иноятлар, илтифотлар ҳамда навозишлар, хос хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган духқади, нақшлар солиб ишланган эгарли бир от олиш билан ўз давлатлари олдида қувонч эшигини очдилар.

Мухбирлар хабаридан ёвуз Ромо Берар томонда бахтсизлик даштида овораи саргардон эканлиги ҳақиқат қилинди.

Олий насл шаҳзода Муҳаммад Бедорбахт ўз бунгоҳ(қароргоҳ)-ларини Муртазоободда қолдириб, уни таъқиб этишга ошиқишга маъмур қилиндилар.

Жасоратли Рухуллоҳхон хилъат ва шамшир иноят этилиши ҳамда Ҳамидиддинхон Баҳодир хилъат ва катора ато қилиниши билан бошларини осмони чархфалакка етказиб, фармонпазир этилдилар, токи Пурнолакададан то Ситоракадага қадар фалак(симон) отлар бурни остидаги (барча нарсани) йўқ қилиб ташласинлар ва ободонликдан ному нишон қолдирмасинлар. Манзилдан-манзилга ўтиш пайтида Кар парканаси худованди жаҳон (олам ҳокони)-нинг шонли қароргоҳи ичида ўралиб қолди. Маълум бўлдики, бу ерда подшоҳликка қарашли тўхана (ерлар) обод бўлган. Келажаги ваҳимали ғаним эса ўз ҳолини (ўзи) ҳароб этиб (қочиб кетган). Гўё кофирлар дилларининг чироғи ўчирилганидек (бу ерда) масжид ҳам бор. (Онҳазрат) у томон икки қурух йўл юриб ва файзли ташрифлари билан ул масжидни мунаввар этиб, икки ракат шукрона

(намози)ни адо этдилар. Ва хайрасос ул маконни обод қилиш ҳамда мазкур ерларни маъмур этишга фармон берилди. Қувғиндаги раиятлар омонлик топиб, тасалли инъомига эга бўлганлари туфайли (ўз жойларига) қайтиб келиб жойлашдилар ва барча кишилар улар мухофазасига тайинланди. У ердан (чиқилгач) ислом лашкарларининг Сури номли бошқа бир тҳанаси (хам унга) қул ҳисобланмиш хоконнинг манзилгоҳи бўлди. Унинг қаршисида (196а), уч қурух масофада тоғлар оралигида Суннаткада номли метин қалъанинг истехкоми мавжуд бўлиб, у бахти қора душман тасарруфида эди. (Бу қалъа) мустаҳкамлиги билан бутун жаҳонга машҳурдир, унинг кенглиги (ҳақида фикр юритганда) саҳро кўринишли демаслик мушкулдир. Қандайин ажойиб, осмон тахтли подшоҳга бахт ёрлиги (натижасида) у юзини қайси томонга қаратмасин, иқбол унинг истикболига чиқади. Агар ҳаммаёқ темир тоғ бўлса ҳам, унинг қаҳр қуёши тафтидан мум бўлиб эриб кетади.

Тарбиятхон мироташ ул фалакшуқуҳ тоғ тепасини шайтон тошларга қон этсин, деган маънода лозим бўлган фармон яшин тезлигида чиқди. Мазкур хон икки кун ичида икки йиллик ишни орттириб бажарди. Тўпхона одамларини қалъа деворлари остида тўплаб, ғазабнок тўпни (қалъа) қаршисида келтирди, (тўп) душманни ёндириб ташлашга таппа-тайёр бўлди. Қалъа ичидаги кофирлар тўп отилишидан бошларини ҳам кўтаролмадилар ва оташбозлик (мушакбозлик) билан ўз обрўларини барбод бердилар. Бу хабар маълум қилинган, ижроси вожиб ҳукмга мувофик, қалъа тагидан бир қурух масофа узокликда, Кишно дарёси ёқасида давлатхона барпо этилди. Ва (фақат) ҳақиқатнигина сўзловчи тилда баён қилиндик, бу баракали ҳаракатдан бизнинг химматимиз муроди ғазовотдан бўлак нарса эмас, Аллоҳ ва Унинг расулининг розилиги (шуки), эрта тонгда юриш мақсади билан оёқлар иқбол саманд(оти)нинг узангисига қўйилмоғи лозим ҳамда байроқ(лар) ёвуз кофирларни қатл этишга қаратиб кўтарилмоғи керак.

Осмон остонали давлатхонага ташриф буюрилиши (ва) бу қадар яқинлашиш билан ва бу қўрқинчли хабар етиши (натижасида) магар ёлғондака жасорат камари тоғдан бўлса ҳамки, (байт):

*Сенга зафар камари боғланган қуни*

*Биламанки, душманнинг тоқат тоғи бошқа камар боғлаёлмайди.*

Шу қуни (душман) қутулиш (иложини) ахтарувчи фарёд қўтарди ҳамда ўз номус (196б) ва орини олиб қочиб қолишни ға-

нимат билди. Ожизпаноҳ худованд (хоқон)нинг пешгоҳи (саройи) ожизлик паноҳгоҳи бўлгани сабабли шараф билан қалъа ичидаги қуролсиз кишилар қочиб қололсинлар ва улар беомон тиг кирғинига учрамасинлар, деган марҳамат хислатли ҳукм чиқди.

Юзи коралар тун палласида қалъадан қочишга фурсат топдилар ва муборак якшанба куни, мазкур йилнинг ўн иккинчи жумодул охирида субҳлар учун ул тоғнинг қуёш чиқадиган жойи (маълаъи)дан забт қилиш офтоби (барк уриб) чиқди. Ва қалъа “Фатҳ қалити” («Қалиди фатҳ») номи билан шуҳрат қозонди. Оламнинг мадори (бўлмиш) сарой мутасаддиларининг қўлига жуда кўп ҳазина ва бойликлар ҳамда сон-саноксиз қурол-аслаҳа тушди, шодлик ва шодмонлик баланд овоза билан янгради. Фатҳлар эшигининг фатҳи бўлмиш ушбу фатҳнинг ердагилар томонидан муборакбод этилиши осмоний (малоика)лар қулоғига бориб етди. Ҳозирлар сон-саноксиз илтифотлар билан эъзозландилар. «Қуфр тоғи йиқилди» («Қуҳи қуфр шикаст») деб тарих айтган (шоир) эҳтиёж ғоридан беҳисоб инъомлар олиб, бошини бойлик тоғига етказди.

Ун тўртинчи жумодул охирда муқаддас арзга етдики, Шаҳзода Муҳаммад Бедорбахтга Нарбадо дарёсининг ул тарафида лаънати Ромо билан тўқнашишга тўғри келиб, (ўртада) қаттиқ жанг бўлган. Хониолом ва Сарафрозхонлар унга катта тайёргарлик кўришган. Ҳозирлар исёнчи ва бузғунчиларни ҳайдаб юборишга муяссар бўлганлар, (мағлуб душманлар) қочишга юз тутишган. Шаҳзода ва бошқа саъй-ҳаракат кўрсатганлар беҳисоб инъомлар юборилиши билан эъзозландилар ва шарафландилар. Хон Баҳодир Нусратжанг шаҳзоданинг жилов хизматига тайинланди, ул мардуд бўлган бахтсиз (Ромо) қайси томонга бош олиб кетмасин, (унинг) таъзирини бериш билан фитна ва фасод тўзонини пасайтиришга қарор қилинди.

Муҳаммад Акбарнинг икки нафар мулозими унинг гуноҳини афв этиш мазмунидаги аризасини ва Қандаҳордан атир қутичани даргоҳга олиб келишди. Муҳаммад Акбар номига элчилар орқали (197а) хилъат ва фармон юборилди (шу мазмунда)ки, то у ўз сарҳади (чегараси)га келмагунча гуноҳи афв этилмайди. Подшоҳлик мулки ерларига келганидан сўнг эса унинг номига Бангола субадорлиги ва бошқа олий марҳаматлар иноят этилиши ҳақида шарафли фармон чиқарилди.

Сурат бандари мутасаддиси Омонатхоннинг ҳаёт кемаси сафарга чиқди, катта укаси Диёнатхон унинг жойига лангар ташлади.

Сайфиддинхон Сафавий Шулопури қалъадорлиги билан хавфсизлик қалъасига кирди. Лутфуллоҳхон Биждор субаси нозими (идораси) хизмати билан мумтоз этилди, у икки минг беш юзчи, бир минг тўрт юз суворли эди, унга беш юзчи, олти юз сувор кўшимча лутф этилди ҳамда субадорлик шарти бўлмиш ноғоранинг юксак овози билан баланд овозали (шухратли) бўлди.

*Осмон гумбазисимон Ситора қалъаси фатҳ этилиши ва душманларни банд, қалъаларни фатҳ қилувчи хоқон иқболи равнақининг намойиши*

Дақиқалар (оралиғидаги ходисаларни) билувчи мунажжимларнинг хуршидназар кўнглига равшандирки, осмонни юлдузлар билан ораста қилган, ер куррасига одамлар туфайли зийнат бахш этган, гардунвикорлик ила тоғларни юксалтирган, устуворлик билан қалъаларни мустаҳкам қилган (Тангри) ҳар бир яратганининг толеига бахтиёрлик ва камоли фаровонлик ҳамда иқболлиликни лутф этганки, бу қимматбахо восита шарофатидан (у) ўз тенгдошлари ва яқинлари орасида имтиёз бошини баланд кўтара олади. Тафсилотнинг хулосаси шуки, Ситора номли ниҳоятда мустаҳкам қалъа осмон кўриниши (спехрзухур) салобатли тоғ орқасида қурилган ва ул тоғ чўққиси юлдузларга туташган... Назм:

*Аржумандлик (улугворлик) борасида унинг  
боши баландлиги (шундайки),  
Гўё у баландликнинг ёруғ юлдузидир.  
Осмон унинг (тоғнинг) орқасида худди,  
Туя устига кўк жул ёпилгандек кўринади.*

Ҳақиқатда ҳам, бир осмонки, унда бу юлдуз жаҳонни ёритувчидир; халқлар узунлиги ва кўламдорлигидан ҳайронда, баландлиги ҳаёл чегарасидан ҳам юқори, кенлиги эса (1976) чордеворга қиёс этилишдан ҳолидир. Унинг мустаҳкамлиги таърифига келганда, гўё камон бошини тошга урганидек, устуворлигини ёзишга эса қалам (хома) чўлоқдир. Порлоқ юлдузли хуршид ўз бахт пешонасида нур кўрган эдики, оламни ёритувчи қуёш, яъни фатҳнасиб зафарга мансуб хоқон Оламгир худди шу тарзда лаънати ғаним тасарруфидан ёруғ юлдузли (қалъа)ни юлиб олиш учун яшиндек тез юрувчи саман отини (душман) томон қаратдилар. Йигирма бешинчи жумодул охир, (жулуснинг) қирқ учинчи йилида қалъадан

ярим курух масофада жаҳон шоҳининг фалак чодирини бошини кайвон (Зухал юлдузи) чархига етказди. Иккинчи томонда замон халқларининг подшоҳзодаси Муҳаммад Аъзамшоҳнинг жаҳон кенглигидаги доира (қароргоҳи) қарор топди. Азим дарёдек мавж уриб турувчи қўшин унинг теварак-атрофини ўраб олди. Имзо чекилиб, бажарилиши вожиб ҳукмга мувофиқ, мироташ Тарбиятхон қалъагирликни ва душманнинг қулини қўққа совуришга тайёрланган ҳолда мурчолни (қалъа атрофида қазилган чуқурликларни) ишга солди. Оламни фатҳ этувчи жаҳонгашта баҳодирлар бир неча кун давомида тоғ тепасига қўтарилиб, қушойиш (фатҳ) саъй-ҳаракатининг этагини жон белларига маҳкам боғладилар ва аждар-ҳайбат, наҳангсавлат тўпларни ҳам шу юксакликка олиб чиқдилар. Муболағасиз, қирғиннинг ғазаб овози Миррих (Марс)нинг қутини учириб, жаҳонсўз оташ Баҳромнинг темир сийнасини мум қилиб (эритиб) юборди. Ҳаммаси тоғлиқдан иборат ва суратлар билан қопланган бу деворнинг баландлиги ўттиз газдирки, ундан олти газ юкорида гишт териб, йўл қилинган. Аркони-устунлари ларзага келмаган бирор девор қолмади. Шунга карамай, (бу жой) урушқок кофирлар маскани бўлиб қолган эди, истехкомнинг барча қурол-асбоблари тўпхонадан чиқарилган ва озик-овқат, кўпдан-кўп сув (маълумки, ёз мавсумида чашмалар суви айни оқиб турган вақт) ҳамда бузғунчилик, ёвузлик қилиш ишида нақд жонларини қўлга олган ишбилармон кишилар (198а) мухайё ва тайёр қилиб қўйилган эди. Кеча-кундуз ўқ, туфанг, хуққа, чодир ва мушак кетмакет, тўхтовсиз отиб турилди. Ташқаридаги сон-саноксиз лашкарлар қисм-қисмларга бўлинди. Чодир (тикилган) ҳамда кимирлаган жонга маскан бўлган йигирма курухдан ортик жой ёниб ўт ичида қолди. (Душман) ниҳоятда ғазабланган ва тутоққан ҳолда бир неча бор ўрда яқинигача келиб, жазога сазовор бўлди ҳамда бошидан бахтсизлик ва қочқин тупроғи сочилди. Ғалла ҳамда сомон ниҳоятда қимматлашиб кетди. Масалага юзаки қаровчилар ҳамда ҳар хил сабаб-мулоҳазаларга берилувчилар наздида, ушбу макон фатҳи ва бу мушкуллик қушойиши мумкин бўлмаган иш ҳисобланарди. Аллоҳ йўлида қатъий мужоҳидлик йўлини мустаҳкамлаган подшоҳ буйруқ беришнинг ораста тахтида мана шундай дил қуввати ва қатъий азм (фикр)да эдилар. Қалъа деворидан ўн уч даръа масофадан туриб дамдама (тўп, замбараклар мажмуи) карама-қарши томонга қараб бурх (қаттиқ гранит тошларини) сочди; унинг (дамдаманинг) ўқ (масаллуҳ)лари сарф этилиши (отилиши) давомида

Ўттиз-қирк курух масофада ҳеч қандай дарахт қолмади. Фалакжох подшоҳзода томонидан қалъа тагига тезлик билан мурчол сурилди. Шунга асосан ҳукм бўлдики, сеҳргар никқоблар бурхзот фалакни кўпориб ташлашга киришсинлар. Мазкур дамдама яқинидан туриб бир неча кун давомида бурх деб аталувчи йиғирма тўрт газли қаттиқ гранит тошни ёриб (жой очдилар) ва яна улуғ ҳукмга мувофик, қалъагирликда (доимо) қўллари устун келадиган икки минг нафар пиёда қавм (қишилар) етиб келдилар ва уларга бир лакх ўттиз олти минг рупия миқдоридоги уч йиллик (маош)лари муддатидан аввал марҳамат этилди. Қалъага кириш учун лозим асбоблар: зинапоя (нарвон), от-улов ва чарм кийимликлар тайёр қилиб қўйилди. Ҳа, толиб (изловчи) ўз мақсади(га зришиш) борасида бирор-бир кишидан кушойиш йўлини топмагунча, уни ҳаммадан ахтараверади (1986). Байт:

*Қўл агар белда бўлса, бу – раҳбарни ранжитади,  
Харакатсиз этак (ўз-ўзидан) белга шимарилиб қоладими?*

Ишчи-хизматчилар назарида, қалъагирлик учун керакли барча асбоб-ускуналар тайёр эмасди. Шунга кўра, Тарбиятхон йиғирма тўрт газ тепаликда ўрнатилган мазкур дамдама жойлашган жойдан зинапоя (нарвон ўрнатди). Кажава, тот ҳамда кирбос халталардаги бор камчил ашёлар тўрт газ йўл ўтишга ҳам етмади, саҳроларда сарф этилиб, хоки тупрок бўлиб кетган уст (қолган ашёлар) қалъа деворининг олти газига етди ва ул зинапоялар устига ёғочлар ўрнатилди. Лекин бундан ортиқ иш қилиш мумкин бўлмади. Мазкур хон аввалги дамдамага раҳгиллар олиб келган эди ва камалдагилар бошларини қалъа деворидан чиқаролмай, бундук отишга ҳам мажоллари келмай, девор тагида бекиниб тош отардилар, холос. Баҳодирлар уруш мақсадида деворга яқинлашган эдилар, (аммо хужум) амалга ошмай қолди.

Фармонфармо (хоқон)нинг ботирнасаб Фатҳуллоҳхон (ва) мустаҳкам иродали Рухуллоҳхон қалъа дарвозаси томондан бошқа бир мурчолни равон қилсинлар, деган ҳукм чиқди.

Қирк тўртинчи йил бешинчи шавволда мазкур хон жасорат кўрсатишдек тўғри фикр мадади билан бир ой ичида мурчолни қалъанинг парда деворигача етказди. Тарбиятхон зина-нарвон келтириб қўйиш керак, деган фикри бўйича сушт ҳаракат қилди. Лаънати қалъанинг қояси устида арк мавжуд бўлиб, у (Тарбиятхон) деворни бир томондан ўн тўрт газ ва иккинчи томондан

ўн газ узунликда қулатди. (Натижада) камалдагилар билан аркда хизмат ўтовчи баҳодирлар ўртасидаги тўсиқ йўқолди. Лекин, шунга қарамай, ҳар икки томондан ҳам бирор шахс бу бир даръа ерга қадам кўйиб (ўтишга) журъат этолмасди. Шунга (кўра) қарор қилиндики, бу бутун ораликка борут – порох сочиб, деворни қулатсинлар, токи йўл очилсин ва қалъадаги хужум қиладиган жангчилар (199а) (ер билан) теп-текис бўлиб кетсин.

Подшоҳлик бўйлаб ҳукм бўлди: отлик ва пиёда (жангчи)лардан ташқари, тўпхона ва хос чуқилар, афғон ва какҳар улуслари ҳамда бошқа тобе жамоалар, карнатикиликлар кечаю кундуз ул ерда ҳозир бўлиб турсинлар, Бахшиул-мулк Мухлисхон ва Ҳамидиддинхон Баҳодир бир қанча минг отлик билан (у ерга) бориб, кўтарилиш пайтини кутиб турсинлар. Деворниқоб бузиб ташлангач, нақди жонфурушлар (жонини фидо этувчилар) қалъа томон кирдилар ва (Мухлисхон ҳамда бошкалар) уларга ёрдам кўрсатдилар.

Мазкур йилнинг бешинчи зулқайда (қуни) тонги одам киргинининг шоми бўлди. Аввал пилта ёқдилар, девор қалъа ичига қулади ва камалдагиларнинг аксари ўт ичида қолди. Бу девор ҳам қалъа ичига қуласса керак, деб гумон қилиб, хужумга тайёр турган кишиларга орқага чекиниброк туришлари кераклиги хабар қилинмади. Пилтани ёқдилар, девор бу томонга қулади ва натижада сафарга отланган бир неча минг киши (устига) тош ва тупрок тоғи йиқилди. Лой ғорларни паноҳ қилиб, қулай фурсат кутиб ўтирган жамоа шу жойнинг ўзида тайёр қабрга эга бўлди. Офат зинасининг зилзиласи бўлмиш бу қиёматдан ҳазина зилзилага келди. Кўплар сув ости пастлик-ботқоқликларида мангу йўқликка ботиб кетиб, таналари сув билан қопланди. Умуман, гарчи одамлардан ташкил топган икки кенг йўл бир-биридан ажратилган ҳолда бўлса ҳам, жанг қилиш қобилиятига эга икки минг баҳодир ишга киришди. Шу шов-шув ва тўс-тўполонда пиёдалардан бир неча киши девор устига чопиб чиқди ва «келаётирлар, бу ерда ҳеч ким йўқ», деб фарёд қилди. Лекин орқадаги одамлардан бу (қиёматни) кўриш билан кўркиб кетган ва кути учган қайси бири ҳам бу йўлда жасурона қадам қўя оларди. Иш йўригидан чиққан эди, қилинган ва қилинмаган (ишнинг ҳаммаси) тупрокка тенг бўлди. Фурсат қўлдан кетганидан бир қанча соат ўтгач, (199б) камалдагилар кўрдиларки, у томонда ҳеч кимдан дарак йўқ, (дархол) девор тепасига чиқиб, бир жойни иссиқрок ва мустаҳкамрок қилиб олдилар ва ўқ ёғдириб, бундук отиб ўт алангалатдилар. Дамдама ҳам

бир-биридан ажралиб сочилиб ётарди ва реҳкалалар тушган эди. Хизматкорларнинг қўллари ишга бормай, ҳолларига ярашагина қаршилиқ кўрсатишарди. Шундай вақтда муқаддас шахс, қуёш тожли подшоҳга буларнинг нажот истовчи дилига лутф бахш этиш, қатл қилинганлар (мурдасидан ҳосил бўлган) тепаликларга келиб (кўриб), сўнг қалъа ичига кириш лозим бўлиб қолди. Ҳа, корфармо (хоқон)сиз ишлар сушт ва сардор пойқадамисиз обрў йўқдир. (Хоқонсиз) диловар (боғир)лар қаҳрамонлиги худди кераксиз асодек гап. Гар улар юз мингдир, (лекин) бир киши (яъни хоқон)нинг мададисиз биттаси ҳам йўқдир ва агар ул бир киши майдонга чиқса, бу юз минг кишининг бахтиёр бўлишига муҳтожлик қолмайди ва бунда ҳеч бир шак-шубҳа йўқ. Байт:

*Қуёш барқаша чиқсагина,  
Тун қунга айланади, (лекин) сенинг чирогингдан эмас.*

Шундай бўлдики, хоқонлик Онҳазрати олдиндан кўриш ва олдиндан билиш тақозоси билан тоғ ўртасига чодир қурилсин, дея ҳукм қилдилар, ўзлари ва подшоҳзода у ерга ташриф буюрдилар ва муқаддас зотли билан (барча) ишларга мутасаддилик қилдилар. Тақдир ўз ишини олға юритишни хоҳлаган экан, барча мудаббирлар (надимлар) маслаҳати шунга келдики, тортишиб ва илтимос қилиб (бўлса ҳамки) Онҳазратга (бундай қилишга) йўл қўймайдилар. Шу куни ҳам миниладиган от тайёр эди. Аммо қаршилиқ кўрсатилгандан сўнг бориб ўтиришдан нима фойда? Зафар ва фатҳ зуҳурининг ул қудрат кучи (Онҳазрат) жасорат, қатъий ирода, осмоний (илоҳий) умид ва дарё ҳафсалалик ҳамда тоғ виқорлик билан ҳақиқатнигина баён этувчи сўзни яна қайта айтдилар: «**Қошки, мен ҳам ўшалар билан бирга бўлиб, улуғ зафарга эришсам эдим**»<sup>24</sup> Ва ул чўчиб кетганларга (иродани) кучайтирувчи хат юбордилар: «Нега ўзларингизни мағлубиятга учраш ваҳимаси ва изтиробига соласизлар, сизлардан душман қўли баланд (200а) келмади-ку, олға силжимаслик мумкин эмас, деб айтган эдингиз-ку ахир, ё (тепангиздаги) шип тушиб, жамоа ҳалокатнинг ғафлат ўйқусидами?»

Шу куни шижоатшиор Саййид Сарафрозхонга ва Санбожи ҳамда бахшиул-мулк Баҳрамандхон жамиятига, улар бориб Тарбиятхоннинг ҳамроҳлигида истеҳкомни мустаҳкамласинлар, деган ҳукм бўлди. Баъзи ердан пастга тушиб кетганларнинг ворис

<sup>24</sup> Қуръони карим Нисо сурасининг 73-оят.



(ўғил)лари улар (тушиб кетган) чуқурликлардан ўликлар ва ярадорларни олиб чиқдилар ва манзилларга келтирдилар. Бошқалар эса тақдирга тан бердилар (матнда – «содир бўлган ҳол тили билан гапирдилар») ва (Аллоҳга) жон топширдилар. Байт:

*Кам ўлдиришининг пайига тушиш бизнинг  
юлдузимиз (байрогимиз)  
Бизнинг чора-тадбирларимизнинг калиди анқо (қуши)нинг  
қанотидир.*

Шуниси ажиб воқеа бўлдики, фарзандлари, биродарлари ва ёру хешлари кулаб тушган беҳлия пиёдалар жуда хафа бўлган ва мири оташдан жигарлари куйган эди. Кўрдиларки, мурдаларни тоғу тошлар остидан олиб чиқмоқ мушкул ва лекин улар динининг қонун-қондасига биноан, (мурдаларни) куйдириш вожибдир. (Шунга кўра) бутунлай ёғоч ишлатиб қурилган истехкомга шу кечаси билдирмай ўт қўйиб юбордилар ва ёнғин етти кечаю кундуз ўчмади. Ва бор сув қаердандир ул оташ саҳросидан оқиб кетди. Натижада ҳиндлар ва (ўликларини) олиб чиқишга фурсати бўлмаган баъзи мусулмонларнинг барчаси биргаликда кул бўлди. Дунё оташкадасига офаринларки, унда дўсту душманга ҳам фано (ҳалокат) алангасидан нажот йўқ. Байт:

*Бу марҳала гарчи кўнгулга маъқулдир  
Лекин жисзгирин туслилиги осонликча ёнишга мосдир.*

Жаҳду жадал килувчи бу нуйин (аъён) подшоҳлар Онхазратида бор бўлган нон умиди ҳамда жон қўрқуви билан калъани фатҳ этишда бир қанча саъй-ҳаракатлар кўрсатди, хайиқишни (2006) тасаввур қилмади.

Алқисса, «Худо хоҳласа»нинг тадбири, Аллоҳга ҳамду сано айтишнинг тақдир ўлчови «Аллоҳу акбар» бедор толенинг шукр-фикрлиги, абадий бахт раҳнамоси, подшоҳларнинг баҳодир подшоҳи, замон ҳоконларининг муҳофазачисики, саксон беш йил давомида хилофатни ҳар борада икбол томон юзлантиргандир, ақлга мос олам-олам умид-орзулар ва жаҳон-жаҳон олий мақсадлар (унинг) истиқболига ошиқди.

Қирк тўртинчи йили йигирма бешинчи рамазонда подшоҳлик мухбирлари хабар етказдилар: ёвуз Рону Берар томонда қочқинлик ва бахтсизлик даштида саргардонликда юрган эди, хоҳлаб-хоҳламай ўз хароба (хонаси)га қайтиб келиб, жаҳаннам томон ошиқди.

Мазкур йилнинг ўнинчи шавволида иззатмаком жой хизматкорларига арзга етдики, сардорсиз колганлар томонидан сардор қилиб олинган унинг беш ёшли ўгли ҳам отасига хамроҳлик қилган.

Қофирлар уясининг соҳиби Парсаром бу ғойибий кўмак ва шак-шубҳасиз мададни ҳамда иқболнинг қудрати ва қирғин фалокатини кўриш билан Парби қальасидан Ситора томон етти қуруқ яқинлашиб, Рухуллоҳхон воситачилигида гуноҳлари афв этилишига умид қилиб, ниёз юзини олам халқларининг пушти-паноҳи бўлмиш жаҳонпаноҳ даргоҳга (суртиш билан) сарафроз этди.

Ситоранинг хушёрлик ва бахтиёрликдан бебаҳра бўлган нигоҳбони (қўриқчиси) Су Бҳон кўрдики, илтижо қилиш ва ўз ишларини илгари суриш йўлида бошқалар илдамлик қилмоқдалар. (Бунинг устига) қальанинг Тарбиятхон мурчоли томонидаги девори етмиш газ чамасида истехкомнинг ярми билан бирга йиқилиб тушган ҳамда кўпдан-кўп жамият худди «қарқаб» тўпининг ўқлари каби яшиндек ва раҳмсизларча ҳамла қилиб, хусусан, тоғ орқасидаги подшоҳзода мулчорининг орқа томонидаги забт этилган жойларни янчиб ташлади, қалъа иморатлари яқсон қилинди ва тўрт юз киши нақб (деворларни кулатадиган қурол) ўтида қуйиб кул бўлди. Фатхуллоҳхон тоғдек салобатли мулчорни кўрғон олди-га келтириб, (201а) унинг темир дарвозасини бир зарб билан парчалаб ташламоқчи ва бошқа бир зарб билан қальанинг фалакасос деворини ағдармоқчи бўлди. Шунга кўра (Су Бҳон) ўзининг бадбахтона ҳолига подшоҳ даргоҳига илтижо қилиб қелишдан бўлак бирор муносиб шармандалик ва жазони тополмади; у фалак мартабали, шону шавкатли подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ ҳузурига итоаткорлик билдириб ва паноҳ истаб, (ўз) воситачисини юборди. Ул Тангри раҳмати равнақ бағишловчи назар (подшоҳзода) эркак ва хотинлардан иборат бир қанча минг халқ жонини қалъабанд этиб, Аллоҳ лутфининг намунаси бўлмиш олам ҳоқони пешгоҳида ул қонхўрлар гуноҳидан ўтишни сўрадилар. Жаҳонгирнинг жонбахш этувчи илтифотига шуқурларки, илтимос жамшиднишон шоҳ қабулига етди ҳамда афв қилиш ҳақида марҳаматли ҳукм чиқди. Қамалдагилар омонлик таъми билан қалъани тарк этдилар.

Мазкур йилнинг ўн учинчи зулқадасида ғалаба ҳақидаги хабар истехком ва қуфрмаком қалъага кириб келди ва табриклар шодиёнаси, хурсандчиликлар оҳанги фалакни бузди. Камолиш-нагар нурсиз Ситора (юлдуз) эди, (у) фалак подшоҳи кадрнинг тасарруф қилиш назари мунаввар нурига эга бўлиши билан қуёшга

айланди; иқболи вайрона-вайрона эди, яхши ниятли кишилар қўлида бахтнинг келиб қўшилиши билан мамолики махруса – салтанатда энг маъмур ва обод деган ном олди. Олам халқлари, дунёни фатҳ этувчи (жаҳонкушо), душманларни банд этувчи ва дўстларга илтифотлар қилувчи давр ҳоконига миннатдорчилик тили билан «Дунё дин истаганидекдир» деган баённи муносиб равишда арзга етказдилар.

*Эй, сенинг юзинг олам равшанлигини янада мунаввар этди.*

*Туннинг ёруғ оёи ва кундузнинг Ситораси (юлдузи)*

*Эй, сенинг кўзларинг назорат қилувчи дардамадир<sup>25</sup>*

*Ситора атрофига нур сочувчидир.*

Ўлкани кофирларнинг қалъаларини истило қилиш узун қўлида бўлган (2016) ғалаба соҳибларининг байроқлари билан безашда Тангри кўмакдош бўлсин!

Хуршидқулоҳ, олиймақом подшоҳзода воситасида Ситора фатҳ этилиб, олам халқларига шодлик эшиклари ланг очилган экан, олдиндан кўра олиш нуруни сочувчилар наздида, қалъа «Аъзамторо» номи билан қудратли нур (макони)га айланди. Иккинчи куни подшоҳзода Су Бҳонни қўли ва гардани боғланган ҳолда олий мулозаматга олиб кирди. Унинг банди ечиб ташлансин ва у кайвонмақом даргоҳга бандалик қилиш билан итоат бошини юқори кўтарсин, деган ҳукм бўлди.

Беш мингчи ва икки минг суворли мансаб, хилъат, катора, от, фил, туғ, алам, ноғора ҳамда йигирма минг рупия инъом берилиши билан ўз яқинлари ва қариндошлари орасида имтиёз ҳосил этди ва (шаҳаншоҳнинг) мақтов тили сўзга кирди:

*Бу хилдаги асир таронасидан шукр чаманлари яшнайди,*

*Ажойиб шоҳнинг қўйи-йўлида сажда нақшиман.*

Қалъанинг фатҳ этилиши қирқ учинчи йилнинг йигирма бешинчи жумодул охиридан то қирқ тўртинчи йилнинг ўн учинчи зулқаъдасигача, тўрт ою ўн саккиз кун мобайнида амалга оширилган ва воқеанигор хома бўйсундириш ишлари таҳририга мутаважжих бўлган эди. Энди шу муддат ичида рўй берган бошқа воқеаларни ҳам қисқача равишда ёза бошлайди.

Йигирма учинчи жумодул охирда «Калиди фатҳ»нинг забт этилиши муносабати билан жумлатул-мулкнинг бунгоҳ (чодир)-дан юборган тўрт юз ашрафий пешкаши (совғаси) мунаввар на-

<sup>25</sup> Дардам(а) – ер атрофида айланувчи етти сайёра.

зардан бирма-бир ўтказилди. Ҳукмга мувофиқ, бахшиул-мулк Мухлисхон подшоҳзода Комбахшни Олийжоҳ шоҳ хизматиға етказиб келтирди ва шоҳнинг илтимосига мувофиқ, ул жаноб девон куни ҳам келиб турсинлар, деган ҳукм бўлди.

Шайх Фарид бинни Ҳамидхон хонлик хитоби билан сарафроз этилди. Ун туртинчи ражабда шаҳзода Муҳаммад Бедорбахт Баҳодир ёвуз Рононинг таъзирини бериш (хизмати)дан қайтиб, олий мулозаматга кириш билан (202а) саодатли бўлдилар. Баҳодир Нусратжанг мулозаматга кириш шарафига ва кимматбаҳо инъомлар билан эъозланишга муяссар бўлди. «Иҳтимомхон» деб хитоб қилинган Ихлосхон йигирма бешинчида олдинги қисмларга жўнатилган эди, олий ўрдада (бир) куруҳ чамаси масофада душман пайдо бўлиб, шиддатли жанг бўлиб ўтди. (Иҳтимомхоннинг) ўзи, ўғли ва марҳум Нажобатхоннинг бир ўғли биргаликда шаҳид бўлдилар; кўпчилик ишга аралашиб кетди ва шикастланди. Ул шаҳид ўрнига ахтабегилик хизматиға Ҳамидиддин Баҳодир тайинланди, унга камари билан бирга хос хилъат, олтин суви югуртирилган кимматбаҳо муттақо марҳамат қилинди.

Сарой хизматкорлари арзига етдики, Муҳаммад Аминхон зафар лашкаридан бир ярим куруҳ масофада душман билан жанг олиб бормоқда (ва) агар унга ёрдам етиб келса, исёнчилар фитнасини барбод қила олади. Ҳамидиддинхон Баҳодир ёрдамга борсин, деган ҳукм бўлди.

Бахшиул-мулк Баҳрамандхон ва Ҳамидиддин Баҳодир (кўшинга) дон-дун келтириш учун Катҳонун (Қаҳтовун) томон жўнаб кетган эдилар, ҳар ерда душманлар пайдо бўлган, уларни уриб ва суриб, олий ўрдага кўпдан-кўп дон-дун келтирдилар. Мулозаматга кириб, таҳсину офаринларга сазовор бўлдилар, Баҳрамандхон зумрад муттақо ато этилиши ва Ҳамидиддинхон дур сарпеч инъом қилиниши билан иззат бошларини баланд кўтардилар. Катҳонун тҳанадори Ром Чанд асли ва кўшимчаси билан икки мингчи, уч минг суворли (мансаб)га мумтоз этилди.

Йигирманчи шаъбонда хилофатнинг катта ўғли Иброҳимхон ўрнига дорус-салтанат Лоҳурнинг нозими ва наски (идора иши) га (тайинланиш) билан бениҳоя кўп илтифотларга сазовор бўлдилар; (ул) юлдузи баландга қилич, ханжар, қалқон, совут, камон ва қирон (камон ғилофи) марҳамат этилди, хурмат-иззат хилватда бажо келтирилди (202б).

***Оламгир салтанатининг бир минг бир юз ўн иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ тўртинчи йили бошланиши***

Даража пояси (қундан-қун) юкорилашаётган подшоҳлик тахти, бошқа даврларга кўра замонни файзу фуйуз тўлиб-тошиши билан шуҳратлаган ва адолат ҳамда қудрат давлати билан халқлар учун зарнигор фалакдаги энг эътиборли соя – илтифот ва баракалар нури сочилаётган макон бўлган ушбу вақтда рўзанинг жилоли зуҳури, яъни баракаларга қон рўза ойн саодатли ташриф билан оламини ва унинг халқларини шоду хуррам ва фаровон этди.

Зулдиллоҳлик тонгининг насими, саодат бўстониинг қадди тик сарви (Онҳазрат) хайр-ҳасанотни кучайтириб, савобли ишларни кўпайтириб фаровон (рўза) ойини янада маъмур этдилар ҳамда эҳсон ва қарам соясини барча тоифадаги халқлар бошига солдилар.

Қашмир субасининг нозими Фозилхон хилофатнинг катта ўғли нойиблигига, дорус-салтанат субасининг нозими ва насақи (идора иши)ни ижро этишга маъмур қилинди. Икки минг беш юзчи, икки юз суворли эди, беш юзчи, икки юз суворли кўшимчага эга бўлди. Анбир ўлкаси (ҳокими) Бажи Сингх отаси вафотидан сўнг Рожа Жай Сингх ва унинг биродари Бажи Сингх номи билан шуҳратланди. Бир мингчи, саккиз юз суворли эди, беш юзчи иноят қилиниши билан унинг эътибор даражаси беш юзчи, икки юз суворлига ортди. Чинқиличхон Баҳодир беш юзчи (мансабга) қамайтирилган ҳолда, тўрт мингчи, уч минг суворли баланд мартабали бўлди. Сартихол (Ситхар Сол) Бундила Аъзамторо қалъадорлиги билан иззат қалъасига кирди.

Ўн тўртинчи зулқайдада мусти мустаҳкам қалъанинг эътибор боши исломпаноҳ пошоҳнинг мунаввар пойқадамлари билан осмони фалакдан чикди (203а).

Олий ҳукмга мувофиқ, Баҳмания вилоятидаги қадимий масжидлардан (бири) оқланиб, (шу ерда) дугона (икки ракат) ибодат бажо келтирилди; дин ва давлатни дуо этувчи овоз, подшоҳлик ва миллат номуси – мусулмонлар қулоғига баралла эшитилди.

***Оламини фатҳ этувчи подшоҳнинг ажойиб тадбири ва фармонни ижро этувчи баҳодирларнинг саъй-ҳаракатлари билан Пури қалъаси қулашининг баёни***

Мамлакатларни фатҳ этувчи Оламгирнинг қушод ва баста этувчи хотири сон-саноксиз илтифотлар бахш қилувчи Тангрининг ино-

яти билан Аъзаматоро калъасини кушод этиб (очиб), (Онҳазрат бу ерга) калъадору фавждорларни тайинлаган эканлар, эндиликда Пурликадани мунаввар икбол зарбига учратишни истадилар. (Бу ишга) биринчи бўлиб ошиксин ҳамда камал килиш билан саргардон исёнчиларнинг тобалангаси ўчирилсин, дейилиб, Фатхуллоххон фармонни ижро этишга тайинланди. Мазкур хон шу куннинг ўзидаёқ калъага етиб келди ва тагидан калъага (кирадиган) дарчаси бўлган бурж (истехком)ни зудлик билан мурчол назаргоҳи қилди, ишни жадаллатиш йўлида (одамларга) ўрнак бўлиш камарини боғлади; итоати вожиб, буюклик эгизаги бўлмиш катъий ҳукмга мувофик иш мутасаддилари Ситора калъасини қўпориб ташлаш учун тайёрлаб қўйилган калъагир (калъа олувчи) қурол-асбобларни кўз очиб-юмгунча Пурли калъасининг айна тагига келтириб қўйдилар.

Йигирма иккинчи зулқаъдада жаҳонгир хокон уч кун йўл босиб, Қилу дарвозаси каршисидаги майдонга фалакдек ҳашаматли чодир тикиб жойлашдилар. Жаҳон подшоҳзодасининг фалакшон чодирини подшоҳлик давлатхонаси олдида қарор топди. Рухуллох мири мурчол этиб тайинланди. Қиличхон Баҳодир ва шохлик кишилари ҳамда жангларда ғалаба қозонувчи бошка лашкарлар (2036) тоғнинг барча томонида бир канча масофада айлана ҳосил қилиб, калъани ўртадаги марказ ҳолатида ўраб олдилар.

Агар Ситора: «Мен осмонга суркалиб турувчи калъаман», деса, Пурли: «Мен у (осмон)нинг сийнасидаги ҳукмдор тигман», дейди. Агар Ситора: «Осмон менинг тоғимнинг баланд жойидир», деса, Пурли: «Осмон менинг шуқухимнинг соясидир», дейди.

Умуман, фатхнишон хон (Пурли калъасининг) мустаҳкамлиги ва устуворлигини назарга олмай, мулчор суришда ва овози одамни титратувчи, яшиндек тез тўпларни тепаси фалакка тегиб турувчи калъа томон олиб келишда қористон (ишхона)ни иш хузурига келтириб қўйдики<sup>26</sup>, анча йиллар давомида амалга оширилиши лозим бўлган иш бир неча кун мобайнида саранжом топди. Лекин нималарни ёзай: тинимсиз жала ҳақидами, ғалла ва сомоннинг ниҳоятда такчиллиги хусусидами – бу ҳолатни тасаввур қилиш қўрқинчли эканлигидан серсув чашмалар қуриб қолади ва тафаккур биёбонга айланади, унинг куч-қудрати қалам қоматини (нолиш қиладиган) найга айлантиради. Қора булут худди етимларнинг кўз ёши каби кундузни-кундуз, кечани-кеча демай, қуйишда давом этарди ва унинг бедод (шафқатсиз) дастидан хоналар сувга, турмуш нолаю зорларга (тўла эди). Фард:

<sup>26</sup> Яъни, бу хизматни дундириб қўйди.

*Ҳеч ким бу беҳуда (оқайтган) сувга*

*Эй, хоналарни хароб этувчи, бир жойга қўй, демади.*

Алқисса, дарёлар туғёни ва теварак-атрофдан озик-овқат етиб келмаслигидан қаҳатнинг куни туғди, “қаноат арзон дегил” (ҳикмати) ҳар куннинг ваъдаси бўлди. Душманларни янчиб ташловчи хоқоннинг истиқомати ва қатъиятлилигига қойилманки, бундай қийинчилик ва машаққатлар лутф тимсоли бўлмиш хотирларига кўрқув сололмади ҳамда даҳшатли ҳодиса ва фалокат собит иродаларини буколмади. Меҳрибончилик ва зарлар сочиш билан диловарлар дилини қўлга олдилар ва зўравон қўлларини мағлублар истилосига чўздилар, токи мазкур хон мурчолни дарча ичидаги ниҳоятда кенг ва узун, бир томонининг баландлиги ўн беш газ (204а) ва иккинчи томони ўн газли ёнбошлаб ётган харсангтош тагига етказиб олсин. Лекин бу харсангтош тагига жойлашиш жуда қийин ва магар у қўлга кирса, қалъани олиш ниҳоятда осон эди. Йигирма еттинчи зулҳижжада тошнинг ўн газ баландлик томонидан бир қанча зинапоя ўтилди ва (хон) баҳодирларга етиб келишга ишора қилди, токи алданган (душман) уларга ҳужум қилсин, ўзи (шу онда) тош тўсиб турган (кўринмайдиган) бошка зинапоядан кўрқмас кишилар билан биргаликда тошга яқинлашди ва қалъа дарчасига кираверишдаги майдонда икки отлик душманни шамшир зарбига илинтирди. Кофирлар қилич билан чопиш ва зарбага тоқат қилолмай, дарча томон қочдилар ва мағлублар оёқ остида янчилдилар. Мазкур хоннинг кўнглида қалъа ичига кириш фикри йўқ эди, у харсангтошни эгаллаб, одамларни шу ерга жойлаштиригач, тўпларни тепага чиқариб (қалъа) деворларини қўпоришни ўйлаганди. Шу вақт бундай карасаки, юқлар тагидан ёғочу сомонлар учиб кетиб, яширингани жой тополмаётир. Мана шу ур-сур орасида уч-тўрт нафар мўғул ва бир нафар беҳлия кофирлар билан бирга дарчага кириб қолдилар ва бошқалар ҳам шу мақсадни кўзлаган кўриндилар. Бундук ўлимни бир мўғул томон етказди, беҳлия ҳам қалбини бой берди, қолганлари қочди, бошқаларни ҳам ўзлари билан аралаштириб (қочирдилар). Шу фурсатда душманлар дарчани мустаҳкамлаб олиб, девор тепасида ўқ тўфони ва ўлим ёмғирини ёғдирдилар. Кофирлар (атайин) худди шу кун учун (тайёрлаб қўйилгандек) қалъага кириш йўли устига тўкиб қўйилган борут (порох)га қаратиб ўт очдилар. Фатҳуллоҳхоннинг ўғилларидан Фақируллоҳхон ва бошка олтмиш нафар киши жон

берди, кўплар жароҳатланди. Харсангтош устига чикиб олган кишилар сомон янчиладиган майдондек уч томондан очик бўлгани сабабли (у ерда) коллолмай, пастга тушиб, аввалги жойларига келиб ўрнашдилар. Лекин шунга карамай, бундай устунликни кўриш билан (2046) душманлар жонига ўт тушди, улар аҳволидан дуд чикаётган эди. Эрта тонгда улар билан қалъа ичига кириб қолган икки кишини дарвозадан (чиқариб) подшоҳзода лашкари томон йўлладилар ва «ал-омон, ал-омон» деб фарёд кўтардилар. Ҳокон ҳам жаноб подшоҳзодани доруломон этдилар. Минг-минг хокисорлар ва илтижо қилувчилар (омонлик сўраб қилган) илтижоларидан умид топдилар. Мулкгирлик (жойларни фатҳ этиш) иши Тангрининг маъкул топган назаркардаси ва унга ишониб топширилган ишларни амалга оширувчи ул жаноб (ҳокон)нинг улуғлигини (исбот қилиш) учун экан, (бу исбот қилинди) ва илтимослар қабулга етди.

Ижроси вожиб ҳукмга мувофиқ подшоҳзода учинчи шарофатли муҳаррам куни қалъада қамалда (бўлган барча)ни (ҳеч бир) курол-яроғсиз, молсиз ва матосиз ҳолда қалъадан чиқардилар. Ва ул Ислом уйи (дорул-ислом) жаҳаннамий Сивонинг фириб-найранглари билан бижопурийлар тасарруфидан чикиб, жанг майдони (дорул-ҳарб) бўлиб қолган эди, энди ҳақиқат ҳомийи ва фириб душманининг хужжатиға айланди. Қадимий масжидлар обод бўлди, янги солинган канисалар ҳаробаликка юз тутди. Мазкур қалъа Иброҳим Одилхоннинг 1035 йилда (очган) кашфиётларидан биридир ва у ҳар нарсага янгилик киритиб, “наврас” сўзини (илова этиб) китоб номини «Навраси Мулла Зухурий», шаҳар номини «Навраси Иброҳим» ва уй номини «Наврас атлок» деб юритгани каби (қалъа) «Наврас торо» деб аталди. Ва Аллоҳ (ато этган) бу зафарнинг, бу ғалабанинг тарихи «Шубҳасиз, улуғ воқеа» (“Муҳини мубин”) бўлди.

### *Олий мавкаб (кўшин)нинг Бехусонкада томон юриши*

Энди қалам равона этилиши лозим бўлган манзил сафарининг дўмбирасини чалади. Наврас торо фатҳ этилгандан сўнг жаҳонгашта байроқлар Бехусонкада томон баланд кўтарилишини исладилар. Ҳарчанд шу даражада чидам талаб қиладиган ёмон макондан чикиб кетиш лашкарнинг бой ва ғариблари учун ғанимат бўлса ҳамки, аммо ердаги ва осмоний воқеалар сабабли (205а) вақт ўтган



сайин юк ташувчи ҳайвонлар номи ўрдунинг кенг майдонида камая борарди. Ул сарзаминда (Бехусонкадада) бир-бирига тугашиб кетган, чидам-матонатни талаб этувчи тоғлар кўп эди. Туялар ўрнини сухра эгалламасмикин, деган фикр туғилди, зеро, қатта тоғлар этагида туялар муккалаб, тиззалари ерга тегади, ожиз сийналари (тоғу тошларга) урилади, итоат гарданларини осмонга кўтариб айлантирадилар. (Аммо) лашкарлар пастга тушиб хурсандчилик, айшишрат қилишни ўйлардилар. Қийинчиликларга чидамлилар ҳам машаққатли юкларни олиб ўта олмайдиган бўлдилар. Лекин мушкулларни кушод этувчи, фуқаролар осойишига кафил, жаҳонни сайр этувчи (хоқон)нинг раъйи шундай бўлгани туфайли ва агар (хоқон) буни хохламасалар, бирон-бир жон ҳалокат ерида ўрнидан туролмаса-да, ўн биринчи муҳаррамда қайтиш байроқлари баланд кўтарилди ва хоҳ-нохоҳ оила (аъзолари)ни елкаларига, уй асбобларини ноилж «йўқлик»ка<sup>27</sup> юкладилар. То бадбахт йўлтўсар таловчилар ўз ишларидан баҳраманд бўлгунларига қадар кўчиб олинди ва икки бекат йўл босилди. Лашкарларнинг аксарияти уч манзил оша беш қуруқ масофа йўл юриб, Кишно дарёси яқинига етиб олди. Ғазаб мавжлари, қирғин фавжлари у (дарё) ёқасида саф тортиди. Қуюқ булутдан ёққан ёмғирдек (сон-саноксиз) кемалар (ва) уларнинг бир-бири билан урилиб-сурилиб юришидан соҳил кўринмасди. Ҳайронликка учраган, қарам элтувчи водий бир неча кун мобайнида машаққатли ғубра<sup>28</sup> дарёсидан фориг бўлди. (Лашкарлар ва бошқа кишилар) минг-минг ҳийла, усталик билан Сониб-када ва бошқа соҳилларга етиб олдилар. Ўн тўққизинчи сафарда Бехусонкадада хоқоннинг жаҳоникбол чодирини тикилди. Ёмғир ўз манзилига кетди, дўсту ёрлар осойиш қароргоҳига келдилар. Дарё ва нолалар тошқини пасайди. Халқлар омонлик ва ором топдилар. Шавқатли подшоҳзода тинч-хандис вилоятига зудлик билан етиб бориб, дорус-сарвар Бурхонпурда (2056) истиқомат танлашлари учун руҳсат олдилар, токи ул жаноб узангиси хизматидаги лашкар ором топсин. Худди шу тарзда кўпчилик хастаҳол аскарлар тева-рак-атрофга ва ўзларининг аввалги жойлари – обод ўлкаларга кетишга буйруқ олдилар.

Субалар наввобларига фармон йўлландики, улар музаффар жилов қошига янги бардам лашкарлар юборишлари ҳақида фармон жўнатилди. Шаҳзода Бедорбахт ўзларига тобе фавжлар билан бир-

<sup>27</sup> Раъий маънода «хўрозларга юклади» ибораси истифода этилган.

<sup>28</sup> Ғубра – дарёдан ўтганлик учун олинмайдиган солиқ.

га бунгоҳ (қароргоҳ)ни кўриклаш учун қолган эдилар, саодатзухур хузур (сарой)га чакиртирилдилар ва олий мулозаматга кирганларидан сўнг Пурнола қалъасини забт қилиш юзасидан биринчи (илғор) қисм сифатида жўнашга рухсат олдилар. Зулфиқорхон Баҳодир Нусратжанг бошчилигидаги фавж – лашкардан бошқа фавжлар ул жаноб жиловчи хизматида белгиландилар ва шунингдек бир қанча вақтдан сўнг Тарбиятхон миротаиш ҳам ул томонга бориш ҳукмига таважжуҳ этди. Фақат яхшиликнигина кўзловчи, барча химмат-сахийликда беқиёс лутфу илтифотлар зухури барча халқлар орому осойишига мўлжалланган экан, шунга бинонан, файзу фўйуз жилланган хотир жўш уриб кетди (ва) Хоспур қароргоҳга қадар ярим кунлик масофада бўлгани учун узанги хизматидаги лашкарга шу ерда тўхтаб дам берилди. Мазкур йилнинг йигирма саккизинчи рабиул аввалида олий ўрданинг азимат жиловчи ул томонга қаратилди. Етиб келинган, ушбу маконда ҳақиқатда ғалла ҳам, сомон ҳам бирдек мўллиги туфайли кўп эҳтиёжлар тўла-тўқис қондирилди ва подшоҳлар подшоҳи Онҳазрат Раҳмон (Тангри) марҳаматларининг намунаси (хоқон) давлатларининг янада юқори мартабага эришиши ва салтанат куч-қуввати янада мустаҳкамланишини дуо ва ёд айлаб (Худодан) сўрадилар. Фард:

*Юзимизга рангимиз яна қайтиб келди,  
Ариқларимизга сувимиз яна қайтиб келди.*

Замона ғаддор (фирибгар) бўлганидан сомон остига сув қуяди, давр кишиларининг ерини суғориш учун сув беришни хохламайди, сув ўтказмайди. Шундай экан, бир дам сув ичиб баҳра топиб хурсандчилик қилиш (206а) (ҳар кимнинг) ўзининг бахтиёрона ишидир. (Эй Худо) оламга сув бер, деб айт. Фард:

*Дунё – ҳодисалар ва воқеалар денгизининг  
кемасини синдирувчидир,  
Синган кемада кимса ором тополмас.*

Кесатиб “сероб”, “сийроб” (сувга тўйган) деб аталувчи сувсиз дарёдаки, унинг ҳар икки соҳилида ва ўртасида ўнг қўл, илғор (қисм)лар амирларининг, лашкарларнинг чодирлари тикилган ва мавсумдан ташқари то қиёмат қойимга қадар бир томчи сув бўлиши гумон ҳам қилинмаган эдики, пинҳоний тугён бош кўтариб, яъни йигирма саккизинчи рабиул охир кечаси жала қуйиб, тоғ сувлари бу (дарё) томон оқди. Кишилар чуқур ғафлат уйқусида, оқибатни кўрувчи ҳушёрликлари бошларидан учган да-

ражадаги мастликда эдилар. Ногаҳон бир лаҳза кўзларини очиб, бошларидан кўрпани кўтариб, нимани кўрдилар денг: (дарёнинг) ҳар соҳилидан сув тугён урмоқда ва саҳро томон кетмоқда, ҳамма ердаги нарсаларни сув босган, чодирлар бузилган, оламолам одамлар ва ҳайвонлар йўқлик ғарқобига чўкиб кетган, тирик қолганлар эса «Сув исканжаси темир исканжадан кучлидир» дейиладиган асирликка тушганлар. Агар тонг отиб қолмаганда ва яна тошқин куч билан тўрт-беш газ кўтарилганда, бирор тирик жон қолмасди. Раббил арбоб (яъни Тангри)нинг фазли қайтадан мурдалар қолиби (жасади)га сутдек жонни ва жон саломатлигини киритди. (Саломат қолганлар) “Бизни вафот қилдиргандан кейин тирилтирган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин” (сўзлари)ни ўқиб, ўз оилаларининг номи-нишонини қидира бошладилар, аммо тополмадилар; молу матоларидан қўлларини ювиб, нолаю фарёдлар чекиб, ҳар томонга югурдилар. Қизиғи шуки, баланд тепаликлар ва узоқ жойларда қолиб (ушбу) бахтсиз ҳолга учраган баъзи кишилар аҳволи не кечгани ҳақида ҳеч қандай хабар йўқ эди (206б).

Оқибатда, ҳайр бахш этадиган ишбилармон (Тангри)га сонсаноксиз шукрларки, подшоҳлик давлатхонаси баланд мақомли қилиб барпо этилган эди, бу воқеадан ақалли бирор от тирақайлаб қочмади. Фард:

*Қандай яхши, давлат кўзи яна сенинг юзингда,  
Эй, мағрур сарафрозлар бошлиғи!  
Сен маъқул кўрмаган фалокатдан ғамгин бўлма,  
Сенинг (подшоҳлик) даврингда зарар келтирувчи тақдир  
ишларидан ғам ема.*

Қирк тўртинчи йил бошланишидаги баъзи воқеалар ҳикоя қилинмади ва мазкур йилнинг шаъбон (ойи)даги тўла ёзиб битилмаган воқеалар тафсилотига оид фикрлар баён қилинажак.

Зулфиқорхон Баҳодир Нусратжанг баттол кофир Дунҳо Жодуннинг таъзирини бериб қўйиш ишига маъмур қилинган эди, у мальун ёвузнинг жазосини керагича бериб, олий остонага кириб келди. Довудхон, Дилпат, Ром Сингх ҳамда бошқа ҳамроҳлари билан бирга офаринларга ҳамда хилъат, жавохирлар ва қўшимча (мансаблар) марҳамат этилишига сазовор бўлиш билан азиз этилди.

Мултон субасининг нозими шаҳзода Муъизиддин нобакор заминдор нобакор Дувкра (Дукрех) тасарруфидан Додҳар калъасини халос қилгани муқофотига икки мингчи, бир минг суворли қўшим-

ча (мансаб)га эга бўлиб, аввалги мавқеидан (кўра юкорироқ) – ўн икки мингчи, олти минг суворли икки от (мансаби билан) шарафланиш имтиёзига муяссар бўлдилар. Тахтача нозими Ҳифзуллоҳхон икки мингчи икки минг суворли эди, шахзоданинг илтимосига кўра, беш юзчи қўшимча олди. Бангола нозими шахзода Муҳаммад Аъзам (мансабларининг) камига яраша минг суворли қўшимча олдилар. Кашмир нозими Фозилхон Лоҳур субадорлигининг ноиблигини қабул этмай, нур таралувчи саройга келишни хоҳлади. Икки юз сувор камайтирилиши шарти билан унинг ноиб бўлиши ҳамда илтимоси манзур саналди. Аммо у йўлда келаётиб Бурхонпурга етганида охират саройи томон сафар қилди. Фозилхон камол соҳиби, (207а) самимий, эътиборли ва иродали шахс эди. Иноятуллоҳхон подшоҳзода Муҳаммад Комбахшга уч минг суворли танҳо, жогир танҳо беришга, қайтадан расмийлаштиришда ҳеч бир тўскинлик қилинмади (деб айтишга) маъмур этилди. Худобандахон буютот Аскархон ўрнига Муҳаммадбоди Бидар субасининг нозими ҳамда беш юзчи, беш юз суворли қўшимча билан эътибор бошини баланд этди. Мирмунший ва китобхона доруғаси Фазоилхон унинг ўрнига буютотлик (лавозимини) ўз муваффақиятларининг байтулшарафи (муқаддас уй)га айлантирди. Шаҳзода Бедорбахт девонлигининг хизмати билан Иноятуллоҳхоннинг бахти уйғонди.

Ҳиндийлар камокдалигида таом емаслиги олий арзга маълум қилинди. Шунга кўра, рожа Саҳари ўғли Сохубан таом ўрнига ширинликлар, мева ва паквон истеъмол қиларди. Ҳамидиддинхон унга «Сиз камокдамассиз, ўз уйингизда ўтирибсиз, таом еяверинг», дея хат ёзди.

Олийлар олийси наввоб Зийнатниси бегим қароргоҳ(лари)-дан саройга чақиртирилган эдилар, ўнинчи жумодул аввалда дил тахтига миниб, давлат саро(й)га кириб келдилар. Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш ва Султон Баланд Ахтар истикболларига чиқиш саодатига эга бўлдилар.

Бихар субадори Фидойихон Тарҳат ва Дарбаханка фавждори қилиб тайинланди. У икки минг беш юзчи, икки минг беш юз суворли эди, шартсиз беш юзчи қўшимчага эга бўлди.

Кошғар ҳокими Йўлбархон вафот этди ва ул мамлакатнинг идора ишларида тартибсизлик содир бўлди. Мархум Шоххон ибн Умхоннинг ўғли Арслонхон подшоҳлар подшоҳининг даргоҳида бандалик билан сарафроз эди, йўлга тушиб ватани томон (207б) ошиқди ва ул ўлкада ғалабага эришди. Салтанат тўнғич ўғлининг

жилов хизматига биркитилганлардан Сардорхон унга ёрдам бериш учун ижозат олди.

Муътамадхон ўрнига Садриддин Муҳаммадхон Хондис субадорлиги хизмати ҳамда беш юз сувор кўшимчаси билан икки мингчи, икки минг суворли иззат садрига чиқди. Сафшиканхон эса унинг ўрнига кўрбеги ва аҳадийлар бахшиси бўлди.

***Куёш шуълали байроқларнинг Пурнола қалъасини фатҳ этиш учун кўтарилиши***

Ўн олтинчи ражабда жаҳон кезувчи ўрдунинг Муртазообод кишлоғи томон (юришидан) ер ларзага келди. Иккинчи шаъбонда мазкур манзил олий ташриф нури билан ораста топди.

Машхур халифа Султоннинг биродарзодаси, Эрон садри (вазир) Қавомиддиннинг ўгли Сафшиканхоннинг фарзанди бахшиулмулк Мухлисон қаттиқ дардга мубтало бўлиб, тўртинчи шаъбонда оламни тарк этди, у мазкур қусбадаги орифлар пешвоси (матнда – “қаймоғи”) Саййид Шамсуддин мақбарасига дафн қилинди. Ўзида улуғворлик билан камоли ишбилармонликни уйғунлаштирган (Мухлисон) табиатида мустақиллик ва иродалилик барқарор эди. У ҳақда кишилар «ёш халифаи султонимизга эгамиз» дея тилидан гавҳар томиб гапиришарди. Унинг вафотидан кейин Рухуллоҳхон иккинчи бахшигирлик хизматига сарафроз этилди.

***Оламгирнинг мангуликка тенг жулуси (тахтга ўтириши)нинг бир минг икки юз ўн иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ бешинчи йили бошланиши***

Ушбу кишлоқда таваккуф этилдиги, тўхтаб (дам олиш) вақти ўтгандан сўнг учинчи шавволда байроқлар номи ёзиб ўтилган Пурнола ҳамда унга туташган энг баланд чўққиси осмонга соя солиб турувчи, мустаҳкам ҳамда метинликда ундан кам бўлмаган Пункада қалъаларини емириб ташлаш сари кўтарилди. Мазкур ойнинг ўнинчисида подшоҳнинг рақибларни банд этувчи, душманларни поймол қилувчи шону шавкатли мавкаби (кўшини) фалаксимон қалъа-кўрғон дарвозасининг қаршисига (208а) қалъа тагига аркондек чирмашиб кетган дарё яқинига жойлашди. Ҳалабага молик шу куни давлат воқеаларининг роқими (ёзиб борувчиси) ҳазрати лисони ғайбнинг девони тўғрисида фол очди: матлаби – мақсадларга нур сочиш бўлган бу куёш файз-барака матлабидан чиқади. Байт:

*Ғайбнамо (илоҳий кӯринишидаги) ва лим тӯла жоми бўлган дил Охирида бир оз кам бўлганига нега ҳам гам қиларди.*

Ҳақиқатда, муҳри саодатли накш ҳамиша ислом султонларининг номига сикка бўлиб зарб қилингандир.

Сивои жаҳаннамий Одилхон (хонадони) ҳокимларидан (Деканни) тортиб олди. Бутун Декан ўлкаси куфр ва фитнадан пок қилингандан сўнг олийжоҳ подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳнинг ажойиб тараддуллари билан сулаймонмакон подшоҳнинг бандалари тасарруф кўлига кирган эди. Ҳимоячилар кофирлардан бўлгани ва қалъадорининг ғафлатда қолиши ҳамда кўрқоқлиги оқибатида уни бир қанча вақт шайтоннасаб зот, товламачи кофирвачча ёвуз Сабонхо тасарруфида тутиб турган. Ғолибкор Ислом туфайли, Аллоҳга шукурларки, (Декан ўлкаси) қайтадан давлат волийлари тасарруфига кирди.

Алқисса, хон Нусратжанг ҳар томонда санғиб юрган ўғриларни ҳайдаб юбориш, жадал кадам билан улар изидан қувиб, бошларини танларидан жудо қилиш (иши)га рухсат олди.

Олийнасаб шаҳзода ва бошқа жанговар аскарлар ҳозир бўлдилар. Зафарларга бой жиловга ҳамроҳлик қилган баъзи хиндиларга қалъа атрофига чодирлар ўрнатишга рухсат берилди. Дарё мавжи (каби сон-саноксиз) кўшин ҳар икки қалъанинг етти қуруқ майдондан иборат даврасини ўраб олди. Тарбиятхоннинг саъй-ҳаракати билан (қалъа) рўбарўсига тоғдек салобатли мулчор кадам кўйди (2086). Яшиндек тез ажал сочувчи тўплар душманни қуйдириб (кулини кўкка совуришда) астойдил хизмат қилди. Жуда кам вақт ичида қалъадаги бешта бурж (истеҳком)нинг ярмидан кўпи кулаб тушди. Улуғ ишларга қодир (тўпларнинг) бу ажойиб қисми метин ерларни кўпориб ташлашда ва тоғлик жойларда яшовчиларни тирақайлатиб қувишда режани иш ҳузурига келтирди (яъни айни масалани ҳал қилди)ки, қузатувчилар наздида, (тоғдаги) кишилар гўё шодлик ва ҳайратдан қочаётгандек эдилар. Бир қанча жариб ер ости қазилиб йўл чиқарилдики, (бу йўлдан) уч қуролланган ёш жангчи ёнма-ён туриб тикка ҳолда ўта оларди ва ора-орада йигирма нафар жангчи сиғиб ўтира оладиган бир қанча дам оладиган (пистирма) жой ҳам қуриб ҳамда ҳар томондан шамол ўтадиган ва қуёш нури тушадиган (девор) тешиқлар ҳам қилиб қўйилди. Бу ерларга тўпхона кишилари шундай жойлаштирилдиларки, камалдагиларнинг биротаси девордан бошини чиқарган бундук

ўқидан қочиб қутулмади. Бу ер ости йўли (душман) тўплари жойлаштирилган бурж (истехком) тагигача етказилди, унинг асоси шу даражада холи эдики, барча баҳодирлар у ерда чуки (таъзим) қила олардилар ва душманнинг манфаати, ғам-ғуссаси уларни ташвишлантормас эди. Иш ниҳоясига келиб бу ер ости ўтиш йўли деворнинг таг қаватидан олиб ўтилиб, қалъа ичигача етказилди. Лекин жадаллаб бораётган иш жараёнида тўхтаб қолиш юз берди, ёмғир ёғиш мавсуми қўлни маҳкам ушлаб қолди. Бу сарзамин фириб ишлари ҳамда монелик жойи бўлгани сабабли бир қанча вақт ўтишга йўл бермаган дарё ва азоб-уқубат етказувчи (макон) даражасига бориб қолган эди, жаҳоннинг бошқа бирор ерида жаҳолатқобил, яъни музаффар лашкар ҳокимияти барқарор бўлмаган жой йўқ эди.

Фатҳуллоҳон ўз шериклари шикаст топганликлари ҳақидаги хабар сабабли Хужастабунёд – Жамиятобод томон кетган эди. Шу аснода (209а) у саройга келди ва шаҳзода кўшини томонидан (ва) ул олийнасаб раҳбарлигида ҳамда Мунъамхон ёрдамида иккинчи бир алоҳида мурчолни равон қилишга маъмур этилди. Ул фармонбардор бир ой муддатда фалаксавлат тоғнинг тош-метин заминини осонгина ердан кесиб ташлаб, девор тагигача йўл очди. Бу (душманга) маълум бўлиб қолди ва (зафар аскарларининг) очилган йўлда ўрнашиб олганлиги тўғрисидаги хаёл қалъада қамалда ўтирганларни хайратга солди.

Ҳар икки қалъа урушининг оташ алангасида хонумонининг қулини кўкка совурди ва ўзлари учун ёмон кунни сотиб олди. Иш кўзини билувчиларнинг оқилона назарларига кўра, жанг майдонида ва тезлик борасида қуролни арганун қилиб чалиб юборувчи Бистун (тоғининг) бу Фарҳод фикрлилари жон шикор этишга мушоҳада қилганлар. Аҳволлари ниҳоятда ёмон бўлган (қамалдагилар) ўзларича мулоҳаза юритганлар: бир тарафдан, Тарбиятхон уларнинг қўл остидаги бойлиги бўлмиш ерларини фалакка отади ва иккинчи томондан, Фатҳуллоҳон ишончли куч-қудрати бўлмиш фалак (қалъалари)ни ерга уради. Муҳаммад Муродхон шериклари ва олийгавҳар подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг бахши лашкари Хўжа Муҳаммад билан бирга Пунқаданинг истехком ва деворларини (ер билан яксон қилиб) кулатишга киришди. (Натижада) қамал қилган лашкарлар душманнинг қочиш фурсатини танг қилиб қўйдилар.

Бу подшоҳ подшоҳи Оламгирдирки, (ҳокимият) жиловини мустаҳкамлаш ва бошқа ишлар мулоҳазаси юзасидан унинг фа-

лакка юриш жазмида ҳам ҳеч бир нарса йўлига монелик қилолмайди. Бу лашкар (шундай) лашкардирки, у ўз ишини қилмагунча иш оёк остидан (қаддини) кўтармайди. Байт:

*Ақиқ ўзининг олмос бўлиш фикридан асло юз ўгирмайди,*

*Шуҳрат ахтарувчилар учун шамширининг дами ийд ойи бўлади*<sup>29</sup>.

«Аллоҳ уларнинг дилларига кўрқинч солди»<sup>30</sup> ояти такозосига кўра (душманлар) ўз ном ва номусларидан кўркиб, ожиз ҳолларига ҳимоя сўрашдан бўлак нарсани билмадилар ва Тарбиятхон (2096) воситачилигида катта умидлар билан подшоҳзода ва шахзодаларнинг омонлик уйлари томон чопдилар, бу икки тараҳҳум зуҳур этганлар (подшоҳзода ва шахзода) бир қанча минг хунхўр жонига раҳм қилдилар. Итоаткор ва ожиз пешоналар олам мутеларининг талаб-илтимосларини эшитувчи жаҳон подшоҳининг илтижолар қабул этувчи пешгоҳи (саройи остонаси)га сурилди. Алҳамдулиллаҳ, табиатан икки марҳамат зилолнинг ул гуноҳкор тоифа гуноҳидан ўтиш борасидаги илтимоси қабулга етди ва жону молларининг ҳимояси омонлик топиб, (бу иш) тўла-тўқис ҳал қилинди. Муҳаррам ойининг биринчи куни зафар висоли парда ичидаги имкониятдан жилва билан амал саҳнасига чиқди. Дунёнинг бу икки жигаргўшаси, яъни Пункада ва Пурнола исломпаноҳ подшоҳнинг мамолики маҳрусаси (салтанати) таркибига қўшилиш шуҳратига эга бўлиши муносабати билан мусулмонларнинг «қуррат ул-айн» («кўз қувончи») ва бутпарастларнинг «натижа ул-айн» («кўз моҳияти») бўлди. Пурнола қалъаси шундай азим, баланд шона (хўроз тожи каби юкориликда) дирким, унга на энг баланд ерлар етади, гўё осмон зангори кунгирасини унинг айланаси тепасига туширган, ва на энг юкори маконлар (тенглашади). Агар Олванд унга тенглашишни истаб қолса, боши (унинг) тиззасига тегади, (қалди) ярмига ҳам бормади. Аъзам торо эса бошини унинг деворларидан ҳам чиқаролмайди. Кухан Чарх агар минг даврдан бери тиз чўкиб (қўл ковуштириб) турса, Наврас торо эса унинг остонаси ерини ўпишга муяссар бўлолмайди. Гарчи у анқо Қоф (тоғида) ўтиришда камоли авжда бўлса ҳам, Оламгирподшоҳ истилосининг санъат билан (амалга оширилган) захмига (дучор бўлиб) жаҳонга ҳамла қилувчи юзта (жангчи)ни ном-нишонсизлик тоғи этагига қулатди ҳамда забт этилиш овозаси билан унинг номи қайта аниқланди. Агар осмондек юксак баландликка ўрнашган (қалъа) одам маконининг кўз билан

<sup>29</sup> Яъни, шамширининг яримой шакли янги чиққан ойга нисбат қилинади.

<sup>30</sup> Куръони карим Алъоб сурасининг 26-оят.



кўриб бўлмайдиган масканида мавжуд экан, фалакни банд этувчи сеҳрли тизгин билан у ер жаҳаннам қаърига боғлаб (210а) қўйилди (ва) қайтадан тасарруф этилганлиги шуҳратига биноан, ўз сайёраларининг подшоҳи бўлгани туфайли унга барча юлдузлар устидан раҳбарлик марҳамат қилинди. Шу сабабли ҳамма қалъалар орасида «Бани шох дарак» номи билан шуҳрат топди. «Алхамдулиллох, Унинг мададига ва қатъий ёрдамига». Энди воқеаларни баён этувчи хома – қалам аввалги (қилинган) ишларнинг баъзиларини ва бу йилга оид (воқеаларни) ёзиш билан бахтиёр бўлади.

Шерзеҳхон Кобул аркининг қалъадори эди. Носирхон ўрнига суба ноиби хизматига тайинланди. Ва мазкур хон (Носирхон) хайфсан билан беш юзчи олти юз суворли мансабга туширилди. Садриддин Муҳаммадхон сафавий нотиклиги учун «Мирзо Иззат» (номи билан) эъюзланди.

Олий арзга маълум бўлдики, олий ҳукмга мувофиқ Ғозийиддинхон Баҳодир Фирузжанг бунгоҳ ҳимоясига етиб келди; Қиличхон Баҳодир эса отадан жудо бўлиш қайғуси сабабли Хужас-табунёд томон жўнаб кетди.

Ҳайдарободнинг буткул мухтори Жонсипорхон жонини (Тангрига) топширди. Ул улуғ субанинг идора иши подшоҳзода Муҳаммад Комбахш вакилларига алоқадор бўлиб қолди. Марҳум хон (Жонсипорхон)нинг ўғли Рустамхон ноибликка тайин этилиб, (аввал) бир мингчи, беш юз суворли эди, беш юзчи, беш юз сувор қўшимчага эга бўлди. Йўлбарсхон Муртазоободдаги бунгоҳ – қароргоҳ ҳимоясига тайин этилди, бир минг беш юзчи, беш юз суворли (эди), беш юзчи бир юз сувор қўшимча билан мумтоз этилди. Нусратжанг ноиби Довудхон Карнотики – Бижопур фавждорлигига мансуб киши бўлди.

Қаттик шамолланганлик сабабли фитр байрамининг дугона (икки ракатли) намозини адо қилиш юзасидан сувори муборак (отга миниб муборак йўл босиш) тўхтатилди (таваққуф этилди).

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш ўғиллари билан бирга ва Султон Баланд Ахтар муборакбод қилиш саломига кириш шарафига муяссар бўлдилар (210б).

Ҳукм бўлдики, подшоҳзодалар берадиган «назр» сўзи ўрнига «ниёз» ва амирлар қўядиган («назр» сўзи ўрнига) «нисор» ёзилсин.

Турон элчиси Қутбиддин саройдан қайтиб кетишга руҳсат олган эди, Кобулга келиб салтанатнинг бош ўғли хизматида

даргоҳ бандаси бўлишни илтимос қилди ва бир мингчи, икки юз суворли мансабга сарафроз этилди.

Йигирма биринчи зулкаъдада хос девон сахнига яшин тушди. Қухари обдорхонага шикаст етди ва баъзилар ҳалок бўлди. Бошқалар эса омон-эсон қолиб, уларга захми захмат етмади. Сарой ва субалардаги подшоҳзодалар, султонлар, амирлар хайрлашув чехраларини жаҳонпаноҳ даргоҳга қаратиш билан севингча муяссар бўлдилар. Жаннатмакон Саъдуллоҳхоннинг кичик ўғли Тахтаха субадори Ҳиф-зуллоҳхон ҳаёт йўлини ўтиб бўлди. Марҳум хоннинг ўғилларида камчиликлар йўқ эмасди. (Шунга кўра) шаҳзода Муъизиддин илтимосига биноан, Саидхон Баҳодир Шоҳжаҳонийнинг ўғли Хоназодхон мазкур суба нозимлигига ва Сейистон фавждорлигига мансуб этилди ҳамда «Саидхон» хитоби билан эъозланишга сазовор бўлиб, (аввал) икки мингчи, бир минг суворли эди, беш юзчи, саккиз юз сувор қўшимча олди. Мултафатхон хоназодпарвар хоқоннинг инояти билан «Хоназодхон» хитоби билан бахтиёр бўлди. Исмоилхон мақшо Бани Шоҳдарк фавждорлигига тайинланди, асли беш мингчи, тўрт минг суворли (эди), бир минг сувор қўшимча (олди). Шайхмир ўғли Мухташамхон икки минг зотли қилиб қўйилган эди, минг суворли камини ҳам (қўшиб) олди. Ҳамидиддинхон Баҳодир хилъат, камар (ва) муттако иноят қилиниши ҳамда Тарбиятхон мироташ хилъат ва сарпеч инъом этилиши билан эъозландилар. Атова фавждори Хайрандишхон Канбу етти лакх инъомга ва шунингдек, Дҳомуний фавждорлигига эга бўлди (211а).

Маъмурхон ўрнига Чинкиличхон Баҳодир Карнотики – Бижопур фавждорлиги хизматига тайин этилди, у тўрт мингчи, уч минг суворли эди, саккиз юз сувор қўшимча билан эъозланишга сазовор бўлди.

Аҳмадобод субасидаги воқеалар ҳақида олий арзга етиб келдики, ушбу суба нозими Шижоатхон Муҳаммадбек саккизинчи муҳаррамда фоний жаҳон билан видолашган. Унинг иқбол пешонасида ёруғ юлдуз мавжуд эдики, ғойибона энг пастки табақадан энг юкори – амирлик даражасигача бўлган давлат мартабасига эришди. У кадрдон хоқон саройида ҳаққоният, жиддият ва сипоҳгирлик ҳамда амалдорлик борасида яхши таассурот қолдирган; ҳеч қачон (тўғри йўлдан) тоймаган ва асосан тасаввуф ахлокли эди. Суба аҳолиси уни яхшилик билан эслайди, илтифоти ва саховатига тан беради. Девони холиса Иршодхон унинг сўнгги сафари муносабати билан мозори устида фотиҳа ўқиш учун йўлга тушди.

Нозим вафотидан сўнг Иноятуллоҳхон девони тан(ҳо мансабига) кўшимча равишда мазкур хизмат билан азиз этилди, у бир минг беш юзчи, бир юз эллик суворли эди, юз сувор кўшимча билан эъозланишга сазовор бўлди. Бунгоҳдан қувончларга тўла саройга чакиртирилган жумлатул-мулк Асадхон тўртинчи рабиул охир ойида мулозаматга кириб бахтиёрлик топди.

Лутфуллоҳхон Бижопурдан узоклаштирилиб, Хужастабунёд субаси нозими ҳамда беш юз суворли кўшимча билан уч мингчи, икки минг беш юз суворли (мансаб) илтифот қилинишига сазовор бўлди. Абунасрхон Шоистахон икки минг беш юзчи бир минг суворли мансаб ва Мухторхон ўрнига Молва субадорлиги ҳамда беш юзчи, беш юз сувор кўшимча билан эъозу икромга шойиста бўлди.

Молва субаси Дҳорчаховани қишлоғида ҳукмга муте бўлиб турган Шоҳи Олийжоҳ (яъни Аъзамшоҳ) номига лутф-карам саройидан Аҳмадобод субасининг нозими ва насҳи (идораси) юзасидан йўлга тушсинлар, деган марҳаматунвон фармон (211б) чиқди.

Иқбол ҳақида ёзувчи вақеанигор (яъни калам) йилдаги барча воқеаларни батамом ёзиб фориғлик ҳосил қилди. Энди хома жаҳонкушо байроқларнинг Бани Шоҳ Дарқдан совук Кахтонун (Кахтоюн) томон таважжуҳ қилиши баёнига ўтади.

### *Содиққада фатҳининг баёни*

Тақдирнинг улуг иродаси фалакни олам халқлари (ўртасида) тинчлик сулҳини ўрнатиш томон ҳаракатга келтирган ва ерни жаҳон аҳолисининг хотиржам ўз ишлари билан шуғулланишлари йўлида тинч қилиб қўйган экан, Худо сиру асрорлари тушган, нурлари зухур этган замин (мамлакат) эса етти иқлим ҳоконининг осмон(дек баланд) тахтига, олти томоннинг фармонфармойи (бўлмиш унинг) тожига гоҳ раиятлар тарбияси жиҳатидан олдиндан башарот қилиш йўлидан боришга интилишни буюради, (ва) гоҳ фуқаролар мақсадларини мустаҳкамлаш йўлида (212а) олдиндан кўриш юзасидан бир ерда сокин туришни амр қилади.

Подшоҳлар подшоҳи Пурнола қалъасини ағдариб ташлаш иродаси билан бир қанча вақт ул саволда туриб қолган эдилар, халойиқ манфаатига мувофиқ ўлароқ Катҳонун томон таважжуҳ этдилар. Чунки ул ер ўтлари кўп, озука бисёр ҳамда халойиқ ором топадиган жой ва шунингдек, зафар юлдузли мавқаб (қўшин) овозаси

билан Дирдонкада, Нондгир, Чандин ва Дандин калъалари (исён-кор) кофирлар кўлидан озод қилинар эди. Шундай савобли жазми азм билан муҳаррамул-ҳаром ойининг иккинчисида осмон кокили бўлмиш байроқлар олий коматларини тик қилдилар. Ва умидларни берувчи (Тангри) нақдина умид-орзуларни мамлакатларни фатх этувчи Оламгир рўзгорининг (даврининг) этагига тўкди.

Фатҳуллоҳхон яхши хизматлари эвазига “Баҳодирлик кўрсатувчи” («Баҳодири қардан») хитоби билан эътиборини баланд қилди ва илғор (биринчи бўлиб) бориш ҳамда кофирларни қатл этувчи тиг ёрдами билан кофир арбобларнинг ўзбошимча бошларини олиб ташлашга маъмур этилди. Ул шавкатнишон ботир зудлик билан олға босиб, ҳар тўрт қалъадаги тоғнишинларнинг марказий (қисмлари)ни, тўпланган бир ҳовуч душманларни қонхўр ўтқир қиличга ем қилди ва сон-саноксиз моллар ҳамда кўпдан-кўп бандиларни қўлга туширди. Бу каби қудратли ва душманларни янчиб ташлайдиган ғалабани ҳамда қиёматошуб қўшиннинг таъкиб қилиб келаётганини кўриш билан Дирдонкада қалъасида камалда ётганлар жонлари чиқиб кетмаслигини ғанимат билдилар (ва) мазкур ойнинг ўнинчисида қалъани тарк этиб, бахтсизлик даштида саргардон бўлдилар. Шундай мустаҳкам қалъа давр подшоҳи бакувват савлажони (чавгон) таёгининг бир зарби билан осмон баҳодирлари отларининг туёқлари остида бўлак-бўлак бўлиб қулаб тушди. Хон Баҳодир Муҳаммад Содиқ номи билан аталиши сабабли (қалъа номи) «Муҳаммад Содиқкада» (деб аталишига) қарор қилинди.

Жаҳон хокони шу ойнинг йигирма еттисида Қахтоюндан икки қурух масофада (жойлашган) ва Питҳага туташган (2126) Зоҳир қалъада чаховани хоҳиши билан иқбол чодирини тикишни буюрдилар. У ердан Хон Баҳодирхонга бахшиул-мулк Баҳрамандхон раҳбарлигидаги сон-саноксиз лашкарлар билан бирга Нондгир, Чандин, Дандин (қалъалари)ни забт этиш руҳсат қилинди. Ўн-ўн икки кун орасида Нондгир қалъадори ўз жонига раҳм қилиб, ул жойларни (подшоҳликка) бўйсунган деб таниди ва (қалъа) қалитини Хон Баҳодирга топширди. Қалъа забт этилгач, ном олишдек илтифотга (сазовор бўлиш) давлати билан «Номгир» деб аталди. Ислому лашкарлари бу ердан очик чехра қалити деб шуҳрат топган Чандин ва Дандин (қалъалари)ни озод қилиш (максади) билан оёқларини тадбир узангисига қўйдилар. Аввал Чандин кўрғони камал қилинди ва оз фурсат ўтгач, қалъадагилар омонлик сўрадилар.

Иккинчи бўлиб, ҳисобга кўра тўртинчи ва эътибор мартабаси нуктаи назаридан биринчи бўлмиш Дандин қалъаси ҳамиятга эгизак лашкарларнинг ихота доирасига кирди. Ул чордевор ичида тўрт томонда ўтирганлар ўзларининг гирдикапалак ҳаракатларини чора излаш зиндони, (жонларига) хатарли, кўнгиллари учун тўрт томонлама тўлқин зиндони деб билиб, омонлик тилаб илтижо қилишдан бошқа чора йўлини тополмай, ўн тўртинчи жумодул аввалда чорночор тўрт томонга қочиб қолдилар.

Ҳарқалай, ҳар бири устуворлик ва мустаҳкамликда ҳаёт руҳсори қизиллик билан шуҳратланадиган бу қалъаларнинг ҳаммасига «мадонатнизом» номи баробар қарор топган бўлса ҳамки, аммо Дандин (қалъаси) олийлик мартабаси ва осмонпоялик имтиёзи масаласида ўзини шошилтирган. Ситора ва Пурнола зўрға тилга кириб, унинг дуойи ҳаққини қилиб сўзлайдилар. Мағрурона мақомда бўлганига ҳамда мустаҳкам ва фалақдаргоҳ жойда макон тутганига қарамай, бўйсунуши ва итоатга келиши уни хомуш этиб қўйди.

Ҳазрати хайрулалвойининг муқаддас сунний (шариати)га тобе, поклар поки, чаҳорёрлар дўсти, Ҳиндистон чаҳордонагининг фармонфармойи, жаҳонкушо (оламини фатҳ қилувчи) Оламгир бахти шукрининг шуҳрати билан шундай, (213а) ўзларига хос тўрт обрўли зеби учун даврон кокилини танлаган ҳамда фаровонлик давлати ва унинг шуъласида турли-туман воқеа-ҳодисалардан бепарво, чаҳорболишда осудаликда бўлган тўрт қалъа тўрт ойда эмас, балки илоҳий мадад ва шак-шубҳасиз фатҳнинг тезлатилиши билан тўрт кун мобайнида тасарруфга кирди, токи тўрт томондаги фазл чамани булутидан ҳар тўрт фаслда ҳам баҳор бўлсин; ҳамда тўрт томонда яшовчи кишилар чортоқнишининг файз таноби (ипи) билан чаҳорёрга дўстнавозлик ва душманларни тор-мор қилишда эътибор қозонсинлар; жаҳонистоннинг бу тўрт гўшаоройи оламнинг тўрт томонида истиқомат қилувчилар қулоғида баралла янграсин.

Шу кунлар мобайнида муҳим ишлар мадори жумлатул-мулк Асадхон итоати вожиб ҳукмга мувофик, бунгоҳ – қароргоҳдан келиб, фалақиқтиром остонага бош қўйиш шарафига муяссар бўлди. Ғозиддинхон Баҳодир Фирузжанг Берардан келиб, бунгоҳ ҳимоясига турди.

Гўшанишинлик маошхўри Муқаррамхон олам халқларининг қабасини зиёрат қилиш шавқи билан дорул-хилофатдан келди ва бу (зиёрат) саодатини ҳосил қилиб, бир неча кун ўтгач, раҳм-шафқатлилик фармойишига кўра, яна гўшанишинликка қайтиб кетди.

**Зафарбар тадбир – Қухилно қалъасининг забт  
этилиши ва бошқа воқеалар баёни**

Қухилно кайфиятини баён қилишда қалам болаларча (сўз)га киравермайди, сўзлаш хусусида лабнинг ҳар бир (қимирлаши) ҳисоби (маълум) даъвога интилади; унинг (Қухилнонинг) ҳақиқий ҳолатини кашф этиш майдонида эса байроқлар қахрамонлик руҳини кўтариш учун очиладиларки, саъй-ҳаракатсиз қачон ҳам шундай нақдина уҳдасидан чиқиш юз берарди. Етарли даражада бўлмаган уринишлар асосида осмонўпар кунгирага етиш кайда, бўш арқон ёрдамида унинг баланд кунгираларини қимирлатиб ҳам бўлмайди. Юксак мақсадлар меърожига етиш кимга ҳам насиб этдики, (бу ҳақда ёзишга) қалам қахрамонлик кўрсатса ва худди акли расодек фалакка ҳамла қилса. Эй, бу улуғ ҳодисага диққат билан таважжуҳ этувчи; эй, “бисмиллаҳ” сўзи маънисининг муншийи, бу сўз хусусида (ва) бу уруш майдони борасида ягона таъбинг ва фасоҳат иборатингдан нимани бахш этасан, Қухилно қалъаси тоғда яшовчиларнинг (ишонч) умидидир... (2136). Туғилган вақти куёшнинг осмонга азм этган вақтидир, унинг атрофини айланиб чиқиш жуда кам юз берган, унинг этагидаги чуқурликлардан ҳеч ким бош кўтара олмайди (кутулиб кетолмайди). Ер қуррасини саёҳат этувчилар унинг тепасидаги истеҳкомларнинг энг баландига бир умр чиқа олмайдилар. Осмонни тутувчи хаёл унинг баланд ерига кўтарилиш иродаси билан чарх айланиб кетиб (йиқилиб) боши тошга тегди; самога парвоз этувчи фикр унинг атрофини айланиб чиқиш йўсинида ҳеч бир иш чиқаролмай (аҳволи) танг бўлиб қолди. Лекин ҳар бир мушкулнинг кушойиши, ҳар меҳнатнинг қулай йўли, ҳар меъморнинг тафсири ва ҳар жумбоқнинг таъбири бўлиши туфайли ҳамда мушкул ишларнинг ҳал қилиниши ва кийин аҳволи кашф этилиши билан улуғлик, сарварлик тахтнишинларининг тахтнишини, шон-шавкат ва қудратли мамлакатлар тождорларининг тождори, дунёни фатҳ этувчи, оламни сайр қилувчи подшоҳлар подшоҳи Оламгирда мушкулқушолик, тахторолик қатъиян зухур топди. Бу шоҳидлар ҳимоячиси ўзининг тақдирни ҳал этувчи куч-қудратини ва лутф қаҳрини халқлар умиди борасида хайрли қилдики, токи ҳар жойдаги аҳмоқона мушкулликлар ҳал бўлсин. Ҳар замон сирли тилсим кўриниб қолса, қатъий ирода ва ҳикмати офарин мулоҳазанинг бахтиёр этиши билан тугун ниқобдан унинг ҳақиқат чехрасини чиқариб олсин-

лар. Агар тоғларнинг қийинчилиги ул хошишга (қарши юборилган) элчи сифатида тўсиқ бўлса, уни ҳукм тешасининг зарби билан тўхтовсиз ва кечиктирмай қатъий емириб ташласинлар. Агар бу ният қаршисида дарахтлар қалинлиги йўлбузар бўлиб турса, олий амрнинг ғазаби билан уларнинг таг-туғи билан кўпориб ташланишини лозим ҳисобласинлар. Агар душвор оқибат (воқеалар) бардош билан юзма-юз келиб қолса, уларни мосуво қилиш устида (214а) фикр юритсинлар.

Агар Шарқ ва Ғарб ўрталиги мақсадлар ҳосил бўлган (жой)-га айланса, уни икбол сайрининг суръати билан гўё қуёшдек ер курраси бўйлаб таратадилар, токи халойиқ ул жанобга итоат қилишнинг сояйи салқинида (ёмон) ходисалар жазирамасидан осудалик топсин ва итоатсиз гердайганлар бошларини ул жанобнинг ҳиммат кўшини отларининг туёқларига сурсинлар.

Бинобарин, шон-шухрат мамлакатининг шаҳаншоҳи жаҳолатда қолган халққа қарата ўт очувчи ўжар бутпараст, кофирларни бўйсундирувчи шариат ва Ислоом бўстонининг абадий баҳори, халқпарвар, олам ҳимоячиси оламини фатҳ қилувчи Оламгир подшоҳ ул боши фалакка тегиб турувчи қалъа фатҳига юзландилар (таважжух буюрдилар). Мана шундай юксак ирода ва аржуманд мақсад билан ўн олтинчи жумодул охирда Содикқада ташқарисида зафарнишон байроқларни ҳилпиратдилар ва ўн икки мархала (манзил) йўл босилгач, Мулқопур ерида шон-шавкат чодирини тикилди. Бу ердан то Обнақиҳотгача йўл ва масофани ўтиш ниҳоятда қийин бўлгани сабабли ҳамда чарчок ва ҳордиқ чиқариш учун (Обнақиҳотда) етти кун тўхташ воқе бўлди. Шаҳзода Муҳаммад Бедорбахт Баҳодир Банишоҳ дарқдан қайтган вақтда ёмғир мавсуми ўтиши биланок Хуғири (Муқири), Куқоб томон ва ул худудга (боришга) руҳсат олиб, кам муддат ичида бир қанча қалъаларни кофирлардан озод қилган эдилар. Ижроси вожиб фармонга кўра, ўз лашкарлари билан бирга Қухилно қалъасининг иши туфайли Буркону (Нурғону ) орқали йўлга тушиб ва қишлоқ ҳамда истехкомларга ўт қўйиб, ушбу манзилда аъзам хокон мулозамати-га кириш шарафига муяссар бўлдилар.

Қутилмаганда ёмғирнинг қуйиб бериши сабабли бу дилга хуш тушмаган жойда бир неча кун турли-туман қийинчиликларга дуч келинди. Ниҳоят, Фатҳуллоҳхон Баҳодир воситачилигида хушхабар етказувчи (муждарас)лар ўтиш жойи тозалангани (ҳақидаги хабар)ни келтирдилар. Бу тўрт курух масофаки, (уни босиб ўтиш)

кийинлиги ҳалойикни таҳлика жаҳаннамига итариб юборган эди, ишониб бўлмайдиган даражада осонлик билан босиб ўтилди ва олий ўрда одамнинг ул мушкул ва оғирликларидан хотиржамлик билан (214б) ўтиб кетди.

Ўн олтинчи ражаб ойда (ўзининг) фазо кенглиги ва баланд заминлигидан кўра музаффар мавкаб – кўшин жойлашишига муносиб жой бўлган тоғ этагига амну омонлик ўрнатувчи лашкар қароргоҳи жойлашди. Бу ердан Қухилногача уч ярим қурухдир. (То шу вақтгача) бу ноҳияда подшоҳликнинг кўп сонли фавжлари икки-уч маротаба ўтганидан ташқари, шу даражада кўп ва ҳисобсиз лашкар бўлмаган, уни жойлаштириш учун етти иқлим майдони ҳам танглик қилади ҳамда ҳали бу атрофдаги аҳолининг мағрур боши музаффар кўшин отларининг оёқлари остида шармандаларча поймол этилмаган эди. Шунга кўра, бу ҳалокат ва хавф-хатар кайфиятини ёзиш ҳар қандай баён эҳтимолидан ташқаридадир, йўл бошдан-оёқ ўтилиши мушкул бўлган сон-саноксиз тоғликлар ва тиканли кенг чангалзорлардан иборатдир. Жаҳонни сайр этувчи офтоб у ернинг «нари тур» (дейиши)дан кўз ҳам қисолмайди ва шундай баланд дарахтлари худди кофирларнинг бадбахт бошлари каби ҳар томонга тарвақайлаган ва шохлари шундай бир-бирига жипслашиб кетганки, чумоли ҳам улар (ораси)дан зўрға ўтади ва агар (ўтишга) йўл топса (ҳам), битта-биттадан қийинчилик билан юради. Шундай азим кўшиннинг кириб келишидан жарликлар ва пастликлар худди ғанимнинг дили сингари ҳайрат чуқурлигига тушиб кетди, тоғлар эса тошдил исёнкорлар каби журъат оёқларини бахтсизлик заминига босдилар. Хон Баҳодир бу тўсик ва монеликларни йўл устида бартараф қилишга маъмур этилди. Ул фармонбардорнинг саъй-ихтимоми орқасида ер қавловчилар барча куч-қувватлари билан душман бошини қирққандек (дарахт) қирқувчилар, ағдарилган харсанг тошларни йўнувчилар бир ҳафта давомида санъатларини намойиш қилиб ишладилар ва шундай ишни амалга оширдиларки, ақл оёғи даҳшат тошини синдирди ва тахаййур (хайрон қолиш) тиканзорларда қолиб кетди. Агар тоғ дуч келса, «титилган жун каби»<sup>31</sup> ва агар йўлга баландлик ва пастлик тўсик бўлса, (ҳаммаёқни) теп-текис қилиб юбориш ҳукми пайдо бўлди. Борди-ю, (215а) фалакка етувчи дарахтлар йўл устида туриб қолсалар, хас ва хашак сингари тагидан қирқиб ташланди ва «Аллох ерни сизлар учун – сизлар ундаги кенг йўлларда

<sup>31</sup> Қуръони карим Ал-Қориа сурасининг 5-оят.



юришларингиз учун ёйик–текис қилиб қўйди»<sup>32</sup> (ояти)нинг асари пайдо бўлди. Юзта суворий бир текис юрадиган тўғри катта йўл ораста топганига қадар Хон Баҳодир ул жанг боғининг хиёбонида душманларни бошдан-оёқ даф этишда сабза урди ва лола эки ҳамда итоат йўлидан борувчиларнинг оёқ остида тўсиқ ва гов бўлиб турган тиканни бир йўла янчиб ташлади.

Шаъбонул-мукаррамнинг учинчисида хос совут иноят қилиниши ҳамда катта гилам бойлик орттириш хоҳишига қурбон қилиниши билан (Хон Баҳодирга) рухсат берилдики, у «фатҳи илоҳий» деб хайқирувчи қўшинни мадарул-махом (муҳим ишлар таянчи) жумлатул-мулк Асадхон саркардалиги остида ва шериклари Ҳамидиддинхон Баҳодир, Мунъамхон, Ихлосхон ва рожа Жай Сингх(лар билан биргаликда) сипехрбунёд қалъани ҳар икки томондан камал (муҳосара) қилишдек итоати вожиб тадбирга олиб борсин, дея рухсат берилди.

Жумлатул-мулк мазкур ойнинг олтинчисида «Амирул-умаро» олий хитоби ва зарҳалланган ханжар марҳамат қилиниши ҳамда тўрт минг ашрафий ва қадамбўс (қадам ўпиш) имтиёзи инъом этилиши билан сарафроз бўлиб, (кетишга) рухсат олди.

Оламгир бахтининг раҳнамолиги ва пири муршиди дастгирнинг ҳидоят (тўғри йўл кўрсатиш) раҳбарлиги билан душманлар кулини кўкка совурувчи Хон Баҳодир шу зафарандуз куни «**Шакшубхасиз, бизнинг қўшинимиз ғолиб бўлгувчидир**»<sup>33</sup> (деган) ҳукмга таяниб, субҳи тонг отиши олдида Ҳамидиддинхон Баҳодир, Мунъамхон ва бир неча минг ботир суворийлар билан бирга дарога кирдилар. Бадқирдор кофирлар Хон Баҳодир тўп олиб келмокчи бўлиб ўйлаб турган жойдаги қалъанинг энг баланд истехкомида девор кўрғонларини беркитиб ва (бу кунни) қалъа учун энг ёмон кун санаганларича (215б), фикрлари астойдил бузилиб, ўз хонумонларини ёндириш хаёлида ўтирар эдилар, (Хон Баҳодир) уларнинг (душманларнинг) илғор қисмларидан ўтиб кетиб, Ҳамидиддинхон Баҳодирни чап томондаги пистирмада қолдирди, ўзи ўнг томонга ташланиб, улар ёруғ кунининг биринчи шамини куч-қудрат шамоли билан ўчирди. Бу жамоа орасидан ўн уч, ўн тўрттадан ортиқрок киши ниҳоятда усталик билан худди ёруғ қолдузлар каби бирданга шайтонлар устига ташландилар ва жасадларига ортиқча бўлмиш саргардон бошларини худди қовокни бандидан узгандек олиб

<sup>32</sup> Қуръони карим Нух сурасининг 19–20-оятлари.

<sup>33</sup> Қуръони карим Сафват сурасининг 173-оят.

ташлаш билан катлдан икки тарафлама пушта қилдилар. Бир тўда бадбахтлар бундай ғайбий мадад ва шубҳасиз ёрдамни кўришлари билан қўл-оёқсиз бўлиб қолдилар. «**Шердан чўчиган эшаклар-дек қочиш**»<sup>34</sup> дан бошқа чора тополмадилар ва саросимага (тушиб) ўзларини баландликдан пастликка урдилар, калъа томон боришни истадилар. Хон Баҳодир отга минмасдан аввал душманлар кулини кўкка совуришга тайёр бўлиб туриш учун жўнатган жазоирандозлар калъа устидаги йўлда ўрнашиб олгандилар. У томондан ҳам ана шундай ғазаб ёнишидан тоғ оралиғидан қочиш (йўли)ни ўзлари учун бек билиб, чор-ночор ўрмонликлар ичига қочдилар, дарахт ва буталар орасига бекиндилар. Шу онда подшоҳликнинг бошқа фавжлари изма-из етиб келди ва одамлар тарқатилиб, аксар исёнчиларни тирик тутиб келтирдилар. Хон Баҳодир уларнинг белларига тош боғлаб ҳалокат қаърига ташлади. Мана шундай аниқ ғалабадан сўнг (масаланинг) асл моҳиятини тушунмовчилар ва ғайбий (илоҳий) фатҳга асосан «**Ғайб калитлари Унинг ҳузуридадирким, уларни ёлғиз Ўзигина билур**»<sup>35</sup>, деб тушундилар. Муайян муддат ичида бу зўр қийинчиликлар бартараф этилди ва Оламгир иқболининг нури билан бир неча соатда мақсад чеҳраси (гул-гул) очилди; (216а) жанг майдонининг ғолиб байроғи ўша тепаликка мустақкам ўрнашиб олишни хаёл қилди ва ул зафар маконда иқбол чодирлари тикилди.

Куннинг охирига келиб бу мужда (хушхабар) фақат яхши хабарлар эшитувчи қулоққа етиб келди. Хон Баҳодир икки юз сувор кўшимча, байроқ (алам), зарҳалланган ханжар ва Ҳамидиддинхон Баҳодир катора (ўткир қилич ва ханжар) ато этилиши ҳамда Мунъамхон тилла эгарли кўшимча бир от (бу эгар унинг миниб юрган отига эгарланди) ва хос улуш иноят этилиши билан сарафроз қилиндилар. Лутфи қарам намоён этилиши натижасида Хон Баҳодирнинг укаси умумий кўшимча (изофаи умумий) билан махсус шарафланишга сазовор бўлди. У тунни мулчор жойлаштириш билан ухламай ўтказиб, эртаси куни у ерда туриб калъа ичига бундук ўки отиш мумкин бўлган иккинчи бир тепаликни қўлга киритди.

Оташдам тўплар тепаликдан ваҳшат тоғини ўққа тутдилар, токи хоналар ва улардаги одамлар куйиб ёнсинар ва тумтарақай бўлиб кетсинлар. (Душманлар) усти беркитилган растага қочишга мажбур бўлдилар. Жиходрихт боғида ток новдалари ўрнига душ-

<sup>34</sup> Қуръни қарим Муддасир сурасининг 51-оят.

<sup>35</sup> Қуръони қарим Аълом сурасининг 59-оят.

манларнинг бошлари осилди ва жуда кам муддатда бу тадбирнинг амалиёти зоҳир бўлдики, симоб каби ҳаракатдаги (жанг) майдонида араб оти (аспи този) пайдо бўлиб, сулаймоншавкат подшоҳ ва махшарасар лашкар учун шодлик базмини ораста этди.

Мазкур ойнинг йигирма иккинчисида Баҳодир(хон)нинг жанг режаларини мушоҳада этиб (Онҳазрат) ва Бидар хисори (қалъаси) мулоҳазаси юзасидан ташриф буюрдилар ҳамда мурчол суриш керак, деган истак билдирдилар. Олдиндаги лашкарлар (жангда) кизгин иштирок этиши ҳамда ишнинг юришиб кетиши учун кетма-кет манзилдан-манзилга қўзғалдилар ва мазкур ойнинг йигирма еттинчисида қалъадан ярим курух ораликдаги майдонда ўрда доираси – қароргоҳини ўрнатдилар (2166).

*(Файз) баракотли рамазоннинг биринчи кuni – (Оламғир давлатининг) бир минг бир юз ўн учинчи ҳижрий йилига тўғри келган бахтиёр қирқ олтинчи йили бошланиши*

Шаҳзода Муҳаммад Бедорбахт Бунагоҳ навоҳи ва ул атрофларга айланиб (аҳволни билиб) келиш учун рухсат олиб кетган эдилар, (ул жойлардан) қайтиб, Бани Шоҳ Дарақда манзил тутишга тайинландилар.

Муҳаммад Аминхон садрус-судур (мансаби) икки юз сувор қўшимча ва алам (байроқ) ато қилиниши билан имтиёз байроғини баланд кўтарди ҳамда унга Катл Обнагоҳ Кихотдан Тил Куканга тушиб келиб, ғанимлар билан лик тўла (бу) сарзаминни то Кухилино қалъаси томонга қараган дарвозагача ботирлар отининг туёғи остида (исёнкор) бутпарастлар учун киёматга айлантириш ва қалъа ичида камалдагиларнинг йўлини беркитиб қўйишга рухсат берилди.

Хукмга мувофиқ, Тарбиятхон Баҳодир Обну Кихот дарасига жойлашиб олди. Муҳаммад Аминхон ул ўлканинг кишлоқ ва парганалари тепаликларидаги туёқли моллари ва пастликлардаги мол-мулкларини талон-торож ўти билан қуйдириб, бандилар ҳамда от-уловларини қўлга киритиб, Кукан (йўли)ни беркитиш билан дарвозани эгаллади.

Энди воқеанигор хома – қалам бу дарвоза (олинишининг баёни) билан (шуғулланади):

Хон Баҳодир тўп ва жазоирлар отиб, (Тангри) химмат(ининг) мадади билан Рюни қалъасига тўсик бўлиб турган ғор(чуқурлик)-га қадар йўл очди. Қамалдагилар ҳам тўп ва тўфанглари отишда ке-

чаю кундуз тинчимадилар. Турли иш билан банд ажали етмаганлар ўз жонларини саломат қолиш кўчасига ўғирлаб кетишга (ҳаракат қилишди). Баҳодир астойдил куч-ғайрат ҳамда азми жазм билан ишга киришди ва мувофиқ, муҳолиф жонларга ярим хоҳиш билан ҳам харидор топилмади. Қалъа дарвозасини (орқаси)дан ёпиб-очиб, Рюнига йўл олиб бориб мудофаага тайёрланган эди, кўрдикки, ул шахсувор диҳоблар боғлаб, қарама-қарши келиб, нарвонга чиқмоқчи (душманнинг) бошидан ҳуши оғди ва хайратидан (217а) юзини деворга қўйиб, оҳиста-оҳиста гапирди. Фард:

*Дил ва дин балоси бўлмиш – юз хонани бузиб ташлаб,  
Эгар(да) ўтирган бу суворий ким ўзи?*

Умидсизликка тушган (душманлар) ўз обод хоналарини хароб этиш хаёлида чуқурлик (ғор)даги нарвонпояларни кўтариб, девор тагидаги текис ерга келтириб қўйдилар. (Шундан сўнг) Баҳодир нарвонпояларни кажавадан (олиб) тартибга соларкан, улар тепасига диҳоблар боғлаб, ўшандай чаққонлик билан пешқадамлар ёнига келди.

Энди Муҳаммад Аминхон хужумларининг баёни устида тўхтаб ўтилади.

Ул довжорак Кавкани дарвозасини беркитиб қўйиш ишига руҳсат олиб кетган эди. Саъй-ҳаракатининг мадади билан осмондек Кухи Мочолни босиб ўтиб, энг баланд жойга ўрнашган, ниҳоятда мустаҳкам деб шуҳратланган дарвоза қаршисидаги фалак пўштли орқапўшт бўлмиш Котар Кухилно тагига етиб келди. Ёвуз ниятларининг бир гуруҳи ул деворлар тепасини мустаҳкамлаб ва чуқур хандаклар казиб, йўлни йўлга туташтирган, умидни ўз юзларига қаратган эдилар. Умуман, бир оз вақт ўтгач, оғир аҳволга тушиб қолиш пардасини мажбурият юз(лари)га тортиш рўй берди. То ўн бешинчи шавволгача (Муҳаммад Аминхон) толе ва иқболнинг охирги дами (деб билиб) жонига “хайр энди” деб айтиб, номус йўлида жонидан кечишга тайёр баҳодирлар билан ул тепаликка харидор бўлиб келди ва ул бахтсиз ғанимларни то Рюнигача уриб-суриб девор ичига киритди, зўр ғайрат, ҳаракат ҳамда қатл этиш билан ўликлардан тепаликлар ҳосил қилиб, калъадагилар йўлини тўсиб қўйди. Ислом зафартопувчиларининг ҳаёт чехрасига ғалаба муносиб бўлди. Мазкур хоннинг бундай дадил тадбирини эшитиш билан Онҳазрат уни “Баҳодирлик манбаи” (“Нисоби баҳодири”) деган имтиёзли хитоб ҳамда диҳуб инъом қилиш, хилъат ва (унинг

номига) фармон юбориш билан сарафроз қилдилар. Садоқатли шерикларига (2176) муносиб қўшимчалар, шамшир, камар, фил, от ва хилъатлар (бериш) ила ўз яқинлари орасида сарафрозлик бахш этдилар.

Жанг майдонининг оройиши, мамлакатларни фатҳ этувчи подшоҳнинг ҳаққоний қараш масала оқибабини сеза олишда барча узоқни кўрувчилардан устун бўлгани учун қандайин (узоқни) илғашга моликлар бўлмасин, улар унинг дарё фикрлигидан (ўзларини) ул назарнинг шамолида кўрдилар ва фикрлашга азм этган қандайин фикр соҳиблари, фикрлар бўлмасин, улар унинг бу борада йўл юришига пешвоз минг марҳала йўл босдилар.

Мушуқулларни ҳал қилувчи, буйруқ берувчи рағбат шахзода Бедорбахт Баҳодир Бани Шох Даракдан етиб келиб, юлдузга тегиб турувчи (фарқад) бошини ер ўпиш билан баланд кўтарсинлар. Ўзлари билан ҳамроҳ бўлган лашкар ҳамда Фатҳуллоҳхон Баҳодир мурчолини муҳофаза қилиб турувчи Рожа Жай Сингх ва Диндо Рожпури мутасаддийи Ёқутхон юборган бир қанча минг пиёда (аскар) билан бирга Кукан дарвозаси томонидан қалъани тасарруф этиш учун ҳукмга итоат қилувчи байрокни баланд кўтарсинлар ҳамда мулчор олға суришни ва қирғин келтирувчи тўплар зарби билан қалъа ва истехкомни қўпориб ташлашни бошлаб юборсинлар, деган қарор қабул қилди.

Муҳаммад Аминхон Баҳодир касаллигини арз этгани сабабли саройга чақиртирилди. Фатҳуллоҳхон Баҳодир харчанд ўз томонидан Фарходнинг ширинкорлиги билан ошиқ дилидан чиқариб ваҳимали тошметин жойларга диҳоблар боғлаб, қалъанинг тепасигача кўтарилмасин ва ҳар бир тоғдаги ўтиш жойида (йўлакда) ўтиш йўли тайёрламасин, аммо (мисра): «Тошдан ўт чикмаса, ёмғирда не гуноҳ». Ҳар қандай уриниш ишнинг олдинга кетишини кўрсатмади. Агар тоққа етиб борса, уни тағ-туби билан ағдариб ташловчи шероғиз тўплардан дам-бадам ўқлар ва яркироқ қарқлар отилишига қарамай, ул бурж (истехком)дан бир қанча тошдан бошқа ҳеч нарса қуламади. Душман устма-уст ва кетма-кет, тўхтовсиз юз, икки юз манлик (тўп ўқларини) ёғдиришдан қўлини тортмади. Бир неча тунда ташқарига чиқиб, манзилга ташланди. Хон Баҳодирнинг шахсан ўзи мудофаа билан (218а) боғланиб қолди. Кунлардан бирида у диҳоб боғловчилар қаторида иш билан машғул эди, тепадан тош тушиб, майдаланиб тўрт тусух (тусаввух) кенгликка сочилиб кетди. Хон бошига теккан тош зарбидан

йикилиб, кўп жойгача юмалаб борди ва ниҳоят, тор оралиқ жойга муккалаб тушди. Юмалаб кетгани ҳамда кучсизланиб қолгани сабабидан бели ва бошқа аъзолари қаттиқ оғриди. Бир ойдан сўнг ўрнидан туришга мажоли келди. Олий мулозаматга кириб, хос сарпеч иноят қилиниши билан сарфароз этилди ва яна иш бошига қайтди. У шундай фикрни ўйлади: бошқа бир бурж (истехком) тарафидан ёлғондан юриш қилган бўлди.

Шу аснода зафар шахзодаси истиқболнинг ажойиб саъй-ҳаракати билан ўнинчи зулҳижжада Қухилнонинг забт этилишига (бўйсундирилишига) боғлиқ бўлган Рюни қалъаси олинди. Бу юриш (ҳужум)да шахзода одамлари, рожа ва унинг тарафдорлари ниҳоятда ҳасисона иш кўрдилар (яъни кўп ҳам уриниш бўлмади). Қисқаси, энг мустаҳкам қалъаларни фатҳ қилиш учун жуда кўп тадбир-чоралар кўриш натижасида (қўлга киритилиши) мумкин бўлган бу фатҳ жаҳон ҳокимининг мадади ва олам ҳоконининг икболи орқасида ғайби берк жойдан зохирлик майдонига чиқди. Агар лаънати ғанимнинг тўсиғи ёжуз ва маъжузлар кўшлигидан бўлса ҳамки, бу қаби шикастдан унинг жамиятини тарқатиб юбориш тоши тушди. Қалъа осмонбурж зотли (яъни осмонўпар қалъалар зотининг) иккинчи қалъаси бўлса ҳам, у парчаланиб кетди. Замон соҳибининг толеи қандай ажойибки, (бундан) замона таажжуб бармоғини тишлади; бу қаҳрамоннинг бахт юлдузи қанчалик гўзал (ёруғ)ки, (бунга) осмон юз хайрат кўзи билан ниҳорон!

Шахзода олтин сарпеч ато қилиниши билан сарафроз этилдилар. Рожа беш юзчи қўшимча ҳамда икки мингчи, икки минг суворли (мансаб), бошқа садоқатли (жангчи)лар қўшимча (мансаблар) ҳамда қатта-қатта иноятлар билан бахтиёр этилдилар. Шарифуллоҳхон ўғли Асадуллоҳ (2186) марҳалаларга тез-тез ўтиб, ахборот олиб келиб турди. (Шу хизмати эвазига) илтифот кўрсатилиб, отасининг хитоби билан бахтиёр этилди.

Шахзода (номи)га олий амр чиқарилдики, (ул жаноб) тўп-ларни олға сурсинлар ва мустаҳкамлик, баландлик ва мушкуллик хусусида Фатҳуллоҳхон Баҳодир тарафидаги деворга ўхшамаган қалъа деворини ағдариб ташласинлар. Аммо нимани ҳам ёзайин: хоналарни ҳароб этувчи сувли булут оташидан қатра отувчилар – тез юрувчи икки суворий қисм (бўлиб) ҳеч бир қаршилиқ ва тўсиқсиз тезда ва кетма-кет келиб қолдилар. Улар ортидан бошқалар ҳам ўн-ўн ва йигира-йигирма киши бўлиб бир ерга чопиб етиб келдилар. Ҳар икки мулчор худди баланд овозли

шамолдек ишга тушган эди. Ва душмандан қўрқмасликлари боис ундан келадиган сурбетликларни ҳам ҳисобга олмадилар. Фатҳуллоҳхон тайёргарликсиз бўлса ҳам юриш (хужум) қилиш, диҳоблар тушириш ва ишга барҳам бериш йўлига қарор қилдики, агар ҳамма (бирдан) парвоз этса, бир маротаба шамол қаноти билан (учиб) яшин тезлигида (юрса) девор олдига етиб келади, иш тамом, вассалом. Барча хоналарни тўнтариб яқсон қилувчи шундай воситалар (хусусида) ўйлаб кўрилди.

Шу (аснода) браҳманлар баъзи илтимослар билдириш ва қалъани топшириш юзасидан фатҳнасиб шаҳзода хизматиға вакиллар юбордилар. Бир қанча кун давомида ўртада нурга тўла саройдан келган бахшиул-мулк Рухуллоҳхон ва Фазоилхон буютотлар воситачилигида поём (хат) келтириш ва олиб бориш юз берди. Охири бу (илтимослари)дан бошқа ҳеч бир арз қабул даражасига етмади. (Илтимослар) камалдагилар билан биргаликда ўз жонларини қутқариб қолишдан иборат эди.

Ўн тўққизинчи муҳаррамда браҳманлар шаҳзода ва бахшиул-мулкнинг нишон (фармон)ларини ўз қўллари билан қалъадан қочувчиларга олиб келдилар. Йигирма иккинчида тим қора тун пардаси ичида (улар) бадарга этилди ва подшоҳи қарим (ва) раҳимнинг ҳукми билан бирон-бир кишига тўсқинлик қилиш ҳолати содир бўлмади. Осмонда «**Ҳақиқат келди ва ботил ўчиб йўқолди**»<sup>36</sup> («Жоил ҳаққу ва заҳқул батил») садоси тантанавор янгради. Гуноҳкор кофирлар «**Ҳақиқий ваъда доимо мўминлар билан бирга**», яъни «**Мўминларга нусрат бериш Бизнинг зиммамиздаги ҳақдир**»<sup>37</sup> (оят)ни эшитиш билан (219а) ер гишладилар. Ҳарчанд суҳанвор (шоир)лар бу муайян фатҳ тарихи ҳақида (сўз топиб, уни) яхши хабарларни жам этувчи қулоқда етказмасинлар, лекин фатҳ (муносиб ва маъқул) сўз топилмай амалга ошди. Қуҳилно қалъаси нотиклар диққатига сазовор бўлди. Онҳазрат Қуръони шариф кироатида «**Алҳамду лиллаҳиллази саххоро лана ҳаза**» – «**Бизларга бу отуловларни бўйсундириб қўйган Зотга ҳамду сано бўлсин**»<sup>38</sup> сўзларини ўқиб, қалъага «Саххоролана» номини қўйдилар ва бу ажойиб фатҳ манзарасини «Алҳамду лиллаҳиллази саххоро лана» шухратига мувофиқ барча арш (тахт, сарой аҳлининг) қулоғига «Саххоролана» деб айтдилар. Жандоқуҳ ва бу сарзаминки, озгина жойи ўтли, ҳамма ери тоғлиқдан иборат ва ер кўринмайди. Бу фойдасиз

<sup>36</sup> Қуръони қарим Исро сурасининг 81-ояти.

<sup>37</sup> Қуръони қарим Рум сурасининг 47-оят.

<sup>38</sup> Қуръони қарим Зухруф сурасининг 13-оятга ишора.

манзара томоша қилувчилар учун ушбу дашт тоғи (кухи дашт)дан бўлак сайргоҳ йўқ, мазкур «бўстонсаро»да нафи тегадиган бирорта дарахт учрамайди. Шу жумладан бахти уйғоқ, толеи хамиша баҳор давр подшоҳига маъкулки, Ҳазрат офаридагор (яратувчи Тангри) бу санъатлар ва ажойиботларни унинг кўнгил очиши учун яратиб, гулдан то тикангача унинг ҳукмига маҳдум бўлишга лойиқ этган.

Мазкур ойнинг йигирма бешида музаффар ва ғолибшоҳ Фатхуллоҳхон Баҳодир мурчолининг йўли орқали қалъани кўришга ташриф буюрдилар. Зобитхон муносиб ишлари туфайли қалъадорликка номзод килинди. Байт:

*Ҳеч ким бунинг мисолида хисор (қалъа) кўрмаган,  
Бу мустаҳкам (қалъа) Сухарлано бўлди ва гап тамом.*

Аммо ташқи томондан иморатлари ва боғ-роғлари ҳамда ҳовузлари эътибори билан бошқа қалъалардан ортиқлиги йўқ ва дилни тортадиган ҳам эмас, шуниси борки, у фақат сарҳад (чегара)-даги қалъадир. Унинг забт этилиши туфайли Боло Кихот ва Поин Кихот Тил-Кукан каби азим ерлар салтанатга қўшилди. Ҳар бир иш юзасидан подшоҳлар фикрида минг-минг режалар (2196) махфий ётади. Бу фикрлар кушойишини (зухур топишини) давлатхоҳлар катта ғалаба деб ҳисоблайдилар. (Онҳазрат ғалабанинг) эртаси куни бу шодликни янада орттириш юзасидан бир лакх рупия инъом этиш билан шаҳзодани қувонтирдилар. Чаҳовани учун Ҳугири ва Рой боғ томон рухсат бердилар. Фатхуллоҳхон Баҳодирга олтин суви юритилган жиға инъом килиниши ва “Оламгиршоҳи” деб аталиб, хитобининг орттирилиши билан унга имтиёз бахш этдилар. Бахшиул-мулк Рухуллоҳхон ва Ҳамидиддин Баҳодирларнинг ҳар бири икки юз сувор ато килиниши билан имтиёз чехраларини мунаввар этдилар. Онҳазратнинг яқин кишиси Хоназодхон, икки мингчи, тўрт юз суворли эди, беш юзчи кўшимча ҳамда фил ато этилиши билан иззат бошини фалакка суртди. Мунъамхон филхона доруғалиги ва зот ҳамда сувор кўшимча билан бир мингчи, уч юз суворли (мансабга) сарафроз этилиб, тенгдош аъёнлар орасида имтиёз қозонди.

Шоҳликнинг қадимий дўсти Хўжа Лутфуллоҳнинг укаси Акбарободнинг ўрнидан туширилган қалъадори Абдуллоҳхон (ишдаги) баъзи камчиликлари сабабли икки мингчи, бир минг суворли мансабидан четлатилди. Марҳум Зиёвуддинхоннинг набираси, Фатҳ Муҳаммадқул Хоназодхоннинг акаси Мир Абул-



вафо ўрнига собик хизматига қўшимча равишда жойнамозхона доруғалиги хизмати билан саодатли бўлиб, эъзоз(ланиш) босқинчи босиб ўтди. Унинг заковатёр табиатида зарофатшуурлик ва латофатфаҳмлик ҳамда одобни касб этишнинг қимматбаҳо жавҳари пинҳон эди, (бу жавҳар) жуда кам муддат ичида кадр-қимматни орттирувчи, жавҳаршунос Онҳазрат худованд (хокон) (назди)да жилваланиб зухур кўрсатди, унинг идрок-шуўласининг ҳар бир ҳарфи воқеалар фойдаси учун бош кўтарди.

Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Баҳодиршоҳнинг рамзий (ишора) хат билан ёзган маълумотлари (арзадошти) мунаввар назардан ўтказилди. Хатдаги рамзий (маъно) маълум бўлмагани сабабли Онҳазрат хос баёз (хат)ни мазкур мирга хавола қилишни буюрдилар: «Мен иккита-учта рамзни уларнинг (маъноси) аниқ нима эканлигини кўрсатган ҳолда ёзиб юбордим, сиз уларни бу (рамз) маъносини ечиш йўлида ишлатинг» (220 а).

Мазкур мир диққат назарининг ва суръат фикрлилигининг ёрдами билан баён қилинган мастура (пинҳоний маъно)ни пинҳонликдан очикликка олиб чиқди. (Подшоҳзоданинг) маълумотлари мазмунини муфассал баён этиб, қиблага юз тутган ақл кишилари (хирадмандлар) муқаддас раҳнамосининг назаридан ўтказди, танланган (хос) кишилар даражасига яқинлашди; унинг истеъдодининг нақши курси (тахт, тепалик жой)га ўтирди. (Мехнати) мукофотига вазни эллик муҳр ва беш юз рупиялик бир муҳр ҳамда йигирма сувор қўшимча билан тўрт юзчи, ўттиз суворли бўлиб иззат пиллапоясига чиқди ва шундан сўнг иши (доимо) ривож топди.

Шод-хуррамли шаввол (ойи)нинг биринчи куни муносиб салтанат (ва) тахт поясининг хизматкорлари фитр ҳайити саломини адо этиш билан иззат топдилар ва шод бўлдилар. Амирул-умаро касаллиги муносабати билан ҳозир ҳукмга мувофик «Мазлумлар девони» («Девони мазолам») деб ёзиладиган адолат девонининг айвони тарафидан йўл орқали юзма-юз келиб, Катҳарада бир зар тафовут билан ҳужра зиналарининг бирига ўтирсин ва макталишининг овозаси билан замин у замонда тик турсин, деган иноятхислат ҳукм шараф билан чиқди. (Ҳужрада) уч кун давомида ўтирди (ва) яна қадимий дастурга мувофик ўрнидан турди.

Иноятуллоҳхон фил иноят этилиши билан баланд мартабали бўлди. Акбаробод нозими Мухторхон асли икки минг беш юзчи эди, (унга яна) беш юзчи (мансаб) қўшимча равишда марҳамат қилинди. Тарбиятхон мироташ уч мингчи, бир минг беш юз су-

ворли эди, беш юзчи кўшимча олди. Сурат мутасаддийи Диёнатхон беш юзчи кўшимча иноят этилиши билан икки мингчи, бир юз эллик суворли бўлди.

Подшоҳзода ва султонлар қурбон ҳайитнинг муборақбод саломини бажо келтирдилар.

Рабиул охир ойининг ўн иккинчисида то муборакасар хиймагача чодирлар (220б) тикилди. Онҳазрат (у ерни) бориб кўриш ҳамда ўша ерда тунаш давлати билан саодат топдилар. Тахтиравонга миниш яқинлашган вақтда кимдир боши оғирлашиб кетгани (оғриётгани) ҳақида арз килди. Амирул-умаро, Баҳрамандхон, Рухуллоҳхон ва Ҳамидиддинхон Баҳодирлардан ташқари ҳеч ким тахтиравонга миниб келмасин, деган ҳукм чиқди.

Азизуллоҳхон қўрбеги Сазоворхон ўрнига Қандаҳор қалъадори бўлди, у бир минг беш юзчи, олти юз суворли эди, икки юз сувор кўшимча олди. Шаҳзода Бедорбахт Хужастабунёд мудофасига маъмур қилиндилар. У ернинг нозими Лутфуллоҳхон Хонфируз жанг ноиблигига, Берар субадорлигига дастур олди. Лекин у ерга етиб бормасдан, соғлиғи жон фариштаси билан келишиб қолиб, унинг билан биргаликда раҳматзор томон сайр қилишга ошиқди. У аксарият ишда намоён бўладиган идрок, камолот ва шижоат хислатлари билан (бошқалардан) ажралиб турар эди. (Ўзининг) кўп умрини асосан нурга тўла саройда, ташқаридаги фавжлар (афвожи бирун) сипоҳдорлигининг раҳбарлигида ўтказди. Аллоҳ гуноҳларини афв этсин!

Йигирма бешинчи жумодул охирда амирул-умаронинг қариндоши, Жаъфархоннинг амакиваччаси Баҳрамандхон мирбахши фалаж касаллиги билан ҳаёт гаровини топширди. Подшоҳзода Комбахш каромат келтирувчи ёрликка мувофиқ амирул-умарони мотамдан чиқариб, марҳаматзухур саройга олиб келди. (Онҳазрат) тасалли берувчи оят сўзлари билан ул мухлислар бошлиғининг дили хужастасига малҳам қўйдилар ҳамда хос хилъат ва олтин суви югуртирилган сарпеч марҳамат этиш ила (уни) қайғудан чиқардилар. Марҳум хон виқорли, ҳаёли, муборақ асосли ва покиза ҳамда мақбул табиатли амир эди, Аллоҳ уни раҳмат қилсин!

Зулфикорхон Баҳодир Нусратжанг ул марҳумнинг вафотидан сўнг мирбахшилиқ хизмати билан иззат бошини баланд кўтарди. (221а) Қиличхон ўрнига Худобандахон буйруққа мувофиқ яна аввалги мавқеи – Карнатика Бижопури фавждорлигига қайтди. Дорул-хилофат нозими Муҳаммадиёрхон Муродобод фавждор-

лиги ҳамда беш юзчи, беш юз суворли қўшимча қўшилиб, асли ва қўшимчаси билан уч минг беш юзчи, уч минг суворли (мансаб) ҳамда накоракус ато этилиб, эътиборли ва ифтихорли бўлди. Муҳаммад Аминхон Баҳодирга ёрдамга етиб бориш ишига аҳамиятсизлик билан қарагани сабабли Мунъамхон (мансаби)-дан икки юз эллик сувор камайтирилди ва филхона хизматидан туширилиш билан жазоланди. Мазкур хизматга Ҳамидиддинхон Баҳодир тайинланди ва у икки минг беш юзчи, олти юз эллик суворли эди, беш юзчи, икки юз эллик сувор қўшимча олди.

Зафар номасининг муҳаррири бир қанча хизматларга эга бўлишига ва зарур махфий ҳукмларни ёзишига қарамай, назорат иншосига ҳам жоиз бўлди ва унинг ўрнига воқеанигорликка ўғли Ҳофиз Муҳаммад Муҳсин тайинланди.

Дорул-хилофат воқеаларидан арзга етдики, муқаддас пардали наввоб Зебуннисо бегим юзини Аллоҳ раҳматининг никобига олган ва чексиз (интиҳосиз) мағфират давлат саройида ором топган. Жонига пайванд фарзандидан ажралишидан жаҳон хоконининг дили ғамга ботди, кўзи ёшга тўлди. Бу (воқеа)дан токат ихтиёрлари қолмади, чор-ночор чидадилар. Саййид Амжадхон, Шайх Атоуллоҳ ва Ҳофизхонлар номига кўпдан-кўп хайр-садақалар қилиш ҳамда ул муқаддас зотнинг қабр иморатини жаннат маоб соҳиби замонидан қолган “Сий ҳазори” (Ўттиз минг) боғига қуриш юзасидан улўглик билан муқаддас ҳукмлар чиқарилди. Фард (2216):

*Бу кўҳна ер иккита работ (сарой)га эга,  
(Бирининг) эшиги тепада, (иккинчисининг) эшиги пастда  
Ундан (ердан) ҳеч ким бу ерга (ер пастига) тикка келмаган  
Ва бу (тепадаги) эшик унга қайта дуч келмайди.*

### **Музаффар байроқларнинг Саххороланадан Баҳодирқадага қайтиши ва баъзи бошқа воқеалар баёни**

Йигирма бешинчи муҳаррамда саодат байроқлари севинчқувонч ва ғалаба билан Баҳодирқада ноҳияси томон юриш (мақсади)да баланд кўтарилди. Ёғингарчилик бўлмаган бир қанча кунда олий ўрду Катлини босиб ўтди. (Сўнг) тўхтовсиз ёғингарчиликлар кўпайиб кетди. Ўйлаш лозим бўлган бундай мавсумда қанча вақт ҳам йўл юриш мумкин? Юк ташувчи ҳайвонлар турларидан туя эгалари жуда кўп гап-сўзлар қилиб, кайфга бери-

либ кетдилар. (Улар дедилар:) «Туянинг қандай яратилганига»<sup>39</sup> унинг умри вафо қиладими ҳамда кучи ва қомати (боис) «Токи туя игна тешигидан ўтмас экан»<sup>40</sup> (оят)ини топадими?» ва Мусо (туянинг) боши ва танасини минг бор таёқласин, барибир у ҳеч вақт бу йўлга қадам қўймайди.

Ҳўкизлар Гужаротга кетдилар, эшаклар Хуросонга жўнаб қолдилар. (Ниҳоят) пиёда (юришда) куч ва таннинг ғурури бўлмиш маст фил ҳушига келиб, ўрдунинг оғир юқларини кўтарган ҳолда йўлга тушди. Даврнинг қўрқинчли ажиб воқеаси шу даражада ғаждики, гўё ақл ҳал этиш юзини ҳайрон қолдирди. Охири осмон ишлари ҳам қийинчиликларни енгилда бирор чора қилолмади; инсон номига аҳмоқона зулм куръаси тушди; (шунга қарамай) нимаики ташилиши лозим экан, ташилди; муздаврлар бутун олам юк ва оғирлигини бошларида олиб ўтдилар. Фард:

*Сен айтасанки, ҳамма марддир  
(Аммо) кўплар думсиз ҳўкиз ва эшакдир.*

Давлатмандлар осойиш жаннатида осудаликда бўлиб, ўзларининг ҳар бир ният-мақсадини бирламчи тўхташ жойи бўлган Катлига (222а) етказиб келтирдилар. (Ва) зафар юлдузли мавқаб (қўшин) қорхоналари етиб келмаганлиги сабабли (шу ерда) тўхтаб турди.

Ҳукм бўлди: Саххороланани соқчига топширсинлар.

Етти кундан сўнг аввалги манзилдан кўчиш ноғораси янгради. Шу манзилда турган Нола Онҳазрат отига йўл берди ва пастга йўл солишни ҳалойиққа тушунтирди. Бирқанча вақт ичида ул жойда пастга тушиш юз берди, кимдир фанийлик (йўқлик)ка ғарқ бўлиб кетди, кимдир қисмат зулмига учради. Бошқа манзилга (келинганди) йиғи-сиғилар дўмбирасининг овози баланд кўтарилди, яна ўша Нола етиб келди. Алдовнинг зўри билан (ўз орқасидан) подшоҳлик ва бошқа пешхонадорлар пешхонасини бошлаб кетди, унинг ниҳоятда ғаддорлиги (шу бўлдики), аввало алдаб, сўнг ҳамма отларни йўлсизлик томон ҳайдади, (бу билан) барчанинг саҳрода қолиб кетишини кўзлади. Фил эгалари минг-минг шармандалик билан бетоқатланиб (бақиришиб) жонга теккан молларни ундан ҳалос қилдилар; бошқалар эса, таассуф айтиб, ҳадеб қўллари билан бошларига урдилар. Ахирул амир Онҳазрат бир курух масофа чапга бурилиб, Мулқопурга етиб келдилар. Бу ман-

<sup>39</sup> Қуръони карим Ғошш сурасининг17-оят

<sup>40</sup> Қуръони карим Аъроф сурасининг40-оят

зилда Нола одобсизлик билан йўлга тўсик бўлиб олди, лекин унинг гапини эшиттувчи бўлмади ва (ҳар ким) фароғатхотирлик билан кечаю кундуз тинчгина ором топди.

Ушбу маҳшар ғавғоли кунларда ғалла(нинг бир сири) рупияга яқинлашди, сомон эса харид этиш мумкин бўлмайдиган ваҳимали (даражада қимматлашди). Ёмғирнинг жала бўлиб ёғиш ўқи жонларни нишонга олди; иш билмаган бенаволар дилистон таънасига қолди; гувиллаб эсувчи шамол ваҳима ва кўркув бўшлиғига қолипдек (жойлашди); халойикнинг ҳар хил гапи ажралишга (ноиттифокликка) сабабчи бўлди, яъни уй-жой буюмларини янчиб ташлаб, тўда-тўда бўлиб яшаб, жонлари каттиклигидан хайрон эдилар.

Бир куни жилов (хизмати) мансабдорларидан Музаффар исмли шахс сарой аҳлига айтдики, Ҳамидиддин Баҳодир файзга тўла давлатхонага киргандан сўнг хитоб олиш шарафи билан эъзозланди. Қадимдан хизмат қилиб келган Дилором исмли парастор (канизак) бор эди (2226). У бир кизни парвариш қилиб, уни шу бугун сарой аҳли назарига мансуб бўлган Музаффарга эрга берди. “Сиз ушбу байтни:

*Дилоромким, соҳиби дил – ораста эди  
Энди барча одамдан кўз юмди.*

ва ушбу: “Тар ягона экансан ягона бўлиб қол” мисрасини шавкатли қалам билан тош парчасига ёздириб юборсангиз” (хукми бўлди). Мазкур хон муқаддас ҳукми амалга оширди ва (бажарилган ишни) мунаввар назардан ўтказди. Гавҳарлар сочувчи тилдан: “Музаффарга берингки, у дорул-хилофатга бориб бу тош парчани марҳума Дилором қабри устига ўрнатиб қўйсин”, дея айтилди. Унга инъом сифатида беш юз рупия марҳамат қилинди. Дорул-хилофат мутасаддиларининг номига мазкур суба хазинасидан унга бир йилга талаб қилинадиган танҳосини берсинлар, дейилган жаҳонмуте ҳукм чиқарилди.

Икки йил ўтгач, у (Музаффар яна) саодат жилови (хизмати)га келди, барча ва бугун талабларига (етди), эликчи (мансаб) кўшимча олди. Мисра: “Ўзининг қадимий (ихлосманд хизматкорлари)га ҳисобсиз кадр”. Ҳаёт ва мамотда шу маъни (иш) маҳкам ушланди.

Ул Яратганнинг раҳмат ва шафқатига сазовор бўлган (марҳума) нинг (кишиларга) қилган марҳамати ва илтифотининг сони бирор тарзда ҳисобга кирмади, нимаики бу ҳақда ёзсалар, кўпнинг ва мингнинг биридир.

Умуман, фалак подшоҳи ўн тўққизинчи сафарда филга минганича Ноладан ўтиб кетиб, бир қуруқ масофа нарида осмон қароргоҳи – чодирини тикдилар ва адолат ҳужрасидан жой топдилар. Шахзода ва бошка дунёдорларда ўз хоналарида ўтиришга тоқат ҳам йўқ эди. Тоғдек чидамли ва дарёҳафсала Онҳазрат кўпинча ғайрибаён сўзларни айтардилар: булут қачон ёғади, қачон шамол туради, нега одамларнинг руҳи тушган. «Ва албатта, сизларни хавфу хатар, очлик, молу жон ва мева-чеваларни камай-тириш каби нарсалар билан имтиҳон қиламиз. Бирор мусибат келганда: “Албатта, биз Аллоҳнинг (бандаларимиз) ва албатта биз У зотга қайтгувчилармиз”, дейдиган собирларга хушхабар беринг”<sup>41</sup> (ояти)ни ўқиш билан тасалли бахш этдилар (223а).

Бир қанча зулматли кунлардан сўнг, ниҳоят, бу манзилда:

*Хисрави ховар саҳар палласида гам-гуссалилар  
тоғига туг тикди,  
Марҳамат қўли билан умидворлар эшигига  
шодлик киритди.*

Яъни, етти иқлим қаҳрамони, арш тахтининг хоқони, файз байроқлари ойчасига ёруғ нур сочувчи қуёш, хаста ҳоллар хужаста ҳаёти кўламининг оройиши, тобора раванқ топаётган барча олам ошуфта ҳолки, нимжонларга нур сочувчини ҳамма фаровон ҳаёт тўғрисида баралла айтувчи тилда куйлайдилар. Фард:

*Ҳаёт субҳига руҳ берувчи денгиз,  
Дилларни нур билан очувчи қуёш  
Пешонаи субҳга тонг дамани киритувчи бунгар  
(Унга) сажда қилинганда қуёш (нурини) эмдирувчи.*

Рабиул аввал ойининг ўн иккинчисида ҳар қандай меҳнатга қобил ўрду ўн тўрт қуруқ масофани бир ою ўн етти кунда босиб ўтиб, Бани Шоҳ Дарак қалъаси остонасига етиб келди. Яна ўша қадимий усулда хуршид дўмбира (даф) навозиш қилди. Янчиб ташлаш, яқсон қилишга талабгорларнинг ҳирси ва ашаддийлиги қизиб кетди, совуқдиллик (совуққонлик) ҳавоси бош (фикр)дан чиқариб юборилди. Теварак-атрофдан ишчи ҳайвонлар чоптириб келтирилиб, халойиқнинг боши ва елкаси юкдан халос этилди. Байт:

*Нафасинг аждаҳо нафас бўлгач, қачон ҳам ўчарди,  
Фақат (лозим бўлган) асбоблар йўқлик гамидан маъюсдир.*

<sup>41</sup> Қуръони карим Бақара сурасининг 155–156-оятлари.

Оркада қолиб кетган кишилар ҳам чўлоклана-чўлоклана одам кўринган жойларга етиб келдилар ва дедилар. Фард:

*Худди соядек савлат тўқиб ҳар томон равон этасан,  
Шоядки бора-бора бизга ҳам меҳрибон бўлсанг.*

Мазкур ойнинг ўн бешида Баркону (Ҳаргону) сарманзили олий байроқларнинг кириб келиши билан осмондек баланд бўлди. Бир ой ва саккиз кун таваққуф этилгач, рабиул охир ойининг йиғирма тўртинчисида (2236) замин ўлчайдиган, фалакка тегиб турадиган байроқлар куёшдек улуғворлик ва жамшид ҳашамаглик билан Баҳодиркада ноҳияси томон юриш учун ҳилпирадилар. Лекин ёмғир оёғини этагига йиғай демасди. Кишно дарёсининг туғёни ҳақида хабар бўлди. Лекин бу подшоҳона азми жазмга тўсиқлик қиладиган воқеа эмасди. Барча лашкарлар дарёга етиб келгунларига қадар дарё кирғоғигача бўлган тўққиз курух масофа ўн олти маротаба кўчиш ва жойлашиш билан босиб ўтилди. Дарё киёмат тўфонида, унинг тўлқинлари бўй баробар ҳамла қиларди. Дарё тўлқинидан ҳам зиёда бўлган лашкар кемаларга (тушиб), уни кесиб ўтиши керак эди. Фард:

*Кема эмас, гўё муз дўзах,  
Бир тобуту минг мурдадир.*

Ана шундай туғён авжга минган ҳолда ўн кун ичида лашкарларнинг ярми (дарёдан) ўтди. Онҳазрат (дарёнинг) нариги кирғоғига ўтиш мақсадида эканликларини айтдилар ва кемага миниш учун қадамларини дарё ёқасига суртдилар. Дарё эса минг-минг тўлқинланиб арши олийнинг оёқ остларига йиқилди ва нисор жавоҳирларини эккан кема эса (ул олий зотни) ниёз елкасига олди. Ғалабага вобаста байроқлар токи лашкарлар бошдан-оёққача подшоҳ юзланиши (таважжуҳи)нинг бахтиёрлиги билан (дарёдан) хавф-хатарсиз ва эсон-омон ўтиб олишлари учун ул тарафда ҳам яна йиғирма кун турди Мисра:

*Агар Нуҳ (пайгамбар) кема бошқарувчи бўлса,  
Денгиз тўлқинининг нимаси қўрқинчли.*

У ердан иқбол сояси тушган мамлакат соҳилига (чиқиб) то Асъаднагаргача манзилма-манзил ўтиб, бир қанча кун бу маконда бўлиб, Баҳодиркада саводини шавкатли доира (қароргоҳ) ихотасига киритдилар. Бу тўрт курух (масофали) манзилни босиб ўтиш вақтида бошдан-охиригача бир жарибга яқин масофада

Ғозиддин Баҳодир Фирузжангнинг икки раста (йўл) бўлиб тизилган лашкарлари давр султонларининг қибласи бўлмиш подшоҳнинг офтобманзур назаридан (бирма-бир) ўтказилди.

Хон Муъизуллоҳ Бунагоҳи Исломпуридан ул олий зотнинг улуғ мавқеларига муносиб ниҳоятда зийнатланиши лозим бўлган равишда шайланган, синчиклаб тартибланган махла ҳамда учта зўр қобилиятли сардор билан биргаликда тўпхона (224а) ва шунингдек турлича буюмлардан иборат кўпдан-кўп совға-саломлар юборган эди, шулар жумласидан бир нимча қабул даражасига етди. Унинг номига қандай қилиб “ғозий” (сўзини қўшиб айтиш) лойиқ келади. Аксар тўпхоналар (маскани) Сиркори волода забт этилган эди. Ижроси вожиб ҳукмга мувофиқ, яшиндек тез буйруқ тарқалди: амирлар бошқа бундай тўпхонага эга бўлмайдилар!

Ушбу ҳукм (ва) фармонга оид ишлар юзасидан шахзода Бедорбахт Баҳодирга чиройли иборали махсус дастхат хужжати ёзиб (юборилди). (Бу унинг) мақомига мансуб эди: “Фирузжангнинг етти мингдан иборат махласи ўз хоналаридан чиқди. Унга (Фирузжангга) подшоҳлик сарқоридан берилган нарсалардан ташқари тўп, қажнол, шутурнол, гахурнол ва шулар даражасидаги барча нарсаларга (қуроолларга) эгаллик қилишга рухсат этилмаслиги лозим. Нега сиз унинг кучайиб кетишини истайсиз, олтинларни беҳуда, кераксиз жойга сарфлайсиз”.

Мисра:

*“Нимаики амалга оширилса, унинг яратган  
нарсаси ўзи учун яратилгандир”.*

Мисра:

*“(Умридан) андак қолса ҳамки, хўжа ҳануз  
хурматга сазовордир”.*

Фард:

*Ҳеч ким йўққим, у ўз дил фикрида бўлсин:*

*Ҳамма кишиларнинг умри қорин фикри билан ўтади.*

### ***Кундона (Кандона) қалъасининг фатҳ этилиши***

Қирқ олтинчи йили йигирма тўртинчи ражабда жаҳонгашта ўрду ўнинчи (бор) Кундона қалъасини забт этиш азми билан тўлқинланди. Ўн саккизинчи шаъбонда зафарёр лашкарнинг кириб келиши билан ул қалъанинг қудрат кучи бошини катта солиқлар (тўлаш)га тикди.



**Оламгир бахтиёрлик (салтанатининг) бир минг бир юз ўн  
тўрттинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ  
еттинчи йили бошланиши**

Бахтли такводорларнинг маҳбуби, Тангри даргоҳи саройига кириш ҳуқуқига эга (мусулмон)ларнинг хоҳиши бўлмиш баракали рўза ойи сутдек нур билан оламини ораста этувчи тароватнишон чарх уфқидан олам халқлари устига саодат ва фаровонлик дарагини сочди. (Онҳазрат) ҳасанот (хайрли ишлар) мулкининг молики (эгаси) каромат ойини хайр-саховат орттириш билан ўтказдилар.

Интизорларнинг беҳисоб иноятларга бўлган орзу-умидларини ҳар бир кишининг мавқе – мақомига (224б) нима муносиб ва лозим бўлса, шу даражада ажойиб равишда амалга оширдилар ва анжомига етказдилар.

Бангола нозими шахзода Муҳаммад Азим аввалги хизматига қўшимча равишда Шамширхон ўрнига Биҳар субасининг нозимлигига тайинланди. Мазкур хон (Шамширхон) Муаззамобод–Уда субадорлиги билан ифтихор ҳосил қилди. Бурҳонпур нозими ва Бангола фавждори Нажобатхон икки мингчи, бир минг беш юз суворли, Роҳири қалъадори Шию Сингҳ бир мингчи, бир минг суворли, Хон Фирузжангга тегишли бўлмиш Берар субаси ноиби Тирандозхон бир минг беш юзчи, беш юз суворли эди, (уларнинг) ҳар бири шартсиз беш юзчи қўшимча билан имтиёзли бўлдилар. Қосимхон ўрнига Муҳташамхон Налдарак қалъадорлиги билан иззат қалъасига кирди. Хужастабунёд субаси нозими шахзода Бедорбахт Баҳодир Хондис субалигининг соҳиблиги билан яна ҳам юқори мартабага кўтарилдилар. Асли ўн беш мингчи, ўн минг суворли (эдилар) икки минг сувор қўшимча (олди). Хон Нусратжанг золимлар таъзирини бериш учун Бурҳонпур томон (кегишга) руҳсат олди ва олтин суви юритилган муттақо ҳамда тўртта фил инъом қилиниши билан эъзозланди.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг ўғли Султон Мухюс-сутта етти мингчи, икки минг суворли мансаб, байрок (алам) ва ноғора ато қилиниши билан ўз дўстларининг роҳатини оширдилар. Мултон ва Таҳтаҳа субадори шахзода Муъизиддин исёнчиларни бахтиёрона кириш ишида ажойиб хизматлари туфайли фармон, хилъат, зарҳал жамдҳар юборилиши билан катта ҳурмат

ва офаринга сазовор бўлдилар. Асли ўн икки мингчи, саккиз минг суворли эдилар, икки минг сувор кўшимча ҳамда ўн лакҳ дом инъом этилиши билан бадавлатлик даражасига чиқиб олдилар. Чинқиличхон Баҳодир Бижопур субасининг нозими (мансаби), сарпеч ҳамда от, унинг ўғли фил ва от инъом этилиши билан сарафроз бўлдилар. Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш (225а) хилъат ва олтин сарпеч ато қилиниши билан сарбаланд этилиб, уларга наввоб Зийнатнисо бегимни Исломпуридан Баҳодиркадага олиб келишга рухсат берилди. Садрус-судур Муҳаммад Аминхон ул жанобнинг жилов хизматига тайин этилди.

Мазкур йили олтинчи зулжаъдада Мирмунший ва буютот ҳамда Хонисомоннинг ноиби Вазирхон Мирхожининг ўғли Фазоилхон Мирҳоди сўнгги уйкуга кетди. У ниҳоятда фозил, соҳиби камол ва ҳаёт илмига молик эди. Ўзи ҳақида «ишни айтган вақтда қиладиган одамман», дерди. У ҳақда Онхазрат дедилар: «Хонисомон ноиблигини шу даражада адо этдики, гўё хона ёришиб кетди». Саховатли Фозилхоннинг ўғли Абдурахим отаси вафотидан сўнг олий остонани ўпиш учун дорул-хилофатга келган эди, у буютотлик хизмати ва хонлик (унвони) марҳамат этилиши ҳамда кўшимча мансаб билан эъозланишга сазовор бўлди. Қадрдон хоннинг гавҳар сочувчи тили сўзладики, «Фозилхон Алоулмулк ва Фозилхон Бурҳониддиннинг жаноби олийга нисбатан хизмат ҳуқуқи кўпдир, (шунга кўра) бу хоназодга навозишлар кўрсатамиз ва эътиборини ошираамиз». Ҳақиқатда, у (Абдурахим) ҳам тарбият ва иноятга лойик эди. Аммо бир қанча кундан сўнг ёшлиги ва ҳаёти билан видолашди. Бу силсиладан (хонадондан) эндиликда Фозилхон Бурҳониддиннинг қариндоши ва биродарзодаси Зиёвуддиндан бўлак ҳеч ким колмаган эди. Шунга асосан Чинопатн (Читопатн) ўлкаси девонлигидан қадрдонлик зухур топган саройга чакиртирилиб, кўшимча мансаб, хонлик ва буютотлик хизмати билан сарафрозлик бахш этдилар. Қалъаларни фатҳ ва душманларни йўқ қилишда Фатҳуллоҳхон Баҳодир яхши хизматлар ва ишбилармонлик кўрсатди. (Унинг хизматлари) сўз билан айтиб адо қилиб бўлмайдиган даражадаки, уни қалам такрор ёзса. Унинг ниҳоятда кизикиши Кобулга (ишга) тайинланиши эди (225б) ва кўпинча (у ернинг) ноиблигини илтимос қиларди, мазкур йили йигирма учинчи муҳаррамда орзуси амалга ошди; икки минг беш юзчи, бир минг суворли эди, беш юзчи кўшимча олиб, кўпдан-кўп дилхушлик билан Кобул томон равона бўлди.

Муҳаммадули яқинда вилоятдан келиб, бир мингчи, юз суворли (мансаб) ва хонлик хитобига, хилъат ва икки минг рупияга эга бўлди. Хўжа Муҳаммад «Омонатхон» хитобини олиб, Санкамбар (Санкамбир) фавждорлиги (хизмати)га қўшимча равишда яна Байзопур фавждорлиги ила мумтоз ҳамда фил иноят қилиниши билан сарафроз этилди.

Сарой имоми Абдулҳақ арабнинг хотинига беш дона гавҳар марҳамат қилинди.

Гулбарга қалъадори Иродатхон асли бир мингчи, етти юз суворли эди, уч юз сувор қўшимча иноят этилишига сазовор бўлди. Бахшиул-мулк Рухуллоххон яшм тошдан ясалган довот марҳамат қилиниши билан мумтоз этилди. Иноятуллоххон ўғли Зиёвуллоххон Акбаробод девонлиги билан иззат бошини юқори этди. Бахшиул-мулк Мирзо Садриддин Муҳаммадхон фил, от ва хилъат иноят қилиниши билан юқори мартабали бўлди, (унга) Бунагоҳ–Баҳодирқада мудофаасига кетишга рухсат берилди; икки минг беш юзчи, саккиз юз эллик суворли эди, беш юзчи ва икки юз сувор қўшимча билан (сарафроз этилди). Сабанҳо жаҳаннамийнинг ўғли Рожа Соҳу ёқут кўзли аврийси, олмос қадалган тилло паҳунчи, бешта олтин узук, жамдҳар ва тилла жиҳозли бир от иноят қилиниши билан (ўз) сарой ахли ва яқинлари орасида мумтоз этилди. Хукмга мувофиқ, Фатҳдавлатқул Рожа Соҳуни подшоҳзода Муҳаммад Комбахш хизматига олиб борди. Подшоҳзода унга хилъат ва аврийси инъом этдилар. Хукмга биноан ва итоати вожиб ёрлиққа асосан, Рожа Соҳунинг чодирини подшоҳзаданинг давлатсаройи яқинига (22ба) тикилди. Бангола хос девони доруғаси Ҳамидиддин Баҳодир мазолам девонида (Онҳазратга) ҳасса пешкаш (совға) тутди. У уч мингчи, бир минг етти юз суворли эди, беш юзчи, уч юз сувор ато этилиши билан (катта) иноятга сазовор бўлди. Марҳум Амирхоннинг ўғли Мирхон Бахрамандхоннинг кизи билан тўйи бўлиши боис Хужастабунёдга кетган эди, мулозаматга кирди (ва) кимматбаҳо олтин буюмлардан совға қилди, (подшоҳдан) хилъат олди.

Хукмга мувофиқ, Рожа Соҳунинг биродари Мудан Сингҳ (Мадн Сингҳ) Бунагоҳдан келиб, олий мулозаматга кириш билан бахт пешонасини равшан этди. Олийжоҳ подшоҳзода Аҳмадобод субадорлигига қўшимча равишда дорул-хайр Ажмир субадорлиги билан хушнуд бўлдилар; (ул зот) асли қирк мингчи ўттиз минг суворли (эдилар) ўн минг сувор қўшимча; Саххоролана қалъадори Удат Сингҳ (Удут Сингҳ) уч мингчи, бир минг икки юз суворли (эди)

беш юзчи, уч юз сувор шартсиз қўшимча; Саёдатхон Ўғлоннинг ўгли Саёдатхон икки мингчи, икки юз суворли эди, беш юзчи, беш юз сувор марҳамат қилинди. Рустамхон Шерзех Бижопурийнинг ўгли Ғолибхон уч минг беш юзчи уч минг суворли эди, беш юзчи, беш юз сувор қўшимча (олди). Алҳидодхон хишаги Раҳмондодхон ўрнига Мандароз фавждорлиги хизматига тайинланди, бир мингчи, беш юз суворли эди, беш юзчи, беш юз сувор қўшимча (олди). Бижопур субадори Чинқиличхон Баҳодир Тилкукани–Одилхони ва Аъзамнагари Балкону фавждорлиги ҳамда Сафийхон ўрнига Сонипкону тҳанадорлиги хизматларига тайинланди, тўрт мингчи, тўрт минг суворли эди, бир мингчи, олти юз сувор қўшимча ва бир курур дом инъом (олди). Ниёзхон мазкур хон (226) ноиблигига тайин этилди, у беш юзчи, уч юз суворли эди, беш юз сувор қўшимча (олди). Хизмат дўсти Хоназодахон «мир» лафзининг ортиши билан амирлар жамиятида юкори жой (масдар)га ўтирди.

Воқеаларни рақам этувчи қалам бу йилги ишларнинг баъзиларини баён қилишдан холи бўлди. Бундан мақсад Кундона тасарруфи ва бошқа воқеаларни баён арзига етказишдир.

Душманларни янчувчи қалъагир баҳодирлар шижоаткор Тарбиятхон мироташ саркардалигида тоғнинг тепасига чиқсинлар ва қалъа ичидаги (қамалдаги)ларни куч ва шавкат ўти билан куйдирсинлар ҳамда ғазаб ва қудрат қамчиси билан саваласинлар, деган ижроси вожиб фармон чиқди.

Мазкур хон баландликда иш кўрсатувчи, душманларнинг кулини қўкка совурувчи тўпларни осмонга эгизак қалъа истехкоми қаршисидаги тепаликка олиб чиқиб, бир қанча вақт душманларни куйдириб ҳамда истехком ва деворларни кўпориб ташловчи ўт очишга саъй-ҳаракат этагини урсин, токи туякушлардек бақироқ, ахлоқ ва басир жамоани – душманларни янчиб ташловчи иқбол қаҳри билан уларни ура-ура уруғлашдан узок қилсин.

Иккинчи зулҳижжада осмони фалакка тегувчи ул қалъа бошқа қалъалар билан биргаликда бошини тасарруф заминига суртди ва «Бахшанда бахш» деб аталувчи ажойиб ном билан номланди. Бу қалъа мустақамликда шу даражадаки, агар бахшанда бахш этмаса (Тангри илтифот қилмаса), унинг қимирлаб турган сиртмоғи қачон ҳам узиб ташлаш ихотасига киритиларди, чунки пиҳи олдида ўтиш йўллари ниҳоятда қийин эди.

Осмонлар савлатли подшоҳнинг зафар истовчи химмати Рожжада қалъасининг тасарруф этилишидан тўла ризо бўлмагани боис

қатъий азм шунга қарор қилдики, пушқол кунлари Мухийобод – Пунода ўтказилади. Ирода қуёшининг шарқдан чиқиш (вакти) ўтиши билан (яъни эрта саҳарда) мурод томон йўлга тушилади. Ўн саккизинчи зулҳижжада (Онҳазрат) мазкур жой томон мурожаат этдилар, ушбу ойнинг йигирма бешинчисида (227а) Мухийобод майдони чодир тикилиш зафарига муяссар бўлди.

Ботил ғанимнинг заиф ёрдамчиларидан то хоналарни қўпоришга (лаёқатли бўлган) кучлиларигача аралашига лутф ила (уларни) хайрли ишлар соҳилига (олиб чиққан) одил ва комил подшоҳ хоназодпарварлик ва кадрдонлик мартабасини ҳимоя қилиш ҳамда фармонфармолик, ҳукмронлик қонун-қоидаларини сақлашидан келиб чиқиши натижасида ажойиб ишлар (содир бўлаётган) ушбу куннинг воқеаларидан (бири шудир): жаҳонни фатҳ қилувчи ҳокон йўқлик ва борлиқ маслакларининг йўловчиларига, баланд ва пастдан огоҳ-вокифларга фалақхашамат хийма (чодир)ларнинг шодхуррамлик билан жамланиб, ушбу маконга қароматнишонлик билан жойлашиши вақтида амирул-умаронинг доираси (қароргоҳи) пастки заминда, девони ҳос ва тан(ҳо) Иноятуллоҳхоннинг чодирни баланд ерда воқе бўлсин, деган имзоси лозим ҳукм таҳрир этди. Шундан бир қанча кун ўтгач, мазкур хон (Иноятуллоҳхон ўз хиймасини) сарой қилинадиган ерга ўрнатилган чодирлар билан ўраб олган эди. (Аммо) амирул-умаро хўжасаройга (Иноятуллоҳхон) ул жойдан турсин, бу ерга наввоб хиймаси ўрнатилади, дея айтиб юборди. Хон «хўп» деб жавоб қилди. (Шу билан бирга) бошқа бирор шунга ўхшаш керакли жойни топгунга қадар муҳлат талаб этди. Хўжасарой бунга дарҳол рад жавобини қилди. (Мазкур хон) чодирни хоҳ-нохоҳ ўша ерга яқинроқ бошқа бир жойга кўчирди. Амирул-умаро хиймаси эса ул жойга ўрнатилди. Бу воқеа ихлосманд Кажхирий девонлигининг воқеанависи томонидан муқаддас мутолаага етказилди. Шу ондаёқ Ҳамидиддин Баҳодирга буюрилдики, бориб амирул-умарога айтилсин: «Яхши иш бўлмабди, сиз аввалги жойингизга ёки бошқа жойга ўтинг; аввал кимнинг хиймаси бўлган бўлса, ўша ўз жойида қолсин».

Мазкур хон бориб ҳукми эълон қилди. Амирул-умаро буни қабул этишдан тортинди. Сўнг Хон Баҳодир унинг олдидан туриб кетиб, ихлос юзасидан Иноятуллоҳхон уйига (227б) келди ва бўлган воқеани баён қилди. Сўнгра айтди: «Агар амирул-умаро олдига бориб: «Мен учун жой тайёрланган, жойимни ўзгартиришга рози эмасман, деганимни айтсангиз, яхши бўларди», деди. Иноятуллоҳхон:

«Хукмга мувофиқ, ул жанобнинг олдига сиз юборилгансиз; мен эса хукмсиз қандай килиб бора оламан», деди.

Хон Баҳодир саройга (қайтиб) келиб, бу аҳволни олий арзга етказди. Эртаси куни амирул-умаро девон вақтида саройга келганида Хонқул воситачилигида амирул-умаро Иноятуллоҳхон уйига борсин, токи лозим бўлгунча узр-маъзур қилсин, дея хукм этилди. Амирул-умаронинг жони қанчаки, амр бўйинтуруғидан бошини тортсин! “Эшитаман ва итоат этаман”, деди ва фармонбардорлик йўли киприкка суртилди. Яна Хоназодхон бу хабарни етказиш учун роқимни (ушбу сатрлар муаллифини) Иноятуллоҳхон ҳузурига юборди. Шундай хукм чиқарилди: «Аммо яхшиси шуки, тезда кечирсангиз, чунки ул жанобнинг келишлари кечикиши мумкин». Куннинг ярмида банданинг жўнаб кетиши ва амирул-умаронинг келиб қолиши бир вақтда юз бериб, менинг айтишим кечиктирилди. Бу вақтда иттифоқо Иноятуллоҳхон ҳаммомда экан. Амирул-умаро келиб, ханузгача дурустгина гилам-наматлар ёзилмаган девон хонада ўтириб турди. Хон тезда етиб келди. Амирул-умаро унинг қўлини ушлаб ўрнидан турди ва отга миниб, (уни)ўз уйига олиб кетди. Мазкур хонга “иқомат” номли парчадан бир тўққизини (олишни) таклиф қилди. Ҳеч маҳал ва ҳеч ваҳҳда суҳбатнинг охиригача ва кетгунча гина-қудурат изҳор этилмади ва кош-қовоқ солинмади, (аксинча, ўртада) меҳрибонлик ва дилдорлик кучайди. Осмон тагида ҳам умрларни ана шундай ажойиб йўлда ўтказган одамлар бўлган. «Аввалу охирда ҳамду сано Унинг учундир»<sup>42</sup> (Бу жойда) олти ой, ўн саккиз кун турилди.

Қурғоқчилик сабабли қимматчилик ва қаҳатчилик эди; ғариблар ўлар ва заифлар нолишу надомат қилар эдилар. Одамларнинг бугдой тўғрисидаги жигарсўхта (жигари куйишдан айтилган) мушоҳадалари сийналарни чок этарди; нўхат қолмади ва (бир дона) нўхатни (228а) кўра оламизми, дейдиган мотамсароларнинг нўхат тўғрисида узокқа йўналган нигоҳлари тупроққа тенг эди; гуручни шоҳ ганжи (ҳазинаси деб билувчи) бахти қораларнинг гуруч борасидаги нолалари мусибатли гадоларнинг фиғони билан лик тўла эди. Шунга қарамай, агар осмон йиқилса йиқилади, аммо жазм қадами азм қилишдан қайтмайди. Байт:

*Қорақўзликларнинг меҳри менинг фикримдан  
чиқадиган нарса эмас,  
Самовий (илоҳий) тақдир шуким, бу ҳеч ўзгармайди.*

<sup>42</sup> Қуръони қарим Қасос сурасининг 70-ояти.

Мазкур йил ўн иккинчи ражабда иқбол байроқлари Ғожада қалъасини забт қилиш учун баланд кўтарилди.

Бу қалъанинг тўрт қурухи баланд тепаликка жойлашган, унинг боши фалакка бориб етади, оёғи эса ёмонлик тахтини бўйсундирган. Хизматкорлар пастлик ва тепаликларни бараварлаштириш ишида икки ой давомида ҳар қанча саъй-ҳаракат қилсалар ҳам, аммо ердагиларнинг назари қачон ҳам кўкдагиларга етиб борарди ва осмондагиларнинг қули қаерда ҳам ердагиларни тутарди. Мана шу сингари баланду пастликлар мавжудлиги билан сонсаноксиз кўшинлар (ўзининг) ҳаракатга келиб ўтиш ҳангомида унинг осмонини ер қилиб ва ерини осмон қилиб юбордилар. Улуғ лашкар етти кун давомида (қалъа томон) йўл юрди ва бошқа бир манзилни босиб ўтиб, мазкур ой охирида кириб келиши билан қалъа тагидаги танг майдонни кенг қилиб юборди. Рожкада тоғ-қалъа номидир, осмон бурж (осмон-қалъа) зотлиларнинг иккинчи қалъасидир. Унинг баландлиги жаҳондаги барча баланд қалъаларга ҳамма жиҳатдан зулм қилади, унинг найзали ҳайбатидан осмон қорнини ўғирлатган, унинг оёқ босиши зарбидан ер хокисорликка тушиб кетган ҳолда, то қиёматгача бошини унинг оёғи остидан чиқаролмайди, унинг тиғи қуёшнинг чархлашидан ўткирлашади; юлдузлар унинг аланга ёруғидан равшанлик теради. Кун қуёши эса унинг уфқидан бош кўтариб чиқиб, яна «мақоним осмоннинг энг тепаси», деб мақтанади; унинг устидан ўтиб кетаётган тун ойи баланд қоялари (найзаси)дан киттон (сомон кўйлак) каби пора-пора бўлади. Унинг давраси ўн икки қуруқдир. Ваҳимали ва қиёсдан ташқаридаги энг баланд жойига (2286), ўтиш мумкин бўлмаган чангалзорларига ва инсу жинлар қарор топган ғорларига шамолдан бошқа ҳеч жон қадам босмайди, ёмғирдан ўзга кимса (нарс)а юролмайди. Ўтган даврларда буни (бу қалъани) фақат одилхонийлар ҳокимларигина тасарруф этганлар. Жаҳаннам эшағи Сиво ҳам унинг теварак-атрофини истило қилгач, уч томонни кўтариб, ундан пастроқда учта мустаҳкам қалъа кургач, унинг тасарруфидан кўлини тортди. Боло Кухан тарафда Сухли ва Падмоват, Тилкукан томонда Сажули (қалъалари) жойлашган.

Мазкур йилнинг тўртинчи шаъбонида жангу жадал пешқадами Ҳамидиддинхон Баҳодир ва шижоат шиорлик раҳнамоси Тарбиятхон мири оташларнинг саъй-иҳтимоми билан душманларни қуйдириб, қулини кўкка созуриш ҳамда ёвуз кофирлар хилхоналарини кўпориб ташлаш фикридаги зафар лашқари раҳбар тоғ халқининг

мақрига қарши ҳамда саодат топиш йўлида саъй-кўшиш энгларини шимарсинлар (матнда – “этакларини боғласинлар”), деган ижроси мажбурий фармон шараф билан чиқарилди. Ҳар икки ботир ихлосманд ёвуз кофирлар жойи бўлмиш Падмоват қалъаси тарафидан, мазкур қалъанинг дарчасидан то тепаликнинг ниҳоясигача, бундай ишнинг билармонлари тили билан айтганда, (жанг қилишнинг) «сунда» деб аталувчи учбурчак ҳолатини барпо этдилар. Ва унинг (учбурчакнинг) ҳар икки – ўнг ва сўл томонларининг таги ғор бўлиб, бу ердан ҳеч ким ўтолмайди. Иккита мустаҳкам деворни бир-бирига боғлаган ҳолда кўтарилиб, «сунда» жойи билан туташтирилди. Истеҳком деворларини мустаҳкамлаб, қаршисидаги тепаликнинг орқа томонига келдилар ва жанг қилишга ҳамда канисаларни ҳароб этишга мўлжалланган асбобларни тайёрлаб қўйдилар. Қалъа айланаси (тепаси) роса ўттиз газ баландликдаги қияликдан иборат бўлгани учун тоғ дамдама (тўп, замбараклар бўлинма)ларини тепаликнинг тошлар уюлган ерига келтирдилар. Бу орада ғазаблари ортган қамалдагилар шовқин-сурон кўтариб, ишга киришиб кетишди. Қалъа ва деворларга бир қанча томондан (ўқ узиш учун) душман хоналарини қўпоровчи баҳайбат овозли тўплар ўрнатилган эди, улар кўп ерда бино ва деворларга зарар етказди.

*Воқеанигор қаламнинг алҳол салтанат ва бахтиёрлик тахти юксалаётган ҳокимиятнинг бир минг бир юз ўн бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ саккизинчи йили бошланишидаги воқеалар баёни*

(229а) Битмас-туганмас илоҳий нурлар матлаъи – муборак рамазон ойи худованд халқлари шод-хуррамлиги ва фаровонлиги нурларининг зуҳури ҳамда барча орзумандлар мақсадларининг муваффақиятга эга бўлишига мунавварлик бахш этувчи бўлди.

Иноятуллоҳхон ўғли Ҳидоятуллоҳхоннинг марҳум Файзуллоҳхон ўғли Муҳаммад Афзалнинг кизи билан қовушишлари муқаррар бўлди; (улар) хилъат ва от иноят қилиниши билан эъзозландилар.

Аъизхоннинг набираси Шамширбекнинг қайниси Роно жаҳаннамийнинг кизи билан никоҳ қилиндилар, унга қимматбаҳо тош кўзли учта узук марҳамат қилинди.

Баҳрамандхоннинг набираси Муҳаммад Тақихон Шойистахоннинг кизига уйланди ва беш минг рупиялик қимматбаҳо тош ва буюмлар иноят қилиниши билан мумтоз этилди.



Исломхон Румийнинг ўғли Навозишхон ўрнига Войистахон Нонду қалъадорлиги ва фавждорлигига тайинланди. Шахзода Бедорбахт Баҳодир девонининг саркори Мир Аҳмадхон Хондис субадорлиги ноиблиги билан мумтоз этилди.

Рустамхон Шерзех Бижопурий, Хон Фирузжанг тарафидаги Берар субаси ноиблигига эга бўлган ва Сантхо (Сабанхо)га қарши курашда қўлга тушиб, қамалиб қолган эди, озод этилиб мазкур хон хузурига келди, (унинг) етти мингчи, етти минг суворли (мансаб) ҳисобидан бир мингчи, минг сувори қамайтирилди.

Подшоҳзодалар, султонлар ва улўғ амирлар фитр байрамининг муборақбод совға-саломларини юбориш билан хушнуд бўлсинлар, деган ҳукм чиқди.

Рожа Некномнинг малъун Ромо қизи билан тўй қилинишига қарор берилди, у хилъат олди.

Падожий тҳанадор бўлди.

Кувгин этилган Сивонинг жияни (акасининг ўғли) Понжкону икки минг беш юзчи бир минг беш юз суворли эди, беш юзчи, қўшимча билан тенгқурлари орасида ҳавас қиладиган (мавкега) эришди.

Қилган гуноҳларига асосан мансабидан четлатилган Сарафрозхон подшоҳзода Муҳаммад Комбахш илтимоси билан олти мингчи, беш минг суворли (мансабига) тикланди. Балжону (Малкону) қалъадорлигидан туширилган Сафийхон Факируллоҳнинг ўғли Сафийхон Бижопур субадори Чинқиличхонга ноибликка (2296) тайинланди. Авваллари “Муътакидхон” деб аталган Мухлисхон Акбаробод қалъадорлигига дастур олди.

Хон Фирузжанг исёнчи Нимо (Пимо)нинг адабини бериб қўйгани мукофотига “сипоҳсолорлик” хитоби, икки минг сувор қўшимча билан асли ва қўшимчасини ҳисоблаганда етти мингчи, ўн минг суворли (мансаб ҳамда) бир курур дом инъом этилиши билан давлатнинг энг юқори даражасига кўтарилиши керак эди, аммо (бу) амалга ошмай қолди.

Муҳаммад Аминхон Баҳодир уч мингчи, уч минг суворли эди, беш юзчи, икки юз сувор қўшимча билан давлатманд бўлиб олди.

Хон Фирузжангга тобе бўлган Далирхон етти мингчи етти минг суворли, Оллоҳобод нозими Сипоҳдорхон тўрт мингчи, уч минг суворли (эди) уларнинг ҳамда Буми Хунпури танбеҳини беришда кўрсатган яхши хизматлари эвазига Маҳобатхоннинг беш юз сувор қўшимча билан иззат-эътиборлари ортди. Хон Фируз-

жангнинг биродари Ҳомидхон Баҳодир икки минг беш юзчи, бир минг беш юз суворли (эди) беш юзчи, икки юз сувор; рожа Андар Сингх уч мингчи, икки минг суворли эди, беш юзчи кўшимча олдилар. Хон Фирузжанг биродари Раҳимиддинхон асли бир мингчи, икки юз эллик суворли (эди) беш юз сувор кўшимча олди.

Орифлар пешвоси (қудват ул-урафо) Муҳаммад Гисудароз – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – равза (мақбара)си сажжоданишини, адолат натижаси Саййид Ҳусайн фил ва ўн минг рупия нақд пул инъом этилиши билан эътибор сажодасини (жойнамосини) ифтихор елкасига ташлади.

Муҳаммад Аминхон Баҳодир Бунагоҳи–Баҳодирқада муҳофазатига рухсат олиб, зарҳалланган ханжар ва тилла жиҳозлари билан бир от ато қилиниши ила эъзозу икромга сазовор бўлди.

Давлатсаро нозирани Хизматқорхон Хўжа Толиб Бунагоҳда бир канча вақт фалаж касаллиги билан оғриб, ҳаёти бисотини охира саройига топширди. У Онҳазратнинг шаҳнавозлигига муносиб қадимий хизматқори, муборактаъб ва яхши ният соҳиби эди.

Мархум Амирхон ўғли Марҳаматхон бир мингчи, икки юз эллик суворли (эди), бир юз эллик сувор кўшимча олди.

Удсия субасининг ўрнидан бўшатирилган нозими Комқорхон олий остонани ўпиш билан бахтиёрлик пешонасини равшан қилди. Ҳамидиддин Баҳодир асфиёлар раҳбари Миён Абдуллатифнинг табаррук қулоҳи (230а) ва Тарбиятхон ханжар инъом қилиниши билан эъзозланиб, Каҳур дарёси томонларида изғиб юрган лаънати душманлар таъзирини бериш учун рухсат олдилар.

Муҳаммад Исломхон ўрнига Мунъамхон салтанат катта фарзандининг девони сарқорлигига эга бўлган эди, яна мазкур хон ўрнига Кобул субасининг девонлиги хизматига ҳам тайинланди. У (Муҳаммад Исломхон) Чекла – Гужарот фавждорлиги ва муҳофазатига ҳамда бир оз вақт ўтгач, аввалги хизматига кўшимча ўларок, укаси Саййид Мирак ўрнига дорус-салтанат Лоҳур девонлиги билан ҳам мумтоз этилди.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахш йигирма мингчи, ўн минг суворли (мансаби)га тикланган эдилар, беш минг сувор камайтирилишига ҳукм бўлди.

Эрон фармонравойи Шох Аббос набираси Али Нақийнинг толеи ёр бўлиб, унинг узоқ ва яқин мамлакатлар паноҳи ва ҳимоягоҳи бўлмиш қарам асосли остонага (етиб келишига) раҳбарлик қилди. Муборак Сураат бандари хазинасидан беш минг рупия йўл

харажати марҳамат этилди. Хоқонлар паноҳи – даргоҳга етиб келгач, уч мингчи, бир минг суворли мансаб, “Сафавийхон” хитоби ҳамда хилъат, от, фил ва олтин суви югуртирилган жиға (ато қилиниши билан) давр кишиларининг мумтоз этилгани бўлди.

Искандархон Бижопурий ўғли Муҳаммад Муҳйиддиннинг Сабанҳо жаҳаннамий қизи билан тўйи бўлиб ўтди, унга (келингга) етти минг рупия қийматли тош ва буюмлар марҳамат қилинди. Сабанҳо жаҳаннамийнинг ўғли Рожа Соҳу билан Баҳодиржи кизининг никоҳ тўйи бўлди, (қуёвга) қиймати ўн минг рупиялик қимматбаҳо тошлар қадалган бир камар, лаъл билан безатилган сарпеч ва зарҳалланган жиға марҳамат қилинди.

Султон Фаррух Сияр оиласида қиз туғилиши муносабати билан шаҳзода Муҳаммад Азимнинг юборган ниёзи мунаввар назрдан ўтди.

Қози Акрамхонга катта семиз фил иноят этилиши билан (эътибори) ортди.

Сарой ва субалардаги барча бандаларга ёмғир (ўтказмайдиган) хилъатлар марҳамат қилиниб, обрўлари орттирилди.

Салобатхон ўрнига Рустамхон Карнатикӣ–Бижопур фавждорлиги хизматига тайинланди; бир минг беш юзчи, бир минг суворли (эди), бир курур дом инъом ва беш юзчи, бир минг сувор қўшимча олди.

Балх элчиси Хўжа Зоҳидга мулозаматга кирган куни юз муҳрли бир ашрафий, (2306) юз рупияли рупия марҳамат қилинган эди, (ватанига қайтиб кетишига) рухсат берилган куни хилъат ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган ханжар ва беш минг рупия нақд пул ато этилиши ила унинг орзу этаги тўлди.

Шаҳзода Бедорбахт номига Хужастабунёдга қўшимча равишда Молва субасининг нозими юзасидан шараф фармони чиқарилди ва хилъат (бериб юборилди).

Музаффархон ўрнига Хон Фирузжангнинг ноиби Довудхон подшоҳзода Муҳаммад Комбахш ноиблигига, Ҳайдаробод субадорлиги хизматига тайинланди; у беш мингчи беш минг суворли (эди), бир мингчи бир минг сувор қўшимча (олди).

Удсия субаси қўриқчиси (хориси) Муршидқулихон ҳам шаҳзода Муҳаммад Азим девони ҳамда Бангола субаси (хориси ва шунингдек) асли бир минг беш юзчи, бир минг суворли (эди), беш юзчи, бир юз сувор қўшимчага эга бўлди. Ҳамидиддинхон Баҳодир ва Тарбиятхон душманлар танбеҳини бериб қўйиш учун кетган эдилар, чакиртирилишига мувофиқ саройга келдилар.

Тўртинчи шаъбонда маълум бўлдики, Хон Фирузжанг Бе-  
рар субасидан Нимо (Пимо)нинг танобини тортиб кўйиш учун  
Ҳиндистон томонга, Синдха ва Ситрсол Бундилага равона бўлган.

Эрон мамлақати чегарасидаги мухбирлар хабаридан жаҳон-  
панох даргоҳга маълум бўлдики, толеининг ёр бўлмаслиги сабаб-  
ли бахтсизлик саҳросида дарбадар юрган подшоҳзода Муҳаммад  
Акбар, – унинг аҳволи тўғрисида аввалги йиллар (баёнида) ёзил-  
ган эди, – Ҳақнинг чақирғига “лаббайка” деб жавоб айтганлар.  
(Онҳазрат Қуръони шарифдан) оятлар ўқиш билан ўзларига та-  
салли бериб қайтардилар ва ҳақиқатни сўзловчи тил сўзлади:  
“Ҳиндистондаги энг катта фитна (олови) ўчди”. (Бу ҳақда) наввоби  
қудсия Зийнатниси бегимга хабар етказдилар; унинг ўғли Султон  
Баланд Ахтарга мотам тураси марҳамат этилди. Шунингдек, таъ-  
зия турралари ул марҳумнинг Акбаробод қалъасидаги катта ўғли  
Султон Никусиярга ҳамда кизлари шаҳзода Рафиъулқадрнинг  
хотини Розиянисо бегим ва шаҳзода Хужаста Ахтарнинг хотини  
Закиянисо бегимларга ҳам жўнатилди.

Хат битувчи (номанигор) хома-қалам энди осмон каби ба-  
ланд шукуҳли (гардуншукуҳ) қалъа Рожкаданинг забт қилиниш  
воқеаси баёнининг давомига касд этди.

Ўн биринчи шавволда номус йўлида жондан кечувчи, сидки-  
дил билан Худо (231а) деювчи баҳодирлар қалъа тепасига чиқдилар  
ва девор ташқарисидан (унга) яқинлашдилар. Қаршилиқ кўрсатиш  
ниятида бостириб келаётган исёнчилар қисмини уриб ва қувлаб  
қалъа зиндони (ичқариси)га ҳайдаб юбордилар ва собитқадам  
туғни у ерга мустаҳкам ўрнатдилар. Гарчи зиндон (қалъа) ичида-  
гилар итоат дарчасини ўз юзларига ниқоб қилган бўлсалар ҳам,  
шунга қарамай, бир қанчалари тўп, тўфанг ва ўк отиш ҳамда тош  
ирғитишда кам ҳаракат қилмадилар ва бекинадиган жой йўқлиги  
сабабли мужоҳидларнинг кўпи саодат юзлари олдида шаҳодат  
эшигини очдилар. Мисра: «Уларнинг ҳиммати фитна белидан ка-  
марини ечди». Бу хилдаги жазм, жонбозлик, ғалаба ва қудратли  
куч мушоҳадаси билан ғораткор товламачилар камари, агарчи  
тоғдек бўлса ҳамки, узилиб кетди ҳамда фикри бузук (исёнчи)лар  
боши осмонга тегиб турса ҳам, улар (музаффар қўшинлар олдида)  
ожиз, бахти қора, оёк остида топталувчи ва итоаткор бир куртдир;  
улар ҳам фиръавнчи ва ҳам хомончилар ўртасида колган сардорсиз  
(саргардон)лардир. (Исёнчилар) омонлик сўраб, (ўз) кишиларини  
бахшиул-мулк Рухуллоххон уйига юбордилар, мазкур хоннинг

шафоати билан олам хоқонининг улар қурол-яроғсиз (қалъадан) чиқиб кетсинлар”, деган ҳукми маълум этилди.

Мазкур ойнинг йигирма биринчисида (исёнчилар) иқболнишон нишонни (байроқни) ўз қўллари билан қалъа тепасига олиб чиқдилар ва ўзлари хароблик ва бахтсизлик ғорига тушдилар. Оламни фатҳ этувчи подшоҳнинг қудратли ноғораси замину замонда фатҳ садосини янгради. Қуфр ва зулм қаърига тушиб кетганларнинг бўйсундирилиши Ислом йўлидаги сарафрозлар бошини фирузмандлик билан янада баланд кўтарди. Шу музаффар куни Баҳшиул-мулк (Рухуллоҳон) ва Ҳамидиддин Баҳодир ҳамда бошқа ғазавотчилар дарвоза орқали қалъа ичкарасига кирдилар ва боши фалакка етувчи шундай тўрт қалъа фатҳ этилгани ҳақидаги овоза баланд кўтарилди. Қудратли ҳукмга мувофиқ, (жойларини) ташлаб кетадиган (бузғунчи) кофирларнинг ному нишонлари (қалъадан) бадарға қилинди ва осмон ғурури (бўлмиш) баланд маконларда иқбол лашкарининг зафари барқарор бўлди.

Ҳамидиддин Баҳодир, (2316) бундан беш кун аввал беш юзчи, уч юз сувор кўшимча билан уч минг беш юзчи, икки минг суворли бўлган эди, ажойиб баҳодирлик ва қаҳрамонлик кўрсатиши эвазига шунга навбат етиб келдики, ноғора ато этилиши билан ўз тенгдошлари ичида навозиш бўлиш ноғорасини чалди.

Фалак даражага қайтиб келган Тарбиятхон беш юзчи, икки юз сувор кўшимча билан уч минг беш юзчи, бир минг олти юз суворли этилиб, аъёнлар орасида баланд мартабага эга бўлди.

Баҳшиул-мулк, зот ва сувор кўшимчасини орттириш билан уч минг беш юзчи, бир минг беш юз суворга сарафроз этилган эди, унга кимматбаҳо тошлар билан безатилган сарпеч инъоми ила олий мартаба бахш қилдилар. Қалъа “Бани Шохқадҳа” номини олди.

***Оламни фатҳ этувчи хоқон голиб қўшинининг ажойиб саъй-ҳаракати билан Тузно қалъаси забт қилинишининг зафарнишон баёни***

(Рожкада қалъасидан) тўрт қуруқ масофа орасида осмонсифат қалъа – Тузно жойлашган. Мазкур ойнинг йигирма саккизинчисида давлат ишбилармонлари фалакмакон чодирни теваракатрофидан кўтардилар. Баҳодирларга шу дастурга асосан саъй-ҳаракат камарини боғлаб, ул ишга тўлиб-тошган нуқтани ўртага олсинлар, деган кўрсатма бўлди. Унинг (Тузно қалъасининг) кифти (шундай) нуқтаки, худди фалаклар фалаки (фалакул-афлок)

сатҳида нукта мавжуд, (бу ҳақда) баён этувчи қалам энг юқори идрокли (бўлмоғи керак); унинг мустаҳкамлиги кишининг йўл юргандаги танглик ишоратидир; мустаҳкамлиги худди бошни тошга урганга қиёс; баландлик томон парвози юксалишида хаёл куши канотсиздир; кенглигини баён этишда ваҳм забони лолдир. Шу сифатларга карамай, Тарбиятхон унинг дарвозаси томон мулчор суришга киришди. Муҳаммад Аминхон Баҳодир бошқа томонидан йўл очиб, камал килди; яна ютоқдорлар (қалъа) томонларини ўраб олдилар; эшик оғалари найзалар билан беҳуда уринувчилар сийнасини жароҳатладилар. Фард:

*Таг-туби билан қўпориб ташлаш умидида жанг кўзи тикилди,  
Худди Лайли қайси ерда бўлмасин, (у ердаги одамларни ўз)  
қабиласи деб ҳисоблаганидек (232а).*

*Аммо Лайлининг муҳмали (маъносиз ҳаракати) фалакдек  
(баланд), тоғсифат туя (устидаги) бир матлабдирким,  
Қайсининг муҳаббати – бас етиб бўлмайдиган (бу)*

*баландликка толиблигидир.*

*Забт этиш тўғрисидаги сўз – амалга ошмайдиган*

*мақсад саҳифасидир,*

*Таг-туби билан қўпориб ташлаш тўғрисидаги ҳақиқий  
девон эса шак-шубҳали нуқталар билан тўладир.*

(Аммо) олам ҳокони – бу қандай иқбол; жаҳон подшоҳи – бу қандайин афзалликдир. Оламгир агар тоғ томон қараса, унинг назаридан (тоғ) мум бўлади. Агар бутун борлиқ унинг адоватидан камар боғласа, бир дамда йўк бўлиб кетади. Қасрда зафар бўлса, ул абадий зафарманд томон ошиқади. Бундан ортик нима ҳам айта олардик: бундай ношаръий мушкулот таважужҳининг бир нигоҳидаёқ шу бир онда кушойиш топади. Яъни, Оллоҳвердихон Жаъфарнинг набираси Омонуллоҳхон бу қабила (ишларида) жасоратли, жонбозликда номдор эди, мазкур йил ўн бешинчи зулқаданинг тун палласида саодатли жаҳон Оламгири (жаҳонни забт этувчи подшоҳ) туғилганининг қамарий саксон тўққиз йиллиги устида порлоқ нур ярқираб турган эди, ўз тарафидан бир қанча учқур пиёдаларни шу (ишга) кўзғатдики, аввало, уларнинг жони билан хайрлашувчилардан бири қалъанинг тош ғарамигача етиб бориб, тошдан зафарли жой курсин, токи у қисмдан (яна) йигирма беш нафари фатҳпайванд каманд (аркон нарвон) ёрдами билан Олванд тоғининг тепасига чиқиб, қалъа ичига кирсин ва “ол”, “ушла” овозаларини баралла жар солсин. Мазкур хон

хамда унинг биродари Атоуллоҳхон ва бир қанча жонидан қўлини ювганлар пошна остида янчилдилар. Ҳамидиддин Баҳодирхон фурсат ахтарувчилар(га қарши) ҳар томонда пистирма қурган эди, бу хабарни эшитиши билан илғорларга тенглашиш арқонини белига боғлаб, орқадан етиб келди ҳамда қарши турган душманлар аёвсиз тигдан ўтказилди. Қилич (зарбидан) сақланиб қолганлар арқ тарафга эмаклаб чиқиб, ўзлари томон (келаётган) бахтга қаршилиқ кўрсатдилар. Агар осони шу бўлса, қийини ҳам каммеҳнат бўлмас. Аммо (ўз ишига) дил берганларга (қарши қурашда) қўрқоқ ва сафсатабозларнинг тоб кучи қачон ҳам тоқат этарди; улар қўлсиз ва (оёксиз) қуруқ бўйинлари қолган ҳолда омонлик тиладилар (2326). Мулклар молики (хокон)нинг ҳукмига мувофиқ, қуроқларини ташлаб (қалъадан) чиқиб кетишга ижозат олдилар. Мана шундай ғайбий (илоҳий) ғалаба шоҳиди «Аллоҳдан келган мадад» пардаси ортидан жилва этиб намоён бўлди. Ислоҳ қўшинларининг шовқин-суронида шодлик шодиёнасининг ғулғуласи кучайди...

Осмон то куёшнинг шуълалари (ёруғ) ипларини ўраб олмагунча шу зайлда арқон ўйини қилмайди. Шабнам қидирувчилар (унинг бир заррасини) кўзларига суртиб, порлоқ мақсадларига етмагунларича (шабнамни) ёдга олмайдилар.

Ҳа, меҳригё ҳоконнинг бу осмонни қамрайдиган нигоҳи зафарларга раҳбардир. Чунончи, бир нафас билан бир зоҳир оламнинг ёш (йигит)ларини ўзининг ёрдам мададининг ипи билан Тузно тоғининг чархи (фалаки)га етказди, бир сирли жаҳон ўсмирларини ўзининг кашф қилган метин ҳидояти (туғри йўл кўрсатувчи таълимоти)нинг бахтиёрлиги билан бир зумда арши аълога олиб чиқди.

Қалъа «Мифтахул-ғайб» номини олди. Хон Баҳодир қутилганидан ортиқ навозишлар этилиб, хилъат, фатҳпеч ва иккита хос шолдан кийим-бош ато қилиниб, аъёнлар орасида сарафроз этилди. Омонуллоҳхон беш юзчи ва икки юз суворли ҳамда икки от қўшимча туфайли бир минг беш юзчи, етти юз суворли мансаб билан эътиборини баланд қилди. Бошқалар (ҳам) илтифотлар кўриб, муносиб имтиёзларга эришдилар. Ушбу исён авжга чиққан сарзаминда, жала қуя бошлаган замонда халойиқ халокат қаъридан ва фалокат зарбидан дин ва давлат ҳоконининг яхши ниятлилиги ва хайр табиатлилиги шарофатидан нажот топди.

Илтифотли ва марҳаматли подшоҳ қирқ саккизинчи йилнинг мазкур ойи йигирманчисида қадимий мулк – Ҳайбар навоҳи томон юришга зудлик билан азм қилдилар.

Ўн бешинчи муҳаррамда бахшиул-мулк Рухуллоҳхон ёшлик ва бахтиёрлик қувончини суролмай, ҳаёт бисотини йиғди. Ўғли Ҳалипуллоҳхоннинг уйига ҳамда иккинчи бор “Рухуллоҳхон” деб хитоб қилинган Эътиқодхонга мотам хилъати шараф билан юборилди. Улар кароматзухур саройга совға-салом беришни бажо келтирдилар, ғамгин хотирларини тасалли (эшитишга) сазовор қилдилар. Ул марҳумнинг қизи саройга келди. Қиймати беш минг рупиялик жавохирлар иноят этилиши (233а) унга катта тасалли бўлди. Ул мағфур (гуноҳи кечирилган) вафоти муносабати билан Мирзо Садриддин Муҳаммадхон иккинчи бахшигирлик хизматига тайинланди. Мазкур хон (Муҳаммадхон) Бунагоҳдан саройга келсин, ноиблик (хизматини) саранжом қилсин, деб бунга Мир Хоназодхон маъмур этилди. Ул марҳум вафотидан сўнг хонисомон хизмати билан Худобандахоннинг иззат даражаси юқори кўтарилди.

Учинчи зулҳижжада Қаҳида (Куҳанда) мавзеида икбол чодир тикилди. Яқин хизматкорлардан Мир Хоназодхон отасининг ворисий “Амирхон” хитоби билан сарафрозлик топди. Гавҳар сочувчи тил сўзлади: «Сизларнинг отангиз Мирхон Абулбакоким, «Амирхон» бўлган эди, биргина иноят баробарига жаноб Олий ҳазрат Шох Жаҳон Фирдавсулистон (Фирдавсулошён – Шох Жаҳон)га бир лакх рупия пешкаш (туҳфа) қилган эди, сиз нима берасиз?» У арз қилди: “Муқаддас зотга минг-минг жон(им) фидо бўлсин; жон ва мол(имнинг) ҳаммаси Онҳазратга тасаддуқдир”.

Эртаси куни ёкут ҳарфлар билан битилган улуғ саҳифалар муқаддас зуҳур назардан ўтказилди. Айтдиларки: «Ниманики (назардан) ўтказган бўлсангиз, (ҳеч бир) дунё ва сўз унинг баҳосини белгилолмайди». Ва фил инъом этишдан иборат подшоҳона иноят марҳаматга сазовор бўлганни (янада) баланд мартабали қилди.

Бахтиёр кадамжо билан саодат топиб, «Масъудобод» деб таъриф этилган мазкур мавзеда етти ярим ой истикомат қилингандан сўнг Вокингиरो томон юрилди.

### **Жаҳонгашта байроқларнинг Вокингирони фатҳ қилишга юзланиши**

Ушбу ғалабаёр ва зафарли кунларда душманларни банд этувчи хокон Вокингиरो қалъасини (исёнкор) лаънатиларнинг тасарруф панжасидан юлиб олиш учун осмонўпар ойчани баланд кўтардилар. Жонидан ҳам кечувчи баҳодирлар эса ул ёвузларни йўқ қилиш ва асирга олишнинг жой солинадиган ерига ўз жон бисотларини (па-



лос этиб) гашладилар. Собиткадам дўмбира (табл)нинг парвоз этувчи шахбози (лочини) шум табиатдилар устига энди. (233б) Бадбахт хислатли калтакесаклар баланд овоз билан сайрадилар. Қарпилик макомида бепарда ашула айтувчилар номувофик наволарни баланд қилдилар. Илтифот тилининг, фируздастур сатрлар муҳаррирининг тиғи тинчиб қолиб, (бундан) дунё номсизлик ғилофи ичида занг босган эди. Энди подшоҳлар подшоҳининг нур сочувчи куёпти нурларидоғи шукридан сайқал учди, бош кўтаришни, Оламгир душман(лари)нинг бошларини оёқ ости қилишни хоҳлади, яъни (нур сочувчи куёш нури) баттол ва ғафлат урушларини боғлаб қўйди, сулҳ ва жанг корхонасидан сулҳандиш сўзини ҳамда дониш луғат маънисини ахтариб топадиган ақл ва идрок майдони суворийларига сулҳ ва жанг корхоналарини равшан қилди.

Нусратобод – Сикҳар Пом Нояк қўлидан тортиб олиншининг баъзи воқеалари ҳамда Дю Чехрнинг Рухуллоҳхон ўғли Хоназодхон воситачилигида малоикпосбон даргоҳга келиши ва тезда жаҳаннам томон ошиқиши ҳақидаги хабарлар баён қилувчи қалам билан ёзилган эди. Сўнг, Ҳалилуллоҳхон ўғли Рухуллоҳхон тахтга ўтирилганининг ўттиз иккинчи йили, Фатҳободи Кура Конудан Рожпурни олишга маъмур этилган эди. Ўттиз саккизинчи йили олий байроқлар Аҳмаднагарга кириб келган вақтда Пом Ноякнинг ўғлим деб атаган биродарзодаси Пайдиёни олий ўрдага келтирилиб, унга мансаб берилди. (Рухуллоҳхон) ишга зарур деб билиб, (Пайдиёни ўзига) ҳамроҳ этди. Рожпур фатҳ этилгач, ул товламачи хонга маълум қилдики, агар ижозат бўлса, бир ҳафтага Вокингигога бориб, ишларини яхшилаб, саранжом этиб тугатиб, қайтиб келади. Ул макон Сикҳар қалъасига тобе бўлган Дихи бўлиб, унинг турар жойлари тоғ тепасида воқе эди. Сикҳарга чиқиб олгач, (бу ерда) Пом Нояк томонидан ёвуз фикрлилар маскани ва қароргоҳи (кўплаб) барпо қилинган эди. Лақма хон бундай қочишга енгил қараб, фириб еб, унга руҳсат берди. Ул фикри бузук, юзи қора панох ерига етиб олгач, ваъдасидан қайтди ва мудофаага ўтди. Ва ул макон, яъни (234а) Қамарғанинг ул истехкомида ўн икки – ўн уч минг бундук отувчиларни йиғиб олишга ҳаракат қилди. Байт:

*Тама йўлига кириб кетган у эшакдан қачон ҳам одам  
чиқариб бўларди,*

*Унинг кўзи инсоний кўз эмас ва унинг кўзи инсоний  
(кўз) бўлолмайди!*

Хон қанча панд-насихат қилмасин, у (Пайдиёни) қўрқув ваҳимасини (бахона) қилиб, алдаб (насихатдан) ўзини олиб қочди. Давр шундай хасиспарварликни хоҳлаган экан, унинг ифлос димоғига бир қанча вақт ҳокимият наҳри кириб турди. Хон эса саройга чақиртирилди. У (Пайдиёни) очикдан-очик фуқароларни жамлаб ва ер-сув тўплаб, уларни ҳимоя қилиш ишларини йўлга қўйиб юборди. Бора-бора мол-мулкларни жам қилиб ва тоғнинг бир томониغا тилсим девори қурдириб, Вокингино қалъасига пиёда жангчиларни тўплаб жойлаштирди. Шаҳар иморатлари сонининг ортиши ҳамда ноҳия зироатлари кўпайиб ва ўсиб бораркан, фитнаангизлик, фикри бузукликда юқори мартаба унга шерик ва ҳамдастон бўлди. Пом Ноякнинг мустаҳкам иродали ўғли Жақбисо (Жағто) заминдорлик ворислигидан воз кечди ва олам даргоҳига кириб келиб, бандалик ихтиёри билан эътибор қозонди. Ул хароба этилиши лозим бўлган диёрдаги ғораткор ишлар ҳақида атроф-теваракка ёйилгач ҳамда адно ва ашрафларнинг (энг тубан ва энг шарафдиларининг) вайрон ва хароб этилиши тўғрисида хабар олингач, олийжоҳ подшоҳзода Муҳаммад Аъзамшоҳ қўшинига уни тор-мор қилишга рухсат берилди. Шу вақтда (у) олий мулозаматга келиб, турли баҳоналар (ва) етти лакҳ рупия бериш билан жон ва молини ғазаб панжасидан қутқариб қолди. Ғозиддинхон Баҳодир Фиружанг истило қилаётган вақтда ўшал аввалги муомалани рўқач қилиб кўрсатганда, итоат этиш (ва) барча ваҳжлар ҳисобидан тўққиз лакҳ рупия совға берган ва ўз норозилигини (2346) ҳимоя қилишга уринган. Шундан сўнг, олам ҳоқонининг нигоҳи Биҷопур вилоятига оид азим қалъаларни фатҳ этишга қаратилгач, ул узокни кўра билмас фурсатни ғанимат ҳисоблаб, хорлик ва тубанлик хоқини ўз бошидан сочди ҳамда ўз кулини кўкка совориш учун исён ва туғён отагини алангалатди. Мазкур мустаҳкам қалъаларни ва мақтовга арзигулик (тоғ) йўлақларини тортиб олиш ишидан фориг бўлингач, кофирлардан ўч олиш учун замон Ҳайбари томон йўлга чиқилди, қирқ саккизинчи йили тўртинчи ражабда улуғ ва шавкатли чодир шу томон кўтарилди.

*Хилофатнинг бир минг бир юз ўн олтинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ тўққизинчи йили бошланиши*

Барпо қилинган тахт равнақини орттирувчи (хоқон) давлат ва дин дўстларини навозиш этиш ҳамда ёвуз душманларни кириш

билан машғул бўлдилар ҳамда саодатли бўлишнинг юксак даражаси ва бахтиёрликнинг юқори боскичини қўшиб бирлаштирдилар.

Марҳум Рухуллоҳхоннинг жияни Азизуллоҳхон унинг (Рухуллоҳхон) вафотидан сўнг саройга чақиртирилган эди, мулозатга кириш билан бахтиёрлик топди.

Хон Фирузжангнинг илтимосига мувофик, бир мингчи, бир минг суворга камайтирилган Берар субаси ноиби Рустамхонни ўз холига тиклашга ҳукм бўлди.

Марҳум Амирхон ўгли Мирхон бир мингчи, беш юз суворли эди, бир юз сувор қўшимча олди. Марҳум Салобатхоннинг кўрхона доруғаси бўлган ўгли Таҳаввархон фидойилар жамияти орасида “Фидойихон” хитоби билан ном чикарди.

Подшоҳзодалар, султонлар ва амирлар фитр байрамининг муборакбод совға-саломини бажо келтириш одатини амалга ошириш билан эъзоз ва имтиёз ҳосил қилдилар.

Султон Баланд Ахтарнинг чодир сароча ва аспак эди, қилган гуноҳи эвазига батну (табну) ёки каландари ва қанот билан ўралган бўлсин (235а), деган ҳукм чиқди.

Сурайёжаноб, тақадускубоб Гавҳароро бегимнинг саркори Ҳофиз Нур Муҳаммад мирсомон “Аҳёил-улум” лафзини кўчириб ёзиб ва тасҳиҳ қилиб, олий жанобга ҳадя қилиб юборди, бир фил ва бир минг рупия нақд пул ҳамда “Ҳофизхон” хитоби ато этилиши билан унинг иззат нусхаси мусахҳиҳ бўлди (жойига тушди).

Карнотики – Бижопур фавждорлиги лавозимидан туширилган Рустамдилхон Довудхон ўрнига дорул-жиход Хайдаробод субадорлигининг ноиблигига тайинланди, у икки мингчи, бир минг суворли эди, беш юзчи, беш юз сувор қўшимча олди. Доруз-зафар Бижопур нозими Чинкиличхон унинг (Рустамдилхон) ўрнига мазкур фавждорликка маъмур этилди, икки минг сувор қўшимча билан тўрт мингчи, тўрт минг сувор ва беш лакҳ дом инъомга эга бўлди.

Аҳмадободаги воқеалар ҳақида арзга етдики, Шоҳи олий-жоҳнинг маҳаллий (хотини) Жаҳонзеббону бегим мағфират пардасига ўралди. Ул марҳуманинг сарой хизматидаги дўстлари айтишича, ўнг кўкрагининг тугмасида тарикдек бир дона (нукта) пайдо бўлган, қанчалик муолажа қилинмасин, (борган сари) катталашиб, хасталик муддати чўзилиб борган ҳамда вақти-вақти билан унинг (шиш) атрофидан ҳарорат ҳам чиққан. Ҳакимлар даволашга киришганлар. Охири фаранги Мусъё Мартин деди: «Менинг яқинларим орасида дорул-хилофатда тажрибали табиб

(аёл) бор, агар у чақиртирилса, мулоҳаза юритиб, ҳақиқатни менга айтади; тезда муолажа қилмоқ керак». (Табиб аёл) етиб келгач, Бегим ўзининг кукасига (2356) буюрдилар: «Уни чақиртириб, ҳақиқий ёши ва шароб ичишини билинг». Кука ҳақиқий ёшини (билгач) арз килди: «Қирк ёшда, шароб ичмас экан». (Шунда) дедиларки, менга (ажал) яқинлашиб қолди, кун сайин кучайиб бораётган бу оғриқдан жонимни саломат қолдиролмайман, (шунинг учун) баданимга фосика (бузук аёл) қўлини теккизишини истамайман». Шоҳ ҳарчанд (тушунтиришга) уринмасинлар, фойда бермади. Касал икки йилга, то ҳаёт охирига етгунча чўзилди...

Шоҳ ёшлигидан бошлаб иштиёки зўр бўлган ашула эшитиш ва рақс томоша қилишдан воз кечдилар. Мархума саркори (саройи)даги жавоҳирхонани бутунлайича шаҳзода Бедорбахт Баҳодир ҳузурига жўнатиб юбордилар. Бошқа нақд олтин-зарлар бўлган корхоналарни шаҳзоданинг мухтарам кизи Бахтнисо бегим мутасаддиларига ҳавола қилдилар.

*Одам нима? У – мотамсароларнинг тўпланган (ери)дир*

*(Бу ерда доимо) икки-уч мотам рўбарў туради.*

*Унинг дастурхонида бир қанча жигарпораларгина бор*

*Унинг бир қанча жабрланганлардир, холос.*

Хилофатнинг қатта ўғли фавжиге тайин қилинган Саййид Асолатхон чақиртирилишига кўра саройга келди ва ул жанобнинг илтимосига мувофиқ, беш юзчи, икки юз сувор қўшимча олиб, бир минг беш юзчи, етти юз суворли даражага кўтарилди. Иброҳимхоннинг мулоҳазаси билан Раҳмондодхон ўрнига Яъқубхон Балаҳқи Дихамтур (Бақҳди ва Ҳамтур) фавждорлиги ҳамда бир минг сувор қўшимча билан сарафроз этилди.

Кохнужи Саркия беш мингчи, беш минг суворли эди, бир мингчи қўшимча олди.

Ҳимматхон вафотидан сўнг Ҳимматхон ўғли Муридхон Далир (236а) Сурат бандари қалъадорлигига тайинланди.

Ҳомидхон Баҳодир Хон Фирузжанг билан жанжаллашиб саройга келди. Асли икки мингчи, бир минг суворли (эди, берилган) беш юзчи, беш юз сувор қўшимча камайтирилди. Читангиरो (Чатн Кубро) заминдори Босадйу фил ва уч мингчи, уч минг суворли мансаб инъом этилиши билан қайтадан сарафроз этилди. Ҳукмга мувофиқ, Рожа Соҳу Ҳамидиддинхон жамияти билан биргаликда Хон Фирузжангнинг уйига бориб келди.

Йигирма иккинчи сафарда подшоҳзода Муҳаммад Комбахша дорул-жиход Ҳайдарободга (кетишга) рухсат берилиши муқаррар қилинган эди, лекин монелик (этувчи сабабларга кўра) кечиктирилди. Доруз-зафар нозими Чинқиличхон яна (қўшимча равишда) Бурхонуллахон ва Комилхонлар ўрнига Нусратобод-Сикҳар ва Мадкалдарга хизматига тайинланди. Чинқиличхон ўрнига Аъзамнагар, Тилкукан қалъадорлиги ва фавждорлиги хизматларига Сафийхон (тайинланди) ва бир мингчи, беш юз суворли эди, беш юзчи, бир минг уч юз сувор қўшимча олди. Мирза Сафийхонни марҳум Муаззамхоннинг кизи билан никоҳлашга қарор берилди, унга сарпеч билан биргаликда хилъат ва ўн икки минг рупия нақд пул марҳамат қилинди.

Бахшиул-мулк Хон Нусратжанг қиймати беш минг рупиялик лаъл кўзли узук ато қилиниши билан обрўманд бўлди. Иноятуллохоннинг хотинига қиймати саккиз минг рупиялик малоий марварид ва бошқа жавоҳирлар иноят қилинди.

Оллоҳобод нозими Сипоҳдорхон Баҳодир тўрт мингчи, уч минг суворли эди, бир минг зот қўшимча олди. Фатҳуллохон Баҳодир Оламгиршоҳийга Оллоҳёрхон ўрнига Юҳқада (Қуҳқада) тҳанадорлиги ва икки юз сувор қўшимча топширилди.

Йигирма тўртинчи жумодул аввалда Шоҳ Олийжоҳ номига нурул-мунаввар саройга талаб қилувчи кароматнишон фармон (2366) чиқди.

Жумодул охирнинг бошида Забардастхон ўрнига Панжоб субадорлиги хизмати салтанат катта ўғлининг вакилларига (топширилиб) ул жанобнинг хурсандчилиги орттирилди. Шаҳзода Бедорбахт Баҳодир ўрнига Бурхонпур ва Хужастабунёд субадорлигига Шоҳ Олийжоҳ номзод этилди. Кашмир субасининг ўрнидан туширилган нозими Иброҳимхон Шоҳ Олийжоҳ вакиллари ўрнига Аҳмадобод субаси нозимлиги билан шуҳрат қозонди. Асли беш мингчи, беш минг суворли (эди), бир мингчи, бир минг сувор қўшимча билан мумтоз этилди. Унинг ўғли Забардастхон Шоҳ Олийжоҳ вакиллари ўрнига Ажмир субасининг наски (идораси) билан имтиёзли бўлди, асли уч минг беш юзчи, бир минг сувор қўшимча (олди).

Хилофат катта ўғли девонининг сарқори ва Қобул субасининг девони Мунъамхоннинг вақтинчалик Панжоб субаси ноиблиги ва асосан Жамун фавждорлиги хизмати билан эътибор даражаси ортди, бир мингчи, беш юз суворли эди, беш юзчи, беш юз сувор қўшимчага эга бўлди.

Навозишхон Кашмир субадорлигига тайинланди. Забардастхон ўрнига Мултон ва Таҳтаҳа нозими шахзода Муъизиддин Лаххи Кангал фавждорлигига белгиланди. Чинқиличхон Баҳодирхоннинг ўғли Ҳаётуллоҳ фил ҳамда кимматбаҳо тошлар қадалиб безатилган ханжар ато этилиши билан хурсанд килинди. Мирза Сафавийхон учинчи бахшигирлик хизмати билан мумтозлик топди. Тарбиятхон мироташ Бахимаро дарёси соҳилидаги Бани Шох Кадха ва Муҳйибод қалъадорлигига тайинланди, у бир минг сувор (ва) уч бандига эга бўлди. Комхорхон ўрнига Ҳамидиддинхоннинг жияни Боқийхон бинни Боқийхон Акбаробод қалъадорлиги хизмати билан иззат қалъасига доҳил бўлди, бир минг беш юзчи эди, беш юзчи, уч юз сувор қўшимча олди.

Тарбиятхон мироташ Мансурхон ўрнига Декан тўйхонасининг доруғалиги хизматига белгиланди, ўғли Муҳаммад Исҳоқ эса унга ноибликка тайинланди.

Подшоҳзода Муҳаммад Комбахшнинг Шайх Муҳаммад исмли девони (237а) дорул-жиход Хайдарободнинг тартиб-интизом хизмати юзасидан рухсат олди.

Ўнинчи шаъбонда Молва субадорлиги яна шахзода Бедорбахтга қайтариб берилди. Мустақирул-хилофат нозими Муҳторхон (аввал) уч мингчи эди, исёнчи Жожотга алоқадор Сунбасининг фатх килиниши эвазига беш юзчи қўшимча олди. (Сунбаси) қирк тўққизинчи йили иккинчи ражабда иккинчи маротаба фатх этилган эди.

Хилофат даргоҳининг бисоти бўстони (сарой)га арзга етдики, Шох Олийжоҳ фавжини тарк этган Ротхувар Кадосда яна қайтиб келган, (у) уч мингчи, икки минг суворли мавқеига (тик-ланишига) ҳукм бўлди.

Энди воқеаларни бирма-бир баён қилувчи килк (нозик камиш қалам) шундай тўғри йўл билан бориб, Нусратобод–Вокингиरो тадбирлари манзилини босиб ўтди. Масофа уч ою бир канча кун мобайнида ўтилди ва қирк тўққизинчи йил йигирма тўртинчи шавволда фатх байроқлари ул ноҳияга ташриф нуруни сочди.

Доруз-зафар Бижопур нозими ва шу ўлкадаги жогирдор Хон Фирузжангнинг халифи (ўринбосари) амир мартабали Чинқиличхон Баҳодир ҳукмига мувофиқ илғор бўлинма сифатида зудлик билан жўнаб кетган эди, шижоат олами номдорлари Муҳаммад Аминхон Баҳодир ва Тарбиятхон Баҳодир ҳамда тўпхона хизматчилари билан биргаликда Повкардаҳи қалъаси иқомат (жойла-

шиш) ери деб тайинланди. Уларнинг фалакнишон доираси (ка-  
роргохи) бир курух масофа оралиғида барпо бўлди. Тоғ халқлари  
хар куни яқинлашиб келиб, подшоҳлик одамлари билан жанг  
килиб турдилар. Ул пасткаш табиатлилар бир қанча минг тайёр  
тўфангандозлар (милтикчилар), ҳинд ва мусулмонлардан ибо-  
рат янги кучга эга суворийлар, кўпдан-кўп саййидлар ва бошқа  
қавмлар(ни кўриб) кочиб қолдилар ва қўлибалаңдлик равшан  
бўлди. Ниҳоятда ваҳимали иккита тўп тоғ тепасидан туриб қирғин  
ғулғуласини авжга миндиришда, оташзабон ўк тез ва шиддат би-  
лан тўхтовсиз ҳалокат ҳарфини ёзишда давом этди. Тонг палласида  
фурсат кутиб турувчилар орасидан Чинқиличхон Баҳодир (2376),  
Муҳаммад Аминхон Баҳодир, Тарбиятхон Баҳодир, Азизхон  
Рухуллох ва Ихлосхонлар “Лол Тикрий” деб номланган тепаликни  
олдилар ва шундан сўнг тоғдагилар керагидан ортик даражада куч  
сарфлардилар. Бойқушзотлилар (бу фатҳдан) хабардор бўлишгач,  
(тепаликка) ҳужум қилдилар ва тепаликни қўлга киритганларга  
офат тошини ёғдиравериб уларнинг ўрнашиб олишига имкон бер-  
мадилар. Баҳодирлар Ботхозни пиёда ҳолатда банди қилган эди-  
лар, лекин иш юришмади, у думини хода қилиб қочганидан сўнг,  
подшоҳзода Муҳаммад Комбахш ва амирул-умароларнинг одам-  
лар юбориб кўпдан-кўп ҳаракат қилишларига қарамай, маза қиди-  
рувчилар (оғзи) тот билмади. (Шундан сўнг) ислоҳнишон фармон  
бўлди: у томонда иш олиб бориш билан бирга, бошқа томонда ҳо-  
зирлик кўрсинлар. Чинқиличхон Баҳодир ва Муҳаммад Аминхон  
Баҳодирлар мулчор ерини аниқлаш учун суворийлар тўдаси би-  
лан бирга етиб келган эдилар, шу куни тасодифан кула (тўп ўқи)  
икки(сининг) ҳам отига тегиб, оёқларини узиб ташлади. Ҳар икки  
Баҳодир саломат ерга тушдилар. Онҳазрат бу хабарни эшитишла-  
ри биланок муқрибул-ҳазрат (ҳазратнинг яқин кишиси) Амирхон  
орқали ҳар иккаласига тилла жиҳозлари билан (иккита) араб оти  
ҳамда Чинқиличхон учун муаттар ҳид таратувчи бир қимматбаҳо  
тош бериб юбордилар ва навозишлар айтиб эъзозладилар. Шу-  
нингдек, Баҳодирлар Лол Тикрий ва Ланҳата ҳамда Дабҳидатура  
қаршисидаги тепалик ўртасига мулчор юборишга киришдилар.  
Муҳаммад Аминхон Баҳодир душманни даф этиш учун Лол Тик-  
рий билан мулчор оралиғидаги бўш ерга жойлашди. “Маланг”  
номи билан машҳур бўлган Султон Ҳасан подшоҳзода одамлари  
билан бирга қанча вақтга Мафтуха тепалиғида мустаҳкам ўрнашиб  
олди. Шунингдек, Рухуллох ўғли Боқирхон узоқдаги бошқа бир

тепаликка чикиб жойлашди. Бу жамоа кундузи ва кечалари душман қаршисида химояда бўлиб, унинг кучини қайтариб турди. Ёвуз душман фавжларининг бу кишиларга қилаётган хужуми (238а) кун сайин яқинлашиб келаётганига қарамай, орада шундай масала (ҳам) чикиб қолдики, Маратҳа Бидарга ёрдамга келди, деган хабар тарқалади. Йигирма учинчи зулкаъдада Даҳно Жоду ва Ҳинду Ров беш-олти минг суворий билан (подшоҳлик) лашкари ёнига яқинлашдилар. Аксар қабилалар ёвуз табиатли (душман) химояси соясида бўлганлари сабабли подшоҳзода муқобил туриб, (уларни) тоғнинг нариги томонидан кетказиш юзасидан ул кулоқсизларга насихатгўйлик қилдилар: «Мана шундай шуҳратли қўшин ҳамда қуролланган жамият(ингиз) билан биз ва сизлар жам бўлсак, Оламгирдек кадрдон (ва) тақдирни ҳал қиладиган подшоҳлар подшоҳи (раҳнамолиги)да бизга тенг келадиган кучни учратмаймиз. Агарчи тоғ темирдан бўлса ҳам, эриб кетади; агарчи қалъа мисдан бўлса ҳам, уваланиб тушади. Ўз обод ерларингизни ҳароб қилмангиз; ўз заминдорлик биноингизни қулатмангиз; фитначилик билан ғурурингизга нуқсон етказмангиз, ўз идрокингизни бўрон халал беришидан (сақлангиз)».

Хонаси ҳароб ул жамоа нигоҳдори Маратҳага «ёмон кундаги ёр» деган фикрда кунига бир қанча минг рупия ёрдам билан тасалли берилди, оқибати ёмон (бўлиб), чўнтакдан олтинзарлар кетаверди. Уларнинг хумидан нима ҳам очилди? Унинг (Маратҳанинг) иғвоси билан (душманлар) бир неча марта лашкаргоҳ атрофида пайдо бўлдилар (ва ҳар гал баъзилари) ҳалок топиб, ярадорлари тоққа кочдилар; бир қанча бор олд томонда баҳодирларга юзланиб келдилар. Гоҳида Муҳаммад Аминхон Баҳодир, Ҳамидиддинхон, Омонуллохон ва бошқа жаҳду жиҳод соҳибларининг сазъ-ҳаракатлари билан зўр қирғин-барот содир бўлиб турди. Шундай аҳвол асносида ул товламачи заҳилранг гуноҳларини кечиришни илтимос қилиб, сулҳ ҳақида лоф урди ва фитнаангизлик хокини ўз бошига сочди. Яъни, ёлғон ва сергапликдан бошқа қўлтиғида бирор нарсага эга бўлмаган кашмирлик дастфуруш баққол макр ва хийла билан унинг олдига борган, (Маратҳа) паноҳ сўраб, илтимосларини ёзиб унга берган ва ул юзи ювиксиз аён ва амалдорларни танимаслиги сабабли (238б) арз(нома)ни гоҳида ўқишга қарашиб турадиган воқеахони кул Ҳидояткеш ҳузурига олиб келган. (Ул баққол) деди: «Сайр қилиш учун қалъа томон борган эдим, намозшом адоси юзасидан



тўхташга тўғри келди. Шу пайт Бидар кишилари келдилар ва (ул кимсани) боғлаб ичкарига олиб кирдилар. Савол-жавобдан сўнг улар илтимосларини менга ёзиб беришди».

Ҳидояткеш бу масала ҳақида хилофат даргоҳининг бисоти бўстониға маълум қилди. Онҳазрат ниҳоят даражада ҳушёрлиги ва тажрибақорлиги, иш оқибатини ҳамда узокни кўра билиши билан бу (иш) қадриға қиймат бағишладилар; илтимослар қабул даражасиға етди. Подшоҳзода бу ишларнинг олиб борилиши юзасидан воситачи этиб тайинланди. Ул ёмон табиатли (Маратҳа) укаси Сум Синкарни саройға юбориб (ўзи учун) заминдорлик ва Пандё (Панд-Тои) номини ҳамда унинг (укаси) учун мансаб (берилиши)ни талаб қилган. Ва ул шумният мансаб ва инъомларни олишға муваффақ бўлди.

Шайхмир Мадюн ўғли Муҳташам Кашмирий мансабсиз ўтирган ва унинг олдида қор – тараддуд эшиги ёпик эди, у нопок (Маратҳа)нинг вазирлигиға, қалъадорликка таклиф қилинганди. Кейинчалик мансабиға (тикланиб) бир қанча кишилари билан биргаликда чақиртирилди. У Пандё девона бўлиб кетиб қолди, деб гап тарқатди. Кашмирий унинг онаси тилидан ёзилган мактуб келтирди. (Мактубда) ул шайтони бор аҳмоқ Маратҳа бош олиб чиқиб кетгани, эндиликда Сум Синкарнинг қалъа томон келишиға ва заминдорлик ишлари билан қизғин шуғулланишиға рухсат олиши, қалъанинг бир ҳафтада холи этилиши (ҳақида баён қилинганди). (Ҳаммаси) шу тарзда амалға ошди. Кашмирий эса уч юзчи мансаб билан ном чиқарди. Ҳидояткеш бир қанча кун (ичида) кўшимчаға ва «Ҳодийхон» хитобига эга бўлди. Мулчор олови совиди, жанг-талаблар саройға чақиртирилдилар. Ул ғаддори бадқирдор менинг хабар ва маълумотимға кўра, Онҳазрат кўчишни буюрадилар, деб ўйлади. (Шундан сўнг) у алдамчилик ва товламачиликка ўтишға уринди, лекин қалъани бўшатиш-бўшатмасликда бундан иш чикмади ва подшоҳлик одамларининг бориб-келиб туришлари (239а) янада барқарорлашди. У фитначилик бетини жанг қилиш хоҳиши билан ёпди. Билмадики, бу сулҳ асносида билимдон подшоҳ бир қанча олдиндан қилинадиган ишларни (ва) оқибатни кўрувчи назар билан ҳал этиладиган масалаларни мулоҳаза қилиб қўйган эдилар. Қирғин-барот оловининг бир неча кун давомида ўчиб туриши қанчалаб сувни мақсад юзига урилишидан сақлаб қолди. Бу тўхташ муддати давомида (бўлган) қисқача қисса (шу): ихлосманд хоназодлар раҳнамози бахшиул-мулк Зулфиқорхон Баҳодир

Нусратжанг хазинани олиб келиш учун Бурҳонпурдан саройга чақиртирилган эди, у тезда Ров Дилпат (Ров Далип) ва Ром Сингх ҳамда кўп сонли лашкар билан биргаликда етиб келди. Чанжийда ул мамолик (шаҳаншоҳлик) мадорининг ноиблигида подшоҳлик хизматини бажо келтираётган ботиршиор Довудхон Баҳодирхон ҳамда кўпдан-кўп жамият билан бирга тезда (саройга) етиб келди. Қамарнагар қалъадори Юсуфхон ва Гулбарго қалъадори Комёбхон ҳамда бошқа фавждорлар, қалъадорлар (ўзларининг) муносиб жамиятлари билан бирга кириб келдилар.

Хон Нусратжанг қалъани забт этиш ва кофирлар қулогини бураб қўйиш билан шуғуллансин, деган ижроси вожиб ҳукм чиқди. Хонжаҳон ҳоконининг ҳукмини амалга ошириб, мулозаматга кирган кунининг эртаси Султон Ҳасан ва Бокирхон тепалик томон жўнади. Мухолифнаво «қарғалар» шовқин-сурон билан ва қуролларни (ҳар томонга) отиб юбориб, инлари (бўлмиш) Патҳиядан қоча бошладилар. Баҳодир саркардалар дастидан зарб еб, барча сон-саноксиз кишилари ҳалокат хокига қоришдилар. (Қарғаларнинг) қолган тумшуксиз ва қанотсиз қисми ғам-андух томон ўрмаладилар ва Патҳия деворларини мустаҳкамладилар. Ўша куни Ров Дилпат ҳамроҳларидан аксарияти ботирликни тухфа этиб ишга киришдилар ва (2396) жароҳатландилар. Жамшидхон Биждопурий тўп ўқи зарбидан шаҳидлик бахтини топди: хон ул девордан озгина масофадаги ерда собитқадам байрокни баланд кўтарган эди.

Ижроси вожиб ҳукмга кўра, Ҳамидиддинхон Баҳодир, Тарбиятхон Баҳодир ва бошқалар Нусратжангга ҳамроҳлик қилиш хизмат камарини боғладилар. Чинқиличхон пасткашлар жазосини бериш учун мулчор билан Лол Тикрий ўртасига жойлашган эди; бир неча кундан сўнг (унга) ҳукм қилинди: Муҳаммад Аминхон ва бошқа мўғуллар билан қалъа атрофини назардан ўтказиш учун борсин, бахшиул-мулк Мирзо Садриддин Муҳаммадхон Сафавий унинг жойига марҳамат этсин. Шу орада Нусратжанг тоғ этагида жойлашган ва бошига тупрок тортувчи (душманлар) сув олиб келадиган бир қанча қатта қудукни тасарруф этишлари сабабли иш юзига сув юритди ва отларни жойлаштириш ҳамда бошпаналар қуриш учун девор яқинига келди, то муҳаррам ойининг ўн тўртинчи субҳигача «**Мўминларга нусрат бериш бизнинг зиммамиздаги ҳақдир**»<sup>41</sup> (ояти)га така этиб ва ғолибкор ҳамда зафарпарвар шахс тасвирини, давлат ҳамда миллат муршиди таянч ва

<sup>41</sup> Қуръони карим Рум-сурасининг 47-ояти.

суянч эканини шаҳодат қилиб, бир тарафдан, биродари билан бир-галикда шижоатманд Довудхонни ва иккинчи тарафдан, ғазовот урушининг мохир (жангчилари) Ҳамидиддинхон Баҳодир, Тарбиятхон Баҳодир ва бошқа баҳодирларни урушга тайинлаб, ўзи уларнинг оловли орқа томонларида от устида турди. Иззат ва ғайрат харидорлари пиёда бўлиб, ҳар икки томондан югуриб қолдилар. Душманлар «Уларнинг дилларига қўрқинч солди»<sup>44</sup> ва жангни ташлаб қочиб туришга тоби тоқат қилолмадилар, Пағҳияни қолдириб, қалъа томон югурдилар. Зафар насиб қилганлар бир қурух масофада тоғнинг паст-баландликларини босиб ўтиб ва душманларни йўқ қилиб ҳамда хаста қилиб, собитлик ва ғалаба байроғини баланд кўтардилар.

Ул лаънати, динсиз маратҳачилар кишининг ҳайратини ортирувчи бу ғалабани мушоҳода этдилар ва ул ёвуз ниятли товламачи (240а) билдики, энди қочишдан бошқа паноҳ қолмади. Ҳар куни тўфангчиларни баҳодирларга қарама-қарши қўйиб, ўзи ҳаёти бенаво дўстлари, яъни ёвуз табиатли маратҳачилар билан бирга тоғнинг орқа томонидан гумдон бўлди. Мазкур саргардон жамоа эса, хонумонларига оташ камалагини отиб, қолган бадкорлар билан биргалашиб шомга яқин жуфтакни ростлаб қолдилар.

Олов баланд кўтарилиб юлдузлар кам кўринганидан ҳақиқатда (хаммаёк) кундуз(дек) бўлиб кетди. Довудхон, Мансурхон ва бошқалар унинг маскани томон чопдилар, (масканини ҳам) худди бахти каби ободликдан холи топдилар. (Қочоқлар) кетишларидан аввал Мухташамхонни хонага қамаб кетган эдилар. Можаронинг тугуни ечилгач, хоннинг олдида эшик ланг очилди. Ва бу улут фатҳ (ғалаба) олам ҳоконининг фазилати ва жаҳон халқлари жаҳонистони ҳокимининг иқболига кўра, Хон Нусратжангга зафар эгизаги бўлиш насиб этди. У халқ ва Яратувчи наздида яхши номга эга бўлиш билан ўз яқинлари ва тенгқурлари орасида мурод чехрасини мунаввар этди. Иккинчи куни саодатмандликка эришди, қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган шамшир ва тилла жиҳозли бир от ҳамда кумуш жиҳозли бир фил инъом қилиниши ила сарфарозлик топди. Довудхон эса шамшир, от, биродари Баҳодирхон бир юз сувор қўшимча ва ноғора, Ров Дилпат қўшимча, Ром Сингх ҳамда ўғиллари беш юзчи қўшимча ато қилиниши билан эътибор бошларини баланд этдилар. Ғазовот майдонидан бахт ахтарувчи Ҳамидиддинхон Баҳодир уч юз сувор қўшимча ва хос хилъат ато

<sup>44</sup> Куръони карим Ахзоб сурасининг 26-оят.

килиниши билан мужоҳидлар орасида алоҳида эътибор қозонди. Тарбиятхон Баҳодир икки юз сувор кўшимча ва ноғора чалиниши билан, Матлабхон ҳамда Омонуллоҳхонларнинг ҳар бири икки юз сувор кўшимча билан яхши хизмат кўрсатиш ноғораси овозини баланд қилдилар.

Юсуфуллоҳхон мир тузук ўша куни бундук (милтик) захмини кўлига безак қилган эди, юз муҳр марҳамат этилиш малҳами билан тузалди. Эртаси куни Онҳазратнинг яқин кишиси (муқрибул ҳазрат) Амирхон, бахшиул-мулк Мирзо Садриддин Муҳаммадхон ва вузурот дастури Иноятуллоҳхонларнинг (2406) ҳар бири беш юзчи кўшимча билан давлат мартабаларининг афзунлигини қўлга киритдилар. Хўжа Анбар «Хидматкорхон» хитоби ва Хўжа Бахтовар хонлик хитоби ҳамда ҳар бири бир юзчи, беш юз сувор кўшимча билан сарафроз этилдилар. Қози Акрамхон бир юзчи кўшимча билан бир мингчи бўлди. Чинкиличхон Баҳодир ва Муҳаммад Аминхон Баҳодир ноҳияларни текшириб келиш учун кетган эдилар, ишнинг асоси намоеън бўлиб, уясида кочган қарғаларни таъкиб этишда кўпдан-кўп тараддуд ва саъй-ҳаракатлар қилиб, ул каноти қирқилганлар жонларини оворалик даштига олиб қочганларидан сўнг, файзга тўла ҳузур (сарой)га чакиртирилдилар. Биринчиси бир мингчи зот кўшимча, асли ва кўшимчаси билан беш мингчи ва беш минг сувор ва бир курур эллик лақх дом инъом қилиниши ҳамда ўймакор қилиб ишланган шамшир ҳамда фил бахш қилиниши билан, иккинчиси шамшир ва беш юзчи кўшимча марҳамат этилиши билан тўрт мингчи, бир минг икки юз суворли бўлиб, юқори мартабаларга эришдилар. Саййид Сарафрозхон (мансабидан) беш юз сувор камайтирилган эди, аввалги ҳолига тикланиб, олти мингчи, беш минг суворли бўлиб, хос хилъат ва бир минг муҳр инъом олди. Марҳум Жамшидхон ўғиллари Фаридунхон ва Ҳасанхонларнинг биринчиси беш юзчи, уч юз сувор, иккинчиси эса, беш юзчи, икки юз сувор кўшимча олиб, ҳар иккиси бир минг беш юзчи бўлдилар. Мўғуллар, бошқа мусулмон, ҳинди кабилалар ва ҳар икки (диндаги қавмларнинг) бошликлари кўшимча (мансаб)лар, от, шамшир, ханжардан иборат тухфалар билан эътиборли бўлдилар.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон хоконининг хотирини роҳат билан тўлдирувчи ва ботир баҳодирлар иззат-эътиборини оширувчи ниҳоятда муҳим ғалаба баробарида улуғ байрам куч-қувват кўргазмасидан ҳаракатга келиб амалга ошди. Умуммусулмонлар шодлик либосини хурсандликнинг безаги этдилар. Ул сарзаминнинг раи-

ят ва фуқаролари, ашраф (шариф кишилари) ва саййидлари ёвуз табиатли кофирларни қирғин-барот этиш билан (ўз) жамиятларида бахтиёрликни кучайтирдилар. Қалъа “Раҳманбахш хайро” номини олди.

### ***Омонлик лашкарлари обод Дивонпурда қароргоҳ тутишининг баёни***

Бу диёрни забт этишдан асосий мақсад кофиробод (бўлмиш бу ер)да шариат маросимларини ривожлантириш ҳамда барча (Худо) бандаларига (яшашга) қулайлик туғдириш бўлгани учун Чинкилич Баҳодирга ноҳияларда тартиб-интизом ўрнатиш учун шошилсин; кўрқиб ва кути учиб атроф-теваракларга узоклашиб йўқолиб кетган раиятларга тинч-осойишталик асоси ва ғамхўр бўлсин, (уларга шундай) адолатли хабар етказсин ва раиятнавозлик қилсинки, улар ўзларининг аввалги уй-жойларига қайтиб келиб (241а), обод этсинлар ва баъзи кибр-ҳаволилардан совға-салом ундирсинлар, дейилиб, (бунга) ғалаба элчиси бўлмиш бутун кўшин билан рухсат берилди. Ва (яна) қасос олинмиш ваҳимасини ўз кирдорлари этагида қолдирсинлар. Бу ишларни юриштириб юбориш ва кўнгилларига мақбул бўлган маскан – Раҳмонбахш хайрога қайтиш ва у ерга қалъа масжидини қуриш ҳамда ёмғир мавсумини (шу ерда) ўтказишни назарда тутган ҳолда, яқин орада ўрдунинг жойлашишига муносиб жой бўлса, мўлжалга олинсин, дейилган ислох хусусиятли ҳукм чиқди. Дивопур қишлоғининг амалдорлари Раҳмонбахш хайронинг Кишно дарёсига яқин уч қуруқлик жойини танладилар. Жаҳонгашта мавқаб (қўшин) бир кўчишда ул жойга етиб келди. Ҳақиқатан, (бу жой) эзилган халқларга қулайлик, ором пайдо этди ва замона кишиларига орому кафолатнинг давлати билан осудалик ҳосил бўлди. Ул маконда тавакқуф этилган даврда совға-саломлар жамланиб, гардунназар тахт поясига етказилди. Раиятлар ўз ватан (уй-жой)ларига қайтиб келиб фаровон бўлдилар; қора ниятлилар таъзирларини едилар. Хўжа Масъуднинг саъй-иҳтимоми билан қалъа безаги ва кўнгилга маъқул масжид бино қилинди. (Бунинг) мукофотига “хонлик” бахтиёрлигига кўтарилди.

Шу кунлари Бахшандаи Бахшқунонда қалъаси Пижгари қалъадор ва нобакор товламачи душманлар, ёвуз жамоа тасарруфига ўтиб кетган эди. Ҳамидиддинхон Баҳодир ва Тарбиятхон Баҳодирлар уларнинг баҳодирлардан ташкил топган фавжлари билан бир-

галикда мансабларига қўшимча ва инъомлар ато этиш ҳамда хазинадан ёрдам кўрсатиш билан хушнуд қилиниб, (Онҳазрат) уларга ул томонга зудлик билан кетиш юзасидан кўрсатма бердилар.

**Муқаддас зот аҳволи соғ-саломатлик йўлидан  
чиқишининг баёни**

Даврнинг ўзгариш ҳукми баробарида ҳар бир сиҳат (эгаси) касалликка дучор бўлиши ва ҳар бир соғлом одамни носоғлик дасти ва гирибонидан (тутиши мумкинлигига) кўра халқлар бир хил жамият бўлиб (ташқил топган) айни вақтда жон ва жаҳоннинг касалланиши сабабли мушфик жаҳон халқларининг ором чехраларида ғам-ғусса ташвиши ва (241б) хорғинлик пайдо бўлди. Фард:

*Қўл шодликда ҳам, ғам-ғуссада ҳам гарданга ташланади,  
Бу дашт-биёбонда тикансиз гул кам ўсади.*

Ул Онҳазрат аввалига муқаддас зотли қобилиятларига мансуб бўлган аржуманд нафасларининг қуввати ҳамда ҳиммати баландликларининг улуғворлиги билан ўзларини касалга енгдириб қўймадилар, аклирасолик санъатини қўлларидан бой бермадилар; гоҳида адолат даричасининг шарқидан жанобларнинг қуёши саодат чехрасини намоён этди ва кўпинча подшоҳликка тегишли ишлар ҳақида мактуб ва хатлар воситаси билан арзга етказилди. (Бу мактуб ва хатларга бериладиган) ҳаққоний жавоблар зўр матонат орқасида муқаддас хат билан баён этилди. Шундан сўнг касаллик дардининг оғирлашуви ва кароматпарварлик хусусида камоли юксак баҳо бўлган (Онҳазрат танасини) кучли оғрик қамраши содир бўлди ва гоҳо хушдан кетиш ҳам рўй бериб турди. Бу ҳодисанинг ваҳимасидан мулк (подшоҳлик) ва миллат кучоқлашиб кетиб (дод солишига), халойиқ эса ҳаётидан ўлганини афзал кўришига оз қолди; қўлларини қаерга уришни билмайдиган аҳволга тушдилар; ўрдада катта тўс-тўполон рўй берди, дилларни ғам-ғуссага ботирувчи ваҳимали хабарлар тарқалди. Сўнгра камҳафсала мугомбирлар гўшаҳавас бошларини бедаватлик томон бурдилар. Душманлар қулай фурсатни пойлаб ҳар томонда пистирмада ётган, фиску фасод авжга минган бу сарзаминда жабр-зулм кўли енг шимариб (ишга киришишга) журъат қилиш тараддудиди эди. Бундай ҳолат токи оламга ҳаёт бахш этувчи (Тангри) содик кишилар танасига тоза (янги) жон киритиб сиҳатликнинг касаллик аломатини даф этиши жаҳон ва унинг халқлари саломатлигининг

сақланиш сармоёси бўлгунига қадар ўн-ўн беш кун давом этди. Фитна ахтарувчи исёнчилар ва ёмон табиатли қўзғолончилар ўзларининг ёвуз ниятли ҳаётлари бошидан ноумидлик тупроғини сочдилар.

Амирхон айтди: Онҳазрат бир кун ниҳоят заиф ҳолда шивирлаб дедилар. Фард:

*Сен саксон тўққиз ёшга етган экансан,  
Давр қийинчиликларини керагича тортдинг.  
Ул мақомда юз манзилга етсанг ҳам,  
Ҳаёт бўлгани каби ўлим ҳам бўлади (242а).*

Менинг қулоғимга худди шу мазмунда(ги байтлар) етиб келгач, тезда арзга етказилди, “Ҳазрат Саломат Шайх Кенжа – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – бир байтни яшаш учун бу (каби) ҳамма байтларни айтиб чиққан ва (бир байт) будир. Фард:

*Энг яхши нарса ўзни шод тутишингдир,  
Шодликда Худони ёд тутишингдир.*

(Онҳазрат) яна ўқинг, деб буюрдилар. (Бу байт) бир қанча мартаба такрорланди. Ёзиб, менга беринг, деган ишора қилинди. Ёзиб бердим. Бир озгина вақт ўқиб турдилар. Карамбахш этувчи (Тангри) кўнгли дардманд, ороми бузилган нотавонларга шу тарзда қувват, жаҳон халқларига ором ато қилдики, ўшал (байт ўқилган кун) тонгида (Онҳазрат) девони мазолимга кириб келдилар; жон билан видолашган (шу) замона аҳллари уялиб қолишди. Айтдилар: «Сизнинг байтингиз бизга комил сиҳат бахш этди».

Ва яхши сўз жонга (ҳамла қилган) кучни ҳам қудратсиз қилиб қўйди. Энг тўғри санъаткорлик (кашфиётчилик)ни мужассам этган Ҳаким Ҳозикхоннинг муолажа қилиш борасида амалга оширган тадбирлари аввалги замон табибларининг (муолажасидан) нишон берди. Толеманд табиатли, ул (санжида ҳакимнинг) бу кўрсатган катта хизматлари мукофоти олтин билан тортилди ва сарпеч ато қилиниши ила ифтихор бошини баланд кўтарди. Онҳазрат иссиқ мизожга катта наф бахш этган чўби чинини истеъмол қилишдан фориг бўлгач, ниҳоятда безовталаниб, шошиб турган Чинқиличхон Баҳодирга ўзига тобе суба муҳофазатига кетишга рухсат берилди.

Қирк тўққизинчи йилнинг ўн олтинчи ражабида Баҳодирқада томон юриш учун иқбол қадамларини (осмон) мисол тахтга қўйдилар. Шу ойнинг қолган кунлари ва шаъбон (ойи) йўл юриш билан ўтди. Йўлда Қози Акрамхонни даъвогар қазо фонийлик

маҳкамасига тортди. У ҳаққониятлик ва диёнатликда тенгсиз эди. Онҳазрат бандаларининг барчаси унинг ҳаёти ақлининг зўрлиги ва кексалигига қарамай, иш этагидан нотўғрилиқ ва носозлик ахтарардилар. Унинг зўр ҳаққониятлиги ва ниҳоятда диёнатлилигини вафотидан сўнг (2426) марҳум аъламнинг сўзлари(ни эслаш) билан ёдга олдилар.

*Бахтиёрлик йилларининг бир минг бир юз ўн еттинчи  
ҳижрий йилига тўғри келган эллизинчи  
йили бошланиши*

Файз бозорининг айни кизиган хайр чашмаси баракали рамазон ойи замон зийнاتини орттирди ва замин кўркини юксалтирди. Кароматбахр ойнанинг биринчи куни шон-шавкатли байроқларнинг ул маконга келиб жойлашиши рўй берди. (Онҳазрат) бу табаррук кунларни худди ёшлиқ давридаги ва сиҳат-саломатликдаги каби кундузи рўза тутиб ва кечаси бедорликда фарз ва суннатларни ҳамда шарият тақозо этувчи художўйлик ишларини адо этиб – булар суннатнинг ривожини учун зарур ишлардир – хушчакчаклик ва дили маъмурлик билан маъмур этдилар. Бахшандаи Бахшни кўпориб ташлашга тайинланганлар тарқалиб, (бир-бирларидан) узоклашиб кетишлари сабабли мақсадга етишни бошқа вақтга қолдириб саройга қайтиб келдилар.

Раҳмонбахш хиро олингач, Зулфикорхон Баҳодир Нусратжанг муттаҳам ўғрилари таъкиб этиш учун Хужастабунёдга рухсат олган эди, саройга чакиртирилиш билан умид чеҳрасини мунаввар этди ва Баҳодиркадада мулозаматга кириш саодатини топди.

Ушбу йилнинг ўн тўққизинчи шавволида зафарбар байроқлар Аҳмаднагар томон хилпиради. Мазкур хон эъзоз-икромлар билан катта ҳурматга сазовор бўлиб, Бахшандаи Бахшни кўпориб ташлаш юзасидан кўрсатма олди. Тарбиятхон билан бирга бўлган қўшиндан ташқари (барча) ноҳия қалъадорлари ҳам ҳукмга бўйсунишга бел боғладилар.

Сабанҳо жаҳаннамийнинг ўғли Соҳу ўз юртининг омонлик зийнати юзасидан Кулолбор томон тайинланган эди, йигирма биринчи шавволда подшоҳликнинг баъзи бир ишларини назарга олган ҳолда, Хон Нусратжанг фавжига биркитилди. «Унинг чодирини мазкур хоннинг қароргоҳига туташтириб ўрнатсинлар», деган ҳукм бўлди. У хос хилъат ва ғийбатчилар (ғийбатига) қарши ўларок қулоғига кимматбаҳо халқа ато қилиниши билан бахтиёр-



лик топди. Бандалар Онҳазрати шод ва хурсанд (бўлди). (Чунки) йигирма икки йилдан сўнг, ниҳоят, ўн олтинчи шавволда оламини фатҳ этувчи байроқлар (243а) Аҳмаднагар сатҳига соя солди ва барча халойик севинчини оширди.

Мазкур йил еттинчи зулҳижжада икбол мухбирлари хабар қилдиларки, Бахшандаи Бахш қалъаси Хон Нусратжанг жасорати ва шижоатининг қудрат кучи билан тасарруф иҳотасига (доирасига) киритилди. Қалъани топширувчиларни ура-ура ул қалъадан гир айлантириб, қурол ва яроғсиз ҳайдаб юбордилар.

### *Муҳаммад Аъзамшоҳнинг Аҳмадободдан саройга кириб келиши*

Хуршидулоҳ, олий даражали подшоҳзода Гужарот субасининг тартиб ва идора (масалалари) билан машгул эдилар, муқаддас мизожнинг касалланганлигини эшитишлари заҳоти муҳаббат ва севгининг зўрлиги туфайли ҳамда ёркин ва муршид (катъий) хизматлари билан ул жаноб коиноти (борлик давлати)нинг саводат сармоясига бўлгани боисидан ниҳоятда юксак кадрланиш ҳамда сипеҳртахтли, меҳригиё ҳокон мулозаматига кириш давлатини топиш учун кароматзухур саройга келишни илтимос қилган эдилар, шафкатхислат ҳукмга кўра, мазкур ойнинг йигирма биринчисига икбол пешоналарини қадам ўпишлик билан мунаввар этдилар.

Гужарот нозими Иброҳимхон узокка кетиб қолгани сабабли олийгавҳар шаҳзода Муҳаммад Бедорбахт золимларни йўқ қилиш учун Кашмирдан шу хизматга сарафроз этилиб, ул суба тарафига жўнатилган эдилар, саъй-ҳаракат этакларини итоат белларига боғладилар. Ул жаноб ўрнига Бурҳонпур субаси тартиб-интизом (хизмати)га Хонихон ва Молва субаси муҳофазасига Хони олам тайинландилар.

Баъзи воқиф ходимлардан дорул-хилофатда содир бўлган воқеалар тўғрисида арз маконига маълум бўлдики, муқаддас ҳижоб наввоб, подшоҳликлар подшоҳлигининг (мулки мулкот) маликаси, зўр илтифотли, ниҳоятда меҳрибон ҳоконнинг синглиси Гавҳароро бегим юзларини мағфират пардаси билан ёпганлар ва раҳмат хилват саройида ором топганлар. Ул афифаи каримадан ажралишдан Онҳазратнинг дардга тўла дилидан совуқ оҳ чиқди. Дедиларки: “Олий ҳазратнинг фарзандларидан мен ва ул мархума (243б) қолган эдик”. Фард:

*Эй биродар, жаҳон ҳеч кимга қолмайди,  
Яратилган жаҳонда фикргина банду басдир (қоладир).*

Ул мукарраманинг мирсомони Ҳофизхонга (Онҳазрат) Муҳаммад Ислохон ўрнига дорус-салтанат Лоҳур девонлиги хизмати билан эъзозу икром бахш этдилар. Олий ҳазрат (Шоҳ Жаҳон) ва Онҳазрат устои ҳамда қозиул-қуззот бўлган марҳум Қози Муҳаммад Ислохон хонадонининг салоҳиятлилиги ва диёнатлилигини назарга олиб, мазкур субанинг ворисий садорат хизматини ул марҳумнинг набираси Саййидга ғойибона мукаррар қилдилар.

Сарбаландхон ўғиллари Хўжа Зикриё, Хўжа Яҳё, шаҳзода Муъизиддиннинг янги кишиси Хўжа Мусо олий мулозаматга кириш билан бахт чехраларини мунаввар этдилар; хилъат ато қилиниши ва нақд (пуллар) инъом этилиши билан эъзозландилар.

Тарбиятхон Баҳодирнинг қизи тўрт минг рупия кийматидаги зеб-зийнат буюмлари инъом этилиши билан отасининг хотирланишидан ниҳоятда қувонди.

Юсуфхон ўрнига Чинқиличхон Баҳодир Фирузнагар фавждорлиги ва яна Қудратуллохон ўрнига Толикутах фавждорлигига тайинланди.

Мирза Сафавийхон бахшиул-мулкнинг биродарзодаси (амакиваччаси) Муҳаммад Муҳсин яқиндагина Эрон мамлакатидан келиб, арши эҳтиром оstonани ўпиш билан бахт пешонасини мунаввар этди.

Мақтовга муносиб канизак, Ҳамидиддинхон Баҳодирнинг қизига киймати икки минг рупиялик зеб-зийнат марҳамат қилинди.

Сарафрозхон (Сардорхон) олти мингчи, беш минг суворли эди. Пандиё Ноякни таъкиб этгани эвазига мингчи қўшимча олди. Жакё Дюсму Қаҳа-Нусратобод асли икки минг беш юзчи, бир минг беш юз суворли эди, беш юзчи қўшимча билан сарфароз этилди.

Ақл ва нақлни ўзида жам этган, макбул дил муносиби ва соҳиби шаҳзода Муҳаммад Азимнинг устои Мулла Ҳайдарга дорул-хилофат қозилиги топширилган ва олий ўрданинг қозилик мансаби инъом этилиши учун (244а) у нурга тўла саройга чақиртирилган эди, шу вақтда саодат раҳбарлиги билан олий даргоҳга келиб, олий мартабага кўтарилди.

Хон Нусратжангнинг илтимоси билан Муъмидона заминдорлиги Ров Бадиҳ Сингх ўрнига мазкур хон тайинлаган киши – Рожа Ром Сингх Ҳодога қарор қилинди.

Асфиёлар пешвоси Абдуллатифнинг – Аллоҳ уни раҳмат этсин – (ҳаёт) йўли ва тафаккуридан тўла файз олган киши Абулфаёз куниятдан воз кечиб, ўзлари учун ҳақ иш қилмадилар. Шу аснода Шоҳ Олийжоҳнинг марҳамати ва шафқати туфайли шу куният билан юритилишлари учун (пири) муршид қилиндилар.

Худобанда хонисомон икки минг беш юзчи, бир минг суворли эди, беш юзчи икки юз сувор қўшимчага эга бўлди.

Олий ҳукмга мувофиқ бундан кейин “ўғрилар” деб ёзилиши кўрсатилган лаънати душманлар лашкардан икки қурух масофада пайдо бўлди.

Хони олам, бахшиул-мулк Мирза Садриддин Муҳаммадхон ва бошқалар бориб (душманнинг) танбеҳини берсинлар, деган буйруқ бўлди. (Жангга) кетганлар жанг айни қизиган вақтда малъунларнинг кўпдан-кўп аризаларини (илтимосномаларини) муқаддас жанобга юбордилар.

Ҳамидиддинхон Баҳодир ва Матлабхонларнинг ҳар иккиси кўз назаридан сакловчи тумор инъом қилиниш билан муҳофаза этилиб, (жанг қилишга) руҳсат олдилар, шайтонларни савалаб ва қочишга мажбур қилиб қайтиб келдилар.

Хони олам ва Мунаввархонларнинг ҳар иккиси Шоҳ Олийжоҳнинг жилов хизматига тайин этилишлари ҳамда шамшир иноят қилиниши билан эъзозландилар.

Чинқиличхон Баҳодир исми билан боғлиқ зумрад кўзли узук мазкур хонга марҳамат қилинди.

Акбаробод қалъадори Боқийхон асли икки мингчи, олти юз суворли эди, беш юзчи қўшимча билан сарфарозлик топди. Шукр қилувчилар тили билан (айтганда), иш бўлса, иноятга қолса, баҳонага мансубдир.

Шоҳ Олийжоҳ қизлари Гитиоро бегим ва Иффаторо бегим ҳамда шаҳзода Бедорбахт Баҳодирнинг қизи Бахтнисо бегимлар саройга келдилар. Ҳар бирларига қиймати ўн мингдан то саккиз минг рупиялик зеб-зийнатлар марҳамат қилинди.

Хон Нусратжанг ўғриларнинг танбеҳини бериш учун Хуастабунёд томон зудлик билан шошилиб кетди.

Ром Сингх Ҳода ўзи билан бирга бўлган бунгоҳни (сарой буюмларини) саройга жўнатди.

Отасининг хитоби билан машҳур бўлган Абдулазизхоннинг ўғли, Ҳайбар (Чатр) қалъадори ва фавждори Абулхайрхон (2446) Бурхонпур давлатмандлари еридаги орифлар раҳнамоси Миён

Шайх Абдуллатифнинг – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – муқаддас мақбараси валийлик (тавлият) хизмати билан саодат топди.

Муҳаммад Аминхон ўғли Қамариддинхон бахт сарпечи, марҳум Мухлисхон ўғли Муҳаммад Ҳасан олтин узук ато этилиши билан эъозландилар.

Ўн еттинчи рабиул аввалда Султон Додарбахш ва Доварбахшларга уларнинг ота ва оналари Султон Ийзадбахш ва Онҳазратнинг мухтарама қизлари наввоб Меҳринисо бегим таъзияси муносабати билан бир ёпик қутича жавоҳирлар ва бир тўп (боғлам) хос кийим-кечаклар юборилди.

Йигирма тўққизинчи рабиул аввалда тун охирида арзга етдики, Султон Баланд Ахтар бақо оламига хиром этганлар. Хўжа Масъудхонга ул жаннатмаконнинг уч ўғли ва хизматидаги хотинини Аҳмаднагарга олиб келиш буюрилди. Ул марҳумнинг қизи Чаман бегим, Султон Фатҳоқарибо ва бошқа ўғилларига мотам жавоҳирлари, хилъатлари марҳамат қилинди.

Ситво Дафлия Исломпурда эди, асли жойига жўнади.

Йигирма тўртинчи рабиул охирда Тарбиятхон Баҳодирга ўғрилари таъзирини бериш учун Раҳмонбахш хайро томон (жўнашга) рухсат этилди.

Мирзахон хоноламининг вафоти муносабати билан Банголага тайинланган Абунасрхон Шоистахон Уда субадорлигига белгиланди; уч мингчи, икки минг суворли эди, беш юз сувор қўшимча (олди).

Роҳири қалъадори ва фавждори Шию Сингх Лўдихон ўрнига Бани Шоҳқадҳа қалъадорлиги ва фавждорлиги ҳамда Сарвал тҳанадори Абдулазизхон ўрнига Чокна қалъадорлиги билан сарафроз этилди; бир минг беш юзчи, бир минг суворли эди, беш юзчи, уч юз сувор қўшимча (олди).

Шаҳзода Муъизиддин ўғли Аъизиддин ҳамда шаҳзода Муҳаммад Азим ўғли Муҳаммад Каримлар кундалик (маош)га эга эдилар, ҳар бирига қирқ лакҳ дом инъом марҳамат қилинди. Онҳазратнинг афзал кўришига мувофиқ, хилофатнинг ихлосманд катта ўғли исмига муқаддас “Муҳаммад” лафзи илова этилиб, «Муҳаммад Ихлос» номи билан шуҳратланди, (унга Онҳазрат) ваколат (ноиблик) хизматининг хилъатини юбордилар. Сипехргумбаз жанобга совға-саломлар қилиш бажо келтирилди.

Балх волийининг элчиси Меҳтар Муборак пешонасини муқаддас остонага суртиш билан (245а) равшан этди, (у) ўн иккита от ва бешта туя совға қилди. Шаҳзода Муъизиддин Баҳодирга

Ғози-Дудои мулки фатҳ этилиши мукофотига хилъат, фил ва от шараф билан юборилди.

Алимардонхон Ҳайдарободий ўғли Муҳаммад Ризо отасининг вафотидан сўнг Ромкадҳа қалъадорлигига тайинланди, бир мингчи, икки юз суворли эди, икки юз сувор кўшимча билан қолди.

Хон Нусратжанг фавжига биркитилган Ров Конху ўғли Ҳотони бир йилга ваъда қилиниб, Меҳнаткадҳа (Меҳпаткадҳа) ва Пурижхаткадҳани бўйсундириш учун Ясинхонга ҳамроҳ қилиб тайинланди.

Тан ва холиса мутасаддиси Иноятуллоҳ гиламда турган эди, у кутҳара ичида турсин, деган эъвозбахш буйруқ қилинди.

Меҳтар Мудорак (балхлик) элчи саодатли мулозаматга кирган куни хилъат, ханжар, фил ҳамда беш минг рупия нақд пулдан иборат инъом олди. Чинкиличхон Баҳодир ўрнига Қамарнагар қалъадори, фавждори Юсуфхон Имтиёзқадҳа қалъадорлиги ва фавждорлиги билан мумтоз этилди, бир мингчи, олти юз суворли эди, беш юз сувор кўшимча (олди).

Зийнатнисобегим ҳаётларини камайтирган эдилар, хайрлашиш илтифоти уларга ҳам етиб келди.

...Ҳамидиддинхон Баҳодир бир қанча нақшдор сарпечни назардан ўтказди ва улар қабул қилиниши билан сарафрозлик ҳосил этди.

*Давлат ва дин номуси, маърифат ва тақво бисоти бўлмиш салтанатни бошқаришнинг бир минг бир юз ўн саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган эллик биринчи йил бошланиши*

Мисра:

*Афсуски, сенинг бошланишинг анжомига эга эмас.*

Ҳар икки сарой ҳокони, аввал ва оқибат ҳокими мактовга сазовор табиат билан ёшлари тўқсондан ошган бўлишига қарамай, тоат ва ибодат адосини бажо келтирдилар ҳамда халойикни бахтиёр ва саодатли этдилар.

Муҳаммад Аминхон Баҳодир ёвуз (душман)лар таъзирини бериш ишидан соғ-саломат ва (кўпдан-кўп) ўлжаларга эга бўлган ҳолда қайтиб келиб, мулозаматга кириш бахтини топдилар, йигирманчида “Чинбаҳодир” хитоби иноят этилиши (2456) унинг орзуманд пешонасининг ёпиқ ғунчасини гул-гул очди.

Азизхон Баҳодир отаси Баҳодирхоннинг (ҳам) сарафроз этилишига сабабчи бўлган, шуҳратни оширувчи “Чиғатоий” сўзи билан бахти, давлат(ининг) оройиши ва зебини орттирди. Марҳум

Нусратхон ўғли Мирзобек, хилофат катта ўғлининг отлардан иборат совғасини олий даргоҳга олиб келган эди, ханжар инъом этилиши билан эъзоланиб, (қайтиб кетишига) рухсат олди, у орқали подшоҳзодага жамдҳар, муттако камари ва қиймати беш минг рупиялик олтин паҳунчи бериб юборилди. Муҳаммад Аминхон Чинбаҳодир асли тўрт мингчи, бир минг икки юз суворли (эди), уч юз сувор кўшимчали бўлди.

Азизхон Баҳодир Чигатойи асли икки минг беш юзчи (эди) беш юзчи кўшимча; Хизрхон ўғли Сулаймонхон асли бир минг беш юзчи (эди), беш юзчи кўшимча; Саъдатхон Ўғлоннинг жияни ва куёви Хўжахон асли бир минг беш юзчи, беш юз суворли (эди), юз сувор кўшимча (олдилар). Марҳум Амирхоннинг кизи шаҳзода Муъизиддин ўғли Султон Аъзиддин билан тўй қилинишига қарор берилди. Номи зикр этилганларга (тўй) тадориғи юзасидан икки минг рупия марҳамат қилинди.

Бижопур нозими Чинкиличхон Баҳодир саройга чақиртирилган эди, остонани ўпиш билан ишонч пешонасини мунаввар этди.

Дорус-салтанат субадорлигининг ноиби Мунъамхон бир мингчи эди, беш юзчи, бир юз сувор кўшимча олди.

***Фақат ҳақиқат йўлидан борувчи карвонбошининг жаҳон халқларига хоқонлик табиатидан, шаҳаншоҳликни бундай ораста этишидан фоний карвонсарой, муқаддас ва абадий подшоҳлик оламига хиром қилиши***

Ҳеч бир тупрок зотли йўқдирки, унга моликул-мамоликнинг (шаҳаншоҳликлар соҳиби, яъни Тангрининг) ижроси вожиб фармони доимий тақдир либосини белгиламаган бўлсин.

Шон-шўҳрат қаҳрамони (Тангри)дан содир бўлдики, (Онҳазрат) бир қанча вақт мотам либосини кийдилар, ғам палосида ўтирдилар. Уларни сийнанинг ғам-ғуссага (тўлдирган) доғи куйдирди, ул жанобнинг чеҳраларини кучсизлик тирноқлари тирнади; кўз(лари)дан шодлик васли йўқолди, ғам суҳбати кўрқинч(ли холга) асос бўлди. Раҳмат тўла зуҳур топган, олий қарам мужассам бўлган соялар сояси (зилли залил) улуғ халифа ўзини жаҳон халқлари бошидан кўтарди (246а).

Фарёд этувчи жонни, пора-пора бўлган жигарни ғам-ғуссага солган бу сўзларнинг мазмуни маъфиратоёт, подшоҳлар подшоҳи, давр хоқонларининг қибласи, куфр ва зулми қатъий таслим этувчи Муҳаммад (алайҳиссалавот вассалом) динининг ҳомийси, ха-

когоҳ, ҳақиқатнигина кўрувчи, абадий оромгоҳ – жаннатда паноҳ топган етук халифалар давомчиси, ҳар икки жаҳон қароргоҳининг кутби Ҳазрат Оламғир жаннат (ризвон) маконнинг вафот этиши воқеасидан иборатдир.

Улкан Декан вилоятини урушқоқ кофирлар қўлидан тортиб олиш ҳамда ул сарзаминдаги азим қалъаларни забт этиш йўлида юқори даражада ғазот ва жиҳод амалга оширилгандан сўнг, эллигинчи йил ўн олтинчи шавволда зафарбар байроқларнинг бардошмакон Аҳмаднагарга келиб жойлашиши воқеа бўлди. Бир йил истикоматдан сўнг замонанинг ўзгарувчан ҳукмида (кўрсатилганидек), “Ҳар бир давлат заволга (қулашга) мансубдир ва ҳар бир ҳаёт ўлимга эгизакдир” (амрининг ижроси содир бўлди): шаввол (ойи) охирида, эллик биринчи йили жаҳон оромининг (ва) жаҳон кишилари жонининг кўринишида касаллик кучайди; катта ва кичиклар кўркувдан ул қолибни (яъни, жаҳон ва жонни) бўшата бошладилар. Аммо халқларнинг осойиш каъбаси (шаҳаншоҳ)нинг яхши ниятлилиги (ва) ғамхўрлигининг фаровонлиги билан баъзи ишларни раванқ топтириш учун лозим бўлган лутф-илтифотларни охирига етказиш масаласи олам (илм) аҳлининг қибласи (ва) барча одамлар марҳаматли валинеъматининг сиҳати ҳақида андиша юритган эди, (натижада) касал сиҳатликка бадал бўлди. Аввалгидек бир қанча маротаба мазолам девонига чиқдилар ва бахтиёрлик ҳамда саодатмандлик ишлари билан шуғулландилар.

Шу кунлар ичида хуршидқулоҳ шоҳи жамжоҳ Молвор (Молва) субасидаги кўзғолон(ни бостириш) тадбирини кўришга руҳсат олдилар. Султонатнақш подшоҳзода Муҳаммад Комбахш доруз-зафар Бижопур ҳимояси томон равона бўлдилар.

Тўрт-беш кун орасида касаллик зўрайди, шу оғир ҳолатда ҳам муқаддас зотли табиатига хос шахсий аржуманд ва олийҳиммати баландлик қуввати билан уч кун давомида ҳар беш вақт (2466) намозни адо этиш учун жамоа орасига ҳамда ўрда вазифаларини бажо келтириш юзасидан адолатгоҳга ташриф буюриб турдилар. Аркони (давлат)дан ҳеч бир рукн (иш)да тўхтаб қолиш бўлмади. Шу кунлари ушбу байт ростгўй тиллардан тушмади:

*Бир лаҳза, бир соат ва бир дамда  
Олам (одам) аҳволи ўзгариб қолади.*

Пайшанба (куни) асрда Ҳамидиддинхон Баҳодир (Онҳазрат жони йўлида) бир филни тасаддук қилиш ҳамда ҳақдорлар (мус-

тахаклар) ўртасида тақсим қилиб бериш учун қозиул-қуззот Мулла Ҳайдарга унинг (филнинг) қиймати баробарида тўрт минг рупия ҳавола қилиш мазмунидаги ягона ариза (илтимоснома)ни назардан ўтказди.

(Касалликнинг оғирлашиши) юз берди ва шу ҳолатда садрларга: «Бу ҳокисорни тезда аввалги манзилига етказсинлар», деган қисқа баён билан нома ёзилди.

Жума куни эрта билан, бир минг бир юз ўн саккизинчи ҳижрий йили йигирма саккизинчи зулқайдага мувофиқ бўлган эллик биринчи йиликим, эрталабки намозни адо қилишга чиқиб, хобгоҳга кетдилар. Намозни бажо келтиргач, улуг ва қудратли Тангрининг зикри билан машғул бўлганлар. (Шу дамлар) касалликнинг зўрайиши ва руҳнинг нохушлигига қарамай, “Қандай яшасангизлар, шундай вафот қиласизлар” (ҳукми) тақозосига кўра, тасбех ва таҳлилга берилиш билан ўтди. Ул раҳмат ёққан кундан бирпас ўтишига яқин орада Онҳазрат турли-туман иноятлардан иборат бўлмиш бу жаҳондан сафар қилиш учун орзу этган кун – жума куни тавфиқ кучи ва имон қудрати билан дил юзини жаноб кибриёга қаратиб, хотирларини Худодан бошқа нарсдан холи қилдилар. Ва зафарларга тўла руҳ қуши фаришталар бўстони сайри томон парвоз этди. Бу муҳим ҳодиса ва зўр воқеадан давр кишилари ғамандуҳ либосини кийдилар ва катта-кичикларнинг ҳазин хотири ғуссага тўлди. (Чунки) лутф-карам сояси замона аҳллари бошидан кўтарилди; файз (фаровонлик) нурини сочувчи қуёш жаҳон майдонидан кетди. Олам халқларининг айни хурсандлик туш пайтини (247а) ғам шоми қоплади; халойиқнинг хуррам-фаровонлик хирмонига оғир меҳнат ва бало ёғилди. **«Биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва Аллоҳга қайтгувчимиз»<sup>45</sup>**. Қози, уламо ва солихлар ул раҳмат нурига чўмганни васиятига мувофиқ жиҳозлаб ва кафанлаб, жаноза намозини адо этдилар ва муқаддас жасадни то жаннатмакон Онҳазратнинг – Аллоҳ унинг қабрини нур билан тўлдирсин – иккинчи хурматли қизи бўлмиш наввоби муқаддас қабоб Зийнатуннисо бегимнинг кўрсатмасига биноан, шанба куни олий ўрдадан йигирма беш қуруқ масофада манзил тутган аржуманди ақрам подшоҳзода Муҳаммадшоҳ Аъзамнинг лутфи илтифот сояларини оламдаги (барча) фарёд чекувчилар устига солганларига қадар хобгоҳда сақлаб турдилар. (Бундай) ғам-ғусса, беқарорлик, зор-зорлик ва мотамсаролик ҳеч бир воқеага (бу даражада) қоришиб,

<sup>45</sup> Қуръони карим Бақара сурасининг 156-оятн.



ҳеч кимнинг кўнглига (шундай) дилпоралик солмаган. Душанба куни муқаддас жасадни ихлосманд елкаларга кўтариб, бир кишини етакчи (шойиъ) қилган ҳолда, адолат девони ичкараси томон равона бўлдилар. Бу ноҳуш ҳолатни кўриш билан халойиқ ҳанг-манг бўлиб қолди, гиря тўфонлари жўш урди; дилларда захм-захматга оғуш очилди, тақдир кўли шу ондаёқ олам аҳли бошидан тупроқ сочди. (Чунки) фалакнинг минг-минг чопиши ва югуриши билан унинг вужудини келтириб чиқарган жаҳонда ягоналик ташки ва ички тартибнинг ўрнатилишига сабабчи бўлган эди; (энди у) олам халқларидан юз ўгирди. Даврнинг сон-саноксиз, кеча-кундуз қилган тасарруфлари натижасида унинг зоти муқаддаслиги зуҳур этилган танҳолик сурат ва маънида жаҳон равнақини амалга оширган эди; (энди) жаҳон халқларига кулиб бокмади.

Васиятга мувофиқ, мунаввар мақбара арбоби, яқинлар пешвоси Шайх Зайниддин, – Аллоҳ уни раҳмат қилсин – мозори сахнида, (Онҳазрат уни) ҳаётлик вақтларида қурдирган эдилар, қарор топди. Байт:

*Тупроқ қолибни тупроққа топширди (2476),*

*Пок рух гавҳарини ўзи билан олиб кетди.*

Бу макон (жой), “Хиладобод” деб аталиб, Хужастабунёддан саккиз қуруқ ва Давлатободдан уч қуруқ масофада жойлашган. Ул мулки бакога сафар этганининг муқаддас қабри устига узунлиги уч газ ва кенлиги икки ярим газ ҳамда баландлиги бир қанча ангушт (бармоқ)дан ошмайдиган читбунтара (читза) қизилтош ўрнатилди, (ичи) тупроқ билан тўлдирилиб, янги кўкатлар ўтқазилди. (Тангри) раҳматига сазовор вафотининг тарихи шарофатли «руҳ ва райҳон» оятидан «ва наъими жаннат мустафод» (иборасидан) ташкил топди. Ва (бу) «Хиладмакон» лафзи мағфират иртисом (яъни жаннатмакон) деган маънони билдиради.

Ул Тангри шафқатига лойиқнинг малоикалардан иборат руҳ кўшинининг баракоти (шундай бўлдики), олам халқлари бошига олами ошубнинг шу каби фалокати тушганда ҳам (бундай) ғавво ва харобалиқдан асар кўринмаган. Чунончи, ул мангу барҳаётнинг умри давомида (олам халқлари) амни-омонлик бешигида яшаганлари туфайли айш тахтига қомронлик муяссар бўлган эди. Аллоҳ шафқатига олсин ва раҳмат қилсин.

Қимматли умрнинг муддати тўксон бир йил, ўн уч кун, хилофат даври эллик йил, икки ой ва йигирма етти кун бўлди. Бундан бўлақ

нима ҳам дейишимиз мумкин: агар ул самадият<sup>46</sup> даргоҳидаги ягонанинг умри хисоблаб жамланса, гўё у абадий турмуш ва мангу ҳаёт топгандек бўлади. Унинг умри тўғрисида нима дейиш мумкин: бундай руҳан бедорлар мисолига ўлим (ўлган) сўзининг қўлланмаслиги (Тангри) буйруқларидандир. Байт:

*Аҳли дил ўлмаганлар ва ўлмайдилар ҳаргиз  
Бу таржимон қавм учун ўлим номи фақат сўзгинадир.*

Нихоятда таҳсилга берилган Муҳаммад Ихлос нақл қиладики, жума кунни кечкурун шу куннинг тонгида Онҳазрат мағфират (жаннат) боғининг сайри томон таважжух қилган эдилар, мен ва Иноятulloҳ китоб кўриш юзасидан “Лисон ул-ғайб”ни очган эдик, шу ғазал чиқди. Назм:

*Майхонадан бирдам номи нишон қолганга қадар,  
Бошимиз мугон (майхона) олами йўлида хок бўлади.  
Сенинг оёқ қафтинг нишоини бор замин,  
Йиллар давомида соҳиби назарларга саждагоҳ бўлади.  
Агар сен бизнинг қабримизга ҳимматхоҳлик қилмасанг,  
Сенинг зиёрат чоҳинг жаҳон зиндони бўлади.*

Уйқусизлик ғолиб (248а) чиқди, кечани паришонхотирлик ва ғам-андух билан ўтказдик. Эрталабдан бир пос ўтгандан сўнг иложсиз воқеа юз берган. Шанба кечаси яна бирга эдик. Ўрда қозиси Мулла Ҳайдар кириб келди. Китобда ўқиганимизни баён қилдик. (Айтмоқчи бўлганимни) ҳар канча ёдимга туширмоқчи бўлмайин, келмади. Китобни истадим, (лекин) юқлар боғлоқлиқ эди. Сухбат охирига етди. Уйкуга кетдим. (Тушимда) кўрдимки, мукаддас қабрдан ўтдим, Онҳазрат эса ярим коматда у ердан чиқиб келиб, менга китоб қилдилар: “Ёдингдан кўтарилган байт будир:

*Агар сен бизнинг қабримизга ҳимматхоҳлик қилмасанг,  
Сенинг зиёратгоҳинг жаҳон зиндони бўлади.*

Ҳа, кимнинг дили ишққа нисбатан тирик экан, ул ҳаргиз ўлмайди; абадий олам рўйхатида (доимо) мукаррардир.

*Одилликда комил ҳоким, зўр олим (Оламгир)нинг лутф-  
карамлилик хислатлари, ажойиб ва мақтовга сазовор  
марҳаматли сифатлари баёни*

Онҳазрат саодаттаъблик тақозоси билан динни ривожлантиришда камоли қатъиятлик хислатига молик эдилар. Ислом (дини)

<sup>46</sup> Бу ерда ўта улутлик, тоғдай таъин маъноларида келган.

нинг беш биноси омилкори Имоми Аъзам Абу Ҳанифанинг ҳаниф мазҳабини жорий этдилар ва мустаҳкамладилар. Таҳорат суви-дан ажралмас, ширинсуҳан ҳамда бошқа вақтда иш ва саломла-шиш борасида майинсўз эдилар. Фарз намозни масжидда, масжид бўлмаган жойда жамоа ва барча суннатлари билан ҳамда навофил, мустаҳабларни итоаткорлик ва бўйсунган ҳолда адо этардилар. Ой ва қуёш ҳисобидаги кўп кунларда ҳамда ҳафтанинг пайшанба, душанба ва жума кунларида рўза тутиб, жума намозини жоме масжидида барча мусулмонлар ва умуммўминлар билан бирга-ликда ўқирдилар. Муқаддас кечаларда тунни бедорликда ўтказиб, Аллоҳнинг дин ва давлат равнақини орттирувчи файз нуридан баҳраманд бўлардилар. Ниҳоятда ҳақиқатпарастлик юзасидан кечалари давлатхона масжидининг мақсурасида (энг муқаддас ерида) Аллоҳ аҳллари билан суҳбатда бўлардилар. Хилватда асло тахтга карамаганлар.

Олий жулусдан (тахтга ўтиришларидан) аввал хос киши-ларнинг ейиш-ичишлари ҳамда кийим-кечаклари учун, (бунга) шубҳа йўқлиги важҳидан, нимаики шаръий закот (бўлса, барча-сини) тўлаганлар (2486). Салтанат даврида эса дорул-хилофат-нинг баъзи мавзелари ҳамда икки-уч намакзор маҳал(жой)лари (хос кишилардан) тортиб олингани сабабли, шу хусусда уларнинг сарфи учун қанча (закот лозим бўлса, шунча) кўпайтирдилар; ҳар йили (уларга) саройга келиш ҳуқуқини бердилар. Авлод-аждод-ларидан ҳам (закот) ҳисоб қилиб, уни ҳақли кишиларга юбориб турардилар.

Муборак рамазон ойини рўза тутиш билан ўтказиб, то муқад-дас ой сўнгига қадар суннат адо этиш, (уни) ривожлантириш, Муқаддас каломнинг хатми ва то туннинг икки паҳрига қадар солиҳлар ва фузалолар билан биргалиқда жамоага муқаддас Куръонни тушунтириш билан шуғулланганлар. Суҳбат сўнгиди масжидда эътикоф қилардилар.

Муқаддас хотирда ҳаж қилиш расм-одатини ижро этиш тўла-тўқис (ва) кераклигича зуҳур топган эди. Агарчи монеликлар ва тўскинликлар сабабли (ҳаж қилиш) таваққуф пардаси ичида қолиб кетган бўлса ҳам, лекин ҳарамайн-муҳтарамайн орифларига шу қадар риоя қилиндикки, улуғ ҳаж амалга ошган бўлди. Салтанат даврида шарифайн-ҳарамайн мужовирларига гоҳ йилига, гоҳ икки-уч йилда қатта маблағлар юбориб турдилар.

Ҳамма кўпдан-кўп кишилар ҳаж зиёрати, салом етказиш ва Мадинаи мунавварадаги мавжуд ул ҳақиқаттоҳ подшоҳнинг дастхати билан (ёзилган) икки нусха (Қуръони) муқаддасни тиловат этиш, тасбеҳ ва таҳлил ҳамда бошқа ибодатларни адо этишда (Онҳазратнинг) вакили вазифасини бажарардилар.

Инсониятга қанчалик соҳиби фозиллик ва ахлоқи комиллик керак бўлса, (буларнинг барчаси ул ахлоқи) ҳасанотни (ўзида) мужассам қилган зотда, ҳақиқий подшоҳи ҳоконда мавжуд эди.

Онҳазрат ақл-идроқ субҳи (тонги) чиққандан бошлаб барча ношаръий айш-ишрат ва гуноҳкор ишлардан ўзларини холи тутиб, камоли ифғатнафслик туфайли муҳтарам ҳалол хотинларидан бошқа ҳеч ким билан яқинлашмас эдилар.

Хилофат тахти пояси хушовоз мутриб (ашулачи)лар ва дилнавоз созандалардан иборат хурсандчилик базмини ораста этувчилар, севинч-қувонч бисотини шодиёна орттирувчиларнинг жамланган жойи бўлишига қарамай ва гарчи жулуснинг биринчи йиллари гоҳ-гоҳ хурсандчиликни оширувчи (ашула ва куйлар) эшитган ва бу фанда ниҳоятда баркамол, қикаёб (тухумнинг ички пардасини кидирувчи, яъни нозик дид, серзавк) бўлсалар ҳам, камоли тавозуъ ва парҳезкорлик юзасидан ҳамма нарсадан (ўзларини) тортиб турар эдилар. (Лекин) хонанда, созанда ва навозандалардан қайси бири (ўз соҳасидан) воз кечса, кундалик маош ва унга ёрдамчи сифатида ер (бериш) билан хушнуд (249а) этдилар.

Муסיқий фан моҳирларидан бўлмиш Мирза Мукаррамхон Сафавий Онҳазратдан, ашула (ва оҳанг) ҳақида нима дейсиз, деб сўради. Гавҳар сочувчи тил деди: “Аҳл (авом халқ) учун мумкин”. Деди: “Онҳазратсиз аҳл ким экан?” Эшитиб дедилар: “Сурнай (мизмор)ларсиз эпитолмайман. Шунинг учун ашула эшитишни ҳам бас қилдим”.

Асло ношаръий кийимларни киймаганлар ва кумуш ҳамда олтин зеб-зийнатлардан мутлақо фойдаланмаганлар. Муқаддас манзил (ҳисобланмиш) саройда ҳеч вақт бирор ғийбат ва фиску фасод ҳамда ёлғондан иборат ношоиста сўз сўзланмаган ва мунаввар макон – сарой хизматкорлари агар арз қилинган вақтда сўзда ғийбат аралашса, уни ажойиб иборалар билан таъбирласинлар (ифодаласинлар), деб ўргатилган эдилар. Ҳар куни икки-уч маҳал девони адл ва додда очик чеҳра ва майинлик билан туриб, адолат даргоҳига ҳеч бир монесиз тўда-тўда бўлиб келиб турувчи ҳамда Онҳазратнинг ниҳоятда диққат билан эшитишидан ҳеч

бир қўркув ва ҳадиксиз ўз мақсадларини арз этувчи адолатталабларга адолат бахш этардилар.

Агар уларнинг даъволарини ибораторо сўзлар билан муболаға ва ошириб гапиришларидан бошлари гангиса ҳам, асло жаҳл қилмас эдилар ва Онҳазратда қош бурилиши кўрилмас эди.

Нурга тўла саройга киришга рухсат олганлар, юкорида баён қилинганидек, бир неча бор чикиб кетиш важҳидан жасоратни ишга солардилар. Буюрардиларки, шундай сўзлар эшитилиши биланоқ бу каби айбли ишларни ўйлаб чиққанлар жазолансин. Онҳазрат томонидан ҳеч қачон жамият тинчлигини бузадиган бирор иш содир бўлмаган.

Ғоҳиша тоифаларнинг (барчаси) дорул-хилофатдан ҳайдаб чиқарилди. Махруса (шаҳаншоҳлик)нинг барча мамлакатлари, ўлка ҳамда вилоятларида бу қатъий ҳукм жорий этилди. Қилинадиган ишлар ҳисобидан бутун аҳоли – хос ва авомга (фармонлар) тарқатиларди. Шундай кенг мамлакатнинг тартиб ва идора ишида шарият сиёсати ва чегарасидан ташқари ҳеч бир иш қилмасдилар. Ҳеч қачон ғазаб кучининг (2496) ва нафс ҳукмининг тақозоси билан бирор-бир кишини ҳалок этишга ва инсон боласининг ҳаёт биносини барбод қилишга ҳукм чиқармаганлар; бу (ҳукм) бирор одамга ҳам яқинлашмаган. (Инсон) қадрига етиш ва қадрдонлик тақозосига кўра, улуғ саййидлар, ҳурматли шайхлар ва аллома олимларга нисбатан эъзоз ва эҳтиромни ўрнига қўйганлар. Онҳазратнинг фэйзмакон фикри таважжуҳларининг самараси кўплиги билан аъзами савод Ҳиндистонда ханафийлик дини, улуғ миллати шу даражада кучайди ва ривожландики, бошқа ҳеч бир аввалги фармонраво (ҳоким)лар замонида бундай иш амалга ошмаган. Яққалам аҳли қалам ҳиндилар амалдан узоклаштирилган эдилар. Кофирларнинг жами маъбудалари ва ул ёвузларнинг азим бутхоналари кўпориб ва бузиб ташланиб, улар ўрнига олий масжидлар қурилган эдики, шу каби душвор ишнинг ривож топишидан ақл ҳайронликда эди. Онҳазрат ўз саодат тонгларининг далолати билан Ислому шарафига муяссар бўлиш учун хидоятзухур саройга келган барча кофирларга Калимаи тоййибани талқин этиб, уларни хилъатлар ва бошқа иноятлар билан бахтиёр қилардилар.

Салтанат даврининг ўрталарига келиб ҳиндилардан олинадиган жизя (солиғи) муқаддас шариятга мувофиқ қарор топиб, мамолики махрусуда (шаҳаншоҳликнинг ҳамма жойида) шунга асо-

сан амалга оширилди. Бундай ниҳоятда маъқул иш Ҳиндистонда ҳеч бир замонда рӯёбга чикмаган...

Хайр-саховат, марҳамат, лутф-карам шу даражада амалга ошди ва содир бўлдики, ўтган султонлар, подшоҳлардан бунинг ўндан бири ҳам воқе бўлмаган эди. Ва муборак рамазон ойида олтмиш минг рупия ва бошқа ойларида бундан бир оз камрок (пул) мустаҳикларга (ҳақдорларга) юбориб туриларди. Ожиз ва мискинлар тамаддуғи учун дорул-хилофат ва бошқа шаҳарларда кўпдан-кўп булғурхоналар мавжуд эди. Қаерда мусофир ва сайёҳлар кўнадиган работ ва саройлар йўқ бўлса, (дарҳол) пайдо этилди. Салтанатдаги (барча) масжидларни таъмирлаш учун файзасар саройдан имом, муаззин ва хатиблар тайинланди; шунга кўра, бу ишлар учун катта маблағ ва кўп олтин-зарлар сарф этилди. (250а) Ушбу улкан мамлакатнинг барча шаҳар ва кишлокларидаги фозиллар, мударрисларни вазифаларига яраша кундалик (маош), ер-сув билан таъминлаб, толиби илмларга юқори даражадаги маиший ҳолат ва воситаларни белгилаб кўйган эдилар.

Олий мақсадга қаратилган барча ҳиммат шу нарсага сарф этилдики, токи барча аҳли ислом ҳанафий мазҳаби уламоларининг масалаларига муфтибаҳолик билан (муфтийлар амал қилганларидек) амал қилсинлар.

Мазкур масалалар қозилар ва муфтийларнинг (ўзаро) қарама-қарши қарашлари туфайли (кўп) фикҳ китобларида тўпланган ва зариф оятлар ҳамда турли-туман қавм (фикрловчи)лар қоришиб кетган эди. Шунга кўра, уларнинг мажмуаси бир китобга киритилмаган эди. То кўп китоблар жамланмагунча, кўп кишилар чақирилмагунча, фикҳ илми бўйича кенг билим ва етарли даражада тадқиқот бўлмагунча (бу соҳада) ҳеч кимнинг фикри (тўғри ё нотўғрилигини) аниқлаб бўлмасди. Шунинг учун динпаноҳ подшоҳнинг азми шунга қарор қилдики, Ҳиндистоннинг машҳур уламо ва маъруф фузалоларидан бир гуруҳи муқаддас сарқор китобхонасида тўпланган узундан-узук чўзилган мўътабар китобларни назар жилвагоҳларидан бирма-бир ўтказиб, муфтийбаҳо масалаларни ажратиб олиб, улар мажмуидан жамланган бир нусхани яратсинлар, токи амалда қўлланиладиган масалалар мағзини чақишда ҳаммага қулайлик ва осонлик тутилсин. Бу муҳим ишга сарқардалиқ қилиш фузалолар пешвоси Имом Шайх Низомга топширилди, (бунга) жалб қилинганларнинг барчаси муносиб маош ва катта иноятлар билан бахтиёр этилдилар. “Фатовойи Оламгирия” номи билан аталган бу ажойиб китобга лозим бўлган

қарийб икки лакҳ рупия сарфланди ва жаҳон халқларига (энди) бошқа фикҳ китобларидан воз кечиш (муяссар) бўлди.

Ғалла ва дон-дундан, роҳдори ваҳҳидан, матодан ҳамда бошқа моллар, хусусан, катта маблағни ташкил қилувчи тамаки (танбоку)дан олинадиган бож(дан воз кечилиши) оммага қилинган марҳаматлардан бўлди (2506). Бу ажойиб тадбирни тамакининг махфий равишда келтирилишини назарда тутган ҳолда, кишиларнинг ор-номус учун қўрқмасликларига қаратдилар.

Хусусан, мусулмон фирқаси ва умуман, барча раият орасидан баъзи номи зикр қилинган (бождан) афв этилганларки, (улардан олинини лозим бўлган бож) йилига ўттиз лакҳ рупиядан ортик маблағни ташкил этарди.

(Онҳазрат олий) даргоҳ мулозимларини уларнинг ота-боболаридан қолиб келаётган қарзларидан озод этди. Бундан илгарилари жорий қилинган тартибга биноан, танҳо девонлари бу қарзларни улардан мавқеларига яраша секин-аста ундириб олиб, ҳолисан шарифа маблағига қўшар эдилар ва шу тариқа ҳар йили ҳазина кирими ортиб борарди. (Бундан ташқари Онҳазрат) олий саройдан қарзи бўлмаган улуғ амирларнинг матрука (тарк этиб қолдириб кетилган ер)ларини уларнинг ворисларидан тортиб олишни бекор қилдилар. Аввалги султонлар даврида бундай ерлар подшоҳликнинг ишончли кишилари томонидан ниҳоятда талабчанлик билан тортиб олинарди ва бу иш унинг мотамзада яқин кишилари ва бошқаларга озор етишига сабабчи бўларди.

Улуғ шариат ҳукмига мувофиқ, ҳар бир субадаги ҳосилни қўлга киритиш бобида ижроси вожиб (қилиб) имзоланган фармонлар шараф билан чиқарилди.

Онҳазратнинг хилофат ва жаҳондорлик тахтига ўтириш(лари)дан аввал ва ўтирган(лари)дан сўнг (кўп) жангу жадаллар юз берди. Баҳс заминида бахтиёрлик ҳолати ётади. Онҳазрат бу масалада ниҳоят даражада барқарор собитқадамликни намойиш қилдилар.

Олий мавқаб Балхга кирган вақтида Абдулазизхон муқобиларо жангга саф тортиб турарди. Чумоли ва чигирткадан ҳам кўп фавжлар, фирузасар лашкарлар (чет-атрофдан) халқа-халқа бўлиб ўраб жанг қилардилар. Жангу жадал айни (251а) қизиган паллада намоз вақти бўлиб қолди ва Онҳазрат ақли қисқа бандарлар(и)нинг зорланиб қилган илтимосларига қарамай, хос отларидан тушиб, жамоат орасига кириб, фарз ва суннатни ҳамда ибодат руқнларини тўғрилаган ҳолда, камоли оҳисталик ва хотиржамлик билан адо

қилдилар. Абдулазизхон бу шижоатасар хабарни эштитиши билан хайрон бўлиб қотиб қолди. «Индаллох» бўлиб, жангни тарк қилиб, айтдики: «Бундай киши билан жанжаллашмоқ ҳалок бўлмоқдир».

Онҳазратнинг касби камолларидан (бири) Тангри ато қилган ҳолатга зийнат бахш этиб, тафсир, ҳадис ҳамда фикҳдан иборат диний илмларни ўрганиш эди. Хужжатул-ислом имом Муҳаммад Ғаззолийнинг – унга Аллоҳнинг раҳмати бўлсин – таснифлари, Шайх (Шарафиддин) Яхъё Мунирий, Шайх Зайниддин ва Кутбиддин Мухйи Шерозийлар – Аллоҳ уларни раҳмат қилсин – мактубларининг интихоби ва шу қабилдаги бошқа китоблар ҳам доимо муқаддас мутолаадан ўтиб турган.

Ул яздонпараст (худопараст) ҳоконнинг улуғ фазилатларидан (бири) – мулки аллом (алломалар подшоҳи, яъни Аллоҳ) каломи ҳифзини (ёдга олишни) ривожлантириш эди. Агар давлат ва иқболнинг дастлабки ҳолатида шарофатли Қуръоннинг баъзи бир сураларигина зўр диққат билан муқаддас хотир томонидан кироат қилиниб ёд олинган бўлса, Аллоҳ каломининг ҳаммаси ёд олиниши салтанат тахтига ўтирилгандан сўнг амалга оширилди ва бутун жаҳду жадал ҳамда шоҳона азм билан шарофатли хотирда нур сочиб жилоланди. Шарофатли ҳифзнинг бошланиш тарихини кароматли ҳарфлар сони, “сафари як фалотани” сўзи сермаҳсул ҳисоб билан чехрадан парда кўтаради. Унинг охирига етиш тарихи “Лавҳул маҳфуз” (“ёдга олиш лавҳаси” сўзининг) сонидан жилваланади (2516).

Онҳазратнинг насх хати ғоятда матонатли, услубли эди ва бу (хат)да ёзишда камоли маҳоратга молик эдилар. Лавҳасига, жадвали ҳамда жилдига етти минг рупия маблағ сарф этилиб, муқаддас дастхат (билан битилган) Қуръони шарифнинг икки (нусхаси) Мадинаи мунавварага – халқларининг салавати афзал ва ҳаёти баркамол бўлсин – юборилган.

(Онҳазрат) настаълиқ ва шикаста хатларини ҳам ғоятда чиройли ёзганлар. Наср ва иншони юксак даражада (фаҳмлаш) хусусида Онҳазратга имтиёзлилик ва назм(ни тушуниш) маҳоратида ҳам тўла баҳрамандлик мансуб эди. «Қудратга қудрат қўшувчи» шоирларнинг ҳақиқий шарофатли, динни тарғиб этувчи (ашъорларини) севиш билан (уларга) иштиёқ билдириб, аммо бефойда шеърларни эшитишни хоҳламасдилар. Мадҳ ашъорларни эшитишдан нима чиқади, магарки шеър мазмуни Тангри (мадҳи)га қаратилган бўлса (бу бошқа гап), дердилар Байт:



*Худойи азза ва жалланинг ризолиги йўлида (бу иш)  
Қилинмаса (яъни мадҳ шеъри битилмаса)  
Кўз ҳам газал айтувчига (боқмайди), қулоқ ҳам ул  
газални (эшитмайди).*

(Бутун) дунё ва халқлар танлаган ул (шоҳ) латиф ахлоқининг мазмуни таҳрир кўламига сиғмайди ва баёнининг чегараси бепоён-дир. Ақли-заковати буткул ноқис (мен камина)га ул ҳар қандай мақтовга сазоворни таъриф этиб тушунтириш қаерда дейсиз. Мисра:

*Мен қаердаю ва бу доҳий ва оқил қаерда.*

Эй Парвардигор, унинг дунёвий ҳаётини афв майдонига айлантир, охиратини бу дунёдан кўра хайрлироқ қил!

### ***Одил ва динпарвар подшоҳнинг шариф ва мўтабар авлодлари зикри***

Одоб ва ҳиммат хислатлари билан безанган комил зотли подшоҳ олийнасаб подшоҳзодаларни ҳусни хулқ билан тарбиялаб ўстирдилар, Онҳазратнинг зоҳирий ҳамда ботиний таважжуҳ ва эътибори шарофатидан улар олий камолоту юксак фазилатларга мушарраф бўлишди. Шунингдек, улар тоат-ибодатга, парҳезкорликка риоя қилиб, сардорлик ва сарварликнинг қоида ва усуллари, турли ҳунар ва санъатларни юқори даражада эгаллашган эди. Худоогоҳ подшоҳнинг нурга чулганган тақозоси саводатидан подшоҳзодалар Каломуллоҳни ёд олиб, илму адабнинг кўплаб босқичларида таҳсил кўриш билан турли хатларни ёзишда маҳорат касб этиб, туркий ва форсий тилларни яхши ўрганиб олган эдилар. Шунингдек, (252а) Онҳазратнинг иршод ва ҳидоят баракотидан ҳанафий ақоиди ва зарур диний аҳкомлардан етарли баҳраманд бўлганларидан, тоат ва ҳақпарастлик сажжодасида ўтириб, Қуръони мажидни тиловат қилиш ва кўчириш каби хайрли ва чиройли амалларга машғул бўлишарди.

Онҳазратнинг турли аёлларидан беш ўғли ва беш қизи бор эди. Гарчанд мақтовли хислатларга эга подшоҳзодалар ва ифбат соҳибаси бўлган бегимлар аҳволи ҳақида “Оламгирнома” китоби ва ушбу варақларда динпаноҳ подшоҳнинг иқболли воқеалари орасида сўз юритилган бўлса-да, бу ўринда ҳам ҳар бир эркак ва аёл авлоди ҳолатининг зикри билан саҳифаларни безаш лозим кўрилди.

Тўнғич ўғли, улуғ хонадоннинг нурийдидаси подшоҳзода Муҳаммад Султон бир минг қирқ тўққизинчи йил рамазон ойининг

тўртинчи кунида таваллуд топди. Одоб ва хайр-саховатда машҳур бўлиб, Каломи мажидни ёд олган эди. Арабий, форсий ва туркий тилларда ўқиш ва ёзишда камолот даражасига эришган. Онҳазрат тахтга ўтиришидан олдин давлат душманларига қарши олиб борган муҳорабаларда иштирок этиб, шижоат ва мардлик намуналарини зоҳир қилди. Аълоҳазрат ҳокон тахтга ўтирганининг йигирма биринчи йилида охират боғини сайр қилишга жўнади.

Иккинчи ўғли, жаҳонбонлик осмонининг қуёши, мамлакатларни фатҳ этиш туғларининг байроқдори, жаҳонпаноҳ подшоҳзода Муҳаммад Муаззам Шоҳи олам бир минг эллик учинчи йили ражаб ойининг охирги куни ўша ифбатли муҳтарама аёлдан туғилди ва тонг нуридек балқиб, оламни чароғон этди (2526). У ҳам олам Эгасининг Каломини ёд олиб, кироат ва тажвидда етарли малака ҳосил қилган. Замоннинг бу нодир зоти ёшлик айёмидан кўпроқ илм таҳсил қилишга машғул бўлиб, амаллари илмига мосдир. Ҳадиси шариф илмида асрнинг эътиборли кишилари уни “муҳаддислар етакчиси” деб аташди. Фикҳшуносликда Қуръон ва ҳадислардаги масалалардан ўз ўрнида далиллар келтиради. Араб тилида фасоҳат билан сўзлаши арабларнинг ўзларига ҳам ёқимлидир. Туркий ва форсий тилларда ҳам жуда чиройли сўзлаб, ҳар хил хат турларини ёзишда маҳорат ва устозлик даражасига етган. Ҳозирда ҳам у Қуръони мажид кироати ва ҳадис, тафсир, фикҳга оид китоблар мутолаасини асло қанда қилмайди. Бомдод намозини ўз вақтида адо этиб, қуёш икки найза бўйи кўтарилгунча жойнамозда ўтирганидан сўнг хонага кириб, ситамдийдаларнинг илтимосларини эшитиб, инсоф юзасидан ҳукм чиқаради. Вақти такозо қилгунча бу ишларга машғул бўлгач, девони хос ёки девони омга бориб, девон ходимлари, бахшилар ва бошқа мутасаддилар билан солиқлар, мулкларга оид ишларни адо қилади.

Шу тарзда намоздан сўнг олам аҳли ҳожатларини раво қилгач, харамсарога юзланиб, таом тановул қилади ва бадан сиҳати учун истироҳатга машғул бўлади. Аср намози адосидан сўнг мазлумларнинг дил дардларига даво буюриб, кун ботгандан чироқларни ёқтириб, туннинг учдан бирини ибодатга бағишлайди, сўнгра иззат шабистонига қиради. Тунни шу тарзда ўтказиб, эрта туриб, кеч ётади. Худованди карим бу азиз ва табаррук зот соясини (253а) олам аҳлининг боши устида барқарор қилсин.

Учинчи ўғли, мактовли хулқ-атвор соҳиби Муҳаммад Аъзам бир минг олтимиш учинчи йилнинг шаъбон ойида Шоҳнавозхон

Сафавийнинг қизи Дилрасбону бегимдан туғилди. Кичик ёшидан хусни тарбия аҳволига таъсир кўрғазиб, маъно ва суратда камолга етиб, турли илмлардан баҳра топди. Онҳазрат хилофат кони бу гавҳарининг яхши авзойи ва хайрли атворидан завкланиб, сурурга тўлар эди. Шижоат ва ғайрат кўрсатишда ўз тенгқурларига кўра собитқадам, кўрқмас ва олийҳиммат эди. Онҳазрат донолик дафтарининг дебочаси бўлган бу шахзода билан суҳбат қуришни яхши кўрарди. Онҳазратнинг вафотидан сўнг уч ой ва йигирма кун ўтгач, ўн саккизинчи рабиул аввалда жанг майдонида шижоат кўрсатиб, қурбон бўлди ва Ҳақ раҳмати ва мағфиратига эришди.

Тўртинчи ўғли Муҳаммад Акбар 1067 йили 12 зулҳижжада таваллуд топди. Онҳазрат уни яхши фазилатлар эгаси қилиб тарбиялади. Сарварлик тахтининг орзуманди бўлган бу шахзода Оламғирӣ санасининг қирқ саккизинчи йили Эрон диёрида вафот этди. Гарчанд у улуғвор отаси даргоҳидан нокомлик биёбонига кочиб кетган бўлса-да, бироқ икки нарса унинг нажот топишига далилдир. Биринчиси, Онҳазрат таъкидлаганларидек, жамоат билан намоз ўқишни тарк этмаслиги ва дин душманларидан қўрқмаслиги. Иккинчиси, муқаддас шаҳар Машҳадда ҳазрат саккизинчи имом Мусо Ризонинг – унга саломлар (2536) ва санолар бўлсин – муборақ равзасига дафн этилганидир...

Бешинчи ўғли подшоҳзода Муҳаммад Комбахш 1077 йили рамазон ойининг ўнинчисида Удипур маликасидан туғилди. Дину давлат саодати бўлган бу шахзода Каломи мажидни ёд олиш, турли китобларни мунтазам мутолаа қилишда бошқа барча биродарларидан ўзиб кетди. Айниқса, туркий тилда ва ҳар хил хатларни ёзишда маҳорат касб этган эди. Бундан ташқари, етукликда бе-назир бу зот туғма ахлоқ, шижоат (254а) ва саховат соҳиби эди.

Онҳазратнинг аёл авлоди ҳашамат ва иқбол боғининг ниҳоли Зебуннисо бегим 1048 йили ўнинчи шавволда таваллуд топди. Худоогоҳ подшоҳнинг иршод ва хидояти туфайли бегим Каломи мажидни тўла ёд олди ва бу саодатнинг мукофоти сифатида Онҳазрат хазиначисидан ўттиз минг ашрафий инъомга сазовор бўлди. У арабий ва форсий илмлар таҳсилида тўла баҳра топиб, хат турларидан настаълик, насх ва шикастани ёзишда юксак маҳорат касб этди. Илм ва санъатнинг турли соҳалари, китобларни жам этиш, асарлар яратиш ишларига шу қадар киришган эдики, фазлу камол арбобларининг аҳволларини яхшилашга интилганидан улар унинг кутубхонасига йиғилишарди. Жуда кўп олимлар, фо-

зиллар, солиҳлар, шоирлар, етук муншийлар ва соҳирқалам хат-тоғлар шу тарзда ул иззат ва улуғлик ойининг саховат нурларидан комёб бўлишди. Чунончи, фармонга кўра, Мулла Сайфиддин Дехлидан Кашмирга бориб ўрнашгач, “Тафсири кабир” ёки “Зебут-тафосир” деб номланган тафсир китоби таржимасига машғул бўлди. Шунингдек, у бу сиймо (Зебуннисо)га бағишланган яна бир қанча рисола ва китоблар (2546) ёзди.

У Онҳазрат ҳаётлигида, ҳижрий 1113 йилга тўғри келган қирқ олтинчи Оламгирий санада вафот этди.

Иккинчи қизи Зийнатуннисо (Зийнатнисо) бегим 1053 йили шаъбон ойининг биринчи кунда таваллуд топди. Яхши тарбиялар туфайли у ханафия ақоиди ва бошқа зарур диний аҳкомларни етарли даражада эгаллаган. Анчагина халқ унинг эҳсон ва саховат дастурхонидан баҳраманддир.

Учинчи қизи Бадруннисо бегим 1057 йили йигирма тўққизинчи шавволда таваллуд топди. Онҳазрат шаҳаншоҳнинг тақозосига кўра, у Каломуллоҳни ёдлаш ва диний илмларни ўрганишга машғул бўлди. Солиҳ амаллар билан шуғулланиб, баракотлар топди. Улуғ отаси тахтга ўтирганининг ўн учинчи йили йигирма саккизинчи зулҳижжада уни Ҳақ ўз раҳматига олди.

Тўртинчи қизи Зубайданисо бегим 1061 йили йигирма учинчи рамазонда борлик оламига ташриф буюрди. Тоат-ибодат ва илм таҳсилига машғул бўлди. Доро Шукуҳ ўғли Сипеҳр Шукуҳнинг завжаси эди. Онҳазрат рихлат қилган ойда у ҳам жаннатга юзланди ва вафотининг хабари Онҳазратга маълум бўлмади.

Бешинчи қизи Мехруннисо бегим 1072 йили сафар ойининг учинчи куни саройдаги хос канизакларнинг биридан туғилди. Отаси тахтга ўтирганининг қирқ саккизинчи йили, яъни ҳижрий 1116 йилда охирад саройига кўчиб ўтди.

\* \* \*

Муҳаммадшоҳ ғозий подшоҳ тахтга ўтирганининг ўн учинчи йили рабиус соний ойининг йигирма биринчи кунда, яъни ҳижрий 1144 йилда (асар) кўчириб тугатилди.

## АЙРИМ ТАРИХИЙ АТАМАЛАРНИНГ ИЗОҲЛИ ЛУҒАТИ

**Айнул-мулк** – давлат кўзи, подшоҳлик.

**Алам** – байроқ; амир унвонига эга шахсларгина алам соҳиби бўлишлари мумкин эди.

**Амин** – марказий давлатнинг ўлка-вилоятларини тафтиш қилиш учун юбориладиган вакили; парганада солиқ йиғувчи.

**Амир** – салтанатда садр (садрус-судур)дан бошқа барча мансаб ва лавозимларни ҳарбий кишилар эгаллаган эдилар. Масалан, Акбаршоҳ 1574 йили мазкур соҳада, яъни мансабдорликка доир тартиб-тизимни эълон қилган бўлиб, унинг бу фармони Бобурийлар салтанатининг емирилишига қадар ўз кучида қолган. Бу тизимга биноан, кўшин ва давлат ишларидаги лавозимлар турли мартаба ва даражаларга бўлинган. Мансабдорлар поғонаси йиғирма зотлидан то қирк минг зотлигача бориб, мансабдор қанча зотли бўлса (ҳолбуки, «Маъносири Оламгирий» асарида «зот» сўзи кўп ҳолларда тушириб қолдирилган), у шунча сон суворий (отлик аскар) сақлаши, қурол-яроғ билан таъминланиши ва лозим бўлганда уларни жангга солиши шарт бўлган.

Аmmo мансаб масаласининг шундай бир жиҳати ҳам бор эдики, мансабдорлар доим ҳам ўз зоти даражасига мувофиқ келадиган суворийларни сақламадилар. Чунки улар давлат томонидан бериладиган маошни, аниқроғи, маош эвазига бериладиган жогир ерларидан ундириладиган ер солиғи (рента)нинг катта бир улушини ўз шахсий манфаатлари йўлида харж қилиб, суворийлар сонини имкон қадар камайтиришга интилардилар. Бора-бора бу ҳол расмий тус олгач, мансабдорлар зот (мартаба)га тайинланган вақтда уларга қанча суворий сақлашлари шартлиги алоҳида таъкидлаб кўрсатиладиган бўлган. Ҳолбуки, амалда яна шундай тажриба ҳам қўлланилганки, ўз вазифасини яхши бажарган мансабдорга мукофот сифатида унинг зоти орттирилиб, изофа – кўшимча берилган, суворийси эса ўз ҳолича қолдирилган ёки зотнинг миқдори сақланган ҳолда суворийси камайтирилган.

Мисол учун, Акбаршоҳ жорий этган тартиб тизимида кўра, ўз саркардалиги остида 200 дан 500 нафаргача суворий сақлаган ҳарбий феодал мансабдор 500 дан 2500 гача амир, 3000 ва ундан ортик суворийга эга киши «Амири аъзам» деб аталган. 5000 дан ортик зот, асосан, шоҳ оиласига мансуб шахсларгина берилган.

**Амирул-умаро** – амирлар амири, катта амир; ҳарбий бош кўмондон.

**Амири харос** – кўркитувчи амир. Сарой кўриқчиларининг бошлиғи. Асосий вазифаларидан ташқари жиноятчиларни жазолаш устидан ҳам назорат қилиб турган.

**Аомил** – паргана ҳокими, у фавждорга бўйсунган, баъзи ҳолларда эса паргана ҳокими этиб фавждор ҳам тайинланган.

**Аргаж-мукши** – анбар, сандал, хушбўй, муаттар хид таратувчи гнёҳлар.

**Арзбеги** – мамлакатнинг обод ёки хароблигини, шунингдек, подшоҳ хузурига арз-дод билан келувчилар аҳолини вақти-вақти билан олий ҳукмдорга маълум қилиб турувчи мансабдор.

**Арзи мукаррам** – мири тузукнинг бош котиби вазифасини бажариб, асосан, марказий ҳокимиятга келиб тушган мактуб ва маълумотларни саралаш, уларнинг мазмуни ҳақида тегишли жой ва шахсларга хабар қилиш билан шугулланган.

**Аркони давлат** – тожу тахт ва давлат устунлари, яъни вазирлар, амирлар, руҳонийлар ва бошқалар.

**Арганун** – чолғу асбобининг бир тури (орган).

**Аспак** – чодирнинг бир тури.

**Ахтабеги (отабеги)** – подшоҳликка қарашли отхоналар устидан назорат қилувчи. Ҳар бир отхонанинг ўз доруғаси ва мушрифи бўлиб, доруға умумий раҳбарлик, мушриф эса ҳисоб-китоб ишлари билан шугулланган. Отхона доруғалигига беш минг суворли мансабдорлар ёки аҳадийлардан белгиланган.

**Ашрафий** – ўн олти рупия миқдоридаги олтин танга.

**Аҳадийлар** – подшоҳнинг шахсий гвардияси, мири бахшига итоат этувчи бахшилари ҳамда бўлинма бошликлари. Бошқа аскарларга караганда аҳадийларга уч баробар кўп маош тўланган. Шунга кўра, хинд муаррихи Сри Рам Шарма аҳадийларни мансабдорликка ўтиш босқичи йўлидаги аскарлар, деб таърифлаган.

## Б

**Бангари** – бронза (мис) ва темирдан ясалган ҳалкачалар, Абул Фазл Алломий асарида зикр қилинишича, фил тишларига мустаҳкамлик ва кўрк бағишлаш учун тақилган.

**Барот** – оклик қоғози (хон томонидан берилган озодлик хати).

**Баронгор** – кўшиннинг ўнг қаноти, «маймана» деб ҳам аталган.

**Бахший аввал** – биринчи бахши; котиб, мирзо, ёзувчи.

**Бахший дуввум** – иккинчи бахши.

**Бахший севвум** – учинчи бахши.

**Баюпори** (баюбори) – савдогар.

**Бегор** – феодаллар тарафидан аҳолини мажбурий иш (йўл чикариш, кўприк куриш; канал казиш; қалъани таъмирлаш ва хоказо)ларга сафарбар қилиш тартиби.

**Бигҳа** – олти квадрат ярд, яъни газ ўлчовига тенг экин майдони.

**Божира** – сули ёки жавдар.

**Болобанд** – салла.

**Бонак** – тиғи эгри ханжар.

**Бонис** – бамбукдан ясалган буюм.

**Борғоҳ** – хон, подшоҳ саройи; подшоҳ қабулхонаси.

**Бурхзот фалак** – гранит тошлар осмони, яъни тоғлар.

**Бундук** – милтиқ.

**Бунгоҳ** – вазир ва аъёнлар чодири. Асар матнида «қўшиннинг орқа томони» маъносида ҳам келади.

## В

**Вазир ёки девони кул (кулл)** – молия девони вазири, унга субалардаги девонлар бўйсунган. Назарий жиҳатдан вазир девон вакилига тобе ҳисобланган, аммо амалда эса у мустақил иш тутган ва бевосита шоҳга итоат этган.

**Вазни шамсий** – Бобурийлар салтанати соҳиблари ўзларининг тахтга ўтирган ва бошқа муҳим кунларини ҳар йили икки маротаба – куёш (шамсий) ва ой (қамарий) солномаларига мувофиқ нишонлаганлар. Бу ерда шамсий таквимига тўғри келган тантана, маросим маъносида.

**Вакил** – шоҳнинг биринчи ёрдамчиси, маслаҳатчиси ёки шоҳ вакили. Покистонлик олим Иш тиёк Ҳусайн Қурешӣ таърифича, бу вакилга мири-мол, мухрдор, борбеги, қўрбеги, мири тузук, мири манзил, хонсолор, мунший, қушбеги ва ахтабегилар тобе бўлганлар.

**Вақф** – диний муассасалар: масжид, хонақоҳ, авлиёлар ва подшоҳлар мазорлари, зиёратгоҳлар, қадамжолар, мадрасаларнинг толиблари, хизматчилари фойдасига ажратиладиган ер-сув, дўкон, қарвонсарой, от-улов, ҳаттоки куллар ва ҳар хил буюмлар.

**Воқеанавис ёки воқеанигор** – шоҳ фармони, унинг қилган ишларини, тарихий ва кундалик воқеа ҳамда хабарларни ёзиб боровчи. Воқеанавислар 14 нафар кишидан иборат ёрдамчиларига эга бўлиб, улар девон (вазир)га итоат этганлар.

**Воқеанигори (воқеахони) кул (кулл)** – барча воқеаларни ёзиб боровчи.

## Г

**Газ** – узунлик ўлчови. Бир ярдга, яъни қирк бир бармоқ узунлигига тенг.

**Гаҳри** – 24 минутдан иборат вақт тушунчаси.

**Гахурнол** – тўпнинг бир тури.

**Гирех** – 5 см чамасидаги узунлик ўлчови.

**Гири** – 22 минут 30 секундга тенг вақт ўлчови.

**Гурзибардор** – ҳокимият рамзи бўлган асо эгаси.

**Гўйи чавгон** – гуй – ёғочдан коптокка ўхшатиб думалоқ қилиб ясалган соққа. Чавгон – учи эгик узун таёк. Гуйи чавгон от устида туриб ўйналадиган, хоккейга ўхшаган ўйин.

## Д

**Дамдама** – тўп, замбарак, миномёт каби отиш қуроллари жамланган артиллерия бўлинмаси (батарея) ҳужуми уюштирилиши; мудофаа девори ёки истеҳкомнинг тўплардан ўқ узиладиган жойи.

**Дардама** – ер атрофида айланадиган етти сайёра.

**Дастурхончи** – подшоҳ ва хон саройининг кичик хизматкорларидан. Зиммасига подшоҳ меҳмонлари олдига дастурхон тузаш вазифаси юклатилган.

**Дафтар** – асар матнида асосан салтанатнинг қирим-чиқимлари қайд этиладиган дафтар маъносида келган.

**Девони мол** – молия девони.

**Девони ом** – подшоҳликка оид барча ишлар амалга ошириладиган жой. Бу ерда, подшоҳ тахтининг ўнг ва сўлида подшоҳзодаларга муайян ўриндик ажратилган, катта мансабли амалдорлар тахтга яқинлашиб, мамлакатдаги сиёсий аҳвол ва молия ишлари юзасидан ҳисобот берганлар. Мансабдорларни чекка ўлка ва вилоятларга ишга тайинлаш ёки у ерлардан келган ҳокимлар ҳисоботини эшитиш ҳам амалга оширилган.

**Девони буютот** – девоннинг молия ишлари билан шуғулланувчи мутасаддийси. Девони буютот хизматчилари мирсомонга итоат этганлар ва мирсомон, ўз навбатида, девон иши юзасидан вазир олдида жавобгар бўлган. Субалардаги девони буютот ерли хонисомонга бўйсунган.

**Девони мазолам** – марказга келган шикоятлар ҳамда шох фармонларини лозим бўлган жойларга етказиш билан шуғулланган, унинг хизматчилари девони адолатга бўйсунган. Ҳинд тадқиқотчиси Сри Шарма фикрича, девони мазолам асосан Аврангзеб даврида ташкил этилган бўлиб, бунда шунингдек, халқ орасида руҳонийлар таъсири кучайиб кетишининг олдини олиш мақсади ҳам кўзда тутилган.



**Девони тан(хо)** – давлат ходимларига пул ёки муайян жогир қилиб берилган ердан олинадиган ер солигини хадя этиш орқали маош тўлаш билан шугулланувчи девон.

**Девони хос** – кўпроқ *гусулхона* номи билан машхур бўлган. Акбаршоҳ даврида ҳарам билан девони ом ўртасидаги махсус хона, шохнинг гусулхонасига туташ жойлашган. Шунга кўра, “гусулхона” деб юритилган. Гарчи сўнги даврларда девони хос учун алоҳида бино қурилган ёки у шох гусулхонасидан бошқа ерда жойлашган бўлса ҳам, гусулхона номини сақлаб қолган. Девони хосга факат энг юқори мансабдаги амалдорлар киритилган. Бу ерда турли махфий ишлар муҳокама қилинган, шунингдек, шох дастхати билан битиладиган фармон ва мактублар ёзилган, ов қилинадиган жойни белгилаш, подшоҳзодаларга тааллуқли масалалар ҳам шу ерда ҳал этилган.

**Диловиз** – кўнгилини банд қилувчи.

**Девони холиса** – асосан холиса ерлари, яъни давлатга қарашли ерлардан олинадиган ер солигини жамғариш ва шунингдек, давлат даромади ва харжига доир масалалар билан шугулланувчи бошқарма.

**Динёворлар** – дин ёрдамчилари, мадакдорлари.

**Дом** – रुपиянинг қирқдан бир миқдоридаги чақа пул.

**Доғ** – суворийлар отига босиладиган подшоҳ муҳри.

**Доругир** – саройдаги кичик хизматчи, жанг майдони маъносини ҳам англатади.

**Дорус-салтанат** – подшоҳлик уйи; Лоҳур шаҳрига берилган сифат.

**Дорул-хилофат** – шаҳаншоҳлик уйи; Агра шаҳрига берилган сифат.

**Доруға** – бошқарувчи, назоратчи ва раҳбар маъноларида. Бобурийлар салтанатида хазина, пул сикка – зарб қилиш, фаррошхона, қўрхона, обдорхона ва шу каби ўттиз олтига қорхона бошлиқлари. Шу жиҳатдан доруғаларни девонларнинг ёрдамчилари ҳам дейиш мумкин. Абул Фазл Алломийнинг кўрсатишича, доруға беш мингчи ва ундан ортиқ мақомга эга мансабдор ҳисобланган.

**Дугона намоз** – икки ракат намоз.

**Дупта** – юзга тугиладиган парда. «Урду-рус луғати»даги талқинга кўра, олтин суви югуртириб тўқилган мато.

**Ду аспа ёки се аспа** – икки отли ёки уч отли маъносини билдиради. Адабиётларда бу атамалар яна қуйидагича баён қилинади: қоидага биноан, мансабдор – жогирдорлар қарамоғидаги ҳар бир аскарнинг биттадан оти, қуроли ва кийим-боши бўлган. Мансабдорларнинг баъзиларига даражаси – зоти ва суворий – отлик аскарлари сонига қараб «ду аспа, се аспа» (бир, икки отли) ибораси илова қилинган. Бундай масабдорларга қарашли суворийларда ёки уларнинг ҳар бир қисмида кўшимча иккита ёки учта от бўлган ва шу асосда уларга қатта маош тўланган. Бошқа бир адабиётда бу атама ҳақида ушбулар ёзилган:

«Мансабдор карамоғидаги отлар “се аспа, ду аспа ёки як аспа”ларга бўлинган. Одатда, кичик мансабдорлар, асосан, як аспа (бир от)ли аскарга эга бўлган. Минг суворийга эга мансабдорнинг уч юз суворийси – се аспа, олти юз суворийси – ду аспа ва юз суворийси, як аспа бўлган. Яъни, се аспа аскар – учта от; ду аспа аскар – иккита от ва як аспа аскар – битта от сақлаши керак бўлган. Шундан келиб чиқиб, мансабдор як аспали суворийга беш ойлик маош, се ва ду аспали аскарларга бир йиллик маош тўлаган.

**Дюрахи** – даҳлиз; уй олдидаги ичкарига кириш хонаси.

**Дхоби** – кир ювувчи.

**Дхуп** – қимматбаҳо тошлар қадалиб ишланган тўғри тегли қилич; бу қурол тури асосан Деканда ишланган.

## Ж

**Жавонгор** – кўшиннинг сўл қаноти, «майсара» деб ҳам аталган.

**Жамдхар** – ханжарсимон қурол, унинг тиғи қалин ва тўғри бўлган. Тилладан ёки тилла суви югуртирилган металлдан ишланиб, олмос, ёқут каби қимматбаҳо тошлар билан зийнатланган. Абул Файз Алломий берган маълумотга кўра, жамдхар Ахбар замонида чорак рупиядан икки ярим муҳрғача ва Аврангзеб даврида бир минг рупия қийматигача баҳоланган.

**Жариб** – ер ўлчови; тахминан бир танобга тенг.

**Жарибкаш** – ер ўлчовчи.

**Жиға** – саллага тақиладиган безак.

**Жогир** – бу сўзнинг луғавий маъноси «жой ол». Бобурийлар салтанати даврида Ҳиндистонда кенг тарқалган феодал ер эгалигининг асосий шакли. Жогир ерлари шоҳ томонидан саркардалари ва амалдорларига ҳарбий ва давлат ишларида кўрсатган хизматлари эвазига ҳады сифатида берилган. Жогир ерлари ҳарбий-феодалга ҳады этилган шартли, демак, ворисий бўлмаган ерлардир. Аслида, жогирдорларга ернинг ўзи эмас, балки ундан олинадиган рента – солик ҳады этилган. Бунинг эвазига жогирдор муайян миқдорда қуролланган отлик, бўлинмалар ва артиллерия ҳамда юк ташувчи ҳайвонлар сақлаш, шунингдек кўприк, суғориш иншоотларини қуриш ва таъмир этиш мажбуриятини олган. Жогир ерлари тез-тез алмаштириб ҳам турилган. Жогир ерларининг миқдори ҳар хил бўлиб, ҳатто паргана (вилоят) ҳам жогир этилиши мумкин бўлган. Лекин XVII асрнинг иккинчи ярмидан жогир ерларининг ворисий ер эгалиги – феодалларнинг хусусий мулкига айланиш жараёни кучайган.

**Жизя** – ҳинд ва бошқа мусулмон бўлмаган халқлардан олинадиган жон солиғи. Аврангзеб ҳукмронлиги даврида подшоҳликка жизя солиғидан тушадиган даромад 1.54.72.600 рупияни ташкил этган.

**Журмана** – жарима; шунингдек, адабини, жазосини, танбехини бериб кўйиш маъносида ҳам истифода қилиниши мумкин.

### З

**Заминдор** – сўзнинг луғавий маъноси ер эгаси бўлиб, XVI–XVII асрларда Ҳиндистондаги йирик ер эгаллиги шаклларида биридир. Заминдор ерлари асосан Бобурийлар давлатига бўйсунувчи ҳинд рожаликлари ва бошқа маҳаллий элатларга қарашли ер-мулклар эди. Заминдор марказий давлатга шартлашилган тўлов-маблағни тўлаши ва ҳарбий юришларда ўз аскарлари билан бирга иштирок этиши шарт бўлган. Жогир ерларидан фарқли ўларок, заминдор ерлари ворисий ҳисобланган. Заминдор ерлари, айниқса, Рожпутан, Орисса ва Берар субаларида катта ҳиссани ташкил қилган.

**Зиммийлар** – ислом дини ҳукмрон бўлган мамлакатда яшовчи бошқа динларга мансуб кишилар; улар ислом давлати ҳимоясида бўлганликлари эвазига жия тўлаганлар.

### И

**Ибтиёхона** – харидхона.

**Иzzат бисоти** – подшоҳ саройи.

**Илми маъқулот** – нотиклик; ақл-заковатли бўлмок.

**Инс** – инсон, киши, одам жинси.

### К

**Кавкаба** – «Ойни Акбарий»да келтирилган расмга мувофиқ, металл таёқчанинг шарсимон қилиб ўраб буралган қисмига металл ҳалқача қилиб ёки хоналарнинг шипларига осиб қўйиладиган зеб-зийнат тури.

**Кажнол** – кичик тўп.

**Карор** – Акбаршоҳ ҳукмронлигининг ўн тўққизинчи йили барча холиса ерлари бир юз саксон икки бўлакка бўлинган. Ҳар бир бўлак ердан подшоҳликка йилига бир карор – ўн миллион дом даромад келиши керак эди. Бу жойларга масъул этиб тайинланган амалдор «карори» деб аталган.

**Катора** – жамдҳарга ўхшаш қурол, тиғи нисбатан ингичка, чўзиқ ва бир оз эгик кўринишда бўлган.

**Каттон** – пу номдаги дарахт пўстлоғидан тўқилиб тикилган кийим.

**Килк** – қамиш қалам.

**Кичри** – таом.

**Коркун** (битикчи) – паргана (вилоят)да ҳисоб-китоб билан шугулланувчи хизматчи.

**Кука, кўкалдош (кўкалтош)** – эмишган ака-укалар.

**Кула** – тўп ўқи.

**Кундалон** – чодирнинг бир тури.

**Курух** – масофа ўлчови. Бир курух тахм. икки км га тенг.

**Кутвол** – қалъа бошлиғи, миршаблар раҳбари. Солиқларни ўз вақтида йиғиш ва жарималарни ундириш ишларига ҳам аралашган. Вилоятларда кутволлар субадорларга бўйсунганлар.

## Л

**Лакҳ** – юз минг.

**Лангур** – факиру бечораларга таом улашиладиган жой.

**Лари** (ларех) – марварид шодаси.

## М

**Мавкаб** – подшоҳ ёки мўътабар амирлар юришида уларга хамроҳ бўладиган суворийлар гуруҳи, лашкар.

**Мадади маош** – шоҳ томонидан қилинадиган инъом тури. Пул билан тўланадиган маош «вазифа» ва агар муайян ер инъом этилса, «суюрғол» деб ҳам аталган.

**Малойи марварид** – марваридлардан ясалган гулчамбар.

**Мамолики маҳруса** – шаҳаншоҳлик, салтанат, подшоҳлик, мулк.

**Манжаниқ** – тош солиб отиладиган мослама, уруш қуроли, палахмон.

**Манзуйи** – гўшанишинлик, узлатга чекиниш.

**Маншур** – подшоҳлик фармони.

**Мархала** – манзил, тўхташ жойи; кўнимгоҳ, қароргоҳ; бир кунлик йўл; истехком маъносида ҳам ишлатилади.

**Матрука** – вафот этган кишининг мол-мулки.

**Макта** – шеърнинг сўнгги байти.

**Мағфур** – кечирилган, гуноҳи кечирилган, афв этилган, мағфират қилинган

**Мизмор** – най, сурнай.

**Мирбахши** – салтанатда вазирдан кейинги иккинчи юкори мансабли амалдор, у асосан ҳоконнинг ҳарбий ишлар бўйича маслаҳатчиси саналган. Мансабдорлар, яъни жогирдор-амалдорлар устидан назорат ўрнатган. Бошқача айтганда, мансабдорларга ажратилган маош ва унинг эвазига улар

томонидан сақланадиган суворийлар сонининг мутаносиблиги ва умуман, мансабдорларнинг марказий давлат билан бўлган муносабатлари масаласи мирбахши воситачилигида ҳал қилинган. Мирбахши шунингдек, чекка ўлка-вилоятлар билан ўз вакили – вилоят бахшилари орқали иш олиб борган. Бундан ташқари мирбахши марказда тўпхона, филхона ҳамда жанг кемалари хизмати (департаменти)нинг ҳам бошлиғи саналган. Унга шунингдек, шох гвардияси – аҳадийлар бахсиси ҳамда подшоҳлик отхоналари ва муассасаларининг бошликлари – бахши шогирдпешалар итоат этганлар.

**Мири арз** – шох номига ёзиладиган ариза-илтимослар.

**Мири манзил** – саройнинг ҳўжалик таъминоти билан шуғулланувчи масъул ходим. Салтанат соҳиблари ва уларнинг саройи бир йилда бир неча жойга кўчишлари мумкин бўлганлигидан мири манзил вазифаси анча мураккаб ва масъулиятли ҳисобланган.

**Мири мол** – шохнинг шахсий хазиначиси.

**Мири оташ** – тўпхона қўмондони.

**Мирисомон** – саройдаги эътиборли мансабдорларнинг учинчиси ҳисобланиб, у қурилиш, йўллар, ободончилик, таъминот ишларига масъул бўлган. Шунингдек, шахзода, мансабдорларга, элчиларга тухфа ва ҳадялар уюштириш, шохга келтирилган ҳадяларни қабул қилиш, уларни сақлаш ишларини назорат қилган. Мирисомоннинг ўлка-вилоятлардаги вакиллари «хонисомон» деб аталган.

**Мулчор (мулжар)** – камал пайтида ҳар бир амирга биркитиладиган ҳудуд; тўп ва замбараклар мажмуидан иборат артиллерия бўлинмаси (батареяси).

**Мири тузук** – сарой расм-одатларини амалга ошириш ҳамда ҳар хил қабулларни уюштириш билан шуғулланувчи масъул шахс.

**Мино** – ёқутга ўхшаш қимматбаҳо тош.

**Мунший-котиб** – Деҳли султонлигида бўлганидек, Бобурийлар давлатида ҳам махсус «девони иншо» жорий этилган. Элчилар орқали юбориладиган номалар, мактублар, фармонлар ва бошқа ёзма ҳужжатлар муншийлар ва уларнинг ёрдамчилари томонидан битилган.

**Мураббаъ** – тўртлик, тўртбурчакли, квадрат; мураббаъга ўтирмак – чордона қуриб ўтирмак.

**Мурассаъ** – қимматли тошлар билан безатилган қилич, тахт, либос.

**Мурчол (мурчил)** – ҳар бир қўшинга белгилаб берилган жой. У ердан қалъа буржлари ва дарвозаларига қараб ер остидан ўра казиб борилган; қалъа атрофида қазилган чуқурликлар, хандақлар; қўшин, лашкар маъносида ҳам ишлатилади.

**Муставфий** – подшоҳлик ва хонликда молия (қирим-чиким)ишларини идора қилувчи мансабдор.

**Мустақирул-хилофат** – салтанат собит қарор топган жой.

**Муттақо** – таомланиш ёки сўхбат вақтида ёнбошлашга мўлжалланган махсус буюм, болиш.

**Мушқув** – сарой, ҳарам.

**Мушриф** – девонлик ва корхоналарда ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи кичик лавозимли хизматчи.

**Мукриб** – подшоҳга, саройга яқин киши.

**Мухмал** – маъносиз, бир нарсага далолат этмайдиган; ташландик.

**Мухосара** – камал қилиш, ўраб олиш.

**Мухр** – бир тула, яъни 2,5 мисқол оғирлигидаги ёки ўн беш рупия миқдорига олтин танга.

**Мухрдор** – шох муҳрини сақловчи.

**Мухтасиб** – эҳтисоб этувчи, шариатга ҳилоф ишларни текширувчи икки тоифа, яъни диний ва давлат мухтасиблари бўлиб, бир тоифаси шариат қонунари бузилмаслигини кузатса, иккинчиси бозордаги тошу тарози, нарх-навони назорат қилиш учун масъул ҳисобланган.

## Н

**Навин** – янги.

**Наврӯз** – Аврангзеб даврида унинг тахтга ўтирган кунидан бир ҳафта ўтиб – шаввол ойининг биринчи кuni нишонланган байрам.

**Нақб** – тешиқ, лаҳим. Қалъа деворига талафотсиз етиб олиш мақсадида қазиб бориладиган лаҳим. Нақбчи – лаҳим қазувчи.

**Накиб** – кўшиннинг тузилиши ва уни қурол-яроғ, бошқа анжомлар билан таъминлашга масъул олий мансабдор. Накиб саййидлар орасидан танлаб олинган.

**Нақора** (ноғора) – алоҳида эътиборли аъёнлар ва шахзодаларга ҳадя қилинган чолғу асбоби.

**Нимаи остин** – шақлан мантияга ўхшаш тилладўз устки кийим; нимча, жилет.

**Нисор** – соқчи; учрашганда подшоҳ, хон ва султонлар бошидан сочиладиган тангалар.

**Ноком** – истагига етолмаган, маҳрум, бебаҳра; ночор, ноилож.

**Ноғора ва байроқ** – ҳокимият рамзи; уларни бирон аълиё ёки ҳукмдор қўлидан олган киши маълум мамлакат (вилоят) ҳукмдори деб тан олинади.

**Нўён ёки нўйин** – хонзода, улуг амир, ноиб; туман (ўн минг кишилик лашкар) бошлиғи.

## О

**Обдорхона доруғалиғи** – саройни сув ва бошқа ичимликлар билан таъминлаб турувчи бошқарма.

**Ол-тамға** – қизил муҳр. Подшоҳ ва хонларнинг шахсий муҳри бўлиб, энг муҳим ҳужжатларга босилган.

**Оталиқ** – ёш шаҳзоданинг яқин маслаҳатчиси. У балоғатга еттунига қадар бошқарув ишида етакчи бўлиб турган. Оталиқлар обрўли ва мўътабар амирлар орасидан сайлаб олинган.

**Офтобгир** – соябон; тахтта ўрнатилган махсус соябон «чҳатр» деб ҳам юритилган.

**Ошлиғ** – ҳарбий юришлар пайтида лашкарларнинг эҳтиёжи учун аҳолидан тўпланган дон-дун, озиқ-овқат маҳсулотлари.

**Оқ уйлик** – бўйсундирилган мамлакат халқининг бир қисмини бошқа юртларга кўчирма қилиш; кўчирма қилинган киши.

## П

**Парвоначи** – подшоҳ, хоннинг амр-фармонларини маҳаллий ҳукмдорларга етказишга масъул мансабдор.

**Паргана ёки маҳол** – бир неча қишлоқ, яъни «деҳ»лардан ташкил топган кичик маъмурий бўлима.

**Паҳар (пахри)** – хиндлар кеча-кундузни тўрт қисмга бўлиб, ҳар бирини шундай атаганлар.

**Паҳунчи (паҳунжи)** – билагузукнинг бир тури.

**Пешқаш** – подшоҳлар, хон, султонлар ва уларнинг хотинлари, фарзандларига қилинадиган махсус тортиқ; солиқ, ўлпон. Шунингдек, юқори мансабларга тайинланиш учун олий даргоҳга кирганда шохга бериладиган совға-саломлар.

**Полики** – тахтиравон.

**Пон** – бетел дарахти барги, одатда, таом ҳазми учун истеъмол қилинади.

**Пондон** – пон солинадиган темир идиш.

**Пос** – 1 уч соатни англатувчи вақт бирлиги; кечанинг бир қисми – саккиздан бир бўлаги; 2 тунги соқчи.

**Порастор** – қанзак, хизматчи, чўри.

**Пардала (пурдила)** – қилич осиб юриладиган қайиш – камар.

## Р

**Работ** – қарвон ва йуловчилар қўниб ўтадиган манзилгоҳ; йўл устидаги қарвонсарой.

**Раият** – солиқ тўловчи аҳоли, қора ҳалқ.

**Раъд андоз** – ўт очувчи мослама; харб қуроли.

**Реҳкала** – кичик тўп ёки тўп лафети.

**Риёсат (раёсат)** – раислик, бошлиқлик, ҳокимият.

**Рона** – доимо ҳаракатда, йўлда бўлган лашкар.

**Роҳдори** – савдо қарвонларининг бир жойдан иккинчи жойга ўтишларида хавфсизликларини таъминлаш учун олинadиган бож тури.

**Рубъи маскун** – Ер қуррасининг тўртдан бири; инсоният яшайдиган обод қисми.

**Рупия** – пул бирлиги. Н. Мануччи асарида кўрсатилишича, кумуш танга.

**Рўзнома ёки вазифа** – кундалик харж пули.

## С

**Савлажон** – чавгон.

**Садорам** – садрлик, раислик (улуғ мансаб).

**Садр** – диний ишлар хизмати (департаменти) бошлиғи, унга бош қози, яъни қозиул-қуззот, муфтий, бош мухтасиб, жазия ишлари назоратчилари итоат этганлар. Аввал кўп ҳолларда садр ва қозиул-қуззот лавозими бир кишига берилган, аммо Аврангзеб ҳукмронлиги даврида уларга алоҳида шахслар тайинланган.

**Сажжоданишин** – сажда қилувчи, тоат-ибодат билан муттасил машғул киши.

**Сазовал** – хўжалик назоратчиси.

**Самаран (сумран)** – тасбех.

**Санги яшм** – яшм тоши.

**Сарафроз** – юксак, юксалган, ҳаммадан устун; улугвор; хурсанд, қувнок бўлмок.

**Сари шумор** – жон бошидан олинadиган солиқ; жон солиғи.

**Саркор** – субадан кейинги маъмурий бўлинма бошлиғи ёки фавждор ёрдамчиси. Саркор кўпинча субадор ишларига ёрдам берган, кутвол йўқ ерда унинг вазифасини ҳам бажарган. Шунингдек, подшоҳзода ва шахзодалар саройидаги ишбоши ҳам саркор деб аталган.

**Сарпеч** – саллага тақиладиган зеб-зийнат – қимматбаҳо тошлар қадалиб ясалади.



**Сарпўш** – рўмол, бош кийим, юзга тутиладиган парда.

**Сарфароз** – сарфароз бўлмоқ ёки этилмоқ – кимсанинг хизматига мушарраф бўлмоқ (этилмоқ).

**Саропарда** – сарой пардаси катта парда. Подшоҳ, хон чодир ичига тутиладиган бу парда «кўринишхона»ни «хос хона»дан ажратиб турган.

**Сарқуб** – қалъа рўбарўсига тупроқ ва тошдан баланд қилиб уйилган сунъий тепалик. Жангни ва қалъа ичини кузатиш учун хизмат қилган.

**Сикка** – танга пул, тамға урилган акча.

**Сипар** – қалқон, диҳал; қҳера ва пҳари деб ҳам аталган.

**Сипеҳр гардуни** – айланувчи осмон.

**Сипоҳсолар** – суба ҳокими.

**Сиҳра** – марварид тож, никоҳ тўйида куёв бошига кийдириладиган гулчамбар.

**Совури** – подшоҳ ва хонлар вилоят ва шаҳарлардан ўтаётганларида уларга аҳолидан тўплаб қилинадиган инъом.

**Содин** – Макка ибодатхонасидаги сокчи.

**Сонак** – оғирлик ўлчови.

**Соҳиб таъб** – яъни шоир.

**Суба** – ўлка-вилоят; Аврангзеб ҳукмронлиги даврида Бобурийлар салтанати қуйидаги 21 субага бўлинган: Кобул, Панжоб, Мултон, Дехли, Агра, Оуд, Аллоҳобод, Бихар, Бенгал, Молва, Ажмир, Гужарот, Берар, Ханда, Аҳмаднагар, Орисса, Кашмир, Синд, Бидор, Гўлқанд ва Бижопур. Бир қанча вақт Қандаҳор ҳам салтанат таркибидаги алоҳида суба ҳисобланган, суба ҳокими – субадор деб аталган.

**Суроҳий** – узун бўйли сув ва май идиши, шишаси, жом.

**Сурх** – оғирлик ўлчови.

**Суҳра** – подшоҳлик эҳтиёжи учун аҳолидан олинадиган юк ҳайвонлари.

**Суюрғол** – инъом, совға. Амирлар, шахзодалар, йирик мансабдорлар ва кўзга кўринган шоирлар, шунингдек, йирик мусулмон руҳонийларига тожу тахт олдида кўрсатган катта хизматлари эвазига ҳукмдорлар тарафидан қилинадиган турли-туман инъом: ер-сув, мол, кийим-кечак, наслдор отлар ва ҳоказо.

## Т

**Табар** – жанг болтаси.

**Табл** – дўмбира.

**Тансуқот** – хонлар, аслзодаларга тортиқ қилинадиган нодир, қимматбаҳо мол ва буюмлар.

**Танҳо** – лашкар бошлиқлари ва саройдаги кичик хизматчиларга маош сифатида бериладиган инъом. Бу ер-сув ёки маълум ердан ундириладиган хирожнинг бир қисми ҳам бўлиши мумкин.

**Тарқаш** – садок, гирдон (ўқдон).

**Тасҳих** – мансабдорлар ўз қарамоғидаги суворийларни вақти-вақти билан қуриқдан ўтказиб турганлар. Суворийлар эса соғлом ҳамда от, кийим-бош билан таъминланган бўлишлари ва сон жиҳатидан шартлашилган ҳисобдан ошмаслиги керак эди. Айни мана шу масалаларни назорат қилиш тасҳих номи билан юритилган.

**Тахтақулоҳ** – ёғочдан ясалган қулоҳ (қалпоқ) бўлиб, унга қўнғирокча осилган; «қулоҳи зангула» деб ҳам аталган ва масҳаралаш учун гуноҳкорлар бошига кийгизилган.

**Тағор** – ҳарбий юришлар пайтида қишлоқма-қишлоқ юриб лашкар эҳтиёжи учун аҳолидан тўпланадиган дон-дун.

**Таҳвилдор** – субаларда йиғилган солиқ ва бошқа буюмларни сақловчи.

**Таҳон** – дона ёки газмол кесими.

**Таҳсилдор** – парғанадаги солиқ йиғувчи.

**Тҳана** – ер, ер бўлаги.

**Тҳанадор** – ер эгаси, заминдор: ер эгалиги, заминдорлик масалаларини назорат қилувчи хизмат мансабдори.

**Тирандоз** – қамончи.

**Тура** – одам бўйига мослаштириб ясалган махсус қалқон, сипоҳийлар унинг ёрдамида душман ўқидан ҳимояланганлар.

**Турра** – саллага қадаладиган зеб-зийнат.

**Тўғро** – подшоҳ, хонларнинг ёрлик ва фармонлари бошида ёзиладиган ҳамда исми шарифлари, амалларини кўрсатувчи махсус ҳарфлардан иборат белги – шифр, монограмма; шаҳаншоҳ муҳри, имзо ва подшолик ҳужжатлари битиладиган махсус имло.

**Тўлғам** – муқобил лашкар қанотидан айланиб ўтиб, орқадан зарба бериш усули, тактикаси.

**Тўққиз-тўққиз** – подшоҳ ва хонларга қилинадиган тортиқ. Ҳар бир нарсадан (мато, от ва ҳоказо) тўққизтадан бўлиши шарт ҳисобланган.

## У

**Уғалдон** – туфлаш учун муҳсус идиш.

**Улуфа** ёки **алуфа** – сипоҳийлар, йўловчи мансабдорлар, элчиларга бериладиган маош, озиқ-овқат ва уларнинг отлари учун бериладиган ем-хашак; шу мақсадда халқдан йиғиладиган солиқ.

**Умрои кибор** – мингдан ортик отлик аскарга эга мансабдорларга бериладиган унвон.

**Урбаси** – марварид ҳамда турли қимматбаҳо тошлардан ясалган маржон шодаси.

**Улуши ҳос** – подшоҳ дастурхонидаги ноз-неъматлар.

## Ф

**Фавж** – ҳарбий бўлинма, қўшин, лашкар.

**Фавждор** – марказий давлат номидан субаларда тартиб-интизомни жорий қилувчи адлия мансаблари. Асосан итоатсиз феодалларга қарши курашиш ва халқ ғалаёяларини бостириш ишлари билан шугулланган. Аврангзеб ҳукмронлиги даврида фавждорлик мансаби жогирдорларга берила бошлаган. Натижада, аста-секин фавждор билан жогирдор сўзлари бир хил тушунчани англатадиган бўлиб қолган.

**Фавжи баронғар** – қўшиннинг ўнг қанот қисми.

**Фавжи чандовул** – қўшиннинг орқа томонидаги ҳимоя қисми.

**Фавжи гул** – қўшиннинг марказий, ўнг қанот ва чап қанот қисмлари, биргаликда ҳаракат қилиб, ҳужумга ўтиши.

**Фарвардин ойн** – хижрий-шамсий йилнинг биринчи ойн; 21 ёки 22 мартдан 21 ёки 22 апрелгача.

**Фаррош** – подшоҳлар, хонлар ва бошқа ҳукмдорларнинг уй хизматчиси. Масжид ва мадрасаларни супуриб-сидирадиган кичик хизматкор.

**Фаррошхона** – гилам ва палослар сақланадиган жой.

**Фарқад** – кичик айиқ туркумидаги юлдузлардан бири.

**Фасод ойн** – бузуқи, фитнес-фасодга мойил, тартибсизлик келтириб чиқаришга одатланган тоифа.

**Фатҳпич** – саллани ўраш услуби, шунингдек, пичок турларидан бири.

**Футадор** – паргана хазиначиси.

**Фўта** – тилладўз матодан тикилган ўрама белбоғ (гоҳо салла ўрнида бошга ҳам ўралади).

## Х

**Хабарчи** – душман хусусида маълумот олиб келувчи; разведкачи; форсий қўлёзмаларда «хабарғирӣ» деб ҳам аталган.

**Хандақ** – ўра; душман лашкарини ўтказмаслик мақсадида қалъа теварагига казиб ва одатда сув тўлатиб қўйиладиган кенг ва чуқур зовур; махсус мудофаа иншооти.

**Хийма** – шоҳона чодир; умуман – чодир.

**Хилофат** – мусулмон дунёси подшоҳларининг баъзилари ўзларини Муҳаммад пайғамбарнинг ўринбосари – халаф, халиф ва подшоҳликларни эса – хилофат деб атаганлар: салтанат, тахт эгаси, подшоҳ, хукмдор маъноларида ҳам келади.

**Хилъат** – мукофот тарзида бериладиган фахрий тўн, чопон, халат.

**Хокрез** – қалъа девори остига ўра қилиб ўйилган мудофаа иншооти.

**Холиса** – давлат даромадлари, давлат ҳисобидаги ер.

**Хонсолор** – дастурхон ёзувчи, дастурхончи; шоҳ таоми ва шоҳона дастурхон мутасаддийси.

**Хони хонон** – хонлар хони, яъни бир шахсга бериладиган юксак унвон.

**Хос** – бу сўз илова қилинган буюм ва лавозим фақат подшоҳгагина тегишли ҳисобланади. Масалан, жилов хос – подшоҳнинг хос жиловдор хизматчиси.

**Хужаста** – қутлуг, муборак, бахтли.

## Ч

**Чакхордонак** – Ҳиндистон ҳудудида айнаи бир вақтнинг ўзида тўрт иқлим ҳукмрон бўлиб туришидан келиб чиқиб, бу мамлакатга берилган нисбат. Масалан: Деканнинг жанубий ўлкалари биринчи; Гужарот, Орисса ва бошқа ўлкалар иккинчи; Синд, Мултон, Мекрон ва Ғазнаи учинчи ва ниҳоят, Кашмир тўртинчи иқлимга мансубдир.

**Чарн** – «жалола»нинг тўртдан бир миқдоридаги олтин танга, жалола икки муҳрга тенг.

**Чарх** – ғилдирак, айланувчи осмон, тақдир, толе. Бу ерда – қалъа девори устига ўрнатилган махсус қурилма.

**Чаховани** – қароргоҳ тутиш, тўхташ, жойлашиш.

**Чахогил** – бурдук, меш.

**Чахра** – хинд тадқиқотчиси Сри Рам Шарманинг ёзишига кўра, тасҳих ва доғ ишларининг амалга оширилиши.

**Чаловул** – йўл устидаги қишлоқ ва кентларни тўсатдан босқин қилувчи ҳарбий бўлима.

**Чиндовул (чиғдовул)** – қўшиннинг орка, дум қисми, арьергард.

**Чир ва тура** – қўшинлар тўхтаганда ҳарбий қароргоҳ (саф, лагер) олдида қўйиладиган махсус четан тўсик.

**Чолгун** – ҳарбий юришлар пайтида душман тарафнинг йўл устидаги қалъа атрофида жойлашган қишлоқларга уюштирадиган босқини.

**Чортоқ** – чодирнинг бир тури.

**Чорқаб** – снги ва этагига марваридлар қадалиб, гул хошиялар солинган, тилладўз матодан тикилган ёқали камзул. Чорқаб эллик минг рупия ва ҳатто ундан ҳам қимматроқ баҳоланган.

**Чубдор** – ҳокимият рамзи бўлмиш подшоҳ асоси (ҳассаси)ни кўтариб юрувчи.

**Чуки** – подшоҳ олдида таъзим қилиш; **чуки хос** – подшоҳга таъзим бажо келтирилиши учун масъул хизмат.

**Чухра** – подшоҳ, хон ихтиёридаги махсус ҳарбий бўлима жангчиси. Чухраликка зодагон ва ўзига тўқ одамларнинг фарзандлари олинган.

**Чухра оғаси** – подшоҳ, хон кўриқчилари бошлиғи. Подшоҳ ва хон ихтиёрида турадиган махсус қисм – чухра бошлиғи.

**Чҳилқад** – милтиқнинг бир тури.

### Ш

**Шамшир** – ёйсимон, эгри қилич.

**Шикори қамарға (қамурға)** – ов тури; хайвонларни ҳар томондан қуршовга олиб овлаш усули.

**Шиговул (шиковул)** – подшоҳ, хон ҳузурига арз билан келувчи одамларни, шунингдек, элчиларни кўринишга олиб кириш хизмати мансабдори.

**Шутурнол** – туяда олиб юриладиган тўп (фальконат).

**Шукурчи** – хон, вазир амир ва бошқа олий даражадаги шахсларнинг ёнида соябон кўтариб юрувчи хос хизматкор.

### Э

**Эшик оқо (оға)** – саройбон; подшоҳ ва хон саройининг мутасаддий ходимларидан.

### Ю

**Юрговул** – ҳарбий юришлар пайтида қўшиннинг озик-овқат, ем-хашак захирасини тулатиш мақсадида йўл устидаги кишлоқларга қилиб турилган босқин.

**Ютехдор** – посбон, қоровул.

### Я

**Яқрон** – ёли ва думлари оқ, танаси қизил оқ умуман – яхши от.

**Ясов (ясол)** – қўшинни ҳарбий юриш ва жанг олдидан сафга тортиб кўриқдан ўтказиш: қўшиннинг жанговар сафи.

**Ясовул** – подшоҳ ва хонларнинг кичик хизматкори; асосан қўриқчилик қилган, баъзида хоннинг айрим юмушларини ҳам бажариб турган.

## Ў

**Ўрда** – сарой, давлат раҳбари муқим қарор топган жой; давлат бошлиғи бошқарувидаги қўшин тўхтаган жой.

**Ўрду** – ҳарбий қароргоҳ, қўшин, лашкар.

## Қ

**Қалб** – лашкарнинг марказ қисми.

**Қалъадор** – қалъа, истеҳком бошлиғи.

**Қамарға** – одатда шоҳ ва шаҳзодаларнинг ов қилишлари учун ўрмон ёки чангалзорларнинг маълум бир қисми бир қанча минг аскарлар томонидан ўраб олиниб, шу ерга хайвонлар ҳайдаб келтирилган. Сўнг шоҳ ва шаҳзодалар бир неча юз ва ҳатто мингларча суворийлар ҳимоясида ов қилганлар. Қамарға ови тинчлик даврида ҳам аскарларнинг доимо жанговар ҳолатда бўлишларини таъминлаш учун тез-тез ўтказиб турилган.

**Қанбул** – лашкар қанотини ҳимоя қилиб турувчи ҳарбий қисм.

**Қасабус-сабақ** – биринчилик, ғолиблик.

**Қирот** – унциянинг йигирма тўртдан бир бўлаги.

**Қушбеги** – қарчиғай, лочин ва шу каби ов қушларини сақлаб, уларга қараб турувчи кичик амалдор.

**Қўналға** – солиқ ва жариманинг бир тури; подшоҳнинг элчилар ва чопарларга, шунингдек, шикор пайтида бошқа тегишли одамларга тунаш учун бошлана, ўзлари ва чопарларига озик-овқат, ем-хашак бериш мажбурияти; шу мақсадда тўланадиган маблағ.

**Қўр** – байроқлар, ноғора, ҳар хил қуроллар ва умуман жанг олдида тайёрланадиган қурол-асбобларнинг умумий номи.

**Қўрик** – подшоҳлар ва хонлар дам оладиган ҳамда шикор қиладиган жой. Бу ерга уларнинг оила аъзолари, яқинлари ва қўриқлаб турувчи ҳарбий қисм вакилларида бошқа ҳеч ким қўйилмаган.

## Ғ

**Ғубра** – дарёдан ўтиш ва ўтказиб қўйиш учун олинадиган ҳақ, бож.

**Ғусулхона** – девони хос.

**Ғул (қул)** – қўшиннинг марказ қисми.

**Ғурра** – янги ойнинг биринчи, илк куни, боши.

## Ҳ

**Ҳавдаж** – фил устига ўрнатилган ўриндиқ; кажава; хотин-қизлар олиб юриладиган замбил, тахтиравон.

**Ҳарам** – бегоналар кириши ман этилган хона; ҳарамда подшоҳнинг хотинлари, онаси, опа-сингиллари, қизлари ва бошқа яқин қариндош-уруғлари яшаган. Ҳар бир хотин-қиз ўз мавқеи ва даражасига қараб сарой ёки махсус хоналарда турган ва ҳарбийлар томонидан қўриқланган.

**Ҳар** – гулчамбар, шунингдек марваридлар шодаси ҳам бўлиши мумкин.

**Ҳировул** – қўшиннинг илғор қисми кетидан борувчи махсус ҳарбий бўлинма.

**Ҳукқа** – қимматбаҳо тошлар солиб қўйиладиган қутича.

**Ҳун** – олтин танга.

**СЎЗБОШИ, ШАРҲ ҲАМДА ИЗОҲЛАР БАЁНИДА  
ФЙДАЛЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР**

1. Қуръони карим (Таржима ва изохлар муаллифи Абдулазиз Мансур) Т., 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т., “Ўзбекистон”, 1999.
3. Антонова К.А. Очерки общественных отношений и политического строя Могольской Индии времен Акбара. М. 1952.
4. Ашрафян.К.З Аграрный строй Северной Индии, XIII–XVIII вв. М., 1965.
5. История Индии в средние века. М., 1968 г.
6. Муҳаммад Мустаъидхон Соқий. “Маъосири Оламгирий”.
7. Низомиддинов И. Ўрта Осиёнинг чет эл Шарқи билан муносабатлари. Т., «Ўздавнашр», 1961.
8. Новая история Индии. М, 1961.
9. Нуриддинов М. Бобурийлар сулоласи. Т., 2005.
10. Урду- русский словарь.
11. Ягелло И.Д. Полный персидско-русский словарь. Т., 1910.
12. Abulfazl Allami. “Aini-Akbari”. Lakhnaw, 1893.
13. Abdul Aziz. Arms and jewellery of the Indian Mughals. Lahore, 1947.
14. Ishtiaq Husain Qureshi, The Administration of the Mughal Empire, Karachi, 1966.
15. Percival Spear. light of the Mughals. Combridge. 1951.
16. Percival Spear. A short history of India. Penguin books. 1990.
17. Sri Ram Sharma, Mughal gourment and administration. Bombay, 1951
18. Sri Ram Sharma. Bibliography of Mughal India. Bombay, 1930.



## МУНДАРИЖА

Сўзбоши.....	3
Мукаддима.....	11
Олий жулус (тахтта ўтириш маросими)дан аввал абадий салтанат нурларининг балқиси ҳамда иқболи жаҳонгашталиқнинг ундан кейинги ўн йиллик маълумотларини ўз ичига олган ажойиб воқеалар зикри.....	12
Жусунат Сингхнинг ғалабанишон қўшига қарши кураши ва тор-мор этилиши.....	14
Иқбол аскарларининг Доро Шукуҳ билан қилган жанги ва Доро Шукуҳнинг қочиши.....	15
Иқбол аскарларининг Шох Шужога қарши саф тортиши.....	20
Зафарасар лашкарнинг Доро Шукуҳга қарши иккинчи маротаба саф тортиши ва унинг тор-мор этилиши.....	24
Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмишинчи ҳижрий йилига тўғри келган учинчи йили бошланиши.....	33
Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг олтимиш биринчи ҳижрий йилига тўғри келган тўртинчи йили бошланиши.....	36
Бихар вилояти ва Ошом мулкининг фатҳ этилиш қиссаси.....	40
Улуғ Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган бешинчи йили бошланиши.....	41
Улуғ Оламгир хилофатта ўтирганининг бир минг етмиш учинчи ҳижрий йилига тўғри келган олтинчи йили бошланиши.....	44
Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш тўртинчи ҳижрий йилига тўғри келган еттинчи йили бошланиши.....	46
Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган саккизинчи йили бошланиши.....	47
Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг етмиш олтинчи ҳижрий йилига тўғри келган тўққизинчи йили бошланиши.....	51
Оламгир хилофат даврининг бир минг етмиш еттинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўнинчи йилининг бошланиши.....	56
Юсуфзай афгонларининг исёни.....	57
Улуғ Оламгир салтанатининг бир минг етти юз саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн биринчи йили бошланиши.....	64
Хилофат ва жаҳондорлиқнинг шамъи шабистони, қудрат ва шавқатнинг сарви бўстони, тула бахтли подшоҳзода Муҳаммад Аъзам никоҳ тўйи базмининг оройиши.....	68
Улуғ Оламгир давлатининг бир минг етмиш тўққизинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн иккинчи йили бошланиши.....	70

Басра ҳокими Ҳусайн пошонинг фалакасос саройга ташрифи ва кадршунос марҳаматли ҳокон илтифотидан баҳраманд бўлиши.....	74
Жаҳонни фатҳ этувчи туғнинг мустакирул-хилофат Акбаробод томон кўтарилиши ва қора ниятли исёнчилар жазоси берилиши.....	79
Улуғ Оламгир давлатининг бир минг саксонинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн учинчи йили бошланиши.....	81
Оламгир давлатининг бир минг саксон биринчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн тўртинчи йили бошланиши.....	90
Куёш янглиг порловчи байроқларнинг мустакирул-хилофат Акбарободдан дорул-хилофат Шохжаҳонобод томон кўтарилиши.....	95
Оламгир фармонраволягининг бир минг саксон иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн бешинчи йили бошланиши.....	96
Таажжубни орттирувчи кўзғолон воқеаси. Номдор кишилар кўзғолончиларни «мўндилар» деб ҳам аташади.....	96
Муҳаммад Аминхоннинг бахтсизлиги ва Ҳайбар йўлидаги қайтиш қиссаси.....	99
Ниҳоятда кўп мактовларга лойиқ подшоҳзода Муҳаммад Акбарнинг никоҳ мажлиси оройиши, икбол базми зикри.....	99
Оламгир салтанатининг бир минг саксон учинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн олтинчи йили бошланиши.....	102
Оламгирлик улуғ давлатининг бир минг саксон тўртинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн еттинчи йили бошланиши.....	107
Шижоатхоннинг ҳалокат жарига йиқилиши ва жаҳонкушо (жаҳонни фатҳ этувчи) байроқларнинг Ҳасан Абдал томон кўтарилиши.....	109
Оламгир саодатли (тахтта ўтирганнинг) бир минг етмиш бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн саккизинчи йили бошланиши.....	114
Оламгир кудратли (салтанати) даврининг бир минг саксон олтинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўн тўққизинчи йили бошланиши.....	121
Жаҳонистон мавкабининг Ҳасан Абдалдан қувончга эгизак дорул-хилофат томон юриши.....	122
Жаҳонгузар кўшиннинг Лохурдан дорул-хилофатга қайтиши.....	126
Оламгир салтанатининг бир минг саксон еттинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирманчи йили бошланиши.....	127
Салтанат шажараси (дарахти)нинг катта меваси мағфиратнишон Муҳаммад Султоннинг жаннат бўстони томон кетиши.....	131
Оламгир абадий салтанатининг бир минг саксон саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирма биринчи йили бошланиши.....	132
Жаҳон айнан шундан иборат бўлган улуғ Оламгир давлатининг бир минг саксон тўққизинчи ҳижрий йилига тўғри келган йигирма иккинчи йили бошланиши.....	139
Жаҳонни ларзага келтирувчи байроқларнинг биринчи маротаба дорул-хайр Ажмир томон кўтарилиши.....	140

Жаҳонни ларзага келтирувчи лашкарнинг иккинчи бор дорул-хилофатдан дорул-хайр Ажмир томон хиром этиши.....	146
Олий Оламгир давлатининг бир минг тўқсонинчи хижрий йилига тўғри келган йигирма учинчи йили бошланиши.....	147
Зафар қўшинининг Ажмирдан Удайпурга юриши.....	148
Подшоҳзода Муҳаммад Аъзамнинг йигирма иккинчи йили еттинчи рамазонда фалаксукунат ва виқор билан Бангола вилоятидан олий даргоҳга юриши.....	148
Музаффар мавкабнинг Удайпурдан дорул-хайр Ажмирга қайтиб келиши.....	154
Оламгир хилофатининг бир минг тўқсон биринчи йилига тўғри келган йигирма тўртинчи йили бошланиши.....	157
Хонадонни барбод қилувчи фикри бузуқлар ифвosi билан подшоҳзода Муҳаммад Акбарнинг муҳолиф бўлиши баёни.....	159
Зафар аскарлари хилофат бўстонининг нури подшоҳзода Муҳаммад Аъзам саркардалигида Декан мамлакатини забт этиш учун юриш қилгани.....	170
Улуғ Оламгир тахтга ўтирганининг бир минг тўқсон иккинчи хижрий йилига тўғри келган йигирма бешинчи йили бошланиши. Жаҳонпаймо байроқларнинг Ажмирдан Бурҳонпур томон ҳаракатга келиши.....	171
Олий байроқларнинг Бурҳонпурдан Аврангобод томон юриши.....	174
Оламгир подшоҳлик даврининг бир минг тўқсон учинчи хижрий йилига тўғри келган йигирма олтинчи йили бошланиши.....	177
Улуғ Оламгир қудратли жулуси (тахтга ўтирган) даврининг бир минг тўқсон тўртинчи хижрий йилига тўғри келган йигирма еттинчи йили бошланиши.....	189
Хужастабунёд маъмур бўлиши учун зафар юлдузли қўшиннинг Аврангободдан иккинчи маротаба Аҳмаднагар томон юриши.....	191
Улуғ Оламгир давлатининг бир минг тўқсон бешинчи хижрий йилига тўғри келган йигирма саккизинчи йили бошланиши.....	197
Музаффар байроқларнинг Аҳмаднагардан Шулопур томон кўтарилиши.....	206
Музаффарнишон қўшинининг қудрат ва улуғлик шажараси, тўнгич самараси, олий иқбол подшоҳзода Шоҳ Олам Баҳодир саркардалиги остида ёмон ниятли, малъун Абулҳасаннинг танбеҳини бериб қўйиш жиҳатидан қулай фурсатдан фойдаланилгани баёни.....	207
Оламгир бахтиёрлик даврининг бир минг тўқсон олтинчи хижрий йилига тўғри келган йигирма тўққизинчи йили бошланиши.....	208
Ҳайдарободнинг фатҳ қилиниши.....	213
Шоҳ Олам Баҳодирнинг Ҳайдарободдан келиши.....	219
Зафарораста олий байроқларнинг Шулопурдан Биждопур қалъаси (томон бу қалъани) мақтанчоқлар тасарруфидан тортиб олиш учун кўтарилиши.....	219

Оламгирнинг оламини фатҳ этувчи (жаҳонкушо) зафарбар (жулусининг) бир минг тўқсон еттинчи хижрий йилига тўғри келган ўттизинчи йили бошланиши.....	221
Музаффар байроқларнинг доруз-зафар Биждопурдан Шулопурга кайтиши.....	226
Шаҳзода Бедорбахт билан Мухторхон кизининг тўйи.....	226
Оламини фатҳ этувчи музаффар байроқли мавкаб (қўшин)нинг Шулопурдан Ҳайдаробод томон юриши.....	227
Подшоҳзода Муҳаммад Муаззам тўғри йўлдан (оғиб) эгри ишлар қилгани сабабли (уни) адаб зиндонига (ташлаш) иродаси ва (бунга) Тангри халифасининг рози бўлиши.....	232
Оламгир зафарбар (тахтта ўтиришининг) бир минг тўқсон саккизинчи хижрий йилига тўғри келган ўттиз биринчи йили бошланиши.....	237
(Тангри) ёрдамчиси, жаҳон посбонининг ҳукми билан Сикҳар ўлкасининг фатҳ қилиниши.....	241
Меҳригиё подшоҳ байроқ ойчасининг дорул-жиход Ҳайдаробод вилоятидан доруз-зафар Биждопур томон кўтарилиши.....	244
Жонларни тахликага солувчи ва оламини фатҳ этувчи аскарларнинг доруз-зафар Биждопурдан Сабанҳо мулкини забт этиш учун таважож қилиши.....	251
Ёвуз ниятли Сабанҳонинг қўлга тушиши ва ул жаҳаннамконнинг умидсизликка юз тутиши.....	253
Ғолиб ташриф қўшинининг ўттиз иккинчи йил йигирма биринчи жумодул аввалда Курагону Тафтаҳободга келиши.....	257
Ушбу севинчга шомил йилнинг зафарнишон воқеаларидан ул бенаволик йўлдоши, жаҳаннамий Рононинг сардорлари билан биргаликда асирга тушиши.....	258
Оламгир абадий хилофатининг бир минг бир юзинчи хижрий йилига тўғри келган ўттиз учинчи йили бошланиши.....	260
Роҳири қалъасининг фатҳ қилиниши ва Ёттикодхонга “Зулфикорхон Баҳодир” хитоби марҳамат этилиши.....	262
Ўн олтинчи рабиул аввалда олий ўрданинг Курагонудан доруз-зафар Биждопур томон қайтиш байроғи баланд кўтарилиши.....	263
Оламгир бахтиёр жулусининг бир минг бир юз биринчи хижрий йилига тўғри келган ўттиз тўртинчи йили бошланиши.....	265
Оламгир тахтта ўтирганининг бир минг бир юз иккинчи хижрий йилига тўғри келган ўттиз бешинчи йили бошланиши.....	268
Саодат ва бахтиёрлик буржининг порлок юлдузи подшоҳзода Муҳаммад Муаззамнинг зиндон жазосидан озод бўлиши ҳамда меҳрибон табиблар ёрдамида дардидан шифо топиши.....	269
Оламгирнинг қудратга тўла (жулуси) бир минг бир юз учинчи хижрий йилига тўғри келган ўттиз олтинчи йили бошланиши.....	273

Оламгир кудратли жулусининг бир минг бир юз тўртинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз еттинчи йили бошланиши.....	278
Осмоний (илоҳий) фалокат бахтсизлиги ҳамда ногаҳон офат ҳисобланмиш подшоҳзода Муҳаммад Комбахш исёнқорлик қилмишининг афв этилиши.....	279
Оламгирнинг зафарларга тўла жулусининг бир минг бир юз бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз саккизинчи йили бошланиши.....	289
Оламгир жасурана жулусининг бир минг бир юз олтинчи ҳижрий йилига тўғри келган ўттиз тўққизинчи йили бошланиши.....	291
Фалакка етувчи байроқларнинг доруз-зафар Биждопур ноҳияларидан Ислонпури деб номланган Бараҳманпури мавзеи томон ҳилпираши.....	293
Хоназодхон, Қосимхон ва Ҳимматхон Баҳодирлар ногаҳон қазодан келган офат балосининг маҳшарига учрадилар ва (бирин-кетин) ҳисобдан ўчиб, (бир-бирларига) ўхшаб қолдилар.....	294
Оламгирнинг иқболга молик жулусининг бир минг бир юз еттинчи ҳижрий йилига тўғри келган қиркинчи йили бошланиши.....	299
(Оламгир тахтта ўтирганининг) бир минг бир юз саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирк биринчи йили бошланиши.....	302
Баҳмаро (Беҳро) дарёси сувининг тошиш воқеаси.....	304
Оламгир (тахтта ўтирганининг) бир минг бир юз тўққизинчи ҳижрий йилига тўғри келган бахтли қирк иккинчи йили бошланиши.....	308
Хўжа Ёқут Саро(сарой вакили)га ўқ отилиши ва бадқирдорларнинг ёмон ишлари сабабли жазо саройининг расми-одатиға дучор бўлиши.....	312
Оламгирнинг бахтиёрлик жулуси (тахтта ўтириши)нинг бир минг бир юз ўнинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирк учинчи йили бошланиши.....	316
Ҳазрат динпаноҳнинг келажаги маҳкум этилганлар (кўлидан) қалъаларни озод қилиш учун юриши ва Ластқада (Липқада) номи билан маъруф бўлган Қалдифатҳнинг қўлга киритилиши.....	320
Осмон гумбазисимон Ситора қалъаси фатҳ этилиши ва душманларни банд, қалъаларни фатҳ қилувчи хоқон иқболи равнақининг намойиши.....	324
Оламгир салтанатининг бир минг бир юз ўн иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирк тўртинчи йили бошланиши.....	333
Оламини фатҳ этувчи подшоҳнинг ажойиб тадбири ва фармонни ижро этувчи баҳодирларнинг саъй-ҳаракатлари билан Пурили қалъаси қулашининг баёни.....	333
Олий мавқаб (қўшин)нинг Беҳусонқада томон юриши.....	336
Қуёш шуълалари байроқларнинг Пурнола қалъасини фатҳ этиш учун кўтарилиши.....	341
Оламгирнинг мангуликка тенг жулуси (тахтта ўтириши)нинг бир минг икки юз ўн иккинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирк бешинчи йили бошланиши.....	341

Содиққада фатҳининг баёни.....	347
Зафарбар талбир – Кухилно қалъасининг забт этилиши ва бошқа воқеалар баёни.....	350
(Файз) баракотли рамазоннинг биринчи куни – (Оламгир давлатининг) бир минг бир юз ўн учинчи ҳижрий йилига тўғри келган бахтиёр қирқ олтинчи йили бошланиши.....	354
Музаффар байроқларнинг Саххороланадан Боҳодирқадага қайтиши ва баъзи бошқа воқеалар баёни.....	363
Кундона (Кандона) қалъасининг фатҳ этилиши.....	368
Оламгир бахтиёрлик (салтанатининг) бир минг бир юз ўн тўртинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ еттинчи йили бошланиши.....	369
Воқеанигор қаламнинг алҳол салтанат ва бахтиёрлик тахти юксалаётган ҳокимиятнинг бир минг бир юз ўн бешинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ саккизинчи йили бошланишидаги воқеалар баёни.....	376
Оламини фатҳ этувчи хокон голиб қўшинининг ажойиб саъй-ҳаракати билан Тузно қалъаси забт қилинишининг зафарнишон баёни.....	381
Жаҳонгашта байроқларнинг Воқингирони фатҳ қилишга юзланиши.....	384
Хилофатнинг бир минг бир юз ўн олтинчи ҳижрий йилига тўғри келган қирқ тўққизинчи йили бошланиши.....	386
Омонлик лашкарлари обод Дивонпурда қароргоҳ тутишининг баёни.....	397
Мукқаддас зот аҳволи соғ-саломатлик йўлидан чиқишининг баёни.....	398
Бахтиёрлик йилларининг бир минг бир юз ўн еттинчи ҳижрий йилига тўғри келган эллик йили бошланиши.....	400
Муҳаммад Аъзамшоҳнинг Аҳмадободдан саройга кириб келиши.....	401
Давлат ва дин номуси, маърифат ва такво бисоти бўлмиш салтанатни бошқаришнинг бир минг бир юз ўн саккизинчи ҳижрий йилига тўғри келган эллик биринчи йил бошланиши.....	405
Факат ҳақиқат йўлидан борувчи қарвонбошининг жаҳон халқларига ҳоконлик табиатидан, шаҳаншоҳликни бундай ораста этишидан фоний қарвонсарой, муқаддас ва абдий подшоҳлик оламига хиром қилиши.....	406
Одилликда комил ҳоким, зўр олим (Оламгир)нинг лутф-қарамлилик хислатлари, ажойиб ва мақтовга сазовор марҳаматли сифатлари баёни.....	410
Одил ва динпарвар подшоҳнинг шариф ва мўътабар авлодлари зикри.....	417
Айрим тарихий атамаларнинг изоҳли луғати.....	421
Сўзбоши, шарҳ ҳамда изоҳлар баёнида фойдаланилган адабиётлар.....	437

**МУҲАММАД МУСТАЎИДХОН СОҶИЙ**

## **МАЪОСИРИ ОЛАМГИРИЙ**

*Тақризчилар*

Аҳаджон ҲАСАНОВ,  
*тарих фанлари доктори, профессор,*  
Саидбек ҲАСАНОВ,  
*филология фанлари доктори, профессор*

*Махсус муҳаррир*  
*Муҳаррирлар*

Ғулом КАРИМИЙ  
Шариф ХОЛМУРОД,  
Нуруллоҳ МУҲАММАД РАУФХОН

*Муқова сиртини*  
*Ички рангли безакларни*

Хайруллоҳ ҚУДРАТУЛЛОҲ ўғли беади.  
Баҳром ИКРОМОВ,  
Элнур НИЁЗ ўғли тайёрлашди.

*Саҳифаловчи*  
*Мусаҳҳиҳа*

Толибжон ҚОДИРОВ  
Нодира ОХУНЖОНОВА

Нашриёт лицензия рақами: А1 146. 2009. 14. 08.  
Теришга 2012 йил 15 октябрда берилди. Босмахонага  
2013 йил 3 январда берилди. Босишга 2013 йил 5 январда  
рухсат этилди. Офсет қоғози. Қоғоз бичими 60 x 90  $\frac{1}{16}$ .  
Ҳарф гарнитураси Times New Roman. Офсет босма усули.  
Ҳисоб-нашриёт т.: 27,7. Шартли б. т.: 19,9 Адади: 1000 нуска.  
001-сон буюртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Movarounnahr” нашриётида тайёрланди.  
Нашриёт манзили: 100002, Тошкент шаҳар  
Заркайнар 18-берккўча 47а-уй.  
Электрон почта: [m-nashr@yandex.ru](mailto:m-nashr@yandex.ru).  
Тел.: (8-371) 227-34-30, 240-05-19

“КО‘НИ-NUR” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент шаҳри Бунёдкор шох кўчаси 44-уй.